

12-СОН, 1-ҚИСМ

ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК, ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика XII илмий-амалий
конференция материаллари

28 АПРЕЛЬ 2020 ЙИЛ
ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика XII илмий-амалий
конференция материаллари**



1-қисм

Тошкент – 2020

“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” // Республика XII илмий-амалий конференция материаллари. 12–илмий тўплам [Тошкент давлат шарқшунослик университети. Масъул муҳаррир тар.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов] Тошкент: 2020.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-сон фармойиши, Ўзбекистон ОЎМТ Вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги 116-сон буйруғи, ТДШИ ректорининг 2020 йил 20 февралдаги 01-143 сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 28 апрель куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган “**Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари**” мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 12-навбати материаллари эълон қилинмоқда.

Анжуман ТДШУ илмий-тадқиқотлар режаси асосида шартномавий ҳамкор ташкилотлар – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор М.М.Исҳоқов

Такризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Ҳ.Исмоилова

Тар.ф.н., доц. Р.Р.Алимова

Таҳрир гуруҳи:

**Ҳайдаров И.М., Одилов Б.А., Мадраимов А.А.,
Худойназаров И.Б., Абиров В.Э., Дедамирзаев Ж., Алимов З.**

Саҳифаловчи: Зокиров Б.И.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2020 йил
18 апрель куни бўлиб ўтган 2-сонли навбатдан ташқари
Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

СЎЗ БОШИ

Ҳурматли илмий анжуман иштирокчилари!

Университетимиз “Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги” кафедрасининг “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методи ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзуидаги анъанавий йиллик конференцияси XII навбати минбари атрофида тўпланиб турганингиз учун барчангизга чуқур миннатдорчилик билдираман. Ушбу конференциямизга Республикамиз етакчи тарихчилари, академик олимлардан тортиб талабаларгача юздан ортиқ муаллифлардан мақолалар келиб тушди. Бу ҳол конференциянинг Республикамиз илмий ҳаётидаги юксак ўрни ва нуфуздан дарак беради. Дунё миқёсида барча халқларни ташвишга солиб турган COVID-19 туфайли Республикамизда ҳам бу хавfli касалликнинг олдини олиш бўйича жиддий ва тизимли чоралар кўриб турилган “Ҳамма уйда” шароитига қарамай, илмий ҳаёт бир лаҳза ҳам тўхтамаётгани қувонарли.

Конференция дастуридан қирқдан ортиқ манбашуносликка оид мақолалар ўрин олган. Тарих фанини манбаларсиз тасаввур этиш мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. Республикамиз қўлёзма фондларидаги беқиёс бой мерос устида олиб борилган ва бугун давом этаётган тадқиқотлар қанчалик муваффақиятга эришган бўлмасин, ҳали бу соҳада улкан вазифалар олдинда. Ўз навбатида, бу янги-янги фидойи манбашунослар кадрлар авлодлари етишиб чиқишини талаб этмоқда.

“Мозийга қайтиб” иш кўрмоқ қабилида 20 дан ортиқ тарихшуносликка оид маърузалар фан истиқболи ва ўтмиш хатоларини такрорламаслик учун муҳим. Айниқса, минтақамизда тарих фанининг холислиги, ҳаққонийлиги, манбалар асосида далил ва исботлилигини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турган вазиятда тарихшуносликнинг роли катта.

Конференция дастурида умумий тарихий жараёнлар, этнология, тарих тадқиқоти, таълими методи ва методологиясига оид маърузалар ҳам ўрин олган. Булар тарихнинг айрим амалий ва назарий масалалари учун маъмурий.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тарих институти, Санъатшунослик институти, Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи музейлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари тарихи музейи кабилар билан ҳамкорлик асосида уюштирилмоқда. Бу ҳол таълим ва фан интеграциясининг ёрқин ифодасидир.

Конференция ишига муваффақият, қатнашчиларга омад ёр бўлсин.

*Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори
Г.Ш. Рихсиева*

**«МАТЛАБ АТ-ТАЛИБИН» АБУ-Л-АББАС МУХАММАД
ТАЛИБА СИДДИКИ – ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ
СРЕДНЕЙ АЗИИ XVI – ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЫ XVII В.**

Дилором ЮСУПОВА

*д.и.н., проф., академик Ведущий научный
сотрудник Института Востоковедения АН Уз.*

Матлаб ат-талибин («Цель стремления ищущих истину») представляет собой жития известных Джуйбарских шейхов XVI – первой половины XVII вв., составленные в 1074/1663-1664 году Абу-л-Аббас Мухаммад Талибом Сиддики (род 1017/1608 г.) сыном ходжа Тадж ад-Дин Хасана (Хазрат Ишан).

В сочинении подробно излагаются жизнь и деятельность ходжа Мухаммада Ислама (род. ок. 898/1492-1493 г.; ум. 25 сафара 971/15 октября 1563 г.), ходжа Са’да, ходжа Тадж ад-Дин Хасана, ходжа Абд ар-Рахима (род. 983/1575г.; ум.1038/1628-1629г.), Абди-ходжи (род. 985/1577 г.; ум. 1016/1607 г.) и Мухаммад Йусуфа-ходжи (род. 1003/1595 г.; ум. 1062/1652 г.).¹

Матлаб ат-талибин состоит из введения (рук. ИВАН РУз), инв. №80, лл. 1б – 3а) и восьми глав, которые, в свою очередь, разбиты на части (фасл). I-III главы – компилятивные. Интерес для нас представляет IV – VIII главы сочинения.

В 1985 году известный востоковед Б.А. Ахмедов подробно описал это сочинение, отметил насколько ценны сведения по истории Средней Азии, приведенные автором в нем, и несмотря на это, оно до сих пор не издано, т.е. не издан его научно-комментированный перевод.²

Поскольку *Матлаб ат-талибин* до сих пор не привлек внимание исследователей-источниковедов, мы решили дополнительно остановиться на ценных сведениях, содержащихся в нем.³

В *Матлаб ат-талибин* ярко прослеживается роль духовенства в политической жизни Средней Азии. К примеру, Пирмухаммад-хан, будучи падишахом Бухары, часто ездил в Джуйбар к Ходжа Исламу.⁴

¹ Матлаб ат-талибин. Рук. ИВАН РУз. Инв. №80. Л. 221б.

² Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI - XVIII вв. (Письменные памятники). Ташкент. “фан”. 1985. С. 188-194.

³ Они не привлечены Б.А. Ахмедовом в указанной выше работе в связи с тем, чтобы не превысить стандартный объем описания, выбранный им для всех сочинений, приведенных в данном труде.

⁴ Матлаб ат-талибин. Л. 60б.

Сюда же приезжали и многие малолетние султаны, в числе которых был и Абдулла-хан. Ходжа Ислам больше всех удостаивал своим вниманием Абдулла-хана. Это мы наблюдаем из следующих сведений. Однажды Абдулла-хан прибыл из Миянкаля в Джуйбар с небольшим отрядом, чтобы почтить Ходжа Ислама¹. Тот дал ему *фетву* и спустя некое время Абдулла-хан овладел областью Несеф и пожаловал Ходжа Исламу вилает Масхар (مسخر). Однако, Ходжа Ислам принял лишь селение Мудин (مودين), входящий в этот вилает².

Абдулла-хан отправил письмо Ходжа Исламу из крепости Кишм и Рустака, Таликана, Кундуза, Гур, Баглана, Кухнема, Башлиг и других вилаетов Бадахшана с приглашением прибыть в этот красивый и здоровый в климатическом отношении край³.

Вскоре Ходжа Ислам скончался. Спустя 3 дня после его смерти Абдулла Бахадур-хан устроил в Сумитане траурное пиршество (ختمات) и дал угощение для всех Бухарцев. Тогда же Ходжа Саъда – крупного феодала своего времени посадили в михраб и объявили преемником Ходжа Ислама и выразили ему повиновение⁴. Ходжа Саъд так же дал в честь этого угощение⁵.

Представляет интерес и сообщения Мухаммад Талиба о связях духовенства с правителями Индии: цари Индии Шах Салим и Хуррам-шах направляли дары Ходжа Тадж ад-Дину⁶.

В *Матлаб ат-талибин* нашла свое отражение и династийная борьба между правящими кругами:

Абдулла-хан во главе небольшого отряда переправился через Аму-Дарью и направился на Бухару и становился в местности Чахар-таг. Бурхан Султан (правитель Бухары) оказался в трудном положении и обратился к Ходжа Исламу с просьбой о посредничестве. Тот согласился с тем условием, что он повинуется его любому решению, которое будет выражать волю народа⁷.

Ходжа Ислам вышел из города и направился к местности Чахар-таг. Абдулла-хан со всеми своими братьями выехал ему на встречу. Ходжа Ислам заночевал в стане хана и на другой вечер привезли голову Бурхан Султана и бросили под ноги Абдулла-хана. Ходжа Ислам привел Абдулла-хана в арк Бухары, посадил его на трон и, дав благословение (*фетву*), отправился в Джуйбар⁸.

¹ Там же. Л. 61а.

² Там же. Л. 61б.

³ Там же. Л. 83аб.

⁴ Там же. Л. 69б.

⁵ Там же.

⁶ Там же. Л. 136аб

⁷ Матлаб ат-талибин. Л. 61б.

⁸ Там же. Л. 62а.

Узбек-хан был правителем Хисар-и Шадман и некоторое время отношения между ним и Абдулла-ханом были натянутыми. Однажды, находясь на отдыхе где-то около Бойсуна, Абдулла-хан отправил Хазрат Ишану письмо, в котором он просил его высказать свое мнение относительно его намерения снять Узбек-хана с должности правителя Хисари-Шадмана и направить его в Ташкент. Хазрат Имам напомнил ему заветы Ишан-и Каляна, т.е. Ходжа Мухаммад Ислама, который однажды, взяв руку Ишана (Ходжа Саъда) в свою руку и велев Абдулла-хану взять свободную руку Ходжа Саъда сказал царевичу, чтобы тот всё своё желание исполнял через него и не трогал его имущество¹.

В своем письме к Хазрат Ишану Узбек-хан как бы подчеркивал, что он повинуется всякому решению Хазрат Ишана².

Абдулла-хан и Хазрат Ишан встретились в Термезе. Хазрат Ишан спросил хана: «Какие у вас предложения относительно судьбы Узбек-хана? У меня их нет! Узбек-хан поклялся, что он не заигрывает с Ишаном ибо это значило бы шутить с Аллахом³. Хазрат Ишан из Термеза направился в Хисар-и Шадман к Узбек-хану. Его сопровождали Эмиры Абдулла-хана: Джапкелдибий, Кульбаба Кукельташ, Джандавлат-бий, Мухаммад Боки-бий и др. (всего 9 человек)⁴.

Узбек-хан встретил Хазрат Ишана в Хисар-и Шадмане со всеми почестями⁵. Хазрат Ишан изложил цель своей миссии и передал слова Абдулла-хана о том, что он назначает его правителем Ташкента. Узбек-хан принял предложение хана, но с отъездом к Абдулла-хану он оттянул. Тогда Хазрат Ишан заверил его, что с ним ничего не случится, что даже ни один волосок не спадет с головы Узбек-хана. После чего Узбек-хан вместе с Хазрат Ишаном направились в Самарканд. Остановились в Кан-и Гиле.

На другой день Абдулла-хан подписал ярлык о помиловании Узбек-хану Ташкента и он отправился в свой новый удел. Хазрат Ишан дал в жертву Узбек-хану и его сыновьям около 10 тысяч тенга⁶.

После того, как Абдулла-хан захватил Туркестан, он совершил путешествие по Иссык-кулю и вернулся в Бухару через Ходженд. Ходжа Тадж ад-Дин Хасан встретил его в местности Темур Кабук (تمور قابوق) и вручил ему подарки. Вместе с Ходжа Тадж ад-Дин Хасаном были Достим Султан и другие⁷.

¹ Там же. Л. 87б.

² Там же. Л. 87б-88а.

³ Матлаб ат-талибин. Л. 87б- 88а.

⁴ Там же. Л. 88а.

⁵ Там же.

⁶ Там же.

⁷ Там же. Л. 89а.

Перед походом на Ташкент Абдулла-хан посетил могилу Абу Бакра Саъда. Вместе с ним был ходжа Тадж ад-Дин Хасан. Он сопровождал его до Сар-и Пуля Али Сулеймана Бадарка и, благословив его, вернулся в город.²

В «Матлаб ат-талибан» содержатся сведения и о походе Абдулла-хана на Хорезм. Дата этого похода не упоминается, но по некоторым сведениям (упоминается Ишан Калян) совершился он при жизни Ходжа Мухаммад Ислама. Эмиры Абдулла-хана были разбиты и пленены ханом Хорезма – Динмухаммад-ханом. Среди пленных был и Сахиб конграт, зять ходжа Мухаммад Ислама (он был женат на сестре Ходжа Мухаммад Ислама)³.

Абдулла-хан совершил поход и на Самарканд. Он осадил крепость Самарканда. Осажденные призвали на помощь Джуванмард-али хана⁴.

Хазрат Ишан направил в Самарканд некоего Мавлана Хусейна в качестве посла. Перед ним была поставлена задача убедить защитников крепости о бесполезности защиты и уговорить их сдать город без кровопролития⁵. Однако, предводители защитников не приняли слова посла и в скором времени город был взят войсками Абдулла-хана⁶.

Абдулла-хан правил всего 44 года. После отца 16 лет правил самостоятельно⁷.

В Матлаб ат-талибин приводится версия о причине смерти Абдулла-хана: якобы, Абдулмумин-хан сообща вместе Мухаммад Баки-бием отравили пищу хана и в 1006/1596-1597 году убили его таким образом⁸.

Абу-л-Аббас Мухаммад Талиб Сиддики в *Матлаб ат-талибин* приводит достаточно богатый материал по социально-экономическому отношению. В частности, останавливаясь на феодальном хозяйстве Ходжа Мухаммад Ислама, он пишет: «Дело Его величества Хазрат Ишан Каляна дошло до того, что цари [того] времени и султаны мира стали его последователями, преподносили ему различные подношения и считали его своим патроном (قبله گاه). Имущества (آموال) и других вещей (اسباب) Хазрат Ишан Каляна собралось столь [много], а [точнее] лошадей и верблюдов, овец и коз, что изо-дня в день им размножились на полях и степях. К степям и не обработанным землям были проведены каналы, [тем самым] земли благоустраивались.

Он владел землями (موازی) в Бухаре, Миянкале, Несефе, Каракуле и Мерве в размере около 3000 *джуфти гав*, которые обрабатывались им

¹ Там же. Л. 90б.

² Там же. Л. 92б.

³ Матлаб ат-талибин. Л. 93а.

⁴ Там же. Л. 94б.

⁵ Там же. Л. 98б.

⁶ Там же. Л. 99б.

⁷ Там же. Л. 125а.

⁸ Там же. Л. 125а.

[его работниками], а также 10000 овец, 700 голов лошадей, 500 верблюдов и др.

Он собрал 7000 *ашрафи* наличных денег для поездки в Хадж. Имел 300 шатроф, 100 охотничих птиц (از باز وچرغ)¹.

Ходжа Мухаммад Ислам еще при жизни «все свое имущество и земли отдал Ходжа Саьду и сказал, что ни кто не имей на них право и все они принадлежат теперь Ходжа Саьду»².

Естественно, Ходжа Саьд, возгордившись этим, стал проявлять бесчинства по отношению к народу. Однажды, когда Абдулла-хан находился в Несефе, некий [крестьянин] пожаловался ему на Ходжа Саьда, который провёл арык через его посеы. Хан провел кнутом между ушами своего коня и сказал: «Если Хазрат Ишан проведет арык здесь, то я возразить ему не смогу»³. Другой раз последовала такая же жалоба о том, что Хазрат Ишан провёл арык через поле крестьянина. Хан ответил: «Если Хазрат Ишан захочет, то он проведет арык и между моими бровями и я не смогу нечего поделатъ»⁴.

Право распределения *мулков* умерших принадлежало правящему в то время хану. Согласно этому, Абдулла-хан после смерти Ходжа Саьда приказал распределить его *мулк* (املاك) и имущество (اسباب) между его наследниками казию Нур ад-Дину, а тот распределил их согласно предписаниям Мухаммада, т.е Корана⁵.

Ходжа Тадж ад-Дин также обладал большим масштабом земли и имущества. Он владел землями в Бухаре и Балхе, Самарканде и Ташкенте, Андижане и Хисаре, Хузаре и Шахрисабзе, Карши и Миянкале, Каракуле и Чорджуйе и др⁶. Он содержал 50 чарбагов и садов (چهار باغ و باغ), каменные и просто крытые каравансарай и базары в вилаетах Бухары, и Каракуля, Гиждувана и Занданы и др. Ему принадлежали 20000 голов овец, 20 катаров верблюдов, 1000 томов ценных книг и ряд промысловых предприятий (سرتخانه، باورچخانه)⁷.

Абу-л-Аббас Мухаммад Талиб Сиддики, останавливаясь на феодальном хозяйстве Хожа Тадж ад-Дина, приводит важные сведения о ценах земли. Так, местность Мургак (مرغك)⁸ Мухаммад Якуб-ходжа

¹ Матлаб ат-талибин. Л. 48а.

² Там же. Л. 83а.

³ Там же. Л. 93б.

⁴ Там же.

⁵ Матлаб ат-талибин. Л. 108а.

⁶ В общей сложности он владел 600 отрезками (قطعه) *мулков* земли (Там же. Л. 198б).

⁷ Там же. Л. 112 аб.

⁸ Мургак расположен на берегу Аму-Дарьи (Матлаб ат-талибин. Л. 165а).

продил за 40 тысяч хани; местность Кахшувам (كاخشوان) за 50 тысяч хани; Арык Зар (جوى زر) за 100 тысяч хани¹.

В «Матлаб ат-талибин» имеются сведения и о широком использовании рабского труда. Хожа Таджад-Дин владел 500 рабами (غلام)².

Некий и Имам-кули, приближенный Хожа Таджад-Дина был рабз.

В *Матлаб ат-талибин* прослеживаются и среднеазиатско-турецкие отношения. В частности, отношения между Султан-Мурадом и Ходжа-Исламом: Султан Мурад направил к Ходжа-Исламу своего посла Биялахана с письмом и большими подарками. Посол пробыл у Ходжа-Ислама целый год. За это время он посетил Самарканд, Ташкент, Андижан, Кошгар, Хорасан, Индию, Бадахшан, Балх и Хarezм⁴.

Узбекско-Кизилбашовские отношения в *Матлаб ат-талибин*, в основном, вырожены в отношениях между Ходжа Тадж ад-Дин Хасаном и Шах Аббасом:

Однажды провитель Ирана и Хорасана Шах Аббас пригласил ишана (Хожа Тадж ад-Дин) к себе и дал указание правителям областей, по которым должен был следовать ишан, встретить ишана со всеми почестями. Однако, ишан отказался от поездки, но всё же приказал правителю Мерва принять дары Шах Аббаса⁵.

Хазрат Ишан (Хожа Тадж ад-Дин Хасан) дважды отправлял дары Шах Аббасу: (конкретно) во второй раз – 20000 хани, коней и др⁶.

Хожа Тадж ад-Дин Хасан направился в Мекку через Мерв и Иран. Шах Аббас приказал правителям областей чтобы они встретили его с должным вниманием, что и было сделано⁷

В Исфахане его (пышно) встретил сам Шах Аббас и удостоился чести целовать его руки⁸. Когда Ходжа отправлялся дальше, Шах [Аббас] дал ему в сопровождение несколько своих слуг⁹.

На обратном пути Хаджа так же шёл через Исфахан¹⁰.

Таким образом, из приведённых выше выборочных сведений из *Матлаб ат-талибин* следует, что изучения этого труда через его научно-комментированный перевод во многом дополнит, исправит в деталях историю Узбекистана.

¹ Там же. Л.144б.

² Там же. Л. 118а.

³ Там же. Л.171а.

⁴ Матлаб ат-талибин. Л.82б.

⁵ Там же. Л. 132б-133а.

⁶ Там же. Л. 136б.

⁷ Там же. Л. 204а.

⁸ Там же. Л. 204б.

⁹ Там же.

¹⁰ Там же. Л. 206б.

АВЕСТАДА ЧИСТА КИМ ВА НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ

*т.ф.д. ТДШУ, “Марказий Осиё халқлари тарихи
ва манбашунослиги” кафедраси профессори*

Р.УРАЗОВА PhD

Аннотация ўрнида. Зардуштийлик Марказий Осиёда ибтидоий уруғ-жамоа муносабатларидан мумтоз қабилачилик ва қабила иттифоқлари, худудий бирликлар, оила бўғинидан бошлаб то улкан дарё водийларини, кенг воҳвларни бирлаштирган ўзига хос бошқарув поғоналари, давлатчиликнинг илк куртаклари, мулкий муносабатлар юзага келаётган давр тақозосига айна пайтида берилган жавоб эди. Бу буюк тафаккурий эврилиш бошида Заратуштра туриб, уруғ-қабилаларнинг турли-туман худолари худо эмас, балки худо яратган нарсалар, ҳақиқий эътиқод борлиқ дунёнинг эзгу асосларини яратганга, Заратуштра тили билан айтганда, Олий Оқил зот- Ахура Маздага бўлмоғи керак, деган эди. Унинг номи билан боғлиқ минбарона кўшиқлари - “Гох”ларидандан бирида Заратуштра одамзод аҳлига қарата “Тингланг, Сўзим сўзимни тинглагувчига. Сизларга ҳеч қачон эшитмаган сўзларинигизни келтирдим” дейди. Унинг бу сўзлари заминда умрини бахшида қилган ғояси, худонинг бирлиги ғояси, ва бу ғоя атрофида инсониятни бирлаштириш, оламни эзгу асосларда қуриш фикри ётар эди. Ахир одам боласи бегуноҳ туғилгани сингари олам ҳам аслида мутлақ эзгуликдан иборат эдику. Бироқ Ахура Мазда ўз мойси тубидан ситиб чиқариб, чексиз қудрати билан зулмат қаърида ҳибсда сақлаб келган ёвузликларнинг яхлит мужассаами Ахриман бор эди. У ҳали ҳибсда. Лекин инсоннинг биринчи гуноҳи содир бўлиши билан у ҳибсидан озод бўлиб, барча эзгуликларга қарши ёвузликлар қиёфасига кираверади. Асотирий ўлчамда бир вақтлар Ахура Мазда эзгу ишларининг ажри қилиб Виваҳант деган зотга одамзоднинг энг гўзали ва комили қилиб ўғил фарзанд ато этган экан. Унинг исми Йима Хшайтий (Жамшид) экан. Ахура Мазда Жамшидга эзгу оламининг бошқарувини топширибди. Жамшид 900 йил подшолик қилгач, кўнглига ман-манлик гуноҳи келиб, яратганни унутибди ва манъ этилган ишга, крамолни сўйиб этини ейишга буюради. Шундан бошлаб гуноҳлар дарвозаси очилиб кетган экан. Барча ёмонликлар Ахриманнинг беҳисоб турли-туман кўринишлари бўлиб эзгу олам билан қоришиб кетибди. Жамшид Ахриман етовида дарбадар кетибди. Оламнинг эзгу асосларини қайтариш, ёвузликлардан халос этиш, Ахриманнинг шайтоний кирдикорларини йўқ қилишнинг йўли инсоннинг эзгуликка бўлган чин эътиқоди, яратувчи халол меҳнати, қалбан, руҳан ва жисмонан поклиги, ният холислиги, сўз ва амал бирлиги, аҳдга садоқати, одоби,

яхши хулқи-атвори кабилардир, ният, сўз ва амал эзгуликларининг мужассамлигидир.

Ана шундай мукамал эзгу олам орзуси зардуштийликнинг ўз даври учунгина эмас, хануз аҳмиятини йўқотган эмас. Зеро, инсоният буюк ибратларнинг вориси эканини ҳалигача дилдан идрок этиб, эзгулик йўлини тўла-тўқис тутган эмас. Қолаверса, зардуштийлик шарафлаган соф эзгу олам яралганда ҳали ёвузликнинг уруғи ҳам йўқ эди. Бутун борлиқ безавол, беҳожат эди. Оламнинг бундай муаллақлиги яратганининг кутгани эмас эди. Бу ҳол унинг наздида яширин ёвузлик аломати бўлиб кўринди. Шунда Аҳура Мазда фикр қилди. Бутун борлиқни мутлақ эзгу асосларда яратган бўлса-ю, ўсиш йўқ, юксалиш йўқ муаллақлик қайдан? Бу аломатнинг сабабини ўзидан излади. Моҳиятининг туб-тубида бир қаро нуқта кўрди. Бу одамзод учун, унинг шарафига яралган эзгу дунё учун огоҳлик, эҳтиёти шарт, ибрат нуқтаси эди. Бу нуқтани ўзидан сиртга чиқариб, Аҳура Мазда мутлақ пок парвардигор бўлди ва бандаларига руҳан, қалбан, жисмонан поклик ибратини кўрсатди...

Заратуштра “Гоҳ”лари гоҳ рамзий, гоҳ очиқ шаклда айни шу поклик ғояси атрофидаги чуқур фалсафани олға сурди. Бироқ, Заратуштрадан кейин унинг ғояларидан чекиниш рўй берди. Қадимий асотирий қаҳрамонларнинг илоҳийлаштирилган тимсоллари Якка худолик ғояси билан муросага келтирилди. Айниқса, “Гоҳ”лар ва “Ясна” китобларининг айрим қисмларидан ташқари “Яшт”ларда қадимий асотириллар жонлантирилиб, улардаги мифологик зотлар маъбуд ва маъбудаларга айлантелирилиб, уларга ҳам ибодат, хайру зҳсонлар, қурбонликлар келтиришни халол қилдилар. Шу билан Аҳура Маздага самовий зотларни ҳам ўзи яратганлик мақоми берилиб, гўё унинг ягоналигига путур етмаган қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинган. Натижада Авеста китобида бизгача қадимги аждодларимизнинг кўплаб эртақ ва ривоятлари, қандайдир бутун ҳолати йўқолган йирик эпик дostonларнинг парчалари уларга диний-ахлоқий тус берилган шаклларда етиб келган. Шулардан бири маъбуда Чиста ҳақидаги дoston парчаларидир. Қуйида биз Чиста шарафига алқовнинг маъно ўгирмаси ва мазмун-моҳияти, маъбуданинг ўзига хос юқори мақоми, вазифаларига доир фикрларимизни баён этамиз.

1-қисм: Чиста шаънига айтилган алқовнинг изоҳли маъно ўгирмаси
Авестада маъбуда Чистага бағишланган алқов бор. У *ўта, энг* каби орттирма даражали сифат ясовчи ёрдамчи сўзлар қўшилган ҳолда *имонли* ва *муқаддас* маъбуда деб таърифланади. Чистани Аҳура Мазда ва унинг азал ва абад сифатлари Амеша спенталар (ҳамиша барҳаёт муқаддас зотлар) биргаликда яратишган. Яратиш функциясининг аҳура Мазда билан Амеша спенталар ўртасидаги шериклик орқали ифодланиши Чиста маъбудасининг Зардуштдан аввал ҳам мавқеи баланд бўлганидан

далолатдир. Чиста Ахура Маздага эътиқод қилгувчиларнинг жаннатий Ҳақиқати - Арта Ваҳишта (Ордубихишт) шарафига яралган юксак мақомли маъбуда ҳисобланган.

Заратуштранинг ўзи Чиста алқовида бу маъбуда шарафига намоз бағишлагани ҳақида ёзилган. Зеро, Арта Ваҳишта намознинг эзгу ниятини шу лаҳзадаёқ Чистага етказди, у намозхонни ва барча одамларни хавф-хатардан халос этиб, эҳсонларини мақбул қилади, дуоларни ижобат қилади. Чиста муқаддас, оқилад, машҳур, доимо эзгу амалга шай, чаққон ва ғайратли. Таҳорати доимо бутун ва мукаммал покиза зот. У – Ахура Мазда ихлосмандлари Арта Ваҳиштасининг (жаннатий Ҳақиқатининг) кафолати.

Зардушт тонг саҳар, субҳидамда Чистага намоз баҳшида қилди. Мана Зардуштнинг дуоси: “Тахти равонингдан тур, эй Чиста! Ўлмас малоикалар манзили Гранў Дманидан чиқ! Эй, энг имонли Чиста, Мазда ато (маъбуда), Ҳамиша барҳаёт малоикалар кафолатидаги Муқаддас зот! Агар менинг олдимда бўлсанг, етиб олай, мени кут. Ортимда бўлсанг, менга етиб ол!

Бори дунё бўлсин бизга хайрихоҳ, токим имконича бор. Юрган йўлларимиз борича доимо бўлсин равон. Тоғлардан ошсак агар йўлчалар бўлсин тайёр. Ўрмонларда бизларни адаштирмасин ағёр. Бехатар кечайлик тошқин дарёлар”. Артабон инсон, Ҳақ йўлида аҳдида собит инсон Зардушт изидан намозга туриб дейди: “Чистанинг порлоқлиги, унинг шарафини улуғлаб, мен ҳам аҳдимга муносиб эҳсонлар қилай, ижобат йўлида мақбулликка лойиқ эзгу ишлар қилай ва Мазда иродаси ва муқаддас Ўлмас малоикалар қўли билан бунёд бўлмиш Чистага бағишлай. Мен Мазда ва муқаддас малоикалар яратган Чистага Ҳаума шарбатлари ва қўлда барсман боғлами билан эҳсон келтиргум. Тилимни равон этиб, муқаддас дуолар билан, қайноқ покиза нафасим, ширин калом ва яхши амалларим билан намозим йўллай”.

Жамоа Зардушт ўргатган сўзлар билан намозга туради : “Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик. Муқаддас ўлмас малоикаларни яратган Маздага намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи Ҳаққа намоз бағишлайлик. Арта Ваҳишта намознинг эзгу ниятини шу лаҳзадаёқ Чистага етказгай, у намозхонни ва барча одамларни хавф-хатардан халос этиб, эҳсонларини мақбул қилсин, дуоларни ижобат айласин. Чиста муқаддас, оқилад, машҳур, доимо эзгу амалга шай, чаққон ва ғайратли. Таҳорати доимо бутун ва мукаммал покиза зот. Ахура Мазда ихлосмандлари Арта Ваҳиштасининг (жаннатий Ҳақлиги) кафолатидир”.

Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида Зардушт намозини кимга баҳшида қилди? Бу муқаддас малоикаларни яратган Маздага ва (у яратган) Чистага эди. Зардуштга Чиста чаққон оёқлар берди, хушёр

кулоқлар берди, қўлларини бақувват қилди, вужудини соғлом ва кучли қилди. Зардуштга юқориси ва қуйи оқимлари бир-биридан чексиз олис (яъни, жуда узун) , минг одам бўйича чуқур Рангха дарёси суви остидан туриб сув юзидаги қилча ингичка ва нозик тўлқинни ҳам кўра оладиган Капа балиғи кўзининг ўткирлигини ато айлади”.

“Чистанинг порлоқлиги, унинг шарафини улуғлаб мен ҳам аҳдимга муносиб эҳсонлар қилай, ижобат йўлида мақбулликка лойиқ эзгу ишлар қилай”, - дейди артабон (Ҳақпараст имонли инсон) .

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик. Муқаддас ўлмас малойикалар яратган Маздага намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи Ҳаққа намоз бағишлайлик...”.

Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида намозини Зардушт кимга баҳшида қилди?

Бу Мазда ва муқаддас малойикалар яратган Чиста эди. Зардуштга Чиста чаққон оёқлар берди, хушёр кулоқлар берди, қўлларини бақувват қилди, вужудини соғлом ва кучли қилди... Чиста Зардуштга тун зулмати ичра шаррос ёмғир ёғиб турганда, қор бўралаб турганда, муз тўрлари ойна юзини қоплаганда тўққиз ўлка масофасича олисдан туриб, ерга тушиб қолган ингичка қилни, хатто унинг устини тупроқ қоплаган бўлса ҳам, отнинг ёлидан тушганми ёки думидан тушган қилми – ажрата олиш қудратини берди.

Ушбу неъмат шарафига, “Чистанинг порлоқлигини, унинг шарафини улуғлаб мен ҳам аҳдимга муносиб эҳсонлар қилай, ижобат йўлида мақбулликка лойиқ эзгу ишлар қилай”.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас ўлмас малойикалар яратганга намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...”.

Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида намозини Зардушт кимга баҳшида қилди?

Бу Мазда ва муқаддас малойикалар яратган Чиста эди.

Зардуштга Чиста чаққон оёқлар берди, хушёр кулоқлар берди, қўлларини бақувват қилди, вужудини соғлом ва кучли қилди... Чиста Зардуштга бургутнинг кўзидек ўткир кўз берди. Бургутки, тўққиз мамлакат ҳудудидек олисдан туриб игнанинг учидек кўринадиган кўз илғамас ўлжани ҳам кўра олиш даражасидаги ўткир нигоҳни Зардуштга баҳшида қилди...

Бу неъмат учун намозим баҳшида қилай, намозимки, муносиб ва мақбул бўлгай.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас Ўлмас Малойикалар яратган Чистага намоз

йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...”.

Авлиё Хвова чуқур ихлосу донишмандлик билан кимга намоз ила илтижо қилди? Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида намозини Хвова кимга баҳшида қилди?

Хвова Мазда ва муқаддас малоикалар (Амеша спенталар) тпайдо қилган Эзгу Чистага намоз йўллади.

Токи, Заратуштрага валийнеъмат Чиста унинг (одамларга келтиргувси эзгуликлари воситаси бўлмиш Ҳақ ҳукмига мувофиқ фикрлашни, Ҳақ ҳукмига мувофиқ сўзлашни, Ҳақ ишни қилмоқни ўргатсин.

Бу неъмат учун намозим баҳшида қилай, намозим бўлсин муносиб қабул.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас Ўлмас Малойикалар яратган Чистага намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...”.

Узоқларга (Зардушт таълимоти) Ахура Мазда Ҳақиқати Арта Ҳақлигини одамларга етказиш, уларда эзгу ниятлар уйғотиш учун жўнатилан *отурбонлар* (муқаддас оловга –Отаршга, унинг ўчиб қолмаслигин таъминлашга жавобгар оташкада мулозимлари) тану жонлари соғ ва бақувват бўлишини сўраб кимга ибодат қилишади?

Отурбонлар Мазда ва муқаддас малоикалар (Амеша спенталар) пайдо қилган Эзгу Чистага ҳусни қабул бўлсин дея, намоз йўллайдилар.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас Ўлмас Малойикалар яратган Чистага намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...”.

Юрт подшоси, мамлакат ҳукмдори эл-юртининг тинчлигини сўраб, ўз танисоғлигини илтижо қилиб, кимга намоз бағишлайди?

Мамлакат подшосининг, юрт ҳукмдорининг Чистага намоз бағишлаши ўзи бир неъматки, бу неъмат учун (мен ҳам) муносиб намоз баҳшида қилгайман.

Мен намозни, дуо-ю такбирларни олқишлайман, Мазда ҳамда Маздани эъзозловчи муқаддас ўлмас малоикалар ҳамда жаннатий Ҳақ Арта Ваҳишта чратган яратган ўта тақво эгаси энг имонли (маъбуда) Чистани, унинг ҳаётий куч-қудратини олқишлайман.

2-қисм: Маъбуда Чистанинг тарихий-ижтимоий асослари ва функционал таҳлили

Чистага бағишланган алқов мазмунида унга ихлос, эътиқод ифодаси бўлмиш махсус намоз ва хайру эҳсонларни амалга ошириш поғоналашган тарзда ошиб борувчи кетма-кетликда баён этилади. Яъни, Зардушт

Ўзидан ибрат қилиб Чистага намоз бағишлаб, бундай мурожаат этади: “(Эй Чиста), ўз тахтингдан кўзғал, имонли бандалар руҳи маконидан сиртга чиқ, сен Чиста, энг имонли зотсан. Сени Мазда ва унинг малоикалари яратганлар. Мендан олдинда бўлсанг кутиб тур, ортимда бўлсанг етишгил менга. (Сўнгра) Мен билан сенга барча эзгуликлар имкони борича ҳамроҳ бўлсинлар. Иккимизнинг йўлларимиз равон бўлсин (йўлларимизнинг тупроғи енгил бўлсин). Тоғ-у тошда, чўл-у биёбонда, чакалакзор-у ўрмонда йўлларимизни осон топайлик, дарё-ю анҳорларни осон кечайлик!”

Зардуштнинг ушбу сидқидилдан ўқилган намози, илтижо дуолардан иборат бўлиб, эътиқодга келган имонли зардуштий ҳам Чистага намоз бағишлашга жазм этади ва ўз номидан бу маъбуда шаънига мақтовлар айтади: “(Имон ваъдамга кўра) мен сенга эҳсонлар келтирдим, токи ул даргоҳингда қабул бўлсин. Чунки сен эҳсонимга энг лойиқ имонли Чистасан. Сени Мазда ва унинг ўлмас малоикалари яратганлар. Унга хаома ва сут, барсман навдалари, ақлу идрок, эзгу сўзлар, эзгу дуолар бағишлаб, эзгу амалларга даъват этганлар”. Бу намоз ибратидан сўнг Чиста шаънига ибодат қилиш нияти жамоага ўтганини кўриш мумкин. Энди Зардушт эмас, “мен” эмас, “биз” олмоши орқали йўналтирилган намоз маросими Чистага эътиқод ифодасига айланади: “Биз энг имонли Чистага хайру дуолар, ихлос намозларимизни бахш этамиз. Мазда ва ўлмас малоикалар яратган Зотга намоз йўллаймиз. Биз Ахура Маздага имон келтирганларга элтгувчи Арта Ваҳишта учун Чистага намоз йўллаймиз. Намозимиз зора ажрини тез топса, солиҳ бандаларни хавф-у хатардан асраса...”. Ахура Мазда “мақсадни тез топгувчи, эҳсонларни қабул этгувчи, оқил, машхур, ҳар ишда чаққон ва сидқидил, муқаддас, поклик ибрати, эзгу ниятлиларни тез поклагувчи...” каби сифатлар билан таърифланади. Шу манзарадан кейин Чиста шаънига намоз туркуми яна Зардуштдан бошланади. Жамоатга таъкидлаш мақсадида савол тарзида бошлов берилган: “Зардушт кимга муқаддас намоз йўллади? У кимки, имон учун (камарбаста), кимдирки, унинг ниятлари, сўзи, амали эзгуликдир. Бу хислатлар ҳурматига Зардушт кимга намоз йўллади?”. Ушбу таъкидий саволдан кейин Чиста алқовида афтидан муъбадлар томонидан киритилган изоҳли парча келади. “Бу имонли Чистадир - Мазда ва муқаддас малоикалар яратган. У (яъни Чиста) Зардуштнинг қадамларига чаққонлик бахш этган. Кулоқларини (ғайб) товушларини эшитгич қилган, қўлларига куч бағишлаган, тан-у жонини соғлом этган, кўзларининг боши ва адоғи бир -биридан жуда олис, чуқурлиги минг одам бўйини кўмгудек Ранха дарёси тубидан туриб сув юзидаги от ёлидек нозик (ингичка) қилт этган тўлқинни кўрадиган (муқаддас балиқ) капанинг кўзларидек тиниқ қилган”[51]. “Ушбу

Чистадан ҳосил бўлган неъматлар учун, - дейилади давомида, жамоат номидан, мен ҳам (яъни, зардуштий имонли банда) Чистанинг нурафшонлигига мақбул намозлар йўллаб, шукроналар қилгумдир”.

Юқорида таъкидланганидек, иккинчи қур Зардушт ибодатидан ибрат олган ёлғиз имонли инсон ибодати жамоат учун ибратга айланиб, “биз энг лойиқ имонли Чистага, Мазда ва малоикалар Яратган зотга Арта Ваҳишта-беҳишт умидида муқаддас намозимизни йўллаймиз”. Ушбу намоздан кейин учинчи қур ибодат кетма-кетлиги келади. Бунда Чистанинг айрим сифатлари янада тўлдирилади. Зардуштга Чиста кўлоёғи чаққонликдан, тану жонининг соғлиги ва бақувватлигидан ташқари тун зим-зиёсида, жала(ёмғир) қалинлиги ортидан, қор, қалин қировлар ортидан, тўққиз кишвар ортидан отнинг нозик қилини, у ёлнингми, думнингми-қили, шуни ажрата оладиган от кўзи ўткирлигини ато этади. Зардуштга куч-қувват ва ўткир кўзни тақдим этди. Қуёш илоҳаси Митра ўзининг мўъжизавий гардиши билан Шарқдан Ғарбга қараб саёҳат қилганида унинг хабарини етказади. Шундай улуғ сифатлар эгаси Чистанинг борлигига шукрона намоз йўллаш ҳар бир банда учун фарздир. Чистага намоз Арта Ваҳиштага-беҳиштга тушмоқ учун кафолатдир. Намозимизни Чиста мақбул қилсин. Чиста алқовининг давомида юқоридаги тартибда бу маъбуда шаънига яна “биз” деб бошланувчи жамоат намози келади. Сўнгра 4-қур “Зардуштнинг кимга намоз йўлласам экан?” тарзидаги таъкид саволи берилгач, Чистага намоз маъқуллиги, бунинг шарофатлари такрорланади. Энди бу гал “ўткир кўзлар” ҳақидаги маҳобат (гипербола) бадий санъати Зардуштга тўққиз кишвар ортидан туриб муштдек, игнанинг учидек кўз илғамас жониворни ҳам кўришга қодир бургут кўзи ўткирлигини бахшида қилган, дея таъкидланади.

Зардуштнинг Чистага ибодат туфайли эришган неъматлари якка имонли бандага, ундан жамоатга ибрат бўлгач, энди Зардушт орқали волия аёл-Зардуштнинг рафиқаси Хвованинг ибодат сўзлари ҳам Зардуштнинг ибодатидаги каби риторик сўроқдан бошланади: “Хвова кимга имону эътиқод билан намоз бағишласин? Ўзи имон келтирган ҳолда, (қалбан) идрок этиб ва валий зот Зардуштнинг дуоларидан баҳраманд бўлиб, Чистанинг намозхонга таъсир воситаси эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал-Арта (ҳақиқат) йўлига мувофиқ тарзда имонлиларга ёр бўлсин.” Хвованинг ушбу илтижосидан кейин “биз сиғинайлик” сўзи билан ифодаланган ҳолда жамоат намози келади. “Мен” орқали қайд этилган ораликдаги якка шахс ибодати эса тушиб қолган. Ниҳоят Заратуштра, “мен”, Хвова, “биз” каби кетма-кетликдаги Чистага бағишланган ибодатлар зардуштийликнинг умумий ибодатига, яъни ҳақпараст

имонлилар-артабонларнинг (ашавон ҳам дейилади) умумий ибодатига ҳам айланади¹.

Чиста алқови охирида мамлакат подшоси, юртнинг энг улуғ ҳукмдори (хожаси) хайри эҳсон қилиб, ўз юртига Чистадан тинчлик, шон-шуҳрат сўраб илтижо қилади ва намоз-у эҳсонлари қабул бўлишини сўрайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар Чиста маъбудаси ҳақида, унинг зардуштийлик пантеонида муайян даражада юқори мақомга эга бўлганини кўрсатади. Унинг яралиши механизмида масъулият Ахура Маздадан ташқари амешаспенталар зиммасига ҳам тушгани бежиз эмас. Чистанинг вазибалари туркумида ҳам ўзига хос жиҳати бор. Унга ибодат, хайру-эҳсон туфайли имонли инсоннинг куч-қудрати ортади, мақсадига тез эришади, беҳиштга лойиқ-у сазовор бўлади, кўзлари имон нури билан ўткир бўлади ва ҳоказо. Ниҳоят, Чистага эътиқод ва унга бағишланган намознинг муҳимлик даражаси Ардвиге Сура ва бошқа маъбудалардан кам эмас. Чиста алқовининг таркибида “Яшт”лардаги каби ҳар ибодатдан кейин келадиган ажру савобга жавобан Биз унга топинайлик...

Шукригадир намозим,

Баралладир овозим...

каби нақаротлар такрорланади. Бу такрорлар, асосан, “Биз топинайлик...” деб бошланувчи рефренларда акс этган. Чиста алқови ҳам “Яшт”лар қаторида турувчи қисмдир. Бирок, улардан фарқли равишда Чиста алқовида ички мазмуннинг муболаға усули (яъни, таъриф ва сифатлар, ажру савоблар ифодасининг ортиб боровчи тарзда келиши) қўлланилган. Айни шу хусусият ибодатнинг Зардуштдан бошланиб ўзга шахсга, ундан жамоага, сўнгра нуфузли валий зотларга, ниҳоят юрт ҳукмдорларига тарқалишида ҳам акс этган. Чиста алқовидаги бу манзара Ахура Мазданинг ваҳдонияти якка-ёлғизлиги ғоясидан чекинган даврларда зардуштийлик амалиётига қадимий тасаввурлардан қайта олиб кирилган. Демак, Чиста алқови ҳам Зардуштдан кейин дин пешволари муъбадлар томонидан архаик эътиқод тизимидан Авеста таркибига олиб кирилган. Буни асослаш учун матнда Чистани Ахура Мазда ва унинг эманациялари (малоикалари) биргаликда яратишган, деб қайта- қайта таъкидлангани эслатилса, кифоядир..

Келтирилган функционал таҳлил шуни кўрсатадики, маъбуда Чиста унга эътиқод қилганларга кўплаб ажру мукофотлар беради, жумладан намоз йўлловчиларни эзгу диндан огоҳ этади, мақсадларига эриштиради,

¹ Бу ўринда Асқар Маҳкам “артабонлар” сўзига дин пешвоси отурбон деб изоҳ беради. Натижада ҳақпараст жамоатнинг ялпи ибодати ҳақидаги мазмун юзага чиқмай қолган. Аслида бу бизнингча, Жалил Дўстхоҳнинг нашридаги изоҳдан олинган хато талқиндир.

хавф-хатардан халос этади, валийлик, оқиллик, машхурлик келтиради, ишларига ривож ва равнақ беради. Қўл-оёғига куч-мадор, тани соғлик, кўз ўткирлиги каби мукофот турлари ибодат қилгувчига қаратилган бўлса, юрт подшосининг илтижоси ҳаттоки, ижтимоий барқарорлик, юрт тинчлиги каби талқинлар даражасига етади. Маъбуда Чистанинг зардуштийлик илоҳиётидаги ўрни ҳақида авесташунослик маълум кузатувчилар ва тадқиқотларга эга. Гап шундаки, 8-, 10-, 13-, 14-Яштларда Аҳура Мазда яратган маъбудлар ва маъбудалар тизими иштирок этади ва уларга намоз, назру ниёз, эҳсонлар бағишлаш фарз қилинади. Илоҳлар ва илоҳаларнинг ҳиммати ажру мукофотлари эътиқод қилгувчиларнинг эҳсонлари ва илтижоларига жавобан юзага келади. Буларга эришмоқ йўли эса Авестанинг “Тоҳ”лар қисмидаги ёлғиз худога бағишланган мурожаат шаклидан фарқлидир. Яъни, имон эътиқод ифодаси бўлмиш диний амалларнинг илоҳий яратилиши, турли маъбудалар сифатида келиши илк зардуштийлик – Мазда Ясна, яъни фақат Маздага, Олий ақл тимсолига эътиқод қилиш тамойилидан чекиниш эди. Шу сабабли Авеста таркибига кирган Яштлар муъбадлар томонидан ижтимоий манфаатлар асосида қайта ишланган қатлам ҳисобланади. Баъзи манбаларда Чиста илоҳаси “Чишта” деб ҳам номланади. Чишта-қадимги эрон мифологиясида “Ҳақиқатга эриштирувчи”, “Хабар етказувчи” маъноларини беради. Зардуштга кучқувват ва ўткир кўзни тақдим этди. Куёш илоҳаси Митра ўзининг мўъжизавий гардиши билан Шарқдан Ғарбга қараб саёҳат қилганида унинг хабарини етказади. Бундан ташқари Чишта “машхур”, “чуқур эҳтиромга лойиқ”, “бахт-саодатга элтувчи” каби сифатлар билан таърифланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Чиста маъбудаси Авеста аънанасида Ден (Даена) маъбудаси билан бир ёки тенг мавқеда деб тушунилади. Зардуштийлик таълимотига биноан танадан чиққан жон “чинват кўприк” (ислом динида пулисирот)олдига келади. Аҳдга садоқат маъбуди Митра ва унинг ҳамроҳлари тарози ушлаб турувчи Сраоша ва Рашну ҳар бир жонни яхши ва ёмон қилмишлари, сўзлари ва фикрлари тарозининг икки палласига кўйилади. Ҳукми Митра чиқаради, яхшилик оғирроқ бўлса жон жаннатга, ёмонлик оғир тортса-дўзахга тушади (зардуштийлик дўзахи-абдий музлик ва совук) агар тарози палласи баробар турса аралаш жой(мисвон-гату)га кетади. Бу ерда на хафалик, на хурсандчилик бор, жон нохуш кун кечиради. Жаннатга жонни гўзал қиз (Даена) олиб кетса, дўзахга борувчилар олдида кўприк қилич тиғидек ўткирлашади ва ингичкалашади, ялмоғиз кампир гуноҳкор жонини жаҳаннамга олиб кетади (Ясна 32, 13)[93]. Шу сабабли Чиста алқови “Ден Яшт” деб юритилади. Авестанинг Ясна наски, 13-ҳоитийси ибодат олдида маросимни бошқарувчи Завт сўзи билан бошланади. Унда Завт Аҳура Маздани барча ижтимоий бўғинларга ҳомий рад (азалий қарор топмиш илоҳий

барқарор ҳимоят қонуни) деб иқроп қилади: Аҳура Мазда хонахудо ради(дманпан), яъни уй(оила) ҳимояти; Аҳура Мазда вис(қишлоқ) жамоасининг ҳимояти-ради; Аҳура Мазда юрт Шаҳриёрлигининг ҳимоят-ради. Ушбу кириш таъкидидан кейин Завт яна қуйидагиларни айтади: “Маздапарастлар дини, эзгу Аши ва Пориндий, ўша ашавон аёл ва бизни бағрига олгувчи бу заминни аёллар ради деб биламан”. Бу жумладан маълум бўладики, зардуштийлик тасавурида Дин (Даена)ни, Ашини, Пориндийни ва ниҳоят Зам маъбудаларни ибтидода радлари аёл сифатида яралган деб ҳисобланган.

Мазкур тушунчаларнинг биринчиси Дин ҳақида Аскар Маҳкам ёзади: “Дин-Авестада Даина, паҳлавийда ва “Зенд Авеста”да Дин, Дийин, Дийно, Дийнан, форсийда Дин. Ўзаги *до-*. Бу сўздан доништан “билмоқ, танимоқ”, “фикрламоқ” каби маънолар ҳосил бўлади. Авестада бу сўзни гоҳ мазҳаб ва равия, гоҳ эса одамнинг виждони, инсонга берилган илоҳий ички қудрат, ёмонни яхшидан ажратиш имконияти каби шарҳланади. Бу ички қудратни одам борлиғига Аҳура Мазда жо қилган деб талқин этилади...”[93]. Бу каби тафсилот ва шарҳлар Дин сўзининг маъно моҳиятини етарли очиб беролмаган. Зеро, Диннинг бирламчи моҳияти эътиқоддир. Бу ўринда Аҳура Мазда эзгулик ибтидоси ва унга имон келтирган ҳолда эзгу яралмиш борлиққа ривож бериш Диннинг бош талаби дейилса, унинг “фикрламоқ, танимоқ” каби шарҳлари, “виждон” билан нисбатланиш-барчаси эътиқод моҳиятининг у ёки бу жиҳатлари, холос.

Шундай экан, Дин тушунчаси маъбудалар қаторида таърифланиши етарли эмас. Дин сўзи зардуштийликнинг бутун моҳиятини, барча илоҳий моҳиятлар тизимини ўзида мужассам этмоғи ҳақиқатга яқин бўлур эди. Дин инсон учун бу астуманд(моддий) дунёда эзгулик тарафида бўлиш, ёвузликдан юз ўгириш, ният-ўй поклиги, сўз поклиги, амал поклиги ва ҳоказолар бўлмоғи лозимдир. Бас шундай экан зардуштийликни фикрат ва фирқат чегарасида қараш етарли бўлармикан? Дин фалсафий, маънавий-ахлоқий категория сифатида инсон қалби ва руҳий дунёсининг яхшилик йўлида тарбиячисидир. Руҳ жисмоний умр поёнида инсон танасини тарк этгач, уч кеча-кундуз дуоталаб бўлиб туради. Сўнг асл макони Гранў Дманига қайтганида, чинвод кўприги(пули сирот) олдида уни кутиб олувчи айна шу Даена, яъни унинг Дини бўлади. Руҳ эгасининг савоб-у гуноҳлари баробарида Дин унинг учун тайёрлаб қўйилган беҳиштга ёки дўзахга етаклайди. Чиста маъбудаси бевосита “Ден Яшт”дан ташқари “Суруш Яшт Хадўхт” ҳамда “Митра Яшт”ларда ҳам учрайди. Масалан, “Митра Яшт”ида Митра фалак бўйлаб арава ҳайдаб бораётганида унинг чап ёнида маъбуда Чисти ҳамроҳлик қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги тарихий хулосаларни ўртага қўйиш мумкин:

1. Ардвиге Сура ва Аши маъбудалари зардуштийлик илоҳиёти тизимида қадимий асоирий босқичдан, хусусан, худоларни антропоморф тасаввур этишдан, яъни уларни инсон қиёфасида тасвирлаш босқичидан мавҳум образлаштириш сари дастлабки қадам маҳсулидир. Бу образлар руҳий, ҳаёлий, фикрий шаклга кирган. Ашининг имонлиларга кўмакка келиши, уларга мадад бериши ўзбек халқи тафаккурида “илоҳий бахт, омад” тушунчасида сақланган. “Кимга омад ёр бўлса”, “омадини берсин” каби ибораларда омад тушунчаси “келмоқ” ўзагидан бўлиб, бахтнинг, қут-бараканинг келиши деб тушунилади. Бугунги кунда омад тушунчаси ортида қадимий асоирий - илоҳий маъбуда Аши образи унутилган. Лекин унинг эзгуликка ёрдам берувчилик функцияси мантиқий жиҳатдан худодан ато бўлувчи омад, унга ишониш каби ҳолларда сақланган.

2. Аши алқовида бу маъбуданинг функционал жиҳати кўп ҳолларда маъбуда Ардвиге Суранинг вазифадорлик тизимида ўхшаб кетади. Масалан, Ардвиге ҳам имонли бандалар турли мушкул вазиятларда ёрдам сўраб мурожаат этишади. Ардвиге ҳам Аши каби уларнинг тилакларини бажо келтиришга қодир.

3. Аши алқови тарихан зардуштийлик шаклланиб, Аҳура Мазданинг “якка-ягоналик” ғояси устивор бўлишидан қадимийроқдир. Бу маъбуданинг зардуштийликдан аввалги даврлардаги мавқеи Ардвиге Сура Анаҳита култидан кейинги ўринда турган дейиш мумкин. Зеро, функциядошлик жиҳатдан Ардвиге Сура Анаҳита Ашига нисбатан мукамалроқ. Муҳими шундаки, маъбуда Ашига алқов охирида Аҳура Мазданинг ўзи ҳам ибодат қилади. Бу банд, бизнингча, Аҳура Мазда Зардушт ислоҳотларидан аввал оддий маъбудалар қаторида бўлган дейиш мумкин. Албатта бу фикр авесташуносликда янгилик эмас. Бу масалада биз шу фикрдаги бир қатор олимларнинг қарашларини ифода этмоқдамиз.

4. Чиста маъбуда сифатида Авестада ўзига хос ўринга эга. Бу маъбуда ҳам Зардушт ислоҳотидан аввал машҳур бўлган. Унга пайғамбар Зардуштнинг ўзи ҳам ибодат қилиши, унга эргашувчилар, аввал якка шахс, кейин жамоат, сўнгра жамиятнинг нуфузли вакиллари, жумладан Зардуштнинг завжаси волия Хвова, атрўбонлар (ибодатхонанинг олов култига қарашли махсус хизматчилари, ниҳоят, мамлакат ҳукмдори каби поғоналашган тадрижда келтирилган ибодат қилувчилар шундан далолат беради).

5. Дин тушунчасининг аёл радлари қаторидан ўрин олиши ҳам бежиз эмас. Чунки Динга инсон руҳи тарбияти функцияси юкланар экан, ижтимоий ҳаётда илк нафасдан бошлаб инсонни авайлаб эзгулик сари етакловчи зот Она эканлиги шу каби умумлашмага олиб келган дейиш мумкин.

6. Зардушт Аҳура Мазданинг якка-ягона худо деб эълон қилинган пайтда унинг Маздага сиғинувчилар - Мазда Ясна дини қавмлар орасида

рад этилгани бежиз эмас. Чунки, Зардушт замонида одамлар бутун борлиқнинг эзгу асослари биргина худо иродаси билан пайдо бўлгани ҳақидаги фалсафий умумлашмани қабул қила олмаганлар. Зардушт ўз ватанини тарк этган ҳолда, ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Хоразмдан Сўғдга, Бақтрияга борган. Унинг динини Виштаспа ва унинг аҳли қабул қилгач, зардуштийлик Турондан Эрон юртларига тарқала бошлаган. Бироқ диннинг қатъий ваҳдоний ғояси билан анъанавий тасаввурлар зиддиятга киришавериши зардуштийликнинг ғалабасига йўл бермаслиги аён бўла бошлади. Шундан кейин зардуштийлик ақидалари билан анъанавий, ибтидоий, асотирий-диний тасаввурларни “келиштириш” рўй берган. Авестада “Мен Митрани ўзимдек алқовларга лойиқ қилиб яратганман”, “Мен Варахранни қудратли жанговор қилиб яратдим”, “Тиштрияни мен порлоқ юлдуз қилиб, ерга намлик ато этсин учун яратдим” каби жумлалар шундан далолат беради. Бу каби якка худога нисбатан шерикларни тан олиш зардуштийликда яккаликка зид деб қаралмаган. Аксинча, худони нафақат бутун борлиқни, балки маъбудаларни ҳам яратишга қодир қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Диний амалиёт эса ибодат ва маросимларнинг турли маъбуд ва маъбудалар шаънига қаратилиб, бўлиниб кетишига олиб келди.

Шунга қарамай, зардуштийликда Аҳура Маздага берилган яккалик ваҳдоният ғояси ўз даври учун юксак маънавий қадам эди[77]. Инсоният ислом дини орқали ваҳдоният - Яратганнинг мутлақ ягоналиги ғоясига мушарраф бўлгач, ўтмишда Оллоҳнинг синов майдонларида кечган тафаккур эврилишларининг тарихий ўрнини, жоиз бўлса, уларнинг ислом олдидаги ноқисликларини тушуниш имконига эга бўлди.

Адабиётлар:

1. Зратуштра. Учение огня. Гаты и молитвы. Подготовлена группой ученых в составе А. Шапошникова, И. Евсой, Д. Дудко. Москва: «Эксмо», 2008. – С. 255-259.

2. Авеста. Избранные гимны. Перевод И. М. Стеблин-Каменского с предисловием В. А. Лившица. Душанбе. 1990.

3. Урзова Р. Т. Зардуштийликда маъбудалар ва уларнинг ижтимоий-тарихий таҳлили. Тошкент: ЎЗМЭ таҳририяти., 2014. – Б. 84-93.

ХОРАЗМ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ОГАҲИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Доно ЗИЯЕВА

т.ф.д.,проф. ЎзР ФА Тарих институти

Мухаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий (1809-1894) ўзбек халқининг ва атоқли тарихчиси, ўз даврининг машҳур шоири, моҳир таржимон сифатида ўз асарлари ва шеърлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ва жаҳон илмий меросида катта ўрин тутган серкирра ва сермахсул олим, етук мутаффақир эди.

Огаҳий 1809 йилда 14 декабрда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида туғилган. Хива мадрасаларида араб, форс, турк тиллари-ни, мумтоз адабиёт пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг суҳбатларида иштирок этган. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини кунт билан ўрганган.

Мухаммад Ризо жуда ёшлигидан амакиси - машҳур тарихчи алломаси ва мамлакат бош мироби Муниснинг кўлида тарбия топган. Муниснинг хонадонида ўз даврининг етук алломалари, шоирлар тез-тез тўпланиб, суҳбатлар қилишар, айнан шу муҳитда Мухаммад Ризо бундан тўла баҳраманд бўлиб вояга етар эди. Айни пайтда у амакисига мироблик қилишда ҳам катта ёрдамчи бўлиб, бу соҳанинг сир-асрорларини ҳам ўзлаштириб борган.

Шу боис Мунис 1829 йилда вафотидан кейин саройда бош мироб лавозимига тайинлаган Огаҳий хизмат юзасидан кўп қишлоқларда бўлиб, авом халқ – деҳқонлар, ҳунармандлар ҳаёти, муаммолари, орзу истаклари билан яқиндан танишган ва бу унинг ижодида ҳам ўз аксини топган.

Унинг ижодий шаклланишида амакиси Мунис Хоразмий (Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад) нинг роли катта эди. Мунис тарихнавис олим, моҳир таржимон, шоир, маърифатпарвар шахс бўлиб, араб, форс, туркий халқлар адабиёти билимдони, мусиқа ҳамда тарихдан яхши хабардор, куфий, райҳоний, хатти шикаста каби хатларни яхши билган моҳир хаттот бўлган.

Мунис Хоразмий ижод қилиш билан бирга ўз ота-боболаридан мерос бўлиб келган сулолавий касб - мироблик билан ҳам шуғулланган. Хива хони Элгузархон топшириғи билан Хоразм тарихига оид «Фирдавсул-иқбол» номли қимматли тарихий асар яратишга киришган. Асар 1813 йил воқеалари баёни билан тутаган. Боиси 1819 йилда хон Мунисга Мирхонднинг Машҳур «Равзат ус-сафо» номли тарихий асарини ўзбек тилига таржима қилишни буюрган. Шу муносабат билан Мунис «Фирдавс ул-иқбол» номли асарини ёзишдан тўхтаб, «Равзат ус-сафо» асарининг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилган, иккинчисини

давом эттираётганида эса аввал Муҳаммад Раҳимхон I, 1829 йилда эса Муниснинг ўзи вафот этади¹.

Хива хонлигининг кейинги ҳукмдори Оллоҳқулихон тахтга ўтиргач, 1839-1840 йиллар оралиғида Муниснинг шогирди Огаҳийга 1813 йили воқеалари баёни билан тўхтаган «Фирдавс ул-иқбол» асарини давом эттиришни буюрган². Бу даврда 30 ёшга кирган Муҳаммадризо Огаҳий устози Мунис бошлаб қўйган, аммо, тугаллай олмаган «Фирдавс ул-иқбол» номли асарни давом эттиради. Мунис ва Огаҳий ҳамкорлигида ёзилган “Фирдавс-ул иқбол” асари минтақада яшаган ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, рус, эрон, афғон халқларининг келиб чиқиш тарихи, маданияти, санъати, урф-одатлари, турмуш тарзини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Огаҳий Хоразм тарихнавислик анъаналарини давом эттириб, Хива хонлигининг кейинги даврлари тарихига бағишланган бир қатор асарлар яратди. Унинг Оллоҳқулихонга бағишланган “Риёз уд-давлат” (1844 й.), Раҳимқулихон даврига бағишланган “Зубдат ут-таворих” (1846 й.), Муҳаммад Аминхон даврига бағишланган “Жомеъ - ул воқеоти Султоний” (1856 йил), Сайид Муҳаммадхон даврига бағишланган “Гулшани давлат” (1865 йил), Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврига бағишланган “Шоҳиди иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) асарларида Хива хонлигининг 1813 йилдан то 1874 йилгача бўлган тарихи даврий изчилликда, бой тарихий манбалар асосида ёритиб берилган эди⁴. У Хива тахтига кетма-кет келиб кетган саккиз хон ҳукмронлиги даврида яшаб, ҳарбий юришлар, тарихий воқеалар гувоҳи бўлди ва уларни ўз асарларида акс эттирди.

Масалан, унинг “Зубдату-т-таворих” асарининг биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг туғилиши, илм ўрганиш ва ҳарбий маҳорат эгаллаш йулидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бўлғуси хоннинг Ҳазорасп ҳокими сифатида олиб борган фаолияти бадиий шаклда муфассал баён қилинади⁵. Асарнинг иккинчи қисмида Раҳимқулихоннинг салтанат тахтига ўтирган кунидан то вафотига қадар содир булган воқеалар ўз аксини топган⁶. Унда Хива ҳукмдори Раҳимқулихон эзгу фазилатлар соҳиби сифатида улуғланади, унинг кўплаб илмларни эгаллагани, фуқароларга шавқатли бўлганлиги ва умуман, Хива хонларининг маърифатли бўлганлиги, адабиёт ва санъат, илму ҳунар ривожига алоҳида эътибор бергани таъкидланади.

¹ Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. 33-35 бетлар.

² Ўша асар. 36-бет.

³ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Т., 2010. 467-б.

⁴ Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Т.: Фан, 1960.

⁵ Zubdat al-Tavvokh. Edited in the original Central Asian Turkic with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. – Tashkent-Samarkand: ICAS, 2016. Introduction, lvii.

⁶ Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н.Жабборов. Т., 2009. 183-б.

Огаҳийнинг асарларида маҳаллий халқларнинг ижтимоий тарихи ва ҳаёти, кундалик машғулоти, масжид, мадрасаларнинг қурилиши, сиёсий воқеалар – халқ кўзғолонлари, урушлар тарихи, ҳамда тарихий шахслар - олимлар, шоир-ёзувчилар ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарлар матни назм ва наср уйғунлигида ёзилганлиги билан характерланади. Ҳар бир тарихий воқеа бадиий тарзда баён қилинган бўлиб, ҳар бир воқеа тасвири ва руҳига мос равишда шеърий парчалар, маснавий, қитъа, байт, рубоий, фард тарзида қўлланилган.

Огаҳийнинг Хива хонлигининг 1813-1873 йиллар воқеалар тарихини изчилликда, бой манбалар асосида ёритиб берувчи тарихий асарлари хонликнинг иқтисодий аҳволи, қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, шаҳарлари, илм фан ва маданият, давлат бошқаруви ва ҳукмдорлари ҳақидаги фактларга ҳамда география, этнографияга оид маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Огаҳий ўзининг Хоразм тарихига оид асарларида нафақат ўзбек халқининг, балки қардош тожик, қozoқ, туркман, қорақалпоқ, рус, эрон, афғон халқларининг тарихи, маданияти, санъати, урф-одатлари, психологияси, шу халқларнинг келиб чиқиши, хўжалик машғулотлари, уруғлари тарихини ўрганишда ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Шуниси характерлики, бу асарлар истиснодда шоир, тараққийпарвар адиблар Мунис, Огаҳийлар томонидан ёзилганлиги сабабли уларда халқларнинг тарихи, ҳаёти, кундалик машғулоти, масжид, мадрасаларнинг қурилиши, турли ҳил ҳодисалар баёни, халқ кўзғолонлари, урушлар тарихи, буюк кишилар, олимлар, шоир-ёзувчилар ва шу каби маълумотлар проза, поэзияда реалистик асосда, тўғри, аниқ ифодалаб берилган.

Огаҳий Хива тахтига кетма-кет келиб-кетган саккиз хон ҳукмронлиги даврида яшади ва фаолият кўрсатди. У хонларнинг харбий юришларида қатнашди, барча воқеа ва ҳодисаларни бевосита ўз кўзи билан кўриб, кейинчалик тарихий асарларида ҳаққоний акс эттирди.

Огаҳийнинг тарихий асарларига академик В.В. Бартольд, шарқшунос-тарихчи олимлар П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов ва Қ.Мунировлар томонидан юксак баҳоланди. Хусусан, В.В.Бартольднинг қайд этишича «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган далилий манбаларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Кўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича бўлган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради»¹.

Муҳаммадризо Огаҳий жуда сермахсул ва серқирра олим эди. У йирик шеърий девон ва 6 та тарихий асар яратиш билан бирга таржимачилик

¹ Бартольд В. Сочинения. II том. – М.: Издательство Восточной литературы. 1963. – С. 285-286.

соғасида ҳам сермахсул ижод қилган. Огаҳий жами 19 та бадий, тарихий ва бошқа жанрлардаги асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Яна бир усмонли турк тилидаги асарни ўзбек тилига ўтирган. Жами 27 та асардан 23 таси кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган.

Огаҳий халқ орасида лирик шоир сифатида ҳам машхур эди. Унинг «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) номли девонига «Ашъори форсий» номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ўрин олган. Огаҳий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. У ўз замондошларига инсонпарварлик, халқпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган. Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қилган.

У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишлаб қасидалар ёзган. Огаҳийнинг «Қасидаи насиҳат» асари Ферузга бағишланган. У ўз насиҳатларида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўллариини белгилаб беради. Қасида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг сиёсий-маърифий қарашлари ёрқин акс этган. Огаҳийнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, шижоатли, адолатли, ғайратли, саховатли, ҳаёли, соф ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Ҳукмдор шу фазилатларга эга бўлса, унинг ҳокимияти камол топади, мамлакати фаровон бўлади, деган фикрни илгари суради.

Огаҳий давлатни бошқаришнинг йўллариини ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шоҳ шарият аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак.

Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги ҳикматли байтлари мармар тошларга ёздирилиб, арзхоналарга кўйдирилган.

Унинг тарихий асарлари 19-аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлар сифатида қимматлидир.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмронлиги даврида унинг ташаббуси билан юзага келган Хоразм таржима мактабида Огаҳийнинг ўрни ва роли катта эди. У йигирмадан ортиқ асарни форс тилидан ўзбекчага ўтирди. Моҳир таржимон сифатида Мунис тугаллай олмай кетган Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарининг 2-3 жилдларини, Муҳаммад Маҳдихоннинг “Нодирнома” (5 жилд), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тазкираи Муқимхоний”, Низомиддин Аҳмад Ҳаравийнинг “Табоқати Акбаршоҳий”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафои Носирий” номли асарлари, Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт

пайкар”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Хусрав Дехлавийнинг “Хафт Биҳишт”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул-ҳикоят”, Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, “Саломон ва Ибсол”, “Баҳористон”, “Хафт авранг” асарларлари, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳу гадо”, Восифийнинг “Бадое ул-воқоъе” китобларини, Кайковуснинг фалсафа ва ахлоқ масалаларига бағишланган “Қобуснома” асарини, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Имомиддин Ғиждувонийнинг “Мифот ут толибин” китобларини форс тилидан ўзбекчага маҳорат билан таржима қилган.

Огаҳий ижоди нафақат замондошлари, балки ўзидан кейинги тарихчилар авлоди учун ҳам манба сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. Огаҳийнинг илмий мероси катта бўлиб, унинг қаламига мансуб 22 та асари дунёнинг 72 та қўлёзма фондларида сақланмоқда. Беруний номидаги Республика Шарқшунослик институтида 6 асари (11 нусхада) сақланмоқда. Санкт Петербургда 10 та ва Душанба шаҳрида 8 та асари мавжуд.

Огаҳийнинг Субутой Долимов ва профессор Гулом Каримов томонидан ҳамкорликда тайёрланиб, чоп этилган 6 жилдлик асарлар мажмуасининг 5-6 жилдлари унинг тарихий асарларини ўз ичига олади. Огаҳий ўзининг тарихий асарлари билан Хоразмнинг ярим асрдан ортиқ даврини ёритиб берувчи қимматли тарихий хроникасини яратди ва Ўрта Осиёдаги тарихнавислик фани тараққиётига катта ҳисса қўшди.

ҒИЁСИДДИН АЛИ ЯЗДИЙНИНГ “ҲИНДИСТОН ЮРИШИ КУНДАЛИГИ” АСАРИДАГИ ЭНГ МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР

Абдумажид МАДРАИМОВ

*Тарих фанлари доктори, профессор,
Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири*

Аннотация. В настоящей статье анализированы самые интересные данные о характере Амира Темура, присоединение к его государству добровольно Кашмира, сведения о выдающемся мастере сочинения писем Мавлана Шахабуддина Муниши, который собирался писать историческое сочинение о своем покровителе.

Калит сўзлар: манба, илоҳиётчи олим, рисола, Амир Темура, Ғиёсиддин Али Яздий, Кундалик, фармон, Ҳиндистон, юриши, тарих, тарихчи, Кашмир, Искандар Шоҳ, бож, мавлоно, Шаҳобиддин Муҳаммад, муниший.

Ғиёсиддин Али Яздий машҳур илоҳиётчи олим бўлиб, у икки рисола, бири араб тилида, иккинчиси форс тилида ёзиб уларни Амир Темурга тақдим қилган экан. Шундан кейин олий фармон чиқарилиб, унга кўра муаллиф жаноби олий жаҳонгир Амир Темура иштирок этган баъзи жанглари форс тилида ихчам қилиб ёзиб, Ҳиндистон юриши

кундалигини баён этсин. Асар тили содда ва равон, сунъий кўтаринки руждан йироқ бўлиши талаб қилинди. Фасиҳ Аҳмаднинг ёзишича, Гиёсиддин Али Яздий Амир Темурнинг вазири бўлган экан². Тарихчи олимларнинг фикрига кўра, бу асар 12 март 1403 йили тугалланган бўлиши мумкин. Бу китоб Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши иштирокчиси қози Насириддин Умарнинг “кундалиги” асосида ёзилган кўринади.

Ушбу асарнинг дунёда ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 1520/II рақами остида сақланиб, 56 варақдан (806-1356 вв.) иборат ва уни ҳижрий 1015, мелодий 1606-1607 йиллари битганз.

Гиёсиддин Али Яздийнинг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асари асл матни 1915 йили Санкт-Петербургда Л. А. Зимин томонидан тайёрланган ва у академик В. В. Бартольд таҳрири остида чоп қилинган ва 1958 йили проф. А. А. Семеновнинг русча таржимаси Москвада нашр қилинди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигидан сўнг Амир Темур ва Темурийлар даврига оид қатор фундаментал китоблар, хусусан “Амир Темур жаҳон тарихида”⁴, “Темур ва Улуғбек даври тарихи”⁵, “История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов”⁶ ва бошқалар ҳамда қимматли ёзма манбалар, жумладан, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарид⁷, Аҳмад ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”⁸, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари⁹ ва бошқалар таржималари ўзбек тилида нашр этилди.

1 Гийасаддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию /Перевод с персидского, предисловие и примечания А. А. Семенова, -Москва: Изд-во восточной лит-ры, 1958, -С. 24.

2 Собрание восточных рукописей АН РУз. История / Составители: Д.Ю.Юсупова, Р. П. Джалилова, -Ташкент: «Фан», 1998, - С. 115.

3 Ўша асар, -С. 115-116.

4 Амир Темур жаҳон тарихида / масъул муҳаррир; Р. Қосимов, -Тошкент: “Шарқ”, 2006, -Б. 336.

5 Темур ва Улуғбек даври тарихи /Бош муҳаррир – А. Асқаров. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996, -Б. 264.

6 История узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов /Отв. Ред. Э. В. Ртвеладзе, Д. А. Алимова. –Ташкент: “Фан”, 2017. –С. 536.

7 Низомиддин Шомий. Зафарнома/ форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга таёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев, Изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳаб. Караматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996 - Б. 528.

8 Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлар), 1-2 китоб. Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. –Тошкент: “Меҳнат”. 1992.

9 Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Ашраф, Ҳ. Бобобеков. – Тошкент: “Шарқ”, 1997.

Амир Темур фармонига биноан яратилган Ғиёсиддин Али Яздийнинг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асари ўзбек тилига филология фанлари номзоди Р. В. Қобулова томонидан таржима қилинган бўлса-да, шу пайтгача китоб нашр этилмай келмоқда. Албатта, бу асар муаллифи илоҳиётчи олим бўлгани унинг айби эмас. Иккинчидан, ҳар қандай ёзма манба каби бу асарда ҳам ўша давр руҳи, сарой муҳити, ўша давр одоби яққол намоён бўлган. Биз ушбу мақолада, шу асарда мавжуд айрим қимматли фикр ва маълумотларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Биринчидан, ҳатто тарихчи Низомиддин Шомий ҳам Амир Темур барча мамлакатларни забт этган деб таъкидлайди¹. Ваҳоланки, бу асарда эса Кашмир мамлакати ҳокими Искандар Шоҳ элчисини юбориб Амир Темурга ўзининг тобеълигини изҳор этади². Энг қизиқ маълумот шуки, Искандар Шоҳга бож сифатида ўттиз минг от топшириш вазифаси юкланган экан. Бу ҳоким ўзининг бунча божни топшириш имкони йўқ эканлигини изҳор қилган. Ҳақиқий ҳолатни аниқлаш ва отларни келтириш учун Амир Темур ўз мулозимларидан Ўлжой Темур Қучжин ва мавлоно Нуриддинни жўнатган бўлиб, улар қайтиб келиб, девонга шуни маълум қилдиларки, Искандар Шоҳ бунча отни топшириш имконига эга эмас экан. Бу маълумотни Амир Темурга етказганларида, Соҳибқирон норози бўлиб, ўз мулозимларига шундай ўринли танбеҳ берган экан: “Нега Искандар Шоҳ бажариши мумкин бўлмаган миқдорда бож талаб қилдинглар”, деб. “Ҳар бир кишига шундай талаб қўйингларики, унинг имкони буни бажаришига изн берсин! Ҳар бир давлатдан шунча миқдор пул талаб қилингларики, бу давлат ҳудудига мос бўлсин! Ақл, ёритгувчи чироқ ва ёрқин юлдуз каби бўлиб, шуни биладик, ҳар қандай кишига кийим тикмоқчи бўлганларида, матодан унинг гавдасига мос қилиб бичилади. Тафаккур, қимматбаҳо дур ва ноёб жавоҳирдурки, ундан келиб чиқиб ҳар бир киши ҳолати ва қудратига мос талаб қўйиш зарур!”³

Тарихчи ўз асарини ёзишга киришар экан, Аллоҳдан ўзига ҳақиқатни ёздиришини тилаган ва далил сифатида “Қуръони карим”даги пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳга мурожаат қилиши билан боғлиқ оятларни келтирган: “Эй раббим! Менинг тилимни кейингилар ўртасида ҳақиқатни сўзловчи қил 4 ва мени (охиратда) неъматлар

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома, - Б. 20.

² Гийасаддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию. –С. 78 (165).

³ Гийасаддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию. –С. 164-165.

⁴ Мен рус тилидаги таржимага асосландим. Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржима ва тафсирида “Мен учун (менинг ҳақимда) кейингилар ўртасида яхши гаплар пайдо этгин” деб талқин этилган. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошкент Ислам университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009, 26 сура, 84 оят. 371 бет.

боғининг ворисларидан қилгин!” – деган экан. Тарихчи ушбу оятларни тафсирлаб, Иброҳим пайғамбар Аллоҳи таолодан икки нарса сўраган: бири - яхши ном, бу абадий ҳаёт дегани ва иккинчи мавжуд бўлиш; ва бошқаси – абадий жаннат ва абадий подшоҳлик, булар доимо мавжуд бўлиб, ҳеч қачон сўнмайди ва уларга ҳеч қандай нуқсон бўлмайди; у жойдагилар доимо барҳаётдурлар, ҳеч қачон ўлмайдилар ва бадани доимо соғлом бўлади; улар ёшдирлар, чунки ҳеч қачон қаримайдилар; улар бойдирлар, чунки камбағаллик нима эканини билмайдилар; улар (яхши) қўшнилар каби, бири-бирига ҳасад қилмайдилар; самимий дўстдирлар, уларнинг дўстлик саҳифасига қарама-қаршилик ғубори ўтирмайди. Юқорида келтирилган Қуръони карим оятларидан шу нарса яққол маълумки, ушбу ўткинчи дунё ва вақтинчалик маскандан, фақат (Аллоҳдан) сўраган самимий дуолар, солиҳ амаллар, ажойиб ҳадислар ва мадху санодан бошқа ҳеч нарса абадий қолмайди¹.

Гиёсиддин Али Яздий ўз асари муқаддимасида ўтмиш подшоҳларидан олимлар томонидан ёзиб олинган қизиқарли маълумотларгина тарихда қолади, деб таъкидлайди. Ўтмишга мурожаат қилиб, Рим императорлари тўғрисида олимлар қаламлари қайд этган нарсалардан бошқа қурилган кўплаб олий саройлардан ҳеч нарса қолмади, деб ёзган. Унинг фикрича, жаҳон олимлари турли мамлакатлар султон ва подшоҳларнинг ҳаётидаги ибратли ва ҳавас қилса арзигулик хусусиятларини баён этсин, чунки буларни замондошлар ва келажак авлодлар билсинлар ва ибрат олиб, уларни ҳурмат қилишсин, золимларни ёмон хусусиятларидан ўзларини сақлашсинлар².

“Ҳиндистон юриши кундалиги” асарида мавжуд муҳим маълумотлардан бири шуки, “Бу ажойиб китоб Ҳиндистонда бўлган воқеалар баёнини қамраб олган. Бундан сўнгги воқеалар, Аллоҳнинг мадади ва тақдир тақазосига кўра, ушбу тарих муаллифнинг ҳақиқий вориси, бизнинг улуғ жанобимиз, жаҳон олимлари раҳбари, ушбу замон нодири, мавлоно Шаҳобиддин Муҳаммад Мунший бўлиб, Аллоҳ уни ўз паноҳида асрасин, Шом ва Румнинг забт этилиши воқеасини тафсилотлари билан мукамал қилиб баён этгувсидир”³. Бу бошқа жойларда учрамайдиган бу ноёб маълумотни йирик бошқард – турк олими Закий Валидий Тўғон ўзининг “Хотиралар” асарида, “Амир Темурнинг Сурия (Шом), Дамашқ ва Анадолу (Рум) сафари ҳақида Шаҳобиддин Муҳаммад Муншийнинг асарини шу йил Фарғонада қўлимда ушлаб кўрганман. Ушбу қўлёзма соҳиби, хусусий коллекционер, қўлёзмани ҳеч қачон русларга

1 Гийасаддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию. –С. 19

2 Гийасаддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию. –С. 20-21.

3 Гийасаддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию. –С. 191.

кўрсатмаган эди. Кўп ҳаракат қилган бўлсам-да, бу китобни қўлга кирита олмадим”, деб тасдиқлаб ёзган эди.

Мавлоно Шихобиддин Муҳаммад ўз даври ноёб истеъдод эгаси эканлигини йирик араб тарихчи Аҳмад ибн Арабшоҳ ҳам шундай эслатади: Амир Темур“нинг девони муншийси: У (фақат) котиб ус-сир Мавлоно Шамсуддиндан иборат бўлиб, у замонасининг қозиси, ўз даврининг фозили эди. Иншо хабарларини тузишда у форсий ва арабийда хоҳлагинача тасарруф юритарди. **Унинг қаламининг тиғи ўз иқлимлари фатҳида махдуми (Амир Темур)нинг найзасидан ҳам ўтқир эди**”².

Ушбу келтирилган мисоллар Ғиёсиддин Али Яздийнинг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асарида Амир Темур шахси, фаолияти ва замондошларини ўрганишга арзийдиган қимматли маълумотлар жуда кўп эканлигини кўрсатади. Чунки бу асар Соҳибқироннинг фармонида биноан яратилгани билан ҳам янада қимматли манбалардан биридир. Уни ўрганиш ва ўзбек тилида нашр этиш тарихчи олимларимиз шарафли вазифаси деб ўйлайман.

МИРЗО АБДУЛАЗИМ СОМИЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ

Ҳалим ТЎРАЕВ

БухДУ профессори, т.ф.д.

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1838-1907) тарихнавис, шоир, хаттот, мунший каби касбий сифатлар билан Бухоро амирлигида ном қозонган ижодкор. “Миръот ул-хаёл”, “Манозир ал-иншо” сингари асарлар ва салмоқли шеърӣ мисралар унинг адабий ижодини беаб турса, “Дахмаи шоҳон”, “Тухфаи шоҳӣ”, “Тарихи салотини мангитийа” каби асарлар ижодкор тарихий меросининг умрбоқӣ ёдгорликлари сифатида ҳанузгача ўз қимматини сақлаб келмоқда ҳамда замон аҳли, тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқдаз.

Мирзо Сомий узоқ йиллар Бухоро ҳукмдорларидан амир Музаффар (1860-1885) ва амир Абдулаҳад (1885-1910) саройида муншийлик

¹ Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Борьба мусульман Туркестана и других восточных тюрок за национальное существование и культуру /Перевод с турецкого В. Б. Феоновой, Москва: 1997, -С. 102-103; Тўғон Аҳмад Закий Валидий. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи /Таржимон, илмӣ таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи М. Абдурахмонов. –Тошкент: 2014, -Б. 124.

² Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 2 китоб, 1992, -Б. 84.

³ Мирза Абдал’азим Сами. Та’рих-и салатин-и мангитийа / Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой, - Москва: Изд-во восточной литературы, 1962

вазифасида хизмат қилди. Россия империяси истилолари даврида амир Музаффар кўшинида воқеаларни ёзиб боровчи (нависанда) шахс сифатида иштирок этди. У сарой тарихчиси эди. 1898 йил сарой хизматидан четлаштирилгач, ижтимоий қарашларида айрим ўзгаришлар юз берди. Такаллуфлар билан хизмат қилиб, мурувватлар кўрган манғит амирлари фаолиятининг баъзи қирраларига нисбатан юмшоқ танқидий муносабат пайдо бўлди ва бу муносабат тарихий асарлари саҳифаларига кўчди. Бир муддат саройда хизмат қилган бошқа бир тарихчи – Аҳмад Дониш билан таққослаганда, Мирзо Сомийда манғит амирлари фаолиятига нисбатан мўътадиллик ва холисликни сезиш мумкин

Мирзо Сомий бирин – кетин ёзилган уч тарихий асар муаллифи. Учала асар ҳам сарой хизматидан бўшагандан ва олтмиш ёшдан ошгандан кейин ёзилган. Булар “Дахмаи шоҳон” (1902 йил), “Тухфаи шоҳий” (1903 йил), “Тарихи салотини манғитийа” (1906-1907 йиллар). “Дахмаи шоҳон” маснавийда ёзилган тарих. Баъзи муаллифлар уни адабий асар сифатида талқин қилишади. Бу ҳам тўғри. Биз асарни тарихий жанр сирасига киритдик ва бизнингча, икки хил ёндашув ҳам тўғри ва бир-бирини инкор қилмайди. Аслида ушбу асар Мирзо Сомий томонидан Мирзо Содиқ Муншийнинг шу номдаги асарига илова тариқасида ёзилган. Асарнинг учдан бир қисми Мирзо Сомийга тегишли. Мирзо Содиқ Мунший аштархоний ҳукмдорлар тарихини ёзган бўлса, Мирзо Сомий манғит амирларидан Муҳаммад Раҳимхондан бошлаб амир Музаффаргача ўтган манғит амирлари ва амир Музаффар тарихини маснавийда тасвирлаб берган.

“Дахмаи шоҳон”нинг қўлёзма нусхалари кенг тарқалган. Бир қўлёзма нусхаси Бухоро музейида сақланади¹. Муаллифнинг манғит амирлари фаолиятига қарашлари турлича. Муҳаммад Раҳимхон, амир Насрулло каби ҳукмдорлар салбий бўёқларда тасвирланса, амир Шохмурод, амир Ҳайдар ва амир Музаффарга хайрихоҳлик сезилиб туради. Бироқ, муаллиф улардаги нуқсон ва камчиликлардан кўз юммайди ва ўрни келганда бу ҳукмдорларни аяб ўтирмайди. Жумладан, амир Шохмуроднинг қизилбошлар устига қилган юришларини унинг ўз тилидан:

Ғазоҳо намудам қизилбошро,

Буридам сари мардум авбошро.

Яъни: Ғазот қилиб қизилбошлар устига,

Безорилар калласин чопдим

мисралари орқали ифода этади. Шунингдек, Марвга юриш қилиб, тўғонни вайрон қилганини, Тус ва Хуросон аҳлини қиличдан ўтказганини яширмай ёзади. Шохмуроднинг дарвешсифатлигига ишоралар

¹ Бухоро музейи қўлёзмаси, инв.№ 23720/11

мавжуд. Амир Ҳайдар тўғрисида сўз юритиб, унинг илм аҳлига мойиллигини эътироф этади.

Асарнинг амир Музаффар ҳукмронлик даврига бағишланган қисми нисбатан каттароқ. Амир Музаффар давридаги қусурлар очиқ тилга олинади. Унинг мағрурлиги ва мақтанчоқлигини танқид қилади. Россия империяси билан олиб борилган жанглар якун топиб, мамлакатдаги ички исёнлар подшо армияси ёрдамида бостирилгач, амир Музаффарнинг давлат ишлари билан шуғулланмай қўйгани, кўп вақтини тантаналарга сарфлагани ачиниш билан қайд этилади.

Мирзо Сомийнинг йирик тарихчилигини тасдиқловчи икки тарихий асар – “Тухфаи шоҳий” ва “Тарихи салотини манғитийа” фанда бир тарихий асарнинг расмий ва норасмий вариантлари, деб эътироф этилади. “Тухфаи шоҳий” сарой тарихчилиги анъаналари усулида, яъни ҳукмдорларни мақтаб ёзилган бўлса, “Тарихи салотини манғитийа”да улар фаолиятига баъзан кескин муносабат ифода этилади. Масалан, муаллифнинг биринчи тарихий-адабий асари “Дахмаи шоҳон”да амир Насруллонинг қаттиққўллиги ва золимлиги ошқора баён қилинган. “Тухфаи шоҳий” да эса унинг даврида адолат тантана қилгани, ўзаро низолар барҳам топгани, мамлакат ҳудудлари кенгайгани қайд этилади¹. “Тухфаи шоҳий” ҳажм жиҳатдан “Тарихи салотини манғитийа”дан каттароқ.

“Тарихи салотини манғитийа” асарида чор Россияси истилолари масаласига кенг ўрин берилган. Ушбу мавзуга Мирзо Сомийдан ташқари Аҳмад Дониш, Мирза Салимбек, Шарифжон Махдум, Қози Бақохожа каби бухоролик муаррихлар қўл уришган. Булар ичида масалани атрофлича ёритиб берган энг сара муаллиф Мирзо Сомийдир. Унинг “Тарихи салотини манғитийа” асари фактларга бойлиги билан юқорида тилга олинган муаллифларнинг асарларидан фарқ қилади. Асар уч қисмдан иборат: 1.Асарнинг умумий компиляция қисми ва амир Музаффарнинг ҳокимиятга келиши. 2.Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги жанглар ва Бухоро амирлигига қарашли айрим ҳудудларнинг Россия империяси томонидан истило этилиши. 3.1904-1905 йиллардаги рус-япон уруши, биринчи рус инқилоби, 1898 йилги Андижон қўзғолони.

Биз асарнинг иккинчи ва учинчи қисмларини шарҳлашга ҳаракат қилдик. Юқорида таъкидланганидек, иккинчи қисм Россия империяси истилолари тафсилотларига бағишланган. Мирзо Сомий бу воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлганлиги боис, тафсилотларига кенг тўхталади. Жумладан, Жиззах учун бўлиб ўтган жанглар, мудофаачиларнинг жасоратлари, мағлубият сабаблари атрофлича изоҳлаб берилади. Жанг

¹ Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России - Ташкент: “Наука” (Фан), 1965.- 29-бет

кунларида амир Музаффарнинг Самарқандда бўлганлигини, Жиззах мудофаасида шахсан иштирок этмаганлигини, мағлубиятдан сўнг ўғли Абдулмаликтўрани Самарқандда қолдириб, ўзи Карминага келганлигини ёзади. Воқеалар баёнини давом эттириб, муаллиф, Жиззах олингандан кейин руслар ярадорларни даволадилар, ҳалок бўлган мудофаачиларни, яъни амир жангчиларини дафн қилдилар, бузилган жойларни тартибга келтирдилар, деб таъкидлайди¹. Мирзо Сомийнинг қайд этишича, шу орада, Самарқанд халқи шаҳар ҳукмдори Шерали иноқдан кўп жабр-ситам кўрганлиги боис, уни лавозимидан четлатишни сўраб амирга мактуб ёзади. Агар уларнинг илтимоси инобатга олиниб, шаҳарга бошқа ҳоким тайинланса, Самарқанд халқи, эркак-аёл насроний кўшинларига қарши курашга отланажагини, бир киши қолгунча мудофаа жангларини давом эттиришларини билдиришади².

Мирзо Сомий маълумотида кўра, амир Музаффар бу таклифни қабул қилмайди, ва ҳатто баъзиларни ушбу таклиф учун жазога тортади. Амир Карминага қайтгач, лавозимида қолдирилган Шерали иноқ бир неча эътиборли шахсларни қаттиқ жазолайди, муллаларни калтаклайди. Бу ҳодисани муаллиф, “амирлик тузуми асосларига зарба берилиши ва давлат куёшининг ботишга томон оғиши”³, деб изоҳлайди.

Асар муаллифининг таъкидлашича, жанг ҳаракатлари давом этаётган ва вазият тобора чигаллашаётган бир пайтда амирлик томонда уруш ва сулҳ масаласида икки гуруҳ пайдо бўлди. Иккала гуруҳ вазир Муҳаммад Шукурбий иноқ чодирда тўпланишиб, жангни давом эттириш ёки сулҳ тузиш масласини муҳокама қилдилар. Раҳмонқулбий парвоначи рус кўшинларининг устунлигини инобатга олиб, сулҳ тузишни таклиф қилди. Таклиф амир ва қабила бошлиқларига маъқул тушган бўлса-да, Ёқуб қушбеги ва унинг айрим тарафдорлари таклифни рад этишади ва у қабул қилинмайди. Боз устига, бу тоифа қутқуси билан амир Музаффар Муҳаммад Шукурбий иноқни Бухорога жўнатиб, зиндонга ташлайди.

Мирзо Сомий Самарқанд атрофидаги жангларни ўз кўзи билан кўрганини маълум қилади. Шу боис бўлса керак, бу ерда юз берган воқеаларнинг тафсилоти асардан кенг жой олган. Зирабулоқ жангидаги мағлубиятдан сўнг амир Музаффар Карминада уламо ва қозилар иштирокида кенгаш чақириб, кейинги ҳаракатлар масаласини муҳокама қилди. Тўпланганлар амирга Хоразмга қочишни маслаҳат беришади ва амир Музаффар бунга қатъий рози бўлади⁴. Чунки улар ўз таклифларини

¹ Мирза Абдал’азим Сами. Та’рих-и салатин-и мангитийа, 66- бет

² Ўша асар, 67-бет

³ Ўша жойда

⁴ Ўша асар, 85-86- бетлар

турли далиллар билан исботлаб бердилар. Бироқ, амир Музаффар ушбу масалада бир пайтлар ўзи зиндонбанд қилган Муҳаммад Шукурбий иноқдан ҳам маслаҳат олишни маъқул топиб, уни Бухоро зиндонидан олиб келтиради. Муҳаммад Шукурбий иноқ шундай дейди: “Хоразмга қочмоқ, душман кўлига тушмоқдан кўра юз карра ёмон. Душмандан қочиш шармандалиқдир. Бухоро илгари ҳам кўлдан-кўлга ўтиб турган. Губернатор рус императорининг вакили, у император рухсатисиз ҳаракат қила олмайди. Тезда губернаторга одам жўнатиб сулҳ сўраш керак”¹. У амирни сулҳга рози қилади.

Асарда Абдулмаликтўра билан олиб борилган жанглар, ота ва ўғил ўртасидаги ихтилофларга губернаторлик аралашгани ва амирга ёрдам бергани хусусида ҳам батафсил маълумотлар мавжуд.

“Тарихи салотини манғитийа”нинг муайян қисмида жамиятга социологик нуқтаи назардан баҳо берилади, муаллиф иллат ва нуқсон деб санаган жиҳатлар очиб ташланади. Мирзо Сомий амир Музаффар илтифотларидан баҳраманд бўлган бўлса-да, унинг даврида илдиз отган бадхулқлик, амир феъл-атворидаги кибру ҳаво, адолатсизлик танқид остига олинади ва ушбу иллатлар давлатни ҳалокат ёқасига олиб келди, деган хулосага келинади. Бухоро давлати инқирозининг ташқи омили сифатида мамлакатга насронийликнинг кириб келиши ва Россия империясининг таъсирига тушиб қолиш кўрсатилади. Мирзо Сомий Россия империясининг ташқи сиёсатига нисбатан кескин позицияда турган. 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушида Россиянинг мағлубиятини кўллаб-қувватлаган². Россия ҳукумати томонидан ҳарбийларга тўланадиган маош миқдорининг юқорилиги рус халқи аҳволини оғирлаштирди, деб ҳисоблайди.

Амир Абдулаҳад ҳукмронлик йилларига нисбатан ҳам муаллифнинг мустақил фикри мавжуд. Амир Абдулаҳаднинг ўз қароргоҳини Карминага кўчирганига танқидий қарайди. Бунинг оқибатида амирликнинг барча иқтисодий-молиявий ишлари Остонакул қушбеги кўлига ўтганини, бирор-бир маъмурий – молиявий масала унинг маслаҳатисиз ҳал қилинмаслигини, Остонакул қушбегининг қудрати ҳаддан ошиб кетганлигини бир оз киноя билан ёзади. Шу билан бирга, амир Абдулаҳад замонида мамлакатда осойишталик, барқарорлик, хавфсизлик ҳукм сургани, халқ фаровон яшагани, ўзаро низолар барҳам топгани қайд этилади ва умуман амир Абдулаҳад ҳукмронлик йилларига ижобий хулоса берилади.

1898 йилги Андижон (Дукчи Эшон) кўзғолони ва унинг раҳбарига Мирзо Сомийнинг муносабати салбий. Кўзғолон тафсилотларига нисбатан кенгроқ тўхталган ҳолда, унинг оқибатида кўплаб насроний ва

¹ Ўша асар, 87-88-бетлар

² Ўша асар, 120-бет

мусулмон аҳли ҳалок бўлганини афсус билан қайд этади. Муаллиф Андижон қўзғолонига абжадда учта та’рих ёзган. Уларнинг бирида “Шуд мулки Андижон хароб”, яъни “Андижон мулки хароб бўлди” сўзлари орқали қўзғолон содир бўлган ҳижрий 1316 (милодий 1898) санасини аниқлайди. Шу даврда Андижонда юз берган зилзила тўғрисида гапириб, уни қўзғолон учун илоҳий жазо деб талқин қилади. Умуман, Андижон қўзғолонига нисбатан маҳаллий тарихнависликда қарашлар турлича ва Мирзо Сомий позициясини бошқа мулликларда ҳам учратиш мумкин. Замонавий академик тарих фанида ҳам ушбу қўзғолон моҳияти ва характерини белгилашдаги нуқтаи назарлар хилма-хил.

“Тарихи салотини манғитийа”да қизиқ парадоксга дуч келамиз. Россия империясининг истилоси, ташқи сиёсати, рус тартиблари, христиан маданиятини ҳазм қила олмаган Мирзо Сомий Россия империясига қарши кўтарилган халқ қўзғолонини кўллаб-қувватламайди. Унинг моҳияти, миллий-озодлик характери ва сиёсий аҳамиятини идрок этишга субъектив ёндашади. Андижон (Дукчи Эшон) қўзғолонини замоннинг устивор дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда, ўз пирига садоқатли, итоаткор муридларнинг диний ҳаракати сифатида талқин қилади.

Мирзо Сомий ижодий меросининг бир қирраси бўлмиш тарихнавислик унга шараф келтирдик, бу эътироф юқорида тилга олинган тарихий асарлар ва уларда тасвирланган тарихий воқеалар ҳамда “Тарихи салотини манғитийа” асарининг рус тилидаги хорижий нашри мисолида ўз исботини топди.

XITOUY MANBALARIDA TOJIK XALQINING ETNOGRAFIYASIGA DOIR MA'LUMOTLAR

Alisher DONIYOROV

*“Markaziy Osiyo xalqlari tarixi va manbashunosligi”
kefedrasi professori, t.f.d., TДШУ*

Javoxir DEDAMIRZAYEV

*“Markaziy Osiyo xalqlari tarixi va manbashunosligi”
kefedrasi o‘qituvchi-stajyori, TДШУ*

Xitoy manbalaridagi Tojik xalqining etnik tarixiga to‘xtaladigan bo‘lsak, ularda hozirgi Tojikiston hududida yashayotgan aholini “Tyaoji” deb nomlangan. Bu aholi haqida dastlabki ma’lumotlar Sima Chyaning “Tarixiy yilnomalar” asarida yozilgan. “Tarixiy yilnomalar”da (Shiji, 123-bob) yozilishicha, knyaz Chjan Chyan Guan-yuan davrida (mil. avv. 140-135) Dovon (Farg‘ona), Da Yuejchi (Kushon), Dasya (Toxariston) va Kangyuy (Xorazm)-ga tashrif buyurgan. Hamda, imperatorga quidagicha xabar yuborgan: “Ansi g‘arbdan Tyaoji, shimoldan - Yansay va Ligan bilan chegaralangan. Tyaoji

Ansi shahridan g'arbiy tomonga, g'arbiy dengizga yaqin bir necha ming li (1 li qadimgi Xitoy o'lchov birligi, taxminan 576 metr ga teng, hozirgi kunda esa 500 metr) yotadi. Iqlimi issiq, tuprog' nam, ular dehqonchilik bilan shug'ullanib, asosan guruch ekishadi. Ansi (Eron)ga qaram bo'lgan ko'plab maydachuyda hukmdorlardan biri bo'lishgan"[2:151-152]. Ushbu jumladan kelib chiqib hozir kunda tojik tarixchilari tyaoji bu Tojik xalqining ajdodlarini Xitoycha nomlanishi, ushbu hudud esa hozirgi kundagi Tojikiston hududi deb qaralmoqda. Tyaoji esa tojik etnoniming Xitoycha talaffuzi deb hisoblanmoqda.

Shuningdek, ushbu hududda yashovchi xalq haqida yana quidagicha ma'lumotlar saqlanib qolingan: Chjan Chyan 121 yildagi voqealarni tasvirlanganida, Xitoy elchilari Ansi (Parfiya), Yansay, Livan (Rim), Tyaoji va Shenduga yuborilganligi aytiladi[2:158]. Yana bir ma'lumotda esa: "Katta Xan sulolasi tarixida (Chian Hanshu, 95-bob) esa ushbu qabila istiqomat qiladigan hudud haqida "Tyaoji poytaxti yuz kunlik masofada joylashgan va g'arbiy dengiz (Sihay-Orol dengizi bo'lishi mumkin) yaqinida joylashgan. Iqlimi iliq va tuproq namligining uchun guruch ekilgan[2:182] deb yozilgan".

Yuqorida aytilganlardan kelib chiqib, birinchi navbatda, Xitoyliklarni Tyaoji mamlakati Parfiyaning g'arbiy qismida joylashganligi va ko'plab maydachuyda hokimliklarga ega bo'lganligi qiziqtiradi. Ammo keyin ushbu hududlar Parfiya tomonidan zabt etilgan. Balamiy "Tabariy tarixi" asarida ularning yashash hududlarini quidagicha tasvirlagan: "Dajla va Isfahondan Iroqgacha, Ko'histon va Jannatdan to Tabariston va Kerman hamda Xuroson daryolaridan Amudaryo sohillarigacha, ularning barchasi o'z hukmdorlari va oqsoqollari bilan birga qabilaviy yerlardir" [3:135]. Abu Rayhon Beruniy o'zining "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asarida "Arshakiylar mintaqalaridan birining hukmdorlari bo'lgan, ammo boshqa qabilalar ularga bo'ysunmaganlar va faqat eronlik bo'lganliklari uchun ular hurmatga sazovor bo'lishgan" deb tojiklarga nisbatan aytishgan[4:135].

Ushbu xalq haqidagi Xitoy manbalariga yana bir bor to'xtaladigan bo'lsak, Kichik Xan sulolasi tarixida (Xou Hanshu, 118-bob) shunday ma'lumot bor: "Tyaoji, Ansi va boshqa davlatlar Saroyga tarjimonlar bilan birga 40,000 jin miqdorida sovg'alar yuborishdi. 97-yil yozda Gan Ying Pan Chaodan g'arbiy tomonga yuborildi, u o'z navbatida G'arbiy dengiz (Sihay)ga yetib, qaytib keldi" [2:217].

Shu xalq haqida farmonlar va hujjatlarda ham ma'lumotlarning saqlanib qolganligi chindan ham Tyaoji qabilasi mavjudligini va ular hozirgi Tojikiston va Afg'onistonning shimoliy-sharqiy hududida istiqomat qilishini bilishimiz mumkin. Ya'ni miloddan avvalgi 56 yilda Xitoy imperatori tomonidan G'arbiy yerlarning hukmdori etib tayinlangan Pan Yun quidagicha yozib qoldirgan "Tyaojichi qarorgohi tog'da joylashgan, atrofi 40 lini tashkil qiladi; g'arbiy

dengiz yaqinidagi uch tomondan: janubdan, shimoldan va sharqdan, faqat shimoli-gʻarbdan unga quruqlik yoʻli bor. Iqlimi issiq, tuproq nam, arslonlar, bizonlar, tovuslar, tuyaqushlar kabi hayvonlar yashab, krujka oʻlchamidagi tuxumlar topilgan. Shimolga, keyin esa sharqqa 60 kunlik ot yurgandan keyin sharqda joylashgan. Tyaojilarning asosiy harbiylari atrofdagi kichik shaharlarni nazorat qilishgan”[2:224].

Ilk oʻrta asrlarga oid xitoy yilnomalarida ham ushbu xalq haqida maʼlumotlar keltirilgan boʻlib, ularning nomlanishida deyarli oʻzgarish sodir boʻlmaganligini koʻrishimiz mumkin. Ushbu davrga oid “Shimoliy sulolalar tarixi”da (Beishi, 97-bob) VI-VII asr voqealari haqida quyidagicha berilgan: “Bosina hukmdori Gʻarbiy Nyumidagi Suli shahrida oʻz qarorgohiga ega va bu qadimgi Tyaoji viloyati; unda yashovchi aholi eskiz shaklida toʻqilgan, marvarid va qimmatbaho buyumlar bilan bezatilgan shaftanli koʻylak kiygan. Erkaklar sochlarini qirqishgan, oq teridan shlyapa kiyib, bosh qismdan kiyiladigan koʻylak kiyishgan. Ayollar yer haydash uchun uzun koʻylak va katta shalvar kiygan; ularning oldidagi sochlar toʻplangan. Va yomonlikni ketkazish uchun kumush va kumush gullar bilan bezalgan rang-barang koptoklar iplari bilan yelkaga tushirib turishgan. Hududda asosiy saroydan tashqari, oʻrta joylarda joylashgan davlat saroylari singari boshqa joylarda oʻnga yaqin kichik saroylarga ega. Har yili toʻrtinchi oyda u tashqi saroylarni aylanib chiqadi va oʻninchi oyning oxirida, hukmdor taxtga oʻtirgandan soʻng, qobiliyatli bolani oʻz oʻgʻillaridan tanlab oladi va yashirincha ismini va muhrini yozadi, uni na oʻgʻillari va na zodagonlar biladilar. Koʻrinishidan, ular hukmdor vafot etgach umumiy yigʻilishadilar va unda ismi aniqlangan kishi taxtga oʻtiradi va uning aka-ukalari chegara postlariga yuboriladi va bir-birlarini hech qachon koʻrmaydilar”[2:261-262]. Bu ham ushbu xalqlarda oʻziga xos boshqaruv tizimi borligidan dalolat beradi va bu qadimiy xalqlarda mavjud boʻlgan ibtidoiy boshqaruvning bir shakli boʻlgan. Bu boshqaruv shakli Eroniy xalqlarda ham mavjud boʻlib, ushbu xalqlar oʻrtasida qarindoshlik va madaniy aloqalar mavjud boʻlganligidan dalolat beradi.

Ushbu davrga oid yana bir manba hisoblangan “Suylar sulolasi tarixi” (Suishu, 83-bob) asarida ham Tyaojilar haqida koʻplab maʼlumotlar uchraydi. Ulardan quidagini keltirishimiz mumkin: “Sule shahrida Dage daryosining gʻarbiy qismida joylashgan. Bu qadimgi Tyochjilar yeridir. Hukmdor Kusaxo laqabini olgan ... Hukmdor koʻpincha oʻz odamlarini sovgʻalar bilan Xitoy imperatoriga yuborgan. Poytaxtdan. bir necha yuz kilometr dengizdan gʻarbga, sharqdan 4000 ga qadar Muga, shimoliy-gʻarbiy tomondan Foliniga 4500 km, sharqdan Gua-Jega 11,700 km.ga teng. Yang-di [605 - 616] Bosa shahriga elchilar yuborgan. u yerdan mahalliy hukmdor Xitoydan elchilarini qabul qildi ...”[2:288].

Yuqorida aytilganlardan ko‘rinib turibdiki, biz Sosoniylar davri voqealari haqida gaplashmoqdamiz. Darhaqiqat, bu vaqtda ikkita poytaxt bor edi. Ulardan biri Ktesefon deb nomlangan va uning yana bir nomi Beh Ardasher, ikkinchisi esa Istahr edi. Tojik etnografiyasini o‘rganish uchun manbalarda u yerdagi xalqlar urf-odatlarini haqida ma‘lumotlar keltirilgan. Ma‘lumki, Sosoniylar shohi Ardasher Babakan davrida Zardushtiylar dini rasmiy dinga aylandi. Ushbu din ham tojik qabilalarini birlashuviga xizmat qilgan deyishimiz mumkin.

Hanshu, Suyshu va Beyshi yilnomalarida tojik xalqining ajdodi bo‘lgan tyaoji qabilasi haqida ko‘plab ma‘lumotlar berilgan bo‘lib, Sin Tanshu yilnomasida esa Tyaoji qabilasi haqida aniq ma‘lumotlar berilmagan, biroq, o‘sha davrda hozirgi Tojikiston Respublikasi hududida bir qancha mustaqil hokimliklar mavjud bo‘lganligi yozib qoldirilgan. Jumladan:

Gudo davlati. “Sin Tan shu”da juda qisqa tavsif berib o‘tilgan. Unda Tan sulolasiga kelgan ikki elchilar to‘g‘risida aytib o‘tilgan (729-733 yillar), hamda bu haqda imperator farmoni ham mavjud. Xitoy manbaalarida keltirilgan haqqoniy materiallar asosida, hamda katta bo‘lmagan Gudo davlatining Tan dalatining saroy arboblarning “Ma‘muriy-hududiy ijodi” doirasiga qo‘shilishi, “Arab xavfining” bu davlatlar boshqaruvidagilarni o‘ziga sharq davlatlaridan ittifoqchi izlashga majbur bo‘lgani – yana bir yorqin dalil bo‘la oladi. Dudu Gaofu boshqarmasining barpo etilishida yagona sabab bu Tan imperatori saroyida Gudoshi davlatining elchilarining paydo bo‘lishidir. Tan imperiyasining Gudoshi davlati bilan o‘zaro aloqaalarining asl mohiyatini tushunishdagi eng katta omil bu, Gudo yoki Gudoshi davlatining, Qo‘rg‘ontepadan shimolda hozirgi Tojikistonning Xuttalon tumanida joylasha turib VIII asrda arablarning deyarli butun O‘rta Osiyoni bosib olganiga qaramay mardlarcha qarshilik ko‘rsatgani bo‘ladi. Bu tumanda duduga Gaofu (Qobuldagi duduga boshqarmasi) boshqarmasining tuzilishi ham shu sababdan edi. Tan imperatorlarining va ularning vakillarining qoidalarga rioya qilishi shundan dalolat beradiki, o‘sha vaqtda o‘sha tumanda ya‘ni “tuzulayotgan” yangi duduga (bu unvon odatda Tan sulolasi(618-907) davrida qaram o‘lkaning boshqaruvchisiga berilgan unvon bo‘lgan) boshqarmalari saroy vakillarida juda tushunarsiz tasavvurlarni keltirayotgan edi. Aks holatda Gudoshi davlatining janubidan uzoqda joylashgan shahar degan nom berilmagan bo‘lardi. Xuttalon Xitoy o‘rta asrlarida qo‘lyozmalarda qator transkripsiyalarda ko‘rsatilgan[5:40]. Gudoshi nomi berilgan. “Sin Tan shu”da kichkina ma‘lumotnomada ham keltirilgan[5:221], unda Kedolo deb atalgan. ЧЭНЬ ЧЖУНМЯНЬ ning takidlashicha “Suy Shu”da bu davlat Xedo deb ko‘rsatilgan, “Sin Tan shu”da — Adolo. Bu davlat turli yilnomalarda turlicha atalishini asosiy sababi, iyerogliflar va ularning talaffuzlari turli davrlarda turlicha bo‘lgan. Lekin turli

davrlarda ham ushbu hududga bo‘lgan xitoyliklarning qiziqishi yo‘qolmaganidan dalolat beradi.

Bu davrga oid Tyaojilarning yana bir kichik davlati bu Kosedo davlati edi. “Suy Shu” da bu davlat haqida quyidagilar aytilgan: Kosedo davlati qadimiy Toxiriston yerlarida (qismida) joylashgan, aylanasi 3000 li (1500 km). Davlat anchagina katta bo‘lgan, Uning poytaxti aylanasi 10 li (5 km). Davlat boshlig‘i yo‘q, tyutze “turklariga” qaram bo‘lishgan. E.Shavannning yozishi-cha, Kosedo davlati, Afg‘oniston shimolidagi Anderab yaqinida joylashgan[6:275]. Zamonaviy Xitoy mualliflari ham bunga qarshilik qilishmayapti.

Shunga qaramay zamonaviy Tojik tarixnavislari Xitoy manbalaridagi Eranshahr mamlakati Sosoniylar hukmronligiga qadar Tyaoji, ya‘ni tojiklar deb nomlanganligi deb hisoblaydilar. Sosoniylar hukmronligi davrida u Bose deb nomlangan, bu tojiklarning qadimiy mamlakati ekanligini va Bose hukmdor nomidan Malik tomonidan qabul qilinganligini ta‘kidlaydilar. Lekin bu qarashlar hali o‘z tasdig‘ini topmagan.

Tojik tilidagi so‘zning kelib chiqishiga oid adabiyotlarni tahlil qilar ekan, N.Xanikov “tojik degani toj kiygan odam” degani deb ta‘kidlaydi. Bu shunchaki gap shohona toj haqida emas, Zardusht ta‘limotida juda muhim va mistik ahamiyatga ega bo‘lgan narsalar haqida va shubhasiz bu e‘tiqod tarafdorlari ilgari kofirlardan farq qilar edi. Masihiyalar xochni ko‘tarib olib yurishlari va musulmonlar esa salla o‘rashlari bilan ulardan farqlangan. Bularning barchasidan kelib chiqadigan bo‘lsak, tojikcha va arabcha so‘z sifatida “savdobi” (godson) yoki Banu Salib (xochning o‘g‘li) degan so‘z, bizning dehqonimiz, ya‘ni suvga cho‘mgan, xochni ko‘targan, dastlab etnik nom emas, degan xulosaga kelish mumkin. Bu ma‘lum bir qabila nomi bilan nomlangan, ammo shunchaki Zardusht ta‘limotlarining barcha izdoshlarini nazarda tutgan. Bu ism Zardusht dinida eng keng tarqalgan yoki u birinchi bo‘lib qadimgi Baqtriya va So‘g‘diyonda davlat diniga aylangan joylarda keng tarqalgan.”[7:42].

Keyinchalik XI asr oxirida tarixiy va badiiy adabiyotlarda “tojik” etnonimi Eron millatining nomi sifatida qayta ishlatila boshlandi[8:637]. Shuningdek, Xayrulloh Mustafining “Naqzat-ul-Qulub” (1340) asarini o‘qib chiqqan Millerning so‘zlariga ko‘ra, XIV asrda Erondan kelib chiqqan aholi fors va ozar, pahlaviy, kurd, tat, talish lahjalarida so‘zlashadigan “tojiklar” deb nomlangan. Xayrulloh Mustafiyning so‘zlariga ko‘ra, Ozarbayjon g‘arbidagi Urujiya ko‘lining shimoliy sohilidagi Tasuj shahrida tojiklar hali ham yashagan. Shuningdek, XIV asrda Tabriz aholisi, turkiy til qabul qilinishidan oldin tojiklar bo‘lgan ”[9:213].

XVI asrga qadar, Eronda Safaviylar hokimiyat tepasiga kelgunga qadar forsiy tilida so‘zlashadigan barcha eron xalqlari asosan “tojik” atamasi bilan tilga olingan.

Xulosa. Yuqoridagilardan xulosa qiladigan bo‘lsak, tojik xalqi o‘z tarixini xitoy manbasida qayd etib o‘tilgan Tyaoji qabilasini o‘z ajdodi sifatida qarash

mavjud bo‘lib, bu xalq haqida asosiy ma’lumot bevosita xitoy manbalariga borib taqaladi. Ushbu manbalarga qaraydigan bo‘lsak ushbu qabila Markaziy Osiyoning janubi-sharqida istiqomat qilganligini bilishimiz mumkin. Bundan ko‘rinib turadiki, ushbu hududlar hozirgi kundagi Tojikiston Respublikasi hududi o‘rniga to‘g‘ri kelishini ko‘rishimiz mumkin. Lekin shu bilan birga tojik etnonimi kelib chiqishi bo‘yicha hozirgi kunga qadar yaxlit bir to‘xtamga kelinmagan. Xitoy manbalaridagi tyaojilarning urf-odatlar va yashash sharoitlari Markaziy Osiyo hududidagi boshqa xalqlarning kiyimlari va yashash sharoitiga o‘xshash ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Bu esa ilk o‘rta asrlarda Markaziy Osiyo hududida istiqomat qilayotgan xalqlar orasida madaniy aloqalar juda yaxshi bo‘lganligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Madraimov A.A., Fuzailova G.S. Tarixiy manbashunoslik. – T.: Fan, 2007. – 264 b.
2. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средний Азии в древние времена. – Москва, 1958. Т. II. – 347 с.
3. Балъами М. Таърихи Табари. – Душанбе, 1992, – 392 с.
4. Беруни А. Осор-ул-бокия. – Душанбе, 1930, – 135 с.
5. Син Тан Шу. bob 221Б, bet 8б, 9-12
6. Chavannes, 1903a, p. 275, not. 2
7. Ханьков Н. В. Записки по этнографии Персии. – Москва, 1977. Ее перевод Ханьков Н. В. Андешахои роеъ ба тахкики мардуми Эрон. – Душанбе, Маориф, 1992, – 420 с.
8. Зехни Т. Калимаи “точик” дар осори гузаштагон.- в кн: Точик, точдор. – Душанбе, 1990. – 637 с.
9. Миллен Б. В. К вопросу о языке населения Азербайджана до отурчения этой области. Ученые записки. Т. 1. 1928, – 213 с.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАШҚИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ (архив материаллари асосида)

Раҳима АЛИМОВА

*Марказий Осиё халқлари тарихи ва
манбашунослиги кафедраси доценти, т.ф.н., ТДШУ*

Аннотация. Мазкур мақолада XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Марғилон шаҳрининг Фарғона вилояти ташқи савдосидаги ўрни архив материаллари асосида ёритилади. Марғилон шаҳри бозорлари, унда сотиладиган товарлар, тижоратчилар, молларнинг нархнаволари билан боғлиқ статистик маълумотлар таҳлил қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: Марғилон, бозор, маъмурий марказ, савдо маркази, ипак, ипакчилик станцияси, савдогарлар, товарлар.

Марғилон шаҳри 1876 йилгача Қўқон хонлигининг Марғилон вилояти маркази ҳисобланган. Тарихга назар ташласак, Қўқон хонлиги маъмурий-ҳудудий жиҳатдан вилоятларга бўлинган. Уларнинг энг йириклари Андижон, Марғилон, Тошкент, Тўрақўрғон, Туркистон, Ўратепа, Хўжанд, Чимкент, Чуст эди¹. Марғилон шаҳри эса вилоятларнинг энг йирикларидан бири эди. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлиги ташкил топгач, Марғилон беклиги Марғилон уездига айлантирилади². Айнан шу даврдан эътиборан Марғилон шаҳри ўзининг маъмурий марказ ролини йўқотган. Шаҳар Марғилон уездига энг катта шаҳар бўлса ҳам, ундан 12 км узоқликдаги жойда рус Марғилони деб аталган шаҳар қурилади. Машҳур Марғилон шаҳрига эса Эски Марғилон номи берилган. Марғилон шаҳри ўзининг маъмурий марказ сифатидаги аҳамиятини йўқотган бўлса ҳам, аввалги ижтимоий-иқтисодий мақомини сақлаб қолган. Қўқон, Самарқанд, Андижон, Бухоро шаҳарлари каби Марғилон ўлканинг ҳунармандчилик марказларидан бири ҳисобланар эди. Марғилон аҳолиси тарихий анъаналарини сақлаб қолган ҳолда полизчилик, боғдорчилик билан бирга ипакчилик, дўппичилик, мис буюмлар яшаш ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари билан ном таратган. Айниқса, Марғилон ўзининг атлас, алоча, беқасам ва бошқа ипак матолари билан машҳур бўлган³.

Шунинг учун бўлса керак, савдогарлар кўпроқ ипак матоларни сотиб олиш учун ўлканинг турли ҳудудларидан Марғилон бозорига келар эди. Фарғона вилоятининг бозорлари орасида Марғилон бозори Қўқон бозоридан кейин иккинчи ўринда турган. Марғилон бозори чакана савдоси ва сотиладиган молларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Бу даврда Марғилон Кошғар билан яқин савдо алоқаларини ўрнатган эди. Кошғардан келтирилаётган товарлар Марғилон ва Қўқонга келтириб туширилган ва у ердан бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқатилган⁴.

Марғилонда ипакчилик жуда яхши ривожланган-ки, ҳатто Россия ипакчилиқдан катта даромад олиш мақсадида бу ерда биринчи

¹ Мирза Алим Ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих-ал-хавакин. (Генеалогия султанов и история хаканов). – Ташкент., 2007. – С. 14.

² Мирза Алим Ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин. – С. 192-207; Бабабеков Х.Н.История Коканда. – Ташкент, «Фан». 2011. – С. 91-92.

³ Мирза Алим Ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин. – С. 17.

⁴ Ежегодник Ферганской области. Том I. Вып. 1902. – Новый Маргелан. 1902. – С. 45-48.

ипакчилик станцияларини қурган. Россия Ўрта Осиёнинг қайси худудида хўжаликнинг қайси тармоғи тараққий қилган бўлса, шу ерда ўша соҳани ривожлантиришга эътибор қаратган. Ўрта Осиёни Россия империясининг хом ашё манбаига айлантириш сиёсатидан кўзланган мақсадлардан бири, Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалигини Россия манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни етиштиришга мослаштирилишида эди. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори, ипакчилик соҳасида ҳам Россия ўзининг мустамлакачилик сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. Маълумки, Фарғона вилояти ўзининг қулай табиий иқлим шароитига кўра, аҳоли хўжалиги ва савдосида ипак қуртини боқиб, ундан серҳосил ипак етиштирилган. Аммо, Россия томонидан Кўқон хонлиги босиб олинган дастлабки йиллардан бошлаб ипакчилик аста-секин тушкунликка туша бошлаган. Архив хужжатлари маълумотларига кўра, аввалом бор маҳаллий ипак қурти уруғи зотларининг айниганлиги туфайли ипакчилик соҳасида етиштирилган ҳосил йилдан йилга пасайиб борганлиги кузатилган. Халқ хўжалигининг мазкур тармоғидаги қониқарсиз аҳволдан чиқиш мақсадида олиб борилган изланишлар, вилоятда ипакчиликни ривожлантириш учун сифатсиз ва касалликка чалинган маҳаллий уруғлардан воз кечиш ҳамда аҳолига соғлом целлюляр ипак қурти уруғи етказиб бериш лозимлигини кўрсатган. Шу мақсадда 1887 йилда вилоятда ипак қурти станцияси очилган эди.¹ Станция зиммасига ипак қурти уруғини тайёрлаш ва уни аҳолига текин тарқатиш, ипак қуртини боқишни хоҳловчиларга ўргатиш юклатилган.

1899 йилда Туркистон ўлкасида ипак қурти уруғини тайёрловчи станцияларни қайта қуриш натижасида барча ипак қурти билан шуғулланувчи корхоналар, жумладан, Янги Марғилондаги аввалдан ишлаб келган станция ёпилган. Фақат бутун ўлка учун ипак қурти етказиб берадиган ягона ипак қурти станцияси Самарқанд шаҳрида очилган.²

1901 йил ҳисоботларида Самарқанддан туриб, Фарғонага чет элдан келтириляётган ипак қурти уруғини ва хусусий ипак уруғи тайёрловчилар фаолиятини назорат қилиш ниҳоятда қийин кечаётганлиги, бу ҳолат ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар манфаатларига ёмон таъсир кўрсатаётганлигини акс эттирувчи фикрлар баён қилинган. Шунинг учун вилоят аҳолисининг хўжалик ҳаётида ва савдо-сотик соҳасида ипакчиликнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, Янги Марғилонни ипакчилик марказига айлантириб, бу ерда ипак қурти станциясини очиш зарурлиги таъкидланган. Эътироф қилинишига кўра, сўнгги йилларда чет элга 2,5 миллион рубллик ипак сотилган.³

¹ ЎзМДА Фонд. И-1, опись -12, ед.хр. 240. 3 об.

² ЎзМДА Фонд. И-1, опись -12, ед.хр. 240. 3 об.

³ Ўша жойда

Шунинг учун бўлса керак, Фарғона вилоятининг йиллик ҳисоботларида марказий шаҳарлар мисолида аввал Қўқон, кейин Марғилон шаҳри тилга олинади¹. Ўзбекистон Миллий архивининг И-87-фондида сақланаётган 31561- йиғма жилдда солиқ инспекторининг 1891 йил ноябрь ойи бўйича ведомостида Марғилон шаҳридаги чет эл савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар ва уларнинг сотган товарлари, молларнинг номлари, миқдори ва нархлари тўғрисида маълумот берилган. Биргина Марғилон шаҳрида савдо қилувчи қуйидаги 7 кишининг исмлари, уларнинг товарлари номлари, миқдори ва нархлари кўрсатилган: Хожибоев Охунбек, 2 гильдия савдогарлари Муҳаммад Бойматов, Муҳаммад Хўжаев, Хошим Усмонбеков, Шарип Хўжаев, Хўжа Абдусаматбоев, Абдурахмонхўжа Бузрукхўжаевлар номлари келтирилган. Улар асосан чой, қўй териси, ипак, кийгиз, мато, гилам, хом ипак, олача, ямба, тери, ипак пилла, қўзи териси, чинни, мўйналар билан савдо қилишган². Мазкур етти нафар савдогарнинг товарлари миқдори (сони ва оғирлиги) ва нархларини умумийлаштириб ҳисобланса қуйидагича кўрсаткичга эга бўламиз.

т/р	Товарлар номи	Миқдори (пуд)	Баҳо (рубл)
1	чой	34	1360 р.
2	қўй териси	100	1356 рубль
3	ипак	16	330 рубль
4	кийгиз	292	2307 руб
5	мато	816	12782
6	гилам	132	3755
7	хом ипак	31	4900
8	шолча	8	80
9	тери	16	172
10	Пилла	164	7000
11	қўзи териси	16	172
12	чинни	8	275
13	мўйна	16	240 рубль

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, Марғилон шаҳри ўша вақтларда савдо муносабатлари яхши ривожланган шаҳарлар сирасига кирган бўлиши мумкин, қолаверса, биргина Марғилоннинг ўзида чет билан етти нафар тижоратчи савдо қилиши, Марғилон аҳолиси орасидан савдогарлар тоифаси етишиб чиққанлиги, шаҳар айрим маҳсулотларни тайёрлаш бўйича марказга айланганлигидан далолат беради.

¹ Фонд. И-1, опись – 12, ед.хр. – 240; Фонд. И-1, опись – 1, ед.хр. – 80; Фонд. И-1, опись – 12, ед.хр. – 1730; Фонд. И-1, опись – 12, ед.хр. – 1717.

² Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. 31564. – ЛЛ. 13.

Шу йилларда рус ўлчов бирликлари билан савдо операцияларининг юритилганлиги, қисқа вақт ичида Марғилон руслар томонидан тўлик назоратга олинганлигидан далолат беради. Товарлар турларига эътибор қилинса, бу моллар асосан аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобланади. Демак, Марғилон аҳолиси қўй териси, ипак, кийгиз, мато, гилам, хом ипак, шолча, тери, пилла, қўзи териси, чинни, мўйна каби товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган дейишимизга асос бор. Бундан ташқари рўйхатда энг кўп сотилган маҳсулот ипак ва пилла эканлиги алоҳида эътиборга молик. Бу маълумотни юқорида Марғилон ипак маҳсулотлари етиштириш бўйича марказ эканлиги тўғрисидаги фикримизнинг эътирофи ўрнида қабул қилиш мумкин.

1892 йилнинг 31 январида Марғилон уyezди бошлиғининг 13-солик участка инспекторига тақдим қилган рўйхатида Марғилон шахрида савдо қилувчи савдогарларнинг номлари келтирилган. Рўйхатда 38 нафар савдогарларнинг номлари ва қайси бозорда савдо қилиши тўғрисида маълумот берилган¹. Хусусан, рўйхатда Абдужалилбой Муҳаммадюнусбоев, Отахон Мираюпов, Ашурмуҳаммад Алимов каби 38 нафар савдогарларнинг исм шарифлари берилган.

1892 йилда февраль ва март ойлари учун Фарғона божхона бўлимида рўйхатдан ўтган ташқи савдо билан шуғулланувчи марғилонлик шахсларнинг маълумотлари мавжуд. Февраль ойи ведомостида Марғилон шахрининг ўзида чет элдан келтирилган товарлар билан савдо қилувчи қуйидаги тўққиз нафар савдогарнинг исм-шарифлари, уларнинг сотган товарлар миқдори яъни ўлчами ва нархлари кўрсатилган². Тошхўжа Шарипхўжаев кийгиз, ипак, мато билан, Маҳмуд Қорахўжаев жун ва мато билан, Муллабобо Муҳаммадюсупов мато, кийгиз, хом ипак, амба билан, Абдурахмонхўжа Бузрукхўжаев тахта чой, мато, кийгиз билан, Сархатбой Абдусаматов мато, гилам, хом ипак, ипак билан, Муҳаммад-бобек Рахимов эчки териси, ямба, наMAT билан, Алимхўжа Замадонхўжаев эчки териси, ямба билан, Мулла Муҳаммад Абдулғозизбой мато, хом ипак, наMAT, ямба, гилам, жун билан, Муҳаммадхалим Муллабойматов эса ипак ва кийгиз билан савдо қилганлиги қайд этилган³.

1892 йил март ойи ведомостида Марғилон шахрининг ўзида чет элдан келтирилган товарлар билан савдо қилувчи қуйидаги 10 нафар савдогарнинг исм-шарифи, уларнинг сотган товарлари номи, сони ва нархи кўрсатилган жадвал берилган⁴. Мазкур йилнинг феврал-март ойларида Марғилон шахрининг ўзида 10 нафар тижоратчининг чет эл

¹ Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. – 31564. – ЛЛ. 15-16.

² Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. – 31564. – ЛЛ. 43.

³ Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. – 31564. – ЛЛ. 43.

⁴ Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. – 31564. – ЛЛ. 45.

товарлари билан савдо қилиши унинг иқтисодий кудратининг юқорилигидан далолат беради.

№	Исми ва шарифи	Товарлар номи	Сони (пуд)	Нархи
1	Муллахўжа Зайниддинхўжаев	ипак	32	500
2	Муҳаммадгалис Абдулғазизбоев	мато гилам кийгиз	92 8 4	1500 130 20
3	Муқимжон Муллажонов	тахта чой	1п.30ф.	58
4	Маҳмудхўжа Эшонқорахўжаев	инглиз кисеяси чой кийгиз мато гиламлар	3п. 21 ^{3/4} 8п. 38ф. 64 24 5	300р. 200 500 340 100
5	Ахрорхонтўра Хожиев	мато фарфор	8 4	70 р. 60
6	Муҳаммадҳалимбой Муллабой Муҳаммадбоев	мато кийгиз жун мато	204 16 4	3050 200 80
7	Мадалимбой Муҳамедов	мато жун мато	272 8	3800 170
8	Бобобой Муҳаммадрахимбоев	дори-дармон кийгиз эчки териси чинни идиш	16 40 64 4	50 400 400 300
9	Сархатбой Абдужаманбаев	мато кийгиз хом ипак	136 40 2	100 320 200
10	Муллабобобой Муҳаммадјусупов	мато гилам кийгиз	48 8 64	400 180 550

Фарғона вилоятидаги Қўқон, Андижон, Наманган шаҳарлари билан қиёсласак, Марғилон шаҳрида ишлаб чиқариш корхоналари нисбатан кам эканлиги маълум бўлади. Марғион шаҳрида 4 та кичик пахта тозалаш цехлари, ипак йигириш цехлари мавжуд эди. Аксарият савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарининг эгалари асосан москвалик фирмалар

¹ Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. – 31564. – ЛЛ. 43-45.

вакиллари, шунингдек, маҳаллий еврей фирмалари хўжайинлари эдиларі.

Статистик ҳисоботларда Марғилон шаҳри бўйича сарф қилинган харажатлар ва фойдадан келган тушумлар тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Масалан, 1901 йилда шаҳар харажатлари 38.333 рубл., келтирилган фойда эса 42.395 рублни ташкил қилган². Бу маълумот Марғилон шаҳри иқтисодий қувватининг паст эмаслигидан далолат беради.

Марғилон аҳолиси ёғ ишлаб чиқариш бўйича маълум тажрибага эга. XX асрнинг бошларида Марғилон уездида ёғ-мой ишлаб чиқарувчи заводлар сони икки бараварга ошган. Шу билан биргаликда уездда 13 та пахта тозалаш цехлари ишлаб турган.

Марғилон шаҳри Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлигининг маъмурий маркази бўлмаса ҳам, вилоятнинг асосий савдо бўғинларида муҳим ўрин эгаллаган. Туркистон генерал-губернаторлиги асосий эътиборни марказ Фарғона, Янги Марғилон ва Қўқонга қаратган даврда ҳам марғилонликлар ишлаб чиқарган товарлар талабгорлигини йўқотмаган. Шаҳарга рус саноат корхоналари кириб келган тақдирда ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш қисқарган, уларнинг ривожланишига тўсиқлар қўйилган тақдирда ҳам Марғилон шаҳар савдо муносабатлари ўзининг аҳамиятини сақлаб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бабабеков Х.Н.История Коканда. – Ташкент, «Фан». 2011.
2. Ежегодник Ферганской области. Том I. Вып. 1902. – Новый Маргелан. 1902.
3. Мирза Алим Ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих-ал-хавакин. (Генеалогия султанов и история хаканов). – Ташкент., 2007.
4. Обзор Ферганской области за 1890 год. Новый Маргелан. 1893.
5. Обзор Ферганской области за 1891 год. – Новый Маргелан. 1898.
6. Обзор Ферганской области за 1897 год. Новый Маргелан. 1899.
7. Статистический обзор Ферганской области за 1905 год. – Г.Скобелев. 1908.

Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатлари

8. Фонд. И-1, опись -12, ед.хр. 240.
9. Фонд. И-1, опись – 1, ед.хр. – 80.
10. Фонд. И-1, опись – 12, ед.хр. – 240.
11. Фонд. И-1, опись – 12, ед.хр. – 1717.
12. Фонд. И-1, опись – 12, ед.хр. – 1730.
13. Фонд. И-87/304, опись – 1, ед.хр. – 31564.

1 Статистический обзор Ферганской области за 1905 год. – Г.Скобелев. 1908. – С.6 7.

2 Ежегодник Ферганской области. Том I. Вып. 1902. – Новый Маргелан. 1902. – С. 45-48.

ШОҲРУХ МИРЗО ФАОЛИЯТИГА ДОИР БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Хуршид ФАЙЗИЕВ

*ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат
музейи директори, т.ф.н.*

Амир Темур томонидан Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларнинг ягона сиёсий тузилма остида бирлаштирилиши минтақадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг жадаллашуви-га туртки бўлди. Соҳибқирон ўзининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида йирик марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлди. Амир Темур вафотидан сўнг унинг кенжа ўғли Шоҳрух Мирзо салтанатни парчала-ниш ва инқироздан сақлаб, унинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим сиёсий ислоҳатларни амалга оширди.

Шоҳрух Мирзо Амир Темурнинг тўртинчи, кенжа ўғли бўлиб, хижрий 779 йил 14 раббиус-соний / милодий 1377 йил 20 август ойида пайшанба куни туғилган¹. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумот-ларига кўра, Шоҳрух Мирзонинг онаси Тоғой Туркон Оға² бўлса-да, Амир Темур уни Сароймулкхоним тарбиясига топширган. Айрим ривоятларга кўра, Шоҳрух Мирзо туғилиши билан бу хушxabарни соҳибқиронга етказиш учун саройга хабарчи юборилган. Иттифоқо, шу аснода Амир Темур шахмат ўйини билан машғул бўлиб, қўлини «рух» донасига чўзганда, хабарчи кириб янги меҳмон дунёга келганлигини етказган. Соҳибқирон Амир Темур қўлида ушлаб турган «рух» донасига боқиб, исми «Шоҳрух» бўлсин, деган экан³.

Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотда ҳам Амир Темур томонидан кенжа ўғлига исм қўйилиши юқоридаги маълумотга ўхшаш. Бироқ ибн Арабшоҳнинг маълумотларига кўра, Амир Темур ҳузурига чопар келиб, иккита қувончли хабар – бири янги меҳмон дунёга келганлиги бўлса, иккинчиси ҳукмдорнинг фармониغا кўра, Сирдарёнинг ўнг соҳилида янги шаҳар қуриб битказилгани ҳақидаги хабар эди. Соҳибқирон ҳар иккаласини (чақалоқ ва шаҳарни) шу ном билан аташни буюрган⁴. Бироқ, тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Шоҳрухия шаҳрининг қурилиши 1392 йилда тамомланган ва бу воқеа Шоҳрух Мирзо таваллудидан ўн беш йил кейин содир бўлган. Фасиҳ Ҳавофий ўзининг

¹ Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент, 1995. – Б. 295.

² Хондамир Ғиёсиддин Муҳаммад. Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул башар. III. ЎзР ФА ШИ, к/х. №5222. – Б. 85.

³ Файзиев Т. Темурийлар шажараси... – Б. 295.

⁴ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. – Тошкент: Меҳнат, 1992. 1-китоб. – Б. 118-119.

«Мужмали Фасихий» асарида ёзишича, Чингизхон даврида вайрон қилинган Фанокат шаҳри Амир Темур томонидан 1383 йилда қайта тиклана бошланган бўлиб, шаҳар қурилиши битгач, «Шоҳрухия» деб аталган ва Шоҳрух Мирзога суюрғол қилинган¹.

Шоҳрух Мирзонинг ёшлик даври ҳақидаги маълумотлар мазкур давр манбаларда нисбатан кам акс этган. Масалан, Низомиддин Шомий, Гиёсиддин Али, Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳ каби тарихчилар 1405 йилгача бўлган даврга тегишли маълумотларда Умар Шайх ва Мироншоҳ Мирзо фаолиятини нисбатан кенг ёритганлар. Шоҳрухнинг ҳарбий фаолияти Амир Темурнинг Музаффарий шоҳ Мансур билан бўлиб ўтган муҳорабасида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Низомиддин Шомий ушбу жанг ҳақида сўзлаб, шундай ёзади: «Амирзода Шоҳрух мардонавор ҳамла билан зўр жанг қилди. Шоҳ Мансурни ўша маъракада қатл этдилар. Унинг лашкарлари енгилиб, пароканда бўлиб кетди. Шу аснода кери қабиласидан мунтазам бир қўшин Шоҳ Мансурнинг ўлдирилганлигидан беҳабар иккинчи бир томондан чиқиб келди. Амирзода Шоҳрух баҳодир улар томонга от қўйди. Уларнинг ҳаммаси қочишга юз тутди»².

Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий Амир Темурнинг «етти йиллик» ҳарбий сафари даврида ҳам, гарчи доимо отаси ёнида бўлмаса-да, Шоҳрух Мирзонинг айрим ҳарбий юришларда иштирок этганлиги ҳақида маълумот берганлар³.

Ҳижрий 790 / милодий 1388 йилда Амир Темур ўғли Шоҳрух Мирзони ва икки набираси Муҳаммад Султон Мирзо ва Пир Муҳаммад Мирзоларни уйлантирган⁴. Шоҳрух Мирзога Гиёсиддин Тархоннинг қизи Гавҳаршодбегим никоҳланган. Шоҳрух Мирзо Гавҳаршодбегимдан уч фарзанд кўради. Улардан биринчиси Улуғбек Мирзо бўлиб, у 1394 йил 22 март якшанба куни Султонияда туғилган. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида берилган маълумотга кўра, 1394 йилда Амир Темур Мордин⁵ шаҳрини қамал қилган вақтида Улуғбек Мирзонинг

¹ Хавафи Фасих Ахмад. Муджмал-и Фасихи / Пер. с перс., предисл. примеч. и указатели Д.Ю. Юсуповой. –Ташкент: Фан, 1980. – С. 106.

² Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 178.

³ Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 249; Шомий Низомиддин. Зафарнома... – Б. 312-313, 330-333.

⁴ Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков... – Б. 121

⁵ Мордин ёки Мардин ҳозирда Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудида жойлашган шаҳар ва маъмурий бирлик - “ил”нинг номи бўлиб, ўрта асрларда бу жой Яқин Шарқ сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган.

туғилганлиги ҳақида хушхабар келади. Амир Темур бу хушхабар эвазига Мордин аҳолисини озод қилиб, шаҳарни идора қилиш ишини аввалги ҳоким Султон Солиҳга топширган¹.

Улуғбекдан бошқа Шоҳрух Мирзонинг Гавҳаршодбегимдан туғилган Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (туғ. 1397) ва Муҳаммад Жўки Мирзо (1402-1435) исмли ўғиллари бўлган².

Шоҳрух Мирзо иккинчи хотини Тўти бегимдан 1394 йил 26 августда бир ўғил кўрган. Унга Иброҳим Султон исмини берилган³. Шоҳрух Мирзо, 1394 йилда, Амир Темурнинг хоҳишига кўра, марҳум акаси Умар Шайх Мирзонинг беваси Мулкот оға бегимга уйланади. Кези келганда айтиб ўтиш лозим, Темурийлар даврида ҳам қадимги туркий анъана - ўлган аканинг бевасини укаси билан никоҳлаш одатига амал қилингани Шоҳрух Мирзо мисолида ҳам ўз ифодасини топган. Мулкот Оға бегим, Хизр ўғлоннинг қизи бўлиб, аввал Умар Шайх Мирзога никоҳланган эди. Шоҳрух Мирзо Мулкот Оға бегимдан 1398 йилда бир ўғил кўради. Унинг исмини Суюрғатмиш кўядилар.

Шоҳрух Мирзонинг яна икки ўғли бўлиб, булар 1403 йилда туғилган Жон Ўғлон ва 1404 йилда туғилган Муҳаммад Ёрдий Мирзолардир. Шунингдек, унинг яна икки қизи бўлиб, булардан каттаси Марям Султон Бегим ва кичиги Поянда Султон Бегим эди⁴.

Маълумки, Шоҳрух Мирзо фаолиятининг илк даврлари Хуросон билан боғлиқ. Шу ўринда шахзоданинг мазкур минтақадаги фаолияти айнан қайси пайтдан бошланганига тўхталсак. Амир Темур ўғли Мироншоҳ томонидан бошланган жануби-ғарбий ўлкалардаги, шу жумладан, Хуросондаги ҳарбий ҳаракат жиловини тезда ўз қўлига олиб, Хуросон эгаллангач, Мироншоҳ Мирзони дастлаб Хуросонга, кейинчалик, 1396 йили Озарбайжонга ҳоким этиб тайинлаган эди⁵. Айтиш мумкинки, Амир Темурнинг бундай сиёсати доимо нотинч бўлган собиқ Ҳалокуийлар улусида қаттиққўл, тажрибали ҳукмдор бўлишини таъминлашга қаратилган. Қолаверса, Амир Темур Хуросонда маълум вақт ҳукмронлик қилган ҳамда ўзи билан ҳарбий юришларда бирга юриб тажриба орттирган ўғли Мироншоҳ номзодини маъқул кўриши табиий эди. Хуросонга эса, 1397 йилда кенжа ўғли Шоҳрух Мирзони ҳоким этиб тайинлайди. Манбада айтилишича, «Сўнгра Хуросон вилоятининг

¹ Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов... – Б. 199; Хавафи Фасих Ахмад. Муджмал-и Фасихи... – С. 116.

² Хавафи Фасих Ахмад. Муджмал-и Фасихи... – С. 118-122; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2001. – Б. 358.

³ Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов... – Б. 207.

⁴ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 357-358.

⁵ Хавафи Фасих Ахмад. Муджмал-и Фасихи... – С. 117; Алишер Навоий. Мажолис-ун нафоис // Навоий. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. 3 жилд. – Б. 129-130.

хаммасини амирзода Шоҳрухга топширди ва улуғ амирлардан унинг хизматига тайин қилиб жўнатди»¹.

Шу тариқа Шоҳрух Мирзо 1397 йилдан эътиборан, Хуросон, Мозандарон ва Сейистонда Амир Темурнинг ноиб сифатида ўз фаолиятини бошлайди. Фасих Хавофийнинг маълумотларига қараганда, 1399 йил июль ойида Амир Темур фармонига кўра Ҳирот шаҳрида Шоҳрух Мирзо учун Боғи Шаҳр саройи қурила бошланган ва бу ишга Милкат Тавочи масъул қилиб белгиланган². Шунингдек, соҳибқирон 1401 йилда ўғли Шоҳрух Мирзо ҳузурига вазир лавозимига тайинланган Хўжа Шамсиддин Яҳё Симнонийни юборадиз.

Амир Темур ҳаётлиги пайтда Шоҳрух Мирзо ҳукми остида бўлган Хуросон билан боғлиқ айрим воқеалар манбаларда жой олган бўлиб, улар асосида шаҳзода фаолиятининг илк даврларини ёритиш мумкин. Шулардан бири Шоҳрух Мирзо девонидаги амалдорлар ва уларнинг Амир Темур томонидан жазоланиши билан боғлиқ. Дарвоқе, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг берган маълумотларига кўра, Амир Темур Хуросон вилоятига яқинлашгач, Хўжа Фаҳриддин Аҳмад Тусийни солиқ йиғиш ишларини назорат қилиш учун Хуросонга юборган бўлиб, мазкур амалдор қирқ кунда Хуросондан икки юз туман кепакий миқдорда маблағ йиғиб, хазинага топширган⁴.

Мазкур воқеа хусусида Фасих Аҳмад Хавофий асаридан тўлиқроқ маълумот оламиз. Унга кўра, Амир Темур Нишопурда турган вақтида Хўжа Фаҳриддин Аҳмад Тусийни Ҳиротга фавқулодда мухтор вакил қилиб жўнатади. Тусий Ҳиротга келиб, давлат ишларини текширгач, девонбеги лавозимида турган машҳур Хўжа Али Муҳаммад Шоҳни солиқ йиғувчиларни қийнаб азоб берганлиги учун Ҳиротнинг Малик номли дарбозасига олиб чиқиб остиради. Шунингдек, Ҳирот хўжазодаларидан йигирма кишини бадарға қилиш ҳақида Амир Темурга рўйхат тақдим этади. Амир Темур мазкур хўжаларни Ҳиротдан Ашпара ва Савронга сургун қилиш ҳақида фармон беради. Фармонга мувофиқ, хўжалар Ҳиротдан кўчириляётганларида Амир Темурнинг вафоти ҳақида хабар келиб, улар яна Ҳиротга қайтадилар⁵.

Шоҳрух Мирзо девонига нисбатан бундай жазо берилишининг жиддий сабаблари бўлган. Чунончи, Шоҳрух Мирзо Хуросон бошқарув

¹ Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов... – Б. 221.

² Хавафи Фасих Аҳмад. Муджмал-и Фасихи... – С. 120.

³ Ўша жойда. – С. 121.

⁴ Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков... – Б. 228; Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов... – Б. 391.

⁵ Хавафи Фасих Аҳмад. Муджмал-и Фасихи... – С. 124—126.

ишига масъул этиб тайинлангач, Ҳиротнинг йирик хўжазодаларини ўз атрофига йиғиб, уларнинг раҳнамолигида мамлакатни бошқарган. Мамлакат бошқарувини ўз қўлига олган хўжалар солиқчилар ишига бевосита аралашиб, уларга босим ўтказганлар. Натижада Амир Темур томонидан белгиланган Хуросон мамлакати солиқ мажбуриятлари издан чиққан. Бу эса Амир Темур томонидан Хўжа Аҳмад Тусий бошчилигидаги бир гуруҳ тафтишчиларни Ҳиротга юборилишига сабаб бўлган. Мазкур амалдор ўз зиммасига юклатилган вазифани аъло даражада бажариб, Амир Темур назарида ҳурмат эътибори ошган. Кейинроқ Амир Темур Хўжа Фаҳриддинни Самарқанд девонида масъул ишлардан бирига тайинлайди.

Амир Темур 1404 йилда Кониғилда тўй қилиб, Шоҳрух Мирзонинг ўғиллари Улуғбек Мирзо ва Иброҳим Мирзоларни, Умаршайх Мирзонинг ўғиллари Аҳмад Мирзо, Сайди Аҳмад ва Бойқаро Мирзоларни, Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Ижал Мирзони уйлантиради. Мазкур тўй муносабати билан Самарқанд шаҳрида қурултой чақирилади. Амирлар бу йиғилишда Шоҳрух ва Пир Муҳаммад Мирзоларнинг иштирок этиши лозимлигини соҳибқиронга айтадилар. Гарчи Амир Темур Пир Муҳаммад Мирзога Самарқандга келишига рухсат берса-да, Шоҳрухнинг Ироқ ва Озарбайжонда турган Мироншоҳ Мирзога таянч бўлиб туришини назарда тутиб, унга келишга рухсат бермайди.

Назаримизда, амирларнинг соҳибқиронга Шоҳрух ва Пир Муҳаммадни қурултойга чақириш таклифлари бежиз бўлмаган. Аввало, ўша давр анъанасига кўра, тўй маслаҳатларига таниқли давлат арбоблари, зодагонлар чақирилган. Шу муносабати билан давлат аҳамиятига молик қурултойлар ҳам ўтказилган.

Иккинчидан, Амир Темурнинг соғлиғи амирларни ташвишлантирган ва бу масалани соҳибқиронга ошқора билдирмай, валиаҳд хусусида кенгашишни лозим топган бўлишлари керак. Зеро, бу вақтда валиаҳдликка номзод бўлган Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Муҳаммад Султон Мирзолар вафот этган эдилар. Мироншоҳ Мирзо эса валиаҳдликка номуносиб топилган эди. Валиаҳдликка номзодлардан фақатгина Шоҳрух Мирзо ва Пирмуҳаммад Мирзолар қолган эдилар.

Афтидан, Амир Темурнинг Шоҳрух Мирзони Хуросондан чақириш борасидаги таклифни рад этиши унинг валиаҳдлик мартабасига лойиқ кўрилмаганидан дарак беради. Бунинг аксига Пир Муҳаммад Мирзо эса Самарқандга келади ва маълум муддат Амир Темур ҳузурида бўлади.

¹ Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов... – Б. 392.

² Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков... – Б. 290-291.

Курултой ва ундаги кўрилган масалалар ҳақидаги тафсилотлар биз томондан тадқиқ этилган тарихий манбаларда учрамади. Лекин шуниси аниқки, тўй маслаҳатидан кейин қурилтой бўлиб ўтади. Курултойда эса Хитойга қарши ҳарбий юриш режаси кўриб чиқилади. Буни кейинги тарихий воқеалар ҳам исботлайди. Валиаҳд масаласига келсак, бизнингча, соҳибқироннинг соғлиғи яхши эмаслиги амирларга маълум эди. Бироқ, ҳеч ким бу масалани кун тартибига қўйишга журъат этмаган.

Соҳибқироннинг Хитойга юриш ҳаракатларида Шоҳрух Мирзонинг иштироки қандай бўлганлиги манбаларда деярли акс этмаган. Ҳар ҳолда бошқа шахзодалардан фарқли ҳолда Шоҳрух Мирзо мазкур ҳаракатлардан анча четда турган.

Валиаҳдликка номзод белгиланишида Шоҳрух Мирзонинг четлаб ўтилиши масаласига қайтсак, биринчидан, у ёшлигидан диндор шахзода сифатида намоён бўлган. Афтидан, Амир Темур мазкур ўғлидан етук саркарда ва давлат арбоби чиқишига кўзи етмаган кўринади. Иккинчидан, қадимги туркий одатга кўра, валиаҳдликка хонадонда ёши улуг киши номзоди муносиб кўрилган¹. Пир Муҳаммад Мирзо, гарчи Амир Темурга набира бўлса-да, Мироншоҳ Мирзони истисно қилганда, ушбу хонадонда ёш жиҳатдан каттаси эди. Шу нуқтаи назардан ҳам Амир Темур Шоҳрухга нисбатан Пир Муҳаммад Мирзо номзодини валиаҳдликка муносиб кўрган бўлиши мумкин.

Шоҳрух Мирзонинг онаси - Тоғой Туркон оғо Амир Темурнинг бош хотинларидан бўлмай, кума² эди. Бу эса ўз навбатида, Шоҳрух Мирзо насабининг мавқеи Пир Муҳаммадга нисбатан қуйи туришига олиб келарди. Бу эса Пир Муҳаммаднинг ҳуқуқий жиҳатдан валиаҳдликка даъвогарлиги юқорироқ бўлган, деб ҳисоблаш имконини беради.

Шу ўринда мазкур масалага алоқадор яна бир омилга тўхталиб ўтиш лозим. Шоҳрух Мирзо ўз даври ёзма манбаларида “хоқони саид”, “баҳодир” каби эпитет (лақаб)лар билан қайд этилиб, бошқа бир қатор Темурий шахзодалардан фарқли ҳолда “кўрагон” деб аталганига доир маълумотлар учрамайди. Жумладан, у “Муиззул ансоб”да “Амирзода Шоҳрух баҳодир” шаклида зикр қилинган бўлса, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн”, Ғиёсиддин Наққошнинг “Хитой сафарномаси” асарларида, асосан, “хоқони саид” деб юритилади. Бу эса Шоҳрух Мирзонинг Чингизий сулолалар билан тўғридан-тўғри никоҳ алоқалари ўрнатмаганлигидан далолат беради.

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994. – Б. 56

² кума - қадимги турк-мўғул одатига кўра, ҳукмдордорларнинг илк ёки аслзода хонадонга мансуб аёллари “хотун” (малика) деб юритилган, кейинги ёки оддий тоифага мансуб бўлган аёллари эса “кума” аталиб, мавқе жиҳатдан қуйи даражада турган.

Амир Темур вафотидан сўнг Шохрух Мирзо 1405-1409 йиллар мобайнида Мовароуннахр ҳукмронлиги учун жиянлари ва исёнчи амирлар билан кураш олиб борди. 1409 йилда жияни Халил Султон устидан ғалаба қозониб, пойтахт Самарқанд шаҳрини эгаллади. Ҳирот шаҳри салтанат пойтахти мақомини олди.

Шохрух Мирзо ўз ҳукмронлигининг биринчи ярмида Темурий шаҳзодалар ўрасидаги ўзаро тахт-талашувларга нисбатан барҳам берди.

Темурийлар салтанатини мавжуд ташқи хавфлардан муҳофаза қилишда Шохрух Мирзо ўзига хос йўл тутди. Бу аввало унинг ташқи сиёсатида ҳарбий кучни эмас, дипломатияни ишга солганида ўз тасдиғини топади. Айниқса, унинг Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудларда ҳануз ўз таъсир доирасини сақлаб келаётган Чингизий ҳукмдорларга нисбатан қўллаган воситалари сўзимизнинг тасдиғи бўла олади. Маълумки, унинг ўғли Улуғбек Мирзо Чингизийларнинг бир тармоғи ҳукм сураётган Мўғулистонга бир неча бор ҳарбий юриш қилиб, мўғул шаҳзодалари билан ёвлашиб, пировардида салтанат учун ташқи таҳликанинг кучайишига сабаб бўлди. Шохрух чингизий ҳукмдорлар ичидан салтанат манфаатига хизмат қиладиган ҳукмдорнинг ҳокимиятга келишига замин тайёрлади ва шу йўл билан бу ҳудудни салтанат таъсир доирасига олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, у Чингизий сулолалар ҳукм сураётган Дашти Қипчоқдаги Оқ ва Кўк Ўрда каби давлатларга нисбатан юритган сиёсати натижасида уларнинг шимолдан бўлган ҳужумларини бартараф этибгина қолмай, балки у ердаги сиёсий кучларга бевосита ва билвосита таъсирини ўтказиш орқали ушбу ҳудудларда ҳам Темурийлар нуфузини сақлашга эришди.

Салтанат ташқи сиёсатида Миср, Ироқ, Сурия каби бир қатор араб мамлакатлари ва тарихий Озарбайжонга қўшни ҳудудлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва савдо жиҳатдан йирик давлатларнинг эътиборини ўзига тортар эди. Бу ҳудудларда сиёсий устунликка эга бўлиш эса, ҳар қандай салтанатнинг дунёда етакчилик мавқеи эришишига замин тайёрлар эди. Бу даврда Миср мамлуклари ва Усманийлар мазкур ҳудудларда ўз нуфузини ёйишга интилар, Темурийлар салтанати учун минтақада устунлик қозониш шартларидан бири - мазкур давлатлар билан мавжуд рақобатда ғолиб чиқиш лозим эди. Вазиятни тўғри баҳолай олган Шохрух Мирзо ушбу масалада дипломатик усулларни ишга солган ҳолда узоқ муддатли “сиёсий ўйин” олиб боради. Маълум маънода ўзаро иттифоқчи кучлар бўлмиш Миср мамлуклари ва Усманий султонларини минтақада таъсирсиз ҳолатга келтириш учун аввало, мазкур давлатларнинг “ишончли иттифоқчиси” - Қорақўюнлиларга қарши Оққўюнлиларни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудуд устидан Темурийлар салтанати назоратини сақлашга ҳаракат қилиш баробарида,

Қорақўюнлиларни ҳам ортиқча даражада ёвга айлантирмасликка ҳаракат қилди. Шу сабабли у Қора Юсуф ўғилларини ҳарбий йўл билан эмас, дипломатик йўллар воситасида салтанатга тобе қилишга уринди ва натижада ушбу ҳудуд устидан маълум даражада устунликни таъминлай олди.

Темурийлар салтанатининг ташқи сиёсати ва дипломатик алоқалари тарихига Шоҳрух Мирзо фаолияти орқали назар ташлар эканмиз, бу масалада амалга оширилган энг диққатга сазоворидан бири Ҳиндистон билан йўлга қўйилган сиёсий муносабатлар эканига гувоҳ бўламиз. Гарчи Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар салтанати ташқи сиёсатида Ҳиндистон юқорида зикр этилган давлатларчалик ҳарбий ва стратегик жиҳатдан катта аҳамият касб этмаса-да, бироқ салтанатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришуви ва тобора юксалиб бориши учун бу ерда ҳам устунлик қозониш муҳим аҳамият касб этар эди. Аввало, Ҳиндистоннинг узоқ асрлардан бери савдо учун қулай минтақа эканлиги барча йирик давлатларни ўзига жалб қилганидек, Темурийларнинг ҳам диққатини тортар эди. Гарчи Амир Темур даврида мазкур мамлакатнинг Деҳли ва унинг атрофини ўз ичига олган марказий қисмлари салтанатга бўйсундирилган бўлса ҳам, Соҳибқироннинг ўлими ва шаҳзодалар орасидаги тахт талашувлар натижасида Шимолий Ҳиндистондаги Темурийлар нуфузи сусайган, бу эса Шоҳрух Мирзога мазкур ерларга эгалик қилиши учун яна қайтадан ҳарбий сафар бошлаш заруратини келтириб чиқараётган эди. Темурийлар салтанатига ҳам шимолдаги Чингизий ҳукмдорлар хавфи, ҳам ғарбдаги Қорақўюнлилар таҳлиқаси муқаррар бўлиб турган бир шароитда Шоҳрух Мирзонинг Ҳиндистон устига қўшин тортиб бориши қўшимча муаммо туғдирар эди. Шоҳрухнинг вазиятни тўғри баҳолай билиш маҳорати бу масалада ҳам қўл келиб, ортиқча куч сарфламай туриб, дипломатик усуллар воситасида Ҳиндистондаги бир неча рожалик ва султонликлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги маълум. Бунда Шоҳрухнинг Деҳли ҳукмдори бўлган Хизрхонни муттассил равишда қўллаб-қувватлаб туриши орқали Шимолий Ҳиндистон ҳудудининг салтанатга тобелиги таъминланди. Шунингдек, Шоҳрух Мирзо томонидан Ҳиндистондаги Коликут, Вижаянагар, Жунапур, Бангола каби давлатларга салтанат элчиларининг юборилиши давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига туртки бўлди.

Мазкур даврда Темурийлар салтанатининг Хитой давлати билан дипломатик алоқалари ўзаро савдо муносабатларнинг раванқ топиши ва қарвонлар қатновининг янада ошишига замин яратди.

Шу ўринда Шоҳрух томонидан амалга оширилган диққатга сазовор яна бир иш - бу Темурийлар давригача Марказий Осиё ҳукмрон сулолалари амалиётида жуда кам учрайдиган тадбирларнинг йўлга қўйилганлигидир. Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида бирор ўлкага

элчи юборилар экан, элчиларга ўз сафар кундаликларини ёзиб бориш, чет мамлакатларнинг аҳволи ва бошқарув шаклини қайд қилиш каби вазифалар топширилади. Бунинг мисоли ўша пайтларда ҳам дунё аҳли учун жозибадор ва “сирли” туюлган Ҳиндистон ва Хитой каби ўлкалар ҳақида махсус маълумот йиғиш вазифасининг элчиларга юклатилишида кўзга ташланади.

Шундай қилиб, Шоҳрух Мирзо фаолиятига қисқача тўхталиб ўтиш натижасида мазкур Темурий ҳукмдорнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи йил сайин ортиб боргани ва пировардида салтанатнинг етакчи сиёсий арбобига айланганлигига гувоҳ бўламиз. Тўғри, Темурийлар салтанатининг илк паллаларида Шоҳрухнинг сиёсий мавқеи унчалик кўзга ташланмаса-да, бироқ, Амир Темур вафотидан кейин салтанатдаги алғовли йиллар уни чиниқтириб, олий ҳокимиятни ўз қўлига олиши билан яқунланади.

Хуллас, мавжуд тарихий вазият, Темурий шахзодалар орасидаги тожу-тахт талашувлари ва сарой аъёнлари ўртасидаги зиддиятлар, Хуросондаги ноиблик тажрибалари, Амир Темур салтанатига чегарадош давлатлар билан ўзаро муносабатлар Шоҳрух Мирзони етук давлат арбоби бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

ТАСАВВУФГА ОИД АЙРИМ МУЪТАБАР МАНБАЛАР (ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МИСОЛИДА)

Ҳамидилло ЛУТФИЛЛАЕВ
ЎзР ФА ШИ илмий ходими

Амир Темур ва Темурийлар давлатида сиёсий барқарорлик ўрнатилиши ва иқтисодий ривожланиш маънавий ҳаётнинг юксалишига олиб келди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг ҳам янги босқичда ривожланишига туртки берди. XIV-XV асрларга келиб, Ўрта Осиёда “ислом”, “суфийлик” каби тушунчалар бир қатор омилларни ифодалаган. У бошқа даврлардан фарқли равишда аввало, ўша давр жамиятининг ғоявий-маънавий, ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларини англатар эди¹. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлаб “хожагон” кейинчалик “нақшбандийлик” тариқати сифатида машҳур бўлган тасаввуф тариқатининг таниқли пешволари Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 822/1420), Яъқуб Чархий (ваф. 851/1447), Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий (ваф. 897/1492), Мавлоно Муҳаммад Қози (ваф. 920/1514) Темурийлар даврида яшаб ижод қилганлар.

Темурийлар даври ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган шахс сифатида Хожа Аҳрор валий номи кўпроқ

¹ Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б. 103.

зикр қилинади. Хожа Аҳрор валий ўз нуфузи ва сиёсий иқтидоридан фойдаланган ҳолда, Темурийлар салтанатини парчаланиш ва таназзулдан сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Шу билан бир қаторда ўзининг шахсий маблағлари эвазига кўплаб мадраса ва масжидлар қурдирган¹. Хусусан, Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек томонидан 860/1455 йилда Самарқандда қурдирилган мадраса ва машҳур адиб Зайниддин Восифий (ваф. 958 ёки 973/1551 ёки 1566) имомлик қилган “Масжиди Атторон” Хожа Аҳрор маблағи ҳисобидан қурилганлиги айрим тадқиқотларда келтирилади². Нақшбандия ёки Хожагон – Нақшбандия тариқати Темурийлар даврига келиб нафақат ижтимоий, балки сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий соҳаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Бу даврда илмий тасаввуфнинг ривожиди соҳага оид бир қанча ёзма манбалар муҳим аҳамият касб этган. Уларни фан соҳаларига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Мутасаввуф олимлар томонидан Қуръони каримга ёзилган тафсирлар ва тасаввуфга оид мустақил асарлар.

Машҳур тасаввуф олими сифатида шуҳрат топган олимларнинг аксарияти ислом илмларининг турли соҳаларига оид асарлар ёзганлар. Шундай асарларнинг бир қисми Қуръони карим тафсирига бағишланган асарлар ҳисобланади. Уларнинг бунга доир ёзма мероси асосан ишорий услубидаги тафсирлар ҳисобланади. XV асрга қадар ишорий услубда ўнлаб тафсирлар ёзилган бўлиб, улар мусулмон мамлакатларига тарқалиб улгурган эди. Темурийлар салтанатида мутолаа қилинган эътиборли асарлар учун манба вазифасини ўтаган ишорий тафсирлар қуйидагилар:

1. Шайх Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ас-Сулламий ан-Нийсобурийнинг (ваф. 412/1021-1022) “Ҳақоик фи-т-тафсир” асари. XI асрда яратилган ушбу манба ишорий услубда ёзилган дастлабки тафсирлардан биридир.

2. Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Иброҳим ас-Саълабий (ваф. 427/1035–1036)³ томонидан таълиф этилган “Кашф ал-баён ан тафсир ал-Қуръон” асари ўрта асрларда муътабар тафсирлардан ҳисобланган. Манбаларда кўпроқ “Тафсири Имом Саълабий” номи билан қайд этилади.

3. Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний ал-Форуқийнинг (ваф. 794/1392)⁴ “Кашф ал-асрор ва уддат ал-аброр” номли асари (қисқача “Кашф ал-асрор”) форс тилида ёзилган.

¹ Кутибоев З.А. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг Мовароуннаҳр XV аср ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни: Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Андижон, 1998. – Б. 257.

² Каттаев К. Хожа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини. Самарқанд, 2004. – Б. 21-22.

³ Бу асар ҳақида қаранг: www.maarefislam.com.

⁴ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун. – Дор ас-саодат, 1310/1892-1893. Ж.II. – Б. 317.

4. Нажмиддин Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Асадийнинг “Баҳр ал-ҳақоик вал маъоний фи тафсир сабъ ал-масоний” асари ўрта асрлар манбаларида қисқа ном – “Баҳр ал-ҳақоик” деб эслатилади.

XV асрга келиб мазкур манбалар асосида темурийлар салтанатида ҳам ишорий услубда мустақил тафсирлар яратилди. Масалан, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Хожа Муҳаммад Порсо” асари темурийлар даврида ёзилган тасаввуфий тафсирлардан биридир. Мазкур тафсир 822/1419 йили Бухорода ёзилган. Айти пайтгача асарнинг бешта қўлёзма нусхаси аниқланган ва улардан бири ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 2180 рақами остида сақланади.

Яъқуб Чархийнинг “Тафсири Чархий” асари соҳага нисбатан кичик ҳажмли асар бўлса ҳам анча машҳурдир. Унда Қуръони каримнинг 49 та сурасига (Фотиҳа ва Мулк сурасидан то Нос сурасигача) тегишли оятлар маънолари асосан ишорий услубда шарҳланган. Ҳозирда дунёнинг кўпгина китоб хазиналарида унинг қўлёзма ҳамда тошбосма нусхалари мавжуд. Жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида йигирма бешдан ортиқ қўлёзма нусхаси сақланади².

Таъкидлаш жоизки, темурийлар даврида истеъмомда бўлган ишорий тафсир муаллифлари аслида серқирра олимлар бўлганлар.

Ўрта асрларда бошқа илмлар қатори тасаввуфга оид мустақил асарлар таълиф этилган. Уларнинг бир қисми темурийлар даврига қадар ёзилиб, соҳага оид муҳим манба ҳисобланган. Мазкур адабиётлар таъсирида темурийлар даври олимлари ҳам тасаввуфга оид бир қатор ёзма мерос яратганлар. Ушбу асарларнинг айримлари тўхталиб ўтадиган бўлсак.

Абу Толиб Муҳаммад ибн Али ибн Атийя ал-Яманий ал-Маккийнинг (ваф. 386/996) “Қут ал-қулуб” асари. Тасаввуфнинг умумий масалаларига бағишланган машҳур асар. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби ўрта аср мутафаккирлари мазкур асарга кўп мурожаат қилганлар.

Абдулкарим ибн Ҳавозин Қушайрийнинг (ваф. 464/1072) “Латоиф Имом Қушайрий” асари ўрта асрларда яратилган тафсирларда кўп марта эслатилган.

Муҳийиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Андалусий (ваф. 636/1240)нинг “Футуҳот Маккий” асари ҳам тасаввуфга доир машҳур асар ҳисобланади. Ушбу асар темурийлар даврида яратилган кўпгина илмий асарларга манба вазифасини ўтаган.

Ёзилган давридан бошлаб то ҳозирга аҳамиятли бўлган яна бир асар Жалолоддин Румийнинг (ваф. 671/1273) 27 минг байтдан иборат

¹ Кашф аз-зунун. Ж.І. – Б. 185.

² Собрание восточных рукописей. Академии наук Узбекской ССР. – Тошкент: АН УзССР. Т. IX. – С. 435, №№ 6642-6661.

“Маснавийи маънавий”си ҳам temuрийлар ҳукмронлик қилган худудларда ҳам кенг истеъмолда бўлган манбалар қаторида туради.

Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб “Фасл ал-хитоб би вусули аҳбоб” қисқача номи “Фасл ал-хитоб” асари temuрийлар даврида яратилган. Ёзилган даврдан бошлаб илм аҳли ўртасида кенг тарқалгани тасаввуфга оид қимматли манба эканига далолат қилади.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳот ал-унс”, “Силсилат аз-заҳаб”, Алишер Навоийнинг “Насойим ал-муҳаббат” асарлари нафақат ўз даврида балки кейинги йилларда ҳам тасаввуф тарихи, шайхлар ҳаётини ёритувчи муҳим асар ҳисобланади. Олимнинг асарида тарихий воқеалар билан бирга тасаввуф мавзулари ҳам кенг ёритилган.

Айтиш мумкинки, temuрийлар даври илм-фани, ижтимоий ҳаётида тасаввуфга оид ёзма манбалар муҳим аҳамият касб этган. Дастлаб мавжуд адабиётлар мукамал ўрганилган. Натижада етук мутасаввуф олимлар етишиб чиққанлар. Улар ҳам ўз навбатида тасаввуф соҳасига оид бебаҳо ёзма мерос қолдирганлар.

КОЛОНИАЛЬНЫЙ ПЕРИОД ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНЫХ И МЕМУАРНЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ РУССКИХ И ЕВРОПЕЙСКИХ АВТОРОВ (вторая половина XIX – начало XX в.)

Р.А. АРСЛОНЗОДА
к.и.н. (ФерГУ)

Колониальный период истории Средней Азии нашел свое отражение во многих источниках, в том числе картинах, мемуарах и путевых записях русских и европейских авторов.

Довольно широкий пласт таких источников, отразивших события, связанные с завоеванием среднеазиатских ханств царской Россией, а также жизнь и быт обитавших здесь народов, составляют мемуарные произведения русских ученых, писателей и офицеров, принимавших непосредственное участие в военных походах в Среднюю Азию. Сказать, что все они были объективными и беспристрастными в своих суждениях и изложении событий, конечно, нельзя. Многие из них были апологетами колониальных завоеваний Российской империи и воспевали "славу русского оружия". Но среди них были и такие, которые доброжелательно и уважительно относились к истории и традициям местного населения.

Известный русский художник В.В.Верещагин (1842-1904) был участником походов русской армии в Среднюю Азию. Он впервые прибыл в Туркестан в 1867 г. и стал свидетелем и участником жесто-

чайшей войны. С тех пор человек на войне становится основным персонажем его картин, а батальный жанр занял главное место в его творчестве. В своих картинах Верещагин сумел показать все ужасы войны. Но, как это ни парадоксально, он сам так и остался рьяным сторонником экспансионистской политики Российской империи.

Участие в военных походах дали Верещагину возможность создать цикл картин со среднеазиатским сюжетом. Это такие полотна, как "Курильщики опиума", "Апофеоз войны", "Всадник в Самарканде", "Бухарский сарбаз", "Работорговец", "У дверей Тамерлана", "Зиндан" и др., составившие серию под общим названием "Туркестан". Они служат сегодня уникальными изобразительными источниками по истории Средней Азии.

Верещагин неплохо зарекомендовал себя и на литературном поприще. Ряд его путевых записок и мемуарных произведений, появившихся в результате поездок в Туркестан, являются ценными источниками по истории второй половины XIX в. Так, в 1883 г. вышла первая книга В.В.Верещагина "Очерки, наброски, воспоминания", где были помещены и его путевые записи "Путешествие по Средней Азии". Книга была, по свидетельству самого автора, "наполовину урезана цензурой". Но позже она увидела свет в полном объеме в переводе на английский, немецкий, французский и датский языки.

В своих путевых записях Верещагин сумел показать широкую панораму жизни и быта туземного населения: обыденный труд земледельцев и скотоводов; размеренную жизнь узбекского кишлака; восточный базар – средоточие общественной жизни с его пестротой и шумом, слухами и сплетнями; доверчивое и наивное население, страдающее от нищеты и всевозможных болезней и т. п. В то же время автор заостряет внимание на многих негативных, с точки зрения европейца, сторонах жизни восточного общества. Так, много страниц он посвящает работоргове и невольничьим рынкам, которые, по свидетельству автора, стали приходить здесь в упадок благодаря русским, отменившим рабство; бесправному положению женщины, задавленной непосильным трудом и мужем-тираном; странствующим нищим – дивана и каландарам, многие из которых были люмпенами и наркоманами; "такому ненормальному явлению", как бачабозлик, и т.п. ¹

Свойственное многим завоевателям высокомерное отношение к местному населению, нигилизм к его обычаям и традициям ярко проявляется в произведении В.В.Верещагина "Самарканд в 1868 году: Воспоминания художника". В нем автор описал поход русских войск под

¹ Верещагин В.В. Повести, очерки, воспоминания / Сост., вступ. статья и прим. В.А.Кошелева и А.В.Чернова. – Москва: Советская Россия, 1990. С. 8, 12, 138-146, и др.

командованием генерала Кауфмана в Самарканд в мае 1868 г. Верещагин дает довольно подробную информацию о восстании в Самарканде, которое вспыхнуло после занятия города русскими, и безжалостной расправе, учиненной завоевателями над горожанами после ухода повстанцев¹.

Среднеазиатская тематика занимала важное место в творчестве еще одного русского художника и писателя – Н.Н.Каразина. Он принимал участие в хивинском походе 1873 г., во время которого сделал множество путевых зарисовок, отразивших природу Хивы, ее архитектуру, жизнь и быт населения. В 1874 г. в Берлине был издан альбом Каразина *"Хивинский поход"*. Он же составил еще один альбом с видами и типами Амударьинского края. Его рисунки дают возможность наглядно увидеть жизнь Хивинского ханства второй половины XIX в. Н.Н.Каразин и позже неоднократно приезжал в Среднюю Азию. Эти поездки дали ему возможность собрать богатый материал для художественного творчества. Он является автором путевых очерков, рассказов и романов среднеазиатского цикла, не лишенных историко-этнографического значения, притом в них ярко проявляется уважительное и сочувственное отношение автора к коренному населению Средней Азии².

Познавательный интерес представляют и зарисовки с натуры, сделанные в Хиве в 1873 г. такими художниками как Резвой, Бабинов, Дикгоф, Муравцев, Федоров. Так, капитан Д.М.Резвой собрал в Куня-Ургенче образцы древних изразцов и сделал ряд зарисовок развалин различных строений.

Свой вклад в изучение истории Кокандского и Хивинского ханств внес ученый-востоковед Александр Людвигович Кун – участник хивинского похода 1873 г. С его именем связана передача в библиотеку и научные учреждения Санкт-Петербурга архива хивинских ханов, а также ценных восточных рукописей и предметов старины, хранившихся в ханском дворце. Определенное значение как исторический источник имеет цикл работ этого автора, имеющий мемуарный характер. К ним можно отнести такие его публикации, как *"Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г."*, *"Культурный оазис Хивинского ханства"*, *"От Хивы до Кунграда"* и др. Ценным изобразительным источником по истории второй половины XIX – начала XX в. считается составленный с участием А.Л.Куна известный *"Туркестанский альбом"*³.

Русский офицер А.П.Хорошихин является автором ряда статей, посвященных Средней Азии. Среди них имеются и работы мемуарного

¹ Верещагин В.В. Самарканд 1968 йилда: Рассом хотиралари // Шарк юлдузи.1991. № 4.

² История Хорезма. С древнейших времен до наших дней. – Т.: Фан, 1976. С. 13.

³ Там же. С.14.

содержания. Так, некоторое время он пребывал в Хиве, являясь, членом совета при хивинском хане. Его "Воспоминания о Хиве" являются важным источником, дающим ценные сведения о жизни ханства после его завоевания Российской империей¹.

Заслуживает внимание описание путешествий, принадлежащее перу военного топографа Л.Ф.Костенко, который возглавлял в 1870 г. миссию в Бухару и принимал участие в походе 1873 г. на Хиву. Он много путешествовал по Туркестану, стяжав известность описанием этих путешествий. Среди них – "Путешествие русской миссии в Бухару в 1870 г." (1870), "Город Бухара в 1870 г.", "От Хивы до Казалинска" (1873), "Город Хива в 1873 году" и др.²

В Бухару для оказания "медицинского пособия" эмиру в 1878 г. прибыл русский врач И.Л.Яворский, известный в последующем как автор книг "Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878/79 гг." (т. I-II, 1882-1883), "Поездка в горную часть Бухарского ханства и Самаркандской области" (1895) и др.

Совершенно другая миссия была возложена на капитана Г.А.Арендаренко (род. в 1846 г.). В 1880 г. он был назначен представителем туркестанского генерал-губернатора при бухарском эмире. В то время в Северном Афганистане сложилась сложная политическая обстановка, связанная с борьбой за власть различных политических сил, а также геополитическими интересами России и Великобритании в этом регионе. Г.А.Арендаренко должен был собирать и своевременно предоставлять А.П.Кауфману оперативную информацию о политических процессах в Бухарском эмирате и "Афганском Туркестане" для того, чтобы официальные круги Российской империи смогли безошибочно выстроить свой внешнеполитический курс по отношению к Афганистану.

Выбор на эту роль Г.А.Арендаренко был вовсе неслучайным. Он – боевой офицер, принимавшим участие в среднеазиатских походах, работал в различных административных должностях в Ура-Тюбе, Аулие-Ате, Перовске, Джизаке, а перед назначением спецпредставителем генерал-губернатора при бухарском эмире служил начальником Самаркандского отдела. Во время многочисленных "перекочевков" он имел возможность достаточно хорошо изучить нравы и обычаи местных жителей, освоить язык. Все это дало ему возможность успешно справиться с возложенной на него задачей.

Результатом поездки капитана Арендаренко в Бухару (февраль-июль 1880 г.) стали его подробные письма-донесения ("журналы"),

¹ Там же. С.13.

² См.: История Бухары. С древнейших времен до наших дней. - Т.: Фан, 1976. С. 13; История Хорезма... . С. 13.

которые внимательно читал сам Кауфман. Копии этих донесений генерал-губернатор отправлял в Петербург – в военное министерство и министерство иностранных дел.

Арендаренко детально описал свои встречи с бухарским эмиром, переговоры с ним и его приближенными. Его "журналы" насыщены обширным, порой еще неизвестным материалом о расстановке политических сил в Бухарском ханстве и Афганистане (особенно – Северном), разнообразными деталями, характеризующими хозяйственную жизнь и быт населения. Из записок Арендаренко мы узнаём, что российская политическая элита не одобряла планов эмира Музаффара, мечтавшего присоединить к Бухарскому эмирату "Афганский Туркестан" (хотя его население, будучи в основном узбеками, тяготело к Бухаре), так как это могло привести к осложнению русско-британских отношений, чего Россия тщательно избегала. Донесения русского посланника рисуют картину постепенного укрепления позиций "бежавшего" из Ташкента сардара Абдурахман-хана (которому симпатизировала Россия), вскоре занявшего кабульский престол и правившего Афганистаном более двадцати лет (до 1901 г.).

Журналы-донесения Г.А.Арендаренко хранятся ныне в Центральном государственном архиве Республики Узбекистан. Впервые они под названием "Бухара и Афганистан в начале 80-х годов XIX в. (Журналы командировок Г.А.Арендаренко)" были опубликованы Н.А.Халфиным в Москве в 1974 г.¹

Служебная карьера Арендаренко успешно продолжалась и после его дипломатической миссии в Бухару. В 1890 г. он был назначен начальником Мервского оазиса. Затем стал полковником, генерал-майором – на посту генерала для особых поручений при командующем войсками Туркестанского военного округа. В 1901-1904 гг. он был военным губернатором Ферганской области.

Г.А.Арендаренко оставил свой след и в литературе о Средней Азии. С 1874 г. он начал публиковать в периодической печати статьи о посещенных им районах и жизни населения. В 1889 г. в Петербурге вышла его большая книга "Досуги в Туркестане". Этот труд насыщен значительным количеством фактов и статистических данных, характеризующих военно-политическую и экономическую обстановку в отдельных областях Туркестана, Бухарского эмирата и Афганистана, географическими и этнографическими зарисовками. Но это не только набор фактов. Автор стремится осмыслить увиденное, дать ему свою трактовку, обобщить разрозненные наблюдения.

¹ См.: Арендаренко Г.А. Бухара и Афганистан в начале 80-х годов XIX в. (Журналы командировок Г.А.Арендаренко) / Предисл и подг. к печати Н.А.Халфин. – Москва: Наука, 1974.

В составе миссии Ф.А.Витгенштейна в 1882-1883 гг. в Бухаре побывал в качестве чиновника по особым поручениям при туркестанском генерал-губернаторе, писатель и поэт В.В.Крестовский, написавший книгу "В гостях у эмира Бухарского" (1887). Не лишённая налета беллетризованной экзотики, она является ценным вспомогательным материалом для изучения хозяйства, быта и нравов населения Бухарского эмирата.

Широко известны публикации Д.Н.Логофета – "Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние" (1909), "Бухарское ханство под русским протекторатом" (1910), "В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии (Бухара)" (1912), "В горах и равнинах Бухары" (1913) и др. Логофет реалистически изображает состояние Бухарского эмирата: деспотизм, своеволие и жестокость его правителей, бесправие населения. Не следует забывать и о политической подоплеке книг Логофета: его стремление обосновать необходимость осуществления скорейшего вхождения эмирата в состав Российской империи на правах ее окраинного владения. При всем этом историко-этнографическое значение работ Логофета несомненно².

Во второй половине XIX в. в Туркестане побывал ряд европейских путешественников. Среди них были лейтенант прусской армии Штумм (1873), корреспондент газеты "Нью-Йорк геральд трибюн" Мак-Гехен, венгерский натуралист Оноди (1875), капитан английской гвардии Бернаби (1875-1876), английский миссионер-путешественник Лэнсделл, француз Бенуа, секретарь Географического общества Дании О.Олуфсен, швед Свен Гедин, американский дипломат Юджин Скайлер и др.

Несомненно, путевые записи этих путешественников проливают свет на многие стороны жизни колониального Туркестана, а также Бухарского эмирата и Хивинского ханства. Так, Свен Гедин (1865-1952) приводит интересный материал по географии, этнографии и истории Средней Азии, рассказывает о своих встречах с представителями местного населения, в частности с генералом Джурабеком и бывшим правителем Кашгара Якуббеком Бадавлатом, которые сыграли заметную роль в новой истории Туркестана³.

Особый интерес вызывают путевые записи американского дипломата и путешественника, ученого и писателя Юджина Скайлера (1840-1890) «Туркестан». С разрешения русского правительства он, будучи секретарем дипломатической миссии США в Санкт-Петербурге, в марте-ноябре 1873 года совершил путешествие в Среднюю Азию. Скайлер хорошо знал русский язык, был знаком со многими представителями

¹ История Бухары. С древнейших времен до наших дней. - Т.: Фан, 1976. С. 13.

² Там же. С. 17.

³ См.: Акрамхўжаев О. Ҳаёт сабоқлари (Эсдаликлар). – Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1995. Б. 271-276.

русской культуры, в том числе М.С.Тургеневым и Л.Н.Толстым, произведения которых позже он перевел на английский язык.

В ходе своего путешествия по Средней Азии Скайлер побывал во многих городах и селениях, в частности Ташкенте, Коканде, Андижане, Оше, Самарканде, Шахрисябзе, Китабе, Карши, и Бухаре. Его краткий отчет о поездке в Среднюю Азию был опубликован в сборнике «Внешние связи Соединенных Штатов» в Вашингтоне в 1874 г. В полном объеме книга Скайлера была издана в Лондоне в 1876 г. под названием «Туркестан: Записи путешествия в Русский Туркестан, Коканд, Бухару и Кульджу». Сокращенный перевод книги на узбекский язык и ее издание осуществлено З.А.Саидбобоевым в Ташкенте в 2019 г.¹

При написании своего сочинения автор использовал не только собственный материал, добытый им путем наблюдений и бесед с представителями различных слоев населения, но и некоторые местные источники (например, «Бабур-наме»), а также труды русских и европейских авторов, официальные документы и статистические материалы. Все это обеспечило довольно высокий научный уровень его сочинения. Путевые записи Скайлера охватывают почти все сферы жизни среднеазиатского общества: природно-климатические условия, историю, сельское хозяйство, ремесло, торговлю, градостроительство, ирригационную систему, культурную и религиозную жизнь, этнический состав населения, его обычаи и обряды и т. п. Многие страницы сочинения американского дипломата посвящены описанию эпизодов, связанных с завоеванием Средней Азии Российской империей. Автор воссоздает колоритные образы представителей различных слоев общества.

Итак, краткий обзор мемуарных и изобразительных произведений русских и европейских авторов позволяет сделать вывод, что они отражают широкую палитру жизни колониального Туркестана, Бухарского и Хивинского ханств и служат ценными источниками для изучения истории Средней Азии конца XIX – начала XX века.

¹ Скайлер Ю. Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Гулжага саёҳат қайдлари / Кириш, ингл. тил. қисқарт. таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи З.А.Саидбобоев. – Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2019.

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР ХИТОЙ, ВИЗАНТИЯ, АРМАН ВА СУРЁНИЙ МАНБАЛАР

Зикриллохон ҚОДИРОВ

*ТДШУ Шарқ мамлакатлари
тарихи ва ҳозирги замон муаммолари
кафедраси катта ўқитувчиси*

Салжуқийлар тарихини ўрганишда ёзма манбалар маълумотлари муҳим ўрин тутади. Манбалар асосан Буюк Салжуқийлар давлати, Анатолия, Кичик Осиёдаги Салжуқийлар давлати ва бейликларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида кўпинча фрагментар маълумотларни берса-да, улар Салжуқийлар давлати тарихини очиб беришда бирламчи аҳамиятга эга. Ёзма манбалар Салжуқийлар тарихига қай даражада алоқадорлигига қараб 2 та қуйидаги гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ бевосита Салжуқийлар давлати тарихига бағишланган ёки Салжуқийлар давлати тарихини ёритишга ўзида кенг ўрин ажратган мусулмон манбаларини ўз ичига олади. Улар араб, форс ва турк тилларида ёзилган бўлса-да, воқеаларни баён қилиш услуби, жанрлар ва бошқа шу каби ҳолатлар бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Иккинчи гуруҳдан эса бошқа тарихий воқеалар контекстида Салжуқийлар тарихини ёритган византия, арман, хитой ва бошқа шу каби номусулмон манбалар жой олди.

Мазкур мақолада иккинчи гуруҳни ташкил этувчи византия, арман, хитой ва бошқа номусулмон манбалар хусусида сўз юритилади.

Илк Салжуқийлар тарихига оид манбалар кўлами унча кенг эмас. Рус ва Европа тилларига таржима қилинган хитой солномаларида қадимий турклар ҳақидаги бирламчи маълумотларни олиш мумкин. Маълумки Хитой қадимдан шимолдан бостириб келган кўчманчи халқларга қарши курашиб келган. Вей сулоласи даврида (396 - 581), Суй сулоласи (581 - 618) ва Тань императорлари замонида (618 - 907) ёзилган солномаларда туркий халқлар ҳақидаги маълумотлар ва турк хоқонлиги билан муносабатларга оид хабарлар аниқлаша борган. Бу манбаларнинг маълумотлари рус олими ва сайёҳи Н.А. Бичурин (Иакинф)нинг саъй-ҳаракатлари билан илм аҳлига маълум қилинган¹. Айтиш лозимки, европоликлардан француз олими Ж. Дегинье (*J. Deguignes*)² хитой манбаларининг туркларга оид маълумотларини француз тилига таржима қилган. Бироқ унинг маълумотлари манбаларнинг қисқа баёнидан иборат бўлган. Бошқа европолик олим Ю. Клапрот (*Julius Heinrich Klaproth*)

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Москва, 1950. – С. VIII.

² Deguignes J. Histoire generale des Huns, des Turks, des Mogoles, et des autres Tartares occidentaux avant et depuis J.C. jusqu'à presents. – Paris, 1756.

хунлар ва турк халқларига оид хитой манбаларидаги маълумотларни чоп этди. 1864 йили француз синологи Ст. Жульен (*Stanislas Aignan Julien*), туркларнинг 545 – 931 йиллардаги тарихига оид маълумотларни Хитой манбалари асосида оммалаштирди. Бироқ унинг тадқиқоти XIV-XVIII асрларга оид хитой тилидаги манбалар асосида амалга оширилган эди².

Юқоридаги асарлардан Н.А. Бичуриннинг тадқиқотлари юқори илмий савияга эга. Бироқ рус олими Н.В. Кюнер Бичурин ўрганган манбаларни қайта ишлаб, уларни таржималари билан бирга бирламчи манбадан матнларни илова қилган ҳолда нашр қилган³. Аслида бу ишни Бичурин амалга оширган ишларнинг давоми деса ҳам бўлади.

Бироқ таъкидлаш лозимки, хитой манбаларидаги туркий отлар ва топонимикаси, турк хоқонларининг номлари ва унвонлари ҳамда тарихий воқеаларни ифода этган иероглифлар нисбий тарзда ўқилган.

Масалан, Tugu - турклар, Hoihu - уйғур, Gelolu - қарлуқ, Tzueshi - қипчоқ ва Pasims – басмиллар ва ҳ. Баъзан хитойлик муаллиф тилга олган қабила ёки элатнинг номи шу халқнинг ўзига берган номидан фарқ қилади. Баъзан географик номлардагина уларни унификация қилиш мумкин : Hanghai – Гоби чўли, Kem – Энасой дарёси, Naryn - Сирдарё, ёки Vynansha ва Leizhou – Орол денгизи, Tsinghai – Каспий денгизи каби.

Турк хоқонлигига оид берилган хитой манбаларининг маълумотларини қиёсий ўрганиш учун бошқа манбалар ҳам йўқ. Бошқа тарафдан хитойлик муаллифларнинг буюк давлатчилик ва миллатчилик мавқелари ҳам уларнинг маълумотларига танқидий ёндошишни талаб қилади. Хитой солномаларида турклар кўчманчи ва ваҳший бир халқ, маданиятдан узоқ бир аҳоли сифатида қаламга олинган. Урушлар тафсилотлари берилганда турклар кўшини кўпсонли, хитой аскарлари камсонли қилиб кўрсатилса-да, уларнинг жасоратлари бўртириб кўрсатилади.

Бевосита Салжукий турклар ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, хитой манбаларининг аксариятида келтирилган маълумотлар араб ёки форс тилидаги манбалардан олинганлигини кўрамиз. Бунинг исботи сифатида хитой манбаларида келтирилган бир қатор араб ва форс тилларидаги манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин.

Хитой манбаларида салжукийларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қуйидагича тавсифланади.

Балхаш кўли, ҳозирги Қозоғистон жануби, Шарқий Туркистоннинг ғарби ва Орол бўйи ҳудудидаги яйловларда туркий ўғиз (烏古斯人-

¹Klaproth U. Tableaux Historiques de l'Asie. – Paris, 1826.

²Julien St. Documents Historiques sur les Tou-kiue (Turcs) // Journal Asiatique. 1864. Vol 3, 4.

³Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – Москва, 1961.

wugusiren)¹ қавми истиқомат қилганлар. Ўғизлар таркибидан кейинчалик салжуқ қабилалари ажралиб чиққанлар. Салжуқийлар дастлаб, Қозоғистон жануби ва Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи ҳаёт кечирар эдилар. Аслини олганда худди шу вақтда Салжуқийлар сулоласи ҳали шаклланмаган эди. Бошқача айтганда, Салжуқийлар бу этник ном эмас. X асрда Балхаш кўлининг жанубидан то Қуйи Волгагача бўлган ҳудудда туркий халқлардан бўлмиш ўғизлар яшардилар.² Улар кўплаб қabila ва уруғларга бўлинганлар.

Ана шундайлардан бири — киник уруғидан чиққан Салжуқ (赛尔柱 –saerzhu) исмли шахс ўзининг фазилатлари, билимдонлиги, абжирлиги ва мардлиги сабабли обрў-эътибор қозониб боради ва бир қанча ўғиз қабилалари сардори, катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришади. Табиий равишда бундай шахсларнинг бориб-бориб ўз давраси, таъсир доираси вужудга келади. Салжуқда ҳам шундай бўлган. Бу эса ўз ўрнида муайян қарама-қаршиликларни ҳам вужудга келтирган. Хуллас, иқтисодий-сиёсий рақобат натижасида Салжуқ ўз тарафдорлари билан юқорида тилга олинган Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарк этиб, дарёнинг қуйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилояти яқинига келиб ўрнашган.³ Шу орада улар ислом динини қабул қилганлар. Улар худди шу асрда Мовароуннаҳрни идора қилаётган Сомонийлар, аниқроғи сўнгги Сомонийларни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар. Салжуқийларнинг Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига фаол аралашуви айниқса Сомонийларнинг Қорахонийлар билан рақобати йиллари кучайди. Бу эса Салжуқийлар таркибидаги туркий қабилаларининг Самарқанд, Бухоро, Кеш вилоятларига бориб ўрнашишлари учун шароит яратди. Улар ўз турмуш тарзларига кўра яйловлар, даштликларда ўрнашганлар.⁴

Туркий қабилаларнинг ҳаракати Мовароуннаҳр билан чекланиб қолмаган. Кейинчалик, улар Сарахс, Фарова ва Обивард атрофларидаги яйловларга кўчиб ўтганлар. Шу тариқа улар Хуросонга кириб борганлар. Салжуқийлар иложи борича Хуросонда мавжуд иқтисодий, савдо ва албатта, сиёсий шароитлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ўз ўрнида шу вақтда ўлкада ҳукмдор бўлган Ғазнавийлар билан ўзаро зиддиятларга дуч келганлар. 1040 йилга қадар улар бир неча марта ўзаро тўқнашганлар. 1040 йили салжуқийлардан чиққан Тўғрулбек Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинган, шундан бошлаб Салжуқийлар давлатининг юксалиш даври бошланган. Салжуқийлар давлати Хитойнинг Сун

¹宋史。列传第二百四十九外国六。上海。4114 页。-Сун сулоласи тарихи. 249-боб. – Шанхай, 1977. 4114-бет

²西辽史。北京。43-48 页。- Ғарбий Ляо тарихи. - Пекин, 1991. 43-48 бетлар.

³中亚通史。拳下。70- 73 页。-Марказий Осиёнинг умумий тарихи. 2-боб. – Урумчи, 2004. 70-73 бетлар.

⁴西辽史。北京。48-54 页。-Ғарбий Ляо тарихи. - Пекин, 1991. 48-54 бетлар.

ва Ляо сулолалари билан савдо алоқаларини ўрнатган.¹ Шунинг учун улар ҳақидаги маълумотларнинг асосийси Қора Хитой давлати тарихи китобида келтирилган.² XI асрнинг иккинчи ярмидаёқ Салжуқийлар хонадонидан Сурия, Ироқ, Анатолия (Кўня), Кирмон султонликлари юзага келган. Сулола ички низолари кескинлаша бориб, XII аср бошларидаёқ салтанат шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетади. XII аср охирига келиб Кичик Осиёдаги Анатолия (Кўня) султонлигидан ўзга бирон-бир маконда расмий салжуқий хонадони қолмайди. Анатолия (Кўня) султонлиги эса XIII аср ўрталарида мўғуллар давлати таркибига киритилган.³

Византия манбаларига тўхталадиган бўлсак, Салжуқийлар даври тарихига оид манбалардан бири 1076-1077 йй. орасида Михаил Пселос томонидан ёзилган *Khronographia* (“Хронография”) асаридир. Муаллиф ўз ишида Салжуқийлар тарафидан Анатолиянинг эгалланиши, Византиянинг ички ва ташқи сиёсати, император саройидаги вазиятни ёритган.⁴

The Alexiad (грек. Αλεξιάς, Алексиас - “Алексиада”) Византия императори бўлган Алексей I Комниннинг (1081-1118) қизи ва Никофор Брионнинг хотини Анна Комнинанинг (1083-1153) қаламига мансуб асар. Анна Комнина тахт талашларда қатнашиб, умрининг охириги йилларини монастирда ўтказган. “Алексиада” асарида Алексей Комниннинг императорлик даври унинг мана шу қизи томонидан ёритилган. Император саройидаги воқеалар доирасида Анатолия салжуқийлари даври ҳам унумли баён қилинган.⁵ Замонасининг энг саводли кишиларидан бири бўлган Анна ўз асарини турли манбалар, отасининг ёзишмалари, фармонлари ва расмий ҳужжатлар асосида ёзган. Мазкур асар Византиянинг XI аср охири ва XII аср бошларидаги тарихига оид муҳим манба саналади. Анна Комнина ўз асарида отасининг салжуқийлар билан муносабатларига кўпроқ аҳамият берган. Тарихчи ва Византия маликаси сифатида унинг асари шуниси билан жуда қизиқарлидир. Анна Султон Сулаймон давлати, Никея шахрини пойтахт сифатида шаклланиши ва унинг Византия билан чегаралари ҳақида ёзган. Анна Комнинанинг бир қатор материаллари император Алексиоснинг Биринчи салиб юриши қатнашчилари билан олиб борган муносабатларига бағишланган. Бу маълумотлар бошқа манбаларда учрамаганлиги сабаб катта аҳамиятга эга.⁶

¹ 宋史。列传第二百四十九外国六。上海。4115 页。-Сун сулоласи тарихи. 249-боб. – Шанхай, 1977. 4114-бет.

² 西辽史。北京。53-55 页。- Ғарбий Ляо тарихи. - Пекин, 1991. 53-55 бетлар.

³ 元史。北京。4655 页。- Юань сулоласи тарихи. – Пекин, 1976. 4655-бет.

⁴ Қаранг: Psellos Mikhail. *Khronographia*. Naz. Işin Demirkent. TTK Yay. – Ankara, 1992.

⁵ Anna Komnena. *Alexiad* / Çev. Bilge Umar. – Istanbul, 1996.; Комнина, Анна. Алексиада. Вступительная статья, перевод, комментарий Я.Н. Любарского. – М., 1965.

⁶ Комнина, Анна. Алексиада. Вступительная статья, перевод, комментарий Я.Н.Любарского. – Москва, 1965.

Иоанн Киннамнинг (1143-1184) *Istoria* (“Тарих”) номли асарида 1118-1176 йй. орасидаги воқеалар баён қилинган. Византия императори Иоанн II ва Мануил Комнинлар даврини қамраб олган асар, Султон Масъуд I (1116-1155) ва Қилич Арслон II (1155-1192) давридаги Византия ва Салжуқийлар муносабатлари, Иккинчи салиб юриши ва туркманлар ҳақида муҳим маълумот берадиган манбадир¹.

Арман тилидаги манбалардан *Istoria* (“Тарих”) номли асар муаллифи Аристок Чағрибекнинг Анатолияга илк юриши, Расим уруши, Тўғрулбекнинг Малазгирд, Алп Арслоннинг Ани қуршовлари ҳамда Малазгирд муҳорабаси ҳақида маълумот беради².

Урфали Матеоснинг (ваф. 1136 й. кейин) “Воқеаномаси” 952-1136 йй. орасида бўлиб ўтган воқеалар баёнидан иборатдир. Анатолиянинг турк юртига айланиши, у ерда Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши ҳақида муҳим маълумотларни берган. Асарга Папа Григор *Зайл* – (“Илова”) ёзиб воқеалар баёнини 1162 йилга қадар берган³.

Historia of the Armenians (“Арманистон тарихи”) номли асар муаллифи арман тарихчиси Киракос Гандзакеци (1200-1272) асли ганжалик бўлиб, мўғул истилосини ўз кўзи билан кўрган. У бир муддат Мўғулистонда асирликда бўлган. Киракос Гандзакецининг асари икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида IV аср бошидан – 1197 й. орасида юз берган воқеалар, иккинчи қисмида 1198-1265 йй. орасида бўлиб ўтган воқеалар баёни келтирилган. “Арманистон тарихи”нинг иккинчи қисми ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ерда муаллиф ўзи эшитган ва кўрган воқеаларни баён қилган. Булар орасида хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди, мўғулларнинг Арманистон ва бошқа мамлакатларга қилган хуружи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Анатолия салжуқлари билан мўғуллар орасидаги муносабатлар тўғрисида ҳам қайдлар келтирилган.

Ламброн сениори Константиннинг ўғли бўлган Смбат (1208-1275) 10 ёшида Арман қироли Леон I тарафидан саройга олиб келинган эди. 1219 й. Леон I нинг вафотидан кейин унинг ноиб бўлган Константин унинг ўғли Хетум I ни тахтга кўтариб, Смбатни мирохур этиб тайинлайди. Смбат ўзининг *Chronicle* (“Воқеанома”) номли асарида 951-1331 йй. Арманистонда бўлган воқеаларни баён қилади. Бунда у урфалик Матеос асаридан ҳам унумли фойдаланган. 1274-1331 йй. воқеалари баёни ким тарафидан асарга илова қилинганлиги маълум эмас. Асарда Анатолия Салжуқийлар давлатининг Киликиядаги арман қиrollари билан муносабатлари ва мўғулларнинг Анатолияга юришлари кенг ёритилган⁴.

1 Ioann Kinnamos. *Historia* (1118-1176). Haz. İşin Demirkent. NNK Yay. – Ankara, 2001.

2 Ariskates. *Historia*. / trans. Robert Bedrisian. – New York, 1985.

3 Urfali Mateos Vekayi-namesi (952-1136) va Papaz Grigor'un Zeyli (1136-1162). / Türkçe terc. Hrant Andreasiyan. Notlar: Edourd Dulaurer-Halil Yinanç. NNK Yay. – Ankara, 2000.

4 Smbat.Chronicle. / Trans. Robert Bedrosiyan. Long Branch. – New York, 2005.

Сурёний манбаларı қаторида суриялик патрик Михаилнинг “Воқеанома”си (Хроникаси)ни тилга олиш мумкин. 1126-1200 йй. Орасида ёзилган бу асар муаллифи Антокия/Антиохия Якобийлар патриархининг ўғли Михаил/Мишел Сурёний (1125-1199) бўлади. Одамато давридан бошлаб, 1195 й. қадар тарихни қамраб олган бу манбадаги маълумотлар бошқа Сурия ва араб тилидаги асарларда учрамайди. Қилич Арслон II ни шахсан кўрган ва билган мазкур муаллиф шу султон даврида содир бўлган воқеалар ва туркманлар ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирган.

“Аноним Сурёнийнинг воқеаномаси” номли асар 1098-1164 йй. содир бўлган воқеаларни ўзида акс эттирган бўлиб, 1203-1204 йй. орасида ёзилган. Урфали Басил қайдларига таяниб ёзилган мазкур манбада Биринчи ва Иккинчи салиб юришлари билан боғлиқ воқеалар тасвирланган.

Яна бир сурёний манба Абулфараж ибн ал-Ибрийнинг “Тарихи Абулфараж” номли асари бўлиб, унда Одам яратилиши давридан 1285 й. қадар воқеалар баён қилинган. Унинг иккинчи ва учинчи қисмларида дин ва черков (ислом ва насронийлар) тарихи берилади. 1286 й. қадар воқеаларни Абулфараж гувоҳ сифатида тасвирлаган бўлса, ундан кейин унинг бир укаси Бар Саума ва бошқа бир муаллиф 1297 й. қадар илова (зайл) ёзганлар. Бу асаридан ташқари Абулфаражнинг ўз давридаги давлатлар тарихига бағишланган араб тилидаги “Тарихи мухтасари дувал” асари ҳам мавжуд. Унинг мўғуллар даври ва мўғул ҳукмдорларига бағишланган тўққизинчи бўлими турк тилида чоп этилган.

1 Segal J.B. Syriac Chronicles as source material for the history of Islamic peoples // *Historians of the Middle East* / ed. B. Lewis and P.M. Holt. – London, 1962. – P. 246-58.

2 Chabot Jean-Baptiste / ed. & trans. *Chronique de Michel le Syrien, Patriarche Jacobite d'Antioche (1166-1199)*, Vol.I (1899), II (1901), III (1905), and IV (Texte syriaque: 1910). – Paris: l'Academie des Inscriptions et Belles-Lettres.; Süryani Patrik Mihail'nin Vakayanamesi (1042-1195). II. Türkçe terc. Hrand D. Andreasyan. – Ankara, 1944.; Chabot Jean-Baptiste. La litterature historique des syriens // *Revue Historique*, Vol. 137 (1921). – P. 74-80.; Шу муаллиф.. Un episode de l'histoire des croisades // *Melanges offerts a Gustave Schlumberger*, Vol. I. – Paris, 1924. – P. 169-79.; Duval Rubens. Chronique de Michel le Syrien // *Journal Asiatique*, Series X, Vol. IV (1904). – P. 177-84.; Шу муаллиф.*La Litterature syriaque*. – Paris, 1907 (reprinted by Philo Press, Amsterdam, 1970).; Gregorios, Mar Saliba Shamoun. The General Chronicle of Michael the Syrian Patriarch of Antioch, translated into Arabic, I-III. – Damascus, Sidawi, 1996.; Healey, John. “Michael I the Syrian,” // *The Blackwell Dictionary of Eastern Christianity* / ed. Ken Parry et al. – Oxford: Blackwell, 1999, p. 317.; Morony Michael. Michael the Syrian as a Source for Economic History / *Hugoye* (<http://syrcom.cua.edu/Hugoye/>), Vol. 3, No. 2 (2000).

3 Konuş Fazlı. Selçuklular Bibliografyası. Yüksek Lisans Tezi. – Kayseri, 2002.; Husseinov R. Les sources syriaques sur les croyances et les mœurs des Oghuz du VII^e au XII^e siècle // *Turcica*, Vol. 8 (1976). – P. 21-27.

4 Қараңг: Bedjan, Paul / ed. *Gregorii Barhebraei Chronicon syriacum*. – Paris: J.-P. Maisonneuve, 1890.; Budge, Ernest A. Wallis. The Chronography of Gregory Abu'l Faraj (1225 – 1286) the son of Aaron, the Hebrew Physician commonly known as Bar Hebraeus, being the part of his political history of the world. Translated from the Syriac. Volume I: English translation. Amsterdam, 1932.; Ebu'l-Ferec Ibnu'l-ibri. Tarihi Mehtasari'd-

“Тарихи Гуржистон» номли асар XVIII асрдаги Грузия кироли Вахтанг VI амри билан юзага келган. Грузия манбалари тадқиқотчиси Мария Феличет Броссе мазкур асарни “Грузия тарихи” номи билан француз тилида чоп этган. Унда XIII асрда Салжукқий султонларининг қиролича Тамара ва унинг ворислари билан олиб борган муносабатлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарнинг туркча таржимаси Анқарада 2003 йили чоп этилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, хитой тилидаги манбаларда туркийлар, хусусан Салжуқийлар даври тарихига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, Хитойнинг бир қатор сулолалари билан Марказий Осиё, хусусан Салжуқийлар давлати ўртасида ўрнатилган савдо ҳамда элчилик алоқалари ҳақидаги маълумотлар биз учун аҳамиятлидир. Қолаверса, Марказий Осиё тарихига бағишланган хитой тилидаги манбалар яхши ўрганилмаганлиги сабабли хитой манбаларини чуқурроқ ўрганиб, таҳлил қилиш ва ёш авлодга етказиш биз тарихчилар олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, византия, арман ва бошқа тиллардаги номусулмон манбаларида Марказий Осиё, Эрондан Кичик Осиёга келган халқлар, уларнинг маданияти ва бошқа ҳолатларга маҳаллий мусулмон бўлмаган халқларнинг муносабатлари тўғрисида аҳамиятли хулосаларни кўриш мумкин. Қолаверса, бу ишларни тадқиқ этишда муаллифларнинг субъектив кечинмаларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Ёзма манбаларнинг аксариятида давр ва замоннинг сиёсий воқеалари кўпроқ баён қилинган. Бироқ, таъкидлаш лозимки, хронологик ёки алоҳида сулола ва уларнинг вакиллари ҳақида ёзилган асарларда сиёсий воқеалар баёни негизида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётга оид маълумотлар, айрим статистик қайдлар, ишоралар ҳам учрайди.

Düval. Türkçe terc. Şerafidin Yaltkaya. – Istanbul, 1941.; Abu'l Farac, Gregory (Bar Hebraeus). Abu'l Farac Tarihi. Cilt. I. Suryancadan İngilizceye çeviren Ernest A. Wallis Budge. Türkceye çeviren Omer Rıza Doğrul. – Ankara, 1945.; Abbeloos, Jean-Baptiste and Thomas Joseph Lamy / ed. & trans. *Gregorii Barhebraei Chronicon ecclesiasticum*, Vol. I (1872), II (1874) and III (1877). – Leuven: Peeters and Paris: J.-P. Maisonneuve, 1872-77.; Fiev, J.-M. Esquisse d'une bibliographie de Bar Hebraeus (+1286) // *PdO*, Vol. XIII (1986), 279-312.; Bualwan Hayat el-Eid. The Histories of Ibn al-'Ibri // *PdO*, Vol. XXVI (2001). – P. 145-58.; Conrad Lawrence I. On the Arabic Chronicle of Bar Hebraeus: His Aims and Audience // *PdO*, Vol. XIX (1994). – P. 320-78.; Fathi-Chelhod, Jean. L'origine du nom Bar 'Ebroyo: Une vieille histoire d'homonymes // *Hugoye* (<http://syrcom.cua.edu/Hugoye/>), Vol. 4, No. 1 (2001).; Healey John. Barhebraeus // *The Blackwell Dictionary of Eastern Christianity* / ed. Ken Parry et al. – Oxford: Blackwell, 1999, p. 76.; Lane George. An Account of Gregory Bar Hebraeus Abu al-Faraj and His Relations with the Mongols of Persia // *Hugoye* (<http://syrcom.cua.edu/Hugoye/>), Vol. 2, No. 2 (1999).; Murphy, F.X. “Bar-Hebraeus (Gregorius ibn al-Ibri).” // *New Catholic Encyclopedia*, Second Edition, Vol. 2. – P. 82-83. – Washington, DC: Catholic University of America, 2003.; Samir Khalil. Trois manuscrits de la chronique arabe de Bar Hebraeus a Istanbul // *Orientalia Christiana Periodica*, Vol. 48 (1980). – P. 142-44.

1 Maria Felicite Brosset. Gürcistan Tarihi (Eski Çağlardan 1212 yilina kadar). Çev. Hrand D. Andreasyan. TTK Yay. – Ankara, 2003.

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ НЕКОТОРЫХ ПРАКТИК ИМПЕРСКОЙ ВЛАСТИ НА ПРИМЕРЕ ДАННЫХ АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ АМУДАРЬИНСКОГО ОТДЕЛА И ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ПРАВЛЕНИЯ

Азизбек ТУРСУНМЕТОВ

м.н.с, Институт истории АН РУз

Аннотация. В статье рассматриваются разные случаи, в которых дается репрезентация восприятия и реакции имперских должностных лиц разного уровня на злоупотребления, жалобы людей направленные в адрес официальных лиц, а также возможное соучастие в проступке или должностной халатности.

Ключевые слова: злоупотребление, уездный начальник, Амударьинский отдел, Ферганское областное правление, Чимбайская область, элитизм

В данной статье я хотел бы сделать репрезентацию некоторых властных ответов имперских функционеров на вызовы их статусу и верховенству. На основе архивных материалов Ферганского областного правления и Амударьинского отдела (составной части Туркестанского генерал-губернаторства). Находящихся в разных уголках Туркестанского края элитистские стандарты или практики были во многом схожи, во всяком случае, восприятие своего статуса и роли отражались в виде мероприятий по сохранению лица функционеров среднего звена имперской иерархии.

С точки зрения Джеймса Скотта государство стремится к упорядочиванию подведомственного ландшафта и любые попытки к изменению изнутри могут рассматриваться как вызов выстроенной системе[2,3]. Случай о самоуправстве зафиксирован канцелярией Амударьинского отдела, незначительный по событийности документ говорит о недовольстве самоуправством уездного судьи в отношении внутреннего правового режима арестантов по армии, что стало причиной изучения биографических данных о судье Соколовском. Ведомостная переписка показывает бэкграунд человека имевшим заслуги перед империей, которая начинается с момента участия в Хивинском походе и службе в частях Туркестанского генерал-губернаторства, за что Соколовский был неоднократно награжден орденами Святой Анны, Святого Станислава и серебряной медали за Хивинский поход. [Л.3]. И вполне возможно, что среди данных о нем, не столь заметные сведения об учебе в Московском университете, в 1879 году, получившего степень кандидата права на юридическом факультете, сыграли ключевую роль в возникновении случая о неприятии идей судьи: «И с утверждением в числе коллежского секретаря по степени кандидата права Московского университета,

приказом по военно-народному Управлению Туркестанского генерал-губернаторства за № 261 назначен на должность Ходжентского уездного судьи 1879 года. Таковым же приказом за № 5 отчислен от должности Ходжентского уездного судьи с зачислением в распоряжение Туркестанского генерал-губернатора 1880 года. Таковым же приказом за № 67 назначен на должность Кокандского уездного судьи». [Л.7]

Конечно, такие не значительные упоминания, не могут быть исчерпывающими или достаточными для суждений. Но в то же время, такие «упоминания» не редко остаются единственной возможностью, которая могла бы дать пищу для размышлений о том, что скрывается за теми или иными действиями людей, в том числе обличенных властью.

В частности приводится ответ правителя канцелярии начальника Амударьинского отдела на ходатайство Соколовского: «По докладу Господину Начальника Амударьинского отдела Ваше требование о вывеске Петро-Александровской на главной военной гауптвахте объявления по смыслу, которого каждый из арестованных по приговору судьи имел бы право, по личному желанию иметь исковые дела, быть препровожденным в камеру судьи, имею честь уведомить, что Его Превосходительство генерал-майор Гротенгельм нашел это требование не выполнимым по смыслу 4, 163 и 190 устава о содержащихся под стражей и устава гарнизонной службы» [Л. 10] В конце концов, в деле говорится о том, что судья Соколовский испросил о трехмесячном не оплачиваемом отпуске в любой город Российской империи. Далее судья покидает Амударьинский. Вполне возможно, такое поведение судьи не осталось без внимания высоких чинов при администрации, и судью вынудили покинуть свой пост в отделе, либо он сам не счел нужным вступать в конфликт или не пожелал мириться с заведенными порядками, в которых его инициатива (а возможно и другие его предложения) не будет иметь шанса на успех. Разумеется, нельзя говорить об этом судье как о человеке, постоянно приносящем юридические инициативы, ориентированные на изменение каких-либо внутренних инструкций. Но этот случай интересен с точки зрения реакции власти и смущения, вызванное заданному судьей тону, в котором последнее рассматривается как вызов, требующий незамедлительного ответа, что, кстати, и видно по рапорту начальника Военного окружного управления, который пишет на имя начальника Амударьинского отдела: «Прошу ваше Превосходительство дать переписке этой надлежащий ход при чем считаю нужным донести, что распоряжение мое основывалось на уставе о службе в гарнизоне и смысла приказа по войскам Сырдарьинской области 1881 года за № 459, поэтому изощрение Соболевского в красноречии в особенности в официальной переписке, по крайней мере

не уместны и не могут быть терпимы». [Л.12, 12об.] Рассмотренное дело может дать пищу для размышлений, о том, как происходили попытки по внесению изменений в ведомственный ландшафт, как на него реагировали вышестоящие звенья иерархии военно-народного управления, и вообще как проявлялось использование административного или символического капитала должностными лицами с точки зрения внесения изменений в профессиональную среду и насколько часто это имело место быть.

Помимо внутренней иерархии любопытным представляется рассмотрение должностными лицами каких-либо приграничных спорных вопросов, в которых происходит взаимодействие с Хивинским протекторатом. Один из таких случаев, которые запечатлен среди архивной описи по Амударьинскому отделу, касающийся жителей территорий с разной юрисдикцией, проблема которых затрагивает два властных корпуса (Амударьинский отдел и Хивинский протекторат). Так, в одном таком случае отражен поземельный вопрос между Хивой и Амударьинским отделом, в котором жители левого и правого берегов реки Амударья враждовали по поводу возведения плотины на реке Талдык. Начальник Чимбайского участка в рапорте начальнику отдела пишет о проблеме, которая затрагивает интересы жителей обоих берегов, обращаясь к нему за предписаниями для руководства. В этом деле жители по левую сторону берега (Хивинский протекторат) уничтожали плотину, которую как выяснил начальник Чимбайской области, затапливает урожаи хлеба, а жители правого берега страдают от нехватки воды. [Л.5] Обращаясь к своему начальнику, капитан просит о применении наказания к разрушающим плотину: «Такие дерзкое нарушение распоряжений русской администрации на нашей-то территории жителями левой стороны Талдыка, не подчиняющегося и Хивинским властям, я полагаю не оставить без строго наказания, а также взыскания вознаграждения тому племени, которое заготовит 45000 снопов камыша». [1-2об]

Таким образом, подчеркивается необходимость в соблюдении субординации в отношении империи. С другой стороны показана забота о населении отдела. Причем в документе говорится о населении Амударьинского отдела как о поданных Белого царя. Один из функционеров – начальник Чимбайского участка капитан Боживиль обращаясь к начальнику отдела, говорит о защите населения правого берега (территория империи). Хотя возможно капитан руководствовался какими-либо внутренними инструкциями, предписанными в таких случаях.

Так или иначе, со стороны капитана Божовиля следует два обращения вышестоящему лицу, в котором говорится о необходимости о заботе над собственными поданными, в пользу которых должна

осуществляться компенсация. Вполне возможно, что помимо решения спорного вопроса, в переписке стремились изобразить заботу, показывая себя лично и философию политической системы с «отеческой» стороны. Но важно понимать, что подобные тексты могли быть также нужны для придания легитимности действий со стороны администрации отдела, в которой прослеживается стремление побудить функционеров и самого правителя Хивы соблюдать суверенитет отдела, а также отвечать на запросы его начальников, И об этом говорят следующие строки письма начальника отдела, ссылающегося на заключенный трактат между Туркестанским генерал-губернаторством и Хивой: «На основании мирного договора заключенного Вашим Высокостепенством с Туркестанским генерал-губернатором Вы обязаны наблюдать, чтобы поданные Ваши не причиняли обид и вреда жителям правого берега - поданным белого царя. Повторно прошу Ваше Высокостепенство с повеления сего немедленно послать на Талдык своего чиновника для прекращения этих беспорядков и запретить вашим поданным делать таковые на будущий год, строго всыпав с виновных в этом, меня же прошу уведомить о сделанном Вами по сему делу, распоряжением с тем же посланным мною человеком». [Л.11об, 12] И далее опять демонстрация заботы о населении: «Счет убытков нанесенных жителями правого берега по постройке плотины, не урожая хлеба происшедшему по причине разрушения её и напрасной проводах времени я пришлю к Вашему Высокостепенству посла и буду просить о вычислении таковых с виновных в этом». [Л.12]

Репрезентацию о благополучии населения и соблюдения престижа должностных лиц империи в глазах населения можно составить по материалам дела из фонда Ферганского областного управления. Так в деле, датированным 1880 годом говорится о жалобах жителей Андижанского уезда на незаконные действия местных должностных лиц этого уезда, в том числе переводчика уездного управления Шамсутдинова и о возможной замешанности в них начальника Андижанского уезда подполковника Смирнова.

В своем отчете Военный губернатор области генерал Абрамов рассказал о том, причины налицо и связаны со злоупотреблениями письменного переводчика Шамсутдинова. Не выполнение поручения губернатора о сборе хараджной подати по новому порядку и слабость подполковника Смирнова в осуществлении надзора над выполнением предписаний и своими работниками. Он пишет: «По этим и другим частям дознания потребовано было от Андижанского уездного начальника объяснение, которое за №20 я нашел неудовлетворительным и не оправдывающим этого штабс офицера в беспорядках, замеченных по

управлению Андижанским уездом. Не имея, однако, оснований для обвинений самого Смирнова в каких-либо личных злоупотреблениях по службе и не подозревая его в таковых, я вместе с тем не могу не признать, что оказавшиеся беспорядки по управлению уездом и хотя не доказанные, но очевидно существовавшие злоупотребления переводчика Шамсутдинова и некоторых туземных должностных лиц происходили от слабости надзора подполковника Смирнова за этими лицами и его непомерного доверия к Шамсутдинову и от малого внимания к нуждам управляемого им народа. [Л.67]

Репрезентация этого дела интересна тем, что продуцирует некоторые черты устоявшихся этатистских практик, когда идет компрометация представителя властной иерархии, упоминаемое британским исследователем А. Моррисоном [126-201]. Например, когда идет репрезентация волости как средоточия злоупотреблений, а с другой раздражения, поскольку оказался замешан уездный начальник. И более того, в данном случае, было предложено решение, где участь уездного начальника должно решаться увольнением. Конечно неприятные подозрения бросившие тень на подполковника Смирнова, которому вменялось попустительство и невнимательность осложнялось резонансом, поскольку привлекло внимание губернатора области и Туркестанского генерал-губернатора, которому писали жалобы жители Андижанского уезда.

Расследующий это дело майор Ястрежембский и поручик Бряннов в своем докладе выдвигают предположение, что подполковник Смирнов оставался в неведении относительно нового порядка сбора податей с населения. Он пишут: «Не допуская такого крупного упущения лично со стороны подполковника Смирнова, мы склонны думать, что он, доверив ведение дел по сборам податей Шамсутдинову, просто не знал, что новый порядок сборов в уезде не применен, в противном же случае надо видеть в этом злой умысел самого подполковника Смирнова, т.к на наш запрос он сообщил, что в уезде применен новый порядок сборов – но такое предположение, бесспорно опровергается предыдущими к сборам нынешнего года распоряжениями подполковника Смирнова, следовательно должно остановиться на высказанном нами ранее предположении». [Л.52] И в конце текста они резюмируют: «Рекомендуемая нами мера, полагаем благотельно отзовется на населении, которое поймет, что справедливая жалоба их имела последствие, а отдельные лица будут скорее удовлетворены разбором казиев нежели следственным путем» [Л.54 об].

Таким образом, в архивных документах с одной стороны видны небольшие репрезентации случаев, в которых можно делать предположительные конструкции смыслов (иногда просто догадываться) о том, что могли значить те или иные происшествия и случаи и каковы было

общее состояние дел в конкретных ведомствах. И если в рассмотренных делах об Амударьинском отделе говорится, о проблеме по привнесению изменений в правовой опыт и практики ведомств конкретными должностными лицами среднего звена. И интересны не только сами по себе, но и тем, что дают представления об устоявшихся служебных нормах. А также о демонстрации защиты интересов населения отдела. И нечто похожее можно наблюдать в некоторых случаях в Ферганской области. Например, когда речь затрагивается о взимании облегченной модели подати. Конечно, небольшое количество дел посвященных данной тематике едва ли может служить поводом для широких экстраполяций в рамках генерал-губернаторства, но могут дать пищу для предположений и размышлений о бытовавших статистских практиках и реакциях на какие-либо изменения, затрагивающие властный ареал должностных лиц.

Список использованной литературы:

1. James C. Scott. Seeing Like a State. Yale University Press. 1998. P.445
2. A. S. Morrison. "Russian rule in Samarkand. A Comparison with British India." Oxford University Press Inc., New York. 2008, P. 364
3. НАУз. И-907 Канцелярия Начальника Амударьинского отдела, оп.1, д.20
4. НАУз. И-907, оп.1, д.550
5. НАУз. И-19 Ферганское областное правление, оп.1, д.523

AMIRZODANING NIKOLAYEV KADET KORPUSIDAGI BIR KUNI

Oybek Klichev

tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Buxoro davlat universiteti.

Sayyid Mir Olimning amirlik hukmron doiralarida – To'rajon sifatida, Rossiya imperatori tomonidan voris etib tanolinishi, uning amirlik siyosiy hayotiga kirib kelishini ta'minladi. Bu esa uning shaxsiga Rossiya imperiyasi ma'murlari e'tiborining kuchayishiga olib keldi. Mang'it amirlari xonadoni vakillari imperiya ta'lim muassasalarida tahsil ola boshladilar.

Amir Muzaffar zamonidan e'tiboran amir oilasi vakillari imperiya hududidagi ta'lim muassasalarida o'qishga yuborilar edi. Sayyid Mir Mansur faoliyati buning yorqin dalilidir. U otasi tomonidan Pojerskiy korpusiga ta'lim olish uchun yuborilgan.

Rossiya Tashqi siyosat arxivi hujjatlari bilan tanishish jarayonida Sayyid Mir Olimning Nikolayev kadet korpusidagi ta'limi bilan bog'liq ma'lumotlar

aniqlandi. Bunday ma'lumotlar amirzodaning uch yillik ta'limi va uning tafsilotlarini o'rganish imkonini beradi. Ikki maqoladan iborat ushbu tadqiqotda mazkur arxiv jamg'armasidagi ma'lumotlarni ilmiy muomalaga tortishga erishiladi.

Ushbu tadqiqotimiz Sayyid Mir Olimning Sankt-Peterburgdagi Nikolayev korpusidagi ta'limining ayrim jihatlariga qaratiladi. Aniqroq qilib aytganda u yerdagi ta'lim va kundalik hayoti haqida.

Buxoro amirlarining kundalik hayoti, uning o'ziga xos jihatlari haqidagi ma'lumotlar unchalik ko'p emas. Masalan, Amir Muzaffarning kundalik hayoti bilan bog'liq ma'lumotlarni Ahmad Donishning asarida¹, Abdulahad va Amir Olimxonlarning bir kunlik kun tartibi xususida esa M.S.Andreyev va O.D. Chexovich tadqiqotlarida uchratamiz².

Sayyid Mir Olim amir Abdulahadning Rossiya imperiyasi hududiga amalga oshirgan ilk tashrifi davrida Imperator Aleksandr IIIning ruxsati bilan Nikolayev kadet korpusiga joylashtiriladi. Bugungi kunga kelib, amir vorisining ushbu muassasadagi ta'limi qisqa davrga moslashtirilganligi haqida ko'plab ma'lumotlar mavjud. Hatto ba'zi manbalarda Sayyid Mir Olimning kadet korpusi kiyimida yoki unga mas'ul etib belgilangan amaldorlar bilan bo'lgan jamoaviy foto tasvirlarni ham uchrata olamiz. Biz ushbu masalalarni o'rganishni takrorlamasdan To'rajonning korpusdagi bir kuni qanday tartibda reglamentlashtirilganligi haqida tadqiqot olib borishni o'z oldimizga maqsad qildik.

Dastlab kadet korpusi va undagi ta'limga to'xtalib o'tsak: Ushbu muassasa imperiya harbiy ta'lim tizimida o'z o'rniga ega edi. 1886 yildan e'tiboran bu yerda faqat faxriy fuqaro va aholining yuqori qatlam vakillari farzandlarigina ta'lim olish huquqiga ega bo'lishgan. Keyinchalik, bunga bevosita o'qish uchun to'lanadigan to'lovning yuqoriligi ham sabab bo'lgan. Ta'lim yetti yilni o'z ichiga olgan. Qolaversa, bitiruvchilar harbiy vazirlik tizimidagibilim yurtlariga yokioliy harbiy xizmatga yo'naltirilgan. Sayyid Mir Olimning ta'limi otasi tomonidan ta'minlangan.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, Nikolayev kadet korpusida yuqori amaldor zodagonlarning farzandlari ta'lim olishi belgilangan. Shuning uchun ham bo'lsa kerak Imperator To'rajonni bu muassasaga ta'lim olishini ixtiyor etgan va uning tarbiyasi uchun polkovnik Deminni mas'ul etib belgilagan. Bu haqida Abdulahad o'zining birinchi kundaligida quyidagicha xotirlaydi: *“Shundan so'ng, kech soat oltida, saroydan bizni Nikolayev temir yo'l vokzalida kutib turgan generallar huzuriga tashrif buyurdik. [...] Bu yerda vorisimiz Sayyid*

¹Дониш А. Путишествие из Бухары в Петербург / подготовка текста и комментарий Р. Ходи-Зоде. –Сталинабад: Полиграфкомдинат Министерства культуры Таджикской ССР. 1960. - С. 92-95.

² Андреев М.С., О.Д.Чехович. Арк Бухары в конце XIX – начале XX вв. – Душанбе: Издательство “Дониш”, 1972. – С.89-127.

Mir Olim ixtiyoriga otabegi (dyatka) sifatida Usmonbek qorovulbegini, boshqa yumushlar uchun esa Hoji Abdullatif Latifxo'ja va Azimboy buxchabardorlarni (ma'lum muddatda) qoldirdik. Ularning barchasini avvalo Olloh taolloh, so'ngra oliy marhamat sifatida vorisimiz tarbiyasiga mas'ul Demin ixtiyoriga topshirdik"¹.

To'rajon va amir tomonidan unga birlashtirilgan amaldorlar polkovnik Demin uyida istiqomat qilishgan. Bitta ikki derazali hamda ikkita bir derazali xonalar Sayyid Mir Olim vaular ixtiyorida edi. Arxiv manbalarining guvohlik berishicha, ushbu xonalar quyidagicha jihozlangan *"Deraza va eshiklarda ipakdan pardalar, xonada eman daraxtidan tayyorlangan katta yozuv stoli, kursi (divan) kushetka, ipak mato bilan qoplangan kreslo, stullar bilan jihozlangan. Xona devorlarida rasm(kartina) va gilamlar osilgan. Xonada gilam to'shalgan, bronza bezaklarga ega temir yotoq(krovat), marmar lovabo(umivalnik) mavjud edi"*². Bu kabi ma'lumotlar amirzoda korpusda emas, balki u uchun alohida ajratilgan xonalarda yashagani va ta'lim olganini anglatadi.

Sayyid Mir Olimning bir kunini ta'riflasak: Kadet korpusi inspektori polkovnik Deminning ma'lumotiga qaraganda Amirzodaning kuni quyidagi tartibda o'tgan.

To'rajon ertalab 8:20 da uyg'ongan, hamda 8:30 da nonushta qilgan. Nonushta o'rtacha 30 daqiqa davom etgan. Keyinchalik, soat 9:00 dan 12:00 ga qadar ta'lim davri.

Bir soatlik -12:00 dan 13:00 oralig'idagi orom olish vaqtidan so'ng, ta'lim olish davri boshlangan. U o'z navbatida to'rt soat davom etgan ya'ni: 13:00 dan 16:00 gacha. Darsdan so'ng bir soat 16:00dan 17:00 ga qadar ochiq havoga sayr amalga oshirilgan.

Shundan so'ng, 17:00 dan 18:30 ga qadar Sayyid Mir Olim tushlik qilib dam olgan. Kunning ikkinchi yarmidagi ta'lim olish rejasiga binoan 18:30 dan 20:00 oralig'ida fransuz tilini o'rganish mashg'ulotlari olib borilgan. Kun 20:00 dan 22:00 ga qadar kechki ovqat va hordiq olish vaqti bilan nihoyalangan.

Bu kabi muhim qaydlar kun tartibi tizimlashtirilganligini ko'rsatadi. Endi kunning har bir bosqichi xususida fikr bildirsak. Biz tadqiq etgan arxiv hujjatida To'rajon uchun bir kunlik iste'mol ratsioni, ovqatlar va ularning turi keltirib o'tiladi. To'rajon ertalab, limon yoki qaymoqli (slivka) choy hamda bulochka tanavvul qilgan. Soat 12:00 dagi tushlik birinchi va ikkinchi ovqatlardan iborat bo'lgan. Ulargo'sht va piyozli suyuq va quyuq ovqatlardan

¹ Точный перевод Дневника его светлости Эмира Бухарского / Представляет И.Гааспиринский из Бахчисарая.- Казан: Типо-литография Императорского Университета, 1894. - С. 55.

²Rossiya imperiyasi tashqi siyosat arxivi (keyingi o'rinda - RITSA), 147 - fond, 485-ro'yxat, 263 – yig'ma jild, 46- varaq.

tarkib topgan edi. Soat 15:00da yengil tamaddi-limonli yoki murabboli choy bilan shirin pechenyelar iste'mol qilingan. 17:00 dan 18:30 oralig'idagi kechki ovqat dasturxoniga suyuq ovqatlardan - asosan sho'rva, ko'katli kartoshka pyuresi, buxorocha uslubda tayyorlangan ovqatlar (mol, qo'y go'shti) bilan birga bifshteks, dudlangan go'sht, kotletlar, baliq, gulkaram tortilgan. Ovqatdan so'ng esa pudding, shirin pirog, krem jele, muzqaymoq, soat 21:00da bulochka bilan choy iste'mol qilingan. Bu ro'yxat Amirzodaning iste'mol ratsioni ham mahalliy ham yevropa oshxonasi taomlaridan iborat bo'lganligini ko'rsatadi.

Endi bevosita ta'lim jarayoni masalasiga kelsak, Sayyid Mir Olim kun davomida olti soat kadet korpusida o'tiladigan umumfanlar bo'yicha o'z bilimini oshirgan, bir yarim soat esa amaliy fransuz tili bilan shug'ullangan. Shu o'rinda, kadet korpusidagiyetti yillik ta'lim fanlari To'rajon uchun uch yilga o'zlashtirilishi rejalashtirilgan hamda ayrim fanlarni qisqartirishga to'g'ri kelganini ta'kidlash darkor. Amirzoda o'zlashtirishi belgilangan fanlar jamlanmasi, korpusda o'tiladigan fanlar asosida tayyorlangan. Bular xususidagi ma'lumot keyingi tadqiqotimizda tahlil etiladi.

Kun tartibiga doir ma'lumotlarning tahlili Sayyid Mir Olim kun davomida o'rtacha bir soatdan (12:00-13:00 va 16:00-17:00) dam olganligini ko'rsatadi. Bu fanlar o'zlashtirilishining o'quvchi uchun qulay bo'lishi maqsadida qilingan. Amirzodaning o'qishdan bo'sh vaqtdagi faoliyati ham inobatga olingan. Bayram oldi kunlarda soat 17:00 dan Nikolayev kadet korpusidan 4-5 nafar bola Sayyid Mir Olim bilan o'ynash maqsadida Demin xonadoniga tashrif buyurgan. Bu o'z navbatida, amirzodaning tengdoshlari bilan muloqot qilishi va o'yinlar orqali o'zaro madaniyat almashinuvini amalga oshirish maqsadida qilingan bo'lsa ajab emas.

Hujjatlar orasida amirzoda kadet korpusidan kelgan bolalar bilan shaxmat, shashka, domino, turli xildagi loto, g'ishtlardan qal'alar qurish va askar o'yinlarini o'ynaganligi ma'lum bo'ldi. Bolalar o'yinlarining aksariyati aqliy hamda bo'lg'usi davlat idorasi, harbiy amaldor va hukmdorlarga xosligi bilan ajralib turganligini kuzatish mumkin.

Korpusdagi ta'lim davrida polkovnik Demin Sayyid Mir Olimning o'z qarashlariga asoslanib psixologik portretini ta'riflashga harakat qilgan. Buni quyidagi jumlar isbotlaydi: "*Sayyid Mir Olim mag'rur, unga biriktirilgan amirlik amaldorlari bilan sharqona munosabatga kirishadi. Korpusdan tashrif buyurgan kadet bolalari bilan birga, o'yin natijasiga ko'ra, g'olib yoki birinchi bo'lsagina o'ynashni istaydi*"². Bu uning yoshlik damlaridan e'tiboran hukmdorlarga xos xususiyatlarga ega ekanligidan ham dalolatdir.

Amirzodaning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishning yana bir yo'li bayram kunlarida yayov yoki foytunda Sankt-Peterburgning diqqatga sazovor

¹RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 263 – yig'majild, 47- varaq.

²RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 263 – yig'majild, 50- varaq.

joylari: Mixaylov monejidagi ko'rgazmalarda ishtirok etish edi. Bunday ma'naviy hordiq amirzodaga yevropa madaniyati namunalaridan bahramand bo'lish va tanishish imkonini bergan. Umuman olganda, sharqona madaniyat vakilining g'arb madaniyati bilan bo'lgan amaliy tanishuvi kunlar, oylar va yillar sayin o'sib borganligini ko'rsatadi. Buni sharq va g'arb madaniyati o'zaro yaqinlashuvining bir shaxs taqdiridagi namunasi desak, xato bo'lmaydi.

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ АСАРЛАРИ – ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

Фаррух ТЕМИРОВ

т.ф.ф.д (PhD). Бухоро давлат университети

Маълумки, маърифатпарвар адиб, ёзувчи ва адабиётшунос олим Садриддин Айний (1878-1954 й) шарқ кўлёзма манбаларининг моҳир тадқиқотчиси ва таржимон сифатида ҳам танилган. Олим Самарқандда яшаган йиллари (1917-1954 й)да кўплаб асарлар ёзиш билан бирга Ўрта Осиёнинг қадимги, илк ва ўрта асрлар даври тарихига оид кўплаб тарихий манбаларни тадқиқ қилган, уларни нашрга тайёрлашга ҳам бошчилик қилган. Шунингдек, нодир кўлёзма асарлар асосида кўплаб тарихий, илмий, адабий асарлар ва мақолаларни эълон қилди. Жумладан, муаллифнинг “Таърихи амирони манғитияи Бухоро”¹ (“Бухоро манғит амирлари тарихи”), “Намунаи адабиёти тожик”² (“Тожик адабиётидан намуналар”), “Исёни Муқанна”³ (“Муқанна исёни”) каби асарлари араб, форс ва туркий тиллардаги шарқ кўлёзма манбалари асосида яратилган.

Жумладан, Самарқанд тарихига оид муҳим манбалардан бири бўлган тарихчи олим Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асари 1921 йили, ўлкашунос олим Абдулмўмин Сатторий⁴ томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бу таржима 1925 йили С.Айний томонидан таҳрир қилиниб, нашрга тайёрланган. У Абдулмўмин Сатторий таржимасига айрим тузатишлар киритиш билан бирга, китоб сўзбоши ва зарур атамаларга изоҳлар ҳам ёзган. Лекин асар нашрга тайёрланганича қолиб кетган. С.Айнийнинг ёзишича, Абдулмўмин Сатторий “Самария” асарини кўлёзма нусха асосида таржима қилган, лекин бу қайси нусха

¹ Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1923.

² Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳирии шўравии Сўсиёлистӣ, 1926.

³ Айний С. Исёни Муқанна. – Душанбе: Маориф, 1978.

⁴ Абдулмўмин Сатторий - истеъдодли маҳаллий ўлкашунос олим. 1925 йилнинг 23 июлида сил касали билан вафот этган.

эканлиги кўрсатилмаган¹. Таржима биринчи бор таҳрир қилинганда адиб бу асарнинг Н.И.Веселовский бостирган матнидан фойдаланган².

Шарқшунос олим С.Айний “Тожиқ адабиётидан намуналар” асарига тартиб беришда ўзбек, форс-тожиқ адабиёти тарихида X – XIX асрларда тузилган Хожа Ҳасан Нисорийнинг “Музаққир ул – аҳбоб”, Мутрибий Бухорийнинг “Тазкират уш – шуаро”, Қори Раҳматулло Возеҳнинг “Тухфатул аҳбоб”, Муҳаммад ас-Саолибийнинг “Йатимат ад – даҳр”, Муҳаммад Авфий Бухорийнинг “Лубоб ул-албоб”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон”, Афзал Махдум Пирмастий Бухорийнинг “Афзал-ут-тазкор фикри зикр-уш-шуаро в-ал-ашъор”, Шарифжон Махдум Садр Зиёнинг “Тазкират – уш – шуарои мутақаддимин” ва бошқа тазкираларидан бўлак юзлаб девонлар, тазкира ва тарихий нодир китоблардан ҳам хабардор бўлган. Олим уларни синчиклаб ўрганган, тазкира, тарихий асарларнинг яхши жиҳатларини ижодий ривожлантирган.

С.Айний асосий эътиборини адабиёт тарихида ҳали яхши ўрганилмаган, кам тадқиқ этилган муаммоларга қаратади. Олимнинг шарқшунослик ва адабиётшуносликдаги катта илмий ишлари сирасига “Фирдавсий ва унинг Шоҳномаси ҳақида”, “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино”, “Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий”, “Камол Хўжандий”³, “Устоб Рудакий”⁴, “Алишер Навоий”⁵, “Восифий ва унинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асари ҳақида”⁶, “Мирзо Абдулқодир Бедил”⁷ каби илмий - адабий мақолаларни киритиш мумкин.

Жумладан, С.Айний Бедил ҳақида шундай ёзган: “Бедилнинг услуби ва манераси ўзига хос. Бедил услубининг янгича йўналиш эканлиги ўз замонидаёқ маълум ва машҳур эди”⁸. Унинг “Мирзо Абдулқодир Бедил” монографиясига 1954 йилда машҳур шарқшунос олим, профессор Е.Бертельс мазмундор сўзбоши ёзиб: “Бу очерк Бедилга доир деярли ҳар бир асарда учрайдиган бир қатор чалкашлик, нотўғри тушунишларни

¹ Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 7 – 10.

² Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 7 – 10.

³ Айний С. Камол Хужандий // Шарқи сурх. 1957, № 5. – Саҳ. 70-76.

⁴ Айний С. Устод Рудакий // Шарқи сурх. 1940, № 2. – Саҳ. 30-43.

⁵ Айний С. Алишер Навоий // Шарқи сурх. 1941, № 1. – Саҳ. 23- 28.; № 2. – Саҳ. 36-43; № 4 – 5. – Саҳ. 15 -36.

⁶ Айний С. Восифий ва асари ў “Бадоеъ ул - вақоеъ” // Шарқи сурх. 1946, № 4 – 5. – Саҳ. 19-29.

⁷ Айний С. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Сталинобод: нашриёти давлати Тожикистон, 1954. 339. Саҳ.

⁸ Айний С. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Саҳ. 5.

баргараф этади”¹ – деган фикр келтирилган. Олимнинг “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино”² номли асари буюк қомусий олим ва табибнинг вафотида 900 йил тўлиши муносабати билан яратилган бўлиб, муаллифнинг қомусий илм эгаси эканини ва кўпгина шарқ тилларини (шу жумладан, араб тилини) яхши билишини асослаб туради. Муаллиф бу асарида Ибн Сионинг илмий ижодини мукаммал ўрганиб, таҳлил этган.

Темурийлар даврида яшаб ижод этган йирик диний уламоларга бағишлаб мақбаралар қурилган. Жумладан, Самарқанддаги Шайх Нуриддин Басир ва Шайх Бурҳониддин Сағажидин мақбаралари шулар жумласидан (айрим манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур бу ҳар иккала уламони ўзининг пири сифатида билган (худди Аҳмад Яссавий сингари – Ф.Т). Буларнинг биринчиси сўфийлик оқими вакили бўлиб, кўпроқ “қутби – Чоҳардахум”, яъни “14-қутб” (суфийликдаги диний унвон) номи билан машҳур бўлган Шайх Нуриддин Басир мақбарасидир. С.Айнийнинг “Қутби чоҳардахумнинг кўриниши” (“14 – Қутбнинг кўриниши”). мақоласида, Амир Темур томонидан Шайх Нуриддин Басир қабри устига мақбара қурганлиги, унинг атрофини обод қилганлигини айтиб: “Амир Темур ўз ҳукумати замонида Шайх Нуриддин Басирга ҳурмати ва эътибори юзасидан унинг мазорини арк қўрғони ичида олган, ҳам қабри устида юксак бир гумбаз ясади, гумбаз устидан олтидан кубба қўйдуриб ўтқузғондир”³.

Муаллифнинг фикрича, Шайх Нуриддин Басир Тошкентда туғилиб, кейинчалик Самарқандга кўчиб ўтган ва шу ерда дафн этилган. “Шайх Нуриддин Басир Самарқанддаги Кўкмачит маҳалласида ўлуб, шу маҳалланинг ёвуқларидан оқадиган “Жўйи Чашмайи Навадон” (“Навадон булоғи ариғи”) бўйида Самарқанд аркининг (ҳозирги Тупроқ қўрғон) кунчиқар томонида кўмилгандир”⁴.

С.Айнийнинг ёзишича, Амир Темур ўз даврининг машҳур муридларидан бўлган Шайх Бурҳониддин Сағажидин вафотидан сўнг унинг мақбарасини қуришга фармойиш беради. Бу мақбара Рухобод номи билан аталган. Ўрта Осиё меъморий обидаларининг моҳир тадқиқотчиси, тарихчи олима, академик Г.А. Пугаченкованинг қайд этишича, Рухобод номи билан машҳур бўлган ушбу мақбара бир хонали, гумбазли

¹Айний С. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Сталинобод, 1954. – Саҳ.5 – 8; Е.Э.Бертельс Айнийнинг “Бедил” манографиясига муқаддима / Айний замондошлари хотирасида. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 125-129.

²Айний С. Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино. – Сталинобод: Нашрдавтож, 1939.

³Айний С. Қутби чоҳардахум (14-қутб)нинг кўриниши. // Маориф ва о`утувчи. 1926, № 5. – Б.31-32.

⁴Айний С. Қутби чоҳардахум (14-қутб)нинг кўриниши. // Маориф ва ўқитувчи. 1926, № 5. – Б. 32.

ҳашаматли ғиштин бино бўлиб, мураббаъ тарҳли, унинг чархи гумбазида дарчалар ишланган. Бош тарзидаги равоқсимон дарвозахона ўйма-ўйма парчинлар билан қопланган. “Шуниси эътиборга сазоворки, бир-бирида анча масофада қурилган учта ҳашаматли мақбара – Қутби-Чоҳардахум, Руҳобод ва Гўри Амир бир-бирига ўхшашдир. Уларнинг гумбазлари Самарқандда сероб бўлган кўм-кўк дарахтлар оша қад кўтариб турибди”¹.

Маълумки, ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг 20-30-йилларида Алишер Навоий (1441-1501 й) ижодига ва бошқа айрим классик шоирлар ижодига ҳам бир ёклама ёндашувлар юзага келган эди. С.Айний 20-йиллардаёқ “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон” газетаси саҳифаларида Навоий ҳақидаги қатор мақолаларни эълон қилган. Бу билан у Навоийнинг буюк санъаткор, улуғ донишманд сиймо эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган. С.Айний “Тожик адабиётидан намуналар” антологиясида 220 га яқин ўрта осиелик адиблар, шоирлар қатори Навоий ҳақида ҳам ҳолисона, тўғри ва муҳим бўлган маълумот келтирган². “Низомиддин Алишер Навоий 1441 йилда Ҳиротда туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин темурийлар саройига яқин турган, бувилари эса темурий шаҳзодаларнинг энагалари бўлган. Алишер гўдаклигида шу шаҳзодалар билан бирга тарбияланди. Тўрт ёшида уни ўқишга бердилар. Алишернинг адабиётга бўлган муҳаббати кун сайин ортиб борди. Алишер 12 ёшида кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишгани маълум. Алишер кейинчалик Самарқандга келди. Мадрасаларга қатнашиб, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳли билан танишади. Кучли қобилияти билан тез орада обрў қозонади. “Фоний” таҳаллуси билан форсий шеърлар ёзади. Самарқанднинг маърифатпарвар ҳокими Аҳмад Ҳожибек ва олим Файзуллоҳ Абуллайс Самарқандий Навоийга ҳомийлик қилиб, унга ҳар томонлама кўмаклаша борадилар. Ўша даврда Самарқандда бир неча атоқли олимлар, санъаткорлар: Мирзо Ҳожи, Қутб Самарқандий, Юсуф Сафойи каби шоирлар бор эди. Самарқанд ҳам Навоийнинг ҳати ва ижодида муҳим рол ўйнади”³.

С.Айний Навоийнинг ана шу биринчи даражали нодир қўлёмалари ва девонларини ўрганишдан ташқари, яна машҳур тарихчи ва тазкиранавислардан Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”. Зайнуддин Восифийнинг “Бадое ул-вақоъ”, Мирхонднинг “Равзат ут-сафо” каби қатор ноёб қўлёмаларни атрофлича ўрганган.

1 Пугаченкова Г. Темурнинг ме`морий мероси. Т: 1996. – Б. 34 – 36.

2 Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик. – Москва: 1926.

3 Айний С. Алишер Навоӣ. – Сталинобод, 1948.

С.Айнийнинг навоийшуносликка қўшган энг муҳим ҳиссаларидан бири шубҳасиз, унинг “Алишер Навоий” номли йирик монографиясидир. Унда Навоийнинг тарихий воқеаларга бой ҳаёт йўли, кўп қиррали ва сермахсул ижоди, ижтимоий фаолияти атрофлича таҳлил этилган. Китобда Навоий яшаган даврга қисқача маълумот ҳам берилган. Маълумки, С.Айний бу йирик тадқиқотини майдонга келтиришига қадар, юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, Навоий ҳаёти ва ижодига доир ўзбек ҳамда тожик тилларида ўнлаб илмий-тадқиқий ва илмий-публицистик мақолаларини матбуот саҳифаларида эълон қилган эди. Адибнинг буюк шоир ҳақидаги ана шу тайёргарлиги ва илмий тадқиқотлари мазкур монографиянинг яратилишида муҳим манба бўлган.

Олим “Алишер Навоий” монографиясида темурийлар давлатининг инқирозга учраши, Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-сийсий воқеаларга қисқача маълумот бериб ўтади. “Алишер сиёсий ҳаётида, - деб ёзади С.Айний, - ўз олдига кўп олий мақсадларни қўйган эди: У марказлашган кучли бир давлатни вужудга келтириб, мамлакатни Шохруҳ Мирзо вафотидан кейин бошланиб ҳалигача давом этиб келаётган бузғунчиликлар, қон тўкишлар, талон-тарождлардан қутқармоқчи эди; давлатни идора қилишни одилонга йўлга қўйиб, шоҳ ва унинг сипоҳини тўйдирувчи, уларнинг меҳнатларисиз мамлакат обод бўлмайдиган халқ оммасини тинч ва осойишта қилиб, уларни ҳукумат ва давлатнинг дўстига айлантirmoқчи эди; Илм ва адабиётни, санъатни ривожлантириб, неча асрлар давомида томир отиб, темурийлар даврининг бошларида юксалиб, охирги йилларда таназзулга юз тутган, ҳалокат даражасига яқинлашган маданиятни қайтадан жонлантirmoқчи эди”.

Адабиётшунос олимнинг навоийшуносликка қўшган энг муҳим ҳиссаларидан бири, шубҳасиз, унинг “Алишер Навоий”¹ номли ўн бобдан иборат йирик монографиясидир. Унда Навоийнинг тарихий воқеаларга бой ҳаёт йўли, кўп қиррали ва сермахсул ижоди, ижтимоий фаолияти атрофлича таҳлил этилган. Натижада, Алишер Навоийнинг бир қанча форсий шеърларидан ташкил топган мажмуа тузиб, уни “Алишер Навоий” монографиясига илова тарзида нашр эттирди.

Маълумки, 1535-1536 йилларда бунёд қилинган Мир Араб мадрасаси Бухорода ўз даврида машҳур ва маълум илм масканларидан бири бўлган. С.Айний ҳам 1890-1891 йиллар давомида ушбу мадрасада турли фанлардан таҳсил олган. Олим кейинчалик бу мадраса ҳақидаги хотиралари, унинг илмий савияси тўғрисида “Маориф ва ўқитғучи” журналининг 1927 йил 5-сонига араб алифбосида ва эски ўзбек тилида

¹Айний С. Алишер Навоий. – Сталинобод, 1948.

“Мир Араб иморатлари”¹ номли мақоласини чоп этган. С.Айний масалага холисона, мафкуравий таъсирларсиз ёндашган ва Мир Араб шахсияти ва у қурдирган мадрасанинг диний илм ўчоқларидан бири бўлганлигини тарихий асарлар ва ҳужжатларга суяниб очиб берган. Шу жиҳат бу мақоланинг ўзбек, рус ва тожик тилларидаги тўла асарлар тўпламида нашр этилмаганлигига сабаб бўлган бўлса керак.

Бу тарихий тадқиқот Зайнуддин Восифийнинг “Бадоеъ ул - вақоеъ” асарига ҳамда муаллиф таъкидига кўра, Мир Араб авлодлари кўлида сақланган мақомотга асосланган. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, С.Айний Зайнуддин Восифий меросига мурожаат қилган дастлабки тадқиқотчилардандир². Жумладан, адиб мақолада шундай ёзган: “Мир Араб иморатларини ёзишдан бурун унинг таржима ҳолидан қисқача маълумот бериш керак. Мир Арабнинг оти мир Абдулло бўлиб, Яман вилоятига қарашлик Хузрамавт шаҳрида туғилгандир. 22 яшарлик чоғида ўз юрти Арабистондан Туркистон сари ҳижрат қилгон. Мунда Самарқандда Хўжа Аҳрор халқасига кирган. Хўжа Аҳрор ўлгандан кейин Сайрамга бориб ерлашгандир. Мир Арабнинг шайбонийлар даврида шуҳрати чиқиб, ушбу хонадондан бўлиб, Бухоро 918-948 ҳижрийда ҳукм сурган Убайдуллахондан кўп ҳиммат кўрган ва унинг давлат, соясида кўп молу мулкка эга бўлгандир”³.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Садриддин Айний адабиёт-шунос ва шарқшунос олим сифатида Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий-ижодий фаолияти, илмий меросини чуқур ўрганган, катта-кичик асарлар, илмий-адабий ва тарихий мақолалар ёзган, улар томонидан қолдирилган бой илмий меросни туркий ва форс тилларидан таржима қилишда, таҳрир қилиб нашр этиришда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

¹Тарихнавис адиб Айнийнинг ушбу мақоласини, тарихчи ва шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Ҳ.Ҳ.Тўраев жиддий ўрганиб, биринчи марта илмий жамоатчиликка эълон қилган. (Қаранг: Ҳ.Тўраев. Садриддин Айнийнинг кам маълум бўлган тадқиқоти // Бухоро мавжлари. 2009, № 2. – Б. 22 – 23.

²Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик.– Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шўравии Сусиёлистӣ, 1926. – Саҳ. 154; Унинг ўзи: Айний С. Восифӣ ва асари ў “Бадоеъ ул - вақоеъ” // Шарқи сурх, 1946, № 4-5. – Саҳ. 1 -29.

³Айний С. Мир Араб иморатлари // Маориф ва ўқитғучи. 1927, № 5. – Б. 35.

ҲАМИД ЗИЁЕВНИНГ АСАРЛАРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИ ЁРИТИШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

Маишура ДАРМОНОВА

ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, Марказий Осиё тарихи бўйича йирик мутахассис Ҳамид Зиёев 1923 йил 15 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони бўлишига қарамасдан, Тошкент педагогика институтини битирган ва Ўзбекистон Фанлар академиясини Тарих институтида аспирантурада таҳсил олган. 1950-1954 йилларда ушбу институтда кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1953 йили Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтида “Шарқий Туркистонда (Синцзянда) 1826 йилги халқ кўзғолони” мавзусида номзодлик, 1964 йили “XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё ва Сибир” илмий асари бўйича докторлик диссертацияларни ёқлаб, юксак илмий даражаларга сазовор бўлган¹.

Ҳ. Зиёев бадиий ижод соҳасида ҳам фаолият олиб борган бўлиб, кўплаб ҳикояларида адолатпарварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, олий жаноблик каби инсоний фазилатлар улуғланиб, ҳасадгўйлик, кўрқоқлик, жоҳиллик ва зикналик сингари иллатларнинг инсон учун нақадар фожиали оқибатларга олиб келиши ҳаётий мисолларда акс эттирилган. Муаллиф “Хушмуомалалик – ярим бахт”, “Олган тупроғинг олтин бўлсин”, “Аввал одоб...”, “Кишининг дўсти ким?”, “Ҳасадгўйнинг тақдири”, “Сунъий кайфият”, “Бахт калити”, “Бахтли бўлай десангиз”, “Фарзандларингиз ақлли, соғлом ва оқибатли бўлсин десангиз” ва бошқа асарларида комил фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратган.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида”, “Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар”, “Қаҳрамонлар номини тиклайлик”, “Курашларда чиниққан халқ”, “Муқаддас бурч”, “Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар” каби бир қанча илмий асарларида Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеаларни ёритиб берган.

Жумладан, у ўзининг асарларида 1941-1945 йиллардаги ҳаёт йўли Иккинчи жаҳон уруши ва унинг дахшатли оқибатларига боғлиқ равишда шаклланганлиги ҳамда уруш йилларида мисли кўрилмаган даражада қашшоқликни, азоб-уқубатларни, адолатсизлик, назорат ва таъқибларни бошидан кечирган халқ билан ҳамдард бўлганлигини таъкидлаб ўтган.

¹ Абдурахмонов М. Ҳамид Зиёевнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти = Жизнь, научно-педагогическая деятельность Хаамида Зияева / М. Абдурахманов, А. Шарофиддинов, А. Умаров; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти. – Тошкент: Art Flex, 2013. – 5-7-бетлар.

Ҳ. Зиёев 1942 йил июнь ойида армия сафига чақирилган. У армия ва фронтдаги фожиаларни ўз китобларида шундай хотирлаган: “Ота-онам, акам, укам, синглим ва кўни-қўшнилар билан хайрлашиб ишчилар шаҳарчасига келдим. Бу ерга бутун туман бўйича менга ўхшаш чақирилганларни тўплашган экан. Шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам сафарбарлик уюштирилган эди. Вокзалга келганимизда бир неча қатор турган ва ичига бир қарич қалинликда похол солинган қизил рангли юк вагонларини кўрсатиб, уларга чиқишимизни буюришди. Кўрпа-ёстиқ, сув ва ҳожатхона йўқлиги туфайли кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирдик. Похолни тўплаб, ёстиқ қилиб ухлардик. Вагоннинг ойнаси йўқлигидан ёруғлик ва ҳаво етишмасди, қўланса ҳид кишини ҳолдан тойдирарди. Тўрт кишига битта буханка нон бериларди. Уни тақсимлаганда ҳар бир кишига 200 граммга етар-етмас тўғри келарди.

Биз 17 кун деганда Удмурдиянинг Ижевск шаҳри атрофига етиб келдик. Бу ердан унча узоқ бўлмаган посёлка аҳолиси атрофимизни ўраб, қизиқиш билан томоша қилишди. Бир оз пиёда юриб ўрмон ёнидаги казармага келиб жойлашдик. Кўрпа-тўшак йўқлигидан ўзимизнинг яғир босган енгил кийимимизда бошимизни тахтага қўйган ҳолда ухлардик. Бунинг устига тахта канаси жуда азоб берарди. Ҳарбий хизматда бўлсак ҳам ўз кийимимизда ёғочдан ясалган милтиқ билан машқ қилардик. Машқ ўтказиладиган майдонга саф тортиб бораётганларнинг аҳволини кўриб турган маҳаллий аҳолининг бизга ачиниб ҳайратланганлари ёдимда. Чунки кийим-кечакларимиз йиртилиб, илма-тешик бўлиб кетган эди. Орамизда оёқ яланглари ҳам бор эди. Ёмғир тез ёғиб туриши ва нам ҳаво одамлар аҳволини янада оғирлаштирди...

...Ниҳоят, икки ойдан кўпроқ вақт ўтганидан сўнг йўлга отланиш ҳақида буйруқ берилди. Юк ташийдиган вагонда Ярославл шаҳри вокзалига келганимизда бизга шинел, гимнастёрка, кўпол ботинка, тўпикдан тиззагача ўрайдиган яшил рангли қалин мато беришди. Шундан кейингина баданимизни бир оз исигандек ҳис этдик. Поездда йўлни давом эттириб Вологда шаҳри орқали шимолга – Архангелскака юриб, кун қорайганда етиб бордик. Бу ердаги портга тушган вақтимизда душманлар бомба ташлаётган экан. Бомба портлаганда катта ҳажмдаги сув шовқин-сурон билан осмонга кўтарилиб атрофга сочилар эди. Душманлар бомба ташлашни тўхтатганидан кейин кемада денгизнинг нариги қирғоғига ўтиб, Маймаксанский туманига ўрнашдик. 20 сентябрда биринчи қор ёғиб совуқ бошланди. Душманлар шаҳарни ҳар

¹ Абдурахмонов М. Ҳамид Зиёевнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти = Жизнь, научно-педагогическая деятельность Хамида Зияева / М. Абдурахмонов, А. Шарофиддинов, А. Умаров; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти. – Тошкент: Art Flex, 2013. – 27-30-бетлар.

икки-уч кунда бомбардимон қиларди. Биз аскарлар бу пайтларда кўчаларда соқчилик билан шуғулланардик.

Тахминан октябрь ёки ноябрь ойларида Архангелск шаҳридан кемада денгиздан ўтиб, Онега дарёсининг бўйидаги посёлканинг ёнидаги тўрт томони девор ва тиконли сим билан ўралган баракда ўрнашдик. Бу ерда маҳбуслар истиқомат қилган экан. Тахтадан ишланган нарали кичик ва шифти паст хоналарда яшашга тўғри келди. Совуқ тушганлиги учун кечаси печкага ўтин ёқилганда тахта каналари шифтдан бамисоли ёмғир сингари устимизга ёғиб шундай тилардики, чидаб бўлмасди. Мен ташқарига чиқиб скамейкада ўтирган ҳолда ухлардим. Шерикларим ҳам кўп азоб чекдилар. Уйқу ва овқатга тўймай мадоримиз қуриди.

Яхшиямки, баракда узок турмадик. Тахминан бир ойдан кейин бизни вокзалга олиб бориб бўш юк вагонларига чиқаришди. Поезд ўрмонда тўхтаб, тушишга буйруқ берилганда ёмғир ёғаётганди. Ёмғирда бўкиб, Шаря посёлкаси атрофидаги кенг майдонга етиб келдик. Бу ерда дарахтлару қалин қордан бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Ерни қалин қордан тозалаб, устига арчанинг кўм-кўк бутоқларини ташлаб чайла қурдик. Тепасидан тутун чиқиши учун тўйнуқ очилди. Бир чайлада 3-4 киши жойлашиб ва ўртада ҳўллигида ҳам ёнадиган оқ қайиннинг бўлакларини ёқиб исинардик. Кўрпа-ёстик йўклигидан шинелни ечмасдан арча баргларида ёстик қилиб ухлардик. Кундуз кунлари ҳақиқий милтиқ ва миномёт билан машқ ўтказардик.

Менга минимётчи касбини беришганди. Бу қурол унча катта бўлмай, “рота миномёти” дейиларди. Кечқурунлари машқдан қайтгандан сўнг жикқа ҳўл шинел ва ботинкани гулхан ёқиб қуритардик. Овқатимиз ҳамон гўштсиз ва ёғсиз эди. Бир буханка нонни бўлакларга кесилгандан сўнг ҳар бирига 1, 2, 3, 4 рақамларини қўярдик. Шундан кейин нонни кесган одам тесқари ҳолда турган аскарлардан, сен қайси рақамли нон бўлагини оласан, деб сўрарди. Қайси рақам айтилса, унга ўша рақамли нон бўлаги бериларди. Нон шу йўсинда тақсимланарди. Ҳаттоки, нон қирқилганида ҳосил бўлган ушоқларни ҳам навбатлашиб ер эдик.

...Ҳарбий машқлар кун сайин кучайиб, фронтга жўнашга тайёргарлик қўрардик. Ниҳоят, полкимиз билан йўлга чиқдик. Бир катта ўрмон бўйлаб салкам икки кун юрдик. Тунда қорнинг устига арча шоҳларини ташлаб 2-3 соат ухладик, холос. Саф тортиб кетаётганимизда аскарлар бир-бирларининг қўлтиғидан тутиб ва кўзларини юмиб юрардилар. Мен ҳам кўзим ва юмилган ҳолда қадам ташлардим.

¹ 2015 йил 8 майда Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги муносабати билан Ҳамид Зиёев хонадонидаги учрашув жараёни туширилган видео тасвирдан олинди.

1943 йил февраль ойида фронт ҳудудига, хусусан Любан атрофига кирдик ва дарахтлари ағдарилиб ётган қалин ўрмонга жойлашдик. Доимо қор остида юриш ва ечинмай ётиб ухлашга тўғри келганлиги учун шинелларимиз таёққа ўхшаб қотиб қолганди. Жангда қатнашиб ярадор ва ҳалок бўлганларни кўрдик. Жанг пайтида кўпроқ миномёт ва тўшлардан ўқ отиларди. Чунки ўрмонда дарахтлар зичлигидан милтиқ ва автомат ўқларининг самараси камроқ бўларди. Гоҳ олдинга ташланиб, гоҳ тўхтаб жанг қилдик, лекин душман ичига бостириб киришга имкон йўқ эди. Жанг майдонида офицер ва аскарларнинг етарли даражада ҳарбий машғулоти ўзлаштирмаганлиги яққол кўриниб турарди.

1943 йил 14 февралда душманлар кун қорайиши билан тўп ва миномётлардан бизни шу даражада ўққа тутдики, бош кўтаришга илож бўлмади. Ҳаммамиз бир-бирининг устига ағдарилган дарахтларнинг тагига яшириниб ётдик. Душман артиллерияси камида уч соат тинмади. Шундан кейин уйқу зўрлик қилиб қорнинг устида ухлаб қолибмиз. Эрта тонгда қарасам снаряд парчаси ёнимда ётган аскар бошининг ярмисини учириб юборибди. Ёнимда бир неча кишининг ўлиги ётарди.

15 февралда эрталабдан душманни ўққа тутиб, аста-секинлик билан олдинга сурилдик. Душман миномётлардан устимизга ўқ ёғдириб турарди. Кундузи тахминан соат ўн иккиларда сал чуқурликда милтиқдан тинимсиз ўқ узаётганимда ёнимизда миномёт снарядлари кетма-кет портлади. Икки киши ўлди. Мен эса оёғимдан яраландим. Қон оқиши туфайли юрагим куйиб, сув ичгим келаверди. Қорни чангаллаб оғзимга солардим. Жанг олдидан ҳамроҳларим билан ким жароҳатланса, ўшани олиб чиқиб кетиш ҳақида келишиб олгандик. Шунга кўра, мени 4 киши кўтариб, бир кичкина майдонга олиб чиқишди. Совуқ -15° , -20° даража атрофида эди. Шу пайтда нотаниш бир офицер келиб, бир кишини тўрт одам кўтарадими, сенлар ярадор баҳонасида жангдан қочгансанлар, деб тўшпончасини ўқталди. Улар кечирим сўраб зудлик билан орқага қайтишди.

Ярадорларни ташиш учун бу ерга ченалар келиб турар экан. Бахтимга ўша ченалар келиб қолди. Ҳайдовчи мени ва бошқаларни чалқанча ётқизиб, тахминан ярим соатлардан кейин тиббиёт пунктининг ёнига келтирди. Ҳамшира оёғимни спирт билан тозалаб, боғлаб, яхшики қаттиқ совуқ туфайли қон секин оқибди, акс ҳолда ҳалок бўлишинг аниқ эди, снаряд парчаси оёқнинг илик суягини парчалаб, қон томирларига қаттиқ зарба берибди, деди...

...Иситма тушмасдан, иштаҳа йўқлигидан шу даражада озиб кетгандимки, ҳамшира аёл мени кўтариб, жарроҳлик столига ёки хонамга олиб кириб қўярди, замбилга солишга зарурат йўқ эди.

Орадан кўп вақт ўтсада аҳволим яхшиланмади. Шунинг учун даволовчи шифокор қорасон касали ва ўлим хавфи борлигини айтиб, оёғимни тиззадан пастини кесишини сўради. Мен рози бўлмадим.

Бир куни госпиталга тажрибали жарроҳ келиб, оёғимнинг гипсини очиб кўрди. Суягим бита бошлаганини айтиб, жуда хурсанд қилди ва яна қайтадан гипс қилиб қўйди.

1943 йил октябрь ойларида кўлтиқ таёқда юрадиган бўлдим. Ноябрь ойининг бошларида менга кетишга рухсат беришди ва мен она шахрим Тошкентга қайтиб келдим...

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси ва аҳамияти қандай бўлган эди? – деган, саволга Ҳ. Зиёев илмий асарлари ва видео лавҳаларидан қуйидагича жавоб олиш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушига бағишланган китобларида кўрсатилишича, уруш йилларида биринчидан, Ўзбекистон фронтнинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлади. Чунончи, аҳоли томонидан мудофаа фондига 649,9 млн сўм нақд пул, 4 млрд 226 млн сўм заём пули, 52,9 кг олтин ва кумуш топширилди. Армияга 7518800 та гимнастёрка, 2636700 та телогрейка, 2221200 та этик ва кўнжли ботинка юборилди¹. Енгил саноат вазирлиги томонидан фронтга 246918700 сўмлик маҳсулот жўнатилган². Жумладан, қийинчилик ва хом ашё етишмаслигига қарамасдан, Тошкент тўқимачилик комбинати фронт учун 410 миллион метр газлама ишлаб чиқарди.

Иккинчидан, ўзбек халқи Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатган. Бир миллион эркак-хотин ва болалар қабул қилиниб, турар жой, кийим кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаган. 200 минг етим болага алоҳида аҳамият берилиб, уларнинг талай қисмини ўзбек оилалари ўз қарамоғига олди, фарзандларидек кўриб боқди ва тарбиялади. Ўзбек халқи фронтга кетган турли миллат вакиллариининг оилаларидан ҳам моддий ёрдамини аямади³.

Илмий мақолалари таҳлилига кўра, ўзбек халқи озод қилинган жойларга ҳам ёрдам кўрсатди. Ўзбекистонда саноат соҳасида ҳам катта ишларни амалга ошириб Россия, Украина ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўнлаб корхоналарини ишчи-хизматчилари билан жойлаштирилиб, турар-жой, озиқ-овқат билан таъминлади.

¹ Ҳамид Зиёев. Она шахрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан”, 2008. – 73-74-бетлар.

² Ҳ.Зиёев. Ўзбекистон Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида.

³ Ҳамид Зиёев. Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2003 йил 20 июнь.

Ўзбекистонда ҳарбий соҳада ҳам беқиёс катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикада 15 та дивизия ва бригада тузилиб, уларда ўзбеклар салмоқли ўринни эгаллади. Ўша ҳарбий қисмлардан ташқари, ўн минглаб навқирон йигитлар ҳаракатдаги армия сафларига юборилди. Тошкентдаги ҳарбий билим юртлари фронт учун бир неча минг командир ва сиёсий ходимларни тайёрлади. Урушнинг дастлабки ойларида Тошкент шаҳрининг ўзидан 100 минг йигит ва қисман аёллар фронтга жалб қилинди¹.

Умуман олганда, Ҳамид Зиёевнинг бадиий ижод намуналари ва илмий асарлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент шаҳри ҳаёти ҳамда аҳволи, фронтга юборилган аскарлар ва уларнинг фронтдаги қийинчиликлари ҳамда жасоратлари, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида ғалабага қўшган ҳиссасини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА ЎЛКА ШИФОХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (Туркистон вилоятининг газети мисолида)

Нигора РАХИМДЖАНОВА
ЎзР ФА Тарих институти
катта илмий ходими

XIX асрнинг сўнгги чорагига келиб, Туркистонга замонавий тиббиёт кириб келди. Расмий ҳукумат томонидан Туркистон шаҳарларида янги очилган шифохоналар, хусусий тиббий хизмат ва фармацевтика лабораториялари ва дорихоналарнинг очилиши секин-аста кўпайиб, нафақат европалик, балки маҳаллий халқнинг соғлигини тиклаб, уларнинг тиббий маданиятини ошишига хизмат қила бошлади². Таъкидлаш жоизки, дастлаб маҳаллий аҳоли европача тиббиётга хайрихоҳ бўлмай, аксинча бу каби тиббий хизмат турларидан фойдалишни истамаган. Чунки Туркистон маҳаллий халқлари учун анъанавий табобат асрлар давомида синалган ва халқ орасида оммалашган тажриба усули ҳисобланган. Аммо, секин-аста замонавий тиббиётга муносабат нисбатан ўзгара борган. Шифохоналарга дастлаб аҳолининг европалик қатлами ташриф буюрган бўлсалар, кейинчалик маҳаллий аҳоли ҳам тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлар.

¹ Ҳамид Зиёев. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан”, 2008. – 75-76-бетлар.

² Ўз МА 17-фонд, 1-рўйхат, 29731-йиғма жилд, 4-варақ.

Тиббиётни тарғиб қилишда, унга оид янгиликларни етказиб беришда, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда матбуот ўз даврида минбар вазифасини ўтай бошлади. Туркистон матбуотида нафақат замонавий тиббиётга оид мақолалар, балки анъанавий табобатга доир хабар ва маълумотлар ҳам эълон қилиб борилган¹. Хусусан, маҳаллий тилдаги “Туркистон вилоятининг газети”²ни алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу газета саҳифаларида 47 йил давомида тиббиёт ва анъанавий табобатга бағишлаб 100 дан ортиқ мақолалар берилган бўлса, шулардан янги очилган шифохоналар фаолияти ва қурилишига доир 30 дан ортиқ, ўлкадаги эпидемиологик ҳолат ва юқумли касалликлар тўғрисида 50 га яқин, маҳаллий табиблар ва шарқ табобатига бағишланган 12 та ва бошқа турли касалликлар ва уларни даволашга оид 13 дан зиёд мақолалар чоп этилган.

Маълумки, XIX асрнинг 80-йилларида ўлкада маҳаллий аҳоли яшайдиган “эски шаҳар” қисмида шифохоналар қурила бошланган. Хусусан, дастлаб аёллар ва болалар учун махсус кичик шифохона (амбулатория)лар очила бошланган. Мана шу шифохоналар, уларнинг фаолияти газета саҳифаларида ҳисобот тарзида чоп этиб борилган³. Ҳатто келган беморлар сони, миллати аниқ рақамларда қайд этиб борилган. Бу борада даврий матбуот саҳифалари мониторинг вазифасини ўтаган. Жумладан, мақолалардан бирида келган беморлар сони қуйидагича қайд этилган. “Ўтган 1885 йилда мусулмон маҳаллий аёллар ва болалар Тошкент шифохонасига касаллик туфайли мурожаат қилганлар. Август ва сентябр ойларида шифохона биносида таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани сабабли касалларни қабул қила олмаган. Қолган 10 ойда шифохона 1366 та болани қабул қилган. Шифохона 1883 йилдан 1884 йилгача 13 ой давомида 1279 та бемор болани даволаш учун қабул қилган. Ўтган йиллар билан 1885 йилни таққослаганда охириги

¹ Абу Али ибн Сино нақлиётидан парча // Туркистон вилоятининг газети. 1896. № 35; Ерли халқлар табобатидаги тасодиф // Туркистон вилоятининг газети. 1910. № 4; Табиблар ва бахшилар хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1894. № 20; Ўзбек табиблари ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1901. № 45; Юсуфхон. Миллий табиблар ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1913. № 31.

² “Туркистон вилоятининг газети”- расмий ҳукуматнинг нашри бўлиб, 1870 йилдан бошлаб, дастлаб “Туркестанские ведомости” газетасига илова тарзида ўзбек тилида (араб имлосида) Тошкентда чоп этила бошланган. Расмий маъмурият хомийлиги остида 47 йил давомида, яъни 1917 йилга қадар мунтазам нашр этилган.

³ Тошкент шаҳридаги мусулмон хотинлари ва болаларни кўрадиган шифохонанинг табиб хотинларнинг 1885 йил ичида қараган касал болалар кўрсатган ҳисоботномаси // Туркистон вилоятининг газети. 1886. № 17; 1886 йилда 29 сентябрдан то 1888 йил 1 январгача Хўжанд шаҳридаги мусулмон хотинлари ва болалари учун қурилган шифохонанинг ҳисоботи // Туркистон вилоятининг газети. 1888. № 46,48, 50; Тошкент эски шаҳрида бўлган шифохонага февраль ойида келган кишилар // Туркистон вилоятининг газети. 1896. № 47;

йилда бемор маҳаллий болалар сони ортганини кўришимиз мумкин. Булардан 1329 таси маҳаллий ўзбеклар, 21 таси қозоқ, 30 таси яхудийлар, 3таси татар миллатига мансуб болаларни ташкил қилган”¹.

Юқоридаги каби мақолаларга кўра, маҳаллий беморлар шифохоналарга бир эмас, қайта даво истаб келганлар². Ҳатто маҳаллий мусулмон аёллар орасида ушбу шифохоналарга нисбатан ишонч йилдан-йилга ошганлиги таъкидланиб, улар шифокор аёлларга кўчада, уйларига ҳам шифо сўраб мурожаат қилганликлари қайд этилган³.

Шифохоналар ҳисоботларида турли хил касалликлар ва беморлар ҳақидаги қайдлар мавжуд бўлиб, баъзи касалликлар мавсумга қараб кўпайиб борган. Жумладан, кунлар совиши билан томоқ ва ўпка (нафас йўллари) касалликлари, баҳорда эса безгак ва шунга ўхшаш юкумли касалликлар, ёз ойларида эса ошқозон ва ичак касалликлари (диарея) кабилар кенг учраган⁴. Ундан ташқари, йилнинг баъзи фаслларида муайян ҳудудга хос касалликлар (пендин яраси(сартовская болезнь), ришта) билан оғриган беморларлар кўпайган⁵. Бу каби касалликлар фақатгина иссиқ ўлкаларда учрагани сабабли европалик шифокорлар учун нотаниш ҳисобланган. Шунинг учун ришта, пендин яраси билан оғриган беморлар маҳаллий табибларга мурожаат қилганлар.

Матбуотда эълон қилиб борилган шифохона ҳисоботларига кўра, ўлка маҳаллий аҳолиси орасида юкумли ва тери касалликлари юқори ўринларда турган⁶. Бу ҳақда архив манбаларида ҳам кўплаб маълумотларни ўқиш мумкин. Империя ҳукумати бу каби юкумли касалликларга қарши курашиш мақсадида бир қатор чоралар кўришга мажбур бўлган. Махсус шифохоналарни очиш, шаҳар шифохоналарида бу каби касалликлар билан оғриган беморларни ажратиш, уларни алоҳида бўлимларда даволаш ёки изолятор хоналарда сақлаш, уларнинг идиш ҳамда чойшабларини алоҳида

¹ Тошкент шаҳридаги мусулмон хотунлари ва болаларини қарайдурғон табиб хотунларнинг 1885 йил ичидаги қарағон касал болалар хусусида кўрсатган ҳисобномаси // Туркистон вилоятининг газети 1886. № 17.

² Андижон шаҳридаги мусулмон хотун ва болалари учун булинғон касалхона ўтган 1888 йилда қайси аҳволда эканлиги хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1889. № 47.

³ Ўтган 1886 йили тиббий ёрдам берилган Тошкент шаҳрини чегарасидаги мусулмонлар ғисоби // туркистон вилоятининг газети. 1886 №38

⁴ Андижон шаҳридаги мусулмон хотун ва болалари учун булинғон касалхона ўтган 1888 йилда қайси аҳволда эканлиги хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1889 № 47.

⁵ Ришта чиқармоқ хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1872. № 10.

⁶ Шадманова С. Туркистонда замонавий тиббиётнинг ибтидоси. <https://uzanalytics.com/tarix/7171/>. *Батафсил маълумот*: Юлин Г. В лечебнице для туземцев // Туркестанский курьер. – 1909. – № 174.

сақлаш ва ювиш каби чоралар қўллаш ҳақида махсус ҳукумат қарорлари қабул қилинган¹. Уларга кўра, беморлар бепул даволаниши назарда тутилган эди². Аммо баъзи шифохоналарда юқоридаги ҳукумат қарорларига қатъий риоя қилинмаган ҳолатлар ҳам учраб турган³.

Юқоридаги каби муаммоли ҳолатлар ҳам газета саҳифаларини четлаб ўтмаган. Хусусан, аксарият пайтларда шифокорлар етишмаган. Кўп ҳолларда шифохоналарнинг ўзи ҳам ҳамма ҳудудларда етарли бўлмаган. 1909 йилги ҳолатга кўра, маҳаллий аҳоли учун очилган шифохона (амбулатория)лардаги аҳвол аянчли бўлган. Амбулатория биноси жудаям шовқин ва чанг кўчада, от аравалар ўтадиган кўчада жойлашган бўлиб, бино жудаям паст ва кичкина, деразалари кўча томонга қараган. Ошхона йўқлиги сабабли, ҳовлининг ўртасида, ариқ бўйида овқат пиширилган. Деярли ҳеч нарса билан тўсилмаган, полсиз бўлган бу «бўлим»да 10 нафар беморлар даволанган. Амбулатория биноси терраса (айвон), эркаклар қабулхонаси, аёллар қабулхонаси ва боғлаш хонаси, дори бериладиган хонадан иборат бўлиб, беморлар кўплигидан айвон, ҳовли ва ҳатто кўчада навбат кутиб туришар, у ерда на ўриндиклар, на стуллар бор эди. Навбат кутувчилар ерда ўтирганлар⁴.

Айниқса, юқумли касалликлар кўпайган, эпидемия даражасига кўтарилган пайтда сифатли тиббий хизмат етишмас эди. Хусусан, 1910 йилда болаларда қизамиқ, катталар орасида чечак каби юқумли касалликлар кўпайиб, эпидемия даражасига етган. Шаҳар касалхонаси одамга тўлиб кетган. Юқумли касалликлар шифохонаси тўлиб кетганидан кўпчилик беморлар уйда даволанишга мажбур бўлганлар. Шаҳарнинг мусулмонлар яшайдиган даҳаларидаги аҳолини чечакка қарши эмлатилган. Аҳвол шу даражага бориб етганки, расмий маъмурият чечак касаллигига қарши курашиш ва уни олдини олиш мақсадида Тошкентнинг маҳаллий аҳолиси истиқомат қилувчи “эски шаҳар” қисмида шифохоналарда докторлар сонини кўпайтиради. Шунга қарамадан касаллик кенг ёйилиб, газетада ёзишилича, бундай эпидемия Туркистон тарихида биринчи марта бўлган. Расмий маъмурият махсус шифохона қурдирмоқчи бўлган, аммо маблағ топилмаган⁵.

Туркистонда ҳукуматга қарашли шифохоналардан ташқари хусусий амбулаториялар ҳам фаолият юритган. Бу амбулаториялар соғлиқни муҳофаза қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиб ишлаган. Йилдан

¹ Ўз МА И-19-фонд, 1-рўйхат, 14423-йиғма жилд, 91-варақ.

² Ўз МА 1-фонд, 8-рўйхат, 3- йиғма жилд, 6-варақ.

³ Ўз МА И-17-фонд, 1-рўйхат, 29062-йиғма жилд, 120-варақ.

⁴ Шадманова С. Туркистонда замонавий тиббиётнинг ибтидоси. <https://uzanalytics.com/tarix/7171/>

⁵ Эпидемия касали // Туркистон вилоятининг газети. 1910. № 4.

йилга хусусий шифохоналар сони ошиб борган. 1913 йилда хусусий амбулаториялар сони 8 тага етди. Улар орасида М. Слоним шифохонаси, Тошкент шаҳар дорихонаси қошидаги амбулатория, Маҳрам дорихонаси қошидаги амбулатория, провизор Ципперсон вокзалолди дорихонаси қошидаги амбулатория, врач Розенбаум тиш шифохонаси, Ковалева, Егорова, Предтеченская туғруқхоналари бор эди.

Хусусий амбулаториялар шифокорлари ўлкада истиқомат қилувчи турли хил миллатга мансуб беморларни қабул қилганлар, шу мақсадда улар Туркистон матбуоти саҳифаларида ўз тиббий хизматларини реклама тарзида эълон қилиб борганлар. Масалан, шифокор Крилов тери-таносил, ички ва бошқа касалликлар бўйича беморларни даволаган. Шифокор беморларни ҳар куни Курапаткин кўчаси 45 уйда, соат 4:00 дан 7:00 гача қабул қилган. Шунингдек, шифокор-дермотолог К.К. Евдокимов, Рейнгардлар ҳам якшанбадан ташқари соат 5: 00 дан 8:00 га қадар эркакларни, аёл беморларни эса эрталаб соат 8:00да Маҳрам кўчаси Краузер аптекасининг ёнида жойлашган уйда қабул қилган. Шифокор Н.И. Оранский эса кўз ва ички касалликлар билан оғриган беморларни ҳар куни соат 4:00 дан 6:00 гача даволаш учун қабул қилган².

Таъкидлаш жоизки, бу даврда хусусий тиббий муассасаларда беморлар баъзан бепул даволанишини матбуот саҳифаларида қайд этилган. Масалан, 1906 йилда “Самарқанд” газетасида қайд этилишича, доя ва уқаловчи (массажчи) Э.И. Капелюш-Герцфельд Самарқанд аҳолисини хусусий равишда даволанишга таклиф қилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мансуб кишиларни бепул даволашни ваъда қилган³.

Қайд этиб ўтиш лозимки, юқорида қайд этилган хусусий тиббий муассасалар очилишига доир мурожаатномалар ҳарбий губернатор, унинг ёрдамчилари ва вилоят шифокори томонидан тезда кўриб чиқилган ва тўсиқлар бўлмаса, рухсат берилган⁴.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср охири - XX аср бошлари Туркистон халқлари ижтимоий ҳаётига замонавий медицинанинг илк қадамлари кириб келди ва секин аста ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир бўлагига айлана бошлади, тиббий маданиятнинг янада ўсишида салмоқли таъсир кўрсата бошлади. Юқорида келтирилган матбуотда чоп этилган мақолалар бунга мисолдир.

1 Шадманова С. Туркистонда замонавий тиббиётнинг ибтидоси. <https://uzanalytics.com/tarix/7171/>

2 Русский Туркестан // 1906. 3 июн, № 105.

3 Шадманова С. Туркистон тарихи- матбуот кўзгусида.Т.: “YANGI NASHR”, 2011. - Б. 129. *Батафсил маълумот*: Самарқанд. - 1906. - № 56.

4 Ўз МА И-17-фонд, 1-рўйхат, 29731-йиғма жилд , 4-варақ.

АҲМАД ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ “ХОТИРАЛАР”И СОВЕТ РЕЖИМИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ КУРАШ ТАРИХИГА ОИД МАНБА СИФАТИДА

Н.М. ҲАМАЕВ

*ФарДУ Жаҳон тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси*

XX аср бошида Туркистонда бўлиб ўтган совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихи акс этган тарихий манбалар талайгина. Бу манбалар ичида Туркистондаги мазкур ҳаракатда бевосита иштирок этган, унинг ғоявий раҳнамоларидан бири бўлган Аҳмад Закий Валидийнинг “Хотиралар”и алоҳида ўрин эгаллайди.

Туркистон тарихининг билимдони, айниқса истиқлолчилик ҳаракати иштирокчиси Аҳмад Закий Валидий, энг аввало, совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатни Туркистонда 1918–1923 йилларда фаол ҳолда бутун халқ эътиборини ўзига жалб этиб ўртага чиққан муаззам озодлик ҳаракати сифатида баҳолайди [1.125-138].

Истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки босқичида уларни руҳан қўллаб турган куч бу – жаид мунавварлари эди. Уларнинг истиқлолчиларга берган бевосита ёрдамлари натижасида ҳаракат маълум бир йўналишга солинди. Жаидларнинг олиб борган ғоявий ташвиқотлари билан қўрбошилар йигитлари ўртасида сиёсий вазиятга нисбатан тўғри баҳо бериладиган, қизил армияга қарши илгаригига нисбатан тартиб-лироқ жанг усуллари қўлланиладиган бўлди. Жаидлар ўз ғоявий ташвиқотларини Фарғона водийсида бошлаб, секин-аста Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудига ҳам тарқалди. Бухородаги истиқлолчиларга жуда катта маънавий ёрдам берган шахслардан бири Аҳмад Закий Валидийдир. У 1920–1921 йилларда Бухоро шаҳрида яшаб, бутун Туркистондаги истиқлолчи кучларни марказлаштиришга ҳаракат қилди. Валидий Шарқий Бухоро истиқлолчиларининг раҳбарларидан бири Анвар пошо, Бухоро ҳукумати раҳбарларидан Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжаевлар билан Туркистон минтақасидаги истиқлолчилар ҳаракатининг бундан кейинги сиёсий йўлини аниқлаш борасида мунозаралар олиб борди [7.182].¹

Лекин вақт ўтиши билан қўрбоши дасталарида ғоявий раҳбарликлари борасида кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳбарлик қилиш борасида жаидлар билан ислом уламочилари ўртасида ўзаро рақобат

¹ Қ. Ражабов. Жаидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. // Жаидчилик: ислоҳот, янгилаш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. Даврий тўплам. 1999. №1. 182-б.

мавжуд эди. Истиклолчиларнинг йўлбошчиларига дастлабки пайтларда “Шўрои Исломи”, “Иттиҳод ва тараққий”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” ташкилотларига аъзо жадидларнинг таъсири кучли бўлган бўлса, кейинчалик бу борада устунлик уламочилар кўлига ўтди. Буни мужоҳид раҳбарларининг “жиҳод ва ғазот” ҳақидаги шиорларидан ҳам билиб олса бўлади [9]. Натижада, миллий озодлик ҳаракатининг характери айрим мутаассиб руҳонийларнинг амаллари оқибатида кўпинча, эшон ва қозиларнинг катта қисми кейинчалик советлар хизматида ўтишди. Истиклолчилик ҳаракатининг бош мақсади – бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғояси ўзгармаган бўлса-да, кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг янада кенгайишига тўсқинлик қилди [7.187].¹

Валидийнинг “босмачилар”² томонига ўтиши, энг аввало, унинг сиёсий қарашлари билан боғлиқдир. Чунки болшевиклар билан бўлган муносабатлар ўзини оқламагандан сўнг у Туркистонга келади ва бу ердаги қуролли курашда бевосита иштирок этади. Унинг бу ердаги фаолияти нафақат унинг ўзига, балки маҳаллий халқ учун ҳам катта фойда келтирди. Чунки Валидийнинг жуда катта ҳаётий тажриба ва дунёвий билимга эгаллиги бу ҳаракатнинг бутун минтақадаги қатнашчиларига, уларнинг фаолиятига ижодий таъсир кўрсатди.

Валидий Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида иштирок этиб юрган вақтларида у ҳақидаги маълумотларни қайд этиб борган. Ушбу ҳаракат ҳақидаги асарнинг биринчи қисми қисқача автобиография, ўқиш йиллари ва атрофдаги инсонлар ҳақида, иккинчи қисми эса “босмачилик” ҳаракати, кўрбошилар, уларнинг қароргоҳлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади [4].

“Хотралар”га кўра, Валидий ватанидан чиқиб Хивага келган вақтларидаёқ туркман кўрбошилари ва Хоразм “босмачилар”ининг йўлбошчиси бўлган Жунайидхон билан алоқа боғлашга ҳаракат қилади. Лекин қанчалик уринса ҳам, у Жунайидхон билан учраша олмайди. Бу ҳақида Валидий шундай хотирлайди: “Хоразмликлар Урганчни Гурганч дердилар, арабчада эса Журжония деб аталарди. Келганимда Жунайидхон бу ерда йўқ эди. Унинг кўнимгоҳида бир туркман бекига ва унинг аскарларига дуч келдим. Туркман беки нима иш билан шуғулланишимни сўради. Савдогарман, Кўнғиротдан келдим, деб унга Болабекнинг хатини топширдим. Хатни мирзасига ўқитгач, менга қайтариб берди. Балки хон эртага келар деди.... Шу орада Жунайидхоннинг вакили бўлган Туркбейнинг кишиси келиб, Хон бундан беш чақиримча жойда аллақайси

¹ Ўша манба. –Б. 187.

² Валидий “босмачи” деганда худди советлар сингари босқинчиларни эмас, балки миллий озодлик курашчиларини назарда тутди.

бойнинг уйида эканлигини айтиб, хоҳласангиз, боришингиз мумкин, деди. Бориб кўрдимки, Жунайидхоннинг ўзи келмаган экан.... Жунайидхон билан учраша олмадим. Урганчда унинг бир ўғлини кўришга муваффақ бўлдим. Жунайидхон Эрон ва Афғонистонга чиқиб кетиб, Хирот яқинидаги Таймана қишлоғида вафот этди” [4.92-93, 137].¹

Хоразмдан Бухоро амирлигига келган Закий Валидий бу ерда ҳам истиқлолчилик ҳаракати йўлбошчиларига ёрдам қўлини чўзади. Шу вақтда миллий зиёлилар билан биргаликда босмачилар учун дастур вазифасини ўташи керак бўлган бир неча ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади. Уларнинг бири “Эрк” деб номланган партиянинг дастури эди. У даставвал 27 банддан иборат бўлган, кейинчалик эса 9 моддага туширилади. Унда ижтимоий-иқтисодий масалалар қаторида истиқлолчилик ҳаракати масаласи ҳам ўз аксини топган [4.110-111].²

Шундай фаолият билан банд бўлиб турган бир вақтда Анвар Пошо Туркистонга келади ва истиқлолчилик ҳаракати сафига қўшилади. Анвар Пошонинг “босмачилар”га қўшилиши ҳақидаги хабарни олиши ҳамано Валидий, “Туркистон Миллий Бирлиги” қўмитаси аъзолари билан унга ёрдам бериш мақсадида “босмачилар”га қўшилишга ҳамда Пошо Шарқий Бухорода тўпламоқчи бўлган конгрессга боришга қарор қилишади [4.136; 3.166-167].³ Бу қарорларни билдириш учун Анвар Пошога одам юборишади. Ўн кун ўтиб-ўтмай Самарқанд вилоят идорасида ишлаган ҳамкорлари орқали Пошонинг Шарқий Бухородаги “босмачилар” билан алоқа боғлаганлиги, лекин улар Пошони шубҳаланиб кутиб олганликлари тўғрисида хабар келади [5].⁴

“Хотиралар”да Валидийнинг истиқлолчилар билан бирга олиб борган курашлари, советлар томонидан кузатувга олиниши ва шу жараённинг етакчилари ҳисобланган кўрбошилар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Масалан, эсдаликларда Самарқанд атрофларида ҳаракат қилган кўрбошилар хусусида қуйидагиларни ўқишимиз мумкин:

1. Очилбек. Найман ўзбекларининг Қўштамғали деган жойида туғилиб ўсган. Ўттиз саккиз ёшда. Ниҳоятда жасур, ахлоқ-одобли, меҳр-оқибатли, аввалдан ўйлаб иш юритадиган, ҳалол бир инсон. Россия ва дунё сиёсати тўғрисидаги газеталарни ўқиб, фикр қилади. Даврон Очил деган ғайратли, ишнинг кўзини биладиган укаси ҳам ёнида. Самарқанд вилоятига ҳаёт бериб турган Зарафшон дарёсининг Мачай тоғларидаги тожиклар бошлиғи Асрорхон билан Ҳамидбек, Сангзор хавзаси ўзбекларидан Абдулҳамидбек исмли кишилар ҳам Очилбек ихтиёрида эди.

1 Аҳмад Закий Валидий. Бўлинганни бўри ер... –Б. 92-93, 137.

2 Аҳмад Закий Валидий. Бўлинганни бўри ер... –Б. 110-111.

3 Ўша асар. –Б. 136-137.

4 Ўша асар. –Б. 136-138.

2. Баҳромбек. Самарқанд ёнидаги Дехнав қишлоғидан, тожиклашган мўғул-барин уруғидан. Русчани ўқиб-ёзадиган даражада яхши билади. Очилбек билан бирга Бухоро амирининг амакиси Саид Акрам тўра ёнида Ғузорда бирмунча вақт хизмат этган.

Иккови ҳам гуруҳларини Туркистон Миллий бирлиги жамиятининг буйруғи билан ташкил қиладилар. Очилбекнинг 1500 одами бор эди. Ёнида Жамият вакили сифатида Самарқанд вилоятининг энг билимли зиёлиларидан бири, Жамият Марказий Қўмитаси аъзоси Қори Комил бўлди. Очилбек ёнида, шунингдек, Самарқанд вилояти қорақалпоқларидан Очил Тўқсоба ва Челак қасабаси уламоси наслидан Катта Махдум, Кичик Махдум деган обрўли кишилар юрди. Баҳромбекка Самарқанд ёнидаги Пастқишлоқдан Ҳамроқулбек исмли бир киши ёрдамчи бўлди. У ҳам Очилбек сингари ориятли, қахрамон, ўқимишли, Самарқанд жадиждларининг муаллимларидан бири Шокирийнинг ўқувчисидир.

3. Самарқанд вилояти ғарбида, Каттакўрғон теварагида Қорақулбек 500 кишилик қўшини билан Зарафшоннинг жануброғидаги тоғ ораларида ҳукмронлик қиларди. У қарлуқ уруғидан, Бухородан келган зиёлиларнинг кўпчилиги унга қўшилди.

4. Жом атрофида ҳаракат қилган Оқбошбек сарой қабиласидан эди, олдида юзга яқин одами бўлган. Йигит табиатли, ахлоқи комил бир зот.

5. Ургут тожикларидан Ҳожи Абдулқодир исмли киши ҳам бор эди. У рус тилини биларди. Советларга ҳам хизмат қилган, ўктам фикрли бир инсон. Ўртоғи муаллим Шакурий билан бирга Ургутда яширин тарзда бир гуруҳ тузди, у ердаги рус горнизонини босиб қуролларини тортиб олишгач, тоққа чиқиб кетдилар. Қадимги форсий ҳамда туркий адабиётни жуда яхши кўради. Лекин иккиладиган одати бўлганлиги учун кўп ҳам аскарининг қадрига етавермасди.

6. Жиззах атрофида жойлашган Очилбек гуруҳи ихтиёрида Ниёзбек ва Туроббек исмли икки зиёли бор эди. Улар Самарқандда русча ўрта маълумот олишган.

7. Туроббек. Эски ўзбек уруғларидан. 200 га яқин аскар бор эди. Самарқанд билан Фарғона орасидаги тоғлар унинг қўлида бўлди. Эронга чиққанида болшевиклар уни қўлга тушириб, Машҳаддан яширинча олиб чиқиб кетдилар, жуда узоқ азобланганларидан кейин Тошкентда қатл этишди.

8. Жиззахнинг Нурота томонларидаги тоғларда яшаган тожиклардан Ҳамроқул мулла ҳам иш олиб борди. У Қўйтош деган жойни макон тутди. Шеърият билан ҳам жуда қизиқувчи зиёли бир инсон эди. Ҳамроқул ихтиёрида Уксум яқинидаги тожиклардан Муҳаммад Яшар мулла, Оқтепа ўзбекларидан Қорақул мулла бор эди. Булар ўша томоннинг иззат-икромли одамлари эдилар. Қорақул мулла тарихдан яхши хабардор.

9. Самарқанд ва Фарғона ўртасидаги Ўратепа атрофидаги тоғлар Қолбўтабек деган бир кўрбошининг кўлида бўлди. 500 га яқин йигит бор эди. Ҳақиқий ботир, русга қарши бўлган бир ватанпарвар. Йигитлари ва яқинлари уни жуда яхши кўришарди. Ёнида Мустафокул деган жуда ақлли, тадбиркор, истиқболни кўриб иш қиладиган, дунё аҳволини тушунадиган ёрдамчиси бор эди, молиявий ишлар билан у шуғулланарди, чамаси юз уруғидан эди [4.150-153].¹

Хулоса қилиш мумкинки, Валидий ўз хотираларида истиқлолчилар ва уларнинг раҳбарлари “элни таловчи, босқинчи” эмасликларини, балки ўз Ватанига содиқ, фидойи, дунё аҳволдан воқиф кишилар эканликларини очик айтади [2; 5; 6].²

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Валидий Туркистондаги курашда бевосита иштирок этиб, Шарқий Бухорода ҳаракат қилган кўрбошиларнинг йириклари билан яқиндан таниш бўлган. Уларга ғоявий раҳнамолик қилиб, курашиш усулларини кўрсатиб берган.

Бундан ташқари Аҳмад Закий Валидий Фарғона водийсидаги истиқлолчиларга ҳам билвосита ёрдам беришга интиланган. Масалан, 1919 йил октябрда Мадаминбек, Катта Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон кўл остида Фарғона водийсида ҳаракат қиладиган 150 тача кўрбошилар дасталари марказлаштирилди. Бунинг ҳисобига Мадаминбек кўл остидаги йигитларнинг сони бу пайтга келиб 60000-70000 кишига етди. Мазкур 150 дан ортиқ кўрбошилар дасталарининг ҳар бирида собиқ подшо армияси офицерлари ва турк зобитларидан ташкил топган ҳарбий инструктор лавозими жорий қилинди. Кейинчалик уларнинг ўрнини Аҳмад Закий Валидий юборган кўплаб бошқирд офицерлари эгаллади [8.98].³

Яна бир мисол, Мадаминбек ва Шермуҳаммадбекнинг истиқлолчилик ҳаракатини мустақил давлат тузиш йўлига солишлари Бухоро ва Хивадаги истиқлолчилар томонидан кўллаб-қувватланса-да, лекин амалий ёрдам бўлмади. Шунда Аҳмад Закий Валидий Шермуҳаммадбекни сиёсий аҳволдан хабардор қилиб, унинг ҳаракатини большевиклар учун яна ҳам хавфлироқ поғонага кўтарилишини таъминлади. У Шермуҳаммадбек хузурига бошқирдистонлик Элдорхон Мутин деган

¹ Ўша асар. –Б. 150-153.

² Қ. Ражабов. Жаҳидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. // Жаҳидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. Даврий тўплам. 1999. №1. –Б. 186.; Аҳмад Закий Валидий. Бўлинганни бўри ер... –Б. 156.

³ Қ. Ражабов. Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши муҳолифат ҳукуматларининг фаолияти (1919-1922 йй.) // “Ўзбек давлатчилиги тарихи Фарғона водийси” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Фарғона, 2004. 94-б.

зиёлини жўнатади. Элдорхон Шермухаммадбекнинг кўшинида ҳарбий ишлардан сабоқ берди, кўрбошиларга рус тилини ўргатди [4.163].¹

Шунинг билан бирга у минтақада ҳаракат қилган кўрбошиларнинг шакл-шамойили, шахсияти, келиб чиқиши, тили, қизиқишлари, ҳаракат доираси, халқ орасидаги мавқеига ҳам баҳо берган. Лекин асардаги ушбу маълумотларни танқидий таҳлил қилиш, уларни бошқа манбалардаги маълумотлар билан солиштириш талаб этилади. Чунки эсдаликларда Валидийнинг шахсий фикр-мулоҳазалари берилган бўлиб, уларнинг айримлари Туркистонда юз берган воқеаларнинг асл моҳиятига тўғри келмайди. Бу маълумотлардан фойдаланишда шуни эътибордан четда қолдирмаслик даркор.

Демак, Валидий эсдаликларида Туркистон халқларининг совет режимига қарши кураш кураши ҳақидаги оригинал маълумотлар ўрин олган. Аммо улардаги айрим фактларни тўғри деб қабул қилиб бўлмайди. Масалан, Анвар Пошонинг Туркистонга келиши ва “босмачилар”га қўшилиб, болшевикларга қарши кураш бошлаши ҳақидаги маълумотларни асарнинг олдинги қисмларида келтирилган Анвар Пошо ҳақидаги фактлар қисман рад этади. Чунки бу фактик маълумотларда Анвар пошо гўёки советларнинг Туркистонга жўнатилган махфий агентию “босмачилар”ни болшевиклар томонига ўтиш учун тарғибот ишларини олиб бориши керак эди [3.167-168].² Кейинроқ эса Валидий Пошонинг Туркистондаги фаолияти умуман бошқа нарсага қаратилганлигини айтади [5].³ Демак, шу каби маълумотлардан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланмоқ даркор.

1920–1924 йилларда истиқлолчилик ҳаракати Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухоро Халқ Республикасидаги ҳаракатнинг Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада – ҳам монархия тузумига қарши, ҳам совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришларига тўғри келди.

Хоразм Халқ Республикасида қизил армияга қарши курашнинг тепасида Жунайидхон турди. У Хоразмда сиёсий ҳокимият учун кураш бошлаб, катта муваффақиятларга эришди. Қисқа муддатда Жунайидхон ўз кўшинини 20000 кишига етказди. Ўзбек ҳунармандлари ва деҳқонларидан ташкил топган дасталарга Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола ва бошқалар раҳбарлик қилган. Жунайидхон бошчилигидаги мужоҳидлар ҳужумга ўтиб, 1920 йил ёзида Кўҳна Урганч, Хўжайли, Илонли ва Тахтани қайта эгаллашди, кўплаб қизил аскарларни асирга олишди. Жунайидхон совет кўмондонлигига махсус мактуб юбориб, агар

¹ Аҳмад Закий Валидий. Бўлинганни бўри ер... –Б. 163.

² Аҳмад Закий Валидий. Бўлинганни бўри ер... –Б. 123.

³ Ўша асар. –Б. 162.

қўшинлар Хоразмдан олиб чиқиб кетилмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди. Бироқ совет қўмондонлиги Жунайидхоннинг ҳақли талабларини рад қилгач, у босқинчиларни отиб ташлашга буюрди. 1924 йилга келганда истиқлолчилар иқтисодий таназзул ва қашшоқлик, даҳшатли очлик, халқнинг оғир турмушини кўрмасликлари мумкин эмас эди. Тинимсиз давом этган етти йиллик курашдан Туркистон халқлари ҳам, кўрбоши ва уларнинг йигитлари ҳам жуда толиққан эдилар. Шунинг учун истиқлолчиларнинг кўпчилиги 1924 йил давомида қаршиликни тўхтатдилар.

Туркистондаги советларга қарши қуролли курашнинг энгилиб бориши Валидийнинг бу минтақадаги фаолиятини ҳам тугатишига сабаб бўлди. Қизил армиянинг жуда катта куч билан ўлкадаги истиқлолчилик ҳаракатини бостиришга уриниши, совет ҳокимиятининг турли йўллар билан халқни ўзи томонга оғдириб олиши ҳаракатнинг секин аста сусайиб боришини таъминлади. Шу сабабли Валидий энди Туркистондан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Закий Валидийнинг “Хотралар”и Ватанимиз тарихининг XX аср биринчи чорагидаги даврини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Унда келтирилган маълумотлар орқали юртимизда юз берган сиёсий ва ижтимоий жараёнларни янада кенгрок ўрганиш имконига эга бўламиз. Бундан ташқари Туркистон озодлиги учун курашлари тарихида энг шиддатлиси ҳисобланган совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихини ўрганишда, кўрбошилар ҳақидаги маълумотлар миқёсини яна ҳам кенгайтиришда Валидий эсдаликларидан фойдаланиш мумкин.

Манбалар ва адабиётлар

1. Аҳмад Заки Валидий. Хотиралар // Шарқ юлдузи. 1993. № 5-6. – Б. 125-138.
2. Аҳмад Заки Валидий. Хотиралар // Шарқ юлдузи. 1993. № 7-8. – Б. 164-178.
3. Аҳмад Заки Валидий. Хотиралар // Шарқ юлдузи. 1993. № 9. – Б. 151-171.
4. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: ХОТИРАЛАР// Бошқирд тилидан Ш. Турдиев тарж. Китобнинг айрим қисмларини Ш. Холмурод таржима қилган. Т., 1997. – 255 б.
5. Аяган Б. «Воспоминания» Заки Валиди Тогана как исторический источник источник // <https://e-history.kz/ru/publications>
6. Исхаков С. М. Ахмед-Заки Валидов: новейшая литература и факты его политической биографии// Вопросы истории. № 10. 2003. – С. 147-159.

7. Ражабов Қ. Жаидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. // Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. 1999. №1. – Б. 175-186.

8. Ражабов Қ. Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши муҳолифат ҳукуматларининг фаолияти (1919-1922 йиллар) // “Ўзбек давлатчилиги тарихи Фарғона водийси” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Фарғона, 2004. – Б. 97-102.

9. Фарғонани босмачилар қандай ҳолга туширдилар: Фарғонанинг бурунги ҳоли, Фарғонанинг ҳозирги ҳоли // Туркистон. 1923 йил 10 июнь.

“МУСТАЪРИБЛАР ЙИЛНОМАСИ” ВА МУСТАЪРИБЛАР (مستعرب) ТАРИХИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Исо ХУДАЙНАЗАРОВ

*ТДШУ Марказий Осиё халқлари тарихи
ва манбашунослиги кафедраси ўқитувчиси*

Мустаъриблар тарихининг муҳим манбаси 754 йилга оид “Мустаъриблар йилномаси”дир. Бугунги кунда Британия кутубхонасида 3 та қўлёзма нусхада сақланаётган йилнома муаллифи номаълум. Ушбу жаҳон тарихи йилномаси (араб тили аралашган ҳолда) лотин тилида битилган бўлиб, Араб халифалигининг Пиреней ярим оролини эгаллаши, Византия ва вестготлар тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Асарда милодий 610-754 йиллар орасидаги тарихий воқеалар тасвирланган. Асар муаллифи Толедо ва Кордобада яшаганлигини, мосараб (араб маданияти сингдирилган насроний) эканлигини айтиб ўтган. “Мустаъриблар йилномаси” 602-628 йиллардаги Эрон-Византия урушлари воқеаси билан бошланган¹. Асарнинг 9-бўлимидан муаллиф арабларнинг Пиреней ярим оролини босиб олиши воқеаларини батафсил тасвирлаган. Асарнинг энг эски нусхаси IX асрга оид бўлиб, бир қисми Британия кутубхонасининг Эгертон коллекциясида ва яна бир қисми Испания Қироллик академиясининг Мадриддаги кутубхонасида сақланмоқда. “Мустаъриблар йилномаси”нинг яна 2 та қўлёзма нусхаси XIII ва XIV асрларга оид бўлиб Париж кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг биринчи нашри 1615 йилда Испаниянинг Памплон шаҳрида амалга оширилган². Бизгача етиб келган “Мустаъриблар йилномаси”нинг бирортасида асар муаллифи ким эканлиги айтилмаган. Шундай бўлишига

¹ Wolk K.B. Conquerors and chronicles of early medieval Spain, Liverpool University Press, 1999. –P. 26-42

² Thomas D., Roggema B. Christian-Muslim Relations, Leiden: BRILL, 2009, Vol.-1, - P 302-304

карамасдан асарга кейинчалик ишлов берган, қўшимчалар киритган роҳиб Севильялик Исидорни муаллиф деб ҳисобловчилар ҳам топилади. Ўрта асрларга оид “Германия тарихи ёдгорликлари” тўпламида асар “Кордоба йилномаси” деб ҳам номланган. “Мустаъриблар йилномаси” 1980 йилда испан тарихчиси Лопес Перейра томонидан ўрганилиб, танқидий матни тайёрланиб нашр қилинган. Асарда “Мустаъриблар йилномаси” муаллифи ўзи ҳақида 742 йилга оид Андалусияда фуқаролар урушига доир асар битганини айтиб ўтган аммо, ушбу аср бизгача етиб келмаган.

“Мустаъриблар йилномаси” араб тили аралаш лотинчада ёзилгани учун ўрта аср европалик тарихчилар асар варвар ёзувида битилган деб ҳисоблаган. Йилномани ёзишда муаллиф ўз даврининг бизга номаълум кўплаб тарихий манбаларидан фойдаланган, бу жиҳат асарнинг тарихий қийматини белгилайди. Бундан ташқари, асар Пиреней ярим оролининг араблар томонидан эгалланиши ва Андалусия тарихини ёритишда энг асосий манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг 15 та бўлими алоҳида давлат ёки амирлик тарихига бағишлаган. “Мустаъриблар йилномаси”-нинг яна бир муҳим жиҳати унда бошқа асарларда учрамайдиган тарихий воқеаларнинг ёритилганидир. Хусусан, Андалусия тарихининг дастлабки 20 йили ва волийларнинг ерлик насронийлар билан олиб борган сиёсатининг батафсил ёзилганлиги бунга мисол бўлади. Асарда маврларнинг Франклар давлатига юришлари, араблар ва берберларнинг ярим оролни ўз таъсирига олиш учун кураши ҳамда 732 йил 10 октябрдаги Пуатье яқинидаги Умавийлар қўшинининг саркарда Адурахмон ибн Абдуллоҳ ва Франклар қўшинининг майордом Карл Мартелл билан жанги ҳам яхши ёритилган. “Мустаъриблар йилномаси” мустаъриблар, мувалладлар, тоифалар, мудехарлар, морисклар, ренегатлар умуман ўрта аср испан араблари ҳаёти, маданияти, илм-фани, архитектурасига оид ноёб манбадир¹.

Мустаъриблар – Пиреней ярим ороли ҳудудида 711-1492 йилларда ислом дини ва маданиятини қабул қилиб, араб тилида сўзлашган, араблашган Европа халқларидир. Европада уларни “мосараблар” (испанча *mozárabes*) яъни “араблар таъсирига тушганлар” деб аташади². Кейинчалик уларнинг сўзлашув тили араб ва испан тилларининг ўзаро қоришуви асосида “мосараб тили” деб номланди. Мустаъриблар эса ўз тилини “лотинча” деб ҳисоблашган. Фанда “мосараб маданияти ва санъати”, “мосараб архитектураси”, “мосараб урф-одати”, “мосараб йилномаси” кабилар айнан Испания ва Португалия арабларига тааллуқлидир. Мустаъриблар таркибида илк ўрта асрларнинг берберлар, вестготлар,

1 Циркин Ю.Б. Испанское продолжение // Античные и раннесредневековые источники по истории Испании. – СПб.: 2006, -С. 133-137

2 Ўша жойда

иберлар, кастилияликлар, яҳудийлар ва бошқа этник бирликлари бўлган. Мустаъриблар ичида испан насронийлари алоҳида “мувалладлар” (مولدون) деб аталган. Улар ўз маданияти ва роман тилини яхши сақлагани учун араблар томонидан шундай номланган. Берберлар, маврлар қора танли бўлиб, уларнинг европаликлар билан никоҳидан туғилган болалари ҳам мувалладлар (насллар) “мулатлар” деб аталиши ҳам шундан. Европа тарихчилари мувалладларни жизья солиғидан қочиб, номига ислом дини ва араб маданиятини қабул қилганлар деб ҳисоблашади.

Мудехарлар (مدجن) – мустаърибларга қайсидир маънода тескари қатлам бўлиб реконкиста (араблардан ҳудудини қайта эгаллаб олиш) даврида Пиреней оролида яшаган мусулмон аҳолидир. Дастлаб мудехарларга ўз ери, шариати ва исломни, урф-одатларини сақлаб қолишга рухсат беришди, сўнгра насронийлар уларни очикдан-очик қурол ишлатиб талай бошлаган. 1492 йилда Испаниядаги охириги амирлик Гранада тугатилгандан сўнг, мудехарлар насронийликка мажбурий киритила бошланган. Мудехарлар насроний динига мажбурий киритилгандан сўнг уларга алоҳида қатлам сифатида “морисклар” деб ном берилган. Исломдан воз кечишни истамаган мудехарлар эса тоғлар, аҳоли кам ҳудудларга жойлашиб, ўтиб қайтган карвон ва савдогарлардан бож ундира бошлаган. Бу тоифани испан тарихчилари “мағриб қароқчилари” деб номлаган. Шунга қарамасдан ўрта аср Испанияда мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилган, йирик шаҳарларда мусулмонларнинг алоҳида мавзеси бўлиб, улар “алхам” ёки “морерия” деб ҳам аталган.

Умавий амирларидан Валид ибн Абдулмалик ҳукмдорлиги (705-715) даврида Испания ва Португалия саркарда Торик ибн Зиёд томонидан фатҳ этилган ва бу икки давлат фатҳдан сўнг араб тилида битта ном билан “Андалусия” (الأندلس) деб атала бошланди. 713 йилда ярим оролнинг деярли барча қисми Араб халифалигига бўйсундирилган. Андалусия халифалиги таркибида Сарагоса амирлиги (إمارة سرقسطة), Бадахос амирлиги (إمارة بدخوس), Толедо амирлиги (إمارة طليطلة), Гранада амирлиги (مملكة غرناطة), Севилья амирлиги (إمارة إشبيلية), Кордоба амирлиги (إمارة قرطبة), Алмерия амирлиги (إمارة الميريا), Малага амирлиги (إمارة ملقة) каби амирликлар бўлган.

“Тарихи Табарий”да муаллиф халифа Усмон давридаёқ бир хулоса айтилган эди, унга кўра “Константинополни эгаллаш йўли Испания орқали ўтади, уни бўйсундирсангиз мукофоти ўртада тенг тақсимланади, Константинопол устидан ғалаба қозонилади.” деб маълумот берган. 678 йилда Араб халифалининг Константинополни эгаллашга уриниши натижа бермаганидан Пиренейга юриш бошланмаган, аксинча муҳим таомилга амал қилинган экан. Табарий халифа Усмон давридан 60 йил ўтиб Иберия бўйсундирилди деб маълумот берган ва хижрий 32 йилда

Иберия фатҳ этилган деган маълумотларни инкор этган. Аслида Пиреней ярим оролини босиб олиш 711 йил 27 апрелда ҳозирги Марокаш давлати ҳудудидаги Танжер амири Торик ибн Зиёднинг 9000 минг аскар билан Иберияга қилган юришидан бошланган. Орадан саккиз йил ўтиб, яъни 719 йилда араблар Франциянинг Тулузасигача кириб боришган.

711-1492 йилларда Пиреней оролининг арабларга тегишли ҳудудлари умумий ном билан Андалусия деб номланган бўлса, ушбу сўз ўзига “вандаллар” этник бирлиги номи турибди, иккинчи этимологик маънода “anda” (ўлка) “laus” (сиз) вестготларнинг “ерсиз, ўлкасиз” эканлиги ифодаланган. Андалусиянинг шимолий чегаралари Франциянинг тарихий вилояти “Септимания” гача чўзилган¹. Ҳатто, Фраксинет қалъаси, мусулмонлар уни “Жалал ал-Қилал” деб номлашган (جبل القلال) Прованс ва Испанияни бир-бирига боғловчи стратегик қалъа ҳам мустаъриблар назоратида бўлган. Андалусияда гўзал шаҳарлар, мухташам масжид ва қасрлар барпо этилган, ҳунармандчилик ривожланган. Андалусиядан йирик уламолар Имом Қуртубий, Ибн Арабий, Ибн Ҳазм, Ибн Рушд, Абу Ҳайён, Ибн Атияа каби олимлар етишиб чиққан². Андалусияда ўрта аср кўлэзма асарларнинг улкан ҳазиналари жамланган, илм-фан юксак даражада ривожланган эди. Бу ерда барпо этилган, ислом меъморчилигининг йирик мажмуалари саналган аз-Захро, Ал-Ҳамро каби мухташам ва фусункор қасрлар ҳалигача бетакрор ҳисобланади. Мустаърибларнинг энг йирик марказлари Толедо ва Кордобада жойлашган эди, улар алоҳида даҳаларда, шаҳарнинг энг қулай ва марказий жойларида яшашган. Секин-аста мусулмонлар назоратидаги ерларда насронийларнинг яшаши таъқиқланди ва улар ярим оролнинг шимолига кўчиб кетишди. Кордобада халифа саройида махсус насронийларни ҳимоя қилиш учун “дефенсор” лавозими жорий этилган. Кичик ҳудудларда мустаъриблардан сайланган қозилар суд ҳуқуқ тизимини юритарди, графлар иккинчи даражали қозилик ишлари билан шуғулланишган.

Умавийларнинг Кордобадаги амири Абдурахмон III 929 йилдан Андалусиядаги бошқа амирликларни ўзига бўйсундириб, Кордобани халифалик деб эълон қилган, Кордобада халифалик 1031 йилгача давом этган. Айнан 1031 йилдан “тоифа”лар (طوائف, طائفة) пайдо бўлди, яъни халифалик майда амирликларга бўлиниб кетди. Тоифалар бўлиниб кетган амирликлар бўлса, унинг араблашган халқи мустаъриблар бўлган, кўпчилик эса буни бир хил деб ҳисоблашади. Мосараб тили испан, каталон, португал тилларининг араб тилига аралашувидан ҳосил бўлган ўрта асрлар тили. Ушбу тил араб тили грамматикаси ва араб алфавитига

¹ Wolk K.B. Conquerors and chronicles of early medieval Spain, Liverpool University Press, 1999. –P. 26-42

² www.e-tarix.uz/maqolalar/1006-maqola.html

тўлиқ асосланган бўлсада, талаффузда роман тиллари хусусиятини сақлаб қолган эди. Масалан: Гарсия атоқли оти Ибн Харшя, Мартинес Ибн Марданиш, Фернандес Ибн Фаранда тарзида мосараб тилида ифодаланган. 1973 йилда испан филологларининг тадқиқотида кўра мосараб тилидаги 40% сўзлар араб тилидан олингани тасдиқланган.

Мустаъриблар Испания ва Португалияда бетакрор бўлган “мосараб архитектураси”ни яратдики, бу Европа меъморчилигида умуман янги бир йўналиш бўлди. Мосараб архитектурасининг муҳим жиҳатлари қурилиш услуби, гумбазлар, қаватлар тархининг фарқлилиги, арабларга хос безаклар, кошинларнинг мавжудлиги, ибер, коринф ва весготлар услубларининг қоришиб кетиши ҳисобланади¹. Мосараб архитектурасига оид муҳим тарихий мажмуалар қуйидагилар: Барселонада Сант-Кирзе де Педре ва Санта-Мария де Маркет, Малагада Месас де Виллаверде, Толедода Санта-Мария де Мелк, Вальядолида Сан-Себриан де Мазоте, Санта-Мария де Умба, Кастилияда Сан Мигел де Эскалада, Португалияда Луроса да Бейра. Бундан кўриниб турибдики, европаликлар реконкиста баҳонасида мосараб архитектурасига хос обидаларни умуман бошқа номларга ўзгартириб, тарихий мажмуани насроний динига хос безаклар билан безашга уринишган. Лекин, сўнги тадқиқотлар ушбу тарихий қадамжоларда замонавий безаклар остида асл мосараб архитектураси намуналари тўлиқ сақланганини кўрсатди. Бинонинг шифт қисми “muqarnas” услубида безатилиши Боғдоддаги меъморий мажмуалар билан бир хил эканлиги исботланган.

Мустаърибларда вестготларга оид кўплаб урф-одатлар ҳам сақланиб қолди. Хусусан, никоҳланаётган ёш мустаърибларнинг қўллари оқ иплар билан боғланар эди. Мустаърибларда никоҳлаш 4 босқичда яъни 1) бўлажак келин куёвнинг шанба куни уйини туз билан ювиб тозалаш ва дуолар ўқиш 2) якшанбада никоҳ ўқиш 3) дуолар ўқиб, совғалар бериш (ўрта асрларда икки узук) 4) келинни безантириш, байрамона дуони ўқиш билан амалга оширилган.

Мустаърибларга диний амалларни бажаришда, диний бағрикенгликда ҳам араблар енгилликлар берган, сабаби Толедода бир неча насроний черковларининг сақлаб қолиниши ҳам бунга далил. Сабаби ислом динидаги насронийларга муносабат ҳам муҳим роль ўйнаган. Насронийлар 1236 йили Қурдоба амирлигини, 1248 йили Севилья амирлигини босиб олиб, ислом маданиятига оид барча нарсаларни йўқ қилишга интиланган. Ислом маданияти обидалари яксон этилиб, китоблар ёқилди. Гранадада мусулмонлар ҳукмронлиги 1492 йилгача давом этди ва шундан кейин Андалусия батамом таназзулга юз тутган.

¹ www.hisour.com/ru/mozarabic-art-and-architecture-34174/

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Мустаъриблар йилномаси” мустаъриблар, мувалладлар, тоифалар, мудехарлар, морисклар, ренегатлар умуман ўрта аср испан араблари ҳаёти, маданияти, илм-фани, архитектураси ҳамда Сарагоса, Бадахос, Толедо, Гранада, Севилья, Кордоба, Алмерия ва Малага амирликлари тарихига оид ноёб манбадир. Мустаъриблар ва мудехарлар ўзларининг бой тарихи, маданияти билан араб цивилизациясининг Европа тамаддунига таъсири ва уни бойитишга хизмат қилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

- 1) Wolk K.B. Conquerors and chronicles of early medieval Spain, Liverpool University Press, 1999. –P. 205
- 2) Thomas D., Roggema B. Christian-Muslim Relations, Leiden: BRILL, 2009, Vol.-1, -P 304
- 3) Циркин Ю.Б. Испанское продолжение // Античные и ранне-средневековые источники по истории Испании. – СПб.: 2006, -С. 290
- 4) www.hisour.com/ru/mozarabic-art-and-architecture-34174/
- 5) www.e-tarix.uz/maqolalar/1006-maqola.html

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ “РАБИЪ УЛ-АБРОР” АСАРИНИНГ МУХТАСАР НУСХАЛАРИ

Лазиз Тўраев

ТДШУ таянч докторанти

Хоразм элидан илм йўлида беназир ижод этган алломалар кўплаб етишиб чиққан. Айниқса ўрта асрларда яшаган алломаларнинг дунёвий ва диний фан соҳаларида самарали ижод этганларини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу мутафаккирлар ўзларининг бебаҳо илмий асарлари билан дунё илмий меросини янада бойитган. Мана шундай илмий мерос соҳибби Маҳмуд Замахшарий ҳам Хоразм ўлкасидандир. Аллома тафсиршунослик, наҳвшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик, ахлоқшунослик ва жуғрофия каби фаннинг турли соҳаларига оид етмишга яқин асарлар ёзиб қодирган. Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари бугунги кунда дунёнинг турли фондларида, музейларида сақланиб келинмоқда.

Алломанинг илмий меросида ҳажми жиҳатдан катта ва кўп соҳаларни ўз ичига қамраб олган “Рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳори”) асарини ўз ўрнига эга бўлган қомусий асар дейиш мумкин. Бу асар қўлёзмасининг кўплаб нусхалари Туркия, Буюк Британия, Ироқ, Франция, Миср, Германия, Эрон, Нидерландия, Ҳиндистон каби мамлакатларда сақланади. Ушбу асарнинг Ўзбекистон нусхалари ҳам мавжуд. асар юқорида таъкидлаганимиздек, ҳажм жиҳатдан катта асар бўлиб, жами 98 бобдан иборатдир. Ҳажм жиҳатдан катталигини ҳамда

келтирилган ибораларни мураккаблигини инобатга олган баъзи олимлар ва таржимонлар мазкур асарни мухтасар ва содда ҳолга келтирганлар. Биз қуйида мазкур асарнинг мухтасар ҳолга келтирилган ва таржима қилинган бир нечта нусхалари тўғрисида маълумот берамиз.

Биринчиси. *روض الأختيار المنتخب من ربيع الأبرار* “Равзул ахёр ал-мунтахаб мин рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳоридан танлаб олинган энг яхши гулзорлар”). Мазкур асарни амасиялик Муҳиддин Муҳаммад ибн Хатийб ал-Қосим ал-Амасий (1460-1534) “Рабиъ ул-аброр” асарининг 98 бобидан энг сара 50 бобини танлаб мухтасар асар ҳолатига келтиради. Мазкур асар тўғрисида Хожи Халифа Котиб Чалабийнинг “Кашфу-з-зунун ʻан асомий ал-кутуб вал-фунун” китобида ҳам қисқа маълумотлар берилган.¹ Бу асар ҳижрий 921 йили ёзиб тугалланади ва Султон Салимхоннинг ўғли Султон Сулаймонга ҳадя сифатида тақдим этилади. Асар Муҳаммад ибн Пир Али (Ошиқ Чалабий) томонидан турк тилига таржима қилинган.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли фондларида кўплаб учрайди. Асарнинг қўлёзмалари ҳозирда Эронда Шўро ислом Кенгаши кутубхонасида 2 та қўлёзмаси 10-4363 ва IR5627 рақамларда, Саудия Арабистони қироллиги кутубхонасида 810-Ро рақамда, Буюк Британияда Гарвард университети Хаутон кутубхонасида 206-рақамда ва бошқа мамлакатларда ҳам кўплаб нусхаларда сақланмоқда.

Немис шарқшунос олими Карл Брокельманнинг (1868-1956) “Араб адабиёти тарихи” китобида ҳам “Рабиъ ул-аброр” асари билан биргаликда “Равзул ахёр” тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтади. Унинг қўлёзмалари нусхаларини Гота, Лейпциг, Париж, Британия музейларида сақланишини эслатиб ўтади.²

Германиянинг Лейпциг кутубхонасида 603-рақамда сақланаётган қўлёзмаси 184 варақдан (368 саҳифа) иборат. Котиб Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал Зариф томонидан насх хатида, 1569 йил сентябрь ойида кўчирилган. Қўлёзма ўлчами 18,5x11,5 см. Ҳар бир саҳифадан 15 қатордан матн жойлаштирилган. Мазкур қўлёзма *ما يتعلق العبادات* боби билан бошланиб, *بوبي الموت و الوصية و المصيبة وما يتصل بذلك من ذكر القبر* боби билан тугайди.

Мазкур нусханинг замонавий нашрлари Халаб шаҳрида 2003 йилда, Булоқ шаҳрида 1862-1864 йилларда ва Қоҳирада 1875 йилларда нашр қилинган.

Иккинчиси. *المختار من الربيع الأبرار* “Ал-мухтор мин рабиъ ул-аброр” (Яхшилар баҳоридан сараланганлар). Бу асарни Муҳаммад ибн Абду-л-Карим ал-Жазрий (Ибн Маммий) томонидан мухтасар ҳолга келтирилган. Тузувчи томонидан “Рабиъ ул-аброр” асарини 95 бобга

¹ Хожи Халифа Котиб Чалабий. “Кашфу-з-зунун ʻан асомий ал-кутуб вал-фунун”. Байрут: Дору ихёут-тиросил-арабий, 1941 йил. Ж-1. Б-916.

² Карл Брокельман. “Араб адабиёти тарихи”. – Лейдин, 1937. Б.512.

қисқартирилган. Мазкур қўлёзманинг бир нусхаси Дор ул китаб Мисрияда 1281 рақамда сақланади.

Учинчиси. المختار بانوار ربيع الابرار “Ал-мухтор бианвори рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳоридаги нурлар”). Асар тузувчиси Аҳмад бин Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Абдурахим ибн ал-Хасан ибн ал-Ажами ал-Шафиъ. 45 бобга қисқартирган. Бу қўлёзма ҳижрий 732 йил сафар ойида (милодий 1331) котиб Али ибн ан-Набий ал-Ҳанафий томонидан кўчирилган. Бу қўлёзма 197 varaқ (394 саҳифа)дан иборат. Ҳар бир саҳифада 19 қатордан матн жойлаштирилган. Ўлчови 20x14 см. Мазкур қўлёзма нусхаси бугунги кунда Берлин давлат университети кутубхонасида ислом қўлёзмалари фондида 568-инвентар рақамда сақланади. У тўғрисидаги маълумотлар Берлин Қироллик кутубхонаси араб қўлёзмалари каталогига 8354-рақамда қайд этилган.¹

Тўртинчиси. نسيم الربيع “Насийм ур-рабиъ” (Баҳор насими). Мазкур асарни Муҳаммад ибн Аҳмад Суфий Самарқандий ёзган. Бу асар Вазир Амир Салдгар шоҳ Шужага бағишланган. Бу асар Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” асарининг яна бир мухтасар ва форс тилига қилинган таржимасидир.

Асарнинг Суфий Самарқандийнинг ўзи ёзган (781/1379) қўлёзмаси бугунги кунда қадимги нусхаси бўлиб, Буюк Сулаймон кутубхонасида 902 рақамда сақланмоқда.

Асарнинг яна бир нусхаси Эрон ислом Республикаси парламенти мажлис кутубхонасида 1468-инвентар рақамларида сақланади. Мазкур қўлёзма 868/1463 йили кўчирилган. Ўлчами 17,5x11 см. Асар 181 varaқдан (362 саҳифа) иборат. Хати настаълиқда ва биринчи саҳифада 14 сатр, қолган саҳифаларда 19 сатрдан иборат матн жойлаштирилган. Асар 82 бобдан иборат бўлиб, биринчи боб ذكر الأوقات وذكر الدنيا والآخرة билан бошланиб, والإمارة والبيعة، والخلافة، والملك والسلطان, боби билан якунланади.

“Насийм ар-рабиъ” қўлёзмаси Ҳиндистон, Эрон, Туркия каби давлатларда турли фондларда сақланаётган қўлёзмалари ҳам мавжуд.

Бешинчиси. زهر الربيع Зуҳр ур-рабиъ (Баҳор гуллари) асари. Муаллифи Зайниддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Абу Бакр ар-Розий ал-Ҳанафий. У Райда туғилган ва ҳижрий 666 йилда Коняда вафот этган. Муаллиф бу асарни Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” асарини соддалаштирилган шаклда ёзган. Мазкур қўлёзма 748 йилда ёзилган. Котиб Али ибн Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ал-Шиблий ал-Ҳанафий томонидан насх хатида кўчирилган. Қўлёзма 141 varaқдан (282 саҳифа) иборат. Қўлёзмаси нусхаси бугунги кунда Қувайт университети кутубхонасида 3466 рақамда сақланмоқда.

¹ Берлин Қироллик кутубхонаси араб қўлёзмалари каталогига. 19 жилд. Б.338.

2000 йилда Байрутда қўлёзмани ёзувчи Ас-Саид Неъматуллоҳ ал-Жазоирӣ томонидан 665 саҳифадан иборат замонавий нашри чиқарилган.

Олтинчиси. الزهر المختار من ربيع الأبرار. Аз-зуҳр ал-мухтор мин рабиъ-ул-аброр. Тузувчи Муҳаммад ибн Халил Абу Ҳомид ал-Мақдиси ал-Шофиъ. Мазкур асар 97 бобни ўз ичига олиб, 223 варақдан (446 саҳифа) иборат. Қўлёзма тўғрисидаги маълумотлар Берлиндаги Қироллик кутубхонаси араб қўлёзмалари каталогида 8355-рақамда учрайди.

Еттинчиси. المنتخب من ربيع الأبرار “Ал-мунтахаб рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳридан сараланганлар”). Мазкур асар 94 бобдан иборат. Мазкур асар тузувчиси ноъмалум. Лекин асарнинг замонавий нашри мавжуд. Мазкур нашр Ясин Муҳаммад ал-Сувайс шарҳи остида 2004 йилда нашр қилинган. Жами 867 саҳифадан иборат.

Саккизинчиси. نفحات ازهار ربيع الأبرار “Нафаҳату азҳор рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳори гулларининг хушбуйликлари”) қўлёзмаси. Тузувчиси номаълум мазкур қўлёзма нусхаси бугунги кунда Ҳиндистонда Худабашш кутубхонасида 1851 сақланади.

Мазкур қисқартирилган, соддалаштирилган, версиялари ва уларнинг турк ва форс тилларига қилинган таржималари Маҳмуд Замахшарийнинг катта ҳажмли ва мураккаб тасниф этилган “Рабиъ ул-аброр” асаридаги мавзуларни очиб беришда, кейинги даврлар учун уларнинг аҳамияти тўғрисида маълумот бериш учун хизмат қиладиган манбалар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хожи Халифа Котиб Чалабий. “Кашфу-з-зунун ʻан асомий ал-кутуб вал-фунун”. Байрут: Дору ихёут-тиросил-арабий, 1941 йил. Ж-1.
2. Карл Брокельман. “Араб адабиёти тарихи”. – Лейдин, 1937.
3. Берлин Қироллик кутубхонаси араб қўлёзмалари каталоги.– Берлин, 1895. Ж-19.

АЛ ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАФАККУРИДА АҚЛ ВА ИДРОҚ МАСАЛАСИ БАЁНИ

А.Б. ҚОДИРОВА

ТерДУ Психология кафедраси катта ўқитувчиси

Руҳиятшунослик (психология) «кишиларнинг психик процессларини ўргатувчи фандир» дейиш етарли эмас бўлса керак. Бу фаннинг ўрганиш объекти мураккаб, ҳаракат доираси кенг. Ундаги муаммоларни ҳал этишда мавжуд билимларимиз талаб даражасида эмас. Хусусан, руҳиятшуносликнинг тасаввуфий асосларини ўрганиш бошқа фанларни билишни ҳам тақозо этади. Масалан, инсон руҳияти ҳақида билганларимиз билмаганларимиздан оз. Бу - диалектик жараён. Чунки инсон ақли,

билими чегараланган. Дунёни (илоҳий оламни ҳам) билиш, англаш илоҳий ақл (ақли кулл)да мавжуд. Бироқ бу, ақли жузъ суғро оламини (масалан, инсон руҳиятини) ва унинг кубро олами (илоҳий олам)га муносабатини ўрганолмайди, деган гап эмас. Катта оламнинг барча зарралари кичик оламда мавжуд экан, бу уни нисбий англашга имкон беради. Руҳий дунёни англашда ақли куллнинг моҳияти ҳақида профессор Иброҳим Ҳаққул қуйидаги ажойиб фикрни келтирган: Малаклар Аллоҳдан: «Ё раббимиз, аршдан ҳам буюкрок бирор нарса яратдингизми?» - дея сўрабдилар. Шунда парвардигори олам: «Ҳа, ақлни яратдим», - дебди. «Ақлнинг қийматига тенг нарса не-дур?» - деб сўраганларида, «Ҳайҳот! Ҳеч кимса буни билишга қодир бўлолмагай», - деган жавоб бўлган экан.¹ Ҳаким Термизий «Аллоҳ ақлдан устун ва шарафлироқ бирор махлуқ яратмагандир», - дея таъкидлаганларида, айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутганлар.

Инсон - инсон бўлибдики, ҳатто турли тазйиқларда, яхши ёки ёмон яшашига қарамай, билибми, билмайми, абадий ва ҳақиқий бахтни, нажотни Аллоҳ, самовот билан боғлиқ деб тушунган ва бундан ҳеч қачон воз кечмаган. Бунинг тагида инсон руҳи аслида самовий - Аллоҳ нурининг зарралари бўлиб, ерга туширилганлиги (нузули), охирида яна самовотга кўтарилиши (уружи), аслига - руҳи мутлаққа қайтиши ҳақидаги тасаввуфий ғоя ётади.² Зотан, Аллоҳ Қуръони каримда «Барчаси ўзимга қайтиб келади», - деди. Юқоридаги баёндан англашиладики, илоҳий оламни англаш инсонни ўрганишдан бошланади, ақли жузъ орқали ақли куллга яқинлашилади ва самовот сирларидан огоҳ бўлинади. Бироқ бу ҳаммага эмас, аввало, пайғамбару авлиёларга, ҳакиму донишмандларга, сўнгра, Аллоҳ назари тушган бахт соҳибларига насиб этади.

Ҳаким Термизий руҳни баъзи мутасаввифлар каби илоҳий ва дунёвий деб ажратмайди. Тўғри, олим кубро ва суғро оламни эътироф этади. Бироқ, бу - руҳларни самовий (илоҳий) ва дунёвий (заминий) деб ажратиш эмас; дунёвий руҳиятни инкор қилиш ҳам эмас. Ҳаким Термизийча, ўн саккиз минг оламнинг мавжудлиги - руҳи мутлақ зарраларининг узвий давоми, мавжи, тарқалиши, ёйилиши, тажаллидир. Демак, суғро оламининг қувват манбаи аввал руҳи мутлақ, сўнг унинг зарралари намоён бўлган мавжудот, яъни касрат оламидир. Руҳи мутлақнинг кучқудрати мавжудотда ҳар хил зухур этган. Шу сабаб руҳан кучсиз жисм, чунончи инсон ҳам кучли руҳлардан қувват олиб яшайди. Аниқроғи, инсон руҳи мутлақдан, фариштаи малоиклардан, сўнгра, набию авлиёлар каби комил инсонлар руҳидан, Аллоҳнинг жамоли аксланган барчамавжудотлар: ҳаво, сув, самовий жисмлар, табиат ва инсон

1 И.Ҳаққул. Ақли кулл. "Тафаккур" журнали, 1997,1-сон,42-б.

2 Н.Комилов. "Тафаккур" журнали, 2-мақола. 1998, 2-сон, 60-67-б.

гўзалликларидан қувват олади. Руҳий қувватдан узилган инсонда тушкунлик ёки залолат юз беради, тириклиги сўна бошлайди, руҳи жисмини тарк этади.

Ҳаким Термизий руҳни тарбиялаш, уни бошқариш, камолот даражасига етказиш ва ҳақни танишда инсон ақлининг кучи, ирода-ю эътиқоди, ният-мақсади, имону ишончининг қувват даражасига боғлиқлигини уқтиради ва қуйидаги ибратли бир ҳикоят билан ўз фикрини тасдиқлайди: Нақл бўлибдурким, Ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликка мабъус (танланган) бўлғонида, Ямавда бир подшоҳ бор эрдиким, номини Муҳаммад дер эрдилар. Подшоҳ ўзича айтди: «Бориб ани (расулуллоҳни) имтиҳон қилай. Шу мақсад билан Маккаи мукаррамага яқин келганида, шоҳлик либосларини ечиб, эски ва йиртиқ либосларини кийди. Ўзини девоналар каби тутдию, ҳазрат рисолатпаноҳнинг масжидига келди. Пайғамбар алайҳиссалом анга шунчалик лутфу марҳамат қилсалар ҳам, у девоналар каби ҳаракат қилиб, ёмон сўзларни айтар эди. Бироқ кўрдиким, ёмон айтмоқ ила муваффақият топмаётир. Ҳаттоки, масжидда бавлу ғойит (ҳожат қилмоқ) қилди. Асҳоби розиёллоҳу анҳум (саҳобалар) ғазабландилар. Пайғамбар (с.а.в.) айтдиларким, эй ёронлар, ернинг бир парчасини қазиб, яна кўммоқ осондир. Аммо девонанинг кўнглини ранжитмоқ мушкулдир. Бу раво эмасдур. Девона кўрдиким, расулуллоҳнинг хотири ҳаргиз ранжимайдур. Мустафолик хотирига соҳибдир. Билдиким, шубҳасиз Муҳаммад пайғамбардур. Андин сўнг айтди: Эй Муҳаммад алайҳиссалоту васаллам, сен айтурсенки, мен охир замон пайғамбариман. Қайси бир киши ким сенга, сенинг рисолатингга (пайғамбарлигангга) ва худойи таолонинг ваҳдониятига, ягоналигига имон келтирса, маъруф (оқилона иш) бўлур. Бунинг мукофоти нимада эркан?

Расулуллоҳ айтдилар: Худойи таоло Қуръони масжидда беҳишт ваъдасини берибдур, иймон келтирғонларга.

«Қавлаҳу таоло: «Узлифат-ил жанната лил муттақийн», яъни Аллоҳ айтибдур: «Парҳезкор (художўй)ларга жаннат яқин Қилингай». Ул девона айтдиким: Беҳиштда не бор? Расулуллоҳ жавоб бердилар: Ҳурлару қасрлар, уйлару тахтлар, ҳарир либослару турли неъматлар мавжуддирким, буларни ҳеч бир кўз кўрмаган ва ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган. Девона айтди: Ё расулуллоҳ, мен Яман мулкининг подшоҳиман ва исмим Муҳаммаддур. Беҳиштдага айтган нарсаларинг менга керак эмас. Расулуллоҳ айтдилар: Унда йўлақда дўзах турибдур. Кимки ҳақ таоло фармонидин бош тортса, ҳамиша дўзахда бўлгай. Дўзахийларга эрса азоб - турли ва абадийдур. Подшоҳ айтди: Агар Аллоҳ ўз дийдорини мен учун арзон қилишига кафолат ерсанг, иймон келтиргаймен. Пайғамбар

саллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: Қайси бир кишиким пок ният ва ихлос ила имон келтирса, мен анинг дийдориға зомин (кафолат) мен.

Яман подшоҳи айтди: Менга ислом арз қилғил. Пайғамбар (с.а.в.) арз қилдиким: «Ла илаҳа иллаллоху Муҳаммадун расулуллоҳи» дегил. Подшоҳ таййиба калимасини такрор айтгандан кейин ўрнидан турди ва бориб ғусл қилиб келди. Сўнг икки рақъат намоз адо қилди ва бошини ерга қўйиб айтди: Худое, чун сенинг пайғамбарингдин дийдоринг зоминлигини эшитдим, бошқа бу ўткинчи саройда яшашни хоҳламасмен. Дарҳол жонини ҳаққа таслим этди. Ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоху алайҳи васаллам саҳобалар бирла анга кафан кийдириб, жанозасини ўқидилар ва дафн этдилар. Барча саҳобалар ҳозир эрдилар. Пайғамбар алайҳиссалом табассум қилдилар. Саҳобалар сўрадилар: Ё расулаллох, табассумингиз боиси недур? Пайғамбар (с.а.в.) жавоб бердиларким: Девонани дафн этганимиздан сўнг хурлар келишди: алар икки нафар бўлиб, ҳар икковининг қўлида тоза шароб бор эрдиким, ани жаннат ул-аднодин келтирғон эрдилар. Подшоҳга айтдиларким, шароф ичгил ва биз билан жаннатга юргил. Подшоҳ алардин юзини ўгирди. Ғайбдин қўл пайдо бўлиб, ани бир четга олди ва айтди: «Ҳимматинг баланд эканким, менинг дийдорим умидида ҳеч нарсага рози бўлмадинг» (1999, 23 февраль).

Таъкидлаш керакки, “кофир подшоҳнинг иймонга киришида, подшоҳлик тахту бахтдан воз кечиб, ўлимга рози бўлишида, абадий саодатга эришишида пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг мададлари ва ҳақ таолонинг васли қувват бўлган”, деб таъкидлаганлар Ал Ҳаким ат-Термизий ўзининг асарларида.

IBN AL-ASIRNING “AL-KOMIL FI-T-TARIX” ASARI TARIXSHUNOSLIGI VA MANBAVIY ASOSLARI

K.SH. QAYUMOVA

*O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi
Tarix instituti kichik ilmiy hodimi*

Ona yurt tarixini to‘laqonli, xolis va haqqoniy yoritish masalasi Markaziy Osiyo mintaqasiga taalluqli turli tillardagi manbalarni chuqur o‘rganishni dolzarb qilib qo‘ymoqda. Ular orasida Markaziy Osiyo tarixiga doir muhim ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan Ibn al-Asirning “Al-Komil fi-t-ta’rix” asari alohida o‘rin tutadi.

Ibn al-Asirning “Al-Komil fi-t-tarix” asari turli tadqiqotchilar tomonidan turlicha o‘rganilgan. Ushbu asarning to‘la tanqidiy matni shved sharqshunosi S.Tornberg tomonidan nashr qilingan¹. Bundan tashqari asar bir necha bor arab

¹ Торнберг С. наشري: Ibn el-athiri Chronicon quod perfectissimum incipitur / Ed. By C.J.Tornberg. 14 vols. – Upsalie et lugdumi Batavorum, 1851-1876.

nashriyotlarida ham chop qilingan. Masalan, 1873 va 1884-1886-yilari 2 marta Misrda, 1965 yilda Bayrutda. So‘ngginashr 1987-yilda Bayrutda amalga oshirilgan¹. Asar to‘laligicha 1901-1907 yillari Xiva xoni Muhammad Rahimxon II (1865-1910) buyrug‘i bilan bir guruh tarjimonlartomonidan eski o‘zbek tiliga tarjima qilindi. Bu tarjimalarning asli hamda bir necha nusxalari Toshkent davlat sharqshunoslik instituti huzuridagi Abu Rayhon Beruniy nomidagi sharq qo‘lyozmalari markazi fondida saqlanmoqda (Inv: № 824-25, 6679, 6801-2, 7290-1, 7293-4, 7423-25, 7292, 9720²).

V.V.Bartold Ibn al-Asirning asariga yuqori baho bergan holda ta’kidlab o‘tadiki, u vijdonan va o‘z davrida uchun kamyob hisoblangan tanqidiy fakt bilan o‘z asari uchun hamma yerdan ko‘p ma’lumot to‘plagan. Bir-biriga qarama-qarshi ikki manbadan to‘g‘risini tanlashda qiyinchilikka to‘g‘ri kelgan holatlarda Ibn al-Asir ikkita hikoyani ham keltiradi. Ibn al-Asir faqatgina siyosiy voqealar tarixini yoritish bilangina chegaralanib qolmay, balki Sharq xalqlari madaniyati tarixi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ham keltirib o‘tadi. Bundan tashqari, Ibn al-Asir bizga turli davrlardagi hukmron g‘oya va intilishlar, tarixiy shaxslar va adabiyot namoyandalarining asl xarakterlari haqida yetarlicha tushuncha beradi³.

Arabshunos A.R.Gibbning ta’biriga ko‘ra, bu asarning qimmatini “Hozirgi vaqtda yo‘qolib ketgan asarlarning ayrim qismlarini to‘plaganligidanda iborat bo‘lmay, balki ko‘pchilik musulmon tarixchilari tutgan yo‘ldan farqli o‘laroq materiallarning tanqidiy tanlanganligidadir”⁴.

Asarda ko‘pgina qimmatli manbalar, xususan Tabariy hamda as-Salomiyning bizgacha etib kelmagan “Kitob fi axbor vuloti Xuroson” (“Xuroson hukmdorlari haqida axborot beruvchi kitob”) kabi qimmatli asarlardan keng foydalangan.

“Al-Komil fi-t-tarix”ning birinchi qismi (I-IV jildlari) olamning “yaratilishi”dan to 931 yilgacha bo‘lib o‘tgan voqealar bayonidan iborat. Bular avval bo‘lib o‘tgan olimlar Balazuriy, Tabariy, Ibn Miskavayx, as-Sulamiy va boshqalarning asarlariga tayanib yozilgan. Lekin bu qismda ham ko‘p hollarda asosiy manbalarda uchramaydigan muhim va qimmatli ma’lumotlar bor.

Masalan, 751-yili Talas daryosi bo‘yida arab va Movarounnahr qo‘shinlari bilan Xitoy armiyasi o‘rtasida bo‘lib o‘tgan jang va unda ko‘p minglik Xitoy qo‘shinining tor-mor etilishi haqidagi ma’lumot shular jumlasidandir.

1 ابن الأثير. الكامل في التاريخ. – بيروت – لبنان. 1987م. – 10 خ.

2 Собрание восточных рукописей АН Республики Узбекистана. История/ составители. Д.Ю.Юсупова, Р.П. Джамилова. – Т.: Фан, 1998. Т. XIII. – С. 26-30.

3 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. в 9 томах. Т.1. – М., 1963. –С. 46.

4 Ҳамидова С. Ибн ал-Асир ва унинг Тарих ал-Комил асари // Фан ва турмуш. –Т., № 7, 1985. –В.14.

Undan tashqari, as-Sallomiy va uning muhim tarixiy asari haqida ma'lumot Ibn al-Asir tufayligina bizgacha etib kelgan.

Ibn al-Asirning asari uning alohida qismlarini tarjima va tadqiq qilgan tadqiqotchi sharqshunoslarning e'tiborini avvaldan jalb etib kelgan. Hali XIX asr oxiri XX asr boshlaridayoq Rossiyada Ibn al-Asir asarining alohida qismlari¹, shuningdek, mo'g'ullar bosqini tarixining V.G.Tizengauzen tarjima qilgan qismlari chop etilgan edi. Jazoir olimi Y.Fagnan Ibn al-Asir asarining mag'rib va Ispaniya tarixiga oid qismlarini fransuz tilidagi ilmiy-izohili tarjimasini amalga oshirdi². 1904-yilda daniyalik olim I.Oystrap Ibn al-Asir asarining mo'g'ullargacha va mo'g'ullar davrni o'z ichiga olgan qismlarini tadqiq etdi³. 1322/1904-1905-yilda turk olimi Sharaf ad-din tomonidan Ibn al-Asirning oilasi va uning ilmiy izlanishlari to'g'risidagi tadqiqot nashr etildi⁴. Ibn al-Asir asarining at-Tabariy tarixiy asari bilan bog'liqlik tomonlari nemis olimi K.Brokkelman tomonidan tadqid etildis.

1939-yilda rus sharqshunoslari I.N.Lemanov va S.Volin Ibnal-Asir asarining turkmanlar va Turkmaniston tarixiga oid qismlarini rus tiliga tarjima qildilar. 1940-yilda P.Juze asarning Ozarbijon tarixiga oid qismlarining ruscha tarjimasini nashr ettirdi. 1973-yilda K.B.Starkova qirg'izlar va Qirg'iziston tarixiga doir qismlarni ruschaga tarjima qildi. Ibn al-Asir tarixiy ma'lumotlarining manbalari haqida O.B.Frolova ilmiy izlanish olib bordi. 1982-yilda ingliz olimi D.S.Richards Ibn al-Asir asarining so'nggi qismlarining manbalari va metodologiyasini tadqiq qildi⁶. 1986-yilda A.Yo'ldashev Ibn al-Asir asaridagi Tojikistonning Xo'jand shahri tarixiga oid qismlarini rus tilida chop ettirdi. 1988-yilda B.Vahobova Ibn al-Asir asarining Abu Muslim hukumronligi davri voqealarini o'z ichiga olgan qismining ruscha tarjimasini nashr ettirdi. Bir qancha vaqt oldin Ibn al-Asir asaridagi O'rta Osiyoning turkiy xalqlari etnik tarixiga doir qismlari o'zbek tiliga tarjima qilinib, nashr ettirildi.

Shu jihatdan, Ibn al-Asirning ushbu tarixiy asari ko'pgina olimlar e'tiborini o'ziga jalb etib, uning alohida mintaqalar tarixi yoki muayyan

¹Медников Н.А. Палестина от завоевания ее арабами до крестовых походов по арабским источникам. Т. 1-4 // Православный Палестинский сборник. Т. 17. Вып.2. СПб, 1897-1903; Крымский А.Е. История арабов и арабской литературы.— М., 1911-1913. — С.1-3.

² Ibn al- Athir. *Annals du Maghreb et de L'Espagne*. Trad.et annote par E. Fagnan. *Revue Africaine*. XI.XLI. — Alger, 1901.

³ Oestrup I. *Arabiske Kroniker til Korstogenes Periode 1098-1293 oversatte efter Ibn al-Athir eg. Abu Shama*. — Kopenhagen.1904.

⁴ Seref ed-din. *Ibn Atirler*. — Stambul.1322/1904-05.

⁵Бартольд В.В. Туркестанвэпохумонгольскогонашествия. Соч. Т.1. — М., 1963. — С. 46.

⁶ Richards D.S. *Ibn al-Athir and the Later Parts of the Kamil: A Study of Aims and Methods*. In: *Medieval Historical Writing in the Christian and Islamic World*. — London,1982, hh. 76-108.

xronologik davrga taaluqli bo‘lgan bir qancha qismlari bu olimlar tomonidan tarjima qilindi va tadqiq etildi. Har bir tadqiqotchi uning asaridan u yoki bu muayyan muammoni o‘rganishda foydalangan hamda ushbu asarning o‘zini qiziqtirgan qismlariga murojat etgan. Amalga oshirilgan barcha tadqiqotlar va tarjimalar turli davrda turli tillarda, turli nashrlarda chop etidi. Bu nashr etilgan tarjimalarda tez-tez Ibn al-Asir asari matnining asl mohiyatidan uzoqlashgan xato va noaniqliklarga ham yo‘l qo‘yilgan. Shuning uchun hozirgi davrda Ibn al-Asir asarining Sharq xalqlari, jumladan, O‘rta Osiyo tarixiga taaluqli bo‘lgan asardagi barcha ma’lumotlarning chuqur tadqiqiy va ilmiy-izohli tarjimasini amalga oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Asarning turli qismlari bir necha tillarga tarjima qilingan. Markaziy Osiyo tirixiga bag‘ishlangan qismlari P.G.Bulgakov tomonidan rus tiliga tarjima qilinib, Sh.S.Kamoliddin tomonidan to‘ldirilgan holda nashr qilingan ¹. Tarjimadagi ilmiy izohlarning asosiy qismini mashhur arabshunos va sharqshunos, professor P.G. Bulgakov amalga oshirgan. Bu ishga Ibn al-Asir asari parchalarining boshqa tadqiqotchilar tomonidan nashr ettirilgan alohida qismlarining tarjimalari ham kiritilgan. Ular bilan ishlashda P.G.Bulgakov Ibn al-Asir asarining asl matni bilan qayta solishtirib, keyin esa alohida tuzatishlar bilan, ularni har birining boshi va ohirini belgilagan holda mazkur tarjimaga kiritgan.

P.G.Bulgakov tomonidan qilingan tarjima Ibn al-Asir asarining O‘rta Osiyo tarixiga oid deyarli barcha qismlarini o‘z ichiga oladi. Ammo, u o‘z tarjimasini oxiriga yetkazishga ulgurmas va uning tadqiqoti hijriy 624/ milodiy-1226-1227 yilda bo‘lib o‘tgan voqealar yoritilgan bo‘limga kelib to‘xtab qoldi. Asarning hijriy 133 /milodiy 750-751-yildan hijriy 625-628/ milodiy 1227-1231-yilgacha bo‘lib o‘tgan voqealarni o‘z ichiga olgan. Qolgan qismlarini shogirdi Sh.S.Kamoliddin tomonidan tarjima qilinib, shu bilan birga, u ishdagi P.G.Bulgakovning izohlariga mustaqil hamda o‘z ustozining ko‘rsatmalarini saqlagan holda qo‘shimchalar kiritdi. U tomonidan, shuningdek, butun asardagi nomlar, geografik va boshqa ko‘rsatkichlar kiritildi.

Sh.S.Kamoliddin o‘z ishida 1883-1885-yilda nashr etilgan Misr nashriga asoslangan. Oldingi tadqiqotchilar tarjimalari, xususan, S.Tornbergning tanqidiy nashrlari yoritilgan². Asarning qolgan qismlari tarjimasida P.G.Bulgakov tomonidan foydalanilgan Misr nashri hamda S.Tornberg nashri va Ibn al-Asir asari tanqidiy matnining Bayrut nashriga asoslandi.

Ibn al-Asirning asari ko‘pgina yozma yodgorliklarga asoslangan bo‘lib, o‘z davridagi arab-musulmon manbalarida mavjud barcha tarixiy ma’lumotlar to‘plami hisoblanadi. Dastlabki yettita tomda keltirilgan islomgacha bo‘lgan

¹Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Пер. П.Г. Булгакова. – Т.,2006. –С.360.

² Abu-l-Hasan Ali ibn Muhammad Ibn al Asir ash-Shayboni al-ma’ruf bi Ibn al-Asir al-Jazari a-Imulakkab bin Izz ad-din.Al-Kamil fi-t-tarix. Sayid Muhammad Rahimxon nashri. 12 tomlik. –Al-Qahira: “Bulak”,1883-1885.

va islomning dastlabki uch asrini o'z ichiga olgan tarixni yoritishda Ibn al-Asir uchun asosiy manba Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir at-Tabarining (vafoti hijriy 310/ milodiy 923) hijriy 302-yilgacha bo'lgan tarixni o'z ichiga olgan "Ta'rix ar-rusul va-l-muluk" ("Payg'ambarlar va podsholar tarixi") asari bo'lgani.

Ibn al-Asir tizimli tarzda foydalangan manbalar sirasiga shuningdek, Bag'dodlik mashhur tarixchi Ahmad ibn Yahyo ibn Jabir al-Balazuri (vafoti 279/892) qalamiga mansub va bizgacha yetib kelgan hamda 1959 yilda Misrda nashr etilgan "Ansob al-ashraf" asarini kiritish mumkin

Ibn al-Asir uchun Xuroson va Movarounnahrning VII asr ikkinchi yarmidan X asr o'rtalarigacha bo'lgan tarixini yozishdagi asosiy manba o'rta osiyolik tarixchi Abu-l-Husayn 'Ali ibn Ahmad as-Sallamiyning "Ta'rix fi axbor vulat Xuroson" ("Xuroson hukmdorlari tarixi") asari bo'lib, u mashhur somoniy hukmdor Abu Bakr Chag'oniy va uning o'g'li Abu 'Alining yaqin kishilaridan bo'lgan bo'lib, o'z asarini o'limi so'ngigacha 344/955 yilgacha yetkazgan. Ibn al-Asirdan tashqari as-Sallamiyning asarini boshqalar, jumladan, Abu Sa'id Gardizi (vafoti 440/1049), Ibn Makul sifatida mashhur bo'lgan Abu Nasr Ali ibn Hibat Alloh (vafoti 486/1093), 'Avfi (vafoti 625/1228 atrofida), Ibn Xalliqon (vafoti 681/1282) va Abu Hafs 'Umar ibn Muhammad an-Nasafiy (vafoti 537/1142) o'z asarlarida foydalanganlar.

Safforiylar tarixini yoritish uchun Ibn al-Asir as-Sallamiydan tashqari, Abu Abd Alloh Muhammad ibn al-Azhar al-Axboriyning (vafoti 325/936-37 atrofida) bizgacha yetib kelmagan tarixiy asaridan foydalangan bo'lib, undan shuningdek, Ibn Xalliqon ham foydalangan. Ibn al-Asir asarining qolgan manbalari muallif izohining yo'qligi sababli hozircha noma'lum bo'lib kelmoqda.

Ibn al-Asir asarining asosiy muhim tomoni shundaki, u X asrdan boshlanib muallif tomonidan 628/1230-31 yilgacha yozilgan tarixiy voqealarni o'rganishda namoyon bo'ladi. Ushbu qismda uning tomonidan at-Tabariy² tarixining ko'p sonli davomiyliklari hamda bir qator regional xronikalar keltiriladi.

Mo'g'ul istilosi davrini yoritishda Ibn al-Asirning asari dastlabki manba hisoblanadi, chunki muallif o'sha vaqtda bo'lib o'tgan voqealarning bevosita guvohi va zamondoshi bo'lgan. Ibn al-Asirdan tashqari, mo'g'ullar istilosi bilan bog'liq bo'lgan voqealar bayoni unga zamondosh faqatgina ikkita arabiyzabon mualliflar—"Xorazmshoh Jalol ad-din Manguberdining hayoti" asarini yozgan Shihob ad-din Muhammad ibn Ahmad an-Nasafiy (vafoti 647/1249) hamda mashhur "Nosir jadvallari"ni yozgan Minhoj ad-din Abu 'Umar 'Usman ibn Muhammad al-Juzjoni (vafoti 658/1260 dan keyin) ning

¹Shu joyda.

²Беляев В.И. Арабские источники по истории туркмен и Туркмении // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т.1. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. – М., 1939. –С.37-38.

asarlarida yoritilgan. Bu ma'lumot o'z-o'zidan islom mamlakatlari, shu jumladan O'rta Osiyoning mo'g'ullar istilosidagi tarixini yoritishda Ibn al-Asir xronikasi ahamiyatini ko'rsatib beradi.

Ibn al-Asir o'z asarida og'zaki tarzda ma'lumot olgan manbalarni ham aytib o'tadi. Bunday ma'lumot beruvchilar sifatida u mo'g'ullar bosqini davrida Buxoroda bo'lgan qonunshunosni eslatib o'tadi. Bosqinchilar uni Samarqandga olib kelganda, u ulardan qochib Bag'dodga keladi. Ibn al-Asirning ushbu voqealar to'g'risidagi ma'lumot beruvchilari shuningdek, xorazmlik savdogarlar bo'lishgan¹. Ibn al-Asirning boshqa bir ma'lumot beruvchisi esa mo'g'ullardan qochgan Xorazm qo'shinlarining jabrdiydasi bo'lgan Daquq kishisi bo'lgan². Yana biri esa Mosul harbiysi bo'lib, u xorazmshoh 'Ala' ad-din Muhammad ibn Takash amirlaridan biri bo'lgan Abu Bakr Toj ad-din xizmatida bo'lgan³. Shuningdek, Ibn al-Asirning ma'lumot beruvchilari sirasiga Madinadagi "payg'ambar uyi"ning xizmatkorlaridan bo'lgan, Xurosondan qaytgach, xorazmshoh 'Ala' ad-din Muhammad ibn Takash bilan uning xitoylarga qarshi yurishidan oldin xorazmshoh saroyida bo'lib o'tgan uchrashuv haqida Ibn al-Asirga so'zlab bergan kishi ham bo'lgan⁴.

Voqea joyi haqidagi turli versiyalarni berishda Ibn al-Asir at-Tabariydan farqli ravishda tanqidiy yondashuvdan foydalanadi, va, "Alloh o'zi bilguvchidir" iborasidan qochib, u yoki bu versiyaga o'zining nuqtai nazarini isbotlashga harakat qiladi. Misol uchun, Buxoroning mo'g'ullar tomonidan bosib olinishi tafsiloti haqida Ibn al-Asir ikkita versiyani keltiradi, ammo uning o'zi nisbatan ishonchliroq deb hisoblagan ikkinchi versiyani ta'kidlab o'tadi⁵.

Shu jihatdan, Ibn al-Asirning asari, garchi X asr o'rtalarida bo'lib o'tgan voqealarni yoritishdagi kompilyativ xarakteriga qaramasdan, o'zida umumiy va alohida muammolarni o'rganishdagi mustaqil ahamiyatini saqlab qoladi. X asr ikkinchi yarmidan XII asr o'rtalarigacha bo'lgan davrda bo'lib o'tgan voqealar aks etgan asarning ikkinchi qismida, Ibn al-Asir nisbatan kamroq ma'lum bo'lgan, qisman noma'lum va bizgacha asarlarda yetib kelmagan ma'lumotlardan foydalangan. XII asr ikkinchi yarmidan XIII asr o'rtalarigacha bo'lgan voqeliklarni o'z ichiga olgan asarning ushbu qismi dastlabki manba hisoblanib, unda keltirilgan ma'lumotlar original xarakter kasb etadi.

Foydalangan manba va adabiyotlar:

1. ابن الاثير. تاريخ كامل. Eski o'zbek alifbosida, tarjimonlar guruhi 1901-1907 yillar. Xorazm. In: 824-825. 1389 b.

2. ابن الاثير. الكامل في التاريخ. - بيروت - لبنان. 1987م.

1. ابن الاثير. تاريخ كامل, T. 12. - C. 170.

2. Shu asar. -B.139.

3. Shu asar. -B.139.

4. Shu asar. -B.171.

5. Shu asar. -B.170.

3. Richards D.S. Ibn al-Athir and the Later Parts of the *Kamil*: A Study of Aims and Methods. In: Medieval Historical Writing in the Christian and Islamic World. London, 1982, pp. 76-108.

4. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Лекция № VII. Сочинения. В 9 т. Т. 5. – М.: “Наука”, 1968. – 757 с.

5. Фролова О.Б. Источник летописи Ибн ал-Асира (XII в.) в разделах, посвященных истории народов СССР / Автореферат дисс. канд. филолог. наук. – Л.: “ЛГУ”, 1954. – 124 с.

6. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Тарих / Пер. П.Г.Булгакова. – Т., 2006. – 360 с.

7. Ибн ал-Асир. “Ал-Камил фи-т-тарих” (перевод со старо-узбекского Б. Ахмедова) // Материалы по истории тюркских народов Центральной Азии. – Т.: “Фан”, 2003. С. 136-190.

8. Юлдашев А. Ходжент “ал-Камил фи-т-тарих” Ибн ал-Асира // Исследования по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе: “Ирфон”, 1986. – С.101-107.

9. Ҳамидова С. Ибн ал-Асир ва унинг “Тарих ал-Комил” асари // Фан ва турмуш. – Т., № 7. 1985. – Б. 14.

10. Ibn al-asir, Izzaddin Ali. Al-Kamil fi at-tarix. – Beirut, 1987. – 10 G.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ТУРК ТИЛИДАГИ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Солежон ТОШЕВ

*Чирчиқ давлат педагогика
институтини ўқитувчиси*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини холисона ўрганиш, ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихига ҳаққоний баҳо бериш устувор вазифага айланди. Ўзбек халқининг ҳаёти ва тақдирига кескин бурилиш ясаган мустақиллик соясида илм-фан, хусусан миллий ўзлик ва маънавий юксалиш асоси бўлган тарих фани ҳам ўзига хос ривожланди. Ўзбекистон тарихини холисона ёритишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” асарида айтилганидек, “... жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш амалда жорий этишни

олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз.”¹

Маънавиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган тарих фани сўнги йилларда илк бор ўзининг қонуний вазифасини бажаришга – халқнинг ўзлигини англатишга хизмат қилишга киришди. Тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ёритишда холислик, ҳаққонийлик, адолатли ёндашув муҳим ҳисобланади. “Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, юқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.”²

Маълумки, мустабид тузум даврида Ватанимиз тарихи тоталитар мафкура босими остида сохталаштирилган ва тарихий жараёнлар, жумладан тарихий шахслар ҳаёти ҳукумрон мафкура манфаатларидан келиб чиқиб ноҳолис талқин этилган. Мустақиллик шароитида тарихимиз асосланган илмий қарашлар ва холисона тадқиқотлар асосида ўзига хос янгилаш, тиклаш йўлидан ривожланмоқда. Шу тарққиёт берган имконият соясида хорижий тарихшуносликда мафкуравий чеклашлар бўлмаган шароитда Ватанимиз тарихи қандай ёритилганлигини ўрганиш ва шу тарихий ҳақиқатни тиклаш зарурияти долзарблик касб этади.³

Иккинчидан, Илмий тадқиқот жараёнида дуч келинадиган енг долзарб муаммолардан бири тадқиқот ишининг бундан олдин ўрганилган ёки ўрганилмаганлигини аниқлаш ва бу соҳадаги илмий ишларни таҳлилий ўрганишдир. Шундан келиб чиқиб тадқиқотчи илк саҳифаларда манбаларни таҳлил этар экан тадқиқот мавзусига тегишли бўлган библиографияларга мурожаат этишига тўғри келади.

Учинчидан, мавзу танлашда такрорга учрамаслик, ўрганилмаган мавзуларни аниқлаш, тадқиқотлар ўртасидаги даврий, ғоявий ва илмий узвийликни таминлаш, мазуга оид олдинги тадқиқот натижаларидан самарали фойдаланиш учун илмий ишлар тарихи ва манбалари ҳақида хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, хорижий тарихшунослик намуналари маълум бир давлатдаги соҳага оид илмий ютуқларни кўрсатиши билан бирга, маълум бир даврда содир бўлган тарихий жараёнларни ғоявий ва илмий таҳлил этишда хорижий давлатлардаги илмий қарашлардан фойдаланиш имконини бериши билан долзарблик касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – .27 бет

² Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. 5-жилд.- Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 145-150 бетлар

³ Санобар Ш. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари.- Т.:АБУ МАТБУОТ КОНСАЛТ, 2008

Совет Иттифоқининг тарқалиши ва Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Туркияда бу давлатлар, жумладан минтақада қулай геосиёсий қўнимми, шунингдек ўзига хос маданият ва давлатчилик тарихига эга бўлган Ўзбекистон тарихига оид қизиқишни ошишига ва илмий тадқиқотларнинг ортишига сабаб бўлди.

Мустақиллик даврига келибгина хорижий тарихшунослик илк бор илмий мақсадларда мафкуравий чеклашлардан холи тарзда ўрганила бошланди. Шундан келиб чиқиб хорижда, хусусан Туркияда Ватанимиз тарихига оид илмий тадқиқот ишлари ва илмий адабиётларни тизимли ўрганиш, улардаги илмий қараш ва мулоҳазаларни таҳлил этиш тарихий жараёнларга холис хулосаларни берибгина қолмасдан, Ўзбекистон халқларининг мустабид тузум давридаги мураккаб ижтимоий сиёсий ҳаёти, маданий, маърифий тараққиёт хусусиятлари, мустақиллик учун бўлган курашлар тарихига Туркиядаги илмий муносабат ҳақида тасаввур ҳосил қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур масалани тадқиқ этиб керакли илмий хулосалар ҳосил қилиш учун, умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, дискорс таҳлил, холислик тамойилларидан фойдаланиб Туркияда Ўзбекистоннинг 1945-1991 йиллардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари: - диссиртациялар, илмий асарлар, илмий мақолалар мажмуи яратилиб таснифланган ва таҳлилий ўрганилган, шунингдек улардаги илмий қарашлар ва хулосалар совет тарихшунослиги ва мустақиллик даври тарихшунослиги билан қиёсий таҳлил этиш долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Туркияда Совет Иттифоқи таркибидаги туркий халқларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид яратилган диссиртациялар, асарлар, илмий мақолаларни жамлаб таҳлилий ўрганиш Ўзбекистон тарихининг хорижий тарихшунослигида муҳим қадам ҳисобланади.

Турк тадқиқотчиларининг ишларига тарихшунослик нуқтаи назардан биринчи марта Д.Х.Зияева томонидан мурожат қилинди.

Д.Х.Зияева ўз докторлик диссиртациясида¹ ва қатор мақолаларида 1918-1924 йилларда Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатлари нафақат ватан тарихшунослиги, балки хорижий тарихшунослик асосида ўрганилган. Лекин, унда 1918-1924 йилларда Туркистон халқлари ҳаёти ҳақидаги турк тилидаги тадқиқотларга тўхталиб ўтилтсада, ишнинг даврий чегарасидан келиб чиқиб Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр тарихшунослиги ёритилмаган.

¹ Зияева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати масалалари XX аср тарихшунослигида(1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракати мисолида).: Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун диссиртация.- Т.1999.

С.Шодмонова ўзининг докторлик диссертациясида ва қатор илмий асарларида¹ совет мустамлакачилик даври тарихшунослиги немис ва турк тилидаги илмий тадқиқотлар асосида таҳлил этилган. Муаллиф илк бор совет мустамлакачиларига қарши кураш масалаларини немис ва турк тарихшунослиги, хусусан даврий матбуот намуналари асосида совет тарихшунослиги билан қиёсий таҳлил асосида ўрганиб, уларнинг илмий хулосалардаги фарқлар, манбавий асослари, илмий қарашлардаги ҳамоҳанглик ва тафовутларни кенг ёритган.

Туркий тилдаги тарихшунослик намуналари эса илк бор Тохир Қаҳҳорнинг “Хур Туркистон учун”² китобида таҳлил этилди.

Ўзбекистон Совет мустамлакачилик даври тарихи, хусусан иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихий жараёнлар, Совет Иттифоқидаги марказлашган тоталитар тузум ва давлат томонидан амалга оширилган қатағонлик сиёсати тарихни холисона ўрганишга тўсиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан хорижда, хусусан тарихий илдизи бир бўлган Туркияда Ватанимизнинг ушбу даврига бағишланган манбаълар ва улардаги илмий ғоявий қарашлани таҳлил этиш, ўша давр ҳақида ҳиссиётга берилмаган илмий хулосаларга эга бўлишга асос бўлади.

Совет Иттифоқининг тарқалиши ва Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Туркияда бу давлатлар, жумладан минтақада гесиёсий кўнимми, шунингдек ўзига хос маданият ва давлатчилик тарихига эга бўлган Ўзбекистон тарихига оид қизиқишни ошишига ва илмий тадқиқотларнинг ортишига сабаб бўлди. Туркияда Совет Иттифоқи таркибидаги туркий халқларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид ёзилган диссертациялар, асарлар, илмий мақолаларни жамлаб таҳлилий ўрганиш Ўзбекистон тарихининг хорижий тарихшунослигида муҳим қадам ҳисобланади.

Туркиялик тарихчи олим Фаҳри Солакнинг “Туркистон ва Кавказ библиографияси”³ номли асари Ўзбекистон тарихига бағишланган турк тилидаги илмий тадқиқот ишлари ва илмий адабиётлар билан танишиш учун муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади. Муаллиф мазкур библиографияда Туркистон ва Кавказ халқлари давлатлари тарихига оид 12504 та илмий ишлар рўйхатини келтирган бўлиб, уларнинг 1540 тасини докторлик ва номзодлик диссертациялари, магистирлик ишлари ҳамда 2707 тасини илмий асарлар, монография ва рисоалар ташкил этган бўлса, 8257 таси илмий мақолалардан иборатдир. Ушбу библиографияда

¹ *Санобар Ш.* Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари.- Т.: АБУ МАТБУОТ КОНСАЛТ, 2008. –б.127

² *Қаҳҳор Т.* Хур Туркистон учун.- Т.: Чўлпон, 1994. –б.112

³ *Fahri Solak.* Türkistan ve Kafkasya bibliyografyasi.- İstanbul. Türk dünyasi belediyeler birliği yayınları.2007.

Кавказ ва Ўрта Осиёдаги туркий халқлар ва давлатлар, умуман турк дунёси тарихи ва маданиятига оид илмий ишлар рўйхати умумий келтирилган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг қадимги тарихидан ҳозирги давр тарихига оид 1000дан ортиқ илмий иш ва адабиётларни учратишимиз мумкин. Шулардан 100га яқин илмий ишлар ва адабиётлар Ўзбекистоннинг 1945-1991 йиллардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид ҳисобланади. Муаллиф ушбу библиографик асарни яратишда Туркистон ва Кавказ халқлари тарихига оид 400 дан ортиқ энциклопедик асарлар, каталоглар ва библиографияларга мурожаат этган. Бу эса асарнинг илмий салмоғини янада оширган.

Ўзбекистоннинг 1945-1991 йиллардаги тарихи Туркиядаги кўплаб тарихий тадқиқот ишларида ўрганилган. Жумладан, Кара Фусун, Зокир Чотаев, Гунеш Ҳокан, Игре Фелиз, Меҳмет Халил, Онай Яшарларнинг докторлик диссиртациялари¹, Атмажа Шадуман, Ченгиз Сердар, Челеби Эржан, Текинже Мевлут, Улашов Тура, Яман Филиз, номзодлик диссиртациялари², Айхан Бекир, Эрдал Чавдар, Сидика Гўк, Дурсун Гўндоғду Тахирларнинг магистрлик ишларида ўрганилаётган даврдаги

¹ *Kara, Füsün*, Özbekistan tarihi (1917-1991), Doktora tezi, Fırat Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Elazığ, 1990, 190 s; *Chotayev, Zakir*, Eski Sovyet Topraklarında Şiddet ve şiddete karşı kuvvet kullanma politikalarının uluslararası hukuk açısından (Orta Asya ve Kafkaslar örneği). Doktora tezi, Ankara üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Ankara, 2006 ,304 s; *Güneş, Hakan*, Post sovyet Kazakistan, Kırgızistan ve Özbekistan'da siyasal konsolidasyon ve mobilizasyon örüntüleri, Doktora tezi, Marmara üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, İstanbul, 2005 ,280 s.; *Onay, Yaşar*, Tarihte ve günümüzde Rusyanın Orta Asya siyasetleri, Doktora tezi, İstanbul Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, İstanbul, 1995.; *İrge, Filiz*, SSCB'de Gorbaçov liderliğinde başlayan radikal reform hareketlerinin nedenleri, Reform hedefleri-uygulanışı ile Doğu blokunda, Sovyet Cumhuriyetleri'nde ve uluslararası alanda etkileri-sonuçları, Doktora tezi, İstanbul Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, İstanbul, 1995; *Leylak, Mehmet Halil*, Orta Asya ve Kafkaslar'da turklerin demografik yapısı (XX.yüzyil), Doktora tezi, Ankara Üniversitesi, 1998

² *Atmaca Şaduman*, Sosyalist sisteminde tarımın vergilendirilmesi (Sovyet deneyimi) Yüksek lisans tezi, Uludağ Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Bursa, 1991,104; *Çingiz Serdar*, 1945-1980 arası Türk-Sovyet ilişkileri, Yüksek lisans tezi, Gazi Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Ankara, 1990, 134 s; *Çelebi, Ercan*, Yaş Türkistan dergisi'ne göre Türkistan milli mücadelesi, Yüksek lisans tezi, Gazi Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Ankara, 2000, 267 s; *Tekinçe Mevlüt*, Rusya Federasyonu'nun Orta Asya politikaları ve Çarlık ve SSCB dönemi uygulamalarınınbu politikalara yansımaları, Yüksek lisans tezi, Gazi üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Ankara, 1997 ,93s; *Ulaşov Türe*, Türkiye ve Özbekistan'da öğretmen yetiştirme, Yüksek lisans tezi, Hacettepe Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Ankara, 1995, 53 s; *Yaman, Filiz*, 1945-1980 dönemi Türk Sovyet ilişkileri, Yüksek lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, İstanbul, 1988, 103 s;

³ *Ayhan, Bekir*, Rus idaresinde Orta Asya, Lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Edebiyat fakültesi, Tarih bölümü, İstanbul, 1971; *Cebeci, Erdal*, Rus idaresinde Orta Asya,

Ватанимиз тарихига оид ижтимоий сиёсий ва маданий жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа Республикалари билан боғлиқликда ўрганилган.

Хусусан, Кара Фусун ўзининг “1917-1991 йилларда Ўзбекистон тарихи” мавзусидаги докторлик диссиртациясида Ватанимизнинг 1917-1991 йиллардаги географияси, иқлими ва табиати, демографик хусусиятлари, маъмурий тузилишини ёритиш билан бирга 1917 йил октябр инқилобидан то 1991 йил Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритишигача бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар, ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар тарихи баён этган.

Кара Фусун диссиртациясининг сўз бошисида йиллар давомида Чор Россияси томонидан моддий, маънавий, табиий, иқтисодий бойликлари билан мустамлака қилинган ўзбек халқининг 1917 йил октябр инқилобидан кейин ҳам, ўз Ота Ватанларида қабоҳат ва ғайриинсоний муносабатларга учраганлари, ишонч ва эътиқодларидан, ўз табиий ва иқтисодий имкониятларидан маҳрум бўлиб истибдод тобеъси бўлганларини ёзади. Кара Фусун диссиртациядаги асосий ғоя мустақилликдан олдинги мустабид тузум даврида ўзбек халқи бошдан кечирган тобеълик натижаси ўлароқ моддий, маънавий юқотишларни илмий асослашдан иборатдир. Унда ўзбек халқинининг ўз эътиқодидан, миллий маънавиятидан маҳрум этишга бўлган ҳаракатлар илмий далиллар асосида фош этилиб кескин қораланган. Жумладан, комунистик мафкура томонидан “эскилик сарқити” деб 10000дан ортиқ тарихий меъморий обида бутунлай йўқ қилингани келтириб ўтилган. Муаллиф ўз қарашларида мустабид тузум даврида Ватанимиз тарихи ҳақида ҳақоний ҳолисона ёндошган бўлсада, бу даврдаги инкор этилмас баъзи жиҳатлар ёритилмаган. Жумладан, Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг жасорати ва ғалаба йўлидаги фидокорона хизмати ҳақида маълумотлар учрамайди.

Бугунги замонавий тарихшунослиқда туркиялик таниқли тарихчи олим Меҳмет Сарайнинг “Ўзбек турклари тарихи”² китобида ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидаги Ўзбекистон тарихи ҳам ёритилган бўлиб, илмий-оммабоп асар тарзида ёзилгани учун тарихий жараёнлар, воқеалар ҳақида умумий тасаввур беради. Тарихий жараёнларни баён этишда, талқин этишда маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинмаган.

Lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Edebiyat fakültesi, Tarih bölümü, İstanbul, 1971; Çavdar, Sıdika, S., Özbek Tarihi hakkında bibliyografya denemesi, Lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Edebiyat fakültesi, Tarih bölümü, İstanbul, 1982;. Gök, Dursun, Türkistan tarihi, Lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Edebiyat fakültesi, Tarih bölümü, İstanbul, 1972; Gündoğdu, Tahir, Özbekistan Sovyet sömürgeciliğine dair bir makale, Lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Edebiyat fakültesi, Tarih bölümü, İstanbul, 1972

¹ Kara, Füsün. Özbekistan tarihi (1917-1991). Doktora tezi, Fırat Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Elazığ, 1990

² Mehmet Saray. Özbek türkleri tarihi. İstanbul. 1993. s.46

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон тарихининг ўрганилган даври бўйича турк тилидаги илмий тадқиқотларда баён этилган илмий қарашларда советлар юритган мустамлакачилик сиёсатини қоралаш билан бирга, Ўзбекистон халқларининг истиқлол учун олиб борган мардона кураши улуғланади. Бундан ташқари мураккаб сиёсий босим остида яшаган халқимиз ўз миллий маънавиятини, дини, она-тили, миллий ўзлиги, тарихий хотира ва қадриятларини асраш йўлидаги йуқотишлари, охир оқибат курашлар самараси ўлароқ истиқлол неъматига эришиш тарихи хорижий тарихшуносликда, хусусан турк тарихчилари асарларида қандай акс этганини аниқлаш ҳам тарихий ҳақиқатларни тиклаш, ҳам ватанпарварлик нуқтаи назаридан ғоят аҳамиятлидир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – .56 б
2. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. 5-жилд. Тошкент, 1997. – 127 б
3. Санобар Ш. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари.- Т.:Абу матбуот консалт, 2008
4. Зияева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати масалалари XX аср тарихшунослигида(1916 йил кўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракати мисолида).: Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун диссертация.- Т.1999.
5. Қаҳҳор Т. Хур Туркистон учун.- Т.: Чўлпон, 1994.-112 б
6. Fahrı Solak.Türkistan ve Kafkasya bibliyografyasi.- İstanbul.Türk dünyasi belediyeler birliđi yayınları.2007.
7. Kara Füsün, Özbekistan tarihi (1917-1991), Doktora tezi, Fırat Üniversitesi, Sosyal bilimler Enstitüsü, Elazığ, 1990
8. Mehmet Saray.Özbek türkləri tarihi. İstanbul. 1993. s.46

ЭЛЧИЛИК ЭСДАЛИҚЛАРИ-ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУХИМ МАНБА

И. А. КУПАЙСИНОВ

Наманган давлат университети

“Архившунослик” кафедраси ўқитувчиси

XIX асрда Ўрта Осиё минтақасида Британия ва Россия мақсадлари тўқнашуви рўй берди. Иккала мамлакат ҳам Ўрта Осиёда ўз таъсир доираларини кенгайтириш мақсадида ўзларининг вакиллари ҳамда ай-ғоқчиларини юбора бошлашди. Гарчи Британия номидан келган вакиллар ўз мақсадларига эриша олмаган бўлсаларда, улар Ўрта Осиё хақида ўз

асарларида ва эсдаликларида жуда муҳим маълумотларни ёзиб қолдиришган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бу эсдаликларни ўрганиш бугунги кун манбашунослари олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

Хусусан, XIX асрда Ўрта Осиё хонликларида бўлган инглиз вакиллари асарлари ва эсдаликларини ўрганиш бу давр ўлка тарихини янги далиллар ҳамда фактлар билан бойитади.

Шундай қилиб, ўраганилаётган даврда, инглизлар аллақачон Ҳиндистонда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олган ҳамда Афғонистон ва Ўрта Осиё учун кураш бошлаган эдилар. Инглизларга Ўрта Осиёнинг сиёсий аҳволи, географик мавқеи, аҳолиси, армияси ҳақида аниқ маълумотлар сув билан ҳаводек зарур эди.

XIX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёга юборилган инглиз миссиялари, асосан, Англия буржуазияси томонидан юборилган бўлса, 30-йилларга келганда бу ишга Британия ҳукуматининг ўзи бевосита раҳбарлик қила бошлайди. Бу воқеа инглизларнинг пинхона режаларини амалга ошириш учун Ўрта Осиёга қатъий суратда кириб келишидан дарак берар эди. Бунинг асосий сабабларидан бири 1825-йилда Англияда бошланган инқироз бўлиб, у бутун Англия саноатининг деярлик кўпгина қисмини ўз ичига олган. Оқибатда мамлакатнинг бутун иқтисоди катта зарар кўради. Бу оғир аҳволдан қутилиш учун инглиз ҳукумати XIX асрнинг 30-йилларида бутун Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиёни ўз таъсир доирасига олиш учун кенг миқёсда савдо ниқоби остида ўз дипломатик миссияларини бошлайди.

Бу борада 1819-1825-йилларда Ҳиндистондан Бухорога Британия ҳукумати томонидан махсус топшириқлар билан Виллиам Муркрофт ва Георг Требек экспедитсияси юборилади. Экспедитсиянинг расмий мақсади Ост-Индия компаниясининг отлик аскарлари учун “зотли отлар ахтаришдан” иборат эди. Ҳақиқатда эса, у Амурдарё водийсига инглизларнинг кириши мумкинлигини аниқлаш учун юборилган экспедиция бўлган. Инглиз вакиллари Ўрта Осиёнинг ҳеч қандай “зотли отлар”и эмас, балки балки унинг бозорларида мутлоқ Англия ҳукмронлигини ўрнатиш масаласи қизиқтирарди. Масалан, бу ҳақида биз қуйидаги асар орқали маълумот олишимиз мумкин: “W. Moorcroft and G. Trebeak. Travels in Himalayan provinces of Hindustan and the Panjab; in Ladakh and Kashmir; in Peshawar, Kabul, Kunduz and Bokhara from 1819 to 1825.” [Moorcroft W, Trebeak G.]. Ушбу муҳим манбанинг иккинчи жилди, бешинчи бўлимида Ўрта Осиёнинг асосий аҳолиси, ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар ҳамда энг йирик шаҳарларидан Бухоро, Урганч, Қарши ҳақида маълумотлар келтирилган.

1831-1833-йилларда Ҳиндистондан Александр Бёрнс Кобул ва Бухорога юборилади. А. Бёрнсга ҳарбий ва географик маълумотлар

тўплаш ва Кобул ҳамда Бухоро ҳоким доиралари билан савдо ва дипломатик алоқа боғлаш топширилгади. Ост-Индия компанияси лейтенанти Александр Бёрнс Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан Бухорога сайёҳ сифатида келади. Бу саёҳат натижасида йиғилган далиллар ва шахсий кузатувлар “Travels into Bukhara” деб номланган уч жилдлик китобга асос бўлди [Burnes A] Китобнинг иккинчи жилд биринчи бобида Ўрта Осиёга умумий ва географик таърифлар берилади. Шаҳарлар кўриниши, тоғлар, дарёлар, хайвонлар, ўсимликлар, аҳоли ҳақида, иккинчи бобда Окс дарёси ва Орол кўли ҳақида маълумотлар берилади. Олтинчи бобда Хитойнинг Бухоро ва Қўқон билан муносабатлари ёритилади. Саккизинчи бобда Туркистон қабилалари, чигатой ва ўзбеклар ҳақида маълумотлар келтирилган. Иккинчи бўлим саккизинчи бобда Бухоронинг қисқача тарихи, тўққизинчи бобда Бухоронинг ҳарбий ва сиёсий қудрати ҳақида, ўнинчи бобда эса Хива ёки Урганч шаҳри ҳақидаги маълумотлар берилади. Бу китоб яна шуниси билан қимматлики, Қадимги юнонлар, эрон ва ҳукмдорлар зарб эттирган тангалар, айниқса Афғонистон, Эрон, Бухоро, Хива, Хитой, Россия, Буюк Британия ўртасидаги савдо алоқалари ва маҳсулотлар нархлари қиёсий қилиб таҳлил қилинган.

1838-1840-йилларда Британия империяси Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг кескинлашганлигидан фойдаланиб, Ўрта Осиё хонликларига ўзларининг Аббот, Шекспир, Стоддарт ва Конолли каби жосусларни юборади.

Капитан Жеймс Аббот бошчилигида Хивага юриш учун янги экспедитсия ташкил этилади. Бу экспедитсия 1840-йили Хивага келади ва Аббот тез фурсатда хон билан учрашган. Абботнинг Хива хонлигида Англия таъсирини жорий қилиш учун қилган ҳаракати муваффақиятсиз бўлди. Аббот ўз мақсадини амалга ошира олмаган ва 1840-йил май ойида Новоалександровский истехкомида Россия ҳукумати томонидан қўлга олинган. Жеймс Аббот ўзининг ташрифи ва фаолиятини “James Abbot Narrative of a Mission to Khiva, Moscow and St.Petersburg” номли асаарида ёзиб қолдирган [James A]

Инглиз харбийлари ичида энг кўзга кўринганларидан бири полковник Стоддарт Англия Ташқи Ишлар министри Палмерсоннинг буйруғи билан Бухоро хонлигига 1838-йилда келган. Стоддартнинг асосий вазифаси Бухоронинг ҳоким амалдорлари билан Россияга қарши биргаликда кураш олиб бориш учун шартнома тузишдан иборат эди. Жеймс Аббот каби Стоддарт ҳам мувоффақиятсизликка учрайди. 1841-йили Бухоро амири Насруллохон томонидан томонидан зиндонга ташланган. Британия вакили полковник Стоддартни қутқариш баҳонаси билан Артур Конолли Хива хонлигига келади. Конолли Хива хонлигида қушбеги ва меҳтар билан учрашган бўлсада, унинг фаолияти ҳам

муваффақиятсиз бўлади. Конолли ҳам амир томонидан зиндонга ташланади ва 1842-йилда улар Бухоро амири Насруллохон томонидан қатл этирилади. Конолли қуйидаги асари орқали бизга Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларни беради, “Conoly A. Journet to the North of India overland from England through Russia, Persia and Afghanistan”. [Conoly. A.]

1843-йилда Стоддарт ва Коноллини тақдирини аниқлаш учун Ўрта Осиёга инглизлар Жозеф Волф исмли вакиллари жўнатадилар. Жозеф Волф “Wolf J. Narrative of a mission to Bokhara in the years 1843-1845 to ascertain the fate of Colonel Stoddart and Captain Connolly” [Wolf J] деб номланган асарида ўз фаолияти ва Ўрта Осиё ҳақида маълумотларни ёзиб қолдирган.

Ўрганилаётган давр бўйича кўрсатилиб ўтилган манбалар Ўрта Осиё тарихшунослиги ва манбашунослигида муҳим ўрин тутади. Бу манбаларни ўрганиш орқали биз Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни билишимиз мумкин. Мана шундай манбаларни топиш ва ўрганиш бугунги кун тарихчиларини Ўзбекистон тарихида янги саҳифалар очишга ундайди. Зеро, Ўрта Осиё ҳақида маълумот берувчи хорижий мамлакат вакиллари бежизга бу ўлкани ўрганишмаган. Ўрта Осиё тарихи дунё цивилизациясида муҳим ўрин тутган тарихдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1]. W. Moorcroft and G. Trebeak. Travels in Himalayan provinces of Hindustan and the Panjab; in Ladakh and Kashmir; in Peshawar, Kabul, Kunduz and Bokhara from 1819 to 1825. Volume I, London, 1841.

[2]. Burnes Alexandr. Travels into Bukhara; being account of a journey from India to Cabool, Tartary and Persia; a voyage on the Indus, with presents from the king of Great Britain; performed under the orders of the supreme government of India, in the years 1831, 1832 and 1833 by lieutenant Alexandr Burnes; Volume I, II, III. London. 1834.

[3]. James Abbot Narrative of a Mission to Khiva, Moscow and St. Petersburg. – London. Smith, Elder. 1867. Volume 1.

[4]. Conoly. A. Journet to the North of India overland from England through Russia, Persia and Afghanistan. London, 1838.

[5]. Wolf J. Narrative of a mission to Bokhara in the years 1843-1845 to ascertain the fate of Colonel Stoddart and Captain Connolly. New York. 1845.

O'RTA OSIYONING QADIMGI DAVRI TARIXINING QADIMGI SHARQ MANBALARIDA AKS ETISHI

A.A. MAVLONOV

*Namangan Davlat universiteti
Arxivshunoslik kafedrası o'qituvchisi*

Tarixdan ma'lumki kishilik jamiyati o'z tarixining ko'proq qismini yozuvsiz o'tkazgan. U yozuvga yetib kelguncha uzoq yo'lni bosib o'tgan va nutqni yozib olish uchun bir necha ming yil ilgorigina belgilar qo'llanila boshlagan. Odamning tajribasi va bilimi orta borgani sari unda bilganlarini yodda tutish va boshqalarga zarurati tug'iladi. Zamonaviy til bilan aytganda, axborotni saqlash va uzatish muommosi kelib chiqadi. Bu muommalarning yechimi esa, albatta voqealarni yozma ravishda saqlashdan iborat bo'ladi.

O'zbekiston hududi ham Eron, Hindiston, Mesopotamiya, Yunoniston, Rim, Misr va Xitoy singari mamlakatlar kabi ilk madaniyat o'choqlaridan hisoblanadi. Lekin uning qadimiy madaniyati haqida ma'lumotlar juda kam saqlanib qolgan. Biz yurtimizning faqat miloddan avvalgi VI asrlardan keyingi ijtimoiy-siyosiy hayoti haqida ma'lum darajada yozma ma'lumotlarga egamiz.

Eron, Hindiston va ayniqsa, qadimgi Yunoniston va Rim manbalarida saqlangan ma'lumotlarga qaraganda, qadim zamonlarda hozirgi O'zbekiston hududida istiqomat qilgan saklar, massagetlar va boshqa qabilalar urug'chilik tuzumini boshdan kechirganlar, chorvachilik, qisman dehqonchilik hamda hunarmandchilik bilan shug'ullanganlar.

Miloddan avvalgi VI asrda yurtimiz Ahamoniylar davlati (miloddan avvalgi 550 – 330 yillar) asoratiga tushib qoldi. Ana shu davrda bu yerda istiqomat qilgan xalqlar hayotida muhim ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar sodir bo'ldi. Urug' jamoalari orasida tabaqalanish boshlandi: yangidan paydo bo'lgan urug' aslzodalari serunum yerlarni yegallab oldilar, qul mehnati hamda erkin jamoa a'zolari zulm qilish yo'li bilan boyib bordilar. Shu tariqa jamiyatning tabaqalanish jarayoni kuchaydi va quldorlik jamiyati paydo bo'ldi.

Bu davrning o'ziga xos xususiyatlaridan biri shuki, miloddan avvalgi VII asrda yurtimiz hududida, masalan Balx va Xorazmda otashparastlik – zardushtlik dini paydo bo'ldi va keng tarqaldi. Ahamoniylar va ularning mahalliy noiblari baribir aholini to'la itoatda tutib tura olmadilar. Xalqimizning chet el bosqinchilariga qarshi kurashi kuchaydi. Natijada miloddan avvalgi VI asr o'rtalariga kelib Xorazm mustaqillikni qo'lga kiritib oldi. Saklar va massagetlar ham o'z ozodligi uchun tinmay kurash olib bordilar.

Saklar, massagetlar, toharlar va qadimgi Qanha xalqi, ularning ijtimoiy-iqtisodiy hayoti haqidagi qimmatli ma'lumotlarni hindlarning epik dostoni "Mahabharata"da ham uchratamiz.

¹ Виктор Драчук. Ёзувлар ўтмиш сирлари шоҳиди. –Т., "Ўзбекистон". 1980. – Б. 11

“Mahabharata” (“Bharata avlodlari jangnomasi”) sanskrit tilida yozilgan boʻlib, 100 ming baytni oʻz ichiga olgan 18 kitobdan iborat. Afsonaviy shoh Bharataning ikki toifa avlodlari kavravlar va nandavlarning oʻzaro adovatлари va urushlari bayon etiladi. U miloddan avvalgi X-VIII asrlarda yaratilgan.

Asarda masalan, uzoq Hindistonga, fikrimizcha savdo-sotiq ishlari bilan borgan saklar, toharlar va qanhalar haqida mana bu muhim maʼlumot keltirilgan: “Uning (podshoh Yudhishtaning) eshigi oldida boshqa xalqlar bilan birga saklar, toharlar va qanhaliklar ham navbat kutib turardilar. Paxmoq soqol, peshonalari shohlar bilan bezatilgan, qoʻllarida turli-tuman sovgʻalar, jun, rangu, ipak va patta (oq qayinning bir turi) daraxti tolasidan, shuningdek, kamyob matolardan, paxtadan toʻqilgan gazlamalar, mayin, nafis terilar, uzun va oʻtkir qilichlar, shamshirlar, temir nayzalar, har xil boltalar, ichimliklar, xushboʻy narsalar, turli-tuman qimmatbaho toshlar”¹.

Oʻrta Osiyoning qadimgi tarixini oʻrganishda “Avesto” ning oʻrni beqiyosdir. Unda diniy eʼtiqod va xalqlarning oʻzaro aloqalari bilan bir qatorda ularning hayoti, turmushi, urf-odatları, marosimları aks ettirilgan. Shuningdek bu buyuk asarda tarix, falsafa, dinshunosli, manbashunoslik, geografiya, etnografiya va umuman, ijtimoiy-siyosiy hayotnig barcha jabhalariga oid eng qadimgi maʼlumotlar toʻplangan.

Avesto maʼlumotlarini arxeologik materiallar bilan qiyosiy oʻrgangan olimlarning fikricha, mil.avv. II ming yillikning oʻrtalariga kelib Oʻrta Osiyo xalqlari siyosiy hayotida oʻzgarishlar sodir boʻlib, davlatchilikning ilk koʻrinishi shakllana boshlaydi.

Bu davrda ushbu hududlarda yashagan aholining katta qismi yirik vohalarni jadallik bilan oʻzlashtirilishi natijasida chorvador koʻchmanchilikdan oʻtroq dehqonchilikka oʻta boshlaydi. Bu esa keyinroq Baqtriya, Xorazm, Margʻiyona, Parfiya, Soʻgʻdiyona kabilarda davlatchilik tizimining vujudga kelishiga asos boʻlgan edi. Misol uchun, Avestoning “Vandidod” kitobida Oliy xudo Axuramazda yaratgan oʻn oltita mamlakat (oʻlka)ning hududiy – maʼmuriy, siyosiy hamda qonunchilik tizimiga oid maʼlumotlar berilgan.

Ushbu maʼlumotlarga koʻra davlatni, kavi yaʼni, boshqaruv tizimi bilan bogʻliq boʻlgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va huquqiy masalalar bilan shugʻullanuvchi shaxs (podsho) boshqargan. Oʻz navbatida davlatni boshqarish huquqi sulolaning bir vakili qoʻlidan ikkinchisiga meros sifatida oʻtishi diniy va dunyoviy jihatdan qonunlashtirilgan.

“Avesto” davlat boshqaruvining murakkab tizimi haqida maʼlumotlar beradi. Bu maʼlumotlarga koʻra mil.avv. VII-VI asrlarda Oʻrta Osiyo jamiyatining asosi kichik-kichik oilalardan iborat boʻlib, har bir oila oʻrtacha 5-6 kishidan tashkil topgan. Ular katta patriarxal oila aʼzolari hisoblangan. Katta oila esa 20-25 kishidan tashkil topgan. Jamoalar hayotida urugʻchilik

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Т.: “Ўқитувчи”, 2001, – Б. 33-34.

tuzumining arim hususiyatlari saqlanib qolgan. Katta oila a'zolari tomonidan xujalikni tashkil etish, yerga birgalikda egalik qilish va umumiy turur joyda – uy-qo'rg'onlarda yashash odati yuqoridagi fikr dalilidir.

Davlatning boshqaruv tizimi oilalar yoki uy-joy birlashmasi- “nmana” yoki “dmana”, katta oila oqsoqoli-“nmanapati”, urug' jamoasi boshlig'i- “vis”, katta qishloq oqsoqoli -“vispati”, qabila boshlig'i- “zantupati”, viloyat hokimi- “daxyupati”, bir necha viloyatlar hokimi- “kavi”lardan tashkil topgan. “Avesto”da oila, urug' va qabila anglatish uchun “pati” so'zi ishlatilgan. “Kavi” yoki “sastar” mamlakatni idora qilgan shaxsga nisbatan ishlatilgan. Avestoning Yasht kitobida quyidagicha ma'lumot bor: “Ko'p yaylovlarga ega bo'lgan Mitrani biz ulug'laymiz. Unga hech kim yolg'on gapira olmaydi: uyda oila boshlig'i, urug' oqsoqoli, qabila yo'lboshchisi va mamlakat hokimi ham yolg'onchi bo'lsa, g'azablangan Mitra butunlay oilani, urug'ni, qabilani, mamlakatni va ularning boshliqlarini ham tamoman yo'q qiladi”.

Ayrim tadqiqotchilar (H. Boboyev, T. Do'stjonov, S. Hasanov, Y. Ollamov) ilmiy tahlillarga asoslanib “Avesto”da tasvirlangan va O'rta Osiyo hududida shakllangan ilk davlatchilik asoslarining vujudga kelishi jarayonini quyidagi uch davrga ajratadilar:

Birinchi davr – eng qadimgi davr bo'lib, bunda adolat va insoniy baxt-saodat hukmron bo'lgan.

Ikinchi davr – yaxshilik ruhlari bilan yomonlik ruhlari o'rtasidagi adolat uchun kurash davom etgan.

Uchinchi davrda – aql-idrok va adolat tantana qilib, dehqonlar badavlat, davlatning siyosiy va qonunchilik tizimi mustahkam bo'lgan.

Bizning kunlarimizga qadar yetib kelgan “Avesto” kitobi va zardushtiylarning an'analari hamda ta'limoti, inson hayoti va odamlarning ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlari ma'lum qonun-qoidalarga yoki ma'lum huquqiy tartibga asoslangani haqida ma'lumot beradi.

Tarixiy ma'lumotlardan ma'lumki, Zaratushtra yashagan davr ijtimoiy-siyosiy munosabatlar qaror topayotgan notinch va murakkab davr edi. Bir necha bor adolatsizlik, shavqatsizlik va zo'ravonliklarning guvohi bo'lgan Zaratushtra o'zining dastlabki ta'limotini yovuzlik va zo'ravonlikka qarshi qaratadi. Aynan shuning uchun ham Zaratushtra ta'limotining asosini tartibga chaqirish, huquqiy normalarni belgilash, adolatga intilish, hulq-odob tantanasi, tinchlikka intilish hamda ezgulikka da'vat etish tashkil etgan.

“Avesto”da kishilarning o'zaro muomala va munosabatlarida berilgan va'daning ustidan chiqish, majburiyat va qasamiga sodiq qolish odatiy qonunlar ekanligini kuzatish mumkin. Agar qasam ichib ahd qilgan kishi o'z ahdini bajarmagan yoki buzgan bo'lsa, da'vogar o'z haqligini isbotlash uchun sinash va jazolanish usulidan foydalangan. Adolatli sud qilish sinash va jazolashning 33 ta usuli mavjud bo'lib, agar so'z qasami buzilsa, suv bilan

sinash, agar shartnomaga oid bo'lsa, olov bilan sinash jarayonida aybdorga o'zining haqligini isbotlashga imkon berilgan¹.

“Avesto”da jinoyat va jazo masalalari har tomonlama tartibga solinganligini kuzatish mumkin. Misol uchun, jinoyatlar quyidagi turlarga bo'lingan: dinga qarshi jinoyat, shaxsga qarshi jinoyat, tabiatga qarshi jinoyatlar kabilar.

Shaxsga qarshi harakatlar ichida qurol olib tahdid solish, birovni kaltaklab hushidan ketkazish, unga jarohat yetkazish, qonini oqqizish, suyagini sindirish, boshini yorish kabi harakatlar qattiq jazolangan. Mulkiy jinoyatlardan o'g'irlik, firibgarlik, talon-taroj, bosqinchilik, qarzdorlik kabilar “Avesto”da gunoh hisoblangan.

Dinga qarshi jinoyatlar, qasddan qilingan jinoyatlar va takroriy jinoyatlar uchun ayniqsa qattiq jazolar belgilangan. Birovni qasddan urib, uning qonini to'kkan kimsani, ellik qamchidan to'qson qamchigacha savalashgan. Shuningdek, agar kimki birovni urib suyagini sindirsa, jinoyatchiga nisbatan otning terisidan yasalganqamchi bilan, yetmishdan to'qson qamchigacha urish jazosi belgilangan.

Bundan tashqari yana Qadimgi Eron epigrafik yodgorliklari, ayniqsa qadimgi Xitoy tarixchilarining bu borada bergan ma'lumotlari biz uchun manbaviy jihatdan juda ham ardoqli hisoblanadi. Umuman so'ggi so'z o'rnida shuni ta'kidlash o'rinliki, O'rta Osiyo, xususan Vatanimizning qadimgi davri tarixini yoritishda qadimgi Sharq mamlakatlarining turli ko'rinishdagi yozma va epigrafik manbalari juda ham katta ahamiyatga egadir.

ПАХТАЧИЛИК ПЛАНТАЦИЯЛАРИ ТАРИХИНИ АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

А.Т. МИРЗАЕВ

*Андижон давлат университети
катта ўқитувчиси*

Маълумки, Россия империяси ҳукумати Марказий Осиёни босиб олгандан кейин пахтачиликни ривожлантиришга, ўз тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Шу мақсадда маҳаллий нав ғўзанинг сифати яхши бўлмаганлиги учун толаси узун ва пишиқ, ҳосилдорлиги юқори бўлган америка пахта нави жорий қилина бошланди. Пахта навини яхшилаш учун Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона вилоятида ҳам пахта тажриба далалари ва тажрибастанциялари ҳамда пахта плантациялари ташкил қилинди.

Туркистондаги қатор давлат муассасаларининг иш юзасидан хужжат алмашинуви доирасида пахтачилик соҳасини ҳам четлаб

¹ Тоҳир Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. Т., “Чўлпон”. 2000. – Б. 24

ўтмаганини кўриш мумкин ¹. Давлат муассасалари маҳкамаларига тегишли архив фондлари орасида “Туркистон ўлкасидаги зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси” фонди муҳим ўрин тутадиган.

Фарғона вилояти бошқармасининг қишлоқ хўжалиги ва пахтачилик бўйича инструктори Г.А.Николаевнинг давлатга қарашли “Андижон”, “Ашурбек” ва “Қирмачи” уруғчилик пахта плантацияларида 1913 йилда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи ҳам муҳим архив манба ҳисобланадиган.

Давлатга қарашли мазкур учта уруғчилик пахта плантацияларининг иккитаси, чунончи: майдони 6 десятина⁴ бўлган “Андижон” ва майдони 2 десятина 218,82 сажени ташкил этган “Ашурбек” плантациялари Андижон шаҳрининг эски шаҳар худудини 3-қисмида жойлашган. Андижон шаҳридан 11 верста масофада, Скобелев уездининг Асака волостидаги, “Қирмачи” ва “Ахтачи” қишлоқлари худудида жойлашган “Қирмачи” деб номланган учинчи плантациянинг майдони эса 7 десятина 1753 сажени ташкил этган.

Ҳар учала плантацияларнинг жами ер майдони 15 десятина 1971,82 квадрат сажени ташкил этиб, шундан 1913 йилда 11 десятина 539,03 кв. саженида экин етиштирилиб, бу эса плантацияларнинг 70% ини ташкил этган.

Экин турлари бўйича ер майдони куйидагича тақсимланган:

1. пахта учун – 7 десятина 1194,79 кв. сажень.

2. беда учун – 2 десятина 355,46 кв. сажень.

3. маккажўхори учун – 1 десятина 1388,78 кв. сажень.

Жами: 11 десятина 539,03 кв. сажень.

4. Хўжалик бинолари, йўллар, ариқлар, томорқа ва бошқа ерлар – 4 десятина 1432,79 кв. сажень.

Ҳаммаси бўлиб: 15 десятина 1971,82 кв. сажень.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, уруғчилик пахта плантацияларининг асосий экини пахта ҳисобланиб, унинг учун 7 десятина 1194,79 кв. сажень ажратилган бўлиб, плантациянинг барча экин майдонининг 67% ини ташкил қилган.

1913 йилда йилида плантацияларда пахтанинг қуйидаги навлари экилган:

“Кинг” нави – 9269,27 кв. сажень⁵.

“Триумф” нави – 5153,87 кв. сажень.

¹Шепелев Л. Е. Работа исследователя с архивными документами. – М.: Наука, 1966, с. 120-121.

²Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, И-7 – фонд, 1897 – 1917 йй.

³ЎЗР МДА, Фонд И-7, 1- рўйхат, 3311-йиғма жилд, 50-58 варақлар.

⁴Десятина – бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

⁵Сажень – саржин, 2, 134 метрга тенг узунлик ўлчови.

“Трайс” нави– 2987,25 кв.сажень, ва “Алленс” нави– 584,4 кв. сажень.

Плантацияларда асосий ўрин, Фарғона областида кўпроқ синовдан ўтган “Кинг” навига ажратилган, 1912 йилда яхши натижалар берган “Триумф” нави экин майдонлари бўйича иккинчи ўринда турган, “Трайс” ва “Алленс” навларини эса 1913 йилдан бошлаб синовдан ўтказилиши йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, пахта экиладиган ерга ишлов беришда плантацияларда янги қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари татбиқ этилиб, қуйидагича қўлланилган: пахта далалари Бр. Донских заводида ишлаб чиқарилган плуг билан 4 вершокгача чуқурликда шудгор қилиниб, француз борона(мола)сида ва Лин боронасида мола бостирилган.

Плантацияларда, дастлабки шудгорлаш ва молалашдан кейин ерга ўғит солинган ва иккинчи шудгорлаш билан тупроққа аралаштирилган. Далани ўғитлашда, бир десятинага 36 пуд миқдорда қондан тайёрланган ўғит ва ҳар десятинага 60 пуд миқдорда чигитдан олинган кунжарани солиш, қўлланилган. Шундан кейин, иккинчи марта шудгорлашдан ва икки марта мола бостиришдан сўнг, текис даладаги тўғри қаторларга Баннер сеялкасида 20 вершок² ораликда чигит экилган.

Униб чиққан ғўзаларни бўйи 2– 3 вершок бўлганида, фақат учтадан бақувват, баланд ўсган ғўзалар, 10 – 12 вершок масофада қолдирилиб, бошқалари эҳтиётлик билан юлиб, олиб ташланган. Ўсиб чиққан ёввойи ўтлар “Планета” русумли культиваторида юлиб ташланган ва бир вақтни ўзида қўлда биринчи чопиқ қилинган, сўнграғўзалар орасидаги қаторларни кетмонда тараб чиқилган. Чопиқ қилинганда, культивация вақтида юлинмасдан қолиб кетган ёввойи ўтлар ҳам йўқ қилинган.

Плантацияларда замонавий қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини қўлланилганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги ошган ҳамда иш куни қисқарган. Масалан, маҳаллий усулда чигитни экиш ва ғўзага ишлов беришда биринчи марта чопиқ қилиш учун ҳар десятинага 30 – 35 иш куни сарфлангани ҳолда, машина усулида культиватор қўлланганда эса ҳар десятинаер 10-15 кунда чопиқ қилинган.

Ҳисоботда баён қилинишича, одатда маҳаллий аҳоли ғўзани уч марта чопиқ қилишади, бироқ 1913 йилда уруғчилик пахта плантацияларида ғўзаикки марта чопиқ қилинган, чунки учинчи чопиқни вақти келганда, гуллаши олдида ғўза шунчалик баланд ўсиб кетганки, бу ҳолат отда культивация қилишгагина эмас, балки қўлда кетмон билан чопиқ қилишга ҳам имкон бермаган. Шу билан ғўзага ишлов бериш

¹ЎзР МДА, Фонд И-7, 1- рўйхат, 3311-йиғма жилд, 51-51об. варақлар.

²Вершок – 4,4 см га тенгузунликўлчови.

тамомланган ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ғўза3 мартадан 6 мартагача суғорилган.

Шунингдек, ҳисоботда келтирилган жадвалларда, ҳар учала плантациялар бўйича турли навли пахталарни ҳосилдорлиги кўрсатиб берилган.

Масалан, “Андижон” плантациясидаги пахта далалари етти та участкаларга тақсимланиб, учтасига Кинг, иккитасига Триумф, ва биттадан участкага Трайс ва Алленс навли пахта чигитлари экилиб, жами бўлиб, 469 пуд 09 фунт ҳосил олинган. Ушбу экинлар бир хил тартибда парвариш қилинган бўлсада, лекин Кинг ва Триумф навларидан кўпроқ ҳосил олингани, мазкур пахта навларини маҳаллий иқлимга тез мослашганлигини англатади. Масалан, уч марта терилганда, 1-чи участкага экилган Кинг навидан 105 пуд 33 фунт, Алленс навидан эса 28 пуд 34 фунт ҳосил олинган.

Шунингдек, “Ашурбек” плантациясидаги пахта далалари бешта участкаларга тақсимланиб, учтасига Кинг, иккитасига Триумф навли пахта чигитлари экилганда эса ҳаммаси бўлиб, 81 пуд 32 фунт ҳосил олинган. Кинг навидан кўпроқ ҳосил олингани ҳолати эса, бу навли пахтани маҳаллий шароитга тез мослашганини билдиради. “Қирмачи” плантацияси пахта далаларидаги олти та участкани, биттасига Кинг, иккитасига Триумф ва учтасига Трайс навлари экилиб, жами 276 пуд 21 фунт пахта ҳосили олинган. Мазкур плантацияда ҳам Трайс навига қараганда Кинг ва Триумф навларидан кўпроқ пахта ҳосили олингани ҳисоботда баён этилган¹.

Ҳар учала плантациялар, 1911 йилда зарур иш ҳайвонлари билан таъминланган ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда 1912 йилда янгилари билан тўлдирилган. “Андижон” плантациясида 1911 йилнинг куз фаслида ишчилар учун турар жой ва машиналар, меҳнат қуролилари, чигит, ўғитлар ва бошқаларни сақлаш учун иморатларни ўз ичига олган хўжалик биноси барпо этилган; “Қирмачи” плантациясида бўлса, 1912 йилни кузида инструкторлар келганда вақтинча яшайдиган хона, ишчилар учун турар жой, хўжаликнинг машиналари ва маҳсулотларини сақлаш учун омбор ва учта от учун оғилхона қурилган.

Барча плантацияларда етиштирилган пахта хом ашёсини 1-чи ва 2-чи терим ҳосилидан чигит олиш учун, Андижон шаҳрида жойлашган, “Владимир Алексеев” Саноат ва Савдо Ширкатига қарашли пахта тозалаш заводида, ҳар бир теримнинг Кинг, Триумф, Трайс навлари, алоҳида тозаланган. Пахтанинг нави, нечанчи терим экани, пуд ва фунт ҳисобида пахта хом ашёсини миқдори, қанча тола ва чигит олингани, алоҳида тузилган жадвалда акс этган. Масалан, биринчи терим Кинг

¹ЎЗР МДА, Фонд И-7, 1- рўйхат, 3311-йиғма жилд, 52-53об. варақлар.

навли пахта хомашёси 197 пуд 02 фунт бўлиб, ундан 59 пуд 23 фунт тола ва 133 пуд 14 фунт чигит олинган.

Айтиб ўтиш лозимки, 1914 йилда плантацияларни чигит билан таъминлаш, шунингдек сифатли чигитларга қизиқиш билдирган маҳаллий аҳоли ўртасида тарқатиш мақсадида, заводда пахтани тозалашда турли навли пахталардан олинган 439 пуд чигитни ҳар пуди 70 коп. дан сотиб олинган.

Мазкур плантацияларда 1913 йилда етиштирилган барча экинларнинг ҳосили, чоракорлар билан тузилган шартномаларга кўра, улар билан давлат ўртасида тақсимланган, хусусан, чорикорлар пахта ва маккажхорини 2/5 қисмини олишган. Масалан, ушбу масалада тузилган жадвалга кўра, “Андижон”, “Ашурбек” ва “Қирмачи” плантацияларида етиштирилган жами 823 пуд 24 фунт пахтанинг 494 пуд 6,4 фунти давлатга, 329 пуд 17,6 фунти эса чоракорларга тақсимланган.

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, уруғчилик пахта плантациялари, гарчи кичик далаларда жойлашган бўлсада, фақат моддий томондан анча фойда келтирадиган муассасагина бўлиб қолмасдан, шунингдек экиш учун юқори сифатли чигитни кўпайтирадиган муассаса ҳам ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари мамнуният билан бу чигитларни экиш учун сотиб олишгани ҳисоботда таъкидланади.

Инструктор Г. Николаевнинг 1913 йил учун ҳисоботга қўшимча хатида, “Андижон”, “Ашурбек” ва “Қирмачи” уруғчилик пахта плантацияларининг 1913 йилдаги даромадлари бўйича квитанцияларни у Дехқончилик Департаментининг даромадлар сметаси учун Андижондаги казначействога, яъни молия муассасасига топширганини маълум қилган. Масалан, 1914 йил 27-февралда казначейство томонидан берилган № 311923 сонли квитанцияга кўра, 494 пуд 6,4 фунт пахта хомашёси учун 1523 рубль 07 копеек даромад келтирилгани маълум бўлади. Худди шунингдек, чигит ҳамда кунжарани сотишдан ва қишлоқ хўжалик куроллари ижарага беришдан ҳам даромад олингани ушбу ҳужжатда ёритилган.

Дарҳақиқат, барча тажриба пахта станцияларида, плантацияларда америка пахта навларини иқлимлаштиришдаги оғирликлар асосан дехқонлар зиммасида бўлган. Уларнинг бой тажрибаларисиз пахтачиликни ривожлантириш амри маҳол эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, чор ҳукуматининг мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона водийсида

¹ЎзР МДА, Фонд И-7, 1- рўйхат, 3311-йиғма жилд, 56-57- варақлар.

²ЎзР МДА, Фонд И-7, 1- рўйхат, 3311-йиғма жилд, 57об.-58- варақлар.

³Зийёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: Шарқ, 2006. 85-бет.

пахтачиликни ривожланиши тарихини Ўзбекистон Республикаси Марказий давлатархивида сақланаётган “Туркистон ўлкасидаги зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси” фондидаги илгари илмий муомалага киритилмаган ҳужжатларни манба сифатида ўрганиш, келгусида ушбу масала юзасидан ҳолисона илмий хулоса лар чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЎЗМА МАНБАЛАРДА ВОБКЕНТ

Махфуза АБДУВАХАБОВА

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу райхон Беруний номидаги Шарқшунослик
институтини таянч докторанти*

Бухоро ер юзидаги қадимги шаҳарлардан биридир. Бухоронинг бунёд этилиши ҳақида мавжуд бўлган кўплаб афсоналар ҳам унинг қадимий шаҳар эканлигидан далолат беради. Бухоро қадимдан то ҳозирга қадар кўплаб вайронгарчилик юришлари билан бирга илм-фан ва маъданиятнинг ривожланишига ҳам гувоҳ бўлган. Ўтган асрда Бухоро воҳасини ўрганишга қизиқиш рус ва маҳаллий олимларимиз томонидан кескин кучайди. Бухоро шаҳрининг ёши, шаҳарсозлик ва қурилиш, деҳқончилик, хунармандчилик ҳамда диний-эътиқод масалаларини ўрганиш олимлар олдига кўплаб вазифаларни қўйди. Бухоронинг вилоят ва туманлари унинг таррақиётида муҳим аҳамият касб этган. Ана шундай туманларида бири – Вобкент бўлган.

Вобкент Бухоро амирлигининг асосий муҳим туманларидан бири бўлиб, ёзма манбаларда жуда кўп тилга олинган. У Бухородан 25 чақирим шимолда жойлашган ва қадимий маданиятга бой бўлган. Вобкент Бухоронинг энг қадимги давридан хонлик ва амирликдаги, муҳим иқтисодий-ижтимоий макон вазифасини бажарган. Вобкент тумани қадимшунос олимлар томонидан кўплаб тадқиқ этилган бўлсада, унинг қадимга тарихи алоҳида туман сифатида ўрганилган эмас. Ушбу мақолада туманнинг қадимий тарихи, маданий қатламлари ва тарихий ёдгорликларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Бухоро ва унинг вилоят ва туманлари бўйлаб археологик обидаларни тадқиқ этиб, ўлканинг қадимги тарихи зарварақларини тиклашда Я.Ғ. Ғуломов, А.Р Мухаммаджонов, В.А Шишкин, А. Асқаров ва бошқа кўплаб маҳаллий ва хориж олимларининг ҳиссаси катта.

Археологик текширувларнинг маълумот беришича, Вобкент тумани мил.ав. V асрда пайдо бўлганлиги ва одамларнинг бу ҳудудда ҳаёт

кечиргани топилмаълардан маълум бўлди. Кейинчалик бу ерда мустахкам қалъа қурилган бўлиб, бу қалъа XIII асргача мавжуд бўлган¹.

Бухоронинг шимолида-ғарбида жойлашган шундай кичик туманларидан бири Вобкент ҳам ўзининг кўп асрлик тарихига эга бўлиб, у мил ав II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошларида Зарафшон оқими аввалгига нисбатан анча сусайиб, Қоракўлнинг Замонбободаги ибтидоий деҳқонлари суви қуриб бораётган қадимги Гужайли ерларини ташлаб, Зарафшоннинг суви доимий оқиб турувчи ўзанлар атрофига кўчиб ўтишган. Олимларнинг фикрича улар ярим кўчманчи қабилалар бўлган. Вобкент тумани атрофларида кўхна Пойканд кўли атрофида эр ав V асрда Вобкентдарёнинг қадимги дельтасида Хўжазафарон қудуғи яқинидаги икки ерда кўчманчи келгинди чорвадорларнинг қолдиқлари, қабрлари топиб ўрганилган. Бу кўчманчи қабилалар Хоразм орқали келиб улар, ярим кўчманчи қабила бўлганлиги ва уларнинг авлодлари Енисей бўйларида – Андропова маданиятига оид эканлигини академик С.П. Толстов тасдиқлайди. Ярим чорвадор ва ярим кўчманчи қабилалар ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимили-ғарбий қисмларига Қизилтепа ва Вобкентдарё адоғларига томон силжигани кузатилади. Варахша маданиятидан 20 км ғарбда, Боштепа гуруҳи номи билан машҳур ёдгорликлари атрофида Боязид шаҳар ҳаробасининг остки қатламидан топилган бўлиб, сўнгги жез даври топилмалари Вобкент шаҳарининг нақадар бой маданиятга эга эканлигини яққол далилдур². Археологик текширувларнинг маълумот беришича, Вобкент тумани мил.ав V асрда пайдо бўлганлиги ва одамларнинг бу худудда ҳаёт кечиргани топилмалардан маълум бўлди. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмидан оқиб ўтувчи Вобкентдарё, Мохондарё, Гужайли, ва Гурдуш ўзанларининг қадимги делталаридаги ёйилмаларининг тақирлари устида ҳар томондан сочилиб ётган мезолит (мил ав XII-VII минг йиллик) ва неолит (мил ав V-III минг йилликлар) даврларининг микролит (майда тош) қуролларига қараб фикр юритилса, Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида мил. ав даврларга оид ҳаёт гавжумлигини кўришимиз мумкин³.

Вобкент шаҳри Бухоро туманларидан биридир. Вобкентда XII аср Ўрта Осиё меъморчилигининг нодир дурдонаси – салобатли минора қад кўтариб турибди. Минора мазкур ернинг Ўрта Осиё маданий марказларидан бири бўлганлигидан дарак беради. Ушбу минора ўрта асрларда Бухоро марказидан туташувчи худуд бўлиб, ушбу туман хонлик даврида муҳим иқтисодий макон бўлганлигидан далолат беради. X асрда яшаган Вобкентлик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршахийнинг

1. Абдураимов 1983, Б. 148-150.

2А.Р. Мухаммаджонов. Бухоро шаҳри 2500 ёшда. – Т., 1998. – Б. 33-35

3Ўша асар. – Б. 17-18.

“Бухоро тарихи” китоби ўрта асрлар Бухоро тарихига оид энг қимматли маълумотни ўрганишда асосий манбалардан бири ҳисобланади. Бу асар, асосан Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида ислом динининг тарқатилиши (VIII аср) ва ундан бевосита кейинги даврлар ҳамда IX—XII асрлардаги Бухоро ва унга яқин шаҳар-қишлоқлар халқларининг иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий тарихига оид муҳим маълумотларни ўз ичига олган ва бу ҳол «Бухоро тарихи»нинг қимматли бош манба сифатида тарих фанида зўр шуҳрат топишига асос солган.

Вобкент атрофида баъзи қишлоқ-қўрғонлар бўлган бўлиб, улар муайян тарихий даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамият касб этган. Шундай қишлоқлардан бири Вобкентнинг ғарб томонида жойлашган Наршах (XIX аср хужжатларида Нарчоқ) қишлоғидир. Атоқли муаррих Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан Наршахий (899-959) шу қишлоқда таваллуд топган. Наршах қишлоғи Муқанна кўзғалонида асосий марказлардан бири бўлган.

XIV аср баъзи манбаларида ва XVI асрдан бошлаб Вобкент икки ном – Вобкана - Камот деб юритила бошлаган. XVII асрнинг тарихчи олими Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” китобида Вобкент тумани номи Камот шаклида келтирилади¹. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири Мужрим Обид Вобкентдан бир неча чақирим шарқда жойлашган Кумушкент қишлоғидан бўлган.² XIX асрнинг иккинчи ярмига оид вақф хужжатларида келтирилишича, Комот (Вобкент) туманидаги Нарчоқ (Наршах) қишлоғида ҳунармандлар кўп бўлган. Вобкентда қадимий мадраса, хаммом бозор масжиди, Вобкент қўрғони каби тарихий обидалар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланмаган.

Наршахийнинг маълумотларига қараганда Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақида гапирилганда айрим қишлоқларни жумладан, Варахша, Ромитан, Ромуш (Ромуш қишлоғи Вобкентда жойлашган) ва Пойкент қишлоқларини Бухородан ҳам қадимийроқдур деб таърифлаган. Шаҳар “Қалъайи Дабусий” -Дабусий қалъаси бўлиб, шаҳар деб шуни айтар эдилар дейилади.³ Наршахий асарларини ўрганганда, машҳур археолог Шишкиннинг Бухоро воҳасидаги тадқиқотларида Наршахийнинг кўрсатмалари тўлиқ мос келишини таъкидлайди.⁴ Асарда асосан Бухоро воҳаси туманлари ва у ердаги ариқ канналарга ойдинлик киритилган. Бухоро воҳасида мураккаб ва сочилиб кетган ирригация тармоқлари бор. Дарёнинг ўнг қирғоғи Жилвон, Шопурком, Султонобод, Пирмаст,

¹ДўсимовЗ.,ЭгамовХ. Жой номларининг қисқачаизоҳли луғати. – Тошкент, 1977. – Б. 40.

² Энциклопедия. – Б. 483.

³ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи .2- китоб. – Тошкент, 1978. – Б. 204.

⁴Баракаев Ж. Ҳайдаров Й. Бухоро тарихи. – Тошкент., 1991. – Б. 15.

Харқон-Руд, қуйи Ҳарқон-Руд, Мозоронгон, Вобкент-дарё, (Хитфар, Гаухитфар) ва Ҳайрабод каналари жойлашган. Чап қирғоғида эса Ками-Абу Муслим, Жонавордор, Коми-Зармитон, Шоҳруд, (Шахар-руд, Руди-Шахар) Янги-арик, (Бехбудамин) Пойканд, ва Қорақўл-дарё эса Зарафшоннинг пастки қисмида бўлиб юқоридаги ариқларни ҳам майда ариқлар ҳосил қилиб уларнинг баъзилар хатто катта каналларни ҳам ташкил этган. Шунингдек воҳада 1973-74 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики Қалқонота, Конимех ва Варахша атрофида хом ғиштлардан қурилган улкан бино, кўп хоналардан иборат бўлган қишлоқлар ҳаробаси топилган бўлиб, суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқлар мил.ав V асрда Конимех ва Вобкент туманидаги дарёлар ўзанида қад кўтарганлиги келтирилади.² Наршахий Бухорони ёшани аниқлаш билан бирга, у ўз асарларида Вобкент атрофидаги деҳқончиликка асосланган ҳудудларни ҳам жуда қадимийлигини алоҳида кўрсатиб, 2300 йилга тенг эканлигини таъкидлайди (мил ав IV аср охири III аср бошлари).

Ўрта асрларда Вобкент шаҳри ва қишлоқлари ҳақидаги маълумотларни ўрганганимизда асосий манба Наршахийнинг асарларидан, шунингдек сайёҳларнинг эсдалик китобларидан унинг нақадар Бухоро тарихидаги ўрни ва аҳамиятини, шаҳар иқтисодий-ижтимоий ҳаётида катта рол ўйнаганини кўришимиз мумкин. Ромитан бу мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир. Баъзи китобларда бу қишлоқни Бухоро деб атаганлар. Бу қишлоқ қадим даврларда подшоҳларнинг тузар жойлари бўлган, кейинроқ эса Бухоро шаҳри бино бўлгандан кейин, подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар. Бу ерлар ислом давлатига ўтгандан ҳам шундай бўлиб турган. Марҳум Абу муслим Бухорога келганида шу қишлоқда турган. Бу қишлоқда Афросиёб бино қилган. Афросиёб ҳар вақт бу вилоятга келганида шу қишлоқдан бошқа жойда турмаган. Форсийларнинг китобларида айтилишича Афросиёб икки минг йил яшаган. У жодугар бўлиб, Нуҳ подшоҳнинг болаларидандир. У ўзининг Сиёвуш номли куёвини ўлдирган. Сиёвушнинг Кайхусрав номли ўғли бўлиб, у отасининг қонини талаб қилиб кўп лашкар билан бу вилоятга келганида Афросиёб шу Ромитан қишлоғини ҳисор қилиб турган. Кайхусрав шу лашкари билан икки йил шу ҳисор атрофини ўраб турди ва унинг рўбарўсига бир қишлоқ бино қилиб, у қишлоқни Ромуш деб атади. Уни яхшилигидан Ромуш деганлар. Бу қишлоқ ҳозиргача ободондир. Кайхусрав Ромуш қишлоғида оташпарастилик ибодатхонасини курди; оташпарастиларнинг айтишларича бу ибодатхона Бухородаги

¹Шишкин.В.А. Варахша. – М., 1963. – С. 14.

²Ўшаасар. – Б. 11.

оташпараствлар ибодатхоналаринг энг қадимийсидир. Кайхусрав икки йилдан кейин Афросиёбни тутиб ўлдирди¹. Афросиёбни қабри ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, у Бухородаги Маъбад дарвозасида Хўжа имом Абу Ҳафс Кабир тепалигида дейилади. Юқоридаги маълумотларда Наршахий икки қишлоқни таъкидлаб ўтган бўлиб, Ромуш қишлоғи Камот тумани таркибида бўлганлигини Ивановнинг “Хозийство Джуйбарских шейхов” китобида тилга олинади. Кейинчалик бу қишлоқни Ромин деб ҳам атаганлар.

Вобкент XIV аср ҳужжатларида ўз қозисига эга бўлган қасаба, яъни шаҳар сифатида Вобкент номи билан тилга олинади².

XIV аср бошларига оид бўлган ҳужжатларда Вобкана атрофидаги айрим қишлоқларнинг номилари, бир-бирига нисбатан жойлашиши, тепаликлар, ариқлар қайд этиладики, уларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган. Тарихий ҳужжатлар ёрдамида бу ерда мавжуд бўлган суғориш системаси ва унинг даражаси, суғориш иншоотлари тўғрисида тасаввурга эга бўламиз. Ҳужжатларнинг дарак беришича Вобкент дарё ҳавзасида Ком-и Акка номли йирик суғориш магистрали бўлиб, у Вобканадан қуйи томонда жойлашган ерларни, аҳоли пунктларини суғориб турган асосий сув манбаларидан бири бўлган. Ҳозирги пайтда униси ҳам буниси ҳам мавжуд эмас. Бу ариқнинг узунлиги 2 минг газ, эни 8 газ бўлган. Мазкур ариқ Косаро (Вобкент ниҳояси Энгельс номли жамоа хўжалиги территориясида) қишлоғи чегарасидан ўтган. Шунинг учун бўлса керак бу қишлоқ хосилдор ерларга бой эди. Ҳужжатларнинг шоҳидлик беришича, қишлоқ атрофида икки тапа (талл) бўлиб, улар Сухохдиза ва Жихондак деб аталган. Таассуфки бу тепалар бизгача етиб келмаган. Ҳужжатларнинг яна икки канал тилга олинади: Ширин ва Шорохун. Бу каналлар атрофида Расподана, ҳозирги Ростбада (Вобкент ниҳояси, Энгельс номли жамоа хўжалиги тарриториясида) Башвон қишлоқлари жойлашган эди. Шунингдек, ҳужжатларда Бузундувон ариғи ва шу номдаги, Кафшувон, Дулобак, Габздавон, Анбардувон қишлоқларининг номлари тилга олинади.

Ҳужжатларда Вобкент музофотидаги катта қишлоқлар сифатида Кўшк-и Осиё ва Роҳкана (Вобкент ниҳоясида, Пахтакор жамоа хўжалиги худудидаги Роҳкент) қишлоқлари қайд этилиб, бу қишлоқлар атрофида еттита тепа жойлашганлиги кўрсатилинган. Тепалардан бири Талл-и Кўшки Осиё деб аталган ва аҳоли пункти вазифасини ўтаган. Унда ўз турмуш тарзига эга бўлган бир неча хўжалик истиқомат қилган тепалик устида мачит ва бошқа хўжалик иншоотлари жойлашган. Тепа атрофи эса боғ билан ўралган. Қолган тепалар қуйидаги номлар билан аталган:

¹ Ўша асар. – Б. 15.

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршахий. Бухоро тарихи. – Т., 1966. – Б. 23.

Талл-и Кури , Талл-и Зукон, Талл-и Асбак, Талл-и Курон, Талл-и Винан, Талл-и Хавсан. Бу тепалар ҳозир мавжуд эмас. Тепа номлари билан бирга Шарикон ариғи ҳам тилга олинади. Кўшк-и Осиё ва Роҳкана қишлоқлари яқинидан Сепулони роҳи Вобкана номли катта йўл ўтган. Бу номнинг ўзи уч кўприкдан иборат бўлганлигига ишора қилади.

Зарафшоннинг пастки қисмидаги машҳур қадимий шаҳарлар: Бухоро, Ромитан, Пойканд, Варахша, Вобкент, Зандана, Кармина, ва бошқалар. Ушбу қадимий шаҳар Ўрта асрларда ҳам тез-тез тилга олинади. Шунингдек ёзма манбаларда ҳам бу шаҳарлар кичик бўлишига қарамасдан бой ва кучли бўлиб пойтахт вазифасини бажаргани ҳам таъкидланади. Бухорхудотлар даврида ҳам ушбу шаҳарлар иқтисодий ва ижтимоий марказ бўлган².

XIV асрга оид ҳужжатларида Вобканадан (баъзи ҳужжатларда шундай номланган) жануб томонда жойлашган Шарохун ариғи атрофида жуда кўп боғлар бўлиб, улар узум, анор ва гилосзорлардан иборат эди. Бу боғлар асосан шу боғнинг эгаси ёки яқин кишиси номига қўйилган бўлиб, уларнинг номлари билан аталган. Масалан: Боғ-и Бурхоншоҳ, Боғ-и Мардоншоҳ, Боғ-и Камолиддин, Боғ-и Ядишол ва ҳ.з. Роҳкана қишлоғи яқинида жойлашган боғ Боғ-и хонақоҳ деб аталиб, беш қисмдан иборат бўлган ва ҳар бир боғ учун махсус боғбон тайинланган. Боғлар атрофида кичик ҳовузлар ҳам бўлган.

Вобент атрофида жойлашган ерлар ва қишлоқлар XIII-XIV асрга оид манбаларда учрайди. Жуйбор хўжалари ушбу давларда катта иқтисодий ва сиёсий қудратга эга бўлган бўлиб, ер сотиб олиш ҳақидаги ҳужжатларда асосан учратишимиз мумкин. Жуйбор хўжаларининг ер сотиб олиш тўғрисидаги ҳужжатларида Вобкент атрофида жойлашган Муғиён, Анжир фағона, Қасри Халифа, Хамриён, (кейинги учтаси ҳозир мавжуд эмас), Ромитан (ҳозирги Роми) қишлоқларидаги ерлар ва бир неча сув тегирмонлари хижрий 973 (милодий 1565) йилда Жуйбор хўжаларининг йирик вакили Хўжа Саъд (1530-1589) томонидан сотиб одинганлиги маълум бўлган. Жуйбор хўжаларидан кўпчилигига каттагина ер ховлилари ва хаттоки бутун бир қишлоқ ином эътилганлиги ҳақида ҳужжатларда айтилади. Масалан: хижрий 975 йил (милодий 1567/68 милодий) хўжаларидан бир қанчаси Когон қишлоғида ва хижрий 972 йил (милодий 1565/66йил) бутун бир Муғиён қишлоғини (Вобкент туманида жойлашган) қишлоқлар уларга тегишли бўлган³.

¹Тўраев Ҳ. Вобкент тарихий манбаларда // Шарқшунослик № 3. - Т., 1992. – В. 17-21.

² Из истории культурного наследия Бухары. (7 выпуск) – Бухара, 2001; Ш.Т. Адылов. Д.К. Мирзаахмедов. Куган Варданзи и его Округа. – 67 с.

³Ўшаасар. – Б. 58.

Ёзма манбаларнинг илмий муомалага тортилиши муайян бир туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишга ёрдам берибгина қолмай, у бутун бир туман мисолида бутун Бухоро тарихини ўрганилишида жуда катта аҳамият касб этади. Вобкент тумани қадимдан мил.ав даврлардан то сўнгги ўрта асрларгача хунармандчилик, савдо–сотик , иқтисодий- ижтимоий ва маданий марказ сифатида ўзининг аҳамиятини йўқотмай келган. Тарихий ҳужжатлар ва археологик изланишлардан маълумки Бухородан оқиб ўтувчи дарё ирмоқлари ҳам шу макондан кесиб ўтганлиги ҳам ушбу ҳудудни нақадар муҳимлигидан далолат беради.

HOFIZI ABRU VA UNING ILMIY MEROSIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR

Fayzullo FAROMARZI

*tayanch doktorant, O'zR FA Abu Rayhon Beruniy
nomidagi Sharqshunoslik instituti*

Tarixdan ma'lumki, Amir Temurning sayu-harakatlari bilan Samarqand qaytadan tamaddun markazlaridan biriga aylandi va Sharqning yetuk ilm-fan ulamolari bu shaharda to'planib, moviy bayroq homiyligida sermahsul ijod qildilar. Amir Temur solnomanavis baxshilar va muarrixlarga alohida e'tibor berar, futuhotlarini tarix sahifalarida qoldirish maqsadida, harbiy harakatlar davomida ularni o'zi bilan olib yurar edi. Buning natijasi o'laroq, tarixchi olimlar tomonidan ko'plab tarixnomalar yozildikim, o'sha davr tarixinining barcha jabhalarini yoritishda biri ikkinchisini to'ldirishga xizmat qiladi. Quyida o'zining tarixiy va tarixiy geografik asarlari bilan shuhrat topgan ushbu davr namoyandalaridan biri Hofizi Abru va uning ilmiy merosi haqida so'z yuritiladi.

Hofizi Abru nomi bilan tanilgan XIV-XV asrlarning yirik tarixchi va geograf olim Shihobiddin ¹ Abdulloh ibn Lutfulloh ibn Abdurrashid al Bihdodiniy al Xavofiy Xuroson markazi Hirotga qarashli Xavofning Behdodin nomli mavzesida hijriy 763² (m.1361-1362) yilda tug'ilgan, Hamadonda tahsil

¹ Abdurrazoq Samarqandiy (1413-1482) uning ismini Nuriddin Lutfulloh deb yozadi (Qarang: Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд биринчи қисм. – Тошкент, 2008. Б. 483). Хондамир (1475-1534) ham uni Mavlono Nuriddin Lutfulloh deb qayd etadi. (Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. – Тошкент, 2013. Б. 469). Fasih Xavofiyga (1375-1443) ko'ra muarrixning ismi Shihobiddin Abdulloh bin Lutfulloh bin Abdurrashid Xavofiydir (Фасих Ҳавофий. Мужмали Фасихий. – Тошкент, 2018. Б. 281).

² Hofizi Abruning tug'ilgan yili haqida o'zi va zomondoshlarining asarlarida ma'lumot uchramaydi. Ayrim tadqiqotlarda bu hijriy 766 sanasi bilan qayd etilgan. Yana qarang: مایل هروی. مقدمه. جغرافیای حافظ ابرو (قسمت ربع خراسان هرات). – تهران ' ۱۳۴۹/۱۹71. ص ۹. Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан, История.

olib, hijriy 833¹ yilning 3 shavvol (m. 1430yil 24-iyun) oyida Zinjonda vafot etgan. Shihobiddin Abdulloh yoshligidanoq Qur'on, hadis, tasavvuf, tarix, jug'rofiya ilmlarini qunt bilan egallash bilan birgalikda, xushnavis mirzo, taniqli muhandis, ilg'or diplomat va mohir shaxmatchi sifatida tanilganligi o'z asarlari va zamondoshlarining esdaliklaridan ma'lum.

Muarrix asarlarida o'zini Hofizi Abru taxallusi bilan tanilgan, Abdulloh bin Lutfulloh bin Abdurrashid al Bihdodiniy nomi bilan qayd etadi². Demak, Abdurrazzoq Samarqandiy va Xondamir uni yanglish ravishda otasining ismi bilan Lutfulloh deb atashadi. Uning asl ismi Abdulloh bo'lib, manbalarda kelgan Nuriddin va Shihobiddin kabi nomlar unga hurmat yuzasidan zamondoshlari tomonidan ismiga qo'shib aytilgan³. Ayrim tadqiqotchilar muarrixning Hamadonda tahsil olib shuhrat topganligiga nisbat berib, uni Hamadoniya deb qayd etganlar⁴. Abdurrazzoq Samarqandiy olimni "...tug'ilgan joyi bo'yicha Hiraviy..."⁵, Fasih Xavofiy esa "...Xavofiy" deb yozadi, lekin, muarrixning o'zi tu'gilgan joyini yuqorida qayd etilganidek Bihdodin deb qalamga oladi⁶.

Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Ташкент, 1998. – Б. 40; معصومه حافظ ابرو. (دانشنامه جهان اسلام). // [https://rch.ac.ir/article/xDetails/9351.\(10.02.2020\)](https://rch.ac.ir/article/xDetails/9351.(10.02.2020));

¹ Abdurrazzoq Samarqandiy Hofizi Abruining vafoti sanasini 834 yil shavvol (1431 y., 12 iyun – 10 iyul oraligi) deb yozadi (Qarang: Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Б. 483). Xondamir ham bu fikrni tasdiqlaydi (Qarang: Habib us-siyar. В. 469). Lekin, Fasih Havofiy uni 833 yil shavvol oyining uchinchi kuni yakshanbada (1430 y., 24 iyun) vafot etgan deb qayd etagan. "Mujmali Fasihiy"da Hofizi Abru haqidagi berilgan ma'lumotlar to'g'ri, zero, bu ikki tarixchining Mirzo Shohrux saroyida salkam 25 yil birga xizmat qilganlari hamda yaqin do'stona munosabatda bo'lganlari ma'lum. Abdurrazzoq Samarqandiy esa Hofizi Abru vafot etgan sanada endigina 18 yoshga to'lgan va hali saroy xizmatiga o'tmagan edi.

² Bu haqda qarang: Хофиз Абру. Шомийнинг "Зафарномаи шоҳий" асарига илова. // Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" китобида. – Тошкент, 1996. Б. 380.

³ V.V. Bartold "Hofizi Abru va uning ilmiy merosi" nomli maqolasida Hofizi Abruining ismini Shihobiddin ekanligini qayd detib, Abdurrazzoq va Xondamir asarlarida Nuriddin deb keltirilishi xato ekanligini yozadi (qarang: Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Сочинения. Т. VIII. М, 1973. С. 75 и 600). Bu xulosa Fasih Havofiyga tayanib chiqarilgan, Lekin, Nuriddin (Din nuri) va Shihobiddin (dinning yorqin yulduzi) nomlari Hofizi Abruining ismi emas, balki, taxallusidir. E'tibor beradigan bo'lsak, bu ikki so'z mazmunan bir-biriga yaqin so'zlar hisoblandi.

⁴ Yana qarang: Ali Akbar Dehxudo. Lug'atnoma. تهران، - لغتنامه. - علی اکبر دهخدا. 1994/۱۳۷۲، ج. ۴. ص. ۷۴۸۲.

⁵ Qarang: Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Б. 483.

⁶ Hofizi Abruini joyga nisbatan Hiraviy (Hirot), Hamadoniya, Xavofiy, Bihdodiniy deb turlicha atalishi davr nuqtai nazaridan tabiiy hol albatta va bu muhim emas. Negaki, Geografik joylashuvi jihatidan barchasi Xuroson tarkibidagi hududlar hisoblanadi. Lekin, muarrixning o'zi ta'kidlaganidek uni Bihdodiniy deyish to'g'riroq bo'lardi.

Tarixchi olimning ilmiy merosi borasidagi tadqiqotlarni o'rganib, tahlil qilish natijasida uning Hofizi Abru taxallusi bilan atalishi etiborimizni tortdi, zero, bu haqdagi ma'lumotlar haligacha munozarali bo'lib kelmoqda. Ayrim adabiyotlarda tarixchiga Hofizi Abru taxallusi uning el orasida ulama qoshli xushsurat shaxs sifatida tanilganligi etiboridan berilgan deb qayd etiladi va bunga Usmonli turk sultonlaridan birining shu etibordan "Qoraqosh" laqabi bilan tanilganligi dalil sifatida ko'rsatiladi¹. Albatta, "Abru" (ابروي *yoki* ابرو) so'zi fors-tojik tilida "qosh" ma'nosini bildirishi ma'lum. Lekin, o'z zamonasining yetuk ulamosiga uning chiroyga nisbatan nom berish biroz haqiqatdan yiroq.

Hofizi Abrug Xurosonning Abri (ابري) nomli mavzesida tu'gilganligi bois shu nom berilgan degan fikr ham bor². Ammo, muarrixning Behdodinlik ekanligiga yuqorida dalil keltirildi.

Tarixchi Qur'on va hadis ilmining sohibi bo'lganligidan Hofizi Abru nomi bilan shuhrat topgan degan fikrga ko'pchilik olimlar ittifoq qilganlar³. Albatta, Qur'on hofizlarining ismiga "Hofiz" so'zi qo'shib aytiladi. Biroq, olim bu ikki ilmdan tashqari avvalo mirzolik va muarrixlik bilan tanilgan edi. Shuningdek, manbalardan Amir Temurning taniqli diplomati, xos shaxmat-chisi bo'lgani qayd etilgan. Boz ustiga, Naqshbandiya tariqati pirlaridan shayx Ne'matulloh Vali bilan yaqin do'st bo'lganligi ma'lum. Demak u tasavvuf ilmidan ham boxabar bo'lgan, shunday ekan, olimning faqatgina ikki ilm bilan shuhrat topganligi haqidagi fakt Hofizi Abru nomining mohiyatini to'liq ochib bermaydi.

"Hofiz"- so'zi ilmning biron-bir sohasini qunt bilan o'zlashtirgan shaxslarga nisbatan qo'llaniladi, shuningdek, xonandalar va muhofiz (himoyachi)larga nisbatan ham. "Abru" so'zini esa "qosh" ma'nosida kelishi ta'kidlandi. Qoshning juft bo'lish xususiyati jihatidan Hofizi Abruni juft ilm (ya'ni Qur'on va hadis ilmlari) hofizi deyish mumkin. Lekin, "Abru" so'zi ilmiy muomalada, qo'lyozma matnida kelayotgan fikrni to'ldirish maqsadida, satr ustiga yoki ostiga qo'yiladigan qoshsimon belgiga ("}") belgisining yotiq holati) nisbatan ham ishlatiladi va qo'shimcha, izoh, ilova, zayl ma'nolarini bildiradi⁴. Bugungi kunda biz ushbu belgini "(), {}, []" shakllarida fikrimizni to'ldirish maqsadida ishlatamiz, aynan manashu belgilar orqali fikrga qo'shimcha qilish fors-tojik tilida "Abru" deyiladi. Ushbu termin muomalada

1 Yana qarang: Hofizi Abru. Zubdat at-tavoriz. (مقدمه' تصحيح و. حافظ ابرو. زبدة التواريخ. تعليقات: سيد كمال حاج سيد جوادى. (ج. ۱). - تهران ' ۱۳۷۹/۲۰۰۱. ص. ۱۵.

2 O'sha joy.

3 Qarang: Ali Akbar Dehxudo. Lug'atnoma. ج. ۱۳۷۲/۱۹۹۴، تهران، - لغتنامه. - علی اکبر دهخدا. حافظ ابرو. زبدة التواريخ. (مقدمه' تصحيح و تعليقات: Hofizi Abru. Zubdat at-tavoriz. ج. ۱). - تهران ' ۱۳۷۹/۲۰۰۱. ص. ۴; ۷۴۸۲. سيد كمال حاج سيد جوادى. (ج. ۱). - تهران ' ۱۳۷۹/۲۰۰۱. ص. ۱۴.

4 Yana qarang: فرهنگ بزرگ سخن. دکتر حسن انوارى. - تهران، ۱۳۷۲/۱۹۹۴، ج. ۱. ص. ۲۱۵.

ko'proq fransuz tilidagi "accolade" so'zi bilan ham ifodalanadi. Zamonaviy fors tilida bu ikki so'z bir ma'noda ishlatiladi.

Yuqoridagi ma'nolardan va Hofizi Abruning Mirzo Shohrux topshirig'i bilan yozgan ilk ikki asari "Zayl" ("Zayli jome' at-tavorixi Rashidi" va "Zayli Zafarnoma-i") ekanligini inobatga olsak muallifning "Hofizi Abru" ya'ni "Zayl ilmini hifz qilgan" shaxs ekanligi ma'lum bo'ladi. Demak, u o'zidan oldingi muarrixlarning mashhur tarixnomalariga keyingi asr voqealarini ilova qilgan va ularni to'ldirgan shaxs sifatida shuhrat topganligi boisidan Hofiz-i Abru (Abru ilmining hofizi) nomini olganligiga dalolat beradi¹.

Hofizi Abru Amir Temur bayrog'i ostidagi barcha hududlarga sayohat qilganligi uning "Jug'rofiya" asari orqali ma'lum². Olim darbordagi ilk fa'oliyatini taxminan 1380 yildan mirzolik³ bilan boshlagan, zero, uning o'zi hijriy 788 (m. 1386/87) yilda Amir Temurning topshirig'i bilan maktub bitganligi haqida yozadi⁴. Shuningdek, Xondamir uni "... Amir Temur Go'ragon ul fozilga nisbatan ko'p iltifotli edi, va uni hamisha o'zining xos o'tirishlariga chaqirib, uning ko'ngil roziligini topardi..." deb qalamga oladi. Yuqoridagi ma'lumotdan muarrixning dorussaltanada o'z o'rniga ega olim bo'lganligi ko'rinib turibdi. Bundan tashqari, Hofizi Abru Amir Temurning harbiy yurishlarida⁵, elchilik aloqalarida⁶, bunyodkortlik ishlarida⁷ o'z hissasi bilan ishtirok etganligi "Zubdat at-tavorix" asari orqali ma'lum.

Bugungi kunda Hofizi Abruning quyidagi 11 ta asari bizga ma'lum: 1. "Zayli Jome' at-tavorix-i Rashidiy"⁸ (Rashiddinning "Jome' at-tavorix" asariga ilova); 2. "Zayli Zafarnoma-i Shomiy"⁹ (Nizomiddin Shomiyning

¹ Bu fikr Shihobiddin Abdullohning Qur'on va hadis olimi ekanligini rad etmagan holda, faqat Hofizi Abru nomining ma'nolarini tahlil qilgan holda aytildi.

² "Jug'rofiya" asarining Tehron nashri muqaddimasida, noshir Sodiq Sujodiy muarrixni hijriy 777-778 (m. 1375-1377 yillar oralig'i) yilgi sayohatlarida Amir Sohibqiron bilan birga bo'lganligini qayd etadi. (Qarang: .۱۷ ص. ۱. ج. ۱۹۹۷/۱۳۷۵، تهران، - جغرافيا. - حافظ ابرو. جغرافيا. - تهران، ۱۹۹۷/۱۳۷۵، ج. ۱. ص. ۱۷.)

³ Mirzolik lavozimiga bir necha tillarni biladigan, xushnavis va ilmi kishilargina tainlangan.

⁴ Hofizi Abru. Zubdat at-tavoriz. (مقدمه تصحيح و تعليقات: سيد كمال حاج حافظ ابرو. زبدة التواريخ. سيد جوادى. (ج. ۱). - تهران، ۲۰۰۱/۱۳۷۹. ص ۱-۱۵.)

⁵ Hofizi Abru Amir Temurning oxirgi 25 yillik harbiy yurishlarining barchasida tarixchi sifatida ishtirok etib, voqealarni yozib brogan.

⁶ Muarrix Amir Temurning elchilari safida Usmonli Turk Sultoni Yildirim Boyazid huzurida bo'lganligi ma'lum.

⁷ Baylaqon shahrini sug'orishga xizmat qiluvchi Baylaqon anhorining qurilish ishlarida bosh muhandis bo'lgan.

⁸ Bu asar Xonbobo Bayoniy tomonidan Eronda 1939-yilda nashr etilgan va ushbu nashr E.R. Talishxanova tomonidan 2011-yil Qozonda rus tiliga o'girilib chop etilgan. Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida asarning fotokopiya nusxasi mavjud.

⁹ Bu asar o'zbek tiliga Omonullo Bo'riev tomonidan tarjima qilingan. Qarang: Хофиз Абу. Шомийнинг "Зафарномаи шоҳий" асарига илова. // Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" китобида. - Тошкент, 1996. Б. 380-404.

“Zafarnoma”siga ilova); 3. “Torixi Ol-i Muzaffar” (Muzaffariylar xonadoni tarixi); 4. “Torixi muluki Kart” (Kart mulki tarixi); 5. “Tarixi amiroyi Sarbadoriya” (yoki “Sarbadoriya va haqiqati kori eshon”); 6. “Podshohiye Tog’o Temur va Podshohiye Amir Vali”; 7. “Torixi Shohrux Mirzo”; 8. “Torixi Amir Arg’unshoh” 9. “Jug’rofiya” (yoki “Torixi Hofiz Abru”); 10. “Torixi hazrati Sohibqironi”; 11. “Majma’ at-tavorixi Sultoniya” (yoki “Zubdat at-tavorixi Boysung’uriy”). Ushbu asarlarning deyarli barchasi muallif tomonidan Mirzo Shohrux xizmatida bo’lgan davrida kitobat etilgan.

Hofizi Abruning asarlari bugungi kunda dunyoning ko’plab kutubxonalari va qo’lyozma fondlarida mavjud. Xususan, Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti fondida ham uning № 5361 inventar raqami ostida “Jug’rofiya” (“Tarixi Hofiz Abru”) asarining nusxasi saqlanadi. Institut fondida yana bir № 4078 raqamli qo’lyozma ham mavjud bo’lib u ko’pchilik kataloglar va adabiyotlarda yanglish ravishda “Zubdat at-tavorix” deya keltiriladi. Tekshirish natijasida ushbu nusxa Shohrux Mirzoga bag’ishlab yozilgan tarixiy majmua “Torixi Shohrux Mirzo”² ekanligi ma’lum bo’ldi. Yana shuni ham ta’kidlab o’tish kerakki, Hofizi Abruning barcha asarlari tarixiy (“Jug’rofiya”dan tashqari) mavzudlarda bitilganligi uchun ko’pchilik tadqiqotchilar ularning nomlarini adashtirishadi. Masalan, “Jug’rofiya” asari aslida muallif tomonidan nomlanmagan va u “Tarixi Hofiz Abru” deb ham yuritiladi. Ba’zan, “Majma’ at-tavorix” asarini ham shu nom bilan atalishi ko’zga tashlanadi.

Hofizi Abruning ilmiy merosini o’rganishga doir dastlabki ilmiy izlanishlar G’arbda va rus tarixshunosligida ayrim sharq manbalarini tadqiq va tarjima qilish bilan bog’liq holda H.M Elliot (1808-1853) va J. Dovson (1820-1881)³, Ch.A. Storey (1888-1968)⁴, V.V. Bartold (1869-1930)⁵, Yu.E. Bregel, (1925-2016)⁶ tadqiqotlarida o’z aksini topgan.

¹ O. Bo’riev tomonidan Hofizi Abruning geografik ilmiy merosi o’rganilib, nomzodlik dissertatsiyasi, monografiya, risola va ilmiy maqolalar orqali ma’lum qilingan. Qarang: Бўриев О. Географические сведения в трудах Хафиз-и Абру: Дисс. ... кан. истор. наук. – Т., 1988. 195 б. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Тошкент, 2017. Б. 350.

² Ushbu № 4078 inventar raqamli qo’lyozma Riqo’ xatida bitilgan bo’lib, tuzilish tartibi va paleografik belgilaridan avtograf nusxa ekanligi taxmin qilinadi.

³ Elliot and Dovson. History of India, IV, London, 1867-77, p. 1-5

⁴ Storey. C.A. Persian literature. A biobibliographical survey by Storey C.A. Vol. I, section II, London, 1927.

⁵ Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Сочинения. Т. VIII. М, 1973. С. 74.

⁶ Стори Ч.А. Персидская литература (Биобиблиографический обзор, перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Е. Брегель). Т. I. – Москва, 1972. С. 41-49.

Eronlik olimlardan Sadre Afshor (1935-2019)¹, Xonbobo Bayoniy (1910-1997)², Zabihullo Safo (1912-2000)³, Ali Akbar Dehxudo (1879-1956)⁴lar o'z taqdimotlarida Hofizi Abruning ilmiy merosiga qisman izoh berganlar. Sayid Kamol Hoj Sayid Javodiy (1952 yilda tug'ilgan) esa, muarrixning "Zubdat at-tavorix" asarini 1994⁵ va 2001⁶ yillarda ikki marotaba izoh va ko'rsatgichlar bilan Tehronda nashr etgan.

O'zbek olimlaridan A. O'rinboev⁷, B. Ahmedov⁸, D. Yusupova⁹, O. Bo'riyev¹⁰lar o'zlarining ilmiy ishlarida Hofizi Abru va uning "Zubdat at-tavorix" asaridan iqtibos keltirganlar, shuningdek asardan parcha tarjimalar ham amalga oshirilgan. Ayni damda usbu maqola muallifi tomonidan "*Hofizi Abruning "Zubdat at tavorix" asari Movarounnahr va Xuroson tarixiga oid muhim manba (XIV-XV asrlar)*" mavzusida tadqiqot ishi olib borilmoqda.

Hofizi Abruning tarixnomalaridan eng mashhuri¹¹ "Majma' at-tavorix" (yoki "Majma' at-tavorixi sultoniya" (Sultonlar tarixi majmuasi) bo'lib, asar

1 Gham Hosin Sodrî Afshar. Tarix dar Iran (sharh ahval va ma'arifi athar). Tarix dar Iran. (sharh ahval va ma'arifi athar). Gham Hosin Sodrî Afshar. Tarix dar Iran. (sharh ahval va ma'arifi athar). Tehran, 1345/1966. 4.

2 Xonbobo Bayoniy. Zindagoni va asari Hofizi Abru. // Zil Jam'at al-tarixi Rashediy. // Tafsihi va Tafsihiyat: Xatibabiyani. - Tehran 1399/1978. 1-19.

3 Zabihullo Safo. Tarix adbiyat Iran (az payan qarn هشتم تا اوایل qarn دهم). - Tehran: Ferdowsi, 1363/1985, 3. 4.

4 Dehxudo. Lug'atnoma. Tehran: Muassasat intsharat va chop darskhana Tehran, 1372/1994, 4. 4. 7483-7481.

5 Qarang. - (1-2). (J. 1-2). Sidiq Kamal Haj Sidiq Jovadi. Tehran 1372/1994.

6 Qarang. - (1-4). (J. 1-4). Sidiq Kamal Haj Sidiq Jovadi. Tehran 1379/2001.

7 Ma'lumki "Matla' us-Sa'dayn" asarida 1427 yilga qadar bo'lgan tarixiy voqealar "Zubdat at-tavorix" asosida yozilgan va A. O'rinboev ham "Matla' us-sa'dayn"ning o'zbek tilidagi tarjimasini "Zubdat at-tavorix" bilan solishtirgan holda amalga oshirganligini ta'kidlaydi. Qarang: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн (II жилд биринчи қисм). - Тошкент, 2008. Б. 6.

8 Ahmedov B. Uzbekiston tarixi manbalari. - Toshkent, 2001. B. 169-171.

9 Sobraniye vostochnykh rukopisey akademii nauk respubliky Uzbekistan, Istoriya. Sostaviteli: D.Yu. Yusupova, P.P. Dzhalilova. - Tashkent, 1998. B. 40; Fasix Havofiy. Mujmali Fasixiy. (Fors tilidan tarjima, kirish, izohlar va ko'rsatgichlar muallifi: tarix fanlari doktori, professor, akademik D. Yu. Yusupova.) - T.: "Fan", 2018.

10 Hofizi Abruning ilmiy merosini alohida tadqiqot sifatida o'rgangan Temurshunos olim Omonullo Bo'riev Abrushunoslikda anchagina ishlar bajargan. Olimning "Zubdat at-tavorix" asaridan qilgan parcha tarjimasini ham mavjud. Qarang: Buriyev O. Hofizi Abru. "Zubdat at -tavorix"dan Hazrat Sohibqironning mo'tabar nasl-nasabi haqida (O. Bo'riyev tarjimasini). // Amir Temur va Mirzo Ulug'bek zamondoshlari xotirasida. - Toshkent, 2009.

11 Ko'p joyda "Majma' at-tavorix" muallifga shuhrat keltirgan asar sifatida tilga olinadi. Bu haqda qarang: Hafiz-1 Ebru//<https://islamansiklopedisi.org>. (17.02.2020).

Mirzo Shohrux topshrig'i bilan **4 rab'** (ربيع)¹ dan iborat holda muallifning barcha tarixiy mavzudagi kitoblari asosida ta'rif etilgan. Uning 4-jildi Temuriy shahzoda Mirzo Boysung'urga bag'ishlangan. Davr an'anasiga muvofiq asarda tarixiy voqealar bayoni Odam Atodan boshlanib, muallif davri bilan tugaydi. Uning **birinchi jildi** – Yaratilish ibtidosidan² to Muhammad (s.a.v.)ning zamonlari (570-yil)ga qadar, **ikkinchi jildi** – Payg'ambar (a.s) yashagan davrdan to Abbosiylar xalifaligining inqirozi (570-1258)ga qadar, **uchinchi jildi** – safforiylardan to qoraxitoy toifasigacha (aniqrog'i mo'g'ullar davri), **to'rtinchi jildi** – esa, hijriy 736 yil³ dan to 830 yil⁴ ga qadar bo'lgan tarixiy voqealarni o'z ichiga oladi. Kitobning mustaqil ahamiyatga ega bo'lgan 4-jildi “Zubdat at-tavorixi Boysung'uriy” deb ham yuritiladi va o'z navbatida ikki qismga bo'linadi: – birinchi qismi – shartli ravishda Amir Temur davri⁵ (1336-1405); - ikkinchi qismi esa Mirzo Shohrux davri⁶ (1405-1427) deb yuritiladi.

Hofizi Abru asarning muqaddimasida⁷ ta'kidlab o'tilganidek majmuaning 1-3 jildlarini yozishda Muhhammad ibni Jarir at-Tabariy⁸ va Rashiduddin Fazlulloh al-Hamadoniy⁹ asarlaridan manba sifatida foydalanadi¹⁰. Nizomid-din Shomiyning “Zafarnoma”siga tayanib yozilgan¹¹ 4 – jildini esa muarrix o'zining shaxsiy guvohligidagi ko'pgina tarixiy voqea-hodisalar bilan to'ldiradi. Shuningdek, “Zubdat at-tavorix”dan o'sha davr mualliflari (Fasih Ahmad Havofiy, Abdurrazzoq Samarqandiy, Mahmud ibn Xovandshoh (Mirxond), G'iyosiddin ibn Humomiddin Xondamir va keyingi davr tarixchilari o'z asarlarini yozishda manba sifatida foydalanishgan.

¹ Rab' – so'zi arab tilidan “To'rt dan bir” ma'nosini bildiradi. Rab' so'zning qo'llanilishi asarning bir-biriga hajm jihatdan teng bo'lgan to'rt qismdan iborat ekanligini bildiradi. Keyingi o'rinlarda bu so'zning o'rniga tushunarliroq bo'lishi uchun “jild” atamasi qo'llanildi.
² *Yaratilish ibtidosi* – jumlasini Odamning yaratilishi, yerda ilk hayotning boshlanishi ma'nosini bildiradi.

³ 736 yil - milodiy 1335 y. 25-avgustdan – 1336 y. 14-avgust oralig'iga to'g'ri keladi.

⁴ 830 yil - milodiy 1426 y. 1-noyabrdan – 1427 y. 20-oktabr oralig'iga to'g'ri keladi.

⁵ *Amir Temur davri* – qismi chingiziy (elxoniy) Abusaidxon (1316-1335) hukronligining so'nggi yillari va Amir Sohibqironning tavallud topgan yil tarixi bilan boshlanib, u vafot etgan yil tarixiy voqealari bilan nihoyasiga yetadi.

⁶ Mirzo Shohrux davri – (1405-1427) esa 1405 yildan to 1427 yil (Ahmad Lur tomonidan Shohruxga suiqasd uyushtirilishi)ga qadar bo'lgan tarixiy voqeliklarni o'z ichiga oladi.

⁷ Qarang: - حافظ ابرو. زبدة التواريخ. مقدمه تصحيح و تعليقات: سيد كمال حاج سيد جوادى. (ج. 1-4). تهران 1379. ص. 1-6.

⁸ Qarang: “Tarixi ar-rusul val muluk” (“Tarixi Tabariy”).

⁹ Qarang: “Jome' at-tavorix”.

¹⁰ Hofizi Abru “Zubdat at-tavorix”ni yozishda Firdavsiy, Utbiy, Ibn al-Asir kabi 13 ta muallif asarlaridan foydalanganligi haqida ham qaydlar mavjud. Qarang: Hâfiz-ı Ebrû// <https://islamansiklopedisi.org/>. (17.02.2020).

¹¹ Muallifning o'zi bu haqda hijriy 806 (mil. 1403 yil 20-iyul – 1404 yil 8-iyul) yil voqealari bayonida eslatib o'tadi. Yana qarang: حافظ ابرو. زبدة التواريخ. مقدمه تصحيح و تعليقات: سيد كمال حاج سيد جوادى. (ج. 1-4). تهران 1379. ص. 1009.

Izlanishlar natijasida “Majma’ at-tavorix” asarining Eron, Turkiya, Buyuk Britaniya va Pokiston davlatlari qo’lyozma fond va kutubxonalarda uchraydigan **12 dona** nusxalari aniqlandi. Shulardan, **8 tasi** asarning I-III jildlari (1. Milliy kutubxonasi, № 1675 (I-jild); 2. Majlis kutubxonasi, № 4645\30962 (I-jild); 3. Majlis, № 257 (II-jild); 4. Milliy № F\2527₁ (III-jild); 5. Malik kutubxonasi, № 4163 (III-IV jildlar bir kitobda); 6. Qozi Asakar Mahmud Murod kutubxonasi nusxasi, № 1441 (III-jild); 7. “British museum” kutubxonasi nusxasi [№ R.O.2774 (I-jild); 8. Ayo Softiya kutubxonasi nusxasi, № 3035 (II-jild).) va **4 donasi** IV-jildining (ya’ni “Zubdat at-tavorix” qismi) (1. Malik, № 4166 (IV-jild); 2. Malik kutubxonasi, № 4163 (III-IV jildlar bir kitobda); 3. Fotih (Isatnbul) kutubxonasi nusxasi, № 4371\2 (IV-jild); 4. Professor Muhammad Shafe’ kutubxonasiga tegishli ko’chirma nusxa, № 430\469 (IV-jild, Isnanbuldagi Fotih nusxasidan fotokopiya) nusxalari hisobladi.

Xulosa o’rinda shuni aytib o’tish joizki, Hofizi Abruning asarlarida Amir Temur va Mirzo Shohrux hukmronlik yillari tarixiga oid ma’lumotlar yuqori darajadagi aniqlikka ega. Negaki, ta’kidlab o’tilganidek, tarixchining salkam 25 yillik hayoti Amir Temur saroyida va harbiy yurishlarida u bilan birga kechdi, yana shuncha yili esa, Mirzo Shohrux bilan. Eng asosiysi esa, bu ikki hukmdor davri bilan bog’liq tarixiy voqeliklarning guvohi Hofizi Abruning shaxsan o’zidir. U garchi 1430 yilda vafot etgan bo’lsada, so’nggi asari bo’lmish “Zubdat at-tavorix”da 1427 yilga qadar bo’lgan voqea-hodisalar yozilgan. Uning zamondoshlari bo’lgan Fasih Xavofiy va Abdurrazzoq Samarqandiylar, harchand o’zlari Mirzo Shohruxga tarixchi sifatida xizmat qilgan bo’lsalarda, Shohrux davri voqealarini Hofizi Abru asosida yozadilar. Bundan ko’rinib turibdiki muarrixning ilmiy merosi o’z davridanoq yuqori darajada baholangan.

ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА ЎРГАНИЛИШИ (1991-2018 йиллар)

Шаходат ОХУНЖОНОВА
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Тарих институти таянч докторанти

Бозор инсоният маданий тараққиётининг юксак маҳсули сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бозорлар аҳоли турмушининг ажралмас қисмидир. Шундан келиб чиқиб, бозорлар фаолиятини ёритиш ҳамда таҳлил натижаларидан ягона хулосага келиш аҳамиятли ҳисобланади.

¹ Ushbu nusxa Mirzo Shohrux kutubxonasiga tegishli bo’lib hijriy 830 (m.1426-27) yil ko’chirilgan nodir nusxalardan biri hisoblanadi.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг М-15 Молия Вазирлигининг фонди, Тошкент шаҳар архивида сақланаётган 582-фонд Тошкент шаҳар ҳокимининг қарор ва фармонлари фонди, 660-фонд Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг асосий фаолияти, савдо департаменти ҳузуридаги йиғилиш баённомалари фондларидан Тошкент шаҳри бозорлари фаолияти билан боғлиқ маълумотлар олинган. Тошбозорсавдонинг жорий архивида сақланаётган бозорларнинг ҳисоботлар ва бозорлар паспорт ҳужжатлари ҳам мустақиллик йилларида бозорлар фаолиятини ёритишда муҳим ҳисобланиб, уларда бозорларнинг фаолият юритиш ҳуқуқий шакллари, устав фондлари, хизмат кўрсатувчи банклари, ходимлар вазифалари, бозорлар ҳудудида мавжуд бўлган капитал курилмалар ҳақида, бозорда ташкил қилинган пуллик хизмат турлари ҳақида, бозорлар даромадининг таркиби ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Архив ҳужжатларидаги бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра бозорларнинг даромадларини тақсимланиши - хизматлар кўрсатишдан, ер участкаларини ижарага беришдан, бозорлар ҳудудидаги (уларга тегишли бўлган) бинолар ва иншоотлардан фойдаланганлик учун олинадиган даромадлардан умум-давлат ва маҳаллий солиқлар олинмаслиги қайд этилган. Бозорлар ва ярмаркалар даромадлари умумий суммасининг 50 % бозорлар, ярмаркалар дирекциялари ихтиёрида қолади ҳамда жорий харажатларни қоплашга, бозорларни реконструкция қилишга, янгилашга ва янги бозор ва ярмаркалар қуришга, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини яхшилашга ва рўйхатини кенгайтиришга сарфланади. Даромадлар суммасининг қолган 50 % белгиланган тартибда маҳаллий бюджетларга йўналтирилади. Бозорларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича истеъмол товарлари харид қилиш, тайёрлаш ва сотишни ташкил қилиш бўйича хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар алоҳида ҳисобга олинади ҳамда уларга умумий белгиланган тартибда солиқ солинади¹.

Патта тўловларини ундиришни, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлашни ташкил этиши масаласи эса, бозор (ярмарка) дирекцияси патта тўлови ундиришнинг кўрсатиладиган мажбурий ва бошқа хизматлар учун ҳақ тўлашнинг барча сотувчилар учун қулай, тушунарли бўлган шароитлари яратилиши учун жавобгар бўлиб, дирекцияга шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

¹ Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 259-иш, 82-варақ.

Барча савдо расталарида кўзга кўринадиган бозор, ярмарка ҳукдудида савдо қилиш шартларига таалукли плакатлар, тушунтирувчи жадвалларни патта тўловлари ставкалари ва хизматлар қийматини кўрсатган ҳолда осиб қўйилиши ҳақида кўрсатма берилган;

тегишли тартибда патта тўловлари ундирадиган доимий пунктлар мавжуд бўлиши, пунктларда ҳисобга олувчи ходимлар (кассирлар) доимий равишда бўлишлари кераклиги, бунда доимий пунктлар сони 500 сотувчига (савдо ўринлари) 1 пункт ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Шунингдек бозорлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бозорларда мониторинг ўтказилиб турилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2 ги қарорининг бажарилиши юзасидан мониторинг юридик шахс мақомига эга бўлган, ҳамда банк муассасаларида жорий ҳисоб рақами очилган бозорлар фаолияти устидан ўтказилган ва жойлардаги молия, солиқ, назорат тафтиш, ҳамда монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларининг масъул ходимларидан ташкил этилган гуруҳлар томонидан олиб борилган. Мониторинг гуруҳларига ушбу идораларнинг раҳбарлари бошчилик қилган. Мониторинг йилнинг ҳар чорагида бир маротаба ҳафта давомида - 7 кун муддатда, эрталаб, соат 4:00 дан кеч соат 20:00 гача ўтказилиши белгиланган, ҳамда маълумотлар ҳар куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудлар молия бош бошқармасига жадвалга мувофиқ (телефон, факс ёки модем орқали тақдим қилинган. Якуний маълумотлар мониторинг тугаллангандан кейин ёзма равишда бир кунлик муддатда тақдим этилиши белгиланиб, мониторинг жараёнида қуйидагилар тўсатдан назорат тартибида текширилиши белгиланган:

- савдо жойи берилганлиги ва бозорлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тушуми тўлиқлиги, патта тўланганлига тўғрисидаш қатъий ҳисобдаги квитанцияларни ҳисоб-китобини олиб борилишини текшириш;

- бозорларнинг барча даромадларини тўлиқ тушишини текшириш;

- мониторинг давомидаги тушумларни таҳлил қилишда шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул билан ундириладиган ойлик ижара ҳақини мониторинг даврига тўғри келадиган қисмини ажратиш олиш;

- бир марталик йиғимни тўлиқ ундирилиши ва тасдиқланган башорат босқичларига мувофиқ маҳаллий бюджет даромадига тегишли

1 “Тошбозорсавдо” уюшмаси жорий архив маълумотлари.

2 www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 315-сонли қарори. 2000 йил 12 август.

қисмини белгиланган тартибда ўтказилишини текшириш;

- тегишли тартибда касса апаратлари билан жиҳозланганлиги;

- бозорларнинг бир марталик йиғим ундиришидан, хизматлар кўрсатишдан ва ижара ҳақидан тушган кунлик нақд пул маблағини кирим қилиниши ва белгиланган тартибда инкассация қилинишини текшириш;

- бозорлар ҳудудида жойлашган ва тижорат мақсадида фойдаланилаётган барча турдаги кўчмас мулк эгаларининг бозор маъмурияти билан ўзаро муносабатини ва улар томонидан турли хилдаги тўловларни тўлиқ равишда тўланишини текшириш белгиланган.

2003 йил 6 февральда Тошкент шаҳар ҳудудида йирик буюм бозорлари, савдо марказлари ва мажмуаларида савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг таянч пунктлари ташкил этилган бўлиб, бундан мақсад, тадбиркорларга **қулай шароит яратиш**, буюм бозорларида ҳужжатларни ҳабул қилиш ва савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гуноҳномаларини расмийлаштириш ишларини жойида амалга ошириш белгиланган¹.

Тошкент шаҳр бозорларида сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида бозорларнинг тозаллиги, сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилишига Тошкент шаҳри ҳокимияти ва Тошбозорсавдоуюшмаси ҳам қатъан эътибор қаратиб келган. Масалан, Тошбозорсавдо уюшмаси бошқаруви Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996 йил 30 апрелдаги “Шаҳар ҳудудида озиқ овқат ва буюм савдосини тартибга солиш тўғрисида” ги 121-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ, уюшма таркибидаги бозор акционерлик жамиятлари шаҳобчаларида қўшимча шароитлар яратилганлигини ҳисобга олиб буюм ва озиқ овқат маҳсулотлари савдо жойини Бектемир бозорида – 300 ўринга, Аския бозорида – 150 ўринга, Сергели -3 мавзесида 150 ўринга кенгайтиришни сўраган. Ушбу савдо ўринларидан тушган тушум бозорларда олиб борилаётган қурилиш кенгайтириш ишлари учун сарфланиши кўрсатилган ва Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори билан тасдиқланган².

Ўзбекистоннинг ҳамма бозорларига ҳос бўлган муаммо автотураргоҳлар масаласи бўлиб, ҳозир ҳам буткул бартараф этилмаган, лекин бозорлар фаолияти билан масъул бўлган ташкилотлар ҳаракатлари билан маълум тартибга солиб келинган. Айнан Тошкент шаҳри бозорларига, айниқса улгуржи савдода аҳамиятли бўлиб келган Отчопар, Абу Саҳий, Қўйлик бозорларига республиканинг ҳамма ҳудудидан харидорларнинг келиши боис бозорлар атрофида тирбандлик пайдо бўлиб келган.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси томонидан «Чорсу буюм бозори» очик акциядорлик жамиятига ёндош ҳудудда жойлашган

¹ Тошкент шаҳар давлат архиви, 660-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 29-варак.

² Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 263-иш, 24-25-варак.

автотураргоҳни бозор жамияти тасарруфига ўтказиш таклифи ишлаб чиқилиб, ушбу таклифга асосан собиқ «Чорсу» автошоҳбекатида жойлашган, «3 - автобуслар саройи» ОАЖга қарашли 8957 м² ер майдонидан қисман олинishi ҳисобига 4129 м² ер майдонини «Чорсу буюм бозори» очик акциядорлик жамиятига автомобилларни вақтинча сақлаш бўйича пулли хизмат кўрсатишни ташкил эпгиш учун фойдаланишга ажратиб бериш бўйича Тошкент шаҳар хокимининг тегишли қарор қабул қилган¹.

Шунингдек, “Чилонзор буюм бозори” очик акциядорлик жамияти, Зангиота тумани хўжалик моллари бозори ва «ABU SAXIY» МЧЖ-савдо маркази каби йирик савдо мажмуаларининг Тошкент халқа автомобил йўлининг биринчи километрида жойлашганлиги, транспортларнинг ва харидорларнинг фақат шу йўл орқали савдо мажмуаларига кириб келиши йўлда доимий тирбандликни вужудга келтириб, йўл ҳаракати хавфсизлигида муаммолар пайдо бўлиб, харидорларга ноқулайликлар туғдирган. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизматни ташкил қилиш билан йўлдаги автотранспортларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, харидорларга янада қулайликлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 апрелдаги “Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, «ABU SAXIY» МЧЖ-савдо маркази эгаллаб турган ер майдонининг 2,0 гектарли қисмида енгил автомобилларни вақтинча сақлаш автотураргоҳи ташкил этилган².

“Маъмурий бинолар ва автотранспорт тўхташ жойлари бошқармаси” 1998 йилнинг 1 декабридан бошлаб “Отчопар буюм бозори” акционерлик жамияти ҳудудида жойлашган автомобиль тўхташ жойларини, “Отчопар буюм бозори” акционерлик жамиятига ўрнатилган тартибда, отчопар буюм бозори акционерлик жамияти ва ҳудуд чегараларида жойлашган автотўхташ жойлари фаолиятини ҳамда улардан пул тушумини мунтазам назорат қилиш, тўхташ жойларига кириб-чиқувчи автомашиналар сони, тўхташ вақти ҳисобини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Академасбоб” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузиб, “автомат турникетлар” ўрнатиш ва тўхташ жойидан фойдаланувчилар учун зарур шароит яратиш чора тадбирлари кўрилган³.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати ҳавфсизлиги

1 Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1340-иш, 167-172-варақ.

2 Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1345-иш, 150- варақ.

3 Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 337-иш, 572- варақ.

бошқармаси ҳам бозорлар яқинидаги йўлларда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Масалан, «Карвон бозори» тизимидаги бозорлар ва савдо марказлари атрофида автотураргоҳдарнинг етишмаслиги, мавжудларининг тартибга келтирилмаганлиги сабабли ҳаракатни тартибга солишда бир қатор муаммолар юзага келганлиги, шунингдек, бозорлар атрофидаги автотураргоҳларнинг ҳолатига ва ҳаракат ташкил этилганлигига жавобгар бўлган ягона тизимнинг йўқлиги, мавжуд ҳолатни янада қийинлаштирганлигини баён қилиб, кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда «Карвон бозори» савдо марказлари фаолиятини шувофиклаштирувчи ягона жамият ташкил этиш таклифи билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг М-15 Молия Вазирлигининг фондидан Тошкент шаҳар бозорлари фаолияти билан боғлиқ материаллар кам қисми ташкил қилиб, уларда асосан савдонинг республика бўйича умумий ҳисоб суммалари келтирилган. Қўпол хатоликларни олдини олиш мақсадида текширувлар натижаси вилоят ва туман газеталарида чоп этилган қуйидаги мақоаларда: “С остальными монополистами надо разобраться” (Қолган монополистларга ҳам чора кўриш керак), “Нархнинг ҳам ўз чегараси бор”, “Эркин нарх мутлақо эркинми?”, “Дотация бермаслик керакми”, шунингдек 6 марта маҳаллий телевидения ва радио орқали чиқишлар ташкиллаштирилган бўлиб, озиқ овқат нархларининг қайта кўриб чиқиши тўғрисида маъруза қилинганлиги айтиб ўтилган².

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг фондларида, Тошкент шаҳар архив фондлари, шунингдек, Тошбозорсавдонинг жорий архив фондларида сақланаётган ҳужжатларни Тошкент шаҳри бозорлар фаолиятини ёритишдаги муҳим манбаа турига киритишимиз мумкин. Бу маълумотлардан бозорларнинг бошқаруви фаолияти, улардаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек ички ва ташқи савдони қандай тартибда солиб турилиши, бозорлар фаолияти, бозорлар моддий техника базаси, патта тўлови, ижара ҳақи ва турлари, автотураргоҳлар масаласи, расталар бошқаруви, санитария назорати, транспорт воситалари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Мавзунини тадқиқ этиш жараёнида архив материаллари қиёсий таҳлил этилди, умумлаштирилди ҳамда шу асосида назарий ва амалий хулосаларга келинди. Жумладан, Тошкент шаҳри бозорларининг умумий муаммоси сифатида автотураргоҳларни кенгайтириш ва қулай кириб чиқишни осонлаштириш мақсадида бошқа давлатлар тажрибаларини ҳам

¹Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1311-иш, 169- варақ.

²ЎЗР МДА, М. 15-фонд, 1-рўйхат, 435-иш, 6- варақ.

ўрганиш. Ҳаридорларга қулайлик яратиш мақсадида ёйма бозорларни раста кўринишига ўтказиш, каби таклифларни киритишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 259-иш, 82-варақ.
2. “Тошбозорсавдо” уюшмаси жорий архив маълумотлари.
3. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 315-сонли қарори. 2000 йил 12 август.
4. Тошкент шаҳар давлат архиви, 660-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 29-варақ.
5. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 263-иш, 24-25-варақ.
6. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1340-иш, 167-172-варақ.
7. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1345-иш, 150- варақ.
8. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 337-иш, 572- варақ.
9. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1311-иш, 169- варақ.
10. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйхат, 1154-иш, 44- варақ.
11. ЎЗР МДА, М. 15-фонд, 1-рўйхат, 435-иш, 6- варақ.

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР.

Н.Ф.ШИРИНОВА

ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

Аннотация: *Мақолада тарихда тиббий асарларда саломатликни сақлашда нималарга эътибор берилгани, қандай тадбирлар олиб борилгани, соғлиқни сақлашда ва узоқ умр кўриши учун табиблар маслаҳатлари қай тарзда ёритилгани асосан XIX аср охири XX аср бошларида яратилган ва муомалада бўлган асарлар мисолида очиб берилган.*

Таянч сўзлар: *табиб, миждоз, хилт, парҳез, тиббиёт, бемор, дори-вор гиёҳлар, мушқатерация, бемор.*

Манбалардан маълумки, халқ таъбаотида саломатликни сақлашда бир қанча қоидаларга амал қилинади, авваламбор гигиена қоидалари, овқатланиш қоидалари, миждозни мўътадил сақлаш ва рухни тоза тутмоқликдир. Шулардан бемор инсон учун ҳам касал инсон учун ҳам энг зарурий амал қилиш керак бўлган нарса бу овқатланиш қоидаларидир. Этномедицинада касални даволашда авваламбор парҳезга катта эътибор қаратилади.

Баданнинг бир меъёрида бўлиб туриши, унинг таом ва шаробда парҳез қилиши билан ҳосил бўлади. Бадан мувозанатининг бузилишига бир бирига мос келмайдиган турли хил таом ва ичимликларни ейиш ва

ичиш сабаб бўлади. Бунда Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадиси шарифлари қатъий далилдир: “Одамзоднинг меъдаси (ошқозони) тамоми касалнинг тарафдори (чақирувчиси) ва иштаханинг таомга мушток бўлиб тургани тамоми даволарнинг бошидир.”¹ Ҳақимлар то иштаҳа очилиб, ошқозонда таомга талаб бўлмагунча таомга майл қилмаганлар. Таомланаётганда эса, иштаҳалари бор бўлса ҳам тезроқ таомдан қўлни тортиш соғлиқ гаровидир дейишади.

Тиббиёт илми султони Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида тўғри овқатланиш ва унинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, “Кимки соғлом турмуш тарзига эришмоқчи бўлса, ўз соғлиғини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинаётган овқатнинг сифатига, миқдорига, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборини қаратмоғи лозим²”, деб таъкидлаган.

Уламоларнинг таъкидлашича, давонинг барчаси икки нарсага- парҳезга ва соғлиқни сақлашга боғлиқдир. Парҳез бузилса, соғлиқ ҳам бузилади. Соғлиқ бузилганда уни бузган нарсани бадандан чиқариб юборишга эҳтиёж туғилади.

Парҳез икки хил бўлади:

1. Хасталикка сабаб бўладиган нарсалардан парҳез қилиш. Бу соғлом кишилар амал қилиши лозим бўлган парҳездир.

2. Хасталикнинг зиёда бўлишига сабаб бўладиган нарсалардан парҳез қилиш. Бу бемор кишилар амал қилиши лозим бўлган парҳездир.³

Ўтган асарларда муомалада бўлган тиббий асарлар билан танишар эканмиз, саломатликни асрашда ва беморларни даволашда мижозларга алоҳида эътибор берилганини гувоҳи бўламиз. Халқ табобатида даволаш бемор мижозига қараб олиб борилган. Бунда ҳар бир кишининг мижози: томири, тили, кўзи, бадани ва ахлатининг рангидан аниқлаб олинган ва шунга тесқари мижозли дори дармонлар, овқатлар буюрилган. Демак табиб одам мижозидан ташқари ўсимлик ва ҳайвонотдан олинадиган дори дармонларнинг ҳамда озиқ овқат маҳсулотларининг мижозини билиши керак бўлган. Шундай билимга эга бўлган табибгина беморларни муваффақиятли даволай олган.

Айрим тарихий манбаларга асослансак, мижоз уч хил бўлади: иссиқ, совуқ, ўртача, бошқа манбаларда эса, мижоз етмиш хил бўлади дейилган, шунинг учун ҳам уларни аниқлаш қийин кечади. Шу сабабли табиблар

¹ Халқ табобатида парҳез таомлар. Тошкент. 2015 й. 128 б.

² Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. Тошкент.1992.- 98б .

³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 18-жуз. Тиб ва дам. Т., 2019.- 288б.

уларнинг ҳаммасини жамлаб етти хил мижоз бор, деб таъкидлайдилар.¹ Ибн Сино мижознинг тўққиз хилини кўрсатиб ўтган. “Мен мижознинг тўққиз хилини баён қилдим ва бу тўғрида ўзимдан чиқариб сўзламадим” - деган эди.² Лекин мижозни ҳар қандай табиб ҳам аниқлай олмайди. Бунинг учун ўқиб ўрганиш, кузатишлар ўтказиш ва ҳатто тажриба орттириш керак бўлади. Булар ҳақида бу даврда кўп истеъмолда бўлган “Туркий тибнома” асарида ҳам учратамиз. Рисола мижозларни билиш ва бузилган мижозларни тўғрилаш учун қандай йўл тутиш кераклигини аниқлашда бирмунча ёрдам беради. Унда инсон организми тўрт хилдан иборат эканлиги ва бу хилтларнинг ортиб ёки камайиб кетиш белгилари ҳамда, уларни мувозанатини тиклашда қандай озиқ овқатлар истеъмол қилиш зарурлиги айтиб ўтилган.³

Ибн Сино, Ат-Табарий ва бошқа кейинги давр олимлари ўз асарларида гигиена қоидаларининг энг асосий мезони бу овқатни тўғри ҳазм қилишда эканлигини таъкидлашади. Ибн Сино қуйидаги фикрларни келтиради: “овқатни фақат иштаҳа келгандагина тановул қилмоқ керак”, “иштаҳа одатдагидан кўра ўзгаришининг барча кўринишлари қандайдир касалликдан огоҳлантириш ҳисобланади”.⁴

Қадимда ҳам саломатлик масаласида авваламбор тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилиш биринчи ўринда турган. Овқатлар ва ичимликларнинг даволик хусусиятлари илк ўрта аср табибларига ҳам маълум бўлган. Бу усулда касалларни даволаш энг хавотирсиз даволаш усули ҳисобланган ва бу масалага бағишлаб махсус асарлар ёзилган. Масалан, Райлик Абу Бақр Розий (865-925) «ат-Тиб ал-мулукий» («Подшоҳлар табобати») асарини ёзади. Бу асарни Розий Табаристон ҳокими Али ибн Ваҳсузонга бағишлайди. Ушбу асарда “бошдан оёқгача” бўлган касалликларни доривор овқатлар билан даволаш баён қилинган.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб ҳам бу анъана давом этиб келган. Бу даврда яшаб ижод этган шоир ва табиб Қори Раҳматуллоҳ ибн Муҳаммад Ошур Бухорий 1883 йилда ўзининг «Кони лаззат ва хони неъмат» асарини ёзади. Асарда қайси овқат қандай касалликка даво бўлишлигини айтиб ўтади. Шунингдек, нон маҳсулотларини ва ширинликларни тайёрлаш нусхаларини ҳам кўрсатилган.

Тарихий тадқиқотлардан маълумки, ўзбек халқ табобатининг руслар томонидан ўрганилиши XIX аср охири ва XX аср бошларида юз берган.

1 Салоҳиддинов Б.М., Муҳаммадов Т.М. Шарқ табобати тарихи. Тошкент. 2002.- 104 б.

2 Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. Тошкент. 1992.- Б.299.

3 Тибномае туркий. Тошкент: “Ғулом Хасан Арифджанов” босмаҳонаси. Ношири: Мирза Аҳмад Мирза Карим ўғли. 1328/1910. - 21 б. (ЎзРФАШИ 7245/2)

4 В.И. Исхаков, Т.Н. Исхакова. Древо мудрости и здоровья. Питание в истории культуры народов Востока. – Т., 1991. С. 52.

Айнан бу даврда юртимизда тадқиқот олиб борган рус олимлари, ҳарбийлар ва саёҳатчилари ўз изланишлари давомида маҳаллий халқнинг тиббий билим ва анъаналарига ҳам имкон қадар тўхталиб ўтишган. Бу даврдаги манбалар орқали даволашнинг энг биринчи қисми парҳез бўлганлигини кузатамиз. Деярли барча китобларда парҳез қилиш шифо топишнинг асосий омили эканлиги кўрсатилади. Маҳаллий аҳоли ҳам бунга доимо амал қилиб келганлар. Рус тадқиқотчиси Колосов ўз кузатувлари асосида шундай маълумотлар келтиради: “Менинг маҳаллий аҳолидан иборат 1500 та беморимдан атиги 10 тачаси парҳез ҳақида сўрашмади. Қолган барчалари касалларига муолажалар буюрилгандан сўнг, нима ейиш ёки нима ичиш мумкинлиги ҳақида сўрашди. Бу фақат ошқозон ичак касалликларида эмас балки кўз касалликлари, енгил шикастланганда ҳам кузатилди”.¹ Бундан кўриниб турадики бу даврда парҳез билан даволаниш маҳаллий аҳолининг қон қонига сингиб кетган.

XIX аср охири XX аср бошларида халқ табобатида овқатланиш, умуман овқат билан даволаниш муҳим ўрин тутган. Маҳаллий аҳоли учун озиқ овқатлар истеъмоли авваламбор эътиқоди билан боғлиқ бўлган. Биринчи навбатда ислом дини рухсат берган озиқ овқатларни истеъмол қилганлар, дин ҳаром қилган маҳсулотларни даво учун ҳам қўлламаганлар.² Маҳаллий аҳоли суннатга амал қилган ҳолда овқатланганлар ва табиблар ҳам дин меъёрларидан четга чиқмасликка ҳаракат қилганлар.

Манбалардан маълум бўладики, овқатланиш қоидалари соғлом одамлар учун алоҳида, беморлар учун алоҳида, сурункали касаллиги мавжуд бўлган инсонлар учун алоҳида, ёшлар учун, кекса ёшдагилар учун, болалар учун алоҳида, ҳомиладор аёллар ва эмизикли аёллар учун алоҳида хусусиятга эга бўлган. Табиблар доимо бу хусусиятларни инобатга олган ҳолда дори воситаларини ва парҳез тутишни буюрганлар, ҳамда овқатланиш тартибини тузиб берганлар. XIX аср охири XX аср бошларида ҳомиладор аёллар парвариши, уларнинг овқатланишига бағишланган бир қанча асарлар яратилганлигини гувоҳи бўламиз.³ Шунингдек бу асарларда туғруқ осон кечиши учун истеъмол қилиниши зарур бўлган маҳсулотлар ҳақида маълумотлар берилган. Бундан маълум бўладики, ҳомиладор аёлларнинг туғри овқатланиши бўлажак фарзанд соғлиғи учун ҳам жуда муҳим.

¹ Г.А.Колосов. О народном врачевании сартов и киргизов Туркестана. С-Петербург. 1903;

² В.И. Исхаков, Т.Н. Исхакова. Древо мудрости и здоровья. Питание в истории культуры народов Востока. – Т., 1991. С. 52.

³ “Баёни асар валадат” (“Аёлнинг таваллуд қилмоғи баёнида”), “Фасле дар асри валадат” (“Аёлнинг машаққат бирла таваллуд қилмоғи фасли”) ва б.

Тарихда соғлом бўлиш ва эрта қаришни олдини олувчи яна бир муҳим жиҳат, қаттиқ асабийлашиш ва кучли ҳаяжон яъни бугунги кун тили билан айтганда стрессдан холи бўлишга аҳамият берган. Биз биламизки, стресс яъни доимий асабийлашиш, салбий ҳис-туйғулар мия ва юрак фаолиятини бузиб, бунинг натижасида қон айланишини секинлаштиради. Яйраб кулиш, хурсандчилик эвазига қоннинг юракка томон оқиши яхшиланса, бу спорт залда 15-20 дақиқа жисмоний машқ қилишга тенгдир. Тарихда ҳам табиблар стресс яна тушкунликка тушмаслик ёки ундан чиқиш йўлларини ўрганганлар. Турли хил шифобахш ўсимликларни ўрганиб уларни инсон кайфиятига таъсири ва бунинг натижасида касалликдан тузалиш учун уларни дори сифатида тавсия этганлар.

Бундан ташқари стрессни енгишда музикатерапиядан ҳам яхши фойдаланилган. Қадимги шифохоналарнинг олдига тез тез музикачиларни чақиртириб туришган. Бу авваламбор беморлар ва шифокорларнинг кайфиятини кўтарган, шу билан бирга касалликдан тезроқ тузалишга ёрдам берган.¹

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, инсон саломатлигини сақлашда соғлом турмуш тарзи, айниқса овқатланиш қоидаларига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Булар бугунги кунда яратилган қоидалар эмас, буларнинг барчасини минг йиллар аввал яшаган тиб илми билан шуғулланувчи ота боболаримиз ёзиб кетишган ва амалиётда жорий этишган.

О НЕКОТОРЫХ ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ О ПЕРИОДЕ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРА К.П. ФОН КАУФМАНА

Д.С. ПИРМАТОВ

докторант Института Истории АН РУз

Центральная Азия является одной из самых малоизученных регионов мира. Одна из причин, это то, что во время СССР, исследователь из-за рубежа, работающий в области истории Центральной Азии, сталкивался с теми же проблемами доступа, с которыми сталкивался любой, кто занимался среднеазиатскими исследованиями. Здесь действительно существует множество потенциально ценных материалов, но было трудно найти источники за пределами Советского Союза и даже многие архивные источники были недоступны для исследователя внутри страны. Но благодаря обширному микрофильмированию доступные материалы получили более широкое распространение. Например,

¹ Қодиров А. Тиббиёт тарихи. – Тошкент, 1993 йил. 272-бет.

архивы фон Кауфмана в Ташкенте были закрытыми для всех, кроме избранных советских ученых, особенно для Н. А. Халфина. Считалось что, до тех пор, пока доступ к этому важнейшему хранилищу не станет более доступным, никакое по-настоящему окончательное изучение российского правления в Центральной Азии не могла быть осуществлена. В архивах Узбекистана¹, несомненно, содержатся ответы на множество непонятных вопросов, и они предоставят щедрые данные по всем этапам российского правления, хотя, как указывают публикации Халфина, эти записи, по-видимому, не содержат информации, радикально противоречащей другим исследованиям того периода.

Центральные архивы в Санкт-Петербурге² и в Москве также хранят соответствующую информацию, особенно о военных и дипломатических аспектах завоевания, а также о карьере фон Кауфмана до 1867 года. Имея доступ к этим архивам предоставляет возможность основательного изучения его биографии и политики Российской империи того периода.

Возобновление интереса к истории Центральной Азии после распада СССР стимулировало широкий поиск материалов, недоступных прежде. Результаты были опубликованы в ряде исследований. Поэтому нет необходимости перечислять здесь все материалы, с которыми нужно ознакомиться исследователю этого периода. Здесь анализированы только те, которые имеют непосредственное отношение к этому периоду.

Кроме архивных источников есть еще много трудов о периоде первого генерал-губернатора К.П. фон Кауфмана. Адекватная документация о последним существует в четырех работах, которые считаются основными источниками периода³.

Проект фон Кауфмана является последним из серии предложений, которые он представил для постоянного правопорядка в Туркестане. Как таковой, он представляет кульминацию его идей и краткое изложение его

¹ См.: НАУз Ф. 1 – Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора; Ф. 17 – Сырдарьинское областное управление; Ф. 18 – Самаркандское областное управление; Ф. 19 – Ферганское областное управление; Ф. 36 – Управление г. Ташкента.

² См.: РГИА: Ф. 954 – Личное дело К.П. Кауфмана.

³ Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон-Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 г. 25 марта 1881 г. / Издание военно-ученого комитета Главного штаба. – СПб. : Военная типография, 1885. – 503 с.; Гирс Ф.К. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. – СПб. : Б.м., 1883. – 464 с.; Игнатъев Н.П. Комиссия для рассмотрения представительства ревизовавшего Туркестанский край, Тайным Советником Гирсом, проекта положения об устройстве управления в означенном крае. Протокол заседания. Санкт-Петербург, 1884.

опыта. Поскольку Проект является его аргументом в пользу предлагаемой реформы, он является предвзятым, но его аргумент подтверждается обширными данными, которые можно оценить по существу. Наиболее серьезным недостатком работы является ее незавершенность. Фон Кауфман заболел до того, как его записи могли быть собраны в окончательной форме, задача, которую впоследствии поручил его исполняющий обязанности генерал-губернатора Колпаковский. Какие изменения сделал Колпаковский, если таковые имеются, неизвестно, но он должен был оставаться близко к оригиналу, так как он не пытался завершить рукопись. Последние две главы о коммуникации, строительстве, образовании и общих выводах так и не были закончены.

Отчет Гирса следует читать с гораздо большей осторожностью, чем проект фон Кауфмана, поскольку он представляет собой не просто презентацию предлагаемых реформ, основанную на расследовании комитета в Туркестане, 1882-1883 гг., но и критику правления фон Кауфмана одним из мужчин ответственных за первоначального Временного положения, который фон Кауфман изменил. В то время как нужно тщательно взвесить критику Гирса в отношении фон Кауфмана, его фактические данные представляются верными, поскольку они подтверждаются другими источниками. Оценивая предложения Гирса о территориальной реформе в Туркестане, следует отметить, что они не могут быть полностью сопоставлены с предложениями фон Кауфмана, поскольку были основаны на границах Туркестана, измененных в 1882 году.

Чтобы понять процесс, с помощью которого были составлены российские законы, Игнатьев Протокол является бесценным. Он дает представление о мышлении членов комиссии, а также дает хорошую критику предложений Гирса и фон Кауфмана.

Самое удивительное - сравнение проекта устава Игнатьевской комиссии и окончательного Постоянного положения 1886 года. Они существенно различаются по местам, вероятно, в результате усилий объединенных департаментов руководящего сената, где проект был рассмотрен перед тем как идти к царю за окончательным указом.

Четвертый из комплект документов, отчет Палена¹, то же имеет ценность, особенно 4-том «Краевое управление». Но к сожалению,

¹ Пален, К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Графом К. К. Паленом. Санкт-Петербург, 1909-1910: 1. Народные суды Туркестанского края. 1909. 2. Государственные имущество. 1910. 3. Земское хозяйство. 1910. 4. Краевое управление. 1910. 5. Областное управление. 1910. 6. Правовой быт туземного населения. 1910. 7. Орошение в Туркестане. 1910. 8. Переселенческое дело в Туркестане. 1910. 9. Поземельно-податное дело. 1910. 10. Полиция безопасности. 1910. 11. Сельское управление, русское и туземное. 1910. 12. Уездное управление.

большинство томов исследования концентрируется на периоде после 1886 года, и содержат не более нескольких страниц о первых годах российского правления.

Помимо перечисленных девятнадцати томов двадцатый, по словам Н. А. Халфина, существует в рукописи Московского архива: «Отчет по ревизии в Туркестанском крае. Недостатки управления». Хотя все это ранее использовалось учеными, только Отчет Палена был подвергнут углубленному анализу. Другие были использованы только периферийно в более широких исследованиях.

Что касается мемуаров, дневников и путешествий, то в этой широкой категории доступно большое количество материалов, но большая часть из них относится непосредственно к более позднему периоду российского правления или настолько несущественна, что здесь не имеет большого значения. Два важных дневника¹. Гейнс, член степной комиссии, вел дневник своих путешествий в 1866 году, который составляет второй том вышеупомянутой работы. Третий содержит много информации о разработке Временного положения для Туркестана.

Будучи военным министром в течение всего рассматриваемого периода, Милютин был непосредственным начальником фон Кауфмана. Его дневники содержат ряд ссылок на фон Кауфмана, которые являются наиболее информативными.

Поскольку фон Кауфман придерживался политики, направленной на то, чтобы препятствовать иностранцам поездки в Туркестан, лишь немногие из многочисленных путешествий датируются этим ранним периодом. Из тех, которые существуют, четыре заслуживают упоминания².

Труд Скайлера единственная незаменимая работа. В дополнение к описательной путевке, он представляет обширный критический

1910. 13. Учебное дело. 1910. 14. Налоги и пошлины, организация финансового управления. 1910. 15. Горное дело. 1910. 16. Судебные учреждения. 1910. 17. Тюремное дело. 1910. 18. Городское управление. 1910. 19. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. 1911. 20. Отчет по ревизии в Туркестанском крае. Недостатки управления.

¹ Гейнс А. К. Собрание литературных трудов. 3 тома. Санкт-Петербург, 1897-1898; Милютин, Д. А. Дневник. 4 тт. в 2. Москва. 1947-1950.

² Бернаби, Фредерик Г. Поездка в Хиву; Путешествия и приключения в Центральной Азии. Лондон, 1877; Ланселл, Генрих Русский Средней Азии, в том числе Кулджа, Бухара, Хива и Мерв. 2 тт. Лондон, 1885; Марвин, Чарльз. Продвижение России в Индию. Беседы со Скобелевым, Игнатьевым и другими выдающимися русскими генералами и государственными деятелями по центрально-азиатскому вопросу. Лондон, 1882; Скайлер, Евгений Туркестан, Записки о путешествии в русском Туркестане, Хок, Бухара и Кульджа. 2 тт. Нью-Йорк: Schribners, Armstrong & Co., 1877;

комментарий о русском правлении в Туркестане. Иногда его источники кажутся сомнительными; он приводит длинный, особенно разрушительный отрывок из анонимного русского офицера. Но чаще всего его фактические данные проверяются другими источниками. Кроме того, его доклад также вызывает больше доверия, поскольку он не совсем критичен, но восхваляет некоторые аспекты российского правления, в частности администрацию Колпаковского в Семиречье.

В ряде российских журналов XIX века регулярно публиковались статьи о Туркестане. Многие были написаны чиновниками, которые комментировали русское правление, основываясь на своем опыте. Наиболее важные работы, охватывающие период фон Кауфмана:

Они неодинаковы по качеству, и при использовании их в качестве источников необходимо тщательно различать личные наблюдения авторов и его собственный анализ российского правления. Из перечисленных Федоров, Фридерикс и Южаков являются наиболее полезными.

Для любой отрасли изучения Центральной Азии очень важным является газета фон Кауфмана «Туркестанские ведомости», который на сегодняшний день доступно в интернете.

В Центральной Азии имеется относительно небольшое количество коллекций документов, и большинство из них содержат материалы, относящиеся либо к завоеванию, либо к периоду после 1880 года. Несколько работ, опубликованных недавно в Советском Союзе, представляют собой специализированные сборники документов для материалов по торговле и аграрным вопросам, но опять-таки включены только отдельные ссылки на период фон Кауфмана.

Для завоевания малоиспользуемый источник большой ценности – «Туркестанский край» Серебренникова, А.Г. 2 Серия состоит из девятнадцати томов. Вся коллекция есть в Ташкентском архиве, большая ее часть не опубликована.

Только в области научных и статистических данных мы находим относительное изобилие материала, непосредственно связанного с первыми годами российского правления. Экспедиции ученых и военных

¹ Эвальд. Воспоминания о К. П. Фон-Кауфмане, Исторический вестник, LXX (октябрь 1897), с. 184-199; Федоров Г.П. «Моя служба в Туркестанском крае» (1870–1906г.), М. Исторический вестник, СXXXIII (1913), с. 786-812; СXXXIV (1913), с. 33-55, с. 437-467, с. 860-893; Фридерикс, Н. "Туркестан и его реформы. Из записок очевидца", "Вестник Европы, VII: 6 (1869), с. 691-712; Иванов Д. Л. "Из воспоминаний туркестанца", Исторический вестник, LXIV: 6, с. 830-859; Южаков Ю.А. "Итоги 27-летнего управления Туркестанским краем", "Русский вестник", ССХV (1891), № 7, с. 49-82; № 8, с. 3-51.

² Серебренников, А. Г. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания. Ташкент, 1908-1915.

топографов охватили почти все районы Туркестана, и отчеты об их исследованиях дают надежное руководство для оценки того, насколько русские знали об экономическом потенциале Туркестана. Наиболее существенными из многих таких отчетов являются:

Из чисто научных данных «Туркестан» Мушкетова является наиболее полезным, а «Туркестанский край» Костенко для организации и управления предоставляет информацию, которую использовал сам фон Кауфман. «Ежегодник» под редакцией Н. А. Маева также представляет собой сборник статистических данных, на которые опирался фон Кауфман.

Другая категория особо ценных источников - это технические и культурные публикации, спонсируемые фон Кауфманом для рекламы, особенно на национальных и даже международных выставках².

«Туркестанский альбом», самая замечательная из этих работ, представляет собой серию очень больших фотоальбомов, из которых

¹ Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году. С маршрутом от Ташкента до Бухары. Санкт-Петербург, 1871; Костенко Л. Ф. Туркестанский край: опись военно-статистического обозрения Туркестанско военного округа. 3 тт. в 2. Петербург, 1880; Макшеев А. И. "Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае, с картой", Записки географического общества, XI (1871); Масальский В. И. Туркестанский край, вып. 19 из России, изд. Семенов-Тяньшанский, 1913; Мушкетов, И. В. Туркестан. Геологическое и орографическое описание по данным, собранным во время путешествия с 1874 г. по 1880 г. Санкт-Петербург, 1886; Общество для русской промышленности и торговли. Материалы по вопросу о торговых путях в Среднюю Азию. Санкт-Петербург, 1869; Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии, Часть II, 1856-1869. Ташкент, 1956; Северцов, Н. А. Путешествие по Туркестанскому краю и изучение горной страны Тянь-Шаня. Санкт-Петербург, 1873; Туркестанский Статистический Комитет. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, изд. Н. А. Маев. Санкт-Петербург, 1873.

² Бродовский, М. И. Техническое производство в Туркестанском крае. Санкт-Петербург, 1875; *Imperialle russe de l'Exposition universselle de Vienne en 1873. Экспозиция universselle de Vienne en 1873. Каталог de la section Туркестан.* Санкт-Петербург, 1873; Общество любителей естествознания, антропологии и этнографии. Русский Туркестан, сборник изданий по ведению политехнической выставки, 1872. Москва, 1872; Туркестанский альбом, по распоряжению Туркестанскаго генерал-губернатора генерал-адъютанта К. П. фон-Кауфмана И. Ташкент, 1871-1872. 1. Часть историческая. Очерк движения русских в Среднюю Азию. Составлено М. А. Терентьевым. 2. Часть промысловая. Промыслов у Среднеазиатцев. Составлено А. Л. Кун и М. И. Бродовский. 3. Часть этнографическая. Этнографическая заметка. Составлено А. Л. Кун. 4. Часть археологическая. Материалы для археологического описания древних памятников Сыр-Даринской области и Зеравшанскаго округа. Составитель А. Л. Кун и Н. В. Богаевский; Верещагин, В. В. Туркестан. Санкт-Петербург, 1874.

было сделано всего шесть экземпляров. Наконец, из атласов, содержащих материалы по Туркестану, следует особо отметить «Азиатскую Россию»¹.

Недавние публикации внутри и за пределами Советского Союза расширили многие области знаний о Центральной Азии. Из зарубежных исследований можно привести к примеру работы Пирс Р. А. Русская Центральная Азия, 1867-1917 гг., Беркли: Калифорнийский университет, 1960 г. В этой работе описывается российское правление на всех его этапах - от администрации до земельного права и образования и подчеркивает период после 1866 года и вызывает больше вопросов, чем ответов об эпохе фон Кауфмана.

Самое ценное исследование завоевания, которое также предоставляет сведения о правлении фон Кауфмана работы Терентьева². Терентьев восхищался фон Кауфманом, но признавал свои слабости, подтверждая многие обвинения в коррупции, выдвинутые другими. Эта работа особенно полезна из-за частого цитирования документов, недоступных в других местах.

Существуют два исследования, полностью посвященные городу Ташкенту³. Работа Добросмыслова - отличный анализ российской администрации в Ташкенте, дополненный разделом о местном правлении до прибытия русских. Он также перечисляет русский персонал в Ташкенте и дает краткую биографию для каждого человека. Исследование Азадаева, по-видимому, в значительной степени основано на работах Добросмыслова.

Особенно нужно отметить работы известного советского востоковеда, тюрколога, и архивиста Василия Владимировича Бартольда⁴ собранные и опубликованные в Советском Союзе, содержат множество материалов о ранней истории и этнографии Центральной Азии, проливают свет на исторические события того времени.

К счастью, после распада СССР многие страны открылись для мира и многие источники стали доступными. Здесь нужно отметить, особое место архивов Узбекистана среди стран Центральной Азии. Поручение Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева Агентству "Узархив"

¹ Азиатская Россия. Издание переселенческого управления главного управления землеустройства и земледелия. 3 тт. СПб, 1914.

² Терентьева, М. А. История завоевания Средней Азии. 4 тт. Санкт-Петербург, 1906.

³ Добросмыслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический Очерк. Ташкент, 1911-1912 гг; Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Очерки социально-экономические и политические истории. Ташкент, 1959.

⁴ История культурной жизни Туркестана и Улугбек и его время, из Бартольда, В. В. Сочинения. Том II, часть II. Москва, 1963.

совместно со Службой государственной безопасности до 1 июня 2020 года рассекретить архивные документы исторического периода до 1917 года, хранящиеся в государственных архивах стало большим шагом вперед в области открытости и либерализации истории.

**ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ
ТЎГАРАГИ ФОНДИ ХУЖЖАТЛАРИ ТАСНИФИ
(Ўз МА И-71 фонди асосида)**

А. Ё. НАЗАРОВ
*ЎзМУ Тарих факультети
“Манбашунослик ва архившунослик”
кафедраси таянч докторанти*

Маълумки, Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда – Ўз МА) Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё тарихига оид кўплаб манбаларни ўзида мужассамлаштирган. Айниқса ўлканинг мустамлака даврида мавжуд бўлган турли илмий жамиятлар фаолиятига оид турли жамғармалар (фондлар) мавжуд.

Россия империясининг Туркистондаги ҳукмронлиги даврида ўлкада бир неча илмий жамиятлар фаолият юритган. Улар турли фан соҳалари нуқтаи назаридан Ўрта Осиё ва унга ёндош ҳудудларни тадқиқ этишган. Бундай жамиятлардан бири ўлка тарихини археологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида тузилган ва амалда ўлка тарихини кенг қамровли тарзда ўрганган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги бўлган.

Ҳозирда ушбу тўгарак фаолияти натижасида юзага келган архив фонди Ўзбекистон Миллий архивида И-71 жамғармаси сифатида сақланмоқда². Ушбу фонд битта рўйхатга бирлаштирилган 30 та йиғма жилддан иборат бўлиб, йиғма жилдлар 1 дан 27 гача рақамланган. 3 та йиғма жилд литерли рақамга эга (7а, 20а, 22а)³. Хронологик жиҳатдан жамғармадаги ҳужжатлар 1895–1917 йилларни ўз ичига олади. Фонд “И” (исторический) белгиланган бўлиб, шунингдек барча йиғма жилдлар “ОЦ” индексига эга.

Фонд таркибига кирувчи йиғма жилдлар тўгаракнинг ташкил топиши ва фаолиятига оид ҳужжатлар: унинг низоми, аъзоларининг рўйхати, тўгарак аъзолари, йиғилиш баённомалари, маҳаллий

¹ *Қаранг:* Лунин Б.В. Научные общества в Туркестане и их прогрессивная деятельность. Ташкент: АН УзССР, 1962. 344 б.

² Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. Ташкент. 1948. 143-бет.

³ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 3-варақ.

тадқиқотчилар, метрополе ва хориждаги тадқиқотчилар билан ёзишмалар, тўғарак фаолиятига доир ҳисоботлар мавжуд¹.

Фонд таркибига кирувчи ҳужжатлар орасида, шунингдек юқори илмий аҳамиятга эга бўлган тўғарак томонидан ташкил этилган археологик қазилмалар натижалари, обидаларни сақлаш ва реставрация вилиш ишлари, эпиграфик ва нумизматик тадқиқотлар, тарихий афсоналар, генеологик тадқиқотлар, Бухоро амирлиги худудидаги археологик разведка ишлари ҳақида маълумотлар мавжуд².

Фонддаги ҳужжатларни мазмуни ва характериға кўра қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин:

- 1) Тўғарак фаолиятиға доир ташкилий, молиявий, илмий хусусиятдаги ҳужжатлар;
- 2) тўғаракнинг илмий фаолиятини ўзида ёритувчи турли археологик ва бошқа илмий изланишларға доир ҳужжатлар;
- 3) тўғаракнинг бошқа илмий ташкилотлар билан илмий ҳамкорлигини ёритувчи ҳужжатлар, жамиятнинг халқаро илмий алоқаларини ёритувчи ҳужжатлар;
- 4) алоҳида шахслар билан ёзишмалар.

Фондда тўғарак фаолиятини ҳар тарафлама ёритувчи ҳужжатлардан бири тўғарак фаолиятининг йиллик ҳисоботлари ҳисобланган. Хусусан, тўғаракнинг дастлабки бир йиллик фаолияти (1895 йил 11 декабрдан – 1896 йил 11 декабргача) ҳисоботида 3 тўғарак аъзолари томонидан белгиланган ишлар амалға оширилганлиги қайд этилган.

1896 йил 3 июндаги йиғилишда жамиятнинг ҳақиқий аъзоси В.В. Бартольднинг Петербургда жўнатилган “Несколько слов об арийской культуры в Средней Азии” номли илмий реферати муҳокама этилади⁴.

В.В. Бартольд шунингдек, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини рус тилиға ўгиришни мақсадға мувофиқ деб билади. Бу ишни ўз зиммасиға тўғарак аъзо-котиби Н.С. Лыкошин олади⁵. Дарҳақиқат ушбу асарнинг рус тилиға биринчи таржимаси Н.С. Лыкошин томонидан амалға оширилган ва 1897 йилда Тошкентда нашр этилган⁶. Шунингдек Бартольд топшириғиға кўра тўғарак аъзолари С.Н. Жилинский, П.С. Скворскийлар томонидан Бухоро яқинидаги Пойкент шаҳри колдиклари,

¹ Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. Ташкент. 1948. 143-бет.

² Ўша жойда.

³ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 52-60- орқа варақ.

⁴ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 57-варақ.

⁵ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 57-58-варақ.

⁶ Мухаммад Наршахи. История Бухары. Перевел с персидского Н. Лыкошин. Ташкент. 1897.

Ўратепа яқинидаги Шахристон ёдгорликлари тадқиқ этилган¹. Айнан шу йиғилишда С.М. Граменицкий томонидан тузилган “Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги мухбир аъзолари учун йўриқнома” ўқиб эшиттирилади.

1896 йил 26 августда тўғаракнинг вице раиси Н.П. Остроумов томонидан “В каком смысле Александр Македонский называется у туземцев Зул-Карнайном” номли маърузаси ўқиб эшиттирилди. Айнан шу йиғилиш тўғарак аъзолари томонидан ёз ойларида Шоштепа ҳамда Тошкент уезди Оқжар волостининг қадимги манзилгоҳларида олиб борилган экискурсиялар ҳақида А.А. Диваев маълумот берган².

1896 йил 28 октябрдаги йиғилишда В.А. Калаур ва И.В. Анисков томонидан Авлиёота уездида олиб борилган изланишлар ҳақида ахборот берилди. Унда уезд худудидаги Меркен манзилгоҳидаги несторяникка оид излар тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу йиғилишда тўғаракнинг бир йиллик фаолияти ҳам муҳокама этилган. Бир йил давомида гуруҳ аъзолари сони 109 га етган³.

Тўғарак фаолияти давомида кенг илмий доирани қамраб олишга ҳаракат қилган эди. Ўз йиғилишлари баённомаларини нашр этар ва кенгайишга интилар эди. Хусусан, 1903 йилда Ашхабодда тўғаракнинг алоҳида бўлинмаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини 1914 йилдан бошлаган. Тўғарак ихтиёрида катта миқдордаги археологик ва нумизматик коллекция жамланган бўлиб, кейинчалик улар Тошкент музейига ҳадя этилган. Тўғарак аъзолари томонидан кўплаб археологик қазилмалар амалга оширилган бўлиб, улар сирасига Пойкенд (А.И. Кастанье иштирокида), Шахристон (Ўратепа яқинида), Ўтрор ва Самарқанд ҳаробаларини тадқиқ этилишини киритиш мумкин. Тўғарак шунингдек, соф тарихий тадқиқотларни ҳам нашр этиш ва ўлкадаги ўрта аср ёдгорликларини сақлаб қолиш ишларини амалга оширишга ҳаракат қилган⁴.

Ушбу фондда археологик тадқиқотларни олиб боришдан ташқари ўлка худудидаги мейморий ёдгорликларни сақлаш масаласи тарихини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Самарқанддаги машхур Бибиҳоним масжидининг зилзила натижасида зарар кўриши ва бу борада кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Туркистон археология ҳаваскорлар тўғарагининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ва бу масалага ўлка маъмуриятининг муносабатини кўрсатувчи маълумотлар фонд таркибидаги ҳужжатларда акс этган.

¹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 57-орқа варақ.

² ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 58-орқа варақ.

³ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 58-орқа варақ.

⁴ Ларюэль М. Умозрительная Центральная Азия: Поиски прародины арийцев в России и на Западе// Вестник Евразии. 2003. №4. 155-165-б.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1897 йил 5 сентябрдаги zilзила натижасида Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган бир қанча тарихий обидалар зарар кўрган. Улардан бири юқорида такидланган Самарқанд шаҳридаги Бибихоним масжиди¹. Тез орада зарар кўрган меъморий обидаларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш масаласи бўйича Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги Самарқанд маъмуриятига мурожаат қилади.

Бунга жавобан 1897 йил 9 сентябр куни Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори таржимони томонидан юборилган тўғарак вице-раиси Остраумов номига жавоб хати юборилади. Унда таъкидланишича: *“Бибихоним мадрасаси (масжиди – А.Н.) нинг бузилиб тушган нештоқи ҳозиргача тош уюми кўринишида ётипти ва ҳеч қандай тартибга келтирилмаган. Ушбу тошлар маҳаллий ҳукумат томонидан қўриқланмоқда ва шу кунлар ичида уларни тартиблаш ишлари киратилади”*².

Бибихоним масжидининг тақдири билан тез орада Россия империясининг юқори бошқарув органлари ҳамда махсус ташкилотлар қизиқа бошлашади. Хусусан, масжидни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш ишлари бўйича Императорлик Москва археология жамиятиз, Императорлик археология комиссияси⁴ бир неча бор ўз кўрсатмаларини беради.

Натижада Самарқанд ҳарбий губернатори граф Н.Я. Ростовцев буйруғига кўра zilзила таъсирида вайрон бўлган биноларни таъмирлаш ишлари бошланади. Аммо таъмирлаш ишлари ўша давр қонунчилигида назарда тутилган расмий жараёнлар ва маъсул органларнинг рухсати ва иштирокисиз амалга оширилиши оқибатида Бибихоним масжидининг охирги сақланиб қолган минораси таъмирчилар томонидан бузиб юборилади. Бу ҳақида Россия империяси Археология комиссияси Туркистон генерал-губернаторига қуйидаги эътирозини билдиради:

“... Императорлик Археологик комиссияси шунга амин бўлдики, Туркистон генерал-губернаторлигининг маҳаллий маъмурияти қадимги ёдгорликларга доир қонунчиликдан хабари йўқ. Ҳолбуки, Императорлик Археологик комиссиянинг Низомига кўра қадимги ёдгорликларни бузиш унинг (комиссиянинг – А.Н.) рухсатисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Ваҳоланки, 1897 йил баҳорида Самарқанд ҳарбий губернатори, марҳум Н.Я. Ростовцев буйруғига кўра Бибихоним масжидининг охирги сақланиб қолган минорасининг юқори қисми бузиб ташланади. Бунда Археология комиссияси билан алоқага киришилмайди ва бузиб ташланган қисмлар чизмалари олинмайди. Бу ҳодиса айнан Олий фармонга

¹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 35-варақ.

² ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 97-варақ

³ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 99-варақ; 10-иш, 37-варақ

⁴ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 138-варақ; 10-иш, 34-варақ

биноан, Императорлик Археологик комиссияси Самарқанд шаҳридаги масжидларни тавсифини амалга ошираётган даврда юз берган. Қолаверса, 1898 йил 11 мартдаги Олий фармонга асосан, ҳар қандай йирик тарихий обидаларни қайта тиклаш ишлари Императорлик Археологик комиссиясидан аввалдан олинган розилиги асосида амалга оширилиши лозимдир. Аммо Туркистон ўлкасидан комиссияга кўриб чиқиш учун ҳалигача бирорта қайта тиклаш лойиҳаси келиб тушмаган. Шу сабабли Императорлик Археологик комиссияси Сиз Жаноби олийларидан қўл остингизда бўлган ўлка бўйича, маҳаллий маъмурларга қадимий ёдгорликлар билан боғлиқ ҳар қандай масалаларда Императорлик Археологик комиссиясига мурожат қилишни мажбурий эканлиги тўғрисида циркуляр буйруқ берсангиз...”¹.

Юқоридаги ҳужжат ўша даврда ўлкадаги рус маъмурияти, метрополиядаги илмий ва маъсул ташкилотлар ҳамда зиёлиларнинг Туркистон тарихига бўлган муносабатини ёрқин намоён қилувчи далилдир.

Бу сингари ҳужжатлар асосида ўлкада археология фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, дастлабки тарихий тадқиқотлар, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлик ҳудудида мавжуд бўлган тарихий обидаларни тарихи, уларни сақлаш ҳамда қайта тиклаш ишларига оид маълумотларни илмий муомалага киритиш мумкиндир. Шунинг учун ҳозирда Ўзбекистон Миллий архивида сақланувчи И-71 жамғармасини архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва ундаги маълумотларни замонавий тарихий методлар ёрдамида чуқурроқ ўрганиш лозим. Бу эса ўз навбатида XIX аср охири ва XX аср бошларида ўлкада тарих фани ривожини тадқиқ этиш имконини беради. Қолаверса жамғарма таркибига кирувчи этнологик, лингвистик, генеалогик, палеографик, эпиграфик, географик ва топографик маълумотлар алоҳида фан соҳалари ҳамда фан тарихи бўйича манба сифатида тадқиқотчилар томонидан фойдаланилиши мумкин.

¹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 34-34-орқ варақ.

ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ МАДАНИЯТИ ТАРИХИНИНГ ЎЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Х.А.НАЗАРОВ

*ЎзМУ Тарих факультети докторанти, ЎзР Маданият вазирлиги
хузуридаги Маданий мерос департаменти Археология
тадқиқотларини назорат қилиши ва археология ашёлари давлат
каталогини юритиши бўлими Бош мутахассиси*

Аннотация. Қадимги Бақтрия Марказий Осиёнинг энг қадимги цивилизация вужудга келган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Қадимги Бақтрия маданияти XIX асрдан бошлаб илмий-жиҳатдан ўрганила бошланган.

Ушбу мақолада Шимолий Бақтриянинг тарихи, маданияти қадимги Шарқ ва Ғарб ёзма манбаларда ёритилиши, ўлка тўғрисида келтирилган маълумотлар ва айрим тарихий лавҳаларда қайд этилиши масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Қадимги Бақтрия, Шимолий Бактрия, Авесто, Беҳистун битиклари, Суза ёзуви, Бақтрия халқи, Хитой ёзма манбалари, Кушон маданияти, Тохаристон

Қадимги Бактрия ўлкасининг тарихи дунё тарихида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг маданияти жаҳон маданиятнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Қадимги Бактрия Амударёнинг юқори ҳавзасида, яъни Ўрта Осиёнинг жанубий-шарқда жойлашган йирик тарихий-маданий ўлка ҳисобланади. Қадимги юнон муаллифлари унинг шимолий чегарасини Амударё билан (Страбон, Птолемей), кейинги давр тадқиқотчилари археологик маълумотларга таяниб, унинг шимолий чегарасини Хисор тоғлари билан, жанубини эса, Ҳиндикуш тоғ тизмалари билан белгилайдилар.

Ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий районлари, Туркманистоннинг жануби-шарқий қисмини ва Афғонистоннинг шимолий районларини ўз ичига олиб, у шимолда қадимги Суғдиёна, жанубда ва жануби-шарқда Арахосиа ва Панхара, ғарбда эса Марғиёна вилоятлари билан чегарадош бўлган. Илмий адабиётларда Бактриянинг Ўрта Осиё республикалари ҳудудларига кирган қисмига «Шимолий Бактрия», Афғонистонга қарашли қисмига нисбатан эса «Жанубий Бактрия» иборасини ишлатиш қабул қилинган¹.

Қадимги Бактрия ҳудудида узок йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кўплаб кимматли маълумотларни тўплашга эришилди. Бактрия ҳудудида дастлабки археологик қазишма

¹ Пиддаев Ш. Сирли кушонлар салтанати. Тошкент, «ФАН», 1990. – Б. 3

ишлари А. Фуше томонидан олиб борилган бўлса, кейинги йиллар давомида М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Албаум, Б. А. Литвинский, Э. В. Ртвеладзе, А. А. Асқаров, А. С. Сагдуллаев, Ш. Пидеаев, Б. Турғунов, Б. Стависский, И. Т. Кругликова, В. И. Сарияниди, Т. Ширинов, У. Раҳмонов, Ш. Шайдуллаев ва бошқа археологлар томонидан татқиқод ишлаи олиб борилган.

Ўз ўрнида қадимги ёзма манбаларда ҳам Бақтриянинг тарихи тўғрисида маълумотларни учратиш мумкин. Ўлкамизнинг қадимги тарихини ёритишда “Авесто” муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Жумладан “Авесто”да қадимги вилоятларнинг номлари Яшт китобининг учинчи ва Видевдат китобининг биринчи бобида санаб ўтилган. Бақтрия Видевдат фаргардида “Бахди” шаклида учрайди: “... Биринчидан, одамлар яшаши учун энг яхши мамлакатни, Ванхви Датъё дарёсидаги Арёнам Вайжога асос солдим. Иккинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган Гава Сўгда маконига асос солдим. Учунчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган қудратли Моуруга асос солдим. Тўртинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқли гўзал Бахдига асос солдим”¹.

Бақтрия давлати ҳақидаги маълумотлар аҳамонийлар битикларида, жумладан, Беҳистун қояларида ҳам учрайди. Доро I даврида ёзилган мазкур қоялардаги ёзувда Доро I давлати қарамоғида бўлган 23 мамлакат орасида Бақтрия ҳам тилга олинади. Ушбу ёзувда Доро I нинг қуйидаги хабарлари битилган: “Марғиёна номли давлат мендан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир одам ўзини вилоятнинг ҳоқими, деб эълон қилди. Кейин мен, Бақтрия сатрапи, бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни чақириб, унга гапирдим: Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак. Дадаршиш кўшинлари билан отланиб, марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам кўрсатди. Ахурамазда иродаси билан менинг кўшинларим кўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди. Мана менинг Марғиёнада қилганларим”². Доро I Беҳистун ёзувларида Аҳамонийлар давлатининг асосан ғарбий вилоятларини кўрсатиб берган бўлса, Нақши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхати Мидия ва Эламдан сўнг шарқий вилоятлардан бошланади. Рўйхатда Мидия, Элам ва Арьядан сўнг Бақтрия тилга олинади. Аҳамонийларнинг “Суза ёзуви” да эса, Сузадаги сарой қурилиши учун Сард ва Бақтриядан олтин, Сўғдиёнадан ялтироқ тошлар ва ложувард,

¹ Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаъларда. Тошкент, 1996. – Б. 21.

² Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, Университет, 2007. – Б.132.

Хоразмдан фируза тошлар, Арахозиядан кумуш ва бронза келтирилганлиги тилга олинади.

Персеполда бактрияликлар 15 жойда, идиш кўтарган ҳолда ва икки ўрқачли Бактрия туялари билан тасвирланган. Бу Ахамонийлар империяси хазинасига ҳар йили унга қарашли сатрапликлардан келтириладиган бож ёки солиқларнинг моддий маданиятда кўринишидир. Ахамонийлар империясига кумуш билан 300 талант² (бир талант 33.655 кг. кумушдир) қийматида бож тўлаган.

Бактрия ҳақидаги хилма-хил маълумотлар қадимги юнон тарихчилари Геродот, Ктесий, Страбон, Диадор, Плиний, Арриан, Гекатей, Скилак ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Геродот (мил. авв. 484-425) “Тарих” китобида Бактрия, Бактра ва бохтарийлар ҳақида 13 марта, суғдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган. Масалан, Геродот ахамонийлар подшоси Кир II Мидияни бўйсиндирганидан сўнг унинг йўли устида “Бобил, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб тургани” ҳақида хабар беради (Геродот, I, 153). Бундан келиб чиқадики, Бактрия ва сак-массагетлар конфедерацияси Миср ёки Бобил сингари йирик муҳим давлатлар қаторида турган. Геродот маълумотларида берилган “Бактрия халқи” тушунчаси маълум бир этник бирликни англатади. “Халқ” маъносини берувчи “этнос” сўзи Геродотнинг “Тарих” асарида жуда кўп учрайди (тадқиқотчилар ҳисобига кўра 145 марта) ва фақат икки жойдагина бу сўз Бактрияга нисбатан ишлатилади³. Геродотдан олдин “Бактрия халқи” тушунчасини буюк Эсхил “Форслар” фожеасида ишлатган. “Форслар” фожеасида ёш бактриялик жангчилардан Тенагон ва Аритомларнинг исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангида ҳалок бўлган (мил.авв. 480 йил). “Бактрия халқи ҳалок бўлди” деб Эсхил ўз асарида хулоса қилган. Бундан ташқари Геродот асарида “Бактрияликларнинг бошларига кийган қалпоқлари мидияликларникига жуда ўхшаган, улар қамишдан ясалган ўқ ва қалта найзалар билан қуролланганлар”⁴ каби маълумотлар ҳам келтирилади.

Бактрия ҳақида кўплаб маълумотлар мил. авв. 414-398 йилларда ахамоний шоҳ Артаксеркс саройида яшаган Ктесий томонидан ёзиб қолдирилган. Ктесий Кир II нинг бактрияликлар билан тўқнашуви ҳақида, Бактрияда жуда кўп истеҳкомлар мавжудлиги тўғрисида,

1Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2001. – Б 87.

2Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаъларда. Тошкент, 1996. – Б. 35.

3Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент, 2004. – Б. 43.

4Геродот. “Тарих”. том -VII, – Б. 64.

уларнинг баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олингани, унинг пойтахти Бақтра қалъасида подшо қасри жойлашгани ҳақида маълумотлар беради. Ктесий томонидан тасвирланган халқлар орасида бактрияликлар биринчилардан бўлиб тилга олинади. Бактриянинг ўзини эса у шарққа жойлаштиради: Ғарб томонидан Бақтрия “текислигига” борадиган йўлни “тоғлар” тўсиб туради, улардан фақат “довонлар” орқали ўтиб борилади. Бақтрия Танаисдан Ҳинд дарёсигача чўзилган, Танаис уни Европадан ажратиб туради, Ҳинд дарёси эса – Ҳиндистондан¹. Шуни таъкидлаш жоизки, Ктесий асарлари ўзининг асл ҳолича бизгача етиб келмаган. Аммо, юнон тарихчиси Диодор (мил.авв. 90-21 йиллар) “Тарихий кутубхона” асарида Ктесий ҳикояларига асосланган ҳолда Осурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган ҳарбий юришлари, Бақтрия подшоси Оксиарт ва унинг хазинаси ҳақида хабар беради.

Ктесий маълумотлари баъзида кўплаб мунозараларга сабаб бўлсада, бу маълумотлар ҳақиқатлиги археологик тадқиқотларда ҳам намоён бўлмоқда. Ҳозирга қадар Бақтрия тупроғида милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ қишлоқ-қўрғонлар, қалъалар ва шаҳар қолдиқлари топиб ўрганилган.

Улардан Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Пшактепа, Бешқўтон, Талашкан, Жондавлаттепа, Бандихон 1, Буйрачи, Қизилча, Обишир, Шўртепа каби ёдгорликларни айтиб ўтишнинг ўзи етарлидир. Улар мудофаа деворлари ва буржлари билан мустаҳкамланган қалъа ва қўрғонлар бўлиб, қадимги Бақтрия аҳолиси у даврларда суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар. Уй қурилиши, диний ва дунёвий монументал бинолар қурилиши, кўп тармоқли ҳунармандчилик ва савдо-сотик, айниқса кулолчилик ва металлургия, тўқимачилик ва кўнчилик, заргарлик ва бошқа кўпгина тармоқлар юксак даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Юнон тарихчиси Арриан (милодий 95-175 йиллар)нинг “Искандар юришлари” номли китобида берган маълумотларига кўра, Искандар Бессни таъқиб этиб, Бақтрия худудларига кириб келади. Бессни Искандарга қарши жанг қилиш ўрнига, унинг таъқибидан қочаётганлигини пайқаб қолган Бақтрия чавандозлари, Бессни ташлаб уй-уйларига тарқаб кетадилар. Искандар эса, ҳимоясиз қолган бактрияликларга ҳоким қилиб, форс Артабозни тайинлаб, мил. авв. 329 йилда Навтакда ўз шериклари томонидан занжирбанд этилган Бессни тутиб, Суғдиёна пойтахти Smarakansa (Самарқанд) томон йўл олади². Арриан маълумотларига кўра,

¹Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. “Катта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар)// Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент, 2001. – Б. 8-14.

²Арриан. Поход Александра / Пер. М. Е. Сергеев Москва-Ленинград, 1962. IV. Стр. 27,9,10.

Искандар Суғдиёнада Спитамен билан бўлган жангу-жадаллардан чарчаб, қишни Зариаспда (Бақтра қалъасида) ўтказди. Арриан Искандар ҳарбий юришлари тафсилотлари муносабати билан Бақтрияни бир неча бор тилга олади. Масалан, мил.авв. 328 йил қишда Зариаспда уни Хоразм подшоси Фарасман вакили билан учрашуви, Бақтрияни батамом босиб олиб, у ерда македон ҳарбий қисмларини барпо қилиши ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилади.

Милоддан аввалги I асрнинг охири ва милодий I аср ўрталарида яшаган Рим тарихчиси Квинт Курций Руф ўзининг “Македониялик Искандар тарихи” асарида “Бақтриянинг табиати бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар ва узумзорлар сероб, ширин мевалар ҳосил қилади. Унумдор ерларни кўп сонли булоқ ва дарёлар суғоради. Ҳосилдор тупроғида буғдой экилади. Бошқа ерлар ўтлоқлар учун қолдирилади”. Мамлакатнинг катта бир қисмини ҳосилсиз даштлар эгаллайди, сувсизлик туфайли ташлаб қўйилган жойларда на одамлар, на мевалар бор”, деган қимматли маълумотларни беради¹. Квинт Курций Руф Искандарнинг ҳарбий юришлари ҳақида батафсил маълумотлар берар экан, яна у Искандарнинг жанг давомидаги психологик ҳолатларини ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Масалан, Искандар тайёргарлик кўрмасдан биринчи бўлиб жангга киришсада, яралари тузалмай жангга кирган душман аскарларининг жасоратини кўриб, ўзи “ярадорликдан бутунлай тузалмаган ҳолда дўстларини маслаҳатга чақиради”. “У душмандан эмас, балки ноқулай вазиятдан кўрққан эди. Бақтрияликлар исён кўтардилар, скифлар безовта қиладилар, унинг ўзи зўрға оёққа туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади”². Квинт Курций Руф ҳатто жангларда буюк ғалабага ўрганган Искандарни Спитаменнинг ҳарбий усуллари чўчитиб қўйганлиги, кўп ҳолларда Спитаменга қарши тажрибали саркардалар ва шахсан ўзи бош бўлиб жангга кириши, душманнинг ҳар бир отида иккитадан қуролланган чавандоз бўлиб, қутилмаганда улар навбат билан отдан тушиб, отлиқлар жангида душманига тўсқинлик қилишлари, аскарларнинг эпчиллиги отларнинг чаққонлигига ўхшаб кетиши ва уларнинг душманга қарши бирданига ордан, рўпара ва ён томонлардан ҳужумга ўтиб, душманни таҳликага солиб қўйишлари ҳақида ёзади. Тажрибали Македон бошчилигидаги кўшин Спитамен билан бўлган бир жангда “2000 минг пиёда, 300 отлиқ чавандозидан ажрайди. Жанг майдонидан чиқиб келган аскарларни Искандар ўлим жазоси билан

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, Университет, 2007. – Б. 152-153.

²Квинт Курций Руф. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, IV боб. – Б. 5-6.

кўрқитиб, бу мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиёткорлик мақсадида сир сақлади”, деб ёзади Курций Руф.

Бошқа бир юнон тарихчиси Страбон (мил. авв. 64-24 йиллар) ўзининг машхур “География” асарида қадимги Турон халқларининг урф-одатлари, шаҳар ва дарёлари ҳақида яхши маълумотлар қолдирган. “Олдинги замонларда бохтарийлар ва суғдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган. Аммо, бохтарийларнинг анъанавий маданияти анча юқори бўлган”¹. «Айтишларича, Искандар Бактрия ва Суғдиёнада 8 та шаҳарга асос солган ва кўпларини вайрон қилган”.

Бактрия ва унинг халқи ҳақида қадимги Хитой ёзма манбалари ҳам қимматли маълумотлар беради. Аммо, Хитой манбалари маълумотларига кўра, мил.авв. II асрнинг охириги чорагида кўчманчи сакларнинг Да-юечжи қабила уюшмаси Юнон-Бактрия давлатини ағдариб, Бактрияда сиёсий ҳокимият тохар қабиласи етакчилигидаги юечжилар қўлига ўтади. Шундан бошлаб, Бактрия “Тохаристон” номини олади. Тохаристон хитойча манбаларда “Дахя”, деб талаффуз этилади. Хитой манбаларига кўра, тохар қабилалари дастлаб, Амударёнинг ўнг соҳили, яъни ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларига жойлашиб, Далварзинтепани ўзларининг сиёсий пойтахтига айлантирадilar. Айнан мана шу жойда мил. авв. 126 йилда Хитой элчиси Чжан Цян юечжи қабилаларининг бошлиқлари билан учрашиб, хуннларга қарши биргалашиб курашиш таклифига рад жавоб олган эди.

Чжан Цян ўз ҳисоботида уларнинг давлат чегаралари ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Дахя² ғарбга томон, Давандан 3 минг ли жанубда жойлашган. Ундан ғарбда – Аньси (Парфия), шимолда эса Кангуй жойлашган”³. Чжан Цяннинг таъкидлашича, Да-юечжилар аслида кўчманчи қабилалар бўлиб, янги жойлар аҳолисининг маданий-хўжалик таъсирида ўтроқлашган. Элчи келтирган маълумотлар таҳлилига кўра, “Дахяда ягона давлат бошлиғи йўқ, ҳар бир шаҳар ўз ҳокими томонидан бошқарилади”. “Дахяда 5 та патриархал князлик хонадонлари (Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисе ва Дюми мавжуд”. Чжан Цян “Дахяда ўтроқ ҳаёт кечирадилар, шаҳарлари бор ва уйларда яшайдилар, урф-одатлари бўйича дайюанликларга ўхшаб кетади, қўшини кучсизроқ, лекин жангда чаққон ва чаптаст, аҳолиси савдога омилкор”.

Дахя ҳақида Чжан Цян кўриб, билиб ёзган маълумотлар бу заминда олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқотларда тўлиқ ўз аксини топади. Чжан Цян сафаридан сўнг Да-юечжи қабилалари 5 га бўлиниб, юз

¹ Страбон. География. XI- китоб, XI боб. –Б. 3.

²*Бактрия Хитой манбаларида Дахя деб юритилган.

³История народов Узбекистана, Том I. – Тошкент, 1955. – Стр. 92.

йиллар чамаси алоҳида – алоҳида яшаганларидан сўнг, Гуйшуан жабғуси Кудзула Кадфиз ўзини Гуйшуан (Кушон) подшоси, деб эълон қилади. У Аньси (Парфия) билан урушлар бошлаб, Ҳиндикуш жанубидаги Пуду (Паропамисада қадимги Кашмир) ни босиб олади ва Гибин (Қобил вилояти) ерларини ҳам эгаллайди.

Хитой ёзма манбалари ва археолого-нумизматика материаллари таҳлиliga кўра, Кудзула Кадфиз 80 йил яшаб, милодий I асрнинг биринчи ярмида Бақтрияда подшолик қилган. Рабатак сулолавий рўйхатига кўра, унинг ўғли Вима Такто “номаълум шоҳ” Сотер Мегас номи остида қисқа муддат подшолик қилган. Сўнг ҳокимиятга (милодий 51-78 йиллар) Кудзуланинг бошқа ўғли Вима Кадфиз келиб, Ҳиндистоннинг Банорас вилоятигача бўлган ерларни босиб олади ва юнонларнинг энг сўнгги ҳукмронлигига барҳам беради. Вима Кадфиз пул ислоҳоти ўтказиб, олтин тангалар зарб эттиради. Мамлакат пойтахтини Пешаворга кўчиради.

Кушонлар империяси подшо Канишка даврида ўз қудратининг энг юқори чўққисига кўтарилади. У давлат чегараларини шарққа, Покистон ва Ҳиндистон ҳисобига кенгайтириб, давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлайди. Унинг даврида қатор давлат аҳамиятига молик ислоҳотлар ўтказилади. Булар пул ислоҳоти, тил ислоҳоти, ёзув ислоҳоти ва диний ислоҳотлар ўтказилиб, ҳар жабҳада Канишка мустақил ички ва ташқи сиёсатлар олиб боради.

БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Фарҳод УСМАНОВ

*Чирчиқ давлат педагогика институти
“Тарих” кафедраси докторанти*

***Аннотация.** Мазкур мақоладан совет даврига оид архив материалларининг болалар ўртасида қаровсизлик тарихини ёритишдаги ўрни ва роли ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Болалар уйи тарбияланувчилари ҳақидаги статистик маълумотлар, қаровсиз ёшларнинг сони ва уларнинг болалар уйларига жойлаштирилиши ҳақидаги тарихий жараёнлар акс этган маълумотлар келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** архив, рўйхат, иш, ҳужжат, илмий тадқиқот, болалар уйи, қаровсиз ёшлар.*

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, Университет, 2007. – Б. 183.

Замонавий таълимда ҳар бир фан тараққиёти доимий янгилашиб борар экан, албатта у жамият ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказишни бош мақсад қилиб олади. Чунончи, бугунги кун тарих фанини замонавий ёндашув ва методлар орқали ўрганиш ҳам ўз навбатида тарихий жараёнларни ҳолисона ўрганиб, уларда мавжуд даврийлик ва ўзига хослик таҳлил қилиниб, бугунги кун жамиятига зарурий хулосалари жорий қилиниши билан аҳамиятлидир. Тарих фанини ўрганишда айниқса архивларнинг ўрни беқиёс бўлиб, улар орқали ҳужжатларнинг реал ҳолатини ўрганиш имкони юқорилиги катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 103 та давлат архиви, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида 110 та идоралараро шахсий таркиб архивлари ҳамда тўққиз мингдан зиёд идоравий архивлар фаолият юритмоқда. Архив иши ва иш юритиш йўналишида кадрлар тайёрлайдиган 28 та касб-ҳунар коллежи, 4 та олий ўқув юрти мавжуд. Марказий давлат архивлари қошида ташкил этилаётган —Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати, —Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари семинар-тренингларида ходимлар малака оширмоқда.¹

Рақамларга эътибор қаратилса, бугунги кунда республика бўйича архив муассасаларида жами 37 700 дан ортиқ фонд мавжуд бўлиб, уларнинг таркибидаги ҳужжатларнинг сони 8,6 млн. сақлов бирлигини ташкил этади. Шундан миллий архив фондининг нодавлат қисми 473 500 дан ортиқ сақлов бирлигига тўғри келади. Архив муассасаларидаги 5 886 та шахсий фондда 374 907 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар мавжуд. Жами асосий рўйхатга киритилган жамлаш манбалари эса 10 754 тадан иборат бўлиб, шундан нодавлат ташкилотларининг улуши 1 360 тага тўғри келмоқда.²

Тарих фани бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришда мавжуд архивлар фондидан самарали фойдаланиш, мазкур давр тарихини аниқ фактлар орқали, объектив баҳоланган ва илмий салоҳиятли тадқиқотни очиб беришда муҳим рол ўйнайди. Жумладан тадқиқот объекти ва даврига мос равишда илмий тадқиқотни олиб боришда даврий нуқтаи назардан материалларни тўплашда архив материалларидан самарали фойдаланиш етарлича асосланган илмий иш яратилишида муҳим жиҳат саналар экан, бу мисолни “Совет даври болалар қаровсизлиги” мавзуси доирасида ўрганадиган бўлсак кўплаб асосли маълумотлар шакллантириш мумкин.

“Совет даври болалар қаровсизлиги” мавзуси доирасидаги архив материалларини ўрганиш жараёнида мазкур мавзудаги архив материаллари Р-10, Р-111, Р-13, Р-1619, Р-17, Р-1866, Р-23, Р-2454, Р-25,

1 Архив иши ва иш юритиш соҳаси бўйича Ахборотнома. Т. – 2016. Б. 14.

2 Архив иши ва иш юритиш соҳаси бўйича Ахборотнома. Т. – 2016. Б. 15.

P-27, P-314, P-34, P-35, P-36, P-38, P-39, P-40, P-41, P-44, P-498, P-537, P-588, P-594, P-737, P-837, P-86, P-94, P-95, P-96, ФР-1970, ФР-837 фондларида асосан жойлашганлиги аниқланди. Юқорида кўрсатиб ўтилган фондларда берилган маълумотлар ўзининг аниқ йўналишлари орқали жамланганлиги тадқиқотчининг ўз ишини қулай олиб боришига кўмаклашади.

Совет даври болалар қаровсизлиги ва унга қарши кураш масаласига оид P-86 (Ўзбекистон ССР Марказий Ижро қўмитаси) фондини таҳлил қиладиган бўлсақ, мазкур фондда мавжуд 1 ва 10 рўйхат (опись) ларда мавзу доирасидаги материаллар сақланиши, рўйхат (опись) лар орасида жуда кўплаб иш (дело) лар мавжуд бўлиб, булар орасидан энг катталари сифатида 160, 215, 322, 1654, 1656, 2151, 2222, 2548, 2581, 2583, 2851, 3581, 3587, 3806, 3811, 3830, 3873, 4185, 4379, 4381, 4389, 4399, 4400, 4401, 4411, 4414, 4381А 5129, 5830, 5833, 7194, 7233, 8034, 8056 каби иш (дело) ларни келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, мазкур фонд 1 рўйхат (опись)ида 3249, 3603, 3605, 4394, 4395, 4566, 5102, 5103, 5105, 5846, 6510, 8047, 8062, 8065 сонли иш (дело) лар ҳамда 10 рўйхат (опись)ида 1456, 1492, 1494 сонли иш (дело) лар тўлиқлигича (все дело) мазкур мавзуга оид маълумотлар билан тўлдирилганлиги аниқланди.

Совет даври болалар қаровсизлиги ва унга қарши курашиш ишлари туб моҳиятини очиб беришда Ўзбекистон Миллий архивининг P-86 фонди асосий манбалардан бири ҳисобланиб мазкур фонд 1 рўйхат (опись) 4399 иш (дело) мисолида мазкур мавзуга оид кўплаб маълумотлар мавжудлиги ўрганилди.

1927 йил 20-мартдаги Ўзбекистон ССР ХК солиқ бошқармасининг 548/905/302 сонли фармойишига кўра болалар комиссияси ва болалар қаровсизлигига қарши курашиш ижтимоий ташкилотлари қошидаги саноат корхоналари ёки шунга ўхшаш корхона ёки ташкилотлар ва маҳсулот айланмаси унча юқори бўлмаган савдо ташкилотлари хунар-мандчилик учун олинадиган солиқдан озод қилинган ҳамда қолган барча савдо ва саноат жамиятларига 25 % чегирмалар тақдим этилган.¹ Минг афсуски бу имтиёз ҳам қайсидир коррупцион ташкилотлари манфаатига хизмат қилган.

СССР Халқ молия қўмитаси 1927 йилнинг 29 январдаги № 253 / (ВФ № - 16) ва 1927 йил 4-20 майдаги 463 сонли (ВФ № - 31) Фармойишларга қўшимча равишда Ўзбекистон Халқ Молия Нозирлиги хабар қилишича СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумининг 1926 йил 20 октябрдаги қарорида ва СССР Халқ нозирлари кенгаши Марказий Ижроия Қўмитасининг 1926 йил 13 августдаги қарорида кўрсатилган имтиёزلардан Ўзбекистон Халқ молия нозирлигининг 1927 йил 19 июндаги 4-сонли қарорига биноан Ижроия қўмиталари қошидаги Вояга

¹ Ўз МА, P-86 фонд, 1- рўйхат, 4399-иш 47-варақ.

етмаганлар Комиссияси ҳамда “Болалар дўсти” номи остидаги болалар қаровсизлигига қарши кураш бўйича жамоат ташкилотларидан ташқари яна қуйидаги жамоат ташкилотлари ҳам фойдаланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган:

1. Ўзбекистон ССР Марказий ижроия қўмитаси қошидаги Болалар ҳаётини яхшилаш бўйича марказий Комиссия;

2. Округлар қошидаги болалар ҳаётини яхшилаш бўйича ҳудудий Комиссиялар;

3. Туман ижроиялари қошидаги болалар ҳаётини яхшилаш бўйича туман комиссиялари;

4. “Болалар дўсти” жамияти ҳузурида ташкил этилган жамоат бирлашмалари.¹ Бу каби қарорларнинг бир мавзуда қайта-қайта қабул қилиниши ўз навбатида қарорлар ижросида оғишишлар, маълум бир шахс манфаатига қарорнинг хизмат қилиш ҳолатлари келиб чиқиб, оқибатда қарор ижро механизми ишламай қолган деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Шунингдек, Болалар қаровсизлиги ҳақида гап кетганда, аввало болалар уйларидаги вазият аҳмиятли ва шу мақсадда болалар уйларига давлат томонидан ажратилган маблағ масаласи бўйича қуйидаги маълумотлар аниқланди:²

№	Вилоят	Сони	Хизматчилар сони	Тарбияланувчилар сони	Ажратилган сумма
1	Самарқанд	15	124	756	245 395 р.
2	Фарғона	30	254	2 176	720 518 р.
3	Тошкент	28	321	1 755	642 893 р.
4	Зарафшон	4	38	180	104 352 р.
5	Хоразм	4	14	600	204 740 р.
6	Сурхондарё	2	14	130	72 094 р.
7	Қашқадарё	2	14	85	48 536 р.
Жами:		85	883	5682	2 038 527 р.

Бу келтирилган статистик маълумотлар ҳам ўз навбатида болалар қаровсизлиги билан ўзаро алоқадор тушунча бўлмиш болалар уйлари ҳолати, улардаги вазият бўйича умумий бўлса ҳам хулосалар чиқаришга асос бўла олади, яъни энг кўп қаровсиз болалар сони Фарғона вилояти ҳудудига тўғри келиши, тарбияланувчилар сони Тошкентда камроқ бўлсада хизматчилари сони Фарғонадаги сони ҳам кўп, тарбияланувчилари ҳам кўп аҳволга нисбатан кўпроқ берилганлиги турли мушоҳадаларни келтириб чиқариши мумкин.

¹ Ўз МА, Р-86 фонд, 1- рўйхат, 4399-иш 64-65 варақлар.

² Ўз МА, Р-86 фонд, 1- рўйхат, 4399-иш 16 варақ.

Р-837 (Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлиги Кенгаши) фонди 11 рўйхат (опись) 53 иш (дело)ни ўрганиш жараёнида ҳам 1933 йилдаги қаровсиз болаларни ЎзССР Ички ишлар ХК томонидан ташкил этилган Болалар қабулхоналарига қамраб олиш ва уларнинг ижтимоий портрети бўйича муҳим маълумотлар аниқланди. Қуйидаги жадвал орқали Тошкент шаҳридаги милиция бўлимларидаги қаровсиз болаларнинг қисман ижтимоий портретини англаш мумкин.

№	Болалар қабулхоналари	Келган жойи					Оиласи бўйича			
		Ўзбекистон	Қозғистон	Россия	Сибир	Марказий осие	Ота-онаси мавжуд	Отаси мавжуд	Онаси мавжуд	Ҳеч кими йўқ
1	2-милиция бўлими	0	17	0	0	13	0	14	4	12
2	1-милиция бўлими	0	15	12	2	7	0	3	3	30
3	3-милиция бўлими	6	19	2	4	8	3	2	12	22
4	4-милиция бўлими	0	13	1	1	15	12	2	11	5
5	6-милиция бўлими	0	38	1	0	23	0	0	17	45
6	7-милиция бўлими	0	24	0	0	16	5	7	5	23
7	8-милиция бўлими	0	25	5	5	27	0	0	0	62
8	Минерал сув заводи	0	35	46	9	56	2	40	17	88
9	4-болалар қабулхонаси	0	21	0	0	73	4	5	13	72
10	Комонес	0	7	30	5	0	6	4	14	18
Умумий		6	214	97	26	238	32	77	96	377

Совет даври тарихида болалар ҳаётини янада яхшилашга кўмаклашувчи куч сифатида ташкил этилган “Болалар дўсти” ташкилоти таъсис этилиши жараёнида унинг туман, шаҳар конферециялари ўтказиб борилиши белгиланиб, унда жамият бошқаруви учун раҳбарлар сайланиш масаласи кўриб чиқилиши белгиланган, шунингдек мазкур

конференцияларда жамият мақсади ва вазифаларига аниқликлар киритиб бориш масаласи ҳам атрофлича ўрганиб чиқилиши белгиланган.

Болалар комиссияси томонидан ажратилган маблағ ҳисобига болаларни кўчадан йиғиб олиб болалар уйларига жойлаштириш мақсадида амалий ишлар бажарилган бўлиб, мазкур тадбирда 500 нафар қаровсиз бола аниқланган бўлиб, уларни 1927 йил октябрь ойидан бошлаб тақсимлаш ишлари олиб борилиши белгиланган. Унга кўра Самарқанд, Қўқон, Андижон, Бухоро шаҳарларидаги мавжуд болалар уйларига тенг равишда 75 нафардан болаларни жойлаштириш, қолган 200 нафар қаровсиз болаларни эса Республика бўйича мавжуд болалар уйларидаги бўшаб қолган жойларга жойлаштириб бориш белгиланган.¹

Шу ўринда шуни алоҳида эътироф этиб кетиш керакки, мазкур давр қаровсиз болаларининг сони ортиб боришига ҳам кўплаб омиллар сабаб бўлиб хизмат қилган. Жумладан, 1921 йилнинг куз, қиш ойларида Совет Иттифоқи ҳудудида давом этаётган очарчилик янада кучайиши оқибатида тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, оч болалар Татаристонда 785 000 нафарни, Қирғизистон (Қозоғистон)да 570 000 нафарни, Симбирскда 520 000 нафарни, Чувашда 200 000 нафарни, Бошқирдистонда 155 000 нафарни, Самара ва Немис коммунасида 78 600 нафарни умуман Влгабўйидаги оч болалар сони 5 798 000 нафарни ташкил этган ва шулардан 120 000 нафари Ўзбекистон ССР ҳудудига кўчириб келтирилиши режалаштирилган.² Четдан келтирилган болалар ҳаётини яхшилаш ва уларни ўз қарамоғига олиш ўзбек халқи учун албатта кўплаб муаммолар келтириб чиқарар ҳамда бунинг оқибатида кўплаб болалар кўча ҳаётини афзал билиб, назоратсиз болалар сонини кўпайтириб борди.

Жамият ҳаётида болалар масаласи жуда муҳим ахамият касб этади. Хусусан, бугунги кунда юртимизда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қили ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида (собик СССР даврига нисбатан) туб ўзгаришлар содир этилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уни доимий равишда ривожлантириб бориш ҳукумат раҳбариятининг диққат марказидадир. Айнан болалар қаровсизлигининг олдини олиш, болалар манфаатларини ҳар томонлама ҳукумат томонидан яхшилаб бориш ва мазкур масала учун масъул давлат ташкилот ва органлари фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида қонунчиликда туб ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бундай вазиятда болалар манфаатини ҳимоя қилишда тарихда йўл қўйилган хато ва камчиликларни асосли тарзда очиб бериш

¹ Ўз МА, Р-86 фонд, 1- рўйхат, 4399-иш 67 varaқ.

² А.Расулов. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). Тошкент: Университет, 2005, 115 б.

ва унинг олдини олиш борасида илмий хулосалар қилиниши юксак аҳамиятга эгадир.

Умумий хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда мавзуга оид мавжуд архив фондларидан самарали фойдаланиш мазкур мавзу юзасидан тарихий воқеъликка мос фикр ва мушоҳадалар юритилишида муҳим рол ўйнайди. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчининг тарихий жараёни субъектив баҳолашдан йироқлаштириб, унинг объектив баҳолашига эришишда катта ҳисса қўшади.

ЗАРАФШОН МУЗОФОТИ БОШЛИҒИ МАҲКАМАСИ ИШ ЮРИТИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАШҚИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўлқин АХМЕДОВ
СамДУ докторанти

Яқин ўтмишимизни ёзма манбаларнинг асосий салмоғини ташкил этувчи расмий ҳужжатларсиз тасаввур қилиш қийин. Агар ибтидоий жамоа тузуми, илк ўрта асрлар тарихини ўрганишда моддий манбаларнинг салмоғи катта бўлса, тарих бизга яқин бўлгани сари ёзма манбаларнинг аҳамияти ва қиймати ортиб боради. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари тарихи ҳам бундан мустасно эмас. Бу давр тарихини ўрганишимизда манбалар базасининг катта қисмини айнан ёзма манбалар ташкил этади.

1868-1886 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигининг алоҳида маъмурий-худудий бирлиги сифатида мавжуд бўлган Зарафшон музофоти¹ тарихига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган ишлар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 5-жамғармасида сақланмоқда ва бу жамғарма “Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси” деб номланади. ЎзР МДАнинг 1948 йилда Г.Н.Чабров ва Н.А.Халфинлар томонидан тузилган йўл кўрсаткичида 5-жамғармада сақланаётган ишларнинг сони 4004 та эканлиги кўрсатилган². Жамғарма рўйхатида (1-рўйхат) эса уларнинг умумий сони 4080 тани ташкил этади. Амалга

¹ 1885 йил 20 апрелда Туркистон генерал-губернаторининг Ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича 79-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Туркистон ўлкаси лавозимли таржимонлари учун йўриқнома”да “Зеравшанский округ” жумласини “Зарафшон музофоти” деб таржима қилиш кўрсатилган. Қаранг: ЎзР МДА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 1606-иш, 22-варақ орқа томони; Мақолада кейинги ўринларда “округ” ўрнига “музофот” сўзи қўлланилади (Т.А.).

² ЦГИА УзССР, Путеводитель. Сост.: З.И.АгафANOVA, к.и.н. Н.А.Халфин. – Т.,1948. С.35

оширилган миқдорий таҳлил ўз навбатида жамғармадаги ишларнинг сони амалда 3945 та эканлигини кўрсатди.

Маҳкамада иш юритувига олинган ҳужжатлар “иш” (дело) кўринишида тизимлаштирилган ва маҳкаманинг ўзида сақланган. 1882-1883 йилларда ўлкани тафтиш қилган махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирснинг ҳисоботиغا кўра, музофот бошлиғи маҳкамасидаги барча ишлар рўйхатларга эга бўлиб, иш варақлари столлар ва алифбо бўйича рақамланган, шунингдек, ҳисоб-китоб дафтарлари ҳам тўғри юритилган. Тугатилган ишлар архив бўлмаганлиги сабабли, алоҳида омборда сақланган, йиллар ва ҳужжатларнинг хусусияти бўйича тартиб билан жойлаштирилган¹. Жамғармада ҳужжатларни саралаб олишнинг турли тамойиллари асосида тузилган ишларнинг бир неча категорияларини кўриш мумкин:

1) у ёки бу масаланинг қуйилиши, кўриб чиқилиши ва ечими бўйича ҳужжатлар хронологик тартибда йиғилган ишлар;

2) Иш юритиш ҳужжатлари мавзувий тамойил асосида йиғилган ишлар;

3) Ҳужжатларнинг алоҳида кўринишлари бўйича йиғилган ишлар;

XIX аср иккинчи ярмида расмий ёзишмалар одатда корреспондентлик белгисига кўра шакллантирилган². Зарафшон музофоти бошлиғи ва маҳкамасининг бўлим бошқарувлари ва юқори давлат муассасалари билан олиб борган расмий ёзишмалари “Турли ёзишмалар”, “Турли масалалар бўйича ёзишмалар” рукни остида ишларга бирлаштирилган. “Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси” жамғармасида ижро хусусиятидаги ҳужжатлардан ташқари, ҳужжатлаштиришнинг махсус тизими бўйича юритилган бухгалтерия, дипломатик ва суд-тергов ҳужжатлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари учун хос бўлган ташқи хусусиятларнинг аксарияти XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид иш юритиш ҳужжатлари учун умумий ҳисобланади. Маҳкама иш юритиш ҳужжатларининг асосий материали қоғоз бўлиб, у Россия корхоналарида тайёрланган. XIX аср иккинчи ярмида Россия империясида қоғоз ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қоғоз турларининг кўпайишига, амалиётда газета, типография, литография, ҳужжат, ёзув, идора ва почта қоғози кабиларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Маҳкамада асосан 22x35,5, 21,0x26,7, 16,6x16,8 ва 18x22,5 см ўлчамдаги қоғозлардан фойдаланилган. Иш юритишда фойдаланилган қоғозларнинг ўлчамларини таҳлил қилганимизда, уларнинг амалда

¹ Гирс Ф.К. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. / Ф.К. Гирс. – СПб.: б.м., 1883. – С.95.

² Источниковедение истории СССР: учебник / под ред. И.Д. Ковальченко. – М., 1973. – С.314

44x35,5 см ўлчамдаги қоғозлардан қирқиб олинганлигини кўришимиз мумкин. Фақат телеграммалар махсус қоғозга ёзилган бўлиб, уларнинг стандарт ўлчами 21,0x18,0 см дан иборат.

Қоғознинг қайси туридан фойдаланиш ҳужжатнинг тайинловига, ҳужжат яратилган муассасанинг давлат органлари тизимидаги мавқеёига боғлиқ бўлган¹. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси, бўлим бошқарувларининг Россия империяси давлат органлари тизимидаги мавқеидан келиб чиқадиган бўлсак, уларда асосан ёзув қоғозларидан фойдаланилган дейиш мумкин. Тадқиқот жараёнига тортилган иш юритиш ҳужжатларининг ташқи таҳлили ҳам ушбу ҳолатни тасдиқлайди. Шундай бўлсада, “Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси” жамғармасида сақланаётган ишларда XIX аср иккинчи ярмида Россия империясида фойдаланилган қоғоз турларининг деярли барчасини кўриш мумкин.

Маҳкама қоғозларининг ўзига хос хусусияти, уларнинг кўпчилигида штемпел белгиси бўлиб, (масалан, Сергеев фабрикаси № 7;) бу қоғознинг тайёрланган жойи ва сифатини аниқлашга имкон беради, қатор ҳолатларда эса ҳужжатнинг яратилган вақтини аниқлаш учун ҳам муҳим маълумот ҳисобланади. Шунингдек, иш юритишда қоғознинг алоҳида тури – тамғали қоғозлардан ҳам фойдаланилган ва уларга асосан даъво аризалари, илтимосномалар, арзномалар ёзилган. Бу учун давлат фойдасига алоҳида тамға йиғими ундирилган². Одатда бундай қоғозларнинг юқори ўнг бурчагида давлат герби туширилган ва қоғознинг нархи кўрсатилган.

Жамғармада ўрин олган ҳужжатларнинг деярли барчаси кўлда, XVIII аср 20 йилларида қарор топган “фуқаролик шрифти”да ва XIX асрда Россия империяси давлат муассасаларида кенг ёйилган каллиграфик «канцелярия» хуснихатида ёзилган. Шунингдек, иш юритиш ҳужжатларининг барчаси рус тилида ва XIX асрда узил-кесил шакланган “канцелярия” услубида яратилган. Бу услуб XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси маъмурий-бюрократик ташкилотларида яратилган барча ҳужжатлар учун хусусиятлидир³. Шунингдек, ишларда эски ўзбек, форс-тожик, яҳудий ва ҳинд тилларида ёзилган ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин.

1 Источниковедение истории СССР. Под.ред. И.Д.Ковальченко. Учебник. М., «Высшая школа», 1973. – С.304.

2 Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб. пособие/ И.Н.Данилевский, В.В.Кабанов, О.М.Медушевская, М.Ф.Румянцева. – М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1998. – С.396.

3 Источниковедение истории СССР. Под.ред. И.Д.Ковальченко. Учебник. – М.: Высшая школа, 1973. – С.198.

Маҳкама иш юритиш ҳужжатлари орасида араб-форс имлосида ёзилган ҳужжатлар талайгина. Маҳаллий тил ва ёзувда ёзилган ҳужжатларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) маҳаллий тил ва ёзувнинг ташувчилари томонидан яратилган расмий ҳужжатлар; 2) маҳкама тилмочлари томонидан маҳаллий тил ва ёзувга ўгирилган ҳужжатлар; Чунки улар ёзувнинг шакли ва услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Тадқиқот давомида уларни бир-биридан фарқлаш қийин эмас. Шунингдек, ишларда яҳудий (иврит) ва ҳинд имлосида ёзилган расмий ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин.

Айрим ишларда ёзув машинкасида ёзилган ҳужжатлар ўрин олган. Бироқ улар мазкур ҳужжатларнинг асл нусхаси эмас, улар маҳкама фаолиятида ёзув машиналаридан фойдаланиш бошлангач (1898 йилдан кейин – Т.А.), кўчирилган ёки ҳужжатларни сақлаб қолиш мақсадида архив ходимлари томонидан кўчирилган нусхалардир.

Деярли барча иш юритиш ҳужжатларида ҳужжатнинг ёзилган, аксариятида иш юритувига олинган санаси кўрсатилган. Рус тилидаги ҳужжатларда саналар милодий йил ҳисобида, 1918 йил 14 февралгача амалда бўлган юлиан тақвимида (айрим ҳужжатларда юлиан ва григорян тақвимдаги саналар биргаликда кўрсатилган) кўрсатилган бўлса, маҳаллий тил ва ёзувдаги ҳужжатларда саналар ҳижрий йил ҳисобида, яҳудий тили ва ёзувида ёзилганларда яҳудий тақвими бўйича келтирилган. Ҳужжатнинг ёзилган санасини аксарият ҳолларда ҳужжатнинг бошида, айрим ҳолатларда ишнинг охириги варағида кўриш мумкин. Иш юритиш ҳужжатининг яратилган вақтини аниқлаш ва тадқиқотда белгилаш жуда муҳим. Чунки бу ҳужжатнинг тарихий манба сифатида баҳоланишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Айниқса, қонунчилик хусусиятига эга бўлган ҳужжатларда уларнинг тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган вақтини ҳисобга олиш лозим¹.

Жамғармада сақланаётган иш юритиш ҳужжатларининг аксарияти Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасида, бўлим бошлиқлари бошқарувларида тайёрланган. Бу давр иш юритиш ҳужжатларининг ўзига хос жиҳати, улар ҳам ташқи белгилари, ҳам таркиби бўйича қатъий белгиланган ҳужжатлардан иборат бўлган². Давлат муассасалари иш

¹ Источниковедение истории СССР. Под.ред. И.Д.Ковальченко. Учебник. М., «Высшая школа», 1981. С.262

² XIX аср иш юритиш ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларнинг муҳим асослари қонуна тасдиқланган. 1917 йилга қадар Россия империясида иш юритиш 1720 йил 28 февралда қабул қилинган “Бош регламент” асосида олиб борилган. “Бош регламент” 56 қисмдан иборат бўлган ва унда ҳужжатларни тузишнинг умумий қоидалари келтирилган, асосий реквизитлари кўрсатилган. Қаранг: Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб. пос./И.Н.Данилевский, В.В.Кабанов,

юритиш ҳужжатлари тегишли сарлавҳа ва иш юритишнинг индекси (шартли рақамлари)га эга бўлиши лозим бўлган. Ҳужжатнинг бу қисми аксарият ҳолларда босма ҳарфлар ва рақамлар билан ёзилган¹. Уларда ҳужжатнинг маҳкама ёки бошқарувнинг қайси бўлимида тайёрлангани қайд этилган ҳамда иш юритувидаги рақами келтирилган (масалан, Фармойиш бўлими, №207). Туркистон генерал-губернатори маҳкамасидан юборилган ташқи ҳужжатларда маҳкама бўлиmidан ташқари, иш юритиш ҳужжатининг бўлимнинг қайси столида тайёрланганлиги тўғрисидаги маълумотни кўриш мумкин (масалан, Фармойиш бўлими, 1-стол, №9578). Шунингдек, ички ва ташқи ҳужжатларнинг аксариятида ҳужжат тайёрланган жой номи (Тошкент, Самарқанд, Каттақўрғон, Панжикент, Самарқанд яқинидаги ҳарбий лагер, йўл канцелярияси ва бошқ.) келтирилган.

Иш юритиш ҳужжатининг муаллифини ҳужжат билан бевосита танишув натижасида аниқлаш мумкин. Аксарият ҳужжатларнинг муаллифлари маҳкама ва бўлим бошқарувлари иш юритувчилари ҳамда мирзалари ҳисобланади. Ҳужжатларда ваколатли шахсларнинг имзоларини ҳам кўриш мумкин. Шахсий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларда ҳужжат муаллифининг исми шарифи, агар бўлса, лавозими қайд этилган.

Иш юритиш ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, алоҳида ишда келтирилган ҳужжатларнинг аҳамиятли қисми мазмун жиҳатдан ўзидан аввлагги ҳужжатни такрорлайди. Умуман олганда XIX аср иккинчи ярмига оид иш юритиш ҳужжатлари Россия империяси давлат муассасалари қонунчилик ҳужжатлари тизимида XVIII асрда ишлаб чиқилган нормалар ва қоидалар бўйича тузилган². Раҳбариятни барча ҳужжатларни ўқиб чиқиш “машаққати”дан холос этиш учун ахборот ёки ҳисоботда ишнинг моҳиятини очиб берадиган алоҳида экстракт ёки қисқача маълумотнома келтирилган. Шунингдек, иш юритиш ҳужжатларининг аҳамиятли қисмида (аксарият ҳолларда ахборот ёки ҳисоботнинг биринчи варағида) раҳбариятнинг қайдлари, таклифлари, тузатишлари ва муносабат белгиси учун майдон қолдирилган.

О.М.Медушевская, М.Ф.Румянцева. – М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1998. – С.393-394

¹ 1830 йилдан Россия империяси давлат муассасалари иш юритувида бланкалардан фойдаланиш бошланган. Улардаги асосий реквизитлар – идора ёки муассаса номи, унинг тузилмавий қисми, сана, номер (№), сарлавҳа типографик усулда бажарилган. Қаранг: Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб. пос./И.Н.Данилевский, В.В.Кабанов, О.М.Медушевская, М.Ф.Румянцева. – М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1998. – С.398

² Пронштейн А.П. Методика исторического источниковедения. – Ростов на-Дону.: Изд-во Ростовского уни-та, 1979. – С.125

Россия давлат муассасаларининг маҳкамаларида “қоғозларнинг маъмурий оқими” тартиби қонунлар ва олий ҳокимиятнинг алоҳида фармойишлари билан назорат қилинган¹. Бу бўйича кўплаб қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб, 1885 йил 20 апрелда Туркистон генерал-губернаторининг Ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича 79-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Туркистон ўлкаси лавозимли таржимонлари учун йўриқнома”² бунга яққол мисол бўла олади. Ҳужжатларни ёзишда маҳкама мирзалари асосан қора рангдаги сиёҳдан фойдаланишган.

Ҳужжатлар таркибида иллюстрациялар бор ёки йўқлигини аниқлаш ташқи таҳлилнинг мезонларидан бири ҳисобланади. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларини ўрганиш давомида биз бу мезонга тўғри келадиган ишни учратмадик.

Ҳужжатларнинг деярли барчасида хронологик, кўпчилигида метрологик маълумотлар келтирилган. Саналар милодий йил ҳисобида, 1918 йил февралига қадар амалда бўлган юлиан тақвими асосида кўрсатилган. Шунингдек, мусулмон ва яҳудий тақвимлари бўйича саналаштирилган ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин. Маҳкама иш юритиш ҳужжатларида XIX асрда Россия империяси ва унга тобе бўлган ўлкаларда амалда бўлган ўлчов бирликларидан кенг фойдаланилган. Хусусан, ҳужжатларда “верст”, “сажен”, “десятина”, “мисқол”, “батмон”, “пуд”, “фунт”, “қўш”, “қўқон”, “таноб” ва бошқа ўлчов бирликларининг номларини кўриш мумкин.

5-жамғармада сақланаётган иш юритиш ҳужжатларининг асосий қисми мансублик жиҳатидан Туркистон генерал-губернатори ва Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамалари, Самарқанд, Каттақўрғон ва Тоғли туманлар бошқарувларига оид ҳисобланади. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги Осиё департаменти, Ички ишлар вазирлиги, бошқа муассасалар ва ташкилотларга оид бўлган ҳужжатлар ҳам талайгина.

Маҳкама иш юритиш ҳужжатларида географик материаллар деярли учрамайди. Истисно тариқасида жамғарманинг 3405/а-ишини кўрсатиш мумкин. Ишнинг 26-варағида Зарафшон музофотининг суғориш тизими харитаси келтирилган³.

Хуллас, Ватанимизнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари тарихини ёритишга хизмат қиладиган архив материалларини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш алоҳида илмий ёндашувларни талаб этади. Чунки бу даврга оид ёзма материаллар сон жиҳатдан ниҳоятда кўплиги ва хусусияти жиҳатидан хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг орасида Зарафшон музофоти бошлиғи

¹ Источниковедение истории СССР: учебник / под ред. И.Д. Ковальченко. – М., 1973. – С.305

² ЎзР МДА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 1606-иш, 22-варақ орқа томони.

³ ЎзР МДА, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 3405/а-иш, 26-варақ.

маҳкамасининг иш юритиш хужжатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг ўрганилиши, биринчидан, музофотда ўрнатилган бошқарув тизимининг моҳияти ва маҳаллий аҳолини бошқаришнинг механизмини англаб етишга, иккинчидан, музофот ҳаётининг турли соҳаларини ташкил этиш бўйича унинг маъмурияти ва бўлимлари бошқаруви фаолиятини ёритишга, учинчидан, Зарафшон музофоти ва унинг маркази – Самарқанд тарихи бўйича билимларни кенгайтиришга имкон беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. ЎзР МДА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 1606-иш
2. ЎзР МДА, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 3405/а-иш
3. Гирс Ф. К. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. / Ф.К. Гирс. – СПб.: б.м., 1883. – 464 с.
4. Источниковедение истории СССР. Под.ред. И.Д.Ковальченко. Учебник. – М., «Высшая школа», 1973. – 559 с.
5. Источниковедение истории СССР. Под.ред. И.Д.Ковальченко. Учебник. – М., «Высшая школа», 1981. – 496 с.
6. Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб. пособие/ И.Н.Данилевский, В.В.Кабанов, О.М.Медушевская, М.Ф.Румянцева. – М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1998. – 702 с.
7. Пронштейн А.П. Методика исторического источниковедения. – Ростов на-Дону: Изд-во Ростовского уни-та, 1979. – 480 с.
8. ЦГИА УзССР, Путеводитель. Сост.: З.И.Агафанова, к.и.н. Н.А.Халфин. – Т.,1948.

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ЖАМИЯТИДАГИ АЁЛЛАР МАВҚЕИНИНГ АҚС ЭТИШИ

*Саиданварбек ЮЛДАШЕВ
ФарДУ таянч докторанти*

Аннотация. *Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда Фарғона водийсининг илк ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва мавқеи тарихи ёритилган. Шунингдек, VII асрнинг 40-йилларидаги Фарғона давлати маликалари, араблар босқини давридаги сиёсий жараёнларда аёлларнинг таъсири ёритилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Фарғона, Араб халифалиги, Ашина шуни, Тўн Баходур, Киби, Аляоцен, Хумин, Малика хотун, Сюань Цзянь, Наср ибн Сайёр, Нилан.*

Илк ўрта асрлар Фарғона водийси тарихининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида аёлларнинг мавқеи масаласи кам ўрганилган жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу масалага доир маълумотлар хитой, суғд ва араб манбаларида бизгача етиб келган [3, 5, 6, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 15, 16, 18]. Ушбу манбаларда келтирилган маълумотлар сиёсий ва ижтимоий ҳаётга доир материаллардан иборат.

Фарғона тарихининг V-X асрлар даврига оид дастлабки асар “Суй-шу” (Суй сулоласи тарихи) асари бўлиб, унда Фарғона тўғрисида муҳим маълумотлар бизгача етиб келган. Суй ва Танг империялари Турк хоқонлиги билан жиддий муносабатда бўлганлиги сабабли асарда туркларга оид маълумотлар салмоқли ўрин тутади [18:80]. Асарнинг яна бир алоҳида диққатга молик томони, унда хитой манбалари ораси биринчи марта Фарғона ҳукмдори саройида аёлларнинг мавқеи тасвирланади [8:550]. Шунингдек, ушбу манбада Фарғона давлати ҳукмдори, унинг пойтахти ва бошқа шунга ўхшаш муҳим маълумотлар учрайди [8:550]. Масалан: “Фарғона давлатининг пойтахти Помир (Цунглинг)нинг ғарбида 50 ли нарида жойлашган бўлиб, у қадимда Гиашиеу деб аталар эди. Ҳукмдорнинг фамилияси Жабғу (Чжавъу), исми Алчи (Аличи). Пойтахт девори айланмасига 4 ли (2,304 км) келади. Аскарларининг сони бир неча минг кишидан иборат. Ҳукмдор олтин кўчқор шаклидаги тахтда ўтиради. Ҳукмдорнинг хотини олтин тож тақади. Бу ерда қизил кум, олтин, темир кўп” [18:69]. Суй сулоласи тарихига оид манбада келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак ундаги маълумотлар Фарғонанинг шимолий қисмида ҳукмронлик қилган туркий сулолага оиддир. Чунки олтин кўчқор ёки архар Ғарбий турк хоқонлигининг рамзи саналган [17:85]. Турк-суғд дунёсида аёллар доимо ардоқланган. Шунинг учун Шимолий Фарғона ҳукмдори саройида малика ҳукмдор билан тенг мавқеда бўлган. Манбада келтирилган маликанинг исми қайд этилмаган. Бу одатий ҳолат бўлиб, илк ўрта аср тарихий манбаларида учрайдиган *катбону* – маликалар исмлар билан эмас Малика хотун, Малика шаклида қайд этилган [14:122].

Араб манбаларида Ғурак ва Деваштич бошчилигидаги суғдийлар кўзғолони вақтида Фарғона ҳукмдори Алутарнинг онаси Малика тўғрисида, Наср ибн Сайёрнинг Фарғонага қилган юришларида вақтида водийни идора қилган Ниланнинг онаси Хотун тўғрисида муҳим маълумотлар учрайди [16:188].

Суғдийлар томонидан кўтарилган кўзғолон қатнашчилари ўзаро келишмовчиликлар натижасида, улар икки гуруҳга ажралиб кетадилар. 10 минг кишилиқ Ғурак тарафдорлари Самарқандда қолди [1:148; 4:420]. Иккинчи гуруҳ Иштихон ҳокими Корзанч, унинг жияни Чаланч бошчилигида ҳамда Кашшин, Бойорқат ва Собит каби аслзодалар

хамроҳлигида Хўжанд орқали Фарғонага ўтишни мақсад қиладилар. Суғдийлар араблар билан музокараларда Алутарнинг элчи бўлишини ҳамда ўз шаҳарларидан бирида уларни вақтинча ҳимоя қилиб туришларни сўраб мактуб йўлладилар. Аммо Алутарнинг онаси суғдийларни водийга киритилишига қарши чиқади [16:184-188]. Демак, Алутар ёш тахтга ўтирган ва бошқарув амалда унинг онаси кўлида бўлган. Алутарнинг арабларга қарши жангларда иштирок этганлиги ҳисобга олсак суғдийлар кўзғолони маҳалида анча улғайган лекин барибир давлатни бошқаришда онасининг таъсири юқорилигини кўзга ташланади. Шу сабабли кўзғолончиларга ёрдам масаласида Фарғона подшосининг онаси қарорларни қабул қилган. Бу шундан далолат берадики илк ўрта асрларда Фарғонанинг сиёсий ҳаётида аёлларнинг мавқеи жуда юқори бўлган.

Хуросонга Наср ибн Сайёр ноиб этиб тайинлангандан кейин, унинг дастлабки иши Мовароуннахрнинг амалда мустақил бўлган ҳудудларини қайтадан бўйсундириш бўлди. Чунки, халифаликнинг шарқий чегараси бўлган Фарғонада Мовароуннахрнинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда ислом динининг мавқеи мустаҳкам эмас эди. Тарихий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, араблар Фарғонага кириб келган даврдан то VIII аср охиригача бўлган вақт давомида ҳам Фарғона ҳукмдорлари ислом динини қабул қилмади [2:98]. Фарғона ҳукмдорларининг ислом динини қабул қилмаганлиги бу ерда арабларнинг таъсири юқори бўлмаганлигидан далолат беради. Шу сабабли Наср ибн Сайёр Хуросонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Чоч ва Фарғона ҳудудларига ҳарбий юриш ташкиллаштиради. Ибн ал-Асирда келтирилишича, Наср ибн Сайёр фарғоналикларга ҳужум қилади ва минглаб фарғоналикларни асир олади [15:198]. Аммо бу Наср ибн Сайёрнинг Фарғонага қилган асосий юриши эмас эди. Чунки, Наср асосий эътиборни Чочдаги арабларга қарши тўпланган кучларга қаратаётган эди. Эҳтимол Наср Фарғонанинг чегара ҳудудларига босқинчилик юришини уюштириб ортга қайтгандир. Сабаби манбаларда Насрнинг ҳужуми пайтида Фарғона ҳукмдори ёки унинг вориси билан тўқнашганлиги қайд этилмаган [12:199].

Насрнинг Фарғонага қилган навбатдаги юриши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда араб кўшинлари Кува шаҳригача етиб боришади. Фарғона ҳукмдорининг вориси Нилан (Балаз) билан бўлган бир неча жангларда араблар ғалаба қозонади. Фарғоналиклар Насрга сулҳ тузишни таклиф қилишади. Бунга жавобан Наср уларга тинчлик сулҳини юборади. “Тарихи Табарий” ва “Ал-Комил фит-Тарих” каби манбаларда Насрнинг Фарғонага бу юриши батафсил тасвирланган. Жумладан, фарғоналиклар Насрнинг келишини олдиндан билиб, отлари ва озиқ-

овқатларни ёқиб юбордилар. Наср Фарғона ҳокимининг валиаҳдига қарши юриш қилиб, уни бир қалъада қамал қилади. Валиаҳд мусулмонларни ғафлатда қолдириб, тўсатдан хужум қилади ва ҳайвонларни қўлга киритади. Наср эса шундан кейин Темим ўғилларини Муҳаммад ал-Мусанна бошчилигида бир гуруҳ жангчилар билан жўнатади. Фарғоналиклар мусулмонларнинг отларини ўлжа олишган эди. Мусулмонлар қўлдан бой берилган отларининг бир қисмини ўзларига қайтариб олгандан сўнг, фарғоналикларга қарши хужумга ўтади ва уларни мағлубиятга учратдилар. Араблар Фарғона ҳукмдори ворисига ёрдам берган деҳқонни қатл этадилар [12: 199]. Деҳқоннинг ўғли билан биргаликда баъзи кишиларни асир оладилар. Наср деҳқоннинг ўғлини ҳам қатл этишни буюради. Кейинчалик Сулайман б. Сулуни мактуб билан сулҳ тузишга Фарғона ҳокими ҳузурига жўнатади. Фарғона ҳокими хазиналарни кўриши учун Сулаймонни хазина қўйилган жойга юборган. Айни шу воқеаларда ҳам Фарғона подшоси Ниланнинг онаси сиёсий жараёнларда иштирок этади.

Фарғона ҳокими Сулаймон орқали сулҳ тузиш таклифи тўғрисида жўнатилган Насрнинг мактубини қабул этганлигини билдириб, ўзининг энг яқин ёрдамчиси бўлган онасини Сулаймон билан биргаликда жўнатади. Малика (аёл) Наср ҳузурига келгач, Наср у билан суҳбатлашади [12: 200].

Хотун шундай дер эди: “Олти нарса эгаси бўлмаган ҳукмдор ҳеч қандай ҳукмдор эмасдир:

- Ўзида бўлган нарсаларни ҳукмдорнинг амрига топширган ва ҳукмдорини муҳокама қилиб, насиҳатига қулоқ соладиган бир вазир;

- Иштаҳаси бўлмаган вақтда ҳам ҳукмдорини иштаҳасини уйғота оладиган нарсалар топа оладиган вазир;

- Ғамгин ва хузун ҳолатда ёнига кирганда бутун ғамларни тарқата оладиган бир хотун (малика);

- Қўрқув вақтида (онида) сиғинилиши мумкин, душманга қарши қўйила оладиган бир қалъа (Хотун булар билан яхши зотли отларни назарда тутган);

- Жанг қилган вақтида хиёнатдан (синиши ва кесмайдиган бўлишидан) қўрқмайдиган бир қилич;

- Ер юзининг қаерига борсангиз ҳам ҳаётини давом эттира оладиган заҳира (озик-овқат).

Кейинчалик Темим б. Наср бир қанча одами билан келади. Хотун: “Бу ким?” дея сўради, у ердагилар: “Бу Хуросоннинг мард йигити Темим б. Насрдир” деб жавоб беради. Хотун буни билгач: “Унда на каттанинг буюклиги, на кичикнинг тотлилиги (ширинлиги) бор”, деди. Кейинчалик Ҳажжож б. Қутайба келади. Хотун бу келган шахснинг кимлигини

сўради. У ердагилар келган одамнинг Ҳажжож б. Қутайба эканлигини айтдилар. Хотун унга салом берди ва шундай дейди: “Эй Араблар! Сизлар вафосиз одамсиз. Мен кўрган нарсаларни сизлар учун қулайлаштириб, сизга бўйин эгдирган Қутайбадир, бу эса унинг ўғли. Уни сендан қуйи жойга ўтирғизмоқдасан; ҳолбуки сен унинг ўрнига ўтиб ўтиришинг керак” [12: 200].

Юқорида манбадан олинган манбадан кўриниб турибдики VIII асрнинг биринчи ярмида ҳукмронлик қилган Алутар ва унинг амакиваччаси, шу билан бирга вориси ҳам саналган Ниланнинг давлатни идора этишида аёллар вазирлик даражасидаги мавқега эга бўлишган.

Юқоридагиларнинг барчаси сиёсий ҳаётдаги аёлларнинг нуфузи тўғрисида бўлса, энди хитой ва суғд манбаларига асосланган ҳолда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳолати тўғрисида фикр юритамиз.

Суғд манбаларида илк ўрта асрлар Ўрта Осиё ижтимоий ҳаётида аёлларнинг мавқеи қадай бўлганлиги борасида кўплаб фактик материаллар бизгача етиб келган [5; 6; 13]. Улардан энг асосийси Nov 3 ва Nov 4 ҳужжатлари бўлиб, ҳужжатларда илк ўрта асрларда Ўзбекистон халқларининг оила-никоҳ шу билан боғлиқ мулкчилик ва бошқа ижтимоий муносабатлар келтирилган [6:17; 13:39]. Nov 3 ҳужжатида келтирилган суғд аёли ва турк йигитининг никоҳ шартномаси илк ўрта асрларда никоҳ масаласи қандай бўлганлиги тўғрисидаги қимматли манбадир. Турклар ва суғдлар Фарғонада ҳамда Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида истиқомат қилган. Уларнинг ижтимоий ҳаёт тарзи бири-биридан кескин фарқ қилмаган ва турмуш тарзи бир-бирига ўхшаш бўлган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак Фарғонада ҳам оила-никоҳ ва бошқа ижтимоий муносабатлар Nov 3 юридик ҳужжатида келтирилган ҳолатдан кескин фарқ қилмаган. Аёллар ва эркакларнинг оиладаги мавқелари тенг бўлган [13:42].

Гарчи бевосита V-X асрлар тарихига оид бўлмаса-да, лекин илк ўрта асрлар арафасидаги Фарғона водийси тўғрисида маълумот берувчи хитой манбаси “Жиншу”дир (Жин сулолалари тарихи) [9:664]. Ушбу манбада илк ўрта асрлар арафасида Фарғонадаги ижтимоий ҳаёт, никоҳ, савдосотик масалаларига доир маълумотлар келтирилган. Араблар босқинигача водийнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бермаганлиги ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу манбада келтирилган маълумотлар орқали исломгача бўлган даврдаги Фарғонанинг ижтимоий ҳаётини қиёсий ўрганишимиз мумкин.

“Жиншу”да Фарғонанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир қуйидаги маълумотларни олишимиз мумкин: Махаллий халқ чуқур кўзли, серсоч, урф-одатлари бўйича [йигитлари] уйланишдан олдин бўлажак келинга тақиш учун совға сифатида юрак шаклидаги икки кўзли

тилла узук, билакузук юборади. Шунинг билан бирга [бўлажак келинга] 3 нафар хизматкор қиз юбориб, синаб кўрилади. Заиф эркакнинг уйланиш таклифи рад этилади. Никохсиз туғилган боланинг онаси нафратга махкум этилади. Бировлар отига миниб, йиқилиб ўлган одамнинг жавобгарлиги от эгасига юкланади. [Маҳаллий халқ] савдо ишларига пухта, ўз ҳаққини кўлдан бой бермайди [9:665].

Манбада келтирилган ушбу фактлар орқали илк ўрта асрларда аниқроғи араблар кириб келгунгача бўлган даврда ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос томонлари ва унда аёлларнинг ўрни масалаларига бир мунча аниқлик киритилади. Уларда келтирилган маълумотлар орқали араблар босқинидан сўнг водийда юз берган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилишимиз ва жамиятдаги ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келганлигига аниқлик киритамиз.

Хулоса қилиб айтганда илк ўрта асрларда Фарғонанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар мавқеи анча юқори бўлган. Тарихий манбаларда келтирилган давлат бошқарувидаги аёлларнинг мавқеи шунчаки тасодиф бўлмасдан балки, ижтимоий ҳаётда аёлларга бўлган муносабатнинг натижаси эди дея олишимиз мумкин.

Манбалар ва адабиётлар

1. Атаходжаев А.. Фарғона подшоси Алутарнинг илк ўрта асрлар тарихидаги ўрни //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Фарғона: 2012. Б.148.

2. Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г. Фергана / Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Под общей редакцией академика Б.А.Рыбакова. – Москва: Наука, 1999. – 380с.

3. Ebu Cafer Muhammed bin Cerir ut-Taberi. Tarix-i Taberi. Cilt IV. Tercüme Faruq Gurtunca. – Istanbul: Sağlam Yayınevi, 1991. – 536s.

4. El-Belâzurî, Ahmed b. Yahya. Futuh-ul-Buldan. Tercüme Prof. Dr. Mustafa Fayda. – Istanbul: Siyeryayinlari, 2013. – 657s.

5. Фрейман А.А. Согдийские документы с горы Муг. Вып. I: / Чтен., пер. и коммент: Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. – М.: ИВЛ, 1962. (СДГМ I).ë

6. Лившица В.А..Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. – М.: ИВЛ, 1962. (СДГМ II).

7. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – 310 с.

8. سۆينامه. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا نائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030س

9. جىننامه. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا نائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030س

10. «24 تاریخ» تکی غەربیی یورت تاریخغا نائنت ماتیریبیلار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. ۹65س
ۋېبىنامە 2013.
11. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 559с.
12. Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Araydin. – Cilt 5. – Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. – 492 с.
13. Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 65 б.
14. The History of al-Tabari. / Translated by Carole Hillenbrand. – Vol. 26. – New York. State University of New York Press, 1989. – 300p.
15. The History of al-Tabari. / Translated by John Alden Williams. – Vol. 27. – New York. State University of New York Press, 1985. – 250p.
16. История ат-Табари/ Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – 440с.
17. Хотамова М. Фарғонада туркий сулола // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги III республика илмий анжумани материаллари. Фарғона, 2014. Б. 85.
18. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). Фарғона, 2013. –288б.

А. МИДДЕНДОРФНИНГ “ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ОЧЕРКЛАРИ” АСАРИДА ГИДРОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

Саида ХАКИМОВА

Фарғона давлат университети таянч докторанти

***Аннотация.** Мақолада машхур олим А.Миддендорфнинг Фарғона водийси бўйлаб саёҳати давомида ёзилган “Фарғона водийси очерклари” асарида водийнинг гидрографик жиҳатдан тавсифига бағишланган маълумотлар таҳлил этилган. Шу билан бирга, олимнинг бу борадаги кузатишлари амалий аҳамиятга эга бўлганлиги ва Туркистоннинг Фарғона вилоятида ер-сув хўжалигини такомиллаштиришга хизмат қилгани очиб берилган.*

***Калит сўз ва иборалар:** А.Миддендорф, Туркистон, Фарғона водийси, Сирдарё, гидрография, гидрокимё.*

Ўрта Осиё Россия империяси ҳукмронлиги остига ўтгач, уни илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида турли соҳа олимлари Туркистонга ташриф буюради. Уларнинг баъзилари илмий жамиятлар, бошқалари эса ҳукумат

топшириғи билан бу ерга жўнатилади. Машхур олим Александр Федорович Миддендорф эса 1878 йилда Туркистон генерал-губернатори Константин Петрович фон Кауфманнинг илтимосига биноан Фарғона водийсини тадқиқ этиш мақсадида келган. Бу илтимоснинг сабаби шуки, Кауфман яқиндагина тўла кўшиб олинган собиқ Қўқон хонлиги худудининг хўжалигини янада самарали ташкил этиш учун унинг табиий жойлашуви, ер-сув ресурслари, иқтисодий потенциали ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши лозим эди. Бу вазифани бажариш учун генерал-губернатор 1876 йилнинг охирида Россия Империяси География Жамияти раиси ўринбосари П.П.Семеновдан мутахассис топиб беришни сўрайди. П.П.Семенов бу ишга тажрибали олим ва сайёҳ Миддендорфни муносиб кўради[1,118].

1878 йилнинг январидан А.Миддендорф Петербургдан Туркистонга қараб йўл олади. Унга Империя Фанлар Академияси Зоология музейининг илмий ходими В.Ф.Руссов, муҳандис В.Перру ва 17 ёшли ўғли Макс ҳамроҳлик қилади. Янги Марғилонда уларга ботаник С.М.Смирнов кўшилиб олади[3,72].

Февраль охирида экспедиция тайёргарлиги яқунлангач, А.Миддендорф С.Смирнов ва В.Перру билан отларда водийни айланиб чиқиш учун йўлга отланади. У водийни икки марта кезиб чиққан. Фарбда Қўқон ва Хўжандгача, шарқда эса Андижон, Ўш, Ўзган ва бошқа шаҳар ва қишлоқларгача етиб боради. Макс ва В.Руссов эса Чинозга ўрнашиб, мустақил равишда тадқиқот олиб боради[3,75]. Тадқиқотларнинг натижаси сифатида 1882 йилда А.Миддендорфнинг “Фарғона водийси очерклари” номли китоби нашрдан чиқади. Ушбу асар кейинги давр олимлари учун Фарғона водийсининг географияси, орографияси, иқлими, тупроқ таркиби, суғориш тизими, чорвачилиги, тарихи ва этнографияси ҳақида маълумот берувчи қимматли манбага айланади.

Асарда водийнинг сув ресурслари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Водийнинг энг катта сув манбаи Сирдарё ҳисоблангани боис улар кўпроқ ушбу дарёнинг тавсифига тааллуқлидир. А.Миддендорф ўз кузатишлари натижасида Сирдарёнинг ўзани, бошланиш нуқтаси, дарёнинг параметрлари, суви ва чўкиндиларининг физик ва кимёвий хоссалари, дарё ҳавзасидаги аҳолининг машғулоти, суғориш тартиби ҳақида қимматли маълумотларни беради. Жумладан, Миддендорф Хўжанд яқинида Сирдарёни илк бор кўрганда, гарчи А.П.Федченко дарёни Рейндан каттароқ деб тасвирласа-да, унга Сирдарё суви оз бўлган кичик бир тоғ дарёсидек кўринади. Фақатгина юқорироқда, Наманган билан Қўқон оралиғида, унинг кўз олдида кенглиги бир верстча келадиган, чуқур, тезоқар, қирғоқлари тик бўлган улуғвор Сирдарё гавдаланади.

Сирдарёда олиб борилган ўлчаш ишлари натижасида июнь ойида ҳаво ҳарорати 29⁰С бўлгани ҳолда дарё сувининг ҳарорати 24⁰Сни кўрсатади. А.Миддендорф музликлардан оқиб келувчи сувнинг бу қадар тез юқори ҳароратга кўтарилишини дарё сувининг кўплаб каналларга таркаб кетиши, тупроқ иссиғи таъсирида исиши ва қуёш нурлари кўпроқ тушиши билан изоҳлайди[2,120]. Шунингдек, Сирдарё сувининг кимёвий таркиби таҳлил этилиб, ушбу кўрсаткичлар илгари А.Миддендорф томонидан ўрганилган Эмба дарёси ва Байкал кўли билан таққосланади. Бунда Сирдарё суви таркибидаги олтингугурт кислотаси, хлор, кремний кислотаси, кислород, калий, натрий, кальций, магний каби элементларнинг салмоғи Эмба ва Байкал сувлари таркибидагидан бир неча баробар ортиқ эканлиги маълум бўлади. Бундан Миддендорф шундай хулоса қиладики, Сирдарё бошланадиган ҳудудларда гил ва ош тузининг катта захираси мавжуд ва дарё мингйилликлар давомида уларнинг ишқорларини ювиб келади. Сирдарёдан ажралиб чиқувчи каналлар бўйидаги экинлар дарё таркибидаги калийнинг катта қисмини (98% гача) тортиб олиши ва дарёнинг қуйи оқимида боргани сари сув таркибидаги калий миқдори камайиб бориши кузатилади[2,36]. Сирдарё суви таркибидаги кимёвий элементлар ҳамда чўкиндилар деҳқончиликда экинлар учун қўшимча ўғит бўлиши қайд этилади. А.Миддендорф Сирдарё ва Амударё сувларининг кимёвий таркибини ўрганиш орқали уларнинг Орол денгизига генетик алоқадорлик масалаларига ойдинлик киритишга уринади.

Туркистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятини аниқлаш мақсадида А.Миддендорф томонидан Сирдарёнинг ирмоқлари, дарёдан чиқарилган канал ва ариқлар, улардаги тўғонлар, маҳаллий аҳолининг суғориш ишларидаги тажрибаси каби жиҳатлар чуқур ўрганилади. Экспедиция аъзолари тупроқнинг хоссаларини ўрганишга ҳам катта эътибор бериб, кейинчалик бу ердан олиб кетилган тупроқ ҳамда Фарғона водийси сув ҳавзалари, Сирдарё, Амударё ва Орол денгизи суви намуналарини А.Миддендорф Дерпт университетининг кимё фанлари профессори К.Шмидтга батафсил ўрганиш учун жўнатилади[4,142]. Айтиб ўтиш керакки, бу даврда айнан Дерпт мактабининг вакили бўлган профессор Карл Шмидт минерал сувлар, дарё, кўл ва хоказолар таркибининг гидрокимёвий таҳлилларини аниқ ўтказиши билан машҳур эди. А.Миддендорф китобига К.Шмидт томонидан ўтказилган тупроқ ва сув таҳлилларини илова қилади. Шмидтнинг ёзишича, 1878 йилнинг май ойида А.Миддендорф унга Сирдарё, Арис ариқ, Туркистон ариғи, Орол денгизи сувлари ва тупроқ намуналарини юборади. Таҳлил натижаларидан олинган хулосалар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, улар Фарғона водийсининг

келиб чиқиши денгиз билан боғлиқлиги (қачонлардир Фарғона водийси қадимги Сармат денгизининг саёз кўрфази бўлиб, бундан чўкинди денгиз жинслари ва баъзида тоғ ёнбағирларида учраб турадиган тошга айланган чиганоклар далолат беради), Сирдарё сувининг суғоришга ишлатилиши натижасида унинг денгизга қуйиладиган оқим ҳажми камайгани, бу эса ўз навбатида унинг дельтасидаги канал ва ўзанларнинг сув режимини ўзгартириб юборганлиги, сув ҳавзаларига органик чиқиндилар (масалан, эритилган аммиак)нинг тушиши, тупроқнинг шўрлашиши ҳақидаги маълумотлардан иборат. Шунингдек, А.Миддендорф тупроқ қатламлари орасидаги ва ерости сувларининг келиб чиқиши ҳақида гипотезани илгари суриб, уларнинг генетик боғлиқлиги, Орол денгизининг қуриб қолишига йўл қўймаслик учун Фарғона водийси сув объектлари ва тупроғини тизимли равишда ўрганишни йўлга қўйиш кераклиги, акс ҳолда, бу тупроқнинг шўрлашиб ҳосилдорликнинг камайишига олиб келишини айтиб ўтади[5,137]. Дарҳақиқат, олимнинг 150 йил олдин берган тавсиялари нақадар тўғри бўлганлигини кейинги даврларда Ўзбекистоннинг сув тизимида вужудга келган муаммолар яққол кўрсатиб беради.

А.Миддендорфнинг тадқиқотлари нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, Фарғона вилоятининг суғориш тизимини яхшилаш, халқ хўжалигининг қайси соҳаларини ривожлантиришга аҳамият бериш кераклиги, ҳудуд бошқарувида инобатга олиниши зарур бўлган жиҳатларни аниқлаб бергани билан белгиланади. Кейинчалик унинг ўлка хўжалигини ривожлантириш борасида берган таклифларини ўрганиб чиқиш мақсадида К.П.Кауфманнинг топшириғи билан махсус комиссия тузилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Леонов Н.И. Александр Федорович Миддендорф. – М.: Наука, 1967. – 148 с.
2. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1882. – 303 с.
3. Печенкин И.Г. Туркестанская экспедиция А.Ф.Миддендорфа глазами его сына (листая старые страницы) // Бюлл. Московского Общества испытателей природы. Отд. геол. – 2017. – Т.92. – Вып.1. – С.71-81.
4. Сухова Н.Г., Таммиксаар Э. Александр Федорович Миддендорф: к двухсотлетию со дня рождения. – СПб.: Нестор-История, 2015. – 384 с.
5. Широкова В.А. А.Ф.Миддендорф и гидрохимия // История наук о Земле. Коллективная монография. Вып. 5. – М., 2016. – С. 135-139.

ҚУРЪОНДА ЗИКР ЭТИЛГАН “САЙЛ АЛ-АРИМ” ВОҚЕАСИНИНГ ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

Д.Т.МИРЗАЛИЕВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси

Ислом миссияси арафасида юз берган тарихий воқеалар ҳақида Қуръонда келтирилган маълумотлар илк ислом тарихи учун муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг кўпчилиги қадимги Яман тарихининг охириги даврлари билан боғлиқ. Маккадан у ерга ҳар йили қишда карвонлар уюштириб турилгани боис, аҳолига бу воқеаларнинг тафсилотлари яхши маълум бўлган. Шунинг учун Сабаъ сурасининг 15-17 оятларида келган Мариб тўғонининг бузилиши ҳақидаги тарихий воқеа ҳам итоатсизлик қилган Қурайш қавмига ибрат учун оят тарзида нозил бўлган.

Қадимги Яманда мавжуд 100дан ортиқ тўғон ичида энг машҳури Мариб² тўғонининг атрофи баланд қорли тоғлар билан ўралгани учун, водий сувга сероб бўлган. Унинг ёрдамида тахминан 10000 гектар ер суғорилган. Бу буюк тўғон Мариб шаҳрининг шимолий қирғоғида жойлашган. Иншоот “Алмасмий” ва “Балқ” тоғлари яқинида бўлиб, бошқа тўғонлардан ўзининг баҳайбатлиги билан ажралиб турган³.

Адабиётларда тўғоннинг ҳажми ҳақида турли фикрлар келтирилган: Мариб тўғонининг бўйи 10 метрни ташкил қилиб, узунлиги 1000 метрга чўзилган⁴. Бошқа манбаларда унинг узунлиги 600 м, кенлиги 80 м ҳамда баландлиги 15 метрни ташкил қилган, дейилган⁵.

Юсуф ал-Ҳамадоний Ямандаги бир нечта тўғонларни санаб ўтиб, уларнинг энг аҳамиятлиси деб, Мариб тўғонини кўрсатган: “Мариб тўғони улкан девордан иборат бўлиб, у Азнах водийси кенлигида жойлашган. Унинг узунлиги 800 зир⁶, кенлиги 150 зироъдан пастроқ, баландлиги эса, бир неча ўн зироъни ташкил қилган баҳайбат иншоот бўлган. Бу тўғон тупроқ ва тошлардан ясалган, уни бир кўрганда тупроқ

1 Сабаъ – Яман диёридаги қадимий давлат номи. Унда Билқис исмли малика ҳукмдор бўлган ва Сулаймон пайғамбар билан ўрталарида кечган можоролар тўғрисида “Намл” сурасида баён қилинди. Бу сурада мазкур Сабаъ қабиласининг ношукрликлари сабабли ноз-неъматлардан маҳрум бўлгани Довуд ва Сулаймон пайғамбар қиссалари, ҳақ билан ботилнинг ўзаро қураши, эзгуликка берилажак ажру савоблар, ёвузликка аталган уқубат ва жазолар тўғрисида оятлар баён этилган.

2 Табиий сув деганидир.

3 Юсуф ал-Ҳамадоний. Китаб сифат жазират ал-араб. Таҳқиқ Муҳаммад ал-Аква. – Ар-Рийад, 1974. – Б. 360.

4 Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 91.; Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье. – М.: Наука, 1985. – С. 134.

5 <http://www.islam.ru>.

6 Бир зироъ 0,5 метр чамасида.

ва тошлардан қурилганга ўхшамасди. Тўғон устида кўтарма кўприк бўлган ва у ёғоч ва темирлардан ясалганди. Яманликлар хоҳласалар кўприкни кўтариб қўйганлар ёки туширганлар”¹.

Бошқа адабиётларда тўғоннинг узунлиги 350 метр, кенглиги 100 метр ва баландлиги 45 метрни ташкил қилгани айтилган². Муҳаммад Абдулқодир тўғоннинг узунлигини 1000 метр атрофида деб келтирган³.

Мариб тўғонининг қурилиш ишлари VII асргача олиб борилиб, унинг узунлиги 600 м, баландлиги эса 15 метрдан баландроқ бўлган⁴.

Қадимги Византия тадқиқотчиси Плиний Мариб шаҳрига саёҳатга келади ва унинг ям-яшилликдан ҳайратланиб бу ҳақида “Ҳақиқий тарих” номли китобида шундай ёзган: “У ердаги тўғоннинг баландлиги 16 м, кенглиги 60 м ва узунлиги эса 620 метрни ташкил қилган. Тўғон орқали суғориладиган ерлар 9600 гектарга яқин бўлиб, 5300 гектар ер жанубий водийга қарашли, қолгани эса шимолий қисмда жойлашган. Сабаъ ҳокимининг тошдаги ёзма битигида у Мариб ва икки водий, деб номланган”⁵.

Тўғон тузилиши ва қурилиши ҳақида ҳам турлича маълумотлар мавжуд. Баъзи манбаларнинг кўрсатишича, тўғон эр.ав. 615 йилдан яна бошқаларининг маълумотига қараганда, эр.ав. 690 йилдан бошқарила бошланган. Бу улкан мажмуа йиллар давомида қурилган ва қайта таъмирлаб турилган. Тўғон вулқонли водий ўртасида тахминан 2000 метр юқориликда жойлашган бўлиб, у эрамиздан аввалги бир минг йиллик ўртасида қайта таъмирланганида унинг баландлигига яна 3 метр қўшилиб 7 метрни ташкил қилган⁶. Бу ерда милоддан аввалги 115 йилда содир бўлган бузилишдан кейинги таъмир ишлари назарда тутилган. Ҳимйарлар даврида тўғон таъмирланиб, унинг баландлиги 14 метрга, (Қуръон ва бошқа манбаларга кўра, 16 м, бошқаларида эса, 15 метр) кенглиги эса 60 метрга етказилган⁷.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, тўғон ҳақиқатда улкан бўлиб, унинг ҳажми борасида адабиётларда бир-биридан фарқли фикрлар мавжуд. Ҳозирги замон фан-техника тараққиётидан аввал Яманда бу каби баҳайбат тўғоннинг бўлгани ва унинг улканлигини ҳеч муболағасиз Миср эҳромларига қиёслаш мумкин.

1 Қаранг: Мабрук Нофеъ. Аср ма қабл ал-ислам. – Миср, 1952. – Б. 83

2 Шарафуддин, Ал-Яман абра ат-тарих. – Миср, 1964. – Б. 124.

3 Муҳаммад Абдулқодир. Тарих ал-Яман ал-қадим. – Байрут. – Б. 188.

4 <http://www.islam.ru>.

5 <http://www.islam-ua.net>.

6 <http://www.vechny.com>.

7 <http://www.islam-ua.net>.

Қуръондаги “ал-арим” сўзини тарихчи М.Б.Пиотровский икки хил таърифлаган: 1. Тўфоннинг номи. 2. халқ устига юборилган оқимнинг номи деб изоҳлаган. У “ал-арим” – Мариб сув омбори тўфонининг номи сифатида бир қанча “муснад” ёзувларида зикр қилинганини айтган¹.

Қуръонда келишича, Сабаъ халқини жазолаш мақсадида «сайл ал-арим» (яъни арабчадан таржима қилинганида “тўфоннинг тошиши”) балоси жўнатилган. Лекин бу сўз айни вақтда “сув тошқини” маъносини ҳам англатади. Арим сўзининг “тўфон” деган маъноси ҳам бўлиб, “сайл ал-арим” сўз бирикмаси тарзида келганида эса, тўфон бузилиши натижасидаги сув тошқини ёки бўлмаса оддийгина “тошқин” деб ҳам тушуниш мумкин.

Қуръонда келган “ал-арим” сўзи халқ устига юборилган тўфоннинг номидир. Демак, Сабаъ қавми устига кучли, шиддатли “ал-арим” сели юборилган.

Бизнингча, бир қанча “муснад” ёзувларида зикр қилинган маънодан келиб чиқиб, “ал-арим”ни Мариб сув омбори тўфонининг номи сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Тўфон Яман иқтисодида муҳим ўрин тутгани, шубҳасиз. Суғориш иншоотларини тартибда сақлаб туриш қадимги давлат ҳокимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган. Чунки Яманда суғориш ва ичимлик суви ўрнида фойдаланиладиган тўфонлардан бошқа ҳеч қандай табиий ариқ ёки анҳорлар мавжуд эмас эди. Шунинг учун марибликлар ёзда кучли ёмғир ёғиши натижасида ҳосил бўлган ҳамда тоғлардан эриб тушган сувларни Мариб тўғонида сақлаганлар. Яманда ўша тўғондан бошқа суғориш иншооти бўлмаса-да, у қадимда ўзининг дон маҳсулотлари билан машҳур бўлган. Ҳатто, унинг буғдойи Арабистон ярим оролидан ташқарига ҳам чиқариларди.

Демак, Мариб воқеасининг Қуръонда зикр этилиши савдо туфайли маиший ҳаёти обод маккаликларга уларнинг фаровонлиги доимий эмаслиги, бир лаҳзада Аллоҳнинг қаҳрига учрашлари мумкинлиги хусусида берилган огоҳлантириш вазифасини ўтайди. Ҳақиқатан ҳам, қурайшликларга атиги 30-35 йил олдин юз берган воқеани эслатиш кучли эмоционал таъсир кўрсатиши, шубҳасиз эди.

Қуръон оятларида Мариб тўғонининг ҳалокати бошқа кўп ҳоллардагидек, одамларнинг ахлоқи бузилганлиги ва мағрурликлари учун Аллоҳ томонидан юборилган жазо сифатида талқин этилади.

Тарих китобларида эса бузилишлар бир неча марта юз берганлиги қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам, тузумлар ўзгариши ёки ҳокимият кучсизланиб қолиши натижасида тўфон бир неча бор бузилган ва

¹ Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье. – М.: Наука, 1985. – Б. 136.

таъмирланган. Бу ҳалокат милоддан аввалги II ва милоднинг VI асрлари орасида бўлиб ўтган. Уларнинг бири милоддан аввалги 115 йилда бўлиб, мана шу ҳалокатдан сўнг уни таъмирлаш давомида иншоотга янги тармоқлар ва узунлиги минг км.га етадиган водопроводлар ҳамда бошқа объектлар қўшилган. Мариб тўғонини тўлалигича куриб, таъмирлаш ишлари 325 йилда охирга етказилган¹. Бу албатта, Яман иқтисодига катта таъсир кўрсатган.

Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, тўғон биринчи бузилганидан сўнг, яна икки асрдан кейин тўла таъмирланган. Унинг дастлаб қурилган пайтидаги ўлчами, кейинги таъмирлашлар давомида ўзгаришга учраб, тобора каттароқ ҳажмга эга бўлиб борган.

А.Ҳасанов тўғоннинг бузилиши ҳақида ал-Ҳудрийнинг куйидаги фикрларини келтирган: “Мариб тўғони узоқ йиллар давомида халққа фойдаси тегиб келган. Унинг биринчи бузилиши милоддан аввалги 115 йилда бўлиб, у Сабаъ давлатининг ҳалокатидан дарак берган. Тўғоннинг кейинги бузилишлари милодий 450 ва 540 йилларга тўғри келади. Сабаъ давлати ҳалокатга учрагандан сўнг, унинг ўрнига Ҳимйар давлати вужудга келди. Сабаъ подшоҳлари шунчалик заифлашиб қолгандиларки, ўзларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган тўғонларни тартибда сақлаб, таъмирлаб туриш вазифасини ҳам адо эта олмай қолганлар. Қуръонда зикр қилинган “тўғоннинг ҳалокати” ҳақидаги оятда унинг қачон бузилганлиги борасида маълумот берувчи сана кўрсатилмаган. Қандай бўлганда ҳам милоддан аввалги 115 йилги тўғон фожеаси қадимги Яман тарихида катта бурилиш ясади. Тўғоннинг икки чеккаси сув босимини ушлаб тура олмади. Кучли оқим водийдаги қишлоқлар ва экинларни яксон қилди”².

Яна бошқа бузилишлар милодий 450 ва 540 йилларда бўлганлигини адабиётлар тасдиқлайди. Бу ҳақида Муҳаммад Мабрук Нофеъ бундан ўн аср аввал тўғон қандай бўлганлиги ҳақидаги маълумотни ўзининг “Исломдан аввалги тарих” китобида Юсуф ал-Ҳамадонийнинг “ал-Иклил” китобидан иқтибос келтиради. “Сабаъ жуда кўп ажойиботларга бой эди, тўғоннинг чап ва ўнг томонида икки боғ бўлиб, улар меваларга тўлиб-тошиб ётарди. Унинг суви жуда мўл бўлиб, омбор вазифасини ҳам ўтаган”. Юсуф ал-Ҳамадонийнинг мазкур маълумотларига ишонмаган француз шарқшунос олими Томас Арно милодий 1843 йилда Мариб тўғонига бориб, унинг қолдиқларини ўз кўзи билан кўрди ва иншоотнинг харитасини чизишга муваффақ бўлади. Томас Арно араб тадқиқотчиси

¹ <http://www.islam-ua.net>.

² Қаранг: Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 83-84.; Hitti Ph.K. History of Arabs. - L, 1960. – P. 85.

Назиҳ ал-Аъзамнинг “Риҳлат ила билад ал-араб ас-саъида” китобида Мариб тўғонининг географик жойлашувига берган таърифларига бироз қўшилмаган ва унинг ўзи Сано шаҳрига зиёрат қилиб, тўғоннинг жойлашувини ёзиб қолдирган¹.

Жанубий араб ёзувига мансуб манбага кўра, милодий 542-543 йилларда Яманнинг ҳабашлик ҳокими Абраҳага тўғоннинг ҳалокати ҳақида хабар келтирганларида, у қабилаларни тош, ёғоч, кўрғошин келтиришга юборган. Тўғонни тиклаш ишлари эса, ўн бир ойга чўзилган².

Адабиётларда берилган турли маълумотларга кўра, қуйидаги омиллар тўғоннинг бузилишига сабаб бўлган: 1.Тўғонни сел олиб кетиши; 2. Урушлар давомида; 3. Аллоҳ томонидан юборилган сичқон уни тешиши орқали; 4. Ер қимирлаши натижасида бузилган³.

Мариб тўғонининг бузилиши ҳақида хабар берувчи иккита ҳимйарий ёзма манба мавжуд. Бу ёзувнинг бири тадқиқотчи Глазер томонидан очилган ва у 449-450 йиллар билан боғлиқ. Ёзувда ёзилишича, подшоҳ Шараҳбил Яъфур Мариб тўғонини янгилаб, қайтадан тиклади. Унда ишларни ташкил этувчига ҳамд, осмон ва ернинг Худоси номи эсланган. Бу эса уни монотеистик динда эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўлишича, 450 йилда тўғон ҳалокатга учраганида уни Шараҳбил Яъфур эмас, Шараҳбил Януф (445-470 йй.) таъмирлатган. Чунки Шараҳбил Яъфурнинг ҳукмронлик даври 445 йил тугаган. Кейинги бузилиш эса, 543 йил содир бўлган ва уни ҳабаш подшоҳи Абраҳа қайта қурдирган. Кўп марта, оғир меҳнат эвазига таъмирланган тўғон узоқ вақт самара бермай қўйди. Биргина 449 йилги таъмир ишларида 20 минг киши қатнашгани бунинг қанчалик оғир меҳнат талаб қилганини кўрсатади.

Шу нарса характерлики, Қуръон матни Мариб шаҳри яқинидаги манзарани жуда яхши ифодалаган. Бунинг “сири” Мариб воҳасида яқинда ўтказилган геоморфологик тадқиқотдан сўнг аён бўлди: аниқланишича, Мариб тўғони бир неча бор бузилиб тикланган. Охириги тошқин милодий 580 йил содир бўлган ва шундан сўнг тўғон бошқа тикланмаган⁴. Рус тадқиқотчиси М.Б.Пиотровский бошқа асарида охириги бузилиш 570 йиллар атрофида Муҳаммад пайғамбарнинг туғилишига

¹ Қаранг: Мабрук Нофеъ. Аср ма қабл ал-ислам. – Миср, 1952. – Б. 81-82.

² Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье. – М.: Наука, 1985. – С. 135.

³ [http:// www.vechny.com](http://www.vechny.com).

⁴ Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 91.; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 312.; Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье. – М.: Наука, 1985. – С. 136.

якин санада содир бўлган, дейди. Мариб тўғонининг деворида у V-VI асрда қайта таъмирланганлиги ҳақида маълумот ёзиб қолдирилган¹.

Кўпгина тарихчилар тўғоннинг охирги бузилиши VI асрнинг 570 йилида ер қимирлаши натижасида содир бўлган, деб ҳисоблайдилар. 542 йилдаги тошқин эса, техник сабабларга кўра юз берган бўлиб, барча экиладиган ерларни сув босган. Буни кўп тадқиқотчилар Қуръондаги сура билан боғлайдилар. Лекин маълумотлар шуни кўрсатадики, 450 ва 542 йиллардаги бузилишдан сўнг, у таъмирланган. Қуръонда келган манзарани айнан кўрсатувчиси бу – 575 йил ер қимирлаши натижасида содир бўлганидир². Маълум бўлишича, тўғон римликлар томонидан ҳам бузилган ва уларнинг ҳамлалари натижасида Сабаъ давлати заифлашган. Мариб тўғони кўпмарталик таъмирлаш ишларидан сўнг, 570 йил яна бузилди ва бу бузилиш Жанубий Арабистонни қийин сиёсий вазиятга солиб қўйди. Тадқиқотчиларнинг айтишича, кўпгина деҳқон ва аҳолининг 50 минги у ерни ташлаб кетди.

Тадқиқотчи Р.Обидов шундай дейди: “Сабаъ водийсининг Қуръонда таърифланган хароба-чўлга айланиши тўғоннинг 450-йилдаги бузилишидан содир бўлган “сайл ал-арим” бўлиши мумкин”⁴.

Лекин тадқиқотчи билдирган бу фикр мунозарали кўрилади. Чунки, 450-йилдаги бузилишдан сўнг, тўғон қайта таъмирланган ҳамда 580 йилда сув тошқини туфайли бузилган ва шундан сўнг таъмирланмаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Қуръонда тасвирланган манзара 580 йилдаги бузилишдир.

Ҳар сафар тиклаш ишларида Ҳимйар давлати қабилаларининг иш кучидан, тўғонни қуришда эса нафақат қуллар кучидан, балки хунармандларнинг, эркин аҳолининг меҳнатидан ҳам фойдаланилган. Охирги воқеа Муҳаммад пайғамбар даврининг авлодларига яхши маълум бўлган. Энг муҳими, ушбу ҳодиса ҳақида маълумот қолдирган бирдан-бир тарихий манба Қуръондир⁵. Тўғон юқори меъморчилик санъати билан қурилган энг катта меъморчилик обидаларидан бири бўлган. Милоддан аввалги 450 йилдан милодий 580 йилгача ҳисоблаганда, у сувни сақлаб 1000 йилдан ортиқ яшади.

¹ Пиотровский М.Б. Коранические сказания. – М.: Наука, 1991. – С. 154-155.

² [http:// www.vechny.com](http://www.vechny.com).

³ [http:// // www.islam-ua.net](http://www.islam-ua.net).

⁴ Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Ж. 2. – Б. 228.

⁵ Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 91.; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 312; Пиотровский М.Б. Южная Аравия в раннее средневековье. – М.: Наука, 1985. – С. 136.

Мариб тўғонининг охирги бузилиши Қуръонда қандай тасвирланган бўлса, ҳозирги кунда ўшандай сақланиб келинмоқда. Бунинг замири остида яширинган сир-синоат кунига минглаб туристларни ўзига ром этиб келмоқда. VI асрда Мариб тўғонининг таъмирланиши тугатилган бўлса-да, унинг Сабаъ давлатининг пойтахти даражасидаги мақоми ҳали ҳануз тарих саҳнасидан тушган эмас. Хулоса қилиб айтганда, Қуръон “сайл ал-арим” воқеаси бўйича маълумот қолдирган бирдан-бир тарихий манба ҳисобланади.

ЭПИСТОЛЯРНЫЕ ИСТОЧНИКИ КАК АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВА ИСКУССТВОВЕДОВ УЗБЕКИСТАНА

М.С. ТУХТАЕВА

*Институт Истории АНРУз
отдел Историографии и источниковедения*

***Аннотация:** В современной науке все более активно используется включение в контекст истории источников личного происхождения как особого измерения социально-культурных процессов. В данной статье, основанной на эго-документах, рассматриваются материалы, содержание которых раскрывает родственные, дружеские, служебные и профессиональные связи известных советских искусствоведов, личные мнения и ценностные ориентации, а также их творческие, бытовые, материальные проблемы.*

***Ключевые слова:** эпистолярные источники, эго-документы, искусствоведы, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, С.М.Круковская, письма, дневники.*

В первой половине XX века в Узбекистане жили и осуществляли свою творческую деятельность видные ученые-искусствоведы Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, С.М.Круковская, Р.Т.Такташ, Л.В. Шостко и многие другие. Они поддерживали отношения и с известными российскими учеными-искусствоведами как Б.В.Веймарн, А.Д.Чегодаев и др. Рассмотрение жизни и научного творчества плеяды ученых-искусствоведов в эпистолярных источниках необходимо потому, что эти ученые, о которых пойдет речь ниже, являются основоположниками истории и теории изобразительного искусства Узбекистана.

В личном фонде Центрального Государственного архива Республики Узбекистан (ЦГА РУз) сохранились их автобиографии, личные дневники, служебные и личные письма. Все они имели деловые и дружеские отношения, поддерживая связь через написание совместных монографий, рецензий и отзывов о научных трудах, а также работая в

единой сфере художественной культуры. Личная переписка ученых показывает также их взаимоотношения друг с другом. Пересекались творческая деятельность Г.А.Пугаченковой и Л.И.Ремпеля, получившая отражение во многих книгах и изданиях.

Ремпель Лазарь Израилович (1907-1991) – заслуженный деятель культуры, доктор искусствоведения. Документальные материалы за 1920-1989 гг. были переданы в ЦГА РУз самим Л.И.Ремпелем.

В 1937 году Л.И.Ремпель как «член семьи осужденного лица» был сослан в Бухару и с этого года в течение 17 лет ссылки он работал в назначенных ему пунктах: в Бухаре (1937-1940), Самарканде (1940-1948), Джамбуле (1948-1954) при музеях и в Союзе художников (в Самарканде)[2].

В своих мемуарах Л.Ремпель вспоминает: «.. в 1938 году, я познакомился в Бухаре с Галиной Анатольевной Пугаченковой, будущим моим соавтором по ряду книг. Архитектор по образованию, археолог по призванию, искусствовед по влечению, историк культуры народов Востока, равно сведущий в нумизматике, прикладном искусстве и миниатюре Востока, она сыграла едва ли не ведущую роль в развитии истории искусств Средней Азии на всех этапах становления этой специальной науки. Мне трудно быть беспристрастным в оценке ее роли как соавтору ряда ее книг. Но книги, написанные целиком только ею, настолько значительны, что трудно будет заподозрить меня в преувеличениях»[3].

Г.Пугаченкова рассказывает об их совместной работе: «... мы с Л.Ремпелем решили подготовить «Историю искусств Узбекистана». Долго дискутировали, определяли структуру, нащупывали основные идеи. Лазарь Израилевич всегда играл в нашем дуэте роль генератора «великих идей»[4].

В письме Г.Пугаченковой от 28.07.71г. Л.Ремпель пишет: «Вчера я закончил статью «Уфимцев и его воспоминания (от футуризма к героическому реализму)». Что-то предстоит доработать в деталях, но в целом я выговорился и удовлетворен»[5].

На протяжении многих лет они были первыми цензорами друг друга: только что законченные рукописи летели заказными бандеролями из Ташкента то в Самарканд, то в Джамбул и обратно[6].

Письма Л.И.Ремпеля, адресованные Г.А.Пугаченковой, датированы с 1947 г. по 1987 г. В одном из первых писем из Самарканда Л.Ремпель пишет: «Из последней поездки в Ташкент я вынес чувство особой к Вам признательности за ту дружбу, которую Вы мне дарите и за Ваше доброе желание думать со мной о многом сообща, т.е. делиться мыслями как со своим духовным двойником»[7]. И это духовное общение

длилось до конца его жизни. В личном фонде наибольший интерес вызывает его переписка со многими учеными - Б.В.Веймарном, А.Д.Чегодаевым, А.А.Каменецким и др.

Переписка Л.И.Ремпеля и Б.В.Веймарна началась в 1957 году и продолжалась до 1988 года. Все письма по своей структуре носят деловой характер, начинаются с приветствия «дорогой Лазарь» и переходят к обсуждению научных работ: «*Издание Вашей рукописи «История искусства Узбекистана», по моему глубокому убеждению, будет большим событием в искусствоведческой литературе*»[8]. И конечно благодарности Б.Веймарна: «*Спешу поблагодарить тебя за отзыв о «Всеобщей», написанный, если можно здесь применить это выражение, на самом высшем уровне*»[9].

Многие годы (с 1964 по 1988) Л.Ремпель переписывался с А.Д.Чегодаевым, который в одном из своих ответных писем восхищаясь щедростью Лазаря Израйловича, пишет: «*Как-то вечером раздался телефонный звонок, и женский голос сказал – «Вам Ремпель прислал из Ташкента коробочку с гранатами, можно я ее принесу?» Я дал адрес, и когда через полтора часа появилась эта «коробочка» - я не мог поднять ее с пола! Придя в восхищение от представшей перед глазами роскоши (гранаты были на дне), я сразу решил, что мой добрый друг за время своей жизни на Востоке приобрел величественные повадки, достойные самого Улугбека или Хафиза!*»[10].

Интересна переписка Л.Ремпеля и А.Каменецкого. В ее содержании можно увидеть довольно резкие высказывания. Так, А.А.Каменецкий пишет: «*Какая сложная и пестрая эпоха выпала на нашу долю! И мы должны еще находить в ней конструктивные начала, даже воспевать её потаскушку! А что поделаешь? Эпоху, как и родителей не выбирают. У нас сейчас, особенно в области искусствознания «заморозки». Старый палач, фашист Кеменов запустил свое академическое гестапо вместе с А.Лебедевым, Веймарном, Вашими старыми одноклассниками. Приезжайте их унять*»[11].

Л.В.Шостко в своих письмах говорит о характере Л.Ремпеля: «*Мы здесь посплетничали о Вас с Зименко. Он высказался в том смысле, что Вы – человек неистовый и еще что-то в этом роде. Я было собралась удивиться, но потом подумала, что это правда. У неистовости много ипостасий. И если вспомнить, как Вы ради какой-то, Вам одному ведомой мысли, цели отметали в сторону всю шелуху каждодневности, то, пожалуй, неистовость, безудержность и еще ряд эпитетов, присвоенных Вам – довольно точная характеристика*»[12].

В настоящее время изучена творческая деятельность, написаны подробные биографии Г.А.Пугаченковой и Л.И.Ремпеля, изданы

мемуары и воспоминания. Однако все еще не изучена деятельность искусствоведов С.М.Круковской, Р.Х. Такташа, Л.В. Шостко, А.Р.Умарова, и др. Хотелось бы немного рассказать о С.М.Круковской.

Круковская Софья Михайловна (1896-1984) – ученый-искусствовед, научный сотрудник музея искусств, критик-публицист, член Союза художников Узбекистана. В 1982-1984 гг. сдала свои личные документы в ЦГА РУз. Документы личного архива Круковской включают в себя 62 дела, из которых наиболее ценными материалами являются ее личные дневники, собранные в 15 томов [13].

Личные дневники отражают долгий жизненный и творческий путь С.М.Круковской. Особенностью дневников является то, что они имеют оглавления с указанием страниц, многие записи не датированы числами, воспроизведены хронологически последовательно по воспоминаниям автора, начиная с 1899 по 1984 гг. В первом томе, получившем название «История моего современника» Детство: Петербург. Новгородская губерния. Тверь. (1899-1907 гг.), дневник содержит детские и отроческие воспоминания о родителях, родственниках, детских играх, мечтах и первой любви. Действие написано в третьем лице, где автор называет себя «Ничкой, Сонечкой, Соней»: «Так как Ничке было уже восемь лет, мама выписала для нее «Ясную звездочку» и начала ее учить»[14]. Второй том дневников охватывает период 1915-1925 гг., в котором автор рассказывает о своих первых поездках в Москву, Киев и Уфу[15]. В третьем томе события начинаются с 1921- 1930 гг. Дневниковые записи состоят из трех тетрадей: первая тетрадь состоит из записей о поездке в Сибирь, затем она приезжает в Ташкент. Во второй тетради интересны ее высказывания о живописи, литературе, театре, музыке, искусстве – «Основные положения к докладу». В третьей тетради – «Семейная жизнь – конец 1930-х годов» на отдельных листках, вырезках бумаги неотосланные письма С.М.Круковской, полные разочарования в любимом человеке[16]. В четвертом томе (1935-1939 гг.), состоящем из двух тетрадей, записи посвящены домашнему хозяйству - «Pro domo sue», жилой архитектуре и интерьеру[17]. В пятом томе дневников рассказ идет о событиях военных лет (1940-1944 гг.)[18]. Далее в 6-15 томах (1952-1983 гг.) дневниковые записи отражают творческую деятельность С.М.Круковской. Также в них имеются выписки о прочитанном, газетные и журнальные вырезки о художниках, писателях, поэтах, актерах, ее современниках [19].

С.М.Круковская является автором многочисленных научных работ и критических публикаций о художниках Узбекистана[20]. Ее книга «В мире сокровищ» пользуется большой популярностью. Лекции, прочитанные ею в музее искусств, были глубоко содержательны и

интересны. Помимо своей научной работы, она принимала активное участие в деятельности Союза художников Узбекистана.

И даже в преклонном возрасте С.Круковская, несмотря на болезни, не теряла надежды и строила большие творческие замыслы. Так, в последнем дневнике имеется запись от 28.06.1980 г.: *«Сегодня немного прояснились контуры задуманной книги «Воспоминания искусствоведа». Конечно, в ее основе должны лежать конкретные явления и события, но их нужно дать через субъективное восприятие искусствоведа, который также и художник»*[21]. В записи от 17.08.80 видны ее другие планы: *«...есть возможность сделать очень интересную научную публикацию обобщающего характера с широким использованием эпистолярного материала. Это будет исследование о художественных и литературных связях 1920-х годов. Представляется возможным поговорить о художниках, вспомнить о Курзине и Коровой. Я живу сейчас в пустыне одиночества, мрачного пессимизма, творческой импотенции. Эта работа может осмыслить конец моей жизни, вернуть мне творческую норму»*[22]. К сожалению, многие свои творческие планы С.Круковская не смогла осуществить, остались незавершенными и неопубликованными ее статьи, очерки, монографии о художниках.

Помимо дневников в личном фонде С.Круковской сохранились многочисленные письма[23], в содержании которых отражены ее отношения с искусствоведами и художниками. Многие художники, несмотря на резкую критику их произведений, отзывались о С.М.Круковской как человеке доброжелательном, но со стойким и принципиальным характером.

С большим уважением относился к ней Б.В. Веймарн, начиная свои письма с обращения *«глубокоуважаемая и дорогая Софья Михайловна»*. В одном из писем он дает высокую оценку ее работе: *«Спешу поздравить Вас с выходом в свет Вашей замечательной книги «В мире сокровищ». Вчера же я прочел вслух жене первые главы, и мы восхищались не только увлекательным содержанием, но и Вашим литературным стилем. Ваша книга – это художественное произведение об искусстве, пропаганда музея и воспитание читателя высшим (в литературном смысле) словом»*[24].

С. М. Круковская внесла огромный вклад в развитие искусствоведческой науки, но осталась вне поля зрения исследователей. До сих пор не составлена ее полная биография. Выявление и раскрытие незаурядности этого ученого является частью нашего исследования.

Резюмируя вышеизложенное, следует отметить, что всех этих ученых объединяла единая сфера исследовательской работы – искусствоведение. Подробное изучение биографий дает ясную картину

определения их жизненных позиций, карьерного роста, показывает причины спада и подъема творческой энергии.

На основе дневников и писем можно увидеть, что, несмотря на колоссальные знания в области искусствоведения, каждый из них достиг разных уровней известности. «Изящная» Г.А.Пугаченкова была всегда «на высоте», а «скромная» С.М.Круковская осталась незаметной, «в тени». Больших успехов достиг Б.В.Веймарн, работая в центре – в Москве. Л.И.Ремпель был репрессирован, не имел права перемещения по стране, остался в периферии, но дошел «*per aspera ad astra*». Но все они были современниками, их жизненные и творческие биографии показывают ритм и дыхание одной эпохи. Заслуга ученых-искусствоведов состоит в том, что они в своих монографиях отразили основные закономерности становления изобразительного искусства Узбекистана, показав его историко-культурное значение в мировом масштабе. Изучив личные фонды, и особенно эпистолярные материалы, мы пришли к выводу, что они содержат богатейший материал по истории изобразительного искусства. Он представляет интерес для исследователей, занимающихся историей развития изобразительного искусства Узбекистана начала XX века, и многие из этих материалов до сих пор мало изучены в отечественной исторической науке.

Список Литературы.

1. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.38 л.1.
2. Ремпель Л.И. Мои современники (20-е-80-е годы). Т.:1992, с.102.
3. Горшенина С. Галина Пугаченкова. Культура Средней Азии в письменных источниках, документах и материалах. Отв.ред. Э.Ртвеладзе. Институт открытое общество – Узбекистан. 2000, с.190.
4. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.53 л.66.
5. Горшенина С. Галина Пугаченкова. Культура Средней Азии в письменных источниках, документах и материалах. Отв.ред.Э.Ртвеладзе. Институт открытое общество – Узбекистан. 2000, с.143.
6. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.53 л.2.
7. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.53 л.6.
8. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.53 л.24.
9. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.159 л.8.
10. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.100 л.24.
11. ЦГА РУз Ф.2793 оп.1 д.164 л.2
12. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.1-62.
13. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.20 л.7.
14. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.21,132 л.
15. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.22,119 л.

16. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.23, 95 л
17. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.24, 126 л
18. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.25-34.
19. См. статьи С.М.Круковской в кн. Художники советского Узбекистана. Т.:1959; Она же Усто Мумин (А.В.Николаев) 1897-1957. Жизнь и творчество. Т.:1973; Она же. В мире сокровищ. Т.1983 .
20. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.34 л.42.
21. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.34 л.54.
22. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.36-62.
23. ЦГА РУз Ф.2665 оп.2 д.38 л.4.

IBN ASOKIRNING “TARIXI DIMASHQ” ASARI O‘RTA OSIYO ULAMOLARINING ILMIIY FAOLIYATINI O‘RGANISHDAGI O‘RNI

A.Y. JALOLDINOVA
2-kurs magistranti, TDSHU

Damashq tarixida oilaning eng mashhur vakili Abul Qosim Ali ibn Abi Muhammad al-Hasan ibn Hibatulloh ibn Abdulloh ibn al-Husyan al-Dimashqi al-Shafi al-Hofiz taxminan sentabr-oktabr oylarida 1105-yilda Damashqda tug‘ildi.

Ibn Asokir ta‘limni juda erta, taxminan olti yoshlarida boshladi. Ba‘zi manbalarga ko‘ra, bo‘lajak olim dastlabki ta‘limni otasi hamda katta akasi Ziyoad-Dindan olganligi haqidagi ma‘lumotlarni keltiradi¹. Yana boshqa manbaga asosan esa, bobosi Yahyo ibn Ali ibn Abdulaziz Abulfazl al-Qurayshi (1139) dan olganligi haqida keltiriladi².

Ibn Asokirning “Tarixi Dimashq” asari o‘z davrining tarixchi olimlarning asarlaridan tubdan farq qiladi. Bu bilan uni ibn al-Qalansi, at-Tabariy, ibn al-Asirning asarlaridan farqli o‘laroq o‘tmishga nazar solmagan desak xato bo‘ladi, albatta. Ibn Asokir hofiz hamda muhaddis sifatida, ko‘proq hadislarni qidirib topishga, matnni saqlashga va yetkazishga, hadislarni ahamiyatini yoritishga hamda hadis naql qilganlarning zanjirini (isnodini) aniqlashga harakat qilgan. “Tarixi Dimashq” asari Ibn Asokirning eng muhim va yirik asarlaridan biridir. Kitob 10226 ta muhaddislar va boshqa ilm ahllari jamiyat va davlat arboblarning tarjimai hollarini o‘z ichiga olgan va ularning tarixini yoritib bergan. Bu shaxslar esa iste‘dod egalari va jamiyatning yorqin

¹ Vermeulen U., Steenbergen J.Van. Egypt and Syria in the Fatimid, Ayyubid and Mamluk eras IV. Leuven (Belgium), Peeters Publishers, 2005. –B.165.

² Brill. E.J. The encyclopedia of Islam. vol. iii. London, 1986. –P. 745.

vakillaridir. Olim asarda O'rta Osiyo olimlari biografiyasini ham yoritishga harahat qilgan. Quyida ba'zi muhaddislar tarjimai holi bilan tanishamiz.

VIII–XI asrlarda Movarounnahrda barcha diniy ilmlar rivojlangani kabi hadis ilmi ham taraqqiy etgan. Bu davrda Movarounnahrning o'zida 3000 dan ortiq taniqli muhaddislar faoliyat olib borishgan. U zamonda Samarqand, Shosh, Kesh, Buxoro va Nasaf shaharlari islom olamidagi nufuzli ilm markazlari qatoridan sanalgan. Tarixiy manbalarda yurtimiz allomalari va muhaddislari o'rtasida yaqin ilmiy aloqalar, ijodiy hamkorlik va ustoz-shogirdlik munosabatlari yaxshi yo'lga qo'yilganini ko'rish mumkin.

Movarounnahrning markaziy shaharlari bo'lgan Samarqand va Buxoro shaharlari turli ilmlar qatori hadis ilmining ham rivojlilinishida asosiy o'rinni egallaydi. Bu hudud qadimdan yirik iqtisodiy-madaniy markazlardan bin edi. So'g'dliklarning karvonlari Xitoy, Mongoliya, Hindiston, Eron, Suriya, Misr, Vizantiya shaharlariga qatnar edi. Tarixshunos olimlarning aytishicha, bir vaqtning o'zida Samarqand bilan Toshkent oralig'ida yigirma ming muhaddis yashagan ekan. Buxoro olimlari haqida buxorolik Muhammad ibn Ahmad G'unjor (337-412/948-1028-m) "Tarixi Buxoro" kitobini yozgan.

Ibn Asokir o'z asarida olimlarni ismlarini alifbo tarzida berib borgan. Shu jumladan, movarounnahrlik muhaddis va faqihlarni ham o'z asarida keltirgan. Tadqiqotda nafaqat, movarounnahrlik muhaddis va faqihlarni balki, boshqa yurtda tug'ilib, bu yerda yashab ijod qilgan olimlar o'rganildi. "Tarixi Dimashq" asarida quyidagi olimlar Movarounnahrdan yetishib chiqqanligini ko'rish mumkin.

1. Abu Homid al-Buxoriy.

Qisqa ma'lumot keltirilgan. Undan rivoyat qilganlar. Duxayim, Saffon ibn Solih va Muhammad ibn Mutavakil Asqaloni. Ahmadning ma'lum qilishicha Hamadonga ilm talabida keldi deb yozilgan.

2. Ahmad ibn Muhammad ibn Abdulloh abu Bakr Balxiy.

Muhammad ibn Abdulloh Ansoriy, Abu Nuaym Isfahoni, Muslim ibn Ibrohim, Nuaym ibn Hammud va ularning tabaqasidagilardan Hijoz, Shom, Misr va Iroqda hadis eshitgan.

3. Abu Ali Hasan ibn Sohib ibn Humayd Shoshiy.

Imom, hofiz, ilm talabida yurt kezman. Xuroson, Iroq, Shom, Hijoz, va Misrda Ali ibn Xashram, Abu Zur'a Roziy, Muhammad ibn Avf Toiy, Is'hoq Dabariy va ularning tabaqasidagilardan hadis eshitgan.

Bu kishidan Abu Ali Naysoburiy, Muhammad ibn Ali Qaffol Shoshiy, Abu Bakr Ju'boiy, Abu Bakr Shofe'iy va boshqalar hadis rivoyat qilgan.

4. Is'hoq ibn Bashr ibn Muhammad ibn Abdulloh ibn Salam Abu Xuzayfa

Hoshimiy al-Buxoriy.

1Ibn Asokir.Tarixi Dimashq. J.5. – B. 98.

Undan ko'pgina muhaddislardan rivoyat qilishgan. Masalan, Said ibn Abdulaziz, Abdurahmon ibn Qobisa ibn Zuvayb, Usmon ibn Ato al-Xurosoniy, Ismoil ibn abi Xolid, Abdulloh ibn Tovus, Suyiy, Shuayb, Malik, Jafar ibn Muhammad, Muqotil ibn Sulaymon, Ibrohim ibn Tohman, Abdulmalik ibn Abdulaziz Jurij al-Makiy, Muhammad ibn Is'hoq Sohib al-Mag'oziy, Said ibn Abi Arvaba, Usmon ibn Saj, Juybar ibn Said al-Balxiy, Abi Yos Idris ibn Sinon al-Yamaniy, Abdulloh ibn Ziyod ibn Samon al-Madoniy, Bakr Salamiy, Jafar ibn Xoris, Abduvahhob ibn Mujohid, So'fyon ibn Uyiyna, Ma'mun ibn Roshid.

Undan rivoyat qilgan muhaddislar. Ayub ibn Hasan, Salama ibn Shabib, Yosin ibn Nodir, Ali ibn Husayn Zuhli, Ahmad ibn Abdulloh ibn Xaffos ibn Abdulloh, Muhammad ibn Yazid Sulamiy, Muhammad ibn Umar Naysapuriy, Abu Imron Muso ibn Affon ibn Xolid Buxoriylardir. Ibn Asokir uning ishonchli muhaddis deb aytadi.

5. Ibn Abi Bakr as-Samarqandiy.

Shayx, musnid, siqa, Samarqand muhaddisi, "Jammol" laqabi bilan mashhur bo'lgan. Samarqandda istiqomat qilgan. Bu yerda Abu Bakr ibn Abu Dunyo, Ahmad ibn Abdulloh Nursiy, Abdulkarim ibn Haysam va shu shahardagi ularning tabaqasidagilardan ko'p hadis rivoyat qilgan. Bu kishi tijorat maqsadida ham safar qilib turgan. Usul ilmining bilimdonlaridan. U kishidan Ibn Manda, Hokim, Abu Sa'd Idrisiy va boshqalar hadis rivoyat qilgan. Bu olimni hofiz Abu Ali Naysoburiy ustozlaridan deb bilgan.

Ibn Asokir aytgan: "Bu kishi Xurosonda o'z asrlarining muhaddisi, usul ilmida bilimdonlardan edi. Rayga borib tijorat qilganlar va bir muddat yashagan².

Olimni Roziy deb ham atashgan. Tuyalari ko'p bo'lganligidan "Jammol" (tuyali) deb ham atashgan. 346/957 yil zulhijja oyida Samarqandda vafot etgan.

1. Abul Abbos Al-Farg'oniy.

Ahmad ibn Ibrohim ibn Ibrohim Fil al-Balisiy, Ahmad ibn Hamadon, Umar ibn Harb, Abdurahmon ibn Yunus Say, Abi Xotm Roziy, Ahmad ibn Ibrohim Duruqiy, Abi Muso Muhammad ibn Masniy, Ibad ibn al-Valid al-Anbariy, Muhammad ibn Ismoil ibn Samrah, Abdurahmon ibn Bashr, Ahmad ibn Ibrohim al-Balisiy, Muso ibn Abdurahmon al-Masruqiy, Ahmad ibn Usmon ibn Hakimdan rivoyat qilgan.

Undan hadis rivoyat qilgan muhaddislar: Abu Said Arabiy, Yusuf ibn Qosim Baynajiy, Abu Bakr Abdulloh ibn Marvon, Abu Ali ibn Shuayb, nasr ibn Sadiy, Muhammad ibn Sulaymon Roba'iy va yana ko'pchilik.

Abulqosim Shohomiy, u otasi Xasan ibn Muhammad Shohomiydan, u Ali ibn Ahmad Duruqiydan, u Abu Xotim Muhammad ibn Hibbon Bustiydan

¹Ibn Asokir.Tarixi Dimashq. J.8. – B. 187.

²O'sha asar. J.8. – B. 357.

habar qiladi, men Hojib ibn Arkiyn al-Hofiz al-Farg'oniy Damashqga keldi. U haqida Abu Xasan ibn Qabis va Abu Najm Badr ibn Abdulloh dedi: Abu Bakr Xatib bizga dedi: "Hojib ibn Malik ibn Arkiyn Abul Abbos al-Farg'oniy ishonchli. Bog'dodga boradi va u yerda Xaffos ibn Umoa al-Duriydan, Ahmad ibn Ibrohim al-Duruqiyan, Said ash-Shajda, Abdu Rahmon ibn Yunus ar-Roqiyan va yana ko'pchilikdan hadis rivoyat qilgan.

Abul Qosil as-Samarandiy u Ismoil ibn Mas'aktan, u Xamza ibn Yusufdan habar qiladi, Doruqtuniydan Hojib ibn Malik Abul Abbos al-Farg'oniy haqida so'radik : Unga o'shashi yo'q-, deb javob berdi.

Abu Xasan ibn Qubiys va Abu Najm ash-Shiyxidan habar qiladi: Abu Bakr Xatibdan u Nuim Xofizning Hojib ibn Malik al-Farg'oniy haqidagi so'zlarini eshitdim. U Damashqga kelgandan so'ng Bog'dodga bordi va u yerda hadis rivoyat qildi. Damashqda vafot etdi¹.

6. Homid ibn Sahl ibn Horis Abu Muhammad Buxoriy.

Abu Muhammad Buxoriy Buxoroda tavallud topgan. U haqida Abi Muhammad Sulamiy, undan Abi Bakr Xatib habar beradi. U Damashqda ko'plab hadislarni naql qilgan. Qachon vafot etgani noma'lum.

7. Solih ibn Fath Abu Muhammad Horis ibn Muhammad Shoshiy.

Asli shoshlik muhaddis. Damashqga kelgan. Fazl ibn Umar al-Luvluviydan hadis rivoyat qilgan. Undan ko'proq Makkiy ibn Muhammad ibn al-G'omr rivoyat qilgan.

Ali Abi Muhammad al-Sulamiydan, Abdulaziz ibn Ahmaddan, men Abul Xasan Makiy ibn Muhammad ibn al-G'omr, Abu Muhammad Solih ibn al-Fath ibn Horis al-Shoshiydan rivoyat qildim. Biznikiga al-Fadl ibn Ahmad ibn Umar al-Luvluviy keldi u Abu Xotim al-Roziydan, u Ansoriydan, u Xumayd al-Tavildan, u Anas ibn Malikdan u Rasululloh (s.a.v) dan "Qiyomat kuni jarchi hamr ichkanga, uning yoniga borganga va u bilan o'tirganga lan'at bo'lsin deganlarini" eshitdim².

Hadis ilmi vujudga kelgan davrdan boshlab muhaddislar hadis talabida o'zga yurtga safar qila boshladilar. Ana shu davrdan boshlab muhaddislarning ilmiy hayotini faqat birgina shahar yoki mamlakat miqyosida chegaralash mumkin bo'lmay qoldi. Ko'pchilik muhaddislar ona vatani Markaziy Osiyo bo'lsada, asosiy ilmiy faoliyatlarini undan tashqarida olib bordilar. Boshqa muhaddislar asl nasablari bu mintaqadan tashqarida bo'lsa ham, ko'hna o'lkamizda hadis ilmining taraqqiy etishiga xizmat qildilar. Hadislarni saralash bo'yicha Movarounnahr muhaddislari islom olamida yetakchiorinni egalladilar. Imom Buxoriy, Imom Termiziy kabi barchaga ma'lum muhaddislar bunga yaqqol misoldir.

¹ Ibn Asokir. Tarixi Dimashq. J.11. – B. 385.

² Ibn Asakir. Tarixi Dimashq. J. 23. –B. 360.

XVIII ASR FRANSIYA XARITASHUNOSLIGIDA YARATILGAN TARIXIY XARITALARDA O`RTA OSIYO XALQLARI JOYLASHUVI

Akbar SULTONOV

2-bosqich magistranti, TDSHU

Annotatsiya. Ushbu maqola AQSHning Kongress kutubxonasi “Geografiya va xaritalar” bo`limi onlayn katalogida, Stenford Universitetining David Rumsey xaritalar markazi kolleksiyasida va www.davidrumsey.com rasmiy websaytida, shuningdek, antiqa xaritalar savdosi bilan shug`ullanuvchi Barry Lawrence Ruderman Antique Map Inc. jamiyati kolleksiyasida mavjud bo`lgan, XVIII asrda G`arbiy Yevropada ilg`or xaritashunoslik maktabiga ega Fransiya xaritashunoslari tomonidan yaratilgan tarixiy xaritalar haqida bo`lib, O`rta Osiyo xalqlari joylashuvi aks ettirilgan ushbu xaritalar mintaqaning tarixiy-geografik va tarixiy-siyosiy manzarasini ochib berishda muhim manba sifatida tahlil etilgan.

Tayanch so`zlar: O`rta Osiyo, Kongress, Stenford Universiteti, David Rumsey xaritalar markazi, xaritashunos, gravyura, tarixiy geografiya, tarixiy etnografiya, tarixiy-geografik manzara, tarixiy-siyosiy manzara, etnik holat, mintaqa, demografik o`zgarish, toponim, Giyom Delil, Jan Batist Burginon d`Anvil, Nikolas Bellin, Didier Robert de Vugondiy, Jorj Lui Le Ruj, Lui Brion de la Tor, Emmanuel Boven, tizimli tahlil, termin.

Tarix geografiyasiz ko`r, geografiya tarixsiz soqovdir.

Bugungi kunda O`rta Osiyo, xususan, O`zbekiston tarixini o`rganishda tarix fanining yordamchi sohalaridan hisoblangan tarixiy geografiya fani muhim ahamiyat kasb etmoqda. Tarixiy geografiya tarixiy etnografiya bilan chambarchas bog`liq bo`lib, ularning asosiy predmeti u yoki bu xalq egallagan hududlarni aniqlashdan iboratdir¹. Xaritalar tarixiy geografiyaning manbasi va o`rganish obyekti sifatida tabiiy geografik hudud, u yerda tarqalgan xalqlar, qabilalar joylashuvi, davlatlar chegaralari, shaharlar, savdo yo`llari, toponimlar haqida ma`lumot beradi. Qisqa qilib aytganda, tarixiy geografiya biror tarixiy-geografik hudud, uning aholisi, tabiiy-geografik tavsifi, tarixiy manzarasini o`rganishda tarix fani uchun beminnat yordamchidir. O`rta Osiyoning XVIII asrdagi tarixiy-siyosiy manzarasi, mintaqadagi etnik holat va demografik o`zgarishlar haqidagi tarixiy ma`lumotlarni XVIII asr Fransiya xaritashunoslari tomonidan yaratilgan tarixiy xaritalardan topish mumkin. Demak, XVIII asrda Fransiyada yaratilgan tarixiy xaritalarni o`rganish, ularni ilmiy jihatdan tadqiq etish, tizimli tarzda tahlil qilish O`rta Osiyoning tarixiy-siyosiy

¹ Середонин С.А. Историческая география. Петроградь.: Типография Главного управленные уделовь, 1916. –С. 1.

manzarasi, mintaqadagi turkiy xalqlar va qabilalarning geografik joylashuvi, davlatlar chegaralari, chegaralarning kengayishi yoki qisqarishi kabi masalalarni ochib berishda dolzarb ahamiyatga ega mavzulardan biri bo`lib qolmoqda.

Fransiyaning ilg`or xaritashunoslari, XVIII asr Yevropa xaritashunosligining “geograf qirollari”¹ Giyom Delil (28.02. 1675, Parij – 25.01.1726, Parij), Jan Batist Burginon d`Anvil (11.07. 1697, Parij – 28.01.1782, Parij), shuningdek, Didier Robert de Vugondiy (tax. 1723-1786), Jorj Lui (Lyudvig) Le Ruj (1712-1790), Jak-Nikolya Bellin (1703 – 1772), Lui Brion de la Tor (tax. 1763-1823), Emmanuel Bowen (1694-1767)lar yaratgan tarixiy xaritalarda O`rta Osiyo xalqlari joylashuvi o`z aksini topgan. Ushbu xaritashunoslar yaratgan xaritalarning elektron namunalari bugungi kunda AQSHning Kongress kutubxonasi “Geografiya va xaritalar” bo`limi onlayn katalogida, AQSHning Stenford Universiteti kutubxonasidagi David Rumsey xaritalar markazi kolleksiyasida va www.davidrumsey.com rasmiy veb-saytida, Barry Lawrence Ruderman Antique Map Inc. antiqa xaritalar savdosi bilan shug`ullanuvchi markaz rasmiy veb-saytlarida elektron shaklda mavjud.

XVIII asr xaritashunosligi islohotchilaridan biri², 1702-yildan Fransiya qirollik Fanlar Akademiyasi a`zosi, 1716-yildan qirol Lyudovik XV (1710-1774-yillarda yashagan; 1715-yildan Fransiya qiroli) ning geografiya fani o`qituvchisi³, 1718-yildan Fransiya qirolligi bosh kartografi Giyom Delil yaratgan “*L`Asie*” (“Osiyo”, 1700)⁴, “*Carte De La Turquie De L`Arabie et De La Perse*” (“Turklar, Arabiston va Eron xaritasi”, 1701)⁵, “*Carte de Tartarie*” (“Tartariya xaritasi”, 1706)⁶, “*Carte de Perse*” (“Eron xaritasi”, 1724)⁷ xaritalar mazmun jihatdan bir-birini to`ldirib, boyitib boradi. Delilning 1700-yilda Parijdagi mashhur *Quai de l`Horloge* bosmaxonasida chop etilgan “Osiyo” xaritasida Markaziy Osiyo hududi “*Tartarie Independente*”, ya`ni “Mustaqil Tartariya” deb ko`rsatilgan. *Tartarie* – G`arbiy Yevropa adabiyoti va xaritashunosligida XIII – XIX asrlarda g`arbda Qora va Kaspiy dengizlaridan sharqda Tinch okeanigacha, janubda Xitoy va Hindiston chegaralaridan shimolda Shimoliy Muz okeanigacha bo`lgan keng hududlarga nisbatan ishlatilgan geografik atama bo`lib, ushbu atama ilk bor 1173-yilda Navarrolik

¹ Салищев К.А. Картоведение. Учебник. –М.: Изд-во МГУ, 1990. – С.330.

² Яцунский В.К. Историческая география. –М.: Издательство Академии Наук СССР, 1955. –С. 236.

³ Головин С.А. Старинные карты мира, России и Сибири, том 2. –Благовещенск. Изд-во БГПУ, 2012. –С. 183.

⁴ <https://www.loc.gov/item/2006636641>

⁵ <https://www.raremaps.com/gallery/detail/64308op>

⁶ <http://hdl.loc.gov/loc.gmd/g7270.mf000003>

⁷ <http://www.davidrumsey.com/maps4493>

Venyamin Tudelskiyning safar eslatmalarida tilga olingan va 3 qismdan iborat boʻlgan : *“Tartarie Moscovite”*, *“Tartarie Chinoise”*, *“Tartarie Independente”*. “Mustaqil Tartariya” chegaralari gʻarbdan Kaspiy dengizi va Xuroson, sharqdan Gobi va Taklamakon choʻllari bilan, shimoldan Boshqirdiston, Oltoy va Baykal koʻlining janubiy qirgʻoqlari bilan, janubdan Qobul, Kashmir, Qoshgʻar va Tibet orqali oʻtgan. “Tartarie Independante” hududida yashaydigan qalmoq, eleut (jungʻor), oʻzbek, turkman, qora moʻgullar (*Mogols noirs*), qirgʻizlar kabi xalq va elatlar joylashuvi ham keltirilgan. Delilning ushbu xaritasida Orol dengizi tasvirlanmagan va Kaspiy dengizi tuxumsimon shaklda koʻrsatilgan. Buxoro, Samarqand, Urganch, Toshkent, Termiz, Balx, Oʻtror yoki Forob, Kat, Jand, Taraz, “Al-Kariyah al Haditha” (*S.A. Taxminan bu shahar Yangikentga toʻgri keladi*) kabi shaharlar; Sirdaryo (*Sihon River*), Amudaryo (*Gihon flu.*), Vaxsh (Vachiab) kabi daryolar ham xaritada oʻz aksini topgan. Joylashuviga koʻra turkmanlar Kaspiy dengizining shimoli-sharqiy qismida, mintaqaning koʻpchilik qismini tashkil etgan oʻzbeklar esa Urganch shahridan Amudaryo va Sirdaryo oraligʻi boʻylab, Badaxshon va Tibetgacha boʻlgan hududda joylashgan. Bugungi zamonaviy Qozogʻiston hududida, Boshqirdiston janubida, Kaspiy dengizining shimoliy sohillaridan Issiqkoʻlgacha boʻlgan hududda qalmoqlar mamlakati (*Pays des calmoucs*), Baykal koʻlining janubi-gʻarbiy tomonidan gʻarbga tomon Yenisey va Ob daryolari oraligʻida qirgʻizlar (*Kirgises*) joylashgan. Tarazdan Yorkendgacha boʻlgan hudud esa “Turkestan” deb koʻrsatilgan. Delilning 1701-yilda yaratilgan *“Carte De La Turquie De L’Arabie et De La Perse”* xaritasida *Sellizure*, yaʼni Vazir shahri, Sayram, Isfijob, Axsikat (Achsicath) shaharlari, Soʻgʻd vodiysi (*Vallie de Sogd*), Amudaryoga quyiluvchi Iloq daryosi (*R.de Ilak*), Toxariston, Balx, Chagʻoniyon, Xorazm kabi hudud nomlari va eng qizigʻi Sirdaryoning Shosh daryosi (*Sihun ou R.D`al-Shash*) deb tasvirlangani diqqatga sazovor. Kaspiy dengizining shakli, xalqlar, qabila va elatlar joylashuvi ham 1700-yilgi xaritadagi kabi oʻzgarmasdan qolgan. Orol dengizi tasvirlanmagan.

Delil 1706 yilda chizgan *“Carte de Tartarie”* tarixiy xaritasini yaratishda golland siyosatchisi, tadbirkor, xaritashunos, Amsterdam burgomistri Nikolay Vitzenning “Tartariya” xaritasidan foydalangan¹. Oʻz navbatida Vitzen oʻz xaritasini yaratishda rus manbalaridan, birinchi navbatda “Godunov chizmasi” dan foydalangan. Delilning ushbu xaritasida *“Al-Kariyah al Haditha”*, yaʼni Yangikent shahri, Xiva (*Kivac*), Xoʻjand (*Cojend*), Kesh (*Kec*), Qizqalʼa (*Kiz*), zamonaviy Qozogʻiston hududlarida qalmoqlar va qozoq oʻrdalari tasvirlangan. Shuningdek, oʻzbeklar yashagan hudud tepasiga *Zagatay* (Chigʻatoy) deb yozilgan va Sharqiy Turkiston hududi *Turkestan* deb koʻrsatilgan. Delil

¹ Головин С.А. Старинные карты мира, России и Сибири, том 2. – Благовещенск . Изд-во БГПУ, 2012. –С. 178.

1724-yilda yaratgan “Eron xaritasi” da birinchi bor Orol dengizi (*Lac de Glouchoige ou d'Arapscoa*) tasvirlangan, Sirdaryo *R.de Sir de Sihon ou d'Al Chach* shaklida berilgan. Xaritada Orol dengizining shimolidagi hududlarda kazaklar (*Cosaque errans*), ulardan shimoli-sharqda qalmoqlar, O`zbekistonning markaziy hududlarida esa “O`zbeklar mamlakati” joylashganini (*Pays des Usbecs*) ko`rish mumkin. Kaspiy dengizining shimoli-sharqiy qismidan Qorabo`g`ozgacha bo`lgan oraliqda “Turkmanlar mamlakati” (*Pays des Turcmens*) joylashgan va ularning dini haqida ma`lumot keltirilgan: “*Nation errante et Mahometane*”, ya`ni “Muhammadga ergashgan millat”. Shuningdek, turkmanlarning Xiva (*Ghiwie*) hududidagi urug`lari oq salla o`rab yurishi haqidagi ma`lumot keltirilgan. Qorabo`g`ozdan Balkan ko`rfazigacha bo`lgan hududda Xorazm xonligi (*Royume de Carezem*), undan sharqda Buxoro xonligi (*Royume de Bocara*), undan janubi-sharqda “Samarqand podsholigi” (*Royaume de Samarcand*), uning janubida “Balx podsholigi” (*Royaume de Balch*), Samarqanddan shimoli-sharqda “Toshkent podsholigi” (*Royaume de Tachkunt*) joylashgan. Xaritani yaratishda Delil rus, arab, fors manbalaridan, shuningdek, arman va gruzin savdogarlari bergan ma`lumotlardan foydalanganligi xaritada aks ettirilgan joy nomlari, gidronimlardan sezilib turibdi. Ushbu xarita gravyurasi P.Starkman tomonidan ishlangan bo`lib, 1731 yilda Giyom Delilning “Geografiya Atlasi” da nashr etilgan. Garchi kamchiliklardan holi bo`lmasada, Delil yaratgan xaritalar XVIII asr O`rta Osiyo xalqlari joyashuviga oid tarixiy-geografik va siyosiy manzarani ko`rsatib bera oladi.

XVIII asr xaritashunosligining islohotchiaridan biri, geograf Jan Batist Burginon d`Anvil bo`lib, u 1751 yilda yaratgan “*Premiere Partie de la Carte d'Asie Contenant la Turquie, l'Arabie, la Perse, l'Inde en deca du Gange et de la Tartarie*” (Turkiya, Arabiston, Eron, Hindiston va Tartariyani o`z ichiga olgan Osiyo xaritasining birinchi qismi)¹ xaritasida Orol dengizi (*Mer D`Aral*) uzunchoq shaklda berilib, uning shimoli-sharqiy qismida qoraqalpoqlar, Orol va Kaspiy dengizlari oralig`ida, janubda Xuroson chegarasigacha bo`lgan hududda turkmanlar, Farg`onadan sharqda qirg`izlar (*Kirgis*), Vaxsh, Pomir hududlarida o`zbeklar (*Pays des Uzbek*) yurti joylashgani, Amudaryo va Sirdaryoning Orol dengiziga quyilishi, turli yirik shaharlar qayd etilganini ko`rish mumkin. D`Anvill xaritasida o`ra asrlarda qo`llanilgan joy nomlari, gidronimlar, xususan, Eloq (*Ilak*), Shosh (*Al-Shash*), So`gd (*Al-Sogd*), Ustrushona (*Osrushnah*), Movarounnahr (*Mauerennahr*), Xorazm ko`li, ya`ni Orol dengizi (*Lac de Kharasm*)ning ham uchrashi D`Anvil o`z xaritasini yaratishda Sharq manbalaridan keng foydalanganini ko`rsatadi.

XVIII asrning yana bir mashhur fransuz xaritashunosi Didier Robert de Vugondiyning 1753-yilda Parijda nashr etilgan “*Etats du Grand-Seigneur en*

¹ <https://www.raremaps.com/gallery/detail/50159>

Asie, Empire of Perse, Pays des Usbecs, Arabie, Egypte”(Buyuk Tangrining Osiyodagi davlatlari, Fors imperiyasi, O`zbeklar mamlakati, Arabiston va Misr)¹ xaritasi d`Anvill xartasiga o`xshaydi. Lekin, Vugondiy xartasida Orol dengizining shimoliy qismi, ya`ni Sirdaryoning Orolga quyilish qismi, Kaspiy dengizining shimoliy qirg`oqlari aks ettirilmagan. Xaritada Amudaryo (*Amu flu*), Sirdaryo (*Al Chach ou Sihon R.*) daryolari, Qozog`istonning janubiy qismlari, O`zbekiston, Turkmaniston, Qirg`iziston, Tojikiston hududlari, yirik shaharlar to`liq aks ettirilgan. Shuningdek, xaritada Xorazm (*Karasm ou Kawaresm*), Buyuk Buxoro (*Grande Bukarie*) davlatlari ko`rsatilib, Kaspiy dengizining Qorabo`go`zidan Balhan ko`rfazigacha bo`lgan hududda turkmanlar (*Turcomans noirs*), bugungi Turkmanistonning shimoli-g`arbidan Qirg`izistondagi Jalolobod viloyatigacha bo`lgan hududda yashovchi aholi sifatida o`zbeklar (*Usbecs*) ko`rsatilgan. Xaritada Vazir shahri (*Sellizure ruine*) xarobalari qolganligi qayd etilgan. Demak, Vugondiy xartasi Vazir shahri aholisi Abulg`ozi Bahodirxon tomonidan ko`chirib olib ketilganidan keyingi tarixiy-geografik manzarani o`zida aks ettiradi.

Fransuz xaritashunosi Jorj Lui (Lyudvig) Le Rujning 1744 yilda Parijda nashr etilgan “*Etats de Moscovie*” (Moskva davlati)² xartasida Turkmaniston, O`zbekiston, Janubiy Qozog`iston hududlarining aholisi sifati o`zbeklar (*Vsbek*), Dashti Qipchoq aholisi sifatida qalmoqlar (*calmoucs*), Kaspiy dengizining shimoli-sharqiy qirg`oqlaridan Balkan ko`rfazigacha bo`lgan hududda turkmanlar (*Turcomani*) ko`rsatilgan. Xaritada Kaspiy va Orol dengizlari ancha aniq tasvirlangan. Shuningdek, xaritada Ko`hna Urganch, Xiva, Kat, Hazarasp, Buxoro, Samarqand, Nasaf, Kesh (*Kasch*), Xo`jand (*Cojend*), Toshkent, Taroz, Sayram kabi shaharlar ham aks ettirilgan. Joy nomlariga e`tibor berilsa, o`rta asrlarda qo`llanilgan atamalar ham uchraydi va bu Le Ruj ham o`z xartasini yaratishda Sharq manbalaridan foydalanganligini anglatadi.

Fransuz gidrografi, xaritashunos Jak-Nikolya Bellinning 1749 yilda Leypsigdagi Shvab nashriyotida nemis va Parijda fransuz tilida nashr etilgan “*Karte von Karazm Turkestan und Grossen Bukarey*”³ va “*Carte de Karazm, Turkestan et Grande Bukarie*”⁴ (Xorazm, Turkiston va Buyuk Buxoro) xartasida O`rta Osiyo xalqlari joylashuvi, joy nomlari, gidronimlar haqida bir qator yangi ma`lumotlar o`z aksini topgan. Ushbu xarita 1749-yilda Parijda

¹ <http://www.davidrumsey.com/maps2240>

² Головин С.А.Старинные карты мира, России и Сибири, том 3. –Благовещенск . Изд-во БГПУ, 2012. –С. 160. ; <https://www.raremaps.com/gallery/detail/55839>.

³ https://commons.wikimedia.org/wiki/File:Turkestan_%26_Kasachstan.Bellin,Nicolau_s.Paris,1749.jpg

⁴ <https://maps-prints.com/antique-maps-central-asia/3550-carte-de-karazm-turkestan-et-grande-bukarie-bellin-1749.html>

Didot tomonidan nashr etilgan “*Histoire générale des voyages*”¹ da nashr etilgan. Xaritada Orol dengizi “*Aral Nor ou Lac des Aigles*” (Orol dengizi yoki *Burgutlar ko`li*) deb ko`rsatilgan va uning shimoli-sharqiy va shimoli-g`arbiy qismida, Sirdaryoning Orol dengiziga quyilishidagi o`ng va chap sohilida qoraqalpoqlar (*Karakalpaks ou Mankats*) ko`rsatilgan. Bellinning Leypsigda nashr etilgan xaritasida Xorazm (Orol dengizining janubi-g`arbiy va janubi-sharqiy sohillaridagi yerlar, ya`ni Turkmanistonning shimoli-g`arbi, Kaspiy qirg`oqlari bo`ylab qadimgi Xuroson chegaralarigacha, bugungi Qoraqalpo-g`iston, qisman Navoiy viloyatlari hududi), Turkiston (Sirdaryoning o`rta oqimidan Orol dengizining shimoligacha bo`lgan hudud), Buyuk Buxoro (Zarafshon vodiysi, Surxondaryo, Tojikiston hududlarini qamrab olgan) chegaralari ham ko`rsatilgan. Lekin, shuni ta`kidlab o`tish lozimki, Xorazm va Buxoro hududi aholisi haqida ma`lumot keltirilmagan. Turkistondan sharqdagi hududda eleut yoki qalmoqlar (*eleuts ou kalmouks*) joylashgan bo`lsa, Xorazmning janubi va Buxoroning janubi-g`arbidagi hududlar, ya`ni Xuroson Eronning bir qismi (*Partie de Perse*) deb ko`rsatilgan. Mukammal bo`lmasada, ushbu xarita O`rta Osiyoning XVIII asrdagi tarixiy-geografik manzarasini o`zida aks ettirgan.

XVIII asr fransuz xaritashunosligining yana bir vakili, geograf, demograf Lui Brion de la Torning 1766 yilda yaratgan “*Grande Tartarie Et Isles Du Japon*” (Buyuk Tartariya va Yaponiya orollari)² xaritasida O`rta Osiyo *Tartarie Independante* tarkibida ko`rsatilgan. Xaritaning o`ng tomon pastki qismidagi jimjimador lavhada 1786 yilda Parijda Lui Desnos tomonidan nashr etilganligi to`g`risidagi ma`lumot keltirilgan. Xaritada Orol dengizi o`z shaklidan ancha yiroq, uzunchoq shaklda va hajm jihatdan ancha kichik qilib ko`rsatilgan bo`lib, Kaspiy va Orol dengizi oralig`ida turkmanlar, Orol dengizing shimoliy qismida qoraqalpoqlar, Amudaryo va Sirdaryo daryolari oralig`ida, Badaxshon, Qoshg`argacha bo`lgan hududda o`zbeklar joylashgani aks ettirilgan. Yirik shaharlardan Toshkent, O`ror, Ko`hna Urganch, Samarqand, Buxoro, Balx xaritaga tushirilgan bo`lib, Sirdaryoning o`rta oqimidan shimoldagi hudud Turkiston deb ko`rsatilgan. Garchi ushbu xaritada qoraqalpoqlar joylashuvi, Orol dengizining shakli va hajmi, ba`zi shaharlar joylashuvi noto`g`ri ko`rsatilgan bo`lsa ham, ushbu xarita XVIII asrdagi O`rta Osiyoning tarixiy-geografik va tarixiy-siyosiy manzarasi haqida tasavurr bera oladi.

XVIII asr xaritashunosligining noyob iqtidor egasi, bir vaqtning o`zida Angliya qiroli Georg II (1683-1760-yillarda yashagan. 1727 yildan Buyuk Britaniya va Irlandiya qiroli) va Fransiya qiroli Lyudovik XV ning saroyida

¹ Histoire générale des voyages ou nouvelle collection de toutes les relation de voyages. Tome VII. Chez Didot. Paris, 1757. P. 143.

² <https://www.raremaps.com/gallery/detail/39751>

qirollik kartografi¹ sifatida yuqori mavqega ega boʻlgan, asli kelib chiqishi Uelslik kartograf, gravyurachi Emmanuel Bovenning 1747 yilda yaratgan “*A new & accurate map of Persia, with the adjacent countries*”², yaʼni “Eron va unga qoʻshni davlatlarning yangi va aniq xaritasi” koʻrinish jihatdan Giyom Delilning 1724 yilda yaratilgan “Eron” xaritasiga oʻxshaydi. Lekin, Bowenning ushbu xaritasida Orol dengizi “*Aral Nor ou Lake of Eagles*” deb koʻrsatilgan. Delil xaritasida esa bunday maʼlumot yoʻq. Shuningdek, Bovenning xaritasida Xorazm, Buxoro, Samarqand, Balx podsholiklari koʻrsatilgan boʻlib, Xorazm va Buxoro hududi *Uzbek Tartars* deb koʻrsatilgan, yuqorida sanab oʻtilgan podsholiklar Independent Tartaryning bir qismi sifatida tasvirlangan. Orol dengizining “*Burgutlar koʻli*” deb nomlanishi aftidan ushbu hududda burgutlar koʻp boʻlganligini, balki shu sababdan ham dengiz shunday nom bilan koʻrsatilganini taxmin qilish mumkin. Shunday boʻlsada, ushbu xarita Oʻrta Osiyoning XVIII asr tarixiy-siyosiy manzarasi haqida maʼlumot beradigan manba sifatida qabul qilinishi mumkin.

Xulosa oʻrnida shuni aytish mumkinki, XVIII asr Fransiya xaritashunosligi Oʻrta Osiyo mintaqasi, uning xalqlari joylashuvi, davlatlar chegaralari, muhim shaharlari, savdo yoʻllari, dengiz va daryolarni aks ettirishda boshqa Gʻarbiy Yevropa xaritashunoslik maktablariga qaraganda ancha katta yutuqlarga erisha olganliklari yuqorida tahlil qilingan tarixiy xaritalarda aks etib turibdi. Demak, XVIII asr fransuz xaritashunosligi maktabida yaratilgan xaritalardagi yangiliklar sifatida quyidagilarni koʻrsatish mumkin : Orol dengizining xaritalarda aks ettirila boshlanishi; Davlatlar chegaralari deyarli aniq koʻrsatilganligi. Misol tariqasida, 1749 yilda Bellin yaratgan xaritada Xorazm, Buxoro xonliklarining chegaralari nisbatan aniq koʻrsatilgan; Xaritalarda aks ettirilgan shaharlar tarixiga ham alohida eʼtibor qaratilgan. Masalan, Sellizure, yaʼni Vazir shahri Vugondiy xaritasida “*Sellizure ruine*” deb koʻrsatilgan boʻlib, soʻzma-soʻz tarjima qilganda “*Sellizure xarobalari*” deb tarjima qilinadi. Chunki, XVIII asrda haqiqatdan ham Vazir shahri xarobalari qolgan edi. Buning asosiy sababi esa Amudaryoning oʻz oʻzanini Kaspiydan Orol dengizi tomonga oʻzgartirishi edi. Shu sababdan ham 1646 yilda Abulgʻozi Bahodirxon tomonidan Vazir shahri aholisi Yangi Urganch shahriga koʻchirib keltirilgan edi. Xaritalarda Sirdaryoning “*Al Shosh*”, “*Al Chach*”, “*Sihon*” (Sayhun), Amudaryoning “*Gihon*” (Jayhun), Yangikentning “*Al-Kariyah al Haditha*”, Orol dengizining *Lac de Glouchoige ou d’Arapscoa*, *Aral Nor ou Lac des Aigles* nomlari bilan koʻrsatilishi, fransuz xaritashunoslari Sharq va Gʻarb manbalaridan, shuningdek, ilm-fan yutuqlaridan, birinchi navbatda astronomiya

¹ <https://www.geographicus.com/P/AntiqueMap/Persia-bowen-1747>

² <http://hdl.loc.gov/loc.gmd/g7620.ct001185>

imkoniyatlaridan keng foydalanliklarini ko`rsatadi. Fransuzlar joylarning geografik joylashuvini aniqlashda birinchilardan bo`lib gradusli o`lchovni tadbiq etganlar. XVIII asr fransuz xaritashunosligida yaratilgan xaritalarda XVI-XVII asrlar golland xaritashunosligida ustuvor xususiyat kasb etgan dekorativlikdan ko`ra, ma`lumotlarning ilm-fan yutiqlariga tayangan holda keltirilganligi, aniqligi va asoslanganligi bilan ajralib turadi. Lekin, fransuz xaritalari ham xato-kamchiliklardan holi emas. Masalan, Giyom Delil yaratgan dastlabki xaritalarda Orol dengizi tasvirlanmagan, Amudaryo va Sirdaryo Kaspiyga quyilgan holatda tasvirlangan bo`lsa, 1724 yilgi xaritasida turkmanlar joylashuvi biroz noto`g`ri berilgan. Le Ruj xaritasida ham turkmanlar joylashuvi Delil xaritalaridagi kabi biroz xato ko`rsatilgan. De la Torning xaritasida Orol dengizi shaklan xato berilib, uning shimoliy qismida qoraqalpoqlar joylashuvi aks ettirilgan. Kamchiliklarga qaramasdan XVIII asr Franiya xaritashunoslari yaratgan tarixiy xaritalar O`rta Osiyo xalqlari joylashuvi, tarixiy-geografik va tarixiy-siyosiy manzarasini yoritishda muhim manbalardan bo`lib qolaveradi va ularni ilmiy jihatdan tizimli tahlil etish, ilmiy muomalaga olib kirish ushbu mintaqa tarixiy-geografiyasi, xalqlari tarixi, xususan O`zbekiston tarixini yoritishda muhim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Головин С.А.Старинные карты мира, России и Сибири, том 2. – Благовещенск . Изд-во БГПУ, 2012. –С. 227. с ил.
2. Головин С. А. Старинные карты мира, России и Сибири, том 3. – Благовещенск Изд-во БГПУ, 2012. –С. 209. с ил.
3. Салищев К.А. Картоведение.Учебник. –М.: Изд-во МГУ,1990. – С.400.
4. Середонин С.А. Историческая география. Петроградь.: Типография Главного управленые уделовъ, 1916. –С. 241.
5. Яцунский В.К.Историческая география. –М .: Издательство Академии Наук СССР, 1955. –С. 331.
6. Histoire générale des voyages ou nouvelle collection de toutes les relation de voyages.Tome VII. Chez Didot. Paris, 1757. –625 p.
7. <https://www.loc.gov/resource>
8. <https://www.davidrumsey.com>
9. <https://www.raremaps.com>
10. <https://www.geographicus.com>
11. <https://maps-prints.com>
12. <https://commons.wikimedia.org>

XVI-XVII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хуришида УСМОНОВА

2-босқич магистранти, ТДШУ

Аннотация: Ушбу мақолада XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё маданий алоқаларининг ривожиниш йўлидаги ўзига хос хусусиятлари, хусусан, бу давр зиёли қатламнинг Ҳиндистон ва Эрон ҳалқлари билан маданий алоқалари, бунда адабий жараёнларнинг қай тарзда кечганлиги тўғрисида фикр юритилади.

Таянч иборалар: маданий алоқалар, мужавваба, малик уи-иуаро, тазкира

XVI аср бошларидан XVII аср ўрталарига қадар Эрон ва Ўрта Осиё халқлари орасида адабиёт маданий соҳанинг асосий тури бўлиб, қолган маданий соҳаларни ўз ичига қамраб олган эди. Олимлар, шифокорлар, муסיқачилар, хаттотлар турли хил касб вакилларининг барчаси битта адабий доирага кириши мумкин эди. Адабиётга бўлган муҳаббат барча соҳа вакиллари билан бирлаштирди. Шунинг учун ўрта асрлар шеърий антологияларини (тазкирларни) ўқиганимизда, уларнинг қаҳрамонларининг аксарияти профессионал шоирлар эмаслигини билиб олишимиз мумкин бўлади.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг бошқа мамлакатлар билан масалан, Ҳиндистон, Эрон сингари йирик давлатлар билан маданий алмашинувлари асосан узлуксиз алоқалар асосида амалга оширилиб келинган.

Маданий алоқаларни ривожлантирувчи ва уни амалга оширувчи ижтимоий қатламни савдогарлар, омад кетидан юрувчилар, дин арбоблари ва ҳатто оддий саёҳатчилар ҳам ташкил этиши мумкин эди. Бундан ташқари Ҳиндистонда яшаб келаётган Ўрта Осиё аҳолиси ўз оилалари, дўст-биродарлари ва диний сафдошлари билан ёзишмалар орқали (уйга қайтиш борасида) алоқа олиб борар эдилар.

Келиб чиқишлари Ўрта Осиёдан эканлигини ҳеч қачон ёдидан чиқармаган Бобурий ҳукумдорлар Ўрта Осиёдаги шахсий алоқаларини, айниқса, Нақшбандия тариқати арбоблари билан алоқаларни давом эттирар эдилар. Шунингдек, улар она юртларидан келган меҳмонларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб, ўзларининг хизматларида қолган вакилларга мансаб ва унвонлар тақдим этар эдилар. Бу борада потранат тизими (ҳадя, тухфалар бериш) сиёсий функцияни бажарган саналади[1].

Мутрибий Самарқандий томонидан битилган ва Бобурий ҳукумдорлардан Жаҳонгир Мирзога тақдим этилган тазкиранинг иккинчи қисимида Ўрта Осиёни тарқ этиб, Ҳиндистонда муваффақиятга эришган кўплаб шоирлар санаб ўтилган[2]. Бу фикрларни Баҳоуддин Ҳасан Бухорийнинг “Музаққар ал аҳбоб” тазкирасида ҳам учратишимиз мумкин бўлади.

Баъзилар Ҳиндистонга вақтинча тижорат, изланиш, зиёрат ёки саёҳатга борганлар. Баъзи вақтларда эса асосий мақсад авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш бўлган. Ана шундай мақсадда 1590 йиллар мобайнида Абдуллоҳ Қобулий Шимолий Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилган олимлардан бўлиб, аввал икки йил мобайнида Аҳмадободда, кейин Лаҳор, Мўлтон, Дехли, Агра ва Кашмирда бўлиб ўтади. У ҳар бир бўлган юртида асосан Нақшбандия тариқати диний арбобларини эслаб ўтади. Шунингдек, Хусрав Дехлавийдан тортиб, Бобурий ҳукмдор Ҳумоюн давригача бўлган адиблар, сиёсий арбоблар ва диний шахсларнинг мақбараларини зиёрат қилгани ҳақида маълумот бериб ўтади[3].

Тожик олими С.Нуритдинов Абдуллоҳ Қобулий ҳақидаги китобида XVI-XVII аср зиёли қатламининг бошқа юртларга саёҳатларининг сабабларидан бири, ўша давр шоирларининг тазкираларини ўрганиш мақсадида амалга оширилганлигини маълум қилади[4]. Мутруби Самарқандийнинг 1627 йилда Жаҳонگیرшоҳ саройига ташрифи ҳам ана шундай “Илмий тажриба” мақсадида амалга оширилган саёҳатдир. Унинг ва унинг замондоши Маҳмуд Амир Вали саёҳатномалари XVII аср мусулмон Осиёси оламини қизиқ ва мароқли ёритилган муҳим ҳужжатларидандир.

XVI-XVII аср Ўрта Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқаларининг ривожланишида адабий жараёнлар алоҳида аҳамият касб этган саналади. Бу даврда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги ёзишмалар асосан мужавваба анъанавий форс услубида олиб борилган. Бунда бирон шахс бир ёки икки байт ёзиб дўстига юборади. Дўсти ҳам худди шу усулда жавоб қайтаради. XVI-XVII асрларда Бобурийлар ва Ўрта Осиёликлар орасида қатнайдиган карвонлар ана шундай ёзишмалар билан тўла бўлган. Кўпинча ана шундай адабий мактублар ва совғалар Акбаршоҳ саройи “Малик уш-шуаро”си Камолиддин Файзий билан Баҳоуддин Ҳасан Бухорий ўртасида йўлланилар эди.

Вали Муҳаммадхон учун Мутрубий Самарқандий томонидан йиғилган “Тазкира ал шуара” тазкирасида Ҳиндистонлик шоирлар Файзий, Санойи, Машҳадий, Зоҳир Қобулий, Размийни шунингдек, ўзининг Размийнига ёзган қасидаси байтларини мужассамлаштирган. Бундан бир оз аввал эса Алоуд Давланинг “Нафоис ул-маъозират”[5] тазкираси эса Ўрта Осиёнинг Манзари, Нодирий, Фарухий Самарқандий, Мушфиқий ва Сака сингари шоирларнинг ижодини ўзида мужассамлаштирган эди. Ўзбек олими Илёс Низомутдинов таъкидлаганидек, бу каби бой ва мунтазам алмашинувлар “Ҳиндистонлик шоирларнинг ижод махсули Ўрта Осиёда ва аксинча, Ўрта Осиёлик шоирларнинг ижод махсуллари Ҳиндистонда маълум ва машҳур бўлганлигини” яққол кўрсатиб бера олади. Ўрта Осиё ва Ҳиндистон шоирлари ўртасидаги ёзишмалар улар яшаган замон ва макон ўй-фикрларини ўрганишдаги муҳим аҳамиятга эга манбалардир.

XVII аср Ўрта Осиё шоир ва адиблари ҳақида маълумот берувчи Муҳаммад Самарқандийнинг “Музакири азҳаб” тазкираси ўзида 200 дан ортиқ шоирларни мужассамлаштириб, улардан йигирмадан ортиғи Ҳиндистонга кетгани баён қилинади. Юқорида келтирилган маълумотлардан шу маълум бўладики XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё халқлари ва Ҳиндистонда ҳукумронлик қилаётган Бобурий ҳукмдорлар орасида ўша давр ҳар иккала ҳудудида яшаб ижод этган шоир, олим, адибларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, улар томонидан ёзиб қолдирилган ҳар бир сатр ёзув шу даврнинг адабий ва маданий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жараёнларидан дарак берувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

XVI аср адабий жараёнларининг ривожини ўз навбатида адабий манбалар етказиб бера олмаган бўшлиқни тўлдириб берувчи омил бу китоб санъати саналади. Миниатюра санъати ўзининг нафис ва гўзаллигидан ташқари ўша давр меъморчилиги ҳақидаги тарихий ёзишмаларни заргарлик, тўқимачилик, амалий санъат маҳсулотларини, мусиқа асбоблари, қурол-аслаҳалари ҳақидаги маълумотларни бизнинг давримизгача етказиб беради-ки, бу соҳада ҳам уч буюк давлатлар мактабининг уйғунлигини кузатишимиз мумкин. Булар Эрон, Ҳиндистон ва Моварауннаҳр мактаби анъаналари бўлиб, уларнинг ҳар учаласи ҳам алоҳида услуб сифатида ривожлансада, барчасининг ўзаги Темурийлар даври анъаналари билан чамбарчас боғлиқ эди.

Юқоридаги фикрлар шуни кўрсатадики, ўрта асрлар маданий ҳаётининг ривожини, маданиятлар алмашинуви турли сабаб ва натижаларга кўра ривожланиш босқичини босиб ўтган. Айрим ҳолларда маданий соҳанинг ривожини ва тараққиёти, шунингдек, маданиятлар алмашинувида илмий ёндашиши бўлса, айрим ҳолларда бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий муаммолар туфайли ривожланиб борган. Бироқ ҳар қайси ҳолатда ҳам шуни эътироф этиш керакки, амалга оширилган бундай хатти-ҳаракатлар XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё минтақасида маданий ҳаётнинг ривожланиши учун ўзига хос сабаб бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Турли ҳадялар, қимматбаҳо санъат асарлари ўз-ўзидан ҳукумронлик ва катта куч-қувват манбаи бўлиб, асосан Бобурий ҳукумдорлар шу йўл орқали маданий етукликка эришганлар.

2. Mutribi al-Asamm Samarqandi, Nuskhay-i zibay-i Jahangiri. ed. A.G. Mirzoev, –Karachi, 1976.

3. Абдулла Қобули. Тазкира ал-таварих. MS IOSUAS 2093.

4. С.Нуритдинов. Тазкира ал-таварих. Абдулла Қобули. –Қобул, 1365 (1986), – Б. 62.

5. Алоуддавла Қазвиний-Комий. Нафоис ул-маосир. ЎЗРФАШИ кўлёзма фонд. № 800.

XVII-XVIII АСРЛАР РУС САЙЁҲЛАРИ АСАРЛАРИДА ТОШКЕНТ ВА ТУРКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Бехзоджон ЗОКИРОВ

II босқич магистранти, ТДШИ

Аннотация: *Мазкур мақолада XVII-XVIII асрлар рус сайёҳлари асарларида Тошкент ва Туркистон шаҳарларининг тарихий топонимияси, шаҳарларнинг жойлашуви ва уларнинг хариталарда акс эттирилиши масаласи ёритилади. Шунингдек, мақолада Россиядан Ўрта Осиёга олиб келувчи Оренбург йўналиши, ушбу тармоқда жойлашган Туркистон ва Тошкент шаҳарларининг географик ўрни ҳамда мазкур савдо йўлларидаги географик жой номларининг қайд этилишига оид айрим муаммоли масалаларнинг ечимига доир ёндашувлар баён этилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Оренбург йўналиши, тарихий топонимия, Книга Большому Чертежу, сажень, верст, Пётр, Ф. Беневини., Н.А. Макшеев, Карл Миллер, П.И. Ричков, Оренбург топографияси.*

XVII асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус сайёҳларининг салмоғи нисбатан кам бўлиб, уларининг саёҳат кундаликлари ва сафарномаларидаги жой номлари асосан, бу даврда расман давлат сифатида мавжуд бўлган Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудларига тааллуқли ҳисобланади. Уларнинг тадқиқотларида Тошкент ва Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудлари ҳақида узук-юлуқ маълумотлар келтирилган. Хусусан, XVI-XVII аср бошларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус ва хорижлик сайёҳларнинг эсдаликлари, сафар хотиралар асосида яратилган хариталардан бири “Книга Большому Чертежу”¹ (Катта чизма китоби, 1627) бўлиб, унинг алоҳида бобида Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги текислик қисми, дарёлари ва айрим географик жой номлари қайд этилган². Ушбу китобда Ўрта Осиёга оид 50 га яқин географик номлар қаторида Тошкент ва Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларига оид айрим топонимик маълумотлар ҳам учрайди³. Айнан ушбу ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар, биз қўйган муаммони тўлиқлигича ечиб бера олмаса-да, бу даврдаги географик номлар акс этган эсдаликларнинг ўрнини қисман тўлдириш ва ўша давр тарихий топонимияси бўйича умумий тушунча беришга хизмат қилади. Хусусан, харитада

¹Книга Большому Чертежу // Подготовка к печати и редакция К. Н. Сербиной. – М.-Л., 1950. – С. 6.

² Азатьян А. Основные географические проблемы Средней Азии в их динамике. – Т.: Фан, 1974. – С.12.

³ Гвоздецкий Н.А. и другие. Русские географические исследования Кавказа и Средней Азии в XIX-начале XX в. – М.: Наука, 1964. – С. 62.

Сирдарёнинг ўнг соҳилида *Сузган* ёки *Сузан*, *Сарсан* ва *Ташкун*; чап соҳилида эса *Сунам*, *Ясырбон*, *Таркоз*, *Иркан*, *Ангурган*, *Оққўрғон* каби географик номлар қайд этилган¹. Ушбу харита бошқа хариталардан даврий жиҳатдан аввалроқ яратилгани учун нисбий хатоликлар учраб туради. Шуларни эътиборга олиб, турли мутахассислар томонидан унга изоҳлар ва шарҳлар берилган-ки, улар ёрдамида тушуниш нисбатан қулайлик ва аниқлик сари етаклайди. Масалан, харитадаги Тошкент ва Туркистон атрофларидаги жой номларига Н.А. Макшеев² ва Г.И. Спасский³лар томонидан шарҳ берилган. Асарда ёзилишича, “*Кендерлик* дарёси қуйилишидан 150 верст узоқда, *Сир* дарёсининг чап соҳилида *Қорачатов*⁴ тоғлари қаршисида *Сунак* шаҳри жойлашган”. Г.И. Спасский фикрича, бу шаҳар манбаларда нисбатан камроқ тилга олиниб, 1737 йилда император ҳузуридаги Санкт-Петербург Фанлар Академиясида нашр қилинган Атласда бу шаҳар *Зунак* шаклида ёзилиб, Сирдарёнинг ўнг ва чап соҳилида жойлашган ҳолда тасвирланади⁵. 1853 йилда тузилган харитада эса унинг жойлашув ўрни Оқмачит ва Тошкентнинг ўртасида, XVII асрда жойлашган ҳолатидан қарама-қарши томонда, яъни Сирдарёнинг чап соҳилида эмас, ўнг соҳилида тасвирланган. Бу даврда жойлашган ўрни *Сауран* шаҳрининг ҳаробасида бўлиб, у Туркистондан 50 верст узоқликда жойлашган. Макшеевнинг фикрича, Сирдарёнинг чап соҳилида қирғизларнинг жапас уруғининг *сунак* қавми кўчиб юрган. Сунак топоними келиб чиқиши ҳам айнан шу қавм билан боғлиқ бўлиши мумкин⁶. Демак, фикримизга кўра, Сунак этнотопоним бўлиб, манбаларда турли даврларда Сирдарёнинг ўнг ва чап соҳилларида жойлашган ҳолатда тасвирланишини, кўчманчи гуруҳларнинг кўчиб юриш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин.

“Катта чизма китоби” ёзилишича, “*Сунакдан* 80 верст узоқликда эса *Ясырванъ* шаҳри жойлашган. Бу шаҳар турли манбаларда *Савран*, *Сауран*⁷ шаклларида учраб, Сигноқ шаҳрининг ҳаробаларидан 90 верст узоқликдага бу шаҳар, Сирдарёдан 15 верст узоқликдаги Тойманарик

¹ Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий картографик маълумотлар (XVI-XIX асрлар). Дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 83.

² Макшеев Н.А. Географические сведения Книга Большого Чертежа о киргизских степях и Турестанском крае // Известия Русского Географического Общества. Т. 14. – СПб., 1872.

³ Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках (известия путешественников, географов и ученых XVI- первой половины XIX в.). –Тошкент.: Фан., 1988. – С. 57.

⁴ Қорачатов⁴ бизнинг фикримизча Қоратов бўлса керак.

⁵ Лунин Б.В. История Узбекистана.... – С. 57.

⁶ Лунин Б.В. История Узбекистана... – С. 57.

⁷ Лерх П.И. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году. – СПб, 1870. – С. 88.

бекатига олиб келадиган йўлда жойлашган. *Ясырванъ* дан 100 верст ва Сирдарёдан 20 верст узоқликда *Тюркустан*, ундан 140 верст узоқликда эса *Аркан* шаҳри жойлашган”¹. Г.Спасскийнинг фикрича, *Аркан* шаҳар Ёркент шаҳри бўлиши мумкин. Лекин Макшеев бу фикрга қўшилмаган ҳолда, уни Ёркент деб изоҳлашни ўта қўпол хато деб, баҳолайди. Унинг тахминига кўра, *Аркан* шаҳри *Ўтрор* харобалари ўрнида жойлашган бўлиб, у Туркистондан 50 верст жанубда, *Арис* дарёсининг ўнг соҳилидан 10 верст ораликда, унинг Сирдарёга қуйилишида жойлашган бўлиши мумкин.² Келтирилган маълумотларнинг таҳлили, назаримизда, *Аркан* шаҳри Шарқий Туркистондаги *Ёркент* эмас, балки Ариснинг ўнг соҳилидаги *Ўтрорнинг* ўрнида жойлашганлиги масаласи ҳақиқатга яқинроқ уўринади.

“Катта чизма китоби”да “*Аркан* шаҳридан 60 верст жанубда ва Сирдарёдан 10 верст узоқликда *Янгурган* шаҳри, ундан 70 верст узоқликда эса *Акнурган* шаҳри жойлашган. *Акнурган* шаҳридан 110 верст узоқликда ва Сирдарёдан 20 верст масофада *Сайрям* шаҳри жойлашган”³. Бу шаҳарлар орасида нисбатан кўпроқ тилга олинадигани *Сайрям* шаҳри бўлиб, унинг харитада жойлашган ўрни бўйича хатолик мавжуд. Сабаби, бу шаҳар ҳозирги Чирчиқнинг шарқий томонидан 20 верст узоқликда жойлашган бўлиб, Сирдарёдан билан ораси 20 верст эмас, балки тахминан 120 верст келади. *Янгурган* ва *Акнурган* шаҳарлари 1737 йилда император ҳузуридаги Санкт-Петербург Фанлар Академиясида нашр қилинган “*АТЛАС*”да бу шаҳарлар *Мангурган* ва *Аннурган* шаклида берилиб, Сардарёнинг ўнг соҳили ва Туркистоннинг жануби-шарқий қисмида деб тасвирланган.⁴ Бу томонимлар таркибида *қурган* ёки *қўрғон* шакллари кўплаб Ўрта Осиё хос жой номларида учровчи ўзига хос топоформант (яъни топонимлар ясалишида кўп учровчи сўз ёки кўшимча) бўлиб, шаҳардан қичикроқ, кишлокдан каттароқ аҳоли маскани назарда тутилади ва ўз ўрнида бундай манзилгоҳ Ўрта Осиёда ниҳоятда кенг тарқалган.

Шунингдек, “Катта чизма китоби” да келтирилишича, “*Сайрямдан* 160 верст ва Сирдарёдан эса 30 верст жануброқда *Ташкун* шаҳри бор”⁵. Кўришимиз мумкинки, харитада Тошкент шаҳри *Ташкун* шаклида берилса-да, нисбатан жойлашган ўрни тўғри тасвирланган. Умумий ҳолатда “Книга Большому Чертежу”да Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус саёҳлари ва савдогарлари кундаликларидаги маълумотлардан

1 Лунин Б.В. История Узбекистана... – С. 58.

2 Лунин Б.В. История Узбекистана... – С. 58.

3 Лунин Б.В. История Узбекистана... – С. 58.

4 Лунин Б.В. История Узбекистана... – С. 58.

5 Лунин Б.В. История Узбекистана... – С. 58.

фойдаланиб тузилган кенг қамровли атлас бўлиб, гарчи айрим хатоликлар бўлса-да, ҳудуд ҳақида умумий тасаввур бериши билан бирга Россияда картография ривожланишида дастлаби йирик қадам бўлганлиги бежиз эмас, албатта.

Россия императори Пётр I томонидан 1721 йилда Ўрта Осиёга, хусусан, Бухоро хонлигига юборилган Санкт-Петербург Ташқи ишлар Коллегиясининг расмий вакили Ф.Беневини¹ нинг кундаликларида Тошкент ва Қўқон хонлигининг айрим шаҳарлари ҳақида маълумотлар учрайди. У ўзининг кундаликлари-реляцияларида Бухоро хонлигига бўйсунувчи 23 та шаҳарни санаб ўтиб, уларнинг орасида *Ташенд*², *Кокан*, *Мергалан*, *Намджан*³, *Индижан*⁴ каби шаҳарларни ҳам киритади.⁵ Лекин, даврий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бу маълумотлар хато эканлигини пайқаш қийин эмас. Сабаби, бу даврда Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон шаҳарлари бевосита Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган. Тошкент гарчи бу даврда Қўқон хонлиги томонидан бўйсундирилмаган бўлса-да, лекин Бухоро хонлиги тасарруфида эканлиги ҳақидаги маълумотлар бирорта маҳаллий манбада ҳам қайд этилмаган.

1740 йилда В.Н. Татишев ташаббуси билан Сирдарёниг қуйи оқимини ўрганиш мақсадида драгун полкининг поручиги Дмитрий Гладишев ва геодезист Иван Муравин, инженер-тадқиқотчи Назимов, таржимон Назаров ва Усмон Арслоновлар ҳамроҳлигида юборилди. Улардан бири Муравин кундаликларида ёзишича, “Ҳиндлар давлатининг ғарбий томонида турклар яшайдиган шаҳарлар бор. Ушбу шаҳарлар сирасига Сирдарё бўйидаги *Сунакъ*, *Атасауранъ*, *Туркустанъ*, *Ташкентъ* каби шаҳарлар киради.”⁶ Кўриб турганимиздек, муаллиф кундаликларида юқоридаги шаҳарларда асосан туркий аҳоли яшашига урғу буриб ўтади.

1738 йилда Ўрта Осиёга ташриф буюрган дипломатик миссия вакиллари майор Угрюмов, поручик Карл Миллер, геодезист-поручик Алексей Кушеловларга Ўрта Осиёда рус савдоси учун янги имкониятлар эшигини очиш, савдо қарвонлари учун хавфсиз ва қулай йўлларни

¹ Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. – М. 1986. – С. 188.

² Ташенд – Тошкент.

³ Намджан – Наманган.

⁴ Индижан – Андижон.

⁵ Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. – М. 1986. – С. 165.

⁶ Гладышев, Муравин. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-41 гг. поручиком Оренбургского драгунского полка Дмитрием Гладышевым и геодезистом Муравиным. Издана с приобщением современной карты Миллерова пути от Орска до Зюнгорских владений и обратно Я. В. Ханьковым. – СПб., 1851. – С. 22.

аниқлаш вазифаси юклатилган эди. Ушбу миссия аъзоси Карл Миллерга кўшимча равишда бевосита кам ўрганилган Тошкентни тадқиқ қилиш вазифаси юклатилган бўлиб, у 1739 йилгача Тошкентда бўлади¹. Ушбу мақсад доирасида 1742-1743 йилларда Карл Миллер иккинчи марта *Оренбург йўли* орқали Қозоқ даштларига ҳам жўнатилади. Афсуски, қимматли маълумотларга бой бўлган Тошкент ҳақидаги эсдаликлари бизгача тўлиқ ҳолатда етиб келмаган. Шундай бўлса-да, 1762 йилда П.И. Ричков томонидан яратилган “Оренбург топографияси” китобининг иккинчи қисмида Туркистон ва Тошкент мулклари ҳақида берган маълумотлари орасида Карл Миллернинг эсдаликлари ва у тузган харитадан фойдаланганлиги қайд этиб ўтилган.

Асарда келтирилишича, “Туркистон шаҳри қадимдан бошқа ерларга нисбатан катта мавқега эга бўлган. Чунки Туркистон татар (турк) тарихларида Бухорога нисбатан қадимийроқ”, - деб ёзилади. Шунингдек юқоридаги фикрини давом эттириб, гўёки қадимги даврларда ҳукмронлик унда (Туркистонда) бошланиб, бутун Осиёга тарқалган. Оренбургда бўлган Охуннинг маълум қилишига кўра, бу шаҳар *Туркахон* неваралари томонидан бунёд этилган. Унинг таржимони Уразлин форс манбаларига таяниб, бу шаҳар Эрон, яъни Форс шоҳи Жамшид томонидан қурилган, деб маълум қилади. Ўша Жамшидшоҳ, асарда ёзилишича, ўз одамлари билан мунғул, татар ва хитойлар устидан ҳукмронлигини ўрнатган ва буюк Татаристонда бўлганда ўз кўшинларига қўним жой учун 3 та: *Турюкистон* (Туркистон), *Ўтрор* ва ҳозирда ҳам мавжуд *Сауран*² ни қурдиришни лозим топади. Бу ерларда у ўз вакилини қолдириб кетади.

Шунингдек, муаллифнинг кўшимча қилишича, *Туркистон* шаҳри Орск қалъасидан от билан юрилганда 10-15 кунлик масофада, Тошкентга етмасдан 1-2 ёки 3 кунлик масофа узоқликда жойлашган. У *Қорасув* деб номланувчи дарё бўйида жойлашган. Туркистонда кўчалар эгри ва тор кўндалангига 1 саржиндан 3 кичик. Уйлар маҳаллий удумларга кўра қурилган, Тошкентдаги уйларга нисбатан анча ёмон ва минггача атрофида. Доимий истехком йўқ, фақат турар жойларни айлангириб қурилган пахса девор ва унинг атрофида сув тўлдирилган хандақ мавжуд. Туркистонда 3 та масжид бўлиб, улардан бири қадимий, яхши ишланган

¹ Азатьян А. Основные географические проблемы Средней Азии в их динамике. – Т.: Фан, 1974. – С. 116.

² Сауран (Саврон) шаҳар харобалари Сигноқдан 90 верст, Тюмен-ариқ бекатидан почта йўли бўйлаб шунча узоқликда, Сирдарёдан эса 15 верст узоқликда жойлашган. Бу ҳақида қаранг: История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В.Лунин. – Т.: Фан, 1988. – С. 57.

³ Саржин – рус узунлик ўлчови; 1 саржин = 7 фут = 2,1336 метрга тенг.

ва ўзида кўпгина хужраларни мужассамлаштирган. Бу шаҳарда ҳеч қандай бозор йўқ. Аҳолиси савдо учун Тошкентга боришади. Бу худудлардаги шаҳарларда аҳоли сони қуйидагича:

№	Манзил номи	Туркистондан узоқлиги (верстада)	Хонадонлар ёки оилалар сони
1	Туркистон	-	1000 гача
2	Курлак	тахм. 20	300
3	Икан	20	300
4	Саураб (Саврон)	50	100
5	Ўтрор	40	40
6	Тошанак	15	100
7	Августов	40	40
8	Сюрю	8	70
9	Сузоқ	70	40

Бу мулкларда жами тахминан 2 минг оила истиқомат қилади. Уларнинг барча одамлари яхши ва деҳқонлар сифатида таърифланади¹.

Бундан ташқари П.И. Рычковнинг “Оренбург топографияси” асарида Тошкент ҳақида ҳам бир қанча қизиқарли маълумотлар учрайди. Хусусан, Тошкент аҳолиси кўп сонли шаҳар. Оренбургдан жанубга ўртача 20 кунлик масофа узоқликда. Катта қисми текис жойда бино қилинган: энига ва узунлигига 4 верста² масофани эгаллайди. Унда ҳеч қандай дарё йўқ, аммо ундан 10 верст узоқликдаги масофада Сирдарёга қуйилувчи *Чирчиқ* оқиб ўтади. Ундан шаҳаргача унча катта ва чуқур бўлмаган каналлар қазилган ҳамда уларнинг сони кўп. Бундан ташқари шаҳарда қудуқ ва ҳовузлар қазилган. Тошкентда 6000 ва ундан кўпроқ уйлар бўлиб, ҳаммаси пахса уйлар ва битта деразали. Томлари камийшдан ёпилган бўлиб, ёгингарчиликдан яхши ҳимоя қилмайди. Бундай уйларнинг девори пахса тикланган, ичкаридан эса лой сувоқ билан сувашади. Шаҳарда 8 та катта кўча бўлиб, уларнинг ҳар бирининг чиқишида ёғоч, баъзан эса ёштан дарвозалар қурилган. Улар қуйидагича номланади: 1) Самарқанд, 2) Бешёғоч 3) Терсерен (Терсариқ), 4) Шихонтаугер (Шайхонтоҳур), 5) Тахтакус (Тахтаул). 6) Тарсахон (Дархон), 7) Қопқон (Қопқа), 8) Кукчи (Кўкча)³. Лекин, муаллиф муаллиф томонидан дарвозаларга нимага асосланиб айнан ушбу номлар берилганлиги ҳақида қўшимча маълумотлар келтирилмаган.

¹ Рычков П.И. Топография Оренбургской губернии. – Оренбургъ., 1887. – С. 21

² Верст - қадимги рус ўлчов бирлиги; 1 верст 500 саженга, яъни 1,0668 км.га тенг.

³ Рычков П.И. Топография Оренбургской...– С. 22.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, XVII-XVIII асрлар рус сайёҳлари ва элчиларининг кундаликлари, сафар хотиралари ва улар асосида яратилган асарлар гарчи биз қўйган масала бўйича, яъни Тошкент ва Туркистон шаҳарларининг тарихий топонимиясини тўлалигича очиб бера олмасан-да, Россияда кам ўрганилган ҳудудларни тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, энг аввало, Россиядан Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий ҳудудларига олиб келувчи Оренбург йўналишига асос солинди. Иккинчидан, ушбу йўналишдаги жой номлари белгилаб олинди, хариталаштирилди. Учинчидан, ушбу йўналишдаги шаҳарлар орасидаги масофалар аниқ белгилаб олинди ва бу маълумотлар кейинги даврларда Марказий Осиёга жўнатилган элчилар ва саёҳларнинг таширифида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

BUXORO QUSHBEGI ARXIVIDA AMIRLIKNING MA'MURIY TIZIMI TOPOGRAFIYASI

Xurshida AHMEDOVA
TDSHU 2-kurs magistranti

Аннотасија. Мақоллада Бухоро қушбегии архиви ҳужжатларида амирликнинг XIX – XX аср бoshлари топографияси масалалари бо‘йича тарихчиларнинг тадқиқотлари ва улардаги ма‘лумотлар таҳлил этилади.

Таянч со‘з ва иборалар: “Қушбегии архиви”, О‘збекистон Миллий архиви, И-126 – фонд, топография.

Аجدодларимиздан қолган тарихий yozma манбалар қаторидан ҳақли равишда кенг о‘рин олган тарихий ҳужжатлар республикамиз архивлари, музей ва кутубxonalarидаги фонлда сақланмоқда. Шулardan бири, О‘збекистон Миллий архиви сақловxonalarida Бухоро амирлигига қарашли “Қушбегии архиви” фондидаги ҳужжатлар бо‘либ, униг асосий қисми XIX-XX аср бoshларига доир даврни қамраб олади¹. Ушбу архив ҳужжатлари бугунги кунда О‘збекистон Миллий архивда И-126 рақамли фонлда сақланмоқда.

Қушбегии архив ҳужжатларида амирликдаги joy номлари, ya‘ni топонимлари juda ko‘plab uchraydi. Ушбу топонимлар орқали биз Бухоро амирлигидаги иjtимоий ҳайот ва ма‘muriy тизим ҳақида juda қimmatли ма‘lumotларга eга bo‘lamiz. Қушбегии архив ҳужжатларига viloyat, туман, амлок, mavze, қishloqlar ва ма‘muriy birlikларнинг 10 mingдан ortiq номлари kiritilgan. Bundan tashqari, ba‘zi hollarda ro‘yxatlarda nafaqat geografik nomlar, balki aholining tarkibi, ularga tegishli chorva mollari soni, alohida amirlik viloyatlarida yashovchi turli qabilalar to‘g‘risidagi ma‘lumotlar ham ko‘rsatilgan. Ушбу

¹ ЎзРМДА.И-126-фонд.Бухоро амирлиги Қушбегисии Канцелярияси.

barcha ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi, shuningdek, ba'zi birlari Buxoro amirligi tarkibiga kirgan Tojikiston va Turkmaniston tarixi bo'yicha qimmatli materiallarni taqdim etadi.

Buxoro amirligi tarixiga oid manbalarda eng qadimiy bo'lgan toponimlar to'g'risidagi ma'lumotlar alohida o'rin tutadi. Geografik nomlarda hayotning ko'pgina o'ziga xos xususiyatlarini, ijtimoiy-iqtisodiy shakllanishning o'zgarishini, siyosiy voqealar va til madaniyati evolyutsiyasini, ayniqsa boy tariximizning barcha davrlari qamrab olinadi. Tarixchilar tomonidan Markaziy Osiyo toponimikasi chuqur o'rganilmagan mavzulardan hisoblanadi. Ma'lumki, O'rta Osiyo xalqlarining eng qadimgi ajdodlari so'g'd, xorazm, qadimgi turkiy va boshqa tillarda gaplashishgan, vaqt o'tishi bilan arab tili, keyinchalik esa faqat o'zbek, tojik va turkman xalqlarining tillarida birlashgan. Tilshunoslik muhitidagi bu o'zgarishlar geografik nomlarda o'z aksini topdi. Geografik nomlarning tilshunoslik va tarixiy-filologik tadqiqotlari juda dolzarb bo'lib, katta ilmiy va amaliy ahamiyatga ega.

Sovet davri tarixida barcha eski narsalar, shu jumladan, geografik nomlar o'zgartirilgan, mintaqaning butun jug'rofiyasi va uning toponimlari yangilangan. Tarixiy manbalarda eslatib o'tilgan qadimgi nomlarni mahalliyashtirish tobora qiyinlashib bormoqda va O'rta Osiyoda olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlar jarayonida har doim toponimiyani yo'q qilish, qadimgi geografik nomlarning yangi va nihoyat zamonaviy ekanligini bilish zarur. O'rta Osiyodagi bir qator aholi punktlarining holatini aniqlash maqsadida manbalar ustida dastlabki tadqiqotlar XIX asrning ikkinchi yarmida olib borildi. Mazkur masala doirasida Buxoro Qushbegi arxivini o'rganish XX asrning 30-yillari oxirlaridan boshlangan. Qushbegi arxivi hujjatlari bilan shug'ullangan A.R.Muhammadjonov mintaqaning tarixiy geografiyasini o'rganishda V.V. Bartold, V.L. Vyatkin, N.F. Sitnyakovskiy, L.N. Sobolev, P.P Ivanov, V.A. Shishkin, Ya.G. Gulyamov, H. Xasanov, O.D. Chexovich va boshqalarning hissalarini katta ekanligini e'tirof qilgan edi.

Qushbegi idorasining 1915-yildagi tashqi yozishmalar registrlarining yozuvlariga ko'ra, Buxoro amirligi 27 viloyat va 11 ta tumandan iborat edi. Barcha tumanlar Buxoro shahri atrofida joylashgan bo'lib, mahalliy tarixchi Abdurahmon Tamkin Buxoriyning so'zlariga ko'ra, ulardan ikkitasi faqat 1915-yildan tuman deb nomlana boshlagan². Buxoroning asosiy ikkita kanali shimol va janubda joylashgan bo'lib, Shimoliy Rud va Janubiy Rud kanallari nomlari hujjatlarda ko'p uchraydi. Ma'danlar boshqa to'qqizta tumanlardan farq qilib, ularda ma'muriy markaz yo'qligi sababli soliq yig'ishni Buxoroning sadr-raisi xodimlari olib borgan. Qolgan tumanlarda ma'muriy va soliqqa

1 Мухаммаджонов А.Р., Неъматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957. – Б. 23.

2 Газета «Правда Востока» за 26-июля 1996 г. – №143.

tortish kuchi asosan qozi-kalonga bo'ysungan qozilarga tegishli edi. Kom-i Mug' tumaniga amirlikning shimoliy qismidagi katta cho'l zonasi kiritilgan. Ko'p viloyatlar va tumanlar ham markaziy qishloq nomi bilan ikkinchi nomga ega edilar. G'ijduvon va Xarkan Rud tumanlarining ikki nomini bir vaqtning o'zida ishlatishni V.V. Bartol'd ta'kidlab o'tadi. Tamkin Buxoriy Kamat tumanini Vobkand, Samjan tumanini esa Romiton deb ham atagan.

1916-yilgi ro'yxatlarga ko'ra, har bir tumanda 120 dan 340 gacha aholi punktlari bo'lgan. Buxoro viloyatlari daryo vodiylari bo'ylab joylashgan edi. Zarafshon vodiysida - Karmana, Xatirchi, Ziya-addin, Nur Ota vodiylari; Qashqadaryo viloyatida esa Qarshi, Xuzar, Yakkabog', Chiroqchi, Kitob va Shahrisabz; Surxondaryo viloyatida Sherobod, Boysun, Dixnau va Sar-i juy; Amudaryo bo'ylab esa Chohar Juy, Usti, Karki, Kalif va Burdalik (hozirgi Turkmaniston Respublikasi hududi) viloyatlari bor edi¹.

Tojikistonda Qabadiyon, Qo'rg'ontepa, Hisor, Qorategain, Ko'lob, Baljuvon, Darvoz va Shutnan, deyarli barcha viloyatlar ma'muriy markazlari bilan bir xil bo'lgan. Sharqiy viloyat aholi punktlari soni bo'yicha eng katta bo'lgan. (1914-1916-yillarda) Xisor-1200, Qorategin-700, Ko'lob-635, Turkmaniston viloyatlari kichik Ustida 15, Burdalikda 14, Kalifda 24, qolgan viloyatlarda 100 dan 400 gacha aholi punktlari bo'lgan.

Buxoroda ko'p hollarda viloyat va tumanlarni birlashtirish yoki ularni tark etish, amloklarni bir viloyatdan boshqasiga o'tkazish, yoki ba'zi amlokni butunlay markaziy hokimiyatning bevosita hokimiyatiga bo'ysungan holda butunlay mustaqil ma'muriy birlikka ajratish hollari ham bo'lgan. Shunday hollardan biri 1914-yilda Samjan tumani Xutfar tumaniga, Shafurkon esa Pirmast tumaniga qo'shilgan edi. Shuningdek, alohida ma'muriy birliklar amloklar mavjud edi: Komi Mug', Yangi Qo'rg'on va Qaraman. XX asr oxirida bu uchta amlok viloyat hisoblanar edi.

1916-yildagi aholi punktlari ro'yxatiga ko'ra, amloklar Kom-i Mug' va Yangi Qo'rg'on Karmana viloyatining hokimiga bo'ysunishgan. Karmana va Nur Ota viloyatlari Xatirchi viloyati tarkibiga kiritilgan. Bu tumanni Samjan va Xutfar, shuningdek Pirmast va Shafurkom ikkiga bo'lgan. Viloyat va amirlik tumanlarining ma'muriy-hududiy bo'linishi boshqacha edi. Ularning ko'p qismi qishloqlarni o'z ichiga olgan amlok (soliqqa tortiladigan joylar)ga bo'lingan. Ziya-addin, Xuzar, Xatirchi, Kalif, Chorjo'y va boshqalar amloklarga bo'lingan, shu bilan birga mavzelerdan – Dixnau, Ko'lob, Pirmast, Xutfar, Usti va boshqalar kabi bir qator tuman va viloyatlarga bo'lingan. Masalan, aholi punktlari ro'yxatida Xutfar tumanidagi yuqorida nomlari ko'rsatilgan qishloqlar soni ro'yxatdagi mavzelar bilan bir xil. Ammo,

¹ A.P. Мухаммеджанов. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Ташкент, 2001. – С. 5.

ko‘pincha xuddi shu tuman, yoki viloyatda, amlok, mavze, guzarlar va masjidlar tez-tez ro‘yhatga olingan.

Karmana viloyati aholi punktlari ro‘yxatida, hujjatning umumiy sarlavhasida: "Dehi Viloyati Karmana" deb yozilgan va ular tarkibiga kirgan amlok va mavzelar har biridagi barcha masjidlar ro‘yxati keltirilgan¹. Bundan tashqari, mavzelar ba‘zida 10 yoki undan ortiq masjidlarni o‘z ichiga olgan va ularning har biri o‘z nomiga ega bo‘lgan, ehtimol bu masjid xizmat ko‘rsatadigan aholi punkti ham bo‘lgan. Ko‘pincha ro‘yxatda mavze va qishshloq o‘rtasidagi chiziq o‘chiriladi. Faqat ikkita ro‘yxatda mavze va qishloq atamalari o‘rtasida aniq farq bor ular: Xutfar tumani (1916) va Karmana viloyati (1916) tumanlari ro‘yxatlarida. Xutfar tumanidan olingan ro‘yxatda har bir mavze nomi ostida unga kiritilgan qishloqlar soni ko‘rsatilgan². Bu yerda Mavzelarining qariyb 60 foizi bitta qishloqdan iborat edi. Karmana viloyatining aholi punktlari ro‘yxatida, har bir mavze nomi bilan, unga kiritilgan birdan o‘n uchgacha qishloqqa nomlar berilgan. Karmana mintaqasidagi mavzelarining aksariyati 4 yoki undan ortiq qishloqlardan iborat edi. Shunday qilib, aholi punktlari ro‘yxatlarini tuzuvchilar, mahalliy qishloq ma‘muriyati vakillari mavzeni qishloqlardan yoki masjidlardan ko‘ra hududiy jihatdan katta birlik deb hisoblashgan. Karki viloyatining tarkibiy qismlari ham mavzelar deb nomlangan, ammo ular Bekchaga bo‘lingan. Har bir Bekchada Bekaxona bor edi, ularning tasarrufida qishloqlar bo‘lgan.

Buxoro qushbegi arxiv hujjatlari ichida qushbегining aholi ro‘yxatini tuzish to‘g‘risidagi viloyat hokimlariga yuborgan maktublari ham saqlanib qolingan bo‘lib, ushbu xat (hijriy 1334-yil) 1916-yil kelib tushgan asl xat Yakkabog‘ bekining sirtqi yozuvlari daftarida saqlanib qolgan. Maktubga javob rabiul avval oxirida yuborildi. 1353-sonli ushbu xatning matni quyidagicha yozilgan:

Siz aminlar va oqsoqollarni so‘roq qilishingiz va Yakkabog‘ga bo‘y-sunuvchi har bir amlok va aholi punktlarining sonini aniqlab, olingan materiallarni idorangizdagi ro‘yxat bilan taqqoslashingiz kerak; aholi punktlarining ortiqcha yoki yetishmayotgan nomlari borligini bilish uchun amloklar va qishloqlarning nomlarini diqqat bilan yozing va bizga yuboring, chunki davlatimizning barcha viloyatlari amloklar va qishloqlarining nomlari uchun maxsus daftar tuziladi³.

¹ А.Р. Мухаммеджанова. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Ташкент, 2001. – С. 7.

² Абдураимов М. О некоторых категориях феодального землевладения и положения крестьян в Бухарском ханстве в XIX – начале XX века. //Общественные науки в Узбекистане. 1963. – №7.

³ ЎЗРМДА. И-126-фонд. Бухоро амирлиги Қўшбегиси Канцелярияси

Ushbu tatixiy maktub orqali Buxoro qushbegi arxiv hujjatlari mintaqa tarixiy geografiyani o'rganishda juda katta ahamiyatga ega ekanini bilishimiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda, Qushbegi arxiv hujjatlari Buxoro amirligidagi ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va ma'muriy tizim tarixini o'rganishimizdagi eng ishonchli va qimmatli manba bo'lib xizmat qiladi. Buroq ushbu arxiv hujjatlari bugungi kungacha to'liq tadqiq qilinmagan. Ushbu hujjatlarni o'rganar ekanimiz unda vatanimizning boy tarixi haqidagi juda qiziqarli ma'lumotlarga ega bo'lamiz.

Foydalanilgan adabiyatlar

1. Абдураимов М. О некоторых категориях феодального землевладения и положения крестьян в Бухарском ханстве в XIX – начале XX века. //Общественные науки в Узбекистане. 1963. №7.
2. Мухаммеджанов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Ташкент, 2001.
3. Муҳаммаджонов А.Р., Неъматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957.
4. Газета “Правда Востока” за 26-июля 1996 г. – №143.
5. ЎзРМДА .И-126-фонд. Бухоро амирлиги Қушбегиси Канцелярияси

ABU RAYHON BERUNIYNING ILMIIY MEROSINING QOMUSIY XUSUSIYATI

Zarnigor QODIROVA
2-kurs magistranti, TDSHU

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad al-Beruniy hayoti va ijodi, ilmiy merosining qomusiy xususiyati. Shu bilan bir qatorda uning Al-Jamohir Fi-l-ma'rifat al-javohir (Minerologiya) asari X-XI asrga doir muhim manba ekanligi xususida fikr yuritiladi.*

Tayanch iboralar: *Minerologiya, “Osor al-boqiya an alqurun al-holiya”, “Zijul Ma'sudiy”, “Qonun-ul Ma'sudiy fil hay't va nujum”, “Maqolidu ilmil hay'a”, «Rasadu Abu Rayhon», Yoqut Hamaviy, «Mo'jamul udabo».*

Beruniyning ijtimoiy qarashlari hanuzgacha ilm-fan tarixida katta ahamiyatga ega. Sharqshunoslik adabiyotida Beruniyning ilmiy merosini birinchilar qatori tadqiq qilgan olim E.Zaxauning Beruniy ijtimoiy qarashlariga bergan bahosi alohida ahamiyat kasb etadi. E.Zaxau Beruniyning qomusiy olim va buyuk mutafakkir sifatida ulug'laydi.

¹ Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad al-Beruniy. Al-Jamohir Fi-l-ma'rifat al-javohir (Minerologiya). – T.: O'zbekiston, 2017. B.4.

Beruniy asarlarida astronomiya va astronomik kalendar tuzish, mamlakatlarning geografik tuzilishi va sharq xalqlarining umumiy tarixiy masalalariga, ayniqsa matematika fanlariga ko'p o'rin beriladi. Beruniy bu asarlaridan birqanchasini zamondosh olimlarning va do'stlarining iltimosiga ko'ra yozganligini va yozilish sabablarini o'zida ko'rsatadi. Hozirgacha saqlanib qolgan va mundarija jihatidan boy bo'lgan asarlari uning nimalar bilan shug'ullanganligini ko'rsatadi. U diniy va e'tiqodiy asarlar yozmadi. Beruniy asarlarida materialning boyligi va ilmiy terminlarni ishlatishda bo'lgan puxtaligi fan tarixida ayrim ma'nodadir. Beruniy o'z asarlarining deyarli hammasini arab tilida, ba'zisini fors tilida yozganligi yoki keyin o'zi tarjima qilganligi ma'lum. Arab tilida yozilishiga sabab o'sha zamondagi ma'lum sharoitning talabi edi. Bu olim sanskrit, ibroniy va suriya tillarini ham bilar edi. Beruniy asarlarining oz tarqalishiga sabab ularning qiyin uslub va til bilan yozilganligida deb hisoblanadi. O'rta asr sharq olimlari orasida bu kitoblar o'ziga lozim darajani olib kelgan bo'lsa ham, XII asrgacha Beruniy asarlari yevropaliklarga ma'lum emas edi. XII asrdagina Ispaniyada Beruniy asarlaridan astronomiya faniga oid qismlari yahudiy tiliga tarjima etildi va shu munosabat bilan Yevropaga tarqala boshladi.

Beruniy ko'p asarlar yaratgan. U kitob yozishda zo'r mahoratga ega edi. Beruniyning ilgari surgan g'oyalari juda qimmatli bo'lib, asarlari XIX-XX asrlarda bir qancha xalqlarning tiliga tarjima qilingan. Beruniy ilmiy kitoblar oz bo'lgan bir vaqtda ulug' taftishlar bilan buyuk kitoblar yozdi: "Dustur" (dustur-qoida), «Al jamohir fi ma'rifatil javohir» va «qitobus saydala fit tib» kabi kitoblari Beruniyning oxirgi asarlaridan bo'lib hisoblanadi. Sharqda fan tarixida birinchi marta Yer va barcha planetalar quyosh atrofida aylanadi» degan fikrni maydonga tashlagan ulug' olim Beruniy quyidagilarni yozgan edi. «Qadimgi astronomlar Yerning quyosh atrofida harakatlanuchi qonunini rad qilmoqchi bo'ldilar. Men shu mavzuda "Maqolidu ilmil hay" (astronomiya ilmining kaliti) degan maxsus kitobimni yozdim va o'z kashfiyotimni isbot qilish uchun dalillar keltirdim"¹.

Beruniyning bu nazariyasi olimlar va ruhoniylar o'rtasida katta shov-shuvlarga sabab bo'ldi. Bu fikr sharq olimlariga yoqmas edi. Ular din arboblari bilan birgalikda Beruniyning kufur bilan aybladilar. XVI—XVII asrlarda yashagan mashhur olimlardan Kopernik (1473—1543), Galiley (1564—1642) va Kepler (1571 — 1630) lar Beruniyning bu fikrini uzil-kesil isbot qildilar.

Beruniy asarlarining ko'pchiligi astronomiya haqida yozilgan bo'lib, bular - "Zijul Ma'sudiy", "Qonun-ul Ma'sudiy fil hay't va nujum" (hay'at va nujum haqida sulton Ma'sudga bag'ishlangan qonun), "At tafhim li avoili sinoat it tanjim" (Nujum ilmining boshlang'ichlari tushuntirish), "Maqolidu ilmil hay'a" va «Rasadu Abu Rayhon» (Abu Rayhon rasadi) nomlarida

¹ Муслима Неъматова, Буюк аллома//Маърифат, 14.10.1998, 3 б

tarqalgan maxsus va nodir asarlardir. Astronomiya ilmidagi tekshirishlarini mukammallashtirish, osmon hodisalarini yana ham chuqur o'rganish va bilish tilagida G'azna, Balx, Qobul va Jo'zjonda observatoriyalar vujudga keltirdi va har birida birqancha vaqt tadqiqot olib bordi. Bu tekshirishlar natijasidagi xulosalarini "Rasadu Abu Rayhon" kitobida bayon qildi.

"Qonuni Ma'sudiy" ("Al -qonun Al -Ma'sudiy fil hay'a van nujum "Astronomiya fanida Ma'sud ismiga yozilgan qonun") nomli yirik jo'g'rofiy kartografik asar hisoblanib, uni muallif umrining so'nggi yillarida yozgan¹. Tadqiqotchilarning fikricha, asarning qo'lyozma nusxalari 10 taga yaqin. Asar jami 12 maqoladan iborat va har bir maqola bir necha bobga bo'lingan. Beshinchi maqolaning 9- 10- boblari jo'g'rofiya fani uchun juda muhimdir. Bu boblarda dengiz va quruqliklar chegaralanib, yetti iqlim taqsimoti hamda 603 joyning jo'g'rofiy koordinatalari berilgan. Shularga asoslanib, dunyoning geografik xaritasi tuzilsa, Beruniyning yer yuzini qanday tasavur qilgani ayon bo'lar edi, biroq uzunlik belgilari va boshlang'ich meridian ma'lum bo'lmaganligidan bunday xarita tuzish mushkuldir².

Abu Rayhon Beruniy deyarli hayotining ko'pchilik qismini riyoziyot fanlariga oid ijodiy ishlarga sarf qilar ekan, bu sohada ham ko'p asarlar yaratdi. Ko'p ilmiy kashfiyot va ixtirolar qildi. Bundan to'qqiz asr ilgari Yerning harakatlanishini sezgan va shu haqda fikrlar yuritgan olimning albatta ko'p kashfiyotlari bo'lishi tabiiy holdir. Beruniy yorug'liq va tovush harakatini birbiriga solishtirish yo'li bilan ularning tezligini belgilash yo'lini topdi. Ilgarigi o'tgan donishmand olimlar kitobida bo'lmagan Yer shari haqidagi nazariyalarni, astronomiya qonunlaridan birinchi darajali sinusni topish yo'lini va Yer geomorfologiyasi haqidagi fikrlarni tarqatdi Turli qimmatli toshlar va har xil minerallar qattiqligi va solishtirma og'irligini aniqlash bilan ularni o'rganish yo'llarini belgiladi. Ayniqsa yer osti suvlari haqidagi ma'lumotlari juda qiziqarlidir. Hidrostatika sohasidagi kashfiyotlari o'z davrida katta shuhratga sabab bo'ldi. Beruniyning topgan qonunlaridan Sharq astronomlari, jumladan Ulug'bek, G'iyosiddin Jamshid va Birjandiylar foydalanganlari kabi, geograflardan, Abulfido ham ko'p foydalangan va katta tajribalar orttirib, shuhrat va g'alabalarga erishdi. Beruniy asarlaridan Sharqdagina emas, balki g'arbda ham ko'p olimlar foydalandilar³. Beruniy matematika fanlari mutaxassisi bo'lgani holda, meditsinada ham o'tkir fikr egasi edi. Garchi meditsinada maxsus ma'lumoti bo'lmasa ham ilgari o'tgan mashhur donishmand tabiblarning hayoti va asarlari bilan yaqindan tanish edi. Jumladan Isxoq Isroiliy (932), Abu Bakir

1 Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, 5-жилд, Тошкент, Фан, 1976, 10 б.

2 Зокиржон Саидбобоев, Абу Райхон Беруний картографик мероси//Мозийдан садо, 2003, №1, 36-40 б

3 А.Носиров, Беруний – ўрта асрнинг буюк олими (Беруний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами), Тошкент, Фан, 1950, 120 б.

Roziy (925) va Ali ibn Abbos (996) kabi meditsina olimlarining asarlaridan foydalanib, “Kitobus saydala fit tib” asarini yozdi.

Abu Rayhon Beruniy o‘z zamonidagi adabiy tilini yaxshi bilgan olim edi. U matematika va falsafada lozim bo‘lgan tillardan sanskrit, suriya, ibroniy tillarini bilgani singari o‘z ona tilidan tashqari arab ham fors tillarida ham mahorati ziyoda edi. Ilmiy asarlardan foydalanishga iste’dodli edi. Beruniyning yana bir jo‘g‘rofiy - kartografik - “At tafhimi li avoili sinoati tanjim” dan ma’lumki, - “At- tafhim” nomli kitobi 1030-yilda ikki: arab va fors tillarida yozilgan asarlaridan hisoblanadi. Ushbu kitobga dunyo xaritasi ham ilova qilingan va u kitobning barcha nusxalarida mavjud. Beruniy adabiyot kishisi bo‘lmagani holda bu sohada ham o‘zining qobiliyati borligini bildirdi. Bir muncha arabcha she’rlar yozdi. Adabiy asarlari jumlasidan har xil qissalar va arab shoirlarining devonlariga sharhlar yozish bilan, o‘zining «Muxtorul ash’or» (tanlangan she’rlar) to‘plamini yaratdi. Yoqut Hamaviy «Mo’jamul udabo» nomli kitobida Beruniyning bir qancha she’rlaridan namunalar ko‘rsatib, uning adabiy faoliyati haqida ancha ma’lumotlar keltiradi. Arab klassiklaridan mashhur shoir Abu Tammom va Abu Nuvoosning devonlariga yozgan sharhlari Beruniyning bu sohada ham qalami o‘tkir ekanligini isbot etadi. «Al jamohir fi’ ma’rifatil javohir» asaridagi Qadimgi shoirlarning she’rlaridan lug‘at masalalari ustida keltirgan misollari ham uning adabiyot sohasidagi yuksak darajasini ko‘rsatadi¹.

Beruniy o‘z zamonidagi oqimlarning borishini va xalqning tarixiy an’analarini ko‘zdan kechirar ekan, bu sohada ham chetda qolmadi. Uning Sulton Mahmudning Xorazmni bosib olishi, Ma’munning o‘ldirilishi va xalqning boshiga tushgan falokatlarini o‘z ichiga olgan asari ma’lumdir. Tarixshunos Bayhaqiy Beruniy kitoblaridan ko‘p foydalanganligi haqida quyidagilarni yozadi. “Bu tarixni yoza boshlaganimda ko‘rganlarim yoki ishonchli kishilardan eshitgan ma’lumotlarim asosida bo‘lishiga katta e’tibor bergan edim. Shu munosabat bilan uzoq vaqt qidirishim natijasida bundan bir qancha muddat ilgari Abu Rayhon Beruniy xati bilan yozilgan bir kitob qo‘limga tushdi. Misli yo‘q ulug‘ olim tomonidan yozilgan bu kitobda hech bir ortiqcha so‘z yo‘q edi. Bu uzun ma’lumotni o‘sha kitobdan olib yozdim”. Bayhaqiy aytgan bu kitob Beruniyning «Al musomar tau fi axbori Xorazm (“Mashohiri Xorazm”) (Xorazm xabarlarini to‘g‘risida afsonalar) asari edi. Bundan boshqa – “Kitobi tarixi ayyomis sulton Mahmud va axboru abihi” “Tarixu Abi Rayhon”, “Tanqix ut tavorix” (tarixlarni keraksiz so‘zlardan tozalash) degan asarlari bordir. Shu tarixlarning mazmunidan Abu Rayhonning bu sohada ham qanchalik xizmat qilganligini aniqlab bo‘ladi². Sharqning faylasuf va donishmandlariga xos bo‘lgan xususiyatlar jumlasidan biri

¹ O‘sha manbaa 121 6.

² <http://www.ziyouz.com/index.php?option view&id=981&Itemid=228>

tarbiyaviy g'oyaga asoslangan falsafiy va to'la ma'noni ichiga olgan hikmatli she'rlarni; hofiz, Xayyom va Xaqoniylarda ko'rganimiz kabi, Abu Rayhon asarlarida ham aql va tadbir, odob va axloq, yaxshilik va yomonlik odatlari haqida birqancha hikmatli so'zlar borligi "Tatimmaiy suvonul hikma"da Bayhaqiy tomonidan naql qilinadi.

Beruniy so'nggi avlodlarga katta ilmiy meros qoldirdi yuqorida ko'rsatib o'tilgan katta hajmdagi asarlaridan tashqari astronomiya, astrologiya, matematika, geodeziya, geologiya, mineralogiya, geografiya, arifmetika, tibbiyot, farmakologiya, tarix, filologiya masalalariga oid qator risolalar yaratdi va sanskrit tilidan arabchaga, arab tilidan sanskrit tiliga tarjimalar qildi, badiiy ijod bilan ham shug'ullanib she'rlar yozdi. "Astrologiyaga kirish", "Astronomiya kaliti", "Jonni davolovchi quyosh kitobi", "Ikki xil harakatning zarurligi haqida", "Ko'paytirish asoslari", "Ptolemey "Almagesti"ning sanskritchaga tarjimasi", "Foydali savollar va to'g'ri javoblar", "Farg'oniy "Elementlar"iga tuzatishlar", "Turklar tomonidan ehtiyotkorlik", "Oq kiyimlilar" va karmatlar haqida ma'lumotlar", "Al-Muqanna haqidagi ma'lumotlar tarjimasi", "Ibn Sino bilan yozishmalar" shular jumlasidandir ¹. Beruniyning asarlari musulmon Sharqi madaniyatining so'nggi rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatdi. So'nggi asrlarda arab va fors tillarida yozilgan Bayhaqiy, Shaxrizo'riy, Qiftiy, Yoqut Hamaviy asarlarida Beruniy haqida muhim ma'lumotlar keltiriladi. XIII asrda yashagan suriyalik tarixchi va tabib Xristian Ioanni Bar Ebrey (1226–1286) Beruniyga shunday baho beradi: "O'sha o'tgan yillarda yunon va hind falsafasi dengizini kechib o'tgan Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad Beruniy o'tmish ilmlarda shuhrat qozondi. U matematika ilmlarida mutaxassis bo'lib, bu sohada qator muhim kitoblar yaratdi. Hindistonga borib, u yerda bir necha yil yashadi, hind faylasuflaridan ularning san'atini o'rgandi va ularga yunon falsafasini o'rgatdi. Uning asarlari nihoyatda ko'p, yetuk va nihoyatda ishonchlidir. Bir so'z bilan aytganda, o'z davrida, undan so'ng va hozirga qadar hamkasblari orasida astronomiya ilmida bunday bilimdon va bu ilmning asosini hamda nozik tomonlarini chuqur biladigan olim bo'lmagan". Beruniy haqidagi oliy baho va tavsiflar Tabriziy, Suyutiy, Qazviniy, Tusiy, Muhammad ibn Mansur Allomiy, Xurosoniy kabilarning asarlarida keltiriladi ². Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqorida keltirilgan ma'lumotlar O'zbekistonlik buyuk qomusiy olim Abu Rayhon Beruniy ilmiy merosining nihoyatda boyligidan dalolat beradi.

Beruniyning turli fanlar sohasi bo'yicha qo'llagan tajribaviy uslubi naqadar foydali ekanligini "Minerologiya" asarida yaqqol ko'rishimiz mumkin. Beruniyning minerologik merosini o'rganuvchi rus olimlaridan biri

¹ To'rabek Saidqulov. O'rta Osiyo xalqlari tarixining tarixshunosligidan lavhalar– T.: O'qituvchi 1993. 25-bet

² Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad al-Beruniy. Al-Jamohir Fi-l-ma'rifat al-javohir (Minerologiya). – T.: O'zbekiston, 2017. 5-b.

G.G.Lemmleyn uning minerologiyada qo‘llagan uslubi va minerologiya faniga qo‘shgan hissasi to‘g‘risida gapirib: “Mantiqiy tuzilishlarni kuzatish va tajribada aniqlashni talab etuvchi ilmiy uslub hamda hozirgi zamon fanining talablariga javob beruvchi metoddir, 1 – deydi. Beruniyning ilmiy merosi O‘zbekiston va undan tashqarida ham chuqur o‘rganilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad al-Beruniy. Al-Jamohir Fi-l-ma‘rifat al-javohir (Minerologiya). – T.: O‘zbekiston,2017.
2. А.Носиров, Беруний – ўрта асрнинг буюк олими (Беруний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами), Тошкент, Фан, 1950, 120 б.
- 3.Зокиржон Саидбобоев, Абу Райхон Беруний картографик мероси//Мозийдан садо, 2003, №1, 36-40 б
- Муслима Неъматова, Буюк аллома//Маърифат, 14.10.1998, 3 б
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси А ҳарфи / Т.: ЎзМЭ Двалат илмий нашриёти, 2000.
5. Беруний. А. Р. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, ФАН ,1968.
6. Hasanov.H. Sayyoh olimlar. – T.: O‘zbekiston 1981.
7. To‘rabek Saidqulov. O‘rta Osiyo xalqlari tarixining tarixshunosligidan lavhalar– T.: O‘qituvchi 1993.
8. Aziz Qayumov. Abu Rayhon Beruniy. Abu Ali ibn Sino. –T.: Yosh gvardiya 1987.
9. Шарипов.А.Ж. Беруний фалсафий қарашлари ва Аристотелнинг натурфилософияси. Беруний туғилган кунининг1000 йиллигига бағишланган тўплам. –Тошкент, ФАН, 1973.
10. <http://www.ziyouz.com/index.php?option view&id=981& Itemid=228>

QO‘QON XONI ABDURAHIMBIY VAFOTIGA DOIR VOQEALAR YORITILGAN ASARLAR GERMENEVTIKASI (Mahalliy tarixchilarning qo‘lyozma asarlari kesimida)

*Jumaniyoz SANGIROV
TDSHU, 1-kurs magistranti*

O‘zbek davlatchilik tarixida, 1710-1876-yillarda, mavjud bo‘lgan Qo‘qon xonligi tarixi bo‘yicha bugungi kungacha yurtimizda va xorijda anchagina tadqiqot ishlari amalga oshirilgan. E‘tiborlisi, bu ishlarda bir-birini inkor etuvchi ma‘lumotlar talaygina. Xonlik tarixiga doir asarlarda va tadqiqotlarda

¹ Шарипов.А.Ж. Беруний фалсафий қарашлари ва Аристотелнинг натурфилософияси. Беруний туғилган кунининг1000 йиллигига бағишланган тўплам. – Тошкент, ФАН, 1973.72- б

uchraydigan bunday qarama-qarshiliklar va chalkashliklarga asosiy sabab, birinchi darajali manbalar bo'lmish, qo'lyozmalarda, farqlarning mavjudligidir. Ma'lumki, Xiva va Buxoro xonliklari tarixnavislikidan farqli tarzda, Qo'qonda tarixnavislik ananaviy va ketma-ketlikda emas, balki, buning aksi holida shakillanadi. Bu sodir bo'lgan voqealarning bir necha xil tariflarining paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Chunonchi, bu holni Abdurahimbiyning hukumronligining ohirgi yillarida sodir bo'lgan voqealar misolida ko'ramiz.

Voqealar sharxiga doir asarlardagi ma'lumotlarni uch guruhga ajratishimiz mumkin. Birinchi guruh asarlarda yozilishicha, Abdurahimbiy Samarqanddan Qo'qonga qaytishda kasallik tufayli Xo'jandda vafot etadi. Bunga uning Shohizindaga otda chiqishi sabab bo'ladi. Bu ma'lumotni Muhammad Hakimxonning "Muntaxab at-tavorix", Mirzo Olim Mushrifning "Ansob us-salotin va tavorix ul-xavoqin", Muhammad Umar Umidiyning "Tarixchai Turoniy" asarlarida kuzatamiz. Ikkinchi guruh asarlarida yozilishicha, Abdurahimbiy Samarqanddan Qo'qonga qaytishda Shohizindaga otda chiqishi sabab bo'lib, kasallikka chalinadi. Bundan foydalangan ukasi Abdulkarimbiy Xo'jandga yetganida uni o'ldirtiradi. Bu ma'lumotni Mirzo Olim Mushrifning "Ansob us-salotin va tavorix ul-xavoqin", Muhammad Umar Umidiyning "Tarixchai Turoniy" asarlarida kuzatamiz. Uchunchi guruh asarlarida yozilishicha, Samarqanddan chiqqan Abdurahimbiy Qo'qonga yetib boradi. Lekin, Buxoro xonining Samarqandni qayta egallaganini eshitgach, Qo'qonga yurish qilsa yo'lini to'sish maqsadida, qarshi yo'lga tushadi va Xo'jandga kelganida kasallik tufayli vafot etadi. Bu ma'lumotni Muhammad Niyoz Xo'qandiyning "Ibrat ul-xavoqin", Muhammad Fozilbekning "Mukammali tarixi Farg'ona" va Mahdum Hojining "Tarixi Turkiston" asarida kuzatamiz. To'rtinchi guruh asarida yozilishicha, Abdurahimbiy Samarqandni egallab Qo'qonga qaytadi va keyingi yil boshida Bahodirxon boshqaruvidagi Toshkent va Turkistonni egallash uchun yo'lga tushadi. Lekin, Xo'jandga kelganida vafot etadi. Bu ma'lumotni Xudoyorxon zodaning "Anjum at-tavorix" asarida ko'ramiz.

E'tiborlisi, birinchi darajali manbalardagi bunday farqlar, Qo'qon xonligi tarixiga doir qilingan tadqiqotlarga ham o'z ta'sirini o'tkazmay qo'ymagan. Chunonchi, V. Nalivkin¹, V.M.Ploskix², Y.Qosimov, Sh. Vohidov³, B.M.Babajonov⁴, Scott C.Levi⁵ kabi tarxchilarning asarlarida bu holni kuzatamiz. Lekin, ushbu asarlarda masalga batafsil to'xtalib o'tilmagan.

¹ Наливкин В. Краткая история Кокандскаво ханства. Казань. 1886. С - 57.

² Плоских В.М. Киргизы и кокандское ханство. Фрунзе. "Илим", 1977. С - 71

³ Vohidov Sh. Qo'qon xonligida tarixnavislik (genezisi, funksiyalari, namoyondalari, asarlari). T.: "Akademnashr", 2010 y. 12 -13 b.

⁴ Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Ташкент. 2010 г. С - 106-107.

⁵ Scott C.Levi .Khoqand the rise and fall of. University of Pittsburgh Press. 2017 years. Pp 31.

Masalaga oydinlik kiritish uchun barcha asarlardagi voqeaga doir ma'lumotlarni atroflicha ko'rib chiqish lozim. Chunonchi, Tarixchi Muhammad Hakimxon To'ra tarixiy-biografik va memuar "Muntaxab at-tavorix" asarida Rahimxonning vafoti voqeasini quyidagicha tariflaydi: "Rahimxon katta obro' bilan Samarqand sari ravona bo'ldi. Bu shaharga kirib kelgach, tabiyatida og'ir bir xastalik paydo bo'ldi. Ayrimlar aytishicha, u xazrat Qusam ibn Abbas – Alloh undan rozi bo'lsin - zinalardan otda chiqib borib, shu beadabligi tufayli bunday kasalga muhtalo bo'lgan. Xullas taniga shu kasallik yopishgach, xon o'zining noibi sifatida Annaquli dodxoh va mulla Bechorani Samarqandda qoldirib, o'zi Xo'qand sari qaytdi. Xo'jandga kelib tushgach, kasali battar og'irlashdi va zamona tabiblari qanchalik davosiga iloj qilmasinlar, hech bir foyda qilmadi. Shu zayl bu dunyo saroyidan borliq kuch-ko'lonini yig'ishtirib, ohirat sari yuz tutdi. Murdasini Xo'qandga elitib, shu shaharga dafn qildilar. Hukumati davri o'n ikki yil va umri muddati o'ttiz uch yil bo'ldi".¹

E'tiborni qaratadigan jihat, Abdurahimbiy vafoti voqeasini yozishda muallif qaysi manbalardan foydalanganligidir. Ma'lumki, asar 1259/1843 yilda Shahrisabzda yaratiladi. Ushbu voqea esa 1733 yilda sodir bo'lmoqda. Oraliqda 110 yil farq bor. Shu sababli muallif og'zaki tarixdan voqeani yoritishda foydalanadi. E'tiborlisi, muallif og'zaki tarix sifatida shu voqea guvohidan eshitgan ma'lumotlarni emas, balki xalq tilida afsonaga aylangan ma'lumotni keltiradi. Bu asardagi voqealar tavsifini obyektivlikdan uzoqlashtiradi.

Mirzo Olim Mushrif "Ansab ul salotin va tavorix ul xavoqin" asarida Abdurahimbiyning o'limi haqida quyidagi ma'lumotni keltiradi: "Samarqand dohil bo'lib, necha kun anda turdi. Savdoyi kasalig'a muhtalo bo'ldi. Ohir junung'a oid bo'ldi. Bir nechalarni so'zi shulkim, Rahimxon g'urur birlan hazrat mozori Shoxizindaning zinapoyalarig'a ot uzasig'a savora chiqti. Bul beadablikdin bul kasalga muhtalo bo'ldi. Kundan-kung'a goh xud, goh behud kasali ziyoda bo'ldi. Samarqandg'a Mullo Bechorani hokim qildi. Dizzaxga Ollohqulibek dodhohni hokim qilib, murojat qildi. Xo'jandga dohil bo'ldi. Kasali haddin oshti. Tabiblar muolajasi foyda bermadi. Ukasi Abdukarimbek fursati g'animat topib, bir kechada shahid qildi. O'rnig'a o'zi xon bo'ldi. Rahimxon shahid jasadini Xo'qand olib kelib, bobolarini qabristonig'a danf etdilar. Andin bir o'g'il va uch qiz qoldi. Muddati o'n ikki yil podsholik qildi. O'ttuz uch yoshda maqtul bo'ldi...".²

¹ Muhammad Hakimxon To'ra . Muntahab at – tavorix. (Xo'qand va Buxoro tarixi, sayohat vaxotiralar) Fors –tojik tilidan tarjimon Shodmon Vohidov. T.: "Yangi asr avlodi", 2010. 231 b.

² Mirzo Olim Mushrif .Ansab us-salotin va tavorix ul-havoqin. Nashirga tayyorlovchilar: filologiya fanlari doktori, professori Akbar Matg'oziyev, Muhabbat Usmonova"G'. G'ulom nomidagi adabiyot va sa'nat nashriyoti", T.: 1995 y.15 b.

Mirzo Olim Mushrifning bergan ushbu ma'lumotlaridan anglash mumkinki, Abdurahimbiyning o'limi bu tasodif emas balki, ukasi Abdulkarimbiy tomonidan uyushtirilgan qotillik bo'lgan. Asar 1900-1901 yillarda yozilganligini inobatga olsak, muallif Abdurahimbiy davrini yoritishda faqat "Muntaxab at-tavorix" va "Ibrat ul-xavoqin" asarlaridan foydalalanadi. Qolaversa, asardagi ma'lumotlar ham ulardan foydalanganligini isbotlaydi. E'tiborlisi, bu ikki asarda ham Abdulkarimbiy o'z akasining qotili sifatida ko'rsatilmaydi. Demak, muallif o'z fikri asosida, Abdurahimbiy o'limidan eng ko'p manfaatdor Abdulkarimbiyning bunga aybdor sifatida ko'rsatishga urungan. Lekin, Abdurahimbiyning o'limidan keyin Abdulkarimbiyning hukumronligi davridagi voqealar buning aksini ko'rsatadi. Ya'ni, Abdulkarimbiy taxt uchun hech kimni o'ldirmaydi. Erdonabiy uning davrida Qo'qonda hayot kechiradi. Unga hech qanday tazyiq o'tkazilmaydi. Hatto uning vafotidan so'ng taxtni ham egallaydi. Qolaversa, Abdulkarimbiy akasi o'rniga taxtga o'tirgach, uning rafiqasi Oyuchuk Oyimga uylanadi. Lekin ular o'rtasida yaqin aloqa bo'lmay, ulardan farzand qolmaydi.

Xuddi shu ma'lumotga yaqin tarifni Muhammad Umar Umidiyning "Tarixchai Turoniy" asarida ham uchratamiz. Asarda Abdurahimbiy vafoti masalasini shunday yozadi: "Rahimxonni sohibqiron obro'yi tamom birla Shahrisabzdin murojihat yetub ozimi doru-s-saltanat Xo'qand bo'ldi. Mardum xoni volojohga sohibqironlig' laqabini berdilar. Yo'lda kelur erdi tabiatiga kasal oriz bo'lib, Samarqandda to'xtamay, Annaquli dodxohni hokimi Samarqand aylab, jo'nab Xo'jand keldi. Kasali jununga oid bo'lib, bir necha vaqt Xo'jand arkida iqomat aylab yetgonda ba'zi namak haromilar xonni shahid etib, toji saririga birodari Abdulkarimxon mutamakkin bo'lib, og'osi murdasini Xo'qanga kelturib izzati tamom ila dafn etdi. Rahimxonni sohib qironni muddati 10 yil bo'lib, 33 yoshida giriftori saydi ajal bo'ldi".¹

1835-1905-yillarda yashab ijod qilgan muallif asarni yozishda "Muntaxab at-tavorix", "Tarixi Shohruxiy"² dan foydalanadi. Shu sababli voqealarda deyarli farq mavjud emas. Lekin takidlash lozimki, Abdurahimbiy o'ldirilganligini takidlasada, unga Abdulkarimbiy sababchi emasligini ko'rsatishga urunadi.

Niyoz Muhammad Ho'qandiy "Ibratul havoqin" asarida Abdurahimbiyning vafoti masalasini quyidagicha yoritadi: "Mehmonlar qaytishidan bir kun o'tib, Rahimxon ham Samarqandni bir kamsuqum ishongan va yaqin kishisiga berib o'zi qaytish jilovini Xo'qand dorul saltanati tomon burdi. Bir necha kun o'tib dorul-amoratga fatx va nusrat bilan kirib kelib davlati qarorgohida qo'nim topdi. Rahimxon o'z qarorgohi bo'lmish saroyga kelib tushganidan ancha vaqt o'tib, Buxoro amiri o'z ishlari saromjomini topib kelib

¹ Muhammad Umar Umidiy .Tarixchai Turoniy. Tabdil muallifi – Sh. Vohidov. T.: 2012 y. 19 b.

² Muhammad Umar Umidiy .Tarixchai Turoniy. Tabdil muallifi – Sh. Vohidov. T.: 2012 y. 18 b.

Samarqandni qayta o'z tasarufiga kirgizdi. Xon bu xabarni eshitib, mulk boshqaruvi obro'si va oriyatini o'ylab Xo'jandga keldi. Mabodo amir Samarqanddan bu tarafga azim qilgudek bo'lsa, xon shu yerdan turib unga qarshi chiqmoqchi bo'ldi. Valekin Buxoro amiri bu tomonga azim qilmadi va Samarqandda istiqomat qildi. Rahimxon ham Xo'jandni istiqomat uchun tanlab, shu yerda qaror topdi. Bir necha muddat o'tgach u "yer yuzida barcha jonli narsa o'ladi" degan oyati karimani eshitib, unga amal qilgan holda olamni vido aylab tark etdi. Uning xayru saxovat bilan to'la vujudini Xo'jandga dafn etdilar."¹

Tahminan 1804-1805 yilda dunyoga kelagan Niyoz Muhammad ushbu asarini 1871-1872 yillarda Xudoyorxon buyrug'i bilan yozadi. Muallif voqealar sababiga boshqa tarixchilarga qaraganda chuqurroq yondashadi. Ya'ni uning ma'lumotlari tarix fanidagi determenizm tamiyiliga to'g'ri keladi. Qolaversa, Abdurahimbiyning Xo'jandga kelish sababi sifatida ko'rsatilgan Buxoro xoni tomonidan Samarqandning egallanishini Buxoro tarixiga bag'ishlangan Abdurahmon Tolening "Abulfayzxon tarixi" asaridagi ma'lumotlar ham tasdiqlaydi.² Lekin, muallif Abdurahimbiyning o'ldirilishi masalasiga to'xtalmaydi. Asarni yozishda Niyoz Muhammad moddiy manfaat kutganligini inobatga olsak, masala oydinlashadi. Boshqa asarlar bilan tanish bo'lsada, o'z asari uchun "Ibrat ul-havoqin"ni asos qilib olgan Muhammad Fozilbek "Mukammali tarixi Farg'ona"³ asari va Mahdum Hojining "Tarixi Turkiston"⁴ asarida ham huddi shu ma'lumotlar keltiriladi.

Xudoyorxonzoda "Anjum at-tavorix" asarida yozishicha Abdurahimbiy Samarqandni egallab Shahrizabz hokimining qiziga uylangach, Qo'qonga qaytadi va keyingi yil boshida Toshkentga yurish qilmoqchi bo'ladi: "1146/1733 yili quyosh javzo burjida bo'lganida Abdurahimxon Toshkent va Turkistonni bosib olish uchun katta qo'shin bilan xarakatga tushadi. Ul zamon Toshkand va uning tobiotida Bahodirxon hukumron yedi. Xon Xo'jandga yetib kelganida mijozi o'zgarib ketib, tobi qochti. Badan xarorati ko'tarildi. Shul asir tabiblari qancha urunmasin davo topa olmadilar, urunishlaridan foyda bo'lmadi. Davlat ustunlari va xonning aka-ukalari darveshlar va uzlatda o'tirgan kishilarga nazru niyoz, sadaqalar ulashib, ulardan davo tiladilar –

¹ Niyoz Muhammad Xo'qandiy. Ibratul Xavoqin (Tarixi Shohruxiy).Tojik tilidan tarjimon, o'zbek tilidan tabdil, kirish va izohlar muallifi t.f.d. professor Vohidov Sh. T.: "Turon zamin ziyo", 2014 y. 52 b./ Muhammad Niyoz Xo'qandiy - "Tarixi shohruxiy", O'z. F.A. Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sh. I. N– 608

² Абдурахмани Толе. Абулфайзхон тарихи. Т.: "Ўзбекистон СССР фанлар Академияси нашриёти", 1959. 68 -69 б

³ Muhammad Fozilbek ibni Qoziy Muhammad Otabek "Mukammali tarixi Farg'ona" O'z. FA. Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sh.I., qo'lyozmalar fondi, qo'lyozma N – 597.,25,26,27, betlar

⁴ Mirzo Olim Mahmud Xoji. Tarixi Turkiston. T.: "Yangi asr avlodi", 2009 . 51 b.

natija bermadi. O'lim sharbatini fazo tabibi qo'lidan ichib, bu bevafo jahondan ko'z yumdi. "albatta biz Allohning [bandalarimiz], va albatta biz ul zotga qaytuvchilarmiz". Shariat odobi bo'yicha kafanlab Xo'jand mamlakatida barchaning ishtirokida katta shavkat va xurmat bilan ko'mdilar. Zamona fozillari uning vafotiga marsiyalar va tarixlar bitgan. Umri o'ttiz olti yoshda, saltanati 12 yil. Uning mozori hozir islom ahlining ziyoratgohiga aylangan".¹

Bugungi kunda muallifi Xudoyorxonning farzandi deb qarab kelinayotgan "Anjum at-tavorix"dagi ma'lumotlar masalaga ancha oydinlik kiritadi. Ya'ni, Abdurahimbiyning Qo'qondan 1733 yilda yurishga chiqishi faqat Abulfayzxonning Samarqandni olti oydan so'ng qayta egallashigina emas, balki, bu vaqtda mustaqil boshqarilayotgan Toshkent va Turkistonni ham egallash bo'ladi. Asardagi ma'lumotlardan ham anglash mumkinki, Buxoroga qarshi qilingan yurishlardan so'ng Abdurahimbiyda Toshkent va Turkistonga yurish qilish ehtiyoji albatta tug'ilishi tabiiy edi. Chunonchi, bu vaqtda Toshkentga olib boruvchi asosiy yo'l Xo'jand va O'rtaepaga Abdurahimbiy ishonchli kishisi sifatida Sodiqbyning o'g'li Fozilbiyini hokim qilib tayinlagan edi.²

Xulosa sifatida aytadigan bo'lsak, Abdurahimbiy Samarqandni egallagach Qo'qonga qaytadi va bizningcha Toshkent va Turkistonni egallash uchun tayyorgarlik ko'ra boshlaydi. lekin, Buxoro xonining Samarqanga yurishi uni Xo'jandda ushlanib qolishiga sabab bo'ladi va ukasi tomonidan uyushtirilgan suyuqasd tufayli emas, balki, kasallik tufayli vafot etadi.

ABU RAYHON BERUNIY ASARLARIDA IJTIMOIY QARASHLAR

Olimjon XO'JANAZAROV
TDSHU I bosqich magistranti

Abu Rayhon Beruniy hijriy 362 (mil. 973) yilning 2-zulhijja oyida Xorazmning ilk markazi Kat (Qiyot) shahri atrofida dunyoga keldi. Alloma dastlabki ta'limni o'zi tug'ilgan joyda oldi. Amma o'sha vaqtda Xorazmda yuz bergan siyosiy tanglik sababli o'z vatanini tark etdi va taxminan, 998 yildan to 1004 yillar mobaynida Kaspiy dengizining janubiy-sharqiy chekkasidagi Jo'rjon (Gurgon)da yashadi³. Sharq tarixchilari orasida Abu Rayhon Beruniy turli mazmunda ya'ni, falsafiy, geografik, etnografik va tarix sohalariga oid 150 dan ortiq asarlar yozib qoldirgan bo'lib, ulardan 15 tasi bevosita tarix ilmiga bag'ishlangan.

¹ Xudoyorxonzoada. Anjum at-tavorix (Tarix yulduzlari). T.: "Fan va texnologiya", 2014. Fors-tojik tilidan tarjimon Shodmon Vohidov. 102-103-betlar.

² Xudoyorxonzoada. Anjum at-tavorix (Tarix yulduzlari). T.: "Fan va texnologiya", 2014. Fors-tojik tilidan tarjimon Shodmon Vohidov. 96 b.

³ Шарипов А. Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари. – Т.: Фан, 1972.

Abu Rayhon Beruniy o'z davrida tajribaviy bilimlarni puxta egallagan olimlardan bo'lib, bu uning tabiiy-ilmiy va falsafiy qarashlarining muayyan tomonlarini aniqlovchi muhim omillardan hisoblangan. Xususan, buyuk alloma borliq dunyo yaratilganmi yoki yo'qmi, degan savollarga dunyo yaratilgan, deb javob beradi. Uning qarashlarida namoyon bo'lgan ikki qarama-qarshi g'oyalar, ya'ni bir tomondan, dunyoning yaratilganligini inkor eta olmaslik, ikkinchi tomondan esa, tabiatni mustaqil deb bilish, Beruniyning tabiatshunos sifatida dunyoni va tabiatni tushunishda ma'lum darajada deistik (xudo dunyoni yaratib qo'yib, boshqa uning ishlariga aralashmaydi) yo'nalishga moyilligini ko'rsatadi. Xudo dunyoni butunligicha yaratadi va unga azaldan ma'lum qonunlarni beradi. Ana shu qonunlar tufayli tabiiy kuch, ya'ni tabiat harakat qiladi. Lekin keyinchalik Beruniy hatto deizm qobig'ining torligini sezadi va moddiy dunyoning abadiy mavjudligini tan olishni zarurligini his etadi. Bu fikrning isbotini olim Islom dinining muqaddas kitobi Qur'ondan ham topadi. O'sha davrdagi tabiatshunoslik fanida erishilgan yutuqlar uni Arastuning tabiat falsafasiga tanqidiy yondoshishga, shuningdek, uning zaif tomonlarini farqiga borishga olib kelgan. Jumladan, bu uning Ibn Sino bilan yozishmasida o'z ifodasini topgan. Ularning bu yozishmalari asosan Arastuning "Fazo haqida" va "Fizika" asarlari bo'yicha olib borilgan. Bu yozishmada Ibn Sino Arastuning tabiat falsafasini himoya qilgan. Beruniy esa Ibn Sinoga e'tiroz bildirgan. Ularning bahsi asosan Arastu tabiat falsafasining muhim masalalaridan biri – jismlarning cheksiz bo'linishi bo'yicha bo'lgan. Bu borada Beruniyning Ibn Sinoga qarshi chiqqanligini ko'rgan ayrim mualliflar uni Demokrit atomizmining tarafdori degan xulosaga kelganlar. Lekin Beruniy bu masalaga birmuncha jiddiyroq qaragan. U bo'linish muommosini hal etishda shunday yo'lni topishga harakat qiladiki, ikki ta'limot – atomistik va cheksiz bo'linishning o'ziga xos qarama-qarshiliklarini va cheklanishlarini bartaraf etishga intiladi. Alloma atomistik nazariyasining Demokrit atomistik nazariyasidan farqi shundaki, Abu Rayhon bo'shliqni inkor etsa, Demokrit bo'shliq - dunyoning zaruriy ajralmas qismi, deb hisoblaydi.

Beruniy barcha unsurlar, shuningdek, og'irroq unsurlarning boshqa unsurlardan oldin markazga intilishi to'g'risida gapirib, "Hamma unsurlar markazga qarab intiladi, lekin vazminroqlari boshqa unsurlardan o'zib ketadi", deb ta'kidlaydi¹. Jumladan, Beruniy o'zining "Hindiston" asarida unsurlarning Yerga oddiy intilishi to'g'risida emas, balki barcha og'irliklarning Yer markaziga tortilishi haqida fikr yuritadi. Beruniyning Ibn Sinoga bildirgan e'tirozlarida muhitning og'irligini e'tirof etishi bu fazo jismlari bilan Yer o'rtasidagi tortilish kuchlari borligini tan oladigan fikrga yaqinlashganligini ko'rsatadi. Beruniyning boshqa dunyolar mavjudligi to'g'risidagi tahmini uning

¹Шарипов А. Малоизвестные страницы переписки между Беруни и Ибн Синой // Общественные науки в Узбекистане, -№ 5. 1965, – С.39.

falsafiy yutuqlaridan biri hisoblanadi. Beruniy boshqa dunyo haqida fikr yuritar ekan, boshqa moddiy dunyo ehtimol bizning dunyoga o'xshash tabiiy xususiyatga ega bo'lib, "harakat yo'nalishlari esa, bizning dunyomizdagi harakat yo'nalishlaridan farq qiladi", deydi¹. Vaholanki allomaning aytishicha, "Kuzatishning ko'pligi ko'rilgan narsalarni eslab qolish qobiliyatini yaratadi". Shuningdek, Beruniy o'zining o'gitida shunday deydi: "Bilim shundayki, u yalang'och bo'lsang ham o'zingda qoladi, uni hammomga kirganingdagi xo'llik ham yo'qota olmaydi". Bundan tashqari Beruniy inson xotirasini "Allohning tuhfasini", deb hisoblaydi. U "tirishqoqlik va ko'p shug'ullanish bilan ham xotirani mustahkamlash mumkin", - deydi². Beruniy tarixiy hodisa va voqealar haqiqatini bilishga taalluqli hamma masalalarni har taraflama o'rganish zarurligini ko'rsatadi va bu bilan noto'g'ri yo'lga tushib qolishdan ehtiyot bo'lishga chaqiradi. Alloma shunday yozadi: "Xabar ko'z bilan ko'rgandek bo'lmaydi, degan kishining so'zi juda to'g'ridir. Chunki ko'rish ko'ringan narsaning o'zi bor paytida va o'z joyida turganida qarovchi ko'zining uni uchratishdan iboratdir. Xabarga yolg'on-yashiqlar qo'shilmaganda, u ko'rishga nisbatan ortiqroq o'rinda turgan bo'lar edi. Chunki ko'rish va qarash shu payt, shu on bilan cheklanadi. Xabar esa narsaning ko'ringan payti va vaqtdan ilgari o'tgan va keyin keladigan hollaridan darak beradi; ana shuning uchun xabar mavjud narsalardan ham, kelajak narsalardan ham darak beraradi. Yozish xabar turlarining biri bo'lib, uni boshqa turlardan ko'ra afzalroq hisoblash mumkin; qalamning mangu yodgorliklari bo'lmaganda, xalqlarning tarixini qanday bilar edik!

Beruniy yolg'on xabarlarining muayyan va umumiy ildizlarini yaxshi ochib bergan. Vaholanki, u bularni ma'lum guruh kishilarining manfaatlarini qarama-qarshiligida ko'radi. Allomaning fikricha, chinakam jasorat, qahramonlik so'zdami yo amaldami, har ikki holatda ham yolg'onga qarshi kurashda o'limni ham pisand qilmaslikda namoyon bo'ladi. "Yolg'onchilikdan chetlanib, rostgo'ylikka yopishgan kishini boshqa odam u yoqda tursin, yolg'onchining o'zi ham sevib maqtaydi. Axir, o'z zararingizga bo'lsa ham, rost gapiring deyilganku", - deb yozadi alloma.

Abu Rayhon Beruniy tomonidan "Sabablarning sababi" – inson va insoniyat jamiyatining yuzaga kelishi masalasining qo'yilishi diqqatga sazovor. "Qadimgi tarixlarning eng avvalgisi va eng mashhuri bashariyatning boshlanishidir"³ Beruniy kishilik jamiyatining paydo bo'lishi haqida aqlga asoslanish nuqtai nazarida turganini ko'rish mumkin. Beruniy olamning mavjudligi masalasida shunday taxminga borgan: "ehtimol u bir necha ming million yillardan beri mavjud bo'lgandir", hamda shu nuqati nazardan inson

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, – Т.: Фан, 1968. – Б.50.

hayvondan bevosita aqli bilan farq qiladi deb fikr bildirgan.¹ Lekin mutafakkir insonning hayvondan tubdan farq qiladigan bu xususiyati qanday paydo bo'lganligini tushuntirganda, xudoga murojaat qilib, insonni xudo azaldan shunday yaratgan deydi. U insonning jismoniy tuzilishi va butun hayotini aniqlashda jo'g'rofiy omilning roli haqida ajoyib fikrlarni aytadi: "... (odamlar) tuzilishining rang, surat, tabiat va axloqda turlicha bo'lishi faqatgina nasablarning turlichaligidan emas, balki tuproq, suv, havo va yer (odam yashaydigan joy)larning turlichaligidan hamdir"².

Beruniy fikricha, aql, mehnat, erkin tanlash insonning hayotini va ijtimoiy holatini belgilaydi. U inson boshqa odamlarning baxt-saodati haqida doim o'ylashi kerak deydi va shunday yozadi: "Muayyan vazifalarni bajarish zaruriyati inson faoliyatining bir umirga yashash qoidasidir"³. Bu fikrni davom ettirib, insonning qadr-qimmatini o'z vazifasini a'lo darajada bajarishidan, shuning uchun ham insonning eng asosiy vazifasi va o'rni mehnat bilan belgilanishidan iborat ekanligini ta'kidlaydi. Zero, inson o'z xohishiga mehnat tufayli erishadi. Binobarin, olim "insonlarning maqsad va niyatlari har xil bo'lgach, san'at va hunar ham turlicha bo'la boshlaydi" deydi⁴. Bu esa mehnatning taqsimlanishiga olib keladi, degan fikrni olg'a suradi. Beruniy pulning kelib chiqishini dastavval mehnat taqsimoti bilan bog'liq, deb bildi. Uning fikricha, insonlar o'rtasida oltin va kumush sifatida pulning muomalada bo'lishi maxsus qimmatga ega emas, chunki ular insonning hech qanday ehtiyojini qondira olmaydi. Faqat ayirboshlash tufayli pullar qimmatga ega bo'ladi.⁵ Jamiyatda pul faqat o'lchov sifatida, umumiy ekvivalentning asosiy vazifasi hisoblanadi. Beruniy fikricha, pul tufayli faqat turli tovarlar ayirbosh qilinmay, balki begona kuch ham yollanadi. "Biri ikkinchisini yollaydi, ya'ni bir kishi ikkinchisiga adolatli shartnoma tufayli doimo ishlashi kerak, buning evaziga u mukofotlanadi". Yollanma mehnatni tushunishda Beruniy yanada ilgari ketib, unda faqat odil shartnomani ko'ribgina qolmaydi, balki har qanday majburiy mehnatga qarshi chiqib, quyidagilarni yozadi: "Zo'rlik va yollash orqali amalga oshadigan majburiy mehnat doim to'g'ri emas". Beruniy podshohlar "erkin bo'ysunishni" qo'rquv va zo'ravonlik yo'li bilan majburiy bo'ysundirishga aylantirganliklarini qayd etadi. Podshohlik mansabi merosga aylanganini ko'rgan Beruniy insonning jamiyatda tutgan o'rni naslning qadimiyligi, avlod-ajdodlarning xizmatlari bilan belgilanishiga qarshi chiqadi va kimki o'zining marhum qarindosh-urug'i va buvalari orqali mansabga erishaman desa, o'zi marhumdir, lekin marhum avlodlari barhayotdir, deydi.

¹ Ўша жойда. Қайси асар

² Ўша жойда. – Б.236.

³ Ал-Беруни. Геодезия. – Б.83.нашриёти, йили

⁴ Ал-Беруни. Геодезия. – Б.83.

⁵ Қаранг: Ал-Беруний. Минералогия. – Б.12.

Beruniy jamiyatni boshqarish masalasiga to'xtab “idora qilish va boshqarishning mohiyati aziyat chekkanlarning huquqlarini himoya qilish, birovlarining tinchligi yo'lida o'z tinchligini yo'qotishdan iboratdir” deydi.¹Beruniyning fikricha, tabiatan boshqarishga moyil bo'lgan hokim o'z fikri va qarorlarida qat'iy bo'lishi, o'z ishlarini amalga oshirishda faylasuf-larning qonunlariga, Iskandar Zulqarnayn Arastuning falsafiy donishmand-ligiga amal qilganidek, bo'ysunishi; shohning o'zi ham “yaratuvchanlik ongiga” ega bo'lishi, ko'proq dehqonlar haqida qayg'urishi kerak. “Zero, podshohlik dehqonchiliksiz yashay olmaydi”.²Beruniy mamlakat ravnaqini fan ravnaqida ko'rdi. Ilm-fan sahovatli xizmatni o'tashi mumkin, deb hisobladi. Jumladan alloma shunday yozadi: “Mening butun fikr-yodim, qalbim-bilimlar-ni targ'ib qilishga qaratilgan, chunki men bilim orttirish lazzatidan bahramand bo'ldim. Buni men o'zim uchun katta baxt, deb hisoblayman”.³Beruniy fikricha, insonning oliy baxti bilishda, chunki u aqlga ega. Baxt shu nuqtai nazardan kelib chiqib tushunilsagina jamiyatga tinchlik va farovonlik keltiradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Abu Rayhon Beruniyning jamiyat va inson haqidagi qarashlari asosida chuqur insonparvarlik g'oyalari yotganligini alohida aytib o'tish lozim. Qomusiy olim o'z asarlarida ijtimoiy qarashlar to'g'risida gapirganda o'sha davr muhiti vaimkoniyatidan kelib chiqib, ya'ni xristian, islom va budda dini ta'limotlarini bir biri bilan taqqoslagan holda, ularning o'zaro o'xshash tomonlarini qayd qiladi. Grek, hind, arab hamda O'rta osiyolik mutafakkirlar, olimlarning tabiiy, ilmiy va falsafiy qarashlari to'g'risida gap ketganda ham Beruniy xuddi shu yo'sunda ish tutadi. Beruniy olimlar qarashidagi o'zaro bog'liqlik, o'zaro ta'sir, va umumiyliklarni ko'rsatib, shu bilan birga muhim farqlarni ham alohida ta'kidlab o'tadi. Abu Rayhon Beruniy qo'l urgan turli sohalaridagi yutuqlar hozirgi kungacha tarixiy ahamiyati bilan birgalikda ilmiy qiymatini ham yo'qotmagan. Vaholanki, alloma qoldirgan buyuk meros ustida ishlab bir nechta ilmiy asarlar yaratish mumkin. Mazkur boy ilmiy meros bilan tanishib, ular ustida ilmiy tadqiqot ishlarini olib borish hamda bu orqali Abu Rayhon Beruniy dahosini dunyoga yanada keng tanitish biz kabi yosh tadqiqotchilar uchun sharaflil vazifa hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

- 1) Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, –Т.: Фан, 1968.
- 2) Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т. 2, 1963
- 3) Шарипов А. Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари. –Т.: Фан, 1972.
- 4) Беруний, Геодезия, Тошкент, 1966

¹ Ўша жойда.

² Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, –Т.: Фан, 1968. –Б.74.

³ Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т. 2, 1963, –С. 23.

- 5) Беруни. Минералогия, Л.,1963.
- 6) Беруний ва ижтимоий фанлар. Т., “Фан”, 1973.
- 7) Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам. – Т.: “Фан”. 1973й.
- 8) “Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари”. Т.: “Ўзфанакадемнашр”. 1950й.
- 9) Булгаков П.Г. Абу Райҳон Беруний. – Т.: 1973й
- 10) Шарипов А. Малоизвестные страницы переписки между Беруни и Ибн Синой.//Общественные науки в Узбекистане, –№ 5. 1965
- 11) Булгаков П.Г., Жизнь и трудк Беруни, Тошкент, Изд-во “Фан” УзССР,1972
- 12) Крачковский И.Ю.IV, Арабская географическая литература.

A.P.XOROSHXINNING MAQOLALARIDA QO‘QON XONLIGINING IJTIMOY, IQTISODIY VA SIYOSIY TARIXIGA OID MA‘LUMOTLAR

Abdullajon USMONOV
TDSHU 1-kurs magistranti

Annotatsiya. Mazkur maqola Turkiston to‘plamidan joy olgan A.P.Xoroshinning maqolalarida Qo‘qon xonligining XIX asr 60-70-yillaridagi ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy tarixiga bag‘ishlanadi.

Tayanch so‘z va iboralar: A.P.Xoroshxin, Turkiston to‘plami, memuar asar, Tilov, To‘ytepa, verst, tosh, Qurama, Mullamir, mingboshi.

Tarixni o‘rganishda har bir manba va materiallarning o‘ziga xos ahamiyati mavjud. Xususan, Qo‘qon xonligi tarixini o‘rganishda rus diplomatlari, elchilari, sayyoh va savdogarlarining memuar asarlari ham mahalliy yozma manbalar qatorida muhim ahamiyat kasb etadi. Shuni ta’kidlab o‘tish kerakki, bu manbalarda mahalliy tarixchilar tomonidan yozilgan asarlarda uchramaydigan ma’lumotlarni ko‘rishimiz mumkin.

XIX asar boshlaridan boshlab Qo‘qon va Rossiya o‘rtasidagi siyosiy va iqtisodiy aloqalar kuchaya boshlaydi. Bunga misol qilib, 1813-yilda F.Nazarov, 1829-yilda N.Potanin, 1867-1868-yillarda A.P.Xoroshxinlarning Qo‘qonga tashrifini misol keltira olamiz.

Aleksandr Pavlovich Xoroxshin – etnograf, rus harbiy va davlat arbobi, harbiy yozuvchi, general-leytenant. U 1844 yilda Ural kazak ofitseri oilasida tug‘ilgan, 1853-1856 yillardagi Qrim urushi qahramoni. Rossiya imperiyasining O‘rta Osiyoga harbiy yurishlarida ham ishtirok etgan. U 1867-1868-yillarda Qo‘qonga rus elchilik missiyasi vakili sifatida tashrif buyiradi. U o‘n yildan ortiq O‘rta Osiyoda xizmat qilib, bu yerdagi xalqlarning tarixi, xo‘jaligi,

turmush tarzi bilan qiziqqan. 1876-yilda u o'zining barcha maqolalarini jamlab nashr etadi. A.P.Xoroshxin mahalliy tilni bilgani va sharq tarixiga qiziqqanligi bois Qo'qonda o'tgan yillari mobaynida kundalik yuritgan va o'zining maqolalarida undan unumli foydalangan.

A.P.Xoroshxin "Toshkentdan Qo'qongacha" deb nomlangan maqolasida Toshkentdan Qo'qongacha qaysi hududlar orqali kelgani va bu joylar to'g'risida qiziqarli ma'lumotlarni bayon qiladi. A.P.Xoroshxin Toshkentdan Qo'qonga qilgan safari davomida ancha qiyinchiliklarga uchraydi. Buni maqoladagi quyidagi jumllarida ko'rishimiz mumkin: "Qo'qonga Tilov qo'rg'oni yoki Xo'jand shahri orqali boriladi. Biz Tilovga borish uchun To'ytepa qishlog'iga jo'nadik. Bu sarta (mahalliy – U.A) qishlog'i Toshkentdan 4 yoki 5 tosh uzoqlikda joylashgan. Bir tosh bizning 8 verst, boshqalarning aytishicha esa 1000 qadamga to'g'ri keladi. Mahalliy aholining geografik (metrologik – U.A) o'lchovlari xatoliklarini biz Toshkentdan kunduzgi soat 12 da yo'lga chiqib kechqurun 10 da To'ytepaga yetib kelishimiz bilan izohlashimiz mumkin. Ammo mahalliy aholining geografik (metrologik) o'lchov birliklarini aniqlashda aniq bo'lmagan xatoliklariga mos ravishda, yo'lning xususiyatlarini unutmaslik kerak"[1:26]. Missiyaning 4 yoki 5 verst (taxmiman 30-40 km – U.A) uzunlikdagi masofani bunday uzoq vaqtda bosib o'tishiga sabab qilib yo'ldagi muammolarni ko'rsata olamiz. Bundan tashqari, bu ma'lumotga tayangan holda XIX asrning ikkinchi yarmida ham Qo'qon xonligida mamlakat hududlarini bog'lab turadigan yo'llar tamiriga yetarlicha e'tibor berilmagan degan xulosaga kelishimiz mumkin. Vaholanki, Toshkent ruslar tomonidan bosib olinishidan oldin Qo'qon uchun muhim strategik hududlaridan biri bo'lgan. A.P.Xoroshxin rahbarligidagi missiya To'ytepa qishlog'idan keyin Quramaga yetib kelishadi. A.P.Xoroshxin kundaligida quramaliklarni shunday tasvirlydi: "Toshkentdagi barcha bozorlarda siz quramaliklarni qora rangli yuzlaridan, sariq mo'ynali kiyimlaridan, va umuman iflos tashqi ko'rinishidan, qamish, guruch solingan xaltalar yuklab olingan tuyalarni minib yurishidan va boshqa jihatlaridan tanib olasiz"[1:28].

Bilamizki, o'lkamizda bog'dorchilik qadimdan rivojlangan va o'lkamiz o'zining bog'dorchilik mahsulotlari bilan tanilgan. A.P.Xoroshxin ham o'lkamiz mevalariga shunday baho beradi: "Men chet eldagi safarim davomida xon tortiq qilib yuborgan Markaziy Osiyo mevalaridek yaxshiroq mevalarni haligacha istemol qilmadim"[1:34].

A.P.Xoroshxin Qo'qonga safari davomida Mullamir deb atalgan qishloq haqida ham ma'lumot keltirib o'tadi. U yozib qoldirgan ma'lumotlarga ko'ra, Mullamir 30-40 hovli yashaydigan tojik qishloqlaridan biri bo'lgan. Uning yozishicha, qishloq aholisi juda kambag'al bo'lib, toshloq yerni o'g'itlantirib qishloq xo'jaligi bilan shug'illangan.[1:30]

Qo‘qon xonligi aholisini A.P.Xoroshxin o‘zbeklar va tojiklarga ajratib, o‘zbeklarga qipchoq, qozoq, qirg‘iz va qoraqalpoqlarni kiritib, srtlarni tojiklarning bir tarmog‘i, deb yozadi[1:42]. Ko‘rinishidan, u o‘zbeklar deganda turkiyzabon xalqlar va qabilalarni nazarda tutgan va mahalliy o‘troq aholini bularga kiritmasdan, sart, deb nomlagan. Qo‘qon xonligi aholisini 2 millionga boradi deb, Qo‘qon atrofida 360 ta qishloq, boshqa shaharlar atrofida 1214 ta qishloq borligini yozadi[1:42]. Musulmonlardan tashqari Qo‘qonda yahudiylar, hindlar va ruslar ham mavjudligi, lekin ular kam sonli ekanligi aytib o‘tiladi.

A.P.Xoroshxin Qo‘qon xonligi aholisni mashg‘ulotiga qarab ikki guruhga bo‘ladi. Xususan. O‘troq aholining mashg‘ulotlari sifatida dehqonchilik, fabrikalarda ishlash (mahalliy hunarmandchilik ustaxonalari – U.A) va savdosotiq, ko‘chmanchilar esa chorvachilik va qaroqchilik bilan shug‘ullanishi qayt etadi. A.Xoroshxin Namangan, Qo‘qon va Marg‘ilonda mato ishlab chiqaruvchi ustaxonalarni fabrika, deb ataydi. Asosiy ishlab chiqariladigan material sifatida shoyi, adras va beqasamlarni ko‘rsatadi. Umuman, u Qo‘qondagi ishlab chiqarish darajasiga yaxshi baho bermaydi va ularning hammasi odatiy ekanligi, Qo‘qonning o‘ziga xos mashhur mahsuloti yo‘qligini yozadi[1:44].

A.P.Xoroshxin Qo‘qonning savdo aloqalari haqida ham ma‘lumot beradi. Uning yozishicha, Qo‘qondan Toshkentga paxta, mevalar, jun, charm, ipak, afyun hamda Qo‘qon va Marg‘ilon ustaxonalarining shoyi matolari jo‘natilgan. Toshkentdan esa rus manufaktura mahsulotlari, shakar, temir va h.k., Buxorodan hind choyi, bo‘yoq, afyun, Buxoro fabrikalarining shoyi matolari, Qoshg‘ardan afyun, chinni idish, kumush yombilar, xitoy shoyi matolari (kimxob) va o‘ziga xos bo‘yra va gilamlari keltirilgan[1:43]. Shuni ta‘kidlab o‘tish kerakki, A.P.Xoroshxin maqolalarida Qo‘qon xonligining Afg‘oniston, Hindiston va Tibet bilan bo‘ladigan savdo aloqalari haqida hech qanday ma‘lumot keltirmaydi. Vaholanki, XVIII-XIX asrlarda Qo‘qon xonligining bu hududlar bilan savdo aloqalari yaxshi rivojlangan. R. Nabiyev va X.Bobobekovlarning asarlarida Qo‘qon xonligining bu o‘lkalar bilan savdo aloqalari yoritib berilgan. Qo‘qon xonligining dastlabki davrlaridaxonlikda pul oz bo‘lganligi sababli, mahsulotlar arzon bo‘lgan. Toshkentning Rossiya tomonidan bosib olinmasidan oldin Qo‘qon Hindiston, Tibet, Buxoro, Afg‘oniston va Rossiya bilan savdo qiladigan yirik punkt bo‘lgan. Qo‘qon xonligining tarixi oxiriga kelganda xonlikning savdo ahamiyati oshdi. Ayniqsa, Xudoyorxon davrida xonlikka boshqa davlatlardan juda ko‘p mahsulotlar keltirilgan, xonlikdan esa juda ko‘p tovarlar eksport qilingan[2:297]. Bundan tashqari, xonlikning ko‘plab shahar va qishloqlarida hindlar yashaganligi va Hindiston bilan bo‘lgan savdo aloqalarida muhim ahamiyat kasb etganligi tarixiy dalillarda o‘z aksini topgan. X.Bobobekov o‘zining asarida butun O‘rta Osiyoga, xususan, Buxoro, Tosheknt, Qo‘qon va Qoshg‘arga janubiy

o'lkalardan Qobul orqali 10000 dan 15000 tuyagacha Tovar yuborilganlini qayd etadi[3:118].

Qo'qon xonligi boshqaruvini tavsiflashda A.P.Xoroshxin amaldorlarning johil va mutaassibliigi, islohotlarga qarshi ekani, xon (Xudoyorxon), ishonchli odamlarning gapiga qaraganda, islohotlarni qabul qilishga tayyor bo'lsa-da, o'z maslahatchilarining qarshiligiga duch keladi, deb yozadi[1:48]. A.P.Xoroshxinning gapidan amaldorlar bo'lmaganda Xudoyorxon islohotlar o'tkazgan bo'lar edi, degan ma'no kelib chiqmoqda. Lekin u mutlaq hukmdor sifatida amaldorlarni o'z ra'yiga kiritishi mumkin edi. Xonning o'zi ham o'sha davr tartiblaridan chetga chiqishni ravo ko'rmagan.

A.P.Xoroshxin Qo'qon xonligining qo'shin holati haqida ham ma'lumot beradi: "Qo'shinning soni ro'yxat bo'yicha 30 minggacha bo'lib, piyoda, otliq va to'pchi qismlarga bo'linadi. Katta va kichik to'plar 40 taga yetadi. O'q-dori shaharda tayyorlansa-da, xonning qal'asida saqlanadi. Eng oliy harbiy mansab mingboshi deyiladi. Undan keyin qo'shindagi yuqori lavozimda ponsadlar turgan. Xonning har bir armiyasida 12 ponsad bo'lgan. Keyingi o'rinlarda yuzboshi, ellikboshi, o'n boshilar bo'lgan. Mahramlar xonning yordamchilari bo'lib, eng sodiq odamlardan olingan"[1:52]. Lekin xonlikda harbiy askarlar soni doim ham bir xilda bo'lmagan. XIX asrning 50-yillarida bir yurish paytida harbiy chaqiriqqa 50000 kishi to'plangan bo'lsa, boshqa bir paytda bor yo'g'i 25000 kishi to'plangan xolos[2:73]. Qo'shimcha qilib shuni aytish kerak-ki, mingboshi mansabi faqat oliy harbiy mansab emas, Bosh Vazir ham hisoblangan. "...bu mansab egasi davlatning butun ichki ishlarini boshqarar..., ayni paytda tashqi siyosat masalalarida xonning bosh maslahatchisi edi"[4:112].

Xulosa qilib aytganda, XIX asr davomida xonlikka tashrif buyurgan rus elchilari, xususan, A.P.Xoroshxinning asarlari xonlikdagi siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy voqealarni yoritib beruvchi muhim manbalar sirasiga kiradi. Ular xonlik hayotining deyarli barcha jabhalariga ozmi-ko'pmi to'xtalib o'tgan. Ayrim ma'lumotlar yuzaki bo'lishiga qaramasdan, ularning asarlari mahalliy mualliflarda ham uchramaydigan, original ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

- 1.Хорошхин А.П. От Ташкент до Кокана. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. –СПб. 1876. –С. 26.
2. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства, –Т.: ФАН. 1973. –С. 197
3. Bobobekov X. Qo'qon tarixi, –Т.: Fan. 1996. –В. 118
4. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. –Казань. 1886. –С. 112

П.И. ДЕМЕЗОН ҚАЙДЛАРИ БУХОРО-РОССИЯ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШДА МАНБА СИФАТИДА

С.А. ҲАМРАЕВ

ЎзМУ, I босқич магистранти

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихини ўрганишда рус ҳарбий хизматчилари, элчилари ва сайёҳлар асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Россия ҳукумати ўз вакиллари ни махсус топшириқлар билан Ўрта Осиёга юборишда нафақат яхши таълим кўрган татар, бошқирд каби туркий мусулмон халқлари орасидан танлаган балки, маҳаллий тил, урф одатлар, мусулмон диний билимларига эга бўлган бошқа миллат вакили бўлган шахсларни татарлар ёки бошқа туркий мусулмон халқлар “киёфасида” жўнатган.

Шунингдек, Россия империяси Ўрта Осиё хонликлари билан алоқа юритишни Оренбург ҳарбий губернаторлига юклаб қўйган эди¹. Шу сабабдан мазкур губернаторлик тарафидан мустақил тарзда Ўрта Осиё хонликлари га келаётган карвонларга қўшиб ўзининг элчиларини юбориб турар эди. Шундай элчилардан бири шарқшунос олим Петр Иванович Демезон ҳисобланади.

Шу ўринда П.И. Демезон ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. П.И. Демезон 1807 йили Сардиния қироллигидаги Шамбери шаҳрида шифокор оиласида туғилган. Қозон императорлик университети га қабул қилинган. Санкт-Петербургда шарқшунос Г. М. Влангали раҳбарлиги остида шарқ тилларини ўрганган². 1829 йили шарқ тиллари бўйича тилшунослик номзодлигини ҳимоя қилади. 1829–1831 йилларда Қозон университетида талабаларга дарс берган. П.И. Демезон 1831 йилнинг феврилида Оренбургга келади ва Н.И. Неплюев ҳарбий билим юртида шарқ тиллари катта ўқитувчиси ва Оренбург чегара комиссияси таржимони вазифасида ишлайди. 1833–1834 йилларда Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовский топшириғи билан Бухорога Жаъфар исмли татар муллasi киёфасида келадиз. Бу билан Демезон тарихга Бухоро хонлиги га келиб ўз қайдномаларини қолдирган биринчи европалик сифатида қолади⁴.

¹ Хайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан тарихий очерклар ва лавҳалар. Тошкент., 2003. 191-бет.

² Кононов А.Н. Библиографический словарь отечественных тюркологов. Дооктябрьский период. М., 1989. 155-бет.

³ https://ru.wikipedia.org/wiki/Демезон,_Пётр_Иванович

⁴ Кононов А.Н. Библиографический словарь отечественных тюркологов. Дооктябрьский период. М., 1989. 156-бет.

П.И. Демезон Оренбург шахридаги олти йиллик хизмат вазифасини бажариб бўлгач, 1836 йилнинг баҳоридан Петербург шахрига юборилган. Шу йилнинг 18 апрелидан П.И. Демезон Россия Ташқи ишлар Вазирлигининг Осиё департаменти таркибидаги шарқ тиллари ўқув бўлимига профессор унвонида ишга жалб қилиниб, талабаларга форс ва турк тилларида машғулотлар олиб борган.

Петр Иванович 1840–1841 йилларда рус элчилиги таркибида Техронда бўлади. 1843 йил Ф.П. Аделунг вафотидан сўнг Осиё департаменти шарқ тиллари ўқув бўлими мудирлигига тайинланиб, шу йилдан рус фуқаролигини қабул қилган. П.И. Демезон 1846 йилдан Рус археология жамиятини тузувчилардан бири ва аъзосига бўлган. Рус сайёҳи ва дипломати П.И. Демезон 1857 йилдан Париж шахрида яшай бошлаган ва шу ерда 1873 йилда вафот этади.

П.И. Демезонга Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовскийнинг мактубини Бухоро амири Бош вазири, яъни Қўшбегининг шахсан ўзига топшириш вазифаси юклатилган. Шу мактуб орқали Россиялик Мирзо Жаъфар Бухоро амирининг Бош вазири билан учрашиш имкониятига эга бўлган. Ушбу мактубда В.А. Перовский Бухоро ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги барча тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриши баён этилган. Шу билан бирга Мирзо Жаъфар томонидан қўшбегининг шахсан ўзи учун ҳарбий губернаторнинг алоҳида эсдалик совғалари ҳам бериб юборилган.

Бу ҳақида П.И. Демезон ўзининг В.А. Перовскийга Бухорога қилган сафари ҳақида ёзган ҳисобита қуйидагича маълумот беради. *“1833 йил 30 октябрда Сиз зоти олийларининг шу ойнинг 28 санасидаги буйруғингизга биноан мен Бухорога кетаётган карвонга қўшилиб Оренбургдан Орскга йўлга чиқдим. Орск қалъасини 11 ноябрда тарк этдим ва 45 кунлик йўлдан кейин эсон-омон Бухорога етиб бордим. Сизнинг хатингиз ва совғаларингизни қўшбегининг қўлига топшириш шарафига муяссар бўлдим”*⁴.

Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовский томонидан П.И. Демезонга Бухоро амирлигидаги “саёҳати” даврида амал қилиши

¹ История имперского Русского Археологического общества за первые 50 лет его существования. 1846-1896. СПб., 1900. 25-бет.

² https://ru.wikipedia.org/wiki/Демезон,_Пётр_Иванович

³ Хўжаева Ш. Россия империясининг Осиё департаменти махфий топшириқлари тарихидан: П. И. Демезоннинг Бухоро амирлигига “саёҳати”//O’zbekiston tarixi. 2016. №1. 11-18-бетлар.

⁴ Н.А.Халфин. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). М., Наука. 1983. 17-бет.

лозим бўлган 25 та бўлимдан иборат расмий кўрсатма берилган¹. Ушбу кўрсатмаларнинг бажарилиши ва элчилик давридаги қўлга киритилган маълумотлар ва уларнинг тафсилотларини Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовскийга француз тилида ёзилган ҳисобот тарзида баён қилади. Ушбу ҳисоботлар ва қайдлар Н.А. Халфин муҳаррирлиги остида 1983 йил Москвада *Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича)* номи билан нашр қилинган бўлиб, таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур манба ҳозирга қадар ўзбек тилига ўгирилиб нашр қилинмаган. Ушбу қайдлар Бухоро-Россия дипломатик муносабатлари билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, П.И. Демезон Бухоро ҳукуматининг Россия империясига нисбатан муносабати ҳақида куйидаги фикрларни баён қилади. *“Бухороликлар аслида хиваликлардан кам бўлмаган даражада Россияни ёқтирмасаларда ўз манфаатлари йўлида буни яширишга уринадилар. Буни ҳукуматларимиз ўртасидаги бир қарашида дўстона хусусиятга эга бўлган муносабатларни сақлаб қолиш учун қиладилар”*².

Шунингдек, Россия империясининг қозоқ қабилари устидан ҳукмронлигининг ошиб боришига Бухоро амирлигининг муносабати ҳақида куйидагича маълумот тақдим этади. *“Аммо бир тарафдан ўз мутаассибликлари сабабли рус ҳукуматига нафрат билан қарайдилар, бошқа тарафдан эса – Россиянинг қирғизлар (қозоқлар – С.Ҳ.) устидан ҳукмронлиги ошиб бораётганидан ҳадиксираб турадилар, чунки улар бу ердаги даромадли савдодан маҳрум бўлишдан кўрқадилар ва халқ ҳаёти учун зарур ишлаб чиқариш маҳсулотларини етказиб берадилар. Бухороликлар Россия ва жон жаҳди билан ҳар қандай қарамликка қариши бўлган қирғизларни уриштириб қўйишга ҳаракат қилар эди.*

Бухороликларнинг қарашиларида чекка ўлкаларда яшовчи қирғизлар ва Туркистон давлатлари билан савдо қилувчи аҳоли Россия фуқаролари бўлган татарларнинг таъсири остида. Улар ўз манфаатларини ҳисобга олиб яъни, ўз молларини фойда кўриб сотиш учун қирғизларни Россия чегараларидан узоқлаштирадилар, шунингдек, Бухоро ҳукумати билан яхши муносабатларини сақлаб қолишга уринадилар, анчадан бери татарлар билан яширин савдо муносабатларига эга бўлган Бухоро ҳукумати билан қирғизларни Россияга қариши қўйиш ва уларнинг бизга

¹ Хўжаева Ш. Россия империясининг Осие департаменти махфий топшириқлари тарихидан: П. И. Демезоннинг Бухоро амирлигига “саёҳати”// *О’zbekiston tarixi*. 2016. №1. 11-18-бетлар.

² Н.А.Халфин. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). М., Наука. 1983. 21-бет.

нисбатан ишончсизлигини янада мустаҳкамлаш учун ўзининг жамики мутаасиблиги ва энг паст фитналар қиладилар”¹.

П.И. Демезон ўз сўзида давом этиб Бухоро учун Россия билан савдо алоқаларининг аҳамияти ҳақида “Ваҳоланки, агар бир тарафдан қарасак бухороликлар Россия билан савдо алоқаларидан катта матфаатдор, қайсики, уларнинг ҳалокат ёқасида бўлган ҳукуматини қўллаб қувватлаб туради яъни, бизнинг қалъалар уларнинг карвонлари учун ёпилса савдодан узилиш натижасида ҳалокат ёқасига келиб қолади. Бошқа тарафдан эса – Бухорони исталган пайтда ҳужум уюштириши мумкин бўлган қўшинлари олдида доимий қўрқув бор, қайсики, Бухоро фақатгина Россиянинг – куч қудратига таянган ҳолда бунинг олдини олиши мумкин. Биз билан узулиш рўй берса улар бундан маҳрум бўладилар. У ҳолда ишонч билан тахмин қилиш мумкинки ушбу икки ҳолатни инобатга олган ҳолда Туркистондаги давлатларнинг ичида Россия билан дўстона алоқаларини олиб борадиган ва бизнинг ҳукуматимиз режаларига энг кам қаршилик қиладигани бу Бухородир” каби фикрларни баён қилади².

П.И. Демезоннинг қушбеги билан учрашуви давомида муҳокама қилинган муҳим масалалар ҳақида тўхталиб қўйидагича маълумот беради. “Бухоро ҳукуматини Қўқон, Хива ва қирғизлар барча тарафдан сиқиб қўйишган, унга савдода тўсқинлик қилишади, улар Россиянинг Сирдарё қирғоқларига силжиишини хиваликлар ва қирғизларни қўрқитиши учун бевосита таъминланадиган истеҳком қуришини, қайсики, Бухоро карвонларининг шу ердан ўтиб Орскка жўнайдиган бўлишини истайдилар агар шундай бўлса жуда хурсанд бўлган бўлар эдилар. Менинг қушбеги билан ишончли (махфий) суҳбатларимдан бирида узоқ муқаддимадан кейин у Бухоронинг Россия билан савдоси тўхтаб қолишидаги қийинчиликлар сабабини ва мақсади Бизнинг ҳукуматимиз томонидан ушбу тўсиқларни олиб ташланишига эришишига ўхшайди, шунинг учун Сирдарёда қалъа қуриш режаси ҳақида биз учун ижобий мулоҳазалар билдирди. Бу ҳақдаги мулоҳазаларини дадилроқ, сўзма-сўз етказадиган бўлсам – “Савдони қатъий ва тез амалга ошириш учун биз йўлга алоқадор, шу йўлнинг таъминотига, ишончилигига дахлдор бўлган Россия билан очиқ келишини хоҳлар эдик, бизнинг давлатлар ўртасида чегара чизигини (демаркация чизиги) ўрнатиш ва қаердан Бухоро аскар бўлинмалари (отрядлари) бизнинг карвонларни қўриқлаб бориши, қаергача бизнинг навбатимиз, қаердан рус қўшинларининг Россияга қадар кузатуви учун қабул қилинади ушбу жойларни белгилаш керак. Худди шу мақсаднинг энг ишончли чорасини излаб топиш лозим – бу

¹ Ўша жойда.

² Н.А.Халфин. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). М., Наука. 1983. 21-бет.

масалан, Сирдарёнинг иккала қиргоғида иккита яхши қалъа қуриш. (Таъкидлаш керакки, у қўрғон сўзини ишлатмаяпти катта бўлмаган таянч пункт эмас айнан “кала” (қалъа) – шаҳар қалъани назарда тутмоқда). Ўшанда биз карвонларимизни ҳар доим талашга тайёр турган бир тарафдан – Кўқон, бошқа тарафдан Хива, қирғиз қабилаларидан хавфсирамасак ҳам бўлади ва худо қўлласа, бизнинг Россия билан савдомиз янгидан равнақ топишига эришади, дўстлик ришталари эса, бизнинг давлатларимизни бирлаштириб чамбарчас боғлайди”. Мен унга бутун диққат эътибор билан эшитганимни ва унинг маълумотларини қабул қилганимни, унинг бу масала юзасидан зоясини тушунганимни билдирдим ҳамда унинг зоя ва туйғуларини Сиз зоти олийларига кечиктирмай етказишимни унга айтдим агар худо йўлимни омадли қилса, яъни, мен Оренбургга тирик ва соғ саломат етиб борсам ўзаро фикр алмашганда аниқ баён қилишимни билдирдим”¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур суҳбатда назарда тутилган истехком қуриш масаласи иккала давлат ўртасида олиб борилган олдинги элчиликлар доирасида ҳам муҳокама қилиниб, бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Шунингдек, қушбеги билан учрашувда иккала давлат ўртасидаги олий даражадаги дипломатик муносабатларга Бухоро тарафининг таклифи ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Хусусан, “Қушбеги менда шундай тааъссурот қолдирди яъни, хоннинг (Амир Насруллохон – С.Х.) тахтга ўтириши пайтида император ҳазрати олийларининг шахсан ўзлари биронта элчи жўнатмаганидан жуда ранжиган.

“Эшитинг Мирза, – деди у менга, – амир ҳазрат подшо ва подшонинг ўғли, Туркистоннинг энг катта давлатининг ҳукмдори, сизнинг император ҳазратларини дўсти ва биродари деб ҳисоблайди, сиз император ҳазратлари бир неча йил олдин унинг элчисини тахтга ўтириши муносабати билан табриклар, ушбу элчидан амирга совғалар жўнатгансиз. Аммо бизнинг хожамиз ушбу элчилар билан биргаликда ўз элчиларини тахтга ўтириши маросимига жўнатмаган, ҳар ҳолда бу ўта қийин юмуш бўлмасада. Бу эътибор илгари бизнинг ҳукмдоримизда бўлмаган”.

У менга кўп бора гапирди Бухорога яқин келажакда император ҳазратларининг шахсан ўзи хонга мактуб жўнатишига умид қиляпти”².

Шундай қилиб П.И. Демезон ўзининг олти ойлик саёҳати давомида Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганишда бир қатор янги маълумотлар тақдим қилади. Мазкур

¹ Н.А.Халфин. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). М., Наука. 1983. 21-22 бетлар.

² Н.А.Халфин. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). М., Наука. 1983.22-бет.

даврдаги Бухоронинг ўз кўшнилари билан сиёсий алоқалари ҳақида ҳамда Бухоронинг ўзидаги ижтимоий иқтисодий вазият, кўшин ҳолати, ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар тўплаган. Шунингдек, кўшни давлатлар Хива ва Кўқондан ташқари Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистондаги сиёсий вазият ҳақида муҳим маълумотлар йиғади. Ушбу элчилик давомида тўпланган маълумотлар асосида ёзилаган ҳисобот, умумий қилиб айтганда “Бухоро хонлиги ҳақидаги П.И. Демезон қайдлари” мазкур даврдаги Бухоро-Россия дипломатик муносабатларини ўрганишда бирламчи манбалардан бири ҳисобланади. Мазкур манбанинг танқидий ҳамда бошқа манбалар билан қиёсий таҳлили ва ундаги маълумотларни илмий муомалага олиб кирилиши хонликлар тарихи даврига оид бир қатор муаммоларни ҳал этилишига хизмат қилади. Шунинг учун манбани ўзбек тилига таржимасини амалга ошириб уни илмий муомалага киритиш манбашуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

ЛИЧНЫЙ ФОНД С.М. ГРАМЕНИЦКОГО – КАК ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ ОБРАЗОВАНИЯ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ (НА ОСНОВЕ ФОНДА И-1010 НА УЗ)

Мадина АДИЛОВА

*Исторический факультет Национального
университета Узбекистана им. Мирзо Улужбека*

На сегодняшний день в Национальном архиве Узбекистана (далее – НА Уз) хранится около 4000 фондов, из которых более 200 являются личными фондами [8]. Один из таких фондов – это личный фонд Сергея Михайловича Граменицкого, который хранится под номером И-1010. Документы были переданы дочерью С.М. Граменицкого – Марией Сергеевной Граменицкой. Поступившие документальные материалы освещают деятельность С.М. Граменицкого в Туркестанском крае. А также являются ценнейшим источником по истории образования в Туркестанском генерал-губернаторстве.

С.М. Граменицкий автор многочисленных трудов по педагогике, автор методик для учителей начальных школ и учебников для детей, которые обучались и воспитывались многие поколения жителей Туркестана.

Говоря о С.М. Граменицком, можно отметить, что он родился в сентябре 1859 года в селе Абакумово Покровского уезда, Владимирской губернии, в семье мещанина. Трехлетним мальчиком остался сиротой, родители умерли очень рано, с 5 лет он воспитывался в семье своей

старшей сестры, женщины умной, душевной, чуткой к людским невзгодам [9].

Свое среднее образование С.М. Граменицкий закончил во Владимире. В 1877 года Сергей Михайлович поступил на физико-математический факультет Петербургского университета. Студенческие годы были трудными. Надо было обеспечить жизнь, т.к. материальная помощь была случайной, а стипендией пользовались единицы студентов. Приходилось зарабатывать уроками, пешком направляясь из одной части города в другую. Но учебный процесс шел нормально. Лекции приносили громадное удовлетворение: читали лучшие знаменитые профессора – Менделеев, Сеченов, Вагнер, Бутлеров и др. [3, 6].

В 1881 года С.М. Граменицкий окончил естественное отделение физико-математического факультета Петербургского университета со степенью кандидата естественных наук. С 22-х лет С.М. Граменицкий посвящает себя педагогической деятельности.

Отъезд С.М. Граменицкого в Ташкент после окончания университета на должность учителя математики и физики не явился случайностью, а был результатом его глубокой идейной убежденности – служить народу. Работа на должность преподавателя удовлетворяла С.М. Граменицкого. 1 июля 1881 года он был назначен учителем математики и физики Ташкентской мужской гимназии, а в 1882 года принял предложение вести уроки естествоведения, космографии и математики в Ташкентской женской гимназии, где он преподавал до 1 августа 1893 года [2, 85].

15 декабря 1892 года С.М. Граменицкий был назначен инспектором народных училищ Сырдарьинской области, а с установлением Дирекции в 1900 году, он был назначен директором народных училищ той же области и пробыл на этой должности до её упразднения.

На школьное образование С.М. Граменицкий смотрел как на дело большой государственной важности. Со всей энергией принялся Сергей Михайлович за улучшение и устройство начальных русских и русско-туземных школ. Школ было очень мало. Положение их было тяжелым – они не были обеспечены материально: пособия, которые отпускались Министерством народного просвещения на их содержание, были незначительны, пожертвования случайны. Основная материальная база ложилась на местные сельские общества, которые не имели достаточных средств, часто не были заинтересованы в этих школах.

Не лучше было положение и городских школ – частично они содержались за счет местных городских средств; средства эти были недостаточны и не обеспечивали имеющийся в них потребности. Школьные учебники не удовлетворяли. Создание новых учебников явилось жизненной необходимостью: стоял вопрос об организационных

и методических основах начального образования. На составление учебников был объявлен конкурс. С.М. Граменицкий включился в эту работу. При написании учебников он шел неизвестными путями. Руководствовался передовыми педагогическими и дидактическими методами, не всегда получал поддержку в своем стремлении: не все принимали это новшество. «Застарелые в рутинных приемах учителя оказывали пассивное, а иногда даже активное сопротивление новому направлению их занятий».

Учебники С.М. Граменицкого получили широкое распространение, им были составлены следующие учебники:

- «Первая книга для чтения. Пособие для обучения русскому языку в инородческих училищах» (13 изданий).

- «Вторая книга для чтения. Пособие для обучения русскому языку в инородческих училищах» (8 изданий).

- «Третья книга для чтения. Пособие для обучения в инородческих училищах» (6 изданий).

Кроме того учебники в начальных училищах:

- «Руководство арифметики» (8 изданий).

- «Систематический сборник задач» (6 изданий).

- «Сборник задач и примеров для начального обучения арифметике» (13 изданий).

- «Главные правила русского правописания» (9 изданий) [3, 9].

Все эти учебники были одобрены и утверждены Министерством. Данные учебники и учебные пособия, допущенные к употреблению в начальных училищах, разошлись не только в Туркестанском крае, но и по всей России.

За прекрасные учебники по народному образованию С.М. Граменицкому была вручена серебряная медаль на Парижской выставке в 1900 году и Почетный диплом на Туркестанской выставке в 1909 году[1].

Вопрос образования местного населения интересовал и волновал С.М. Граменицкого на протяжении всей его жизни. Ему он посвятил ряд обширных методических статей, которые печатались в газетах «Туркестанские ведомости» и «Среднеазиатская жизнь». Современные исследователи считают их исторически ценными[1].

В 1907 году С.М. Граменицкий был командирован в Петербург для участия в работе, созданной при Министерстве народного просвещения Особой комиссией по вопросу об инородческом образовании.

В крае был введен тип «Русско-туземной школе», который вначале явился механическим соединением туземного класса, работавшего по типу средневекового мусульманского масштаба и русского класса, где дети изучали русский язык и на нем получали некоторые элементы общего образования.

Такое обучение не давало полезных результатов, поэтому, по настоянию С.М. Граменицкого процесс обучения был улучшен; программа преподавания расширена, внимание была обращено на развитие активности, инициативы учащихся, была проведена в прогрессивном духе реформа в обучении грамоте по новому методу в туземных классах.

Стремясь приобщить к культуре и привлечь местное население к образованию, С.М. Граменицкий убедил учителя Саидрасула Саидазизова составить учебник на родном языке для узбекских классов русско-туземных школ и оказал ему в этом методическую помощь. Учебник Саидазизова «Устои аввал» получил широкое применение и много раз переиздавался [3, 11].

Кроме основной работы на протяжении ряда лет он выполнял обязанности депутата от Управления учебных заведений Туркестанского края на испытаниях зрелости по математике учебников Ташкентской мужской гимназии 8 класса, учеников Реального училища, присутствовал на экзаменах в прогимназии, был членом многих обществ, комитетов, участвовал в комиссиях. Состоял почетным мировым судьей Ташкентского окружного Попечительского Комитета, членом правления общества Красного Креста, действительным членом Сырдарьинского попечительства о детских приютах [5, 12-13].

У С.М. Граменицкого была сердечно-сосудистая недостаточность. Он лечился в Наугейме (Германия), в Кисловодске. Лечение его утомляло, надоедало, но было необходимым. В 1918 года здоровье С.М. Граменицкого резко ухудшилось. С сентября он был прикован к постели. Улучшение болезни в декабре было временным. Он скончался 5 февраля 1919 года [4, 24].

Как отмечает исследователь О.Г. Пуговкина, деятельность С.М. Граменицкого, по воспоминаниям Н.П. Остроумова, вызывало у него положительную оценку. Он отмечал, что это был знаток своего дела – «математик и естественник по университетскому образованию», и преподаватель, и инспектор, и директор народных училищ Сырдарьинской области: «Ученики его любили, сослуживцы – уважали, начальство – поощряло» [7, 56-57].

После себя С.М. Граменицкий оставил большое количество рабочих и личных документов. Они по содержанию были очень ценны для изучения таких вопросов как история народного образования, развитие педагогической мысли в крае, положение традиционных учебных заведений в ту эпоху, а также по истории методической деятельности учителей Туркестанского генерал-губернаторство.

Документы личного фонда С.М. Граменицкого были приняты на хранение в НА Уз (в то время – ЦГА УзССР) 7 октября 1970 года.

Документы были сданы дочерью С.М. Граменицкого – Марией Сергеевной Граменицкой. Поступившие материалы находились в не разобранном виде и в сравнительно большом количестве [3, 17].

С точки зрения архивного источниковедения данный фонд – И-1010 по хронологии включает в себя документы, которые отражают события, произошедшие 1859-1969 гг. Данный фонд маркируется под индексом «И» – то есть исторический. Здесь надо особо отметить, что первоначально этот фонд маркировался под индексом «Р». В фонде содержится 74 единиц хранения. Все единицы хранения входят в один опись.

В настоящее время данный фонд содержит семь разделов:

I раздел – «Научные труды» (20 единиц хранения), в него вошли учебники, составленные С.М. Граменицким:

- Первая, вторая и треть книги для чтения;
- Главные правила русского правописания;
- Сборник задач и примеров;
- Начальная арифметика;
- Положение о народном образовании в Сырдарьинской области;
- Статьи, доклады, обзоры;
- Документальные материалы данного раздела расположены в хронологическом порядке.

II раздел – «Материалы служебной деятельности» (9 единиц хранения). В этот раздел вошли докладные и служебные записки, статистические сведения, сведения о русско-туземных школах и Положение учебного дела в Туркестанском крае. Документальные материалы расположены в хронологическом порядке, дела без даты помещены в конце раздела.

III раздел – «Переписка С.М. Граменицкого с разными лицами» (5 единиц хранения).

IV раздел – «Письма разных лиц С.М. Граменицкому» (8 единиц хранения).

В письмах содержится значительный материал, относящийся к делу народного образования. Рукопись у С.М. Граменицкого читается с большим трудом, поэтому дочь Мария Сергеевна перепечатала наиболее ценные и представляющие исторический интерес письма и машинописные копии вместе с оригиналом, (не во всех письмах есть оригинал) которые передала НА Уз. Другой экземпляр машинописной копии был передан Марией Сергеевной – Н.П. Архангельскому:

1. Н.П. Архангельский уточнил (на основе разных факторов датировку ряда писем) и расположил письма хронологически.

2. К некоторым письмам на полях он сделал свои примечания.

В переписку вошли письма жены и детей, которые представляют особый интерес, поскольку носят зачастую общественный и семейный уклад и вопросы воспитания. Письма расположены в хронологическом порядке.

V раздел – «Материалы о С.М. Граменицком» (7 единиц хранения).

VI раздел – «Труды разных авторов с дарственными надписями дочери М.С. Граменицкой» (10 единиц хранения).

В этот раздел вошли «ученые записки», авторефераты диссертаций, учебники и брошюра, «Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе». В этот раздел помещены труды с дарственными надписями разных авторов.

VII раздел – «Фотографии» (15 единиц хранения). В этом разделе находятся фотографии С.М. Граменицкого в кругу его коллеги, видных ученых и педагогов, а также семейные. Фотографии систематизированы по годам, без дат помещены в конце описи. К альбому составлена опись фотографий [3, 21-37].

Личный фонд С.М. Граменицкого представляет большой интерес для исследователей. Но, к сожалению, до сих пор мало изучено. В нем хранятся документы об образовании не только российского типа, но и традиционного. Этот фонд богат фактическим материалом об истории народного образования на территории Туркестанского генерал-губернаторства. Критическое изучение этого фонда в перспективе может дать нам новые сведения о социально-культурной жизни Туркестана в колониальный период.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Л.Н. Беленчук. С.М. Граменицкий: просветительская деятельность в Туркестанском крае на рубеже XIX-XX вв. [Электронный ресурс]: электрон. данные. – Минск: Белорусская цифровая библиотека LIBRARY.BY, 11 октября 2007.// URL:https://library.by/portalus/modules/shkola/readme.php?subaction=showfull&id=1192110929&archive=1196815384&start_from=&ucat=&

2. Кочаров В.Т. Из истории народного образования в Туркестанском крае. Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. с. 85

3. НА Уз Ф. И-1010, оп.1.

4. НА Уз Ф. И-1010, оп.1, д. 47.

5. НА Уз Ф. И-1010, оп.1, д. 54.

6. Пуговкина О.Г. Первые книги для чтения С.М. Граменицкого // Православная книга и духовное служение русской церкви в Средней Азии. 13 марта, Ташкент, 2012.

7. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги. Очерклар. II т. Тошкент. “Tafakkur qanoti”, 2016. 328 с.

8. URL:<http://mda.uz/biz-haqimizda/>

9. URL:<https://www.geni.com/people/Сергей-Граменицкий/>

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАҲАЛЛИЙ ҚЎЛЁЗМА
АСАРЛАРИ ТАРИХИДАН**

М.С. ИСАКОВА

*т.ф.д., ЎзР ФА Тарих институти
етакчи илмий ходими*

Маълумки, 1876 йилда Россия империяси босқини даврида Қўқон хонлигининг бебаҳо моддий маданий бойликлари талон тарош қилиниб, империя кутубхона ва музейларига олиб кетилган¹. Манбаларни йиғиш ва олиб чиқиб кетишда шарқшунос А.Л.Кун бошчилик қилган. 1962 йилда М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат оммавий кутубхонасидан (илгари Император оммавий кутубхонаси, ҳозирда Россия Миллий кутубхонаси) Қўқон хонлари архивига тегишли 3 800 йиғмажилд ҳужжат Ўзбекистон Миллий архивига қайтариб берилган².

Бироқ, ақсарият тадқиқотчиларга архив ҳужжатлари билан бирга хонликдан ноёб қўлёзма асарлар ҳам олиб кетилганлиги маълум эмас. Шунининг учун олиб, архив манбалари асосида мазкур мақолада рус шарқшунослари ва маъмурларининг Қўқон хонлигида ноёб қўлёзма асарларни йиғиш ва империя кутубхоналарига юбориш борасида олиб борган сиёсатини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

¹ 1876-йил ноябр ойида Қўқон хонлари архиви генерал-губернатор К. П. Кауфман буйруғига асосан шарқшунос А.Кун томонидан Санкт-Петербургдаги Император кутубхонасига жўнатилган. Йиғилган архив ҳужжатларнинг асосий қисми 1866-1875- йилларга оид бўлиб, умумий ҳажми 5026 ыарақ ва 151 дафтардан иборат бўлган. / Батафсил қаранг. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Ташкент: НУУз, 2012. – С. 38-40.

² 1936 йилда шарқшунос П.Иванов Ленинград (ҳозирда Санкт-Петербург)даги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат оммавий кутубхонаси (аввалги Россия императори кутубхонаси)да Хива хонлари архивини тасодифан топиб олган. 1939 йилда у Хивадан олиб келинган материаллар билан ишлаш давомида келиб чиқиши Фарғонага тегишли бўлган, форс-тожик тилидаги жуда кўп ҳужжатларни ҳам аниқлаган эди. Кейинчалик бу маълумотлар М.Йўлдошев томонидан ҳам тасдиқланиб, олим мазкур кутубхонада Қўқон хонлиги архив ҳужжатлари ҳам борлигини ёзган. / Юлдашев М.Ю. Новый архивный источник по истории Средней Азии. // Краткие сообщения Института Востоковедения Академии наук СССР. – №1. – С. 37.

1876 йил 5 февралда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман Петербургдан генерал Г.А. Колпаковский номига телеграмма юборади¹. Унда имконият бўлиши билан Қўқон, Марғилон ва Андижондан шарқ кўлёзма асарларни ва туркий тилидаги дафтарларни йиғиб олиш бўйича кўрсатма берилган эди².

Бир ойдан сўнг, аниқроғи ўша йилнинг 1 мартада Г.Калпаковский амалга оширилган ишлар юзасидан билдиришнома юборган. Унга кўра, генерал Қўқон юриши вақтида фикҳ, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, география, тилшунослик ва тарихга оид араб, форс-тожик ва туркий тилларидаги ноёб асарларни йиғиб олганлигини маълум қилган. Китоблар рўйхатга олиниб, Тошкенддаги Оммавий кутубхонага жўнатилган. Ушбу рўйхатда фақатгина китоблар номи келтирилган бўлиб, айрим муаллиф ва неча жилддан иборат эканлиги кўрсатилган. Манбалар ўралган ҳолда кутубхоначи В.Чуйкога топширилган³. Кутубхоначи В.Чуйко томонидан 120 га яқин китоблар 6 март куни қабул қилиб олинган.

**Қўқон хонлигидан йиғиб олинган кўлёзма асарлар
ва китоблар рўйхати⁴**

№	Китоб номи	Ўзбекча номланиши (таржимаси)	Фан номи
1.	Фусул ал-аъроз шарҳ худуд ал-амроз	(“Касалликлар худуди шарҳи касаллик белгилари фасли”)	Тиб (тиббиёт)
2.	Шарҳи қонунчаи Мавлоно Ҳозиқ	(“Мавлоно Ҳозиқнинг “Қонунча”си шарҳи”)	Тиб
3.	Тухфат ал-мўминин	(“Мўминларга тухфа”)	Тиб
4.	Шарҳи Оқсарой	(“Шарҳи Оқсарой”)	Тиб
5.	Дафтари шашум захираи мураккабот	(“Олгинчи дафтар мураккаб жисмлар захираси”)	Тиб

¹ Герасим Алексеевич Калпаковский Туркистон ўлкасида К.П. Кауфман бўлмаган вақтларда унинг ўрнига минтақани бошқарган. Қўқон уруши (1875-1876 йй.)да экспедиция отряди бошлиғи сифатида хонликни эгаллаганидан сўнг, уни Фарғона вилояти номи билан империя таркибига киритилганлигини эълон қилган.

² ЎзМА, ф.И-1, р.16, йж.2334, 1-варақ.

³ Ўша жойда, 3-варақ.

⁴ Ўша жойда, 6-11 варақлар. Китоб номлари таржимаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти Н.Мирзаев томонидан тайёрланган.

6.	Дуррат ал-фарид	(“Ягона дур”)	Қуръон қоидалари
7.	Тухфаи Хоний	(“Хоний тухфаси”)	Тарих
8.	Сижовандий	(“Сижовандий”)	Қуръон қоидалари
9.	Шоҳномаи Фирдавсий	(“Фирдавсий Шоҳномаси”)	Форс-тожик адабиёти
10.	Нафаҳот ал-унс	(“Унс-улфатлар тафти”)	Биографик тарих
11.	Мавлавий Ҳасан	(“Мавлавий Ҳасан”)	<i>Наҳв</i> - араб тили қоидалари
12.	Лабиб бар Мулло Абдулғафур	“Мулло Абдулғафур китобига Лабиб деган шарҳ”	<i>Сарф</i> -араб тили морфологияси
13.	Мулло Жалол	(“Мулло Жалол китоби”)	Араб тили
14.	Кофия	(“Кофия”)	Наҳв
15.	Шарҳи Шофия	(“Шофия шарҳи”)	Сарф
16.	Таҳзиб	(“Таҳзиб китоби”)	Мантиқ илми, араб тили
17.	Таърихи Жаҳоннамои	(“Жаҳоннамо тарихи”)	Тарих
18.	Таърихча	(“Тарихча”)	Тарих
19.	Баҳрул хавос	(“Хосларнинг денгизи”)	Луғат
20.	Равзат ас-сафо	(“Мусаффо боғ”)	Тарих
21.	Таърихи Ҳулағухон	(“Ҳулағухон тарихи”)	Тарих
22.	Таърихи Жаҳонгирий	(“Жаҳонгир тарихи”)	Тарих
23.	Таърихи Темурхоний	(“Темурхон тарихи”)	Тарих
24.	Фатҳул Борий	(“Қушойиш Аллоҳдан”)	Ҳадис илми
25.	Тарҳиби Тарғиб	(“Тарғиб китобига Тарҳиб шарҳ”)	Ҳадис илми
26.	Далоил ал-хайрот	(“Яхшиликларга далолатлар”)	Салавоатлар
27.	Мавоҳиби ладуний	(“Аллоҳ берган илмлар”)	Ҳадис илми
28.	Тафсири Абу Мансур Мотуридий	“Абу Мансур Мотуридий тафсири”	Тафсир

29.	Чор жилди Тафсир ал-баён	(“Тафсирул баённинг 4 жилди”)	Тафсир
30.	Ҳақойиқи салим	(“Тўғри ҳақиқатлар”)	Тафсир
31.	Матин	(“Матин”)	Сарф ва наҳв
32.	Ҳошия	(“Ҳошия”)	Мантиқ илми – араб тили
33.	Мулло Абдулҳақим бар Ҳошия	(“Мулло Абдулҳақимнинг Ҳошияга шарҳи”)	Мантиқ илми – араб тили
34.	Мирзожон бар Ҳикмат	(“Мирзожоннинг Ҳикматга шарҳи”)	Ҳикмат илми
35.	Тавзиҳ бар Талвиҳ	(“Талвиҳга Тавзиҳ деган шарҳ”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
36.	Мухтасари Виқоя	(“Виқоя китобининг мухтасари”)	Фикҳ илми
37.	Мавлавий Абдулҳақ	(“Мавлавий Абдулҳақ китоби”)	Ҳадис илми
38.	Каломуллоҳ	(“Аллоҳнинг каломи”)	Қуръони карим, тафсир
39.	Чалабий бар Талвиҳ	(“Чалабийнинг Талвиҳга шарҳи”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
40.	Фатвои Ферузшоҳ Ферузхоший	(“Ферузшоҳ фатвоси”)	Фикҳ китоби
41.	Тафсири Мавлоно Исомиддин	(“Мавлоно Исомиддин тафсири”)	Тафсир илми
42.	Китоб Шарҳи Мужалло	(“Мужаллога шарҳ”)	Ҳадис илми
43.	Дафтари сониИ Ниҳоя	(“Ниҳоя китобининг 2-дафтари”)	Фикҳ китоби
44.	Мажмаъ ал-баҳарайн	(“Икки денгиз жамланиши”)	Фикҳ китоби
45.	Айнул ҳадис	(“Айни ҳадис”)	Ҳадис илми
46.	Фатово	(“Фатволар”)	Фикҳ илми
47.	Шарҳи Мажмаъ ал-баҳарайн	(“Мажмаъ ал-баҳарайн шарҳи”)	Фикҳ китоби
48.	Ғунят ат-толибин	(“Талабаларга кифоя”)	Фикҳ китоби

49.	Матин	(“Матин”)	Наҳв ва сарф – араб тили
50.	Мавлавий Шариф бар Шарҳи Мулло	(“Шарҳи Муллога Мавлавий Шарифнинг шарҳи”)	Наҳв
51.	Мавлавий Ҳасан	(“Мавлавий Ҳасан китоби”)	Ҳадис илми
52.	Канз ал-дақоик	(“Канзул дақоик - Нозик илмлар хазинаси”)	Фикҳ илми
53.	Танбеҳ ал-аном	(“Одамларга танбеҳ”)	Салавот
54.	Китоб ал-Айн	(“Айн китоби”)	Ҳадис илми
55.	Тайсир ат-тахрир	(“Тахрирни енгил қилиш”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
56.	Лабиб бар Талвих	(“Талвих китобига Лабиб шарҳ”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
57.	Тавзиҳ	(“Ойдинлаштириш”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
58.	Се мужаллади Ниҳоя	(“Ниҳоя китобининг 3 жилди”)	Фикҳ илми
59.	Мизон ал-усул	(“Усул илми мезони”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
60.	Шарҳи Қози Изуд	(“Қози Изуддиннинг шарҳи”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
61.	Шарҳи Шамоил	(“Шамоил шарҳи”)	Тарих (сийрат) Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг шакл-шамоиллари шарҳи
62.	Ҳидоя, дафтари аввал	(“Ҳидоя”нинг 1-дафтари)	Фикҳ илми
63.	Мавлавий Қосим бар Ақоид	(“Мавлавий Қосимнинг Ақоидга шарҳи”)	Ақида илми
64.	Қори Камол	(“Қори Камол китоби”)	Калом илми, мантиқ

65.	Мулло Аҳмад бар Ақоид	(“Мулло Аҳмаднинг Ақоидга шарҳи”)	Ақида илми
66.	Мулло Абдулғафур бар Шарҳи Мулло	(“Мулло Абдулғафурнинг Шарҳи Муллога шарҳи”)	Араб тили
67.	Тафсири Қози Байзовий жилди аввал	(“Қози Байзовий тафсири, 1-жилд”)	Тафсир
68.	Одоб ал-ҳисоб	(“Бичиш (суннатий) одоби ҳақида китоби”)	Ҳадис шарҳи
69.	Ақоид	Ақоид	Ақида илми
70.	Ашбоҳ	(“Ўхшаш масалалар”)	Фикҳ китоби
71.	Охунд Шайх	(“Охунд Шайх китоби”)	Мантиқ илми
72.	Тағриб	(“Ғариблаш масаласи”)	Мантиқ илми
73.	Ҳикмат ал-Айн	(“Аллоҳ ҳикматлари”)	Ҳикмат, Ақида илми
74.	Мирзожон бар Ҳикмат	(“Ҳикмат китобига Мирзожоннинг шарҳи”)	Ҳикмат, ақида илми
75.	Мулло Фахриддин	(“Мулло Фахриддин”)	Фикҳ илми
76.	Иноя	(“Иноя китоби”)	Фикҳ илми
77.	Шамуни	(“Шамуни китоби”)	Фикҳ масаласи
78.	Мавлоно Тож бар Шарҳи Виқоя	(“Шарҳи Виқояга Мавлоно Тожнинг шарҳи”)	Фикҳ илми
79.	Чалабий бар Шарҳи Виқоя	(“Шарҳи Виқояга Чалабийнинг шарҳи”)	Фикҳ илми
80.	Саҳиҳи Муслим	(“Имом Муслимнинг Саҳиҳ китоби”)	Ҳадис илми
81.	Мавлавий Исомиддин	(“Мавлавий Исомиддин”)	Мантиқ илми
82.	Ниҳоя бар Ҳидоя	(“Ҳидояга “Ниҳоя” номли шарҳ”)	Фикҳ илми
83.	Мустахлис	(“Софлаштириш”)	Мантиқ илми
84.	Татимма	(“Тугал китоб”)	Мантиқ илми

85.	Саҳиҳи Бухорий жилди аввал	(“Саҳиҳи Бухорий, 1- жилд”)	Ҳадис илми
86.	Саҳиҳи Бухорий жилди аввал	(“Саҳиҳи Бухорий, 2- жилд”)	Ҳадис илми
87.	Мулло Абдулҳаким бар Ҳошия	(“Мулло Абдулҳакимнинг Ҳошияга шарҳи”)	Мантиқ илми
88.	Ҳошия	Ҳошия	Мантиқ илми
89.	Шарҳи Мулло	(“Мулло Жомийнинг Шарҳи”)	Наҳв, Араб тили
90.	Тафсир	Тафсир	Тафсир илми
91.	Мулло Жалол	Мулло Жалол	Мантиқ илми
92.	Шарҳи Виқоя	(“Виқоя шарҳи”)	Фикҳ китоби
93.	Ғоят ал-таҳқиқ	(“Яқуний таҳқиқ”)	Усулул фикҳ илми – шаръий ҳукм олиш усули
94.	Мулло Аҳмад бар Ҳошия	(“Ҳошияга Мулло Аҳмад шарҳи”)	Мантиқ илми
95.	Дар ад-дурур	(“Дурлар ҳақида ёзиш”)	Тарих
96.	Мулло Шамсиддин Муҳаммад	(“Мулло Шамсиддин Муҳаммад китоби”)	Фикҳ китоби
97.	Мавлавий Исомиддин бар Шарҳи Мулло	(“Шарҳи Муллога Исомиддин шарҳи”)	Наҳв, араб тили
98.	Мир Саййид Шариф бар Мифтоҳ	(“Мифтоҳга Мир Саййид Шариф шарҳи”)	Баён илми, араб тили
99.	Дафтари аввали Ниҳоя	(“Ниҳоянинг 1- дафтари”)	Фикҳ китоби
100.	Лабиби Мулло Абдулғафур	(“Мулло Абдулғафурнинг Лабиб китоби”)	Наҳв, араб тили
101.	Шарҳи Талҳис	(“Талҳис шарҳи”)	Баён илми, араб тили
102.	Тафсири Дурари Мансур	(“Мансурнинг Дура тафсири”)	Тафсир
103.	Шарҳи Шофия	(“Шофия шарҳи”)	Сарф, араб тили
104.	Мутававал	(“Батафсил - мутававал”)	Баён илми, араб тили

105.	Лабиби бар Мулло Абдулғафур	(“Мулло Абдулғафур китобига Лабиб шарҳи”)	Наҳв, араб тили
106.	Каланбуйи Мулло Жалол	(“Мулло Жалолнинг Каланбуй китоби”)	Мантиқ илми
107.	Мулло Абдулҳаким бар Ақоид	(“Ақоидга Мулло Абдулҳаким шарҳи”)	Ақида илми
108.	Мавлавий Файзи бар Мулло Жаолол	(“Мулло Жалол китобига Мавлавий Файзи шарҳи”)	Мантиқ илми
109.	Шарҳи Таҳовий	(“Таҳовий шарҳи”)	Фикҳ китоби
110.	Атвал бар Шарҳи Талхис	(“Шарҳи Тадхисга батафсил шарҳ”)	Наҳв, араб тили
111.	Мулло Абдуррахмон	Мулло Абдуррахмон	Наҳв, араб тили
112.	Тафсири Кабир	(“Розийнинг Тафсири Кабир”)	Тафсир илми
113.	Мавлавий Шарифайн	Мавлавий Шарифайн	Мантиқ илми, калом
114.	Муҳаққиқ Давоний	Муҳаққиқ Давоний	Мантиқ илми
115.	Муғний ал-лабиб	(“Лабиб китобига кифоя қилувчи”)	Баён, араб тили
116.	Мир Саййид Шариф бар Мутаввал	(“Мутаввалга Мир Саййид Шариф шарҳи”)	Мантиқ илми
117.	Мулло Абдулҳаким бар Мутаввал	(“Мутаввалга Мулло Абдулҳаким шарҳи”)	Мантиқ илми

Тез орада 1876 йил 3 майда Петербургдан генерал Г.Колпаковский номига навбатдаги телеграмма юборилиб, унда: “Транспорт конторасига А.Куннинг номига Қўқон хонлигида йиғилган барча шарқ кўлём-аларини юбориш тўғрисида фармойиш беришингизни сўрайман”, деб ёзилган эди.

6 май куни ушбу китоблар коллекцияси ака-ука Каменскийларнинг транспорт контораси оркали Санкт Петербургга олиб кетилган.

1876 йил 23 ноябрда шарқшунос А.Кун Туркистон генерал-губернатор девонхонасига Қўқон хонлиги ҳарбий юриши вақтида йиғиб олинган шарқ тилларидаги кўлёмалар К.П.Кауфманнинг буйруғига

асосан Санкт-Петербургдаги Император оммавий кутубхонасига топширилганлиги тўғрисида ҳисобот юборади.

Хулоса қилиб айтганда, Россия империяси маъмуриятида Қўқон хонлигида яшаб, ижод этган олим ва адибларнинг илмий мерослари катта қизиқиш уйғотган. Бугунги кунга келиб, ушбу ноёб манбалар дунё хазиначиларини бойитиб келмоқда. Замонавий тадқиқотчилар томонидан мазкур манбаларни ўрганиш келгусида нафақат Қўқон хонлиги тарихи манбашунослигини бойитишга, балки ўз даврининг етуқ олимлари бўлган аждодларимиз интелектаул меросини янада чуқурроқ тадқиқ этишга замин яратади.

СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

А.А. ЕРМЕТОВ

*т.ф.д., Ўзбекистон Миллий Университети
Тарих факультети доценти*

Мавзуга тегишли тарихий адабиётлар ва тадқиқотларни хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси, XX асрнинг 20-80 йилларида яратилган адабиётлар; иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин амалга оширилган тадқиқотлар; учинчиси, хорижий муаллифлар яратган асарлар.

XX асрнинг 20-30-йилларида мавзуга оид тадқиқотлар асосан матбуотда ва турли тўпламларда эълон қилинган бўлиб, уларнинг муаллифлари ҳуқуқшунослар, тарихчилар ва давлат арбоблари эди. Матбуотда пайдо бўлган илк мақола ва рисоалар² асосан давлат арбобларининг турли мажлис ва йиғилишларда қилган маъруза ва ҳисоботлари асосида ёзилган бўлиб, уларда ички ишлар органларининг тузилиши ва фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар юзасидан маълумотлар келтирилади. Таъкидлаб

¹ ЎзР МА, ф.И-1, р.16, йж.2334, 16-варақ.

² Пять лет власти Советов. - Москва: Издание ВЦИК, 1922; Сеницын П. История советской рабоче-крестьянской милиции (по Саратовской губернии). - Саратов. 1924; За 8 лет. Материалы по истории советской рабоче-крестьянской милиции и уголовного розыска за 1917-12 ноября 1925г. - Ленинград, 1925; Зайцев П. Итоги совещания наркомвнутделов // Административный вестник. №3, 1926; На борьбу с бюрократизмом и бесхозяйственностью, за чистоту партийных рядов. - Ташкент, 1929; Сольц А. О работе ЦКК. - Москва, 1930; Горохов А. Секции РКИ в действии. - Москва, 1930; Ходжаев Ф. Советы в новом этапе (Доклад на расширенном заседании директората научно-исследовательского института советского строительства и права Узбекистана) // Советское строительство и право. № 1, 1932; Кнорин В. О ходе чистки Московской организации ВКП(б). - Москва, 1933 ва бошқ.

ўтилган мақола ва рисоаларга кўшимча тариқасида "Рабоче-крестьянская милиция"¹ журналида чоп этилган айрим мақолаларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар орасида И.Петкар², Д.Курский³ ва С.Седовларнинг⁴ мақолалари алоҳида эътиборга молик. И.Петкар ўз мақоласида Ишчи-деҳқон милициясининг тузилиши билан боғлиқ кўплаб маълумотларни жамлаб уларни таҳлил қилади. С.Седов эса Ишчи-деҳқон милициясининг тарихини ёзиш зарурлигини эътироф этиб, бунинг учун амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни ишлаб чиқади.

XX аср 40-йилларидан бошлаб то 80-йилларнинг охиригача яратилган асарлар, мақолалар⁵ ва диссертацион тадқиқотлар⁶ асосан тарих ва ҳуқуқшунослик соҳасида амалга оширилган.

1 "Рабоче-крестьянская милиция" журнали РСФСР Милиция Бош бошқармасининг таклифи билан 1922 йил ноябрь ойидан бошлаб чиқарила бошлаган (1 йилда 12 марта). ИИХК коллегиясининг 1925 йил январдаги қарорига асосан журнал номи "Административный вестник" деб ўзгартирилиб, у 1930 йилгача фаолият кўрсатган.

2 Петкар И. Историческая справка, необходимая для создания истории рабочей-крестьянской милиции // Рабоче-крестьянская милиция. №6, 1924. -С.11-15.

3 Курский Д. Милиция в прошлом и настоящем // Административный вестник. №1, 1925. -С.34-36.

4 Седов С. Год работы по составлению истории рабочей-крестьянской милиции // Административный вестник. №11, 1925. -С.58-60.

5 Иконников С. Вовлечение трудящихся масс в управление государством // Вопросы истории. №8, 1957; Унинг ўзи. Ленинский план реорганизации РКИ и его осуществление в 1923-1925гг. // Вопросы истории. №2, 1960; Новодворский М. Из истории деятельности ЦКК-РКИ Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. №6, 1964; Джалилов Т. Ревком УзССР в борьбе за укрепление социалистического правопорядка (1924-1925гг.) // Общественные науки в Узбекистане. 1968, № 6; В Центральном Комитете КПСС и Совете Министров СССР // Советская милиция, № 12, 1968 ва б.

6 Джалилов Т. Создание рабочей-крестьянской милиции в Туркестане и ее деятельность по укреплению Советской власти (1917-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент: 1964; Унинг ўзи. Милиция Узбекистана в системе органов советского социалистического государства и её деятельность перехода к социализму. Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. - Ташкент: 1971; Новодворский М. Деятельность ЦКК-РКИ Узбекской ССР по укреплению государственного аппарата республики в 1926-1929 гг. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент: 1966; Атаджанов А. Организация и деятельность рабочей-крестьянской инспекции в Туркестанской АССР (1920-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1966; Безденежных В. Правовые формы административной деятельности советской милиции. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 1968; Полозов Г. Правовые вопросы организации и деятельности милиции в особых условиях связанных со стихийными бедствиями (По материалам Туркменской и Узбекской ССР). Дисс. ... докт. юрид. наук. - Тошкент: 1970; Колонтаевский Ф. Обеспечение социалистической законности в административной деятельности советской милиции (по материалам Узбекской ССР). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 1970; Мухамедов А. Создание и деятельность Советской милиции в Туркменской ССР (1917-1936гг.). Дисс. ...

Хуқуқшунос олим Т.Жалиловнинг тадқиқотларида илк маротаба Ишчи-деҳқон милициясининг тузилиши масаласи ва унинг кейинги фаолияти атрофлича тадқиқ этилади. Тадқиқотлар хуқуқшунослик соҳасида олиб борилганлиги сабабли, асосан милиция ходимларига тегишли хуқуқий нормативларнинг таҳлилига кўпроқ эътибор қаратилиб, унда кадрлар масаласи жуда суст, ходимларнинг ижтимоий ҳаётидаги муаммолар, шунингдек, милиция фаолиятидаги зиддиятли ҳолатлар умуман ўрганилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, диссертацияларда мавжуд тузумнинг таъсири оқибатида кўплаб тарихий жараёнлар сохталаштирилади ҳамда воқеа ва ҳодисаларнинг тасвирланишида бир томонлама муносабат сезилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг тарихни ҳаққоний ва холис равишда ёзишга киришилди, бу жараён негизида тадқиқ этилаётган мавзу тарихшунослигининг иккинчи даври бошланди. Мустақиллик йилларида тарихчилар томонидан янгича методологик услубда ёзилган рисола¹, монографиялар² ва коллектив

канд. юрид. наук. - Ашхабад-Ташкент, 1972; Алимов Х. Административная деятельность милиции Узбекской ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 1972; Абидов Ю. Деятельность Компартии Узбекистана по повышению роли административных органов и общественных организаций в коммунистическом воспитании трудящихся (1959-1965 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тошкент, 1977; Билас И. Органы милиции в западных областях Украинской ССР в 1939-1945 гг. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 1979; Некрасов В. Деятельность КПСС по созданию и совершенствованию внутренних войск Советского государства (1917-1977 гг.). Автореф. дисс. ... док. ист. наук. - Москва, 1980; Янгол Н. Организационно-правовые вопросы деятельности органов внутренних дел Ленинграда в годы Великой Отечественной войны. (1941-1945). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 1988; Гусак В. Борьба с преступностью в СССР накануне и в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 1991 ва б.

¹ Халқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Ғ.Раҳимов. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Бобоев М. Соатов А. Сурхондарё милицияси. - Самарқанд: Суғдиён, 1998; Таумуратов Н. Органы внутренних дел Республики Каракалпакистан в годы независимости: страницы истории МВД РК. - Нукус: Каракалпакистан, 2003; Андижон милицияси: кеча ва бугун. Муаллифлар жамоаси. - Андижон, 2008; Раҳмонов Т. Сирдарё милицияси халқ хизматида. - Тошкент: Muḥarrir, 2012 ва б.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. - Тошкент: Маънавият, 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 й.). - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 й.). - Тошкент: Маънавият, 2002; Унинг ўзи. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 й.). - Тошкент: Yangi nashr, 2015; Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. - Ташкент: Шарк, 2000; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг

монографиялар¹ билан бир қаторда Қ.Ражабов, З.Ғуломов, Н.Норжигитова, Ф.Набиев, Г.Алимов, Н.Таумуратов, Н.Инатов, И.Ҳайдаров, Х.Юнусова, Б.Расуловнинг² диссертацион тадқиқотларини ажратиб

фожеали оқибатлари. - Тошкент: Шарқ, 2001; Алимова Д., Голованов А. Узбекистан в 1917 – 1990 годы: противоборство идей и идеологии. - Ташкент, 2002; Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007; Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917 – 1924 й.). - Тошкент: Университет, 2005; Ўша муаллиф. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар. - Тошкент: Turon-iqbol, 2016; Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917 – 1924 йилларда). - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 й.). - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008; Ҳайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917 – 1934 й.). - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008; Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика Советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.) - Тошкент: Тафаккур, 2011. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 йиллар). - Тошкент: Sharq, 2012; Каримов Н. “Қатта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. - Тошкент: Фан, 2013; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917 – 1941 й.). - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012; Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920 – 1924 й.). - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012; Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917 – 1918 й.). - Тошкент: Истиқлол нури, 2013; Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. - Ташкент: Navro'z, 2014; Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёни (1917 – 1941 й.). - Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920 – 1924 йиллар). - Тошкент: Yangi nashr, 2015; Давлатова Ш. Ўзбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва тараққиётида миллий масаланинг тутган ўрни (XX асрнинг 20-йиллари). - Тошкент: Navro'z, 2016 ва б.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. - Тошкент: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. - Тошкент: Шарқ, 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865 – 1990 й.). Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: Д.Алимова. - Тошкент: Шарқ, 2000 ва б.

² Ражабов К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тошкент, 1995; Унинг ўзи. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Тошкент, 2005; Гулямов З. Проблемы совершенствования деятельности милиции в период становления демократического правового государства. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Тошкент, 1995; Норжигитова Н. Историография "Басмаческого движения" в Туркестане (советский период). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тошкент, 1995; Набиев Ф. Проблемы и противоречие социальной политики в Туркестане (1917-1927гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Тошкент, 1995; Алимов Г. Теоретические проблемы совершенствования статуса и деятельности органов

кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон тарихининг совет даврига оид турли дарсликларда¹

Н.Таумуратовнинг диссертацияси Қорақалпоқ милициясининг совет тузуми давридаги тарихига бағишланган бўлиб, унда ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига мос келувчи вилоятларда милиция бўлимларининг 1917-1936 йиллардаги фаолияти ёритилади.

1991 йилда СССР тарқалиб, унинг ўрнида 15 та мустақил давлатлар ташкил топгандан сўнг ушбу муаммо бизга кўшни республикаларда ҳам ўрганилмоқда. Жумладан, Қирғизистонлик тадқиқотчилар А.Джакишев, Н.Жусупов ва Т.Джорабековлар² томонидан Қирғизистон ички ишлар идораларининг фаолияти ва тарихига бағишланган номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Тожикистон Республикасида А.Имомёрбеков томонидан ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияда³ 1917-1945

государственной власти в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Тошкент, 1997; Таумуратов Н. История милиции Каракалпакистана в период восстановления национальной государственности (1917-1936гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Нукус, 1999; Инатов М. Письма узбекистанцев в официальные органы как исторический источник (вторая половина 20-х годов XX века). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тошкент, 2005; Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди...диссертация автореферати. - Тошкент, 2006; Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1924 йй.). Тарих фанлари номзоди...диссертация автореферати. -Тошкент: 2007; Юнусова Х. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 2009; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йй.). Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2017 ва б.

¹ Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1993 й.). Илмий муҳаррир: А. Аскарлов. - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994; Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 й.). - Тошкент: Шарқ, 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 й.). - Тошкент: Университет, 2002; Ўзбекистон тарихи. Р.Ҳ. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2003; Ўзбекистон тарихи. II жилд (XIX аср иккинчи ярми – 1991 йил август). - Тошкент: Ma'naviyat, 2015; Раджабов К., Замонов А. История Узбекистана (1917 – 1991 гг.). - Ташкент: Издательство имени Гафура Гуляма, 2017; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 1-2 том. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, Қ.Ражабов, М.Раҳимов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019 ва б.

² Джакишев А. Деятельность милиции Кыргызстана по охране общественного порядка и борьбе с преступностью (50-е годы). Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Бишкек, 1998; Жусупов Н. Историко-правовые аспекты становления и развития внутренних войск МВД Кыргызской Республики. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Бишкек, 2014; Джорабеков Т. Историко-правовые аспекты становления и развития органов предварительного следствия МВД Кыргызской Республики. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -Ош, 2014 ва б.

³ Имомёрбеков А. История формирования и развития органов милиции на Памире (1917-1945 гг.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Душанбе, 2015.

йилларда Помир худудларида милиция органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тарихи тадқиқ этилган. Қозоғистон Республикасидаги С.Кунгожиновнинг номзодлик диссертациясида ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шаклланиши ва бу жараённинг улар фаолиятига таъсири масаласи таҳлил этилган.

Россия Федерацияси ва Украинада нашр этилаётган кўплаб тарихий адабиётлар² ва тадқиқотларда совет давридаги бошқарув тизими, ундаги

¹ Кунгожинов С. Формирование правовой культуры работников органов внутренних дел и ее влияние на профессиональную деятельность. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Алматы, 2003.

² Мулукаев Р. История органов внутренних дел. - Москва, 1992; Афоничев В. История российской милиции. - Москва, 1994; Полиция и милиция России: страницы истории. - Москва, 1995; Некрасов В. Тринадцать «железных» наркомов: История НКВД – МВД от А.И. Рыкова до Н.А.Щелокова (1917-1982 гг.). - Москва, 1995; История России XX век. - Москва: Клио-Софт, 1997; Судоплатов П. Спецоперации. Лубянка и Кремль 1930-1950 годы. - Москва: Олма-Пресс, 1997; Петров Н.В., Скоркин К.В. Кто руководил НКВД 1934–1941. Справочник. - Москва, 1999; Болгов В., Скилягин А. История органов внутренних дел России. - Москва: СПб., 1999; Ратьковский И., Ходяков М. История Советской России. Учебное пособие. - Санкт-Петербург: Лань, 2001; История Управления внутренних дел Оренбургской области. - Оренбург, 2002; Милиция Челябинской области в 1802-2002 гг. Страницы истории. - Челябинск, 2002; МВД России. Энциклопедия. Научный редактор: В.Ф.Некрасов. - Москва: Объединенная редакция МВД России, Издательский дом «Олма пресс», 2002; Лубянка: Органы ВЧК-ОГПУ-НКВД-НКГБ-МГБ-МВД-КГБ. 1917-1991. Справочник. Под. ред. акад. А.Н.Яковлева. - Москва: МФД, 2003; Министерство внутренних дел. 1902-2002. Исторический очерк. Под. общ. ред. Р.Г.Нургалиева. - Москва, 2004; Мозохин О. ВЧК – ОГПУ. Карающий меч диктатуры пролетариата. - Москва: Изд-во А.Яуза, Изд-во Эксмо, 2004; Саттер Д. Век безумия: распад и падение Советского союза (пер с англ) \ Дэвид Саттер. - Москва: ОГИ, 2005; Кара-Мурза С. Советская цивилизация. От начала до Великой победы. - Москва: Алгоритм; Эксмо, 2005; Медведев Ж. Сталин и еврейская проблема: Новый анализ. - Москва: АСТ, 2005; Жуков Ю. Сталин: Тайны власти. - Москва: Вагриус, 2005; Шамбаров В. Окультурные корни Октябрьской революции. - Москва: Алгоритм; Эксмо, 2006; Кожин В. Правда сталинских репрессий. - Москва: Алгоритм; Эксмо, 2006; Голинков Д. Правда о врагах народа. - Москва: Алгоритм, 2006; Брачев В. Масоны у власти. - Москва: Алгоритм; Эксмо, 2006; Козлов В.А. Неизвестный СССР. Противостояние народа и власти 1953-1985 гг. - Москва: Олма-пресс, 2006; Отечественная история. XX – начало XXI веков. - Москва: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2013; История России с древнейших времен до наших дней. Под. ред. А.Н.Сахарова. - Москва: Проспект, 2015 и др.

³ Городинец Ф. Правовое государство и милиция (теоретико-правовой аспект). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Санкт-Петербург, 1995; Григанис Э. Органы внутренних дел в механизме правового государства (теоретико-правовой аспект). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Санкт-Петербург, 1995; Ирлицин В. Деятельность органов НКВД в годы Великой отечественной войны, июнь 1941 – ноябрь 1942 г.: на материалах Калининской области. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тверь, 1998; Грикуть А. Роль и место органов НКВД СССР в осуществлении уголовно-правовой политики Советского государства в годы Великой

тартибсизликлар билан бирга милиция органларининг фаолиятидаги хусусиятлар ҳам кўрсатиб берилган.

Москвада Н.В. Петров ва К.В. Скоркинлар томонидан нашр этилган китобда¹ 1930 йилларда ички ишлар тизимида юзага келган вазият, раҳбарларнинг шахси ва фаолияти тадқиқ этилиб, қатағон жараёнида ИИХК ходимларининг қатағон қилиниши билан бирга, бевосита репрессия жараёнини уюштирган ва унда иштирок этган ходимларнинг ўзлари ҳам кейинчалик ҳибсга олингани ва уларга нисбатан турли кўринишдаги жазолар қўлланилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон ички ишлар органларининг раҳбарлари (республика ва вилоятлар миқёсида) ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, юқорида таъкидланган

Отечественной войны (1941-1945 гг.). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 1999; Герман Р. Организационно-правовые основы деятельности российской милиции по охране общественного порядка в борьбе с преступностью в годы Великой Отечественной войны и послевоенный период 1941-1960 гг. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Ростов н/Д., 1999; Минаков С.Т. Советская военная элита 20-х годов: состав, социо-культурные особенности, политическая роль. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Орел, 2000; Шатилов С. Деятельность милиции Западной Сибири в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. (историко-правовой аспект). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Санкт-Петербург, 2001; Ермаков Е. Организационно-правовые основы деятельности органов внутренних дел по борьбе с детской беспризорностью в годы Великой Отечественной войны и послевоенный период (1941-1950 гг.) (историко-правовой аспект). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 2002; Верютин Д. Деятельность органов НКВД на территории Центрального Черноземья накануне и в годы Великой отечественной войны. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Курск, 2002; Калашников И. Органы внутренних дел Республики Бурятия. 1923 – начало 2000 г. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Иркутск, 2002; Тимофеев В. Органы милиции Чувашии в годы Великой Отечественной войны (историко-правовой аспект). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Н.Новгород, 2002; Матросова Л. Организационно-правовые основы деятельности орловской милиции в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Орел, 2004; Рябченко А. Органы внутренних дел и государственной безопасности Северного Кавказа в годы Великой Отечественной войны. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Славянск-на-Кубани, 2006; Сучилкин А. Пензенская милиция в годы Великой Отечественной войны. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Пенза, 2006; Крижна В. Правовые основы деятельности Министерства внутренних дел УССР в 1972-1991 гг. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Киев, 2012; Михайлик М. Милиция Черниговщины (1919-1940 гг.): историко-правовые исследования. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Киев, 2013; Мельничук М. Правовые основы социального партнерства милиции в условиях трансформации гражданского общества в Украине. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Киев, 2015 ва бошқ.

¹ Петров Н.В., Скоркин К.В. Кто руководил НКВД 1934–1941. Справочник. - Москва, 1999.

муаллифлар томонидан нашр этилган иккинчи китобда совет даврида фаолият юритган ички ишлар идораларига тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, ички ишлар органларининг структураси, вазифа ва ваколатлари, раҳбар ходимларнинг таркибий тузилиши ва штатлари тадқиқ этилади.

Бундан ташқари Қозоғистон², Қирғизистон³, Тожикистонда⁴ нашр этилган турли китоблар ва ўқув қўлланмаларида ушбу давлатлар ҳудудларида совет даврида мавжуд бўлган назорат органлари фаолияти ҳам қисман ёритилган.

Маълумки, Ўзбекистонда бўлиб ўтган воқеаларни чет эл тадқиқотчилари қизиқиш билан ўрганганлар ва улар томонидан ўлка тарихига оид бир қатор адабиётлар⁵ нашр этилган. К.Олаф, А.Парк, Р.Пайпс, Ж.Вилер, Е.Эвельсон, Б.Ҳайит, Ж.Клайн, М.Малия, Б.Джузеппе, М.Буттино, А.Халид, Р.Батлер каби тадқиқотчилар ўз асарларида Ўзбекистон тарихига оид воқеалар, минтақада совет

1 Лубянка: Органы ВЧК-ОГПУ-НКВД-НКГБ-МГБ-МВД-КГБ. 1917-1991. Справочник. Под редакцией акад. А.Н.Яковлева; авторы - сост: А.И. Кокурин, Н.В.Петров. - Москва: МФД, 2003.

2 Абусейтова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. - Алматы: Дайк-Пресс, 2001; Масанов Н.Э. и др. История Казахстана: народы и культуры. Учебное пособие. - Алматы: Дайк-Пресс, 2001; Хрестоматия по истории Казахстана. 1900-1945 гг. (сост. Казыбаев И.М., Казыбаев М.К.) - Алматы: Интерпринт, 2004; Ахметов М.М. Сталин. Разгадка Сфинкса. - Караганда: ТОО «Учебная книга», 2006 и др.

3 История кыргызов и Кыргызстана. Учебник для вузов. 3-изд. - Бишкек: Илим, 2000 и др..

4 Хайдаров Г.К. История таджикского народа: XX век. - Худжанд, 2001; История таджикского народа. Т.5. Новейшая история (1917-1941 гг.). - Душанбе, 2004 и др.

5 Caroe Olaf. Soviet Empire. The Turks of Central Asia and Stalinism. London Macmillan and CoLtd. New York st Martins Press, 1954; Alexandr G. Park. Bolshevism in Turkestan 1917-1927/ Columbia University. Press. - New York, 1957; Geoffrey Wheeler. The modern history of Soviet Central Asia. - London. Weidenfeld and Nicolson, 1964; Эвельсон Е. Судебные процессы по экономическим делам в СССР. - Лондон, 1968; Pipes Richard. The formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism, 1917-1923/ Cambridge, Mass. Harward University Press. 1997; Baymirza Hayit. Turkiston Rusya ile Cin arasinda. - Istanbul, 1975. Унинг ўзи. "Basmacilar". Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934). - Ankara, 1997; Kline G. Capital Punishment for Crimes against state and Public property in the Soviet Union / - Washington, D.C., 1987; Malia M. The Soviet Tragedy: A History of Socialism in Russia. - Toronto: The Free Press, 1995; Боффа Джузеппе От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964-1994: Пер. с ит. Хаустовой Л.Я. - Москва: Междунар. Отношения, 1996; Marco Buttino. La rivoluzione capovolta. - Napoli, 2003; A.Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. - London, 2015; R.Butler. Stalins Secret Police: A History of the ChEKA, OGPU, NKVD, SMERSH and KGB: 1917-1991 (Military Classics): - London, 2015 ва бошқ.

хукуматининг ўрнатилиши билан боғлиқ масалалар, жамиятдаги қарама-қарши кучларнинг қарашлари, большевиклар сиёсати ва қизил армиянинг фаолиятига қарши кўтарилган миллий озодлик ҳаракати ҳамда Ўзбекистондаги назорат органларининг тарихи ва совет давлати юритган миллий сиёсат масалаларини кўрсатиб беришган.

Хусусан, инглиз тадқиқотчиси Ж.Вилернинг китобида "совет хукумати дабдабали декларацияларида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини расмий жиҳатдан эътироф этган бўлсада, амалда у чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини янгича асосларда давом эттирди"¹ – деб таъкидланади.

М.Малиянинг монографиясида² 1960-1970 йилларда совет давлат бошқарув тизимида юзага келган камчиликлар, жамиятда жиноят содир этилиши ҳолатларининг кўпайиши, унинг сабаблари, милиция ва унинг халқ дружиналари билан ҳамкорликдаги фаолияти тадқиқ этилган.

А.Халиднинг монографиясида³ Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланиши, давлат бошқарув тизими, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, коллективлаштириш жараёнидаги муаммолар, унга қарши оммавий чиқишларнинг уюштирилиши, совет ҳукмронлиги йилларида фаолият олиб борган назорат ва жазо органлари, жумладан, Давлат сиёсий бошқармаси ва ички ишлар идораларининг фаолияти, уларнинг иш юритиш услуби, совет даврида ўтказилган қатағонлик сиёсатида уларнинг ўрни очиқ берилган.

Р.Батлернинг китобида⁴ совет давлати ҳукмронлиги йилларида фаолият юритган назорат ва жазо ташкилотларининг тарихи, уларнинг иш юритиш услуби, XX асрнинг 20-30-йилларида совет давлатида ўтказилган қатағонлик сиёсатида уларнинг ўрни ва кейинги йиллардаги фаолияти ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқотларда Ўзбекистондаги ички ишлар органларининг фаолияти тўлиқ ўрганилмади. Хусусан, совет даврида яратилган асарларда муаммога ёндашув коммунистик мафқуранинг ғоявий таъсири остида бўлганлиги учун бу масалалар ўзининг ҳолис талқинини топмаган. Ўзбекистонда мустақиллик даврида яратилган тадқиқотларда ҳам ички ишлар органларининг тарихи етарли даражада ёритилмади.

¹ Geoffrey Wheeler. The modern history of Soviet Central Asia. - London: Weidenfeld and Nicolson, 1964, -Page. 98.

² Malia M. The Soviet Tragedy: A History of Socialism in Russia. - Toronto: The Free Press, 1995.

³ A.Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. - London, 2015.

⁴ R.Butler. Stalins Secret Police: A History of the ChEKA, OGPU, NKVD, SMERSH and KGB: 1917-1991 (Military Classics): - London, 2015.

CHUST MADANIYATI VA UNING O'RGANILISH TARIXIGA DOIR

R.R.ALIMOVA

TDSHU dots., t.f.n.,

M.M.TURDIXO'JAYEVA

TDSHU 1-kurs magistranti

Annotasiya. *Maqolada Farg'ona vodiysidagi mil.av. 2-ming yillik oxirgi choragi 1-ming yillik boshlariga taalluqli bo'lgan ko'hna dehqonchilik madaniyati hisoblanmish Chust madaniyati tarixi va tarixshunosligi masalalari yoritishga harakat qilingan. Zadneprovskiy, M.E.Voronets, V.I.Sprishhevskiy, G.P.Ivanov, B.X.Matboboyev va boshqa arxeologlarning tadqiqotlari va ulardagi ma'lumotlar tahlil etiladi. Shuningdek, maqolada Chust madaniyati bo'yicha berilgan arxeologik xulosalar o'zaro qiyosiytahlil qilingan.*

Tayanch so'z va iboralar: *Chust madaniyati, ilk dehqonchilik madaniyati, Yu.A. Zadneprovskiy, M.E. Voronets, V.I. Sprishevskiy, G.P. Ivanov, B.X. Matboboyev, tarixshunoslik, arxeologiya, Farg'ona arxeologiyasi, Eylaton-Oqtom madaniyati, Dalvarzintepa, arpa, sopol ko'za.*

Farg'ona vodiysida o'zining yuksak tarixiy qiymatiga ega bo'lgan ko'plab yodgorliklar mavjud. Shunday yodgorliklardan biri mil.av. 2-ming yillik oxirgi choragi 1-ming yillik boshlariga taalluqli bo'lgan ko'hna dehqonchilik madaniyati hisoblanmish Chust madaniyati o'ziga xos tarixga ega ekanligi bilan e'tiborlidir. Chust madaniyati yodgorliklari, asosan, Farg'ona vodiysining shimoliy-sharqiy tumanlarida uchraydi, ularning soni hozirda 80 dan ortiq.

O'rta Osiyoning boshqa bironta vohasida ilk temir davriga oid bunchalik ko'p yodgorlik topilgan emas. Fanda ushbu bronza davri dehqonchilik madaniyati to'laroq o'rganilgan deyishimiz ham mumkin. Bu madaniyatga taalluqli 1-yodgorlik 1950-yil toshkentlik arxeologlar M.E.Voronets¹ va V.I.Sprishhevskiy² tomonidan hozirgi Chust shahri yaqinidan topilgan. 1953-

¹ Воронец М.Э. Археологическая рекогносцировка по Наманганской области // ИАВУзССР, – Т., 1951. № 5. – С. 93-97.

² Спришевский В.И. Чустская стоянка эпохи бронзы (раскопки 1953 г.) // СЭ. 1954. № 3. – С. 69-76; Ўша муаллиф. Раскопки Чустского поселения в 1954 г. // ТАНТаджССР. т.37. – С.118-119; Ўша муаллиф. В.И. Чустское поселение эпохи бронзы (раскопки 1954 г.) // КСИИМК. Вып.69. 1957. – С. 40-49; Ўша муаллиф. Раскопки Чустского поселения в 1955 г. // ИАНУзССР. Сер.обществ.наук, В I. – С. 65-72; Ўша муаллиф. Чустское поселение эпохи бронзы (раскопки 1955 г.) // КСИИМК. 1958. Вып.71, – С. 86-98; Ўша муаллиф. Раскопки Чустского поселения эпохи бронзы в 1956 г. // СА. 1958. № 3. – С.185-189; Ўша муаллиф. Раскопки Чустского поселенил в 1957 г. // ИАНУзССР. Сер.обществ.наук, № 6. – С. 69-71; Ўша муаллиф. Раскопки Чустского поселения. //ОНУз, – Ташкент, 1961. № I, – С.

61-yillarda V.I.Sprishevskiy Chust madaniyatida muntazam arxeologik tekshirish ishlari olib borgan va o'zlarining xulosalarini chiqargan.

Chust madaniyatining keyingi o'rganilishida Sankt-Peterburglik olim Yu.A.Zadneprovskiyning xizmatlari katta bo'lgan. Chust madaniyatining ayrim yodgorliklarida (Dalvarzin) mudofaa inshootlari o'rganilgan. Zadneprovskiy qadimgi Chust madaniyati to'g'risida bu madaniyat asl shu yerning o'zida vujudga kelgan va mahalliy aholi tomonidan yaratilgan, degan fikrni bildiradi. Yu.A.Zadneprovskiyning ushbu fikriga qo'shilgan holda, yana bir boshqa tarixchi V.M.Masson Chust madaniyati so'nggi bronza davriga taalluqli, u eramizdan avvalgi X-VIII asrlarga to'g'ri keladi, cho'l ko'chmanchi aholining ko'chishi va o'troqlashuvi natijasida shakllangan degan fikrni ilgari suradi. Ammo Yu.A.Zadneprovskiy Chust madaniyatiga qadar qadimgi Farg'onada asl dehqonchilik madaniyati bo'lmagan, deb noaniq fikr yuritadi. Bu fikrga e'tiroz bildirib, G.P.Ivanov¹ shunday dalilni ilgari suradi: "Qadimgi Qayroqqum manzilgohlari ilk va keyingi davrlarga ajratiladi, keyingi manzilgohlardan topilgan sopol buyumlar Eylaton kulolchiligiga o'xshash keladi," - deb yozadi. Ushbu madaniyat aholi sonining keskin ortishiga olib kelgan o'troq dehqonchilik xo'jaligi rivojlanishi bilan bog'liq.

B.X.Matboboyevning aytishicha, aynan shu davrda vodiyning sharqiy qismida, Andijon viloyatining Oyim qishlog'idan 2 km sharqda joylashgan Dalvarzin, undan shimoli-sharqda joylashgan Ashqaltepa va boshqa shu kabi ilk shahar ko'rinishidagi yodgorliklar shakllana boshlagan. Eramizdan avvalgi VII asrga kelib Chust madaniyati barham topadi va rivojlanishning yangi – ilk temir asri Eylaton madaniyati (ayrim manbalarda Eylaton-Oqtom madaniyati deb ataladi) yodgorliklariga o'z o'rnini bo'shatib beradi. Ushbu davr materiallarida har ikkala madaniyatlarning (dehqonchilik va dasht chorvachiligi) o'zaro uyg'unlashish jarayoni yaqqol ko'zga tashlanadi. Bir tarafdin ushbu majmuada Chust dehqonchilik madaniyati an'analari davom etsa (eramizdan avvalgi XII– VIII–VII asrlar), boshqa tarafdin vodiyning tekislik qismini qurshab olgan adir, tog' oldi va tog' hududlarida ko'chmanchi chorvadorlarning ma'lum ta'siri seziladi.

Farg'ona vodiysidagi Chust madaniyati yodgorliklaridan olingan suyak qoldiqlariga etibor qiladigan bo'lsak, unda yirik shoxli qoramollarning soni ko'pchilikni tashkil etadi. Yu.A. Zadneprovskiy fikriga qaraganda, yirik shoxli qoramollarni ko'paytirish dehqonchilik xo'jaliklarida muhim ahamiyat kasb etgan². Ana shundan kelib chiqib, aytish mumkinki, Farg'ona vodiysida yirik

70-71; Ўша муаллиф. Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы). Автореф.канд.дис. – Ташкент, 1963. – 17 с.

²Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. //МИА. № 118. – М.-Л.: Наука, 1962. – 328 с.

shoxli qoramollarni qo'lg'a o'rgatish Chust davrigacha ma'lum bo'lgan¹. Hozirgi kunda Chust madaniyatida 3 xil turdagi yashash joylari ochilgan:

- 1) chaylaga o'xshash yengil uylar;
- 2) yerto'lalar;
- 3) g'isht paxsadan qurilgan uylar.

Chust madaniyati sohiblari, asosan, ilk sug'orma dehqonchilik (arpa, bug'doy, tariq), chorvachilik, metall(jez)ga ishlov berish, kulolchilik, to'qimachilik bilan shug'ullanganlar; ovchilik, baliq ovlash ham xo'jalikda muhim ro'l o'ynagan. Bunga arxeologik yodgorliklarni qazish paytida topilgan jez pichoqlar, bigizlar, metallga ishlov berishda ishlatilgan tosh qoliplar, to'qimachilikda qo'llanilgan suyakdan yasalgan taroqsimon asboblardan hamda minglab sopol idishlar guvohlik bermoqda. Uy ro'zg'or buyumlari ichida, ayniqsa, naqshindor sopol idishlar ajralib turadi. Naqshlar, asosan, geometrik shaklda qora, jigarrang bo'yoq bilan idish sirtiga berilgan. Ayrim hollarda hayvon tasvirlari (echki) ham uchraydi. Chust madaniyati aholisi marhumlarni o'zlari yashab turgan joyga (uy ichiga va ostonalarga) dafn etishgan. Alohida ajratilgan qabristonlar bo'lmagan². Marhumlarni yakka va ko'pchilik qilib g'ujanak holda yon tomon bilan ko'mganlar. Faqat Dalvarzintepada odam suyagi va kallasi alohida, ikkilamchi bor ko'milgani qayd etilgan. Bulardan tashqari, uy hayvonlari ham ba'zida odam suyaklari bilan birga ko'milgan. Hozirda Chust madaniyatining o'ziga xos mahalliy xususiyatlari va qo'shni hududlar Toshkent vohasidagi Burg'uluq (Burganli) madaniyati, Januniy O'zbekistonning Kuchuktepa madaniyati bilan aloqalari o'rganilmoqda.

Farg'ona arxeologiyasiga oid adabiyotlarda Chust madaniyati o'rniga (shuningdek cho'l bronzasi) Eylaton–Oqtom madaniyati keladi, bu eramizdan oldingi VII-IV asrlarga to'g'ri kelib, keskin madaniy o'zgarishlarni ifodalaydi: bronza o'rniga temir qurollari, kulolchilik muhitida ishlab chiqilgan idishlar, sopol idishlarga chizilgan turli xil rasmlar, alohida qabrlar, ko'tarilib quriladigan mozorlar, qabrlarga turli xil ashyo, mol-mulk bilan kuzatish kabi rasm-rusumlar madaniyatga kirib keladi³. Eylaton–Oqtom madaniyati ko'chmanchi aholini asta-sekin o'troqlashuvi natijasida shakllangan va mahalliy aholining o'troq dehqonchilik madaniyati bilan barobarlashgan.

Chust madaniyati o'rniga kelgan Eylaton–Oqtom madaniyati bu uni Chust madaniyati davridan saqlab qolgan Farg'onaning azaliy dehqonchilik madaniyati bilan qo'shilishining mahsuli bo'ldi. Keyingi yillarda vodiyni

¹ Alokhunov A., Farmonova K. Qadimgi Farg'ona madaniyatini davrlashtirish masalasiga doir – F., 2018.

² Грязнов М.П. Чустская культура в Фергане. // История Киргизии. – Фрунзе, 1963. Т.1, – С. 61-65.

³ Заднепровский Ю.А. Городище Эйлатан (К вопросу о датировке памятника). // СА. – М., 1960. № 3. – С. 29-45

shimoliy va janubiy-sharqiy qismlarida keyingi bronza davriga oid manzilgohlarda olib borilgan arxeologik qazilmalar eramizdan avvalgi VIII asrga kelib bu yerlarda hayot to'xtagan, - deydi G.P.Ivanov¹. Ushbu hodisani, yangi chorvachilik aholini Farg'onaga kelishi va Chust madaniyatini Eylaton–Oqtom madaniyatiga o'tishi bilan izohlaydilar. Fikrimizcha deb yozadi B.A.Latinin², - bu hodisa faqat chorvachilik aholisining kelishi va chustliklarni yerlaridan siqib chiqarilishi bilangina bog'liq emas, balki yer maydonlarini qayta ishlash bilan ko'proq bog'liq bo'lgan.

Bronza davrida O'rta Osiyoning dehqonchilik vohalarida ko'plab qishloqlarga asos solindi va uning negizida ilk shahar madaniyati vujudga keldi. Farg'ona vodiysida ham bu davrning oxirlariga kelib mahalliy dehqonchilik ildizlari asosida Chust madaniyatga asos solindi. Farg'ona vodiysidagi ilk temir davriga oid Eylaton-Oqtom madaniyatining shakllanishiga ham mahalliy Chust madaniyati hamda janubi-g'arbiy dehqonchilik vohalari (So'g'd, Baqtriya) va ko'chmanchi chorvadorlar madaniyati sezilarli ta'sir o'tkazdi³

Vodiyning Qoradaryo va Norin daryosi oralig'i ilk temir davri yodgorliklari eng ko'p joylashgan hudud hisoblanadi. Ayrim qadimshunos olimlar vodiyning janubiy hududlari, shu jumladan, Marg'ilon va Farg'ona atroflarining eng qadimgi davr qatlamlarini ko'proq chorvador aholi tarqalgan hududlar qatoriga kiritishadi. Lekin bu mualliflar Marg'ilonga eng yaqin yerda, ya'ni Akbarobod qishlog'i atroflarida bundan 50-60 yil ilgari Chust madaniyati davriga oid yodgorlik borligini hisobga olishlari lozim⁴ deb, ta'kidlaydi arxeolog Yuriy Zadneprovskiy 1966-yilgi nashrlaridan birida. Holbuki, o'tgan asrning 70-yillaridayoq Dalvarzindagi ilk shahar belgilari arxeologik materiallar asosida ishlab chiqilgan edi⁵.

Demak, vodiya shaharsozlik tamoyillari qarayib 3000 yillik tarixiy yo'lni bosib o'tdi. Ushbu satrlar muallifining oldingi tadqiqotchilar fikrlariga tayanib bildirgan xulosasi bo'yicha mil. avv. X-VIII asrlarda Farg'ona vodiysida ilk shahar belgilari Dalvarzinda shakllangan edi va bu arxeologik davrlashtirish bo'yicha vodiydagi qadimgi dehqonchilik madaniyatining 2-bosqichiga to'g'ri keladi (fanda Chust madaniyati deb yuritiladi). Unga ko'ra,

¹ Матбабаев Б.Х. Классификация керамики Чустского поселения. // ОНУ. – Т., 1984. № 7. – С. 40.

² Латынин Б.А. Эйлатанская расписная чаша. 1960. Вып.80. – С. 90-92.

³ Matboboyev B.X. Marg'ilon shahrining jahon sivilizatsiyasi tarixidagi o'rni . Marg'ilon shahrining 2000 yillik yubileyiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy konferensiya materiallari. Toshkent-Marg'ilon. «Fan», 2001.

⁴ Заднепровский Ю.А. Чустская культура в Ферганской долине. // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М., 1966. – С. 193-208.

⁵ Заднепровский Ю.А. Дальверзинское поселение (раскопки 1959 г.). // КСИА. 1961. Вып. 86. – С. 43-55.

Chust madaniyati arxeologik materiallari mil. avv. XII-VIII-VII asrlar bilan belgilanadi. Ushbu xronologik davr olimlarning fikricha, arxeologik nuqtai nazardan qabul qilsa bo‘ladigan sanadir. Sababi, bu madaniyatning eng ko‘hna materiallarini Janubiy Turkmaniston komplekslari bilan solishtirish natijasi Chust-Dalvarzin quyi qatlamlarini bundan qadimiylashtirib bo‘lmasligini ko‘rsatmoqda, yuqori madaniy qatlamlarni esa bundanda “yoshartirib” bo‘lmaydi, sabab Chust madaniyatidan so‘ng davrlashtirishda keyingi madaniyat pog‘onasi Eylaton-Oqtom yodgorliklariga to‘g‘ri keladi va bu kompleks oldingidan farq qiladi. Shuning uchun tabiiy ravishda Dalvarzin o‘z tarixi ibtidosida uncha katta bo‘lmagan yashash punkti edi va faqat ikkinchi bosqichdagina Dalvarzin ilk shahar sifatida vodiyning madaniy, hunarmandchilik, savdo markaziga aylandi. Dalvarzin qurilishi tarixi bir necha davrlardan iborat ekanligi keyingi arxeologik tekshirishlardan ma‘lum bo‘lmoqda.

Ilk temir davrida O‘rta Osiyoning bu davrdagi madaniy va iqtisodiy aloqalari shu darajada yaqin ediki, hatto yirik olimlardan Yu.A. Zadneprovskiy va A.A. Asqarov bu davr madaniyati tarqalgan barcha hududlarni “Chustskaya etnokulturnaya obshnost”, ya’ni “Chust irqiy-madaniy birligi”» deb atashdi. O‘rta Osiyoning ilk temir davri madaniyatini o‘rganishda Farg‘onaning Chust madaniyati yodgorliklaridan topilgan temir buyumlarga asoslanib turib ilk temir davrining boshlang‘ich davrini miloddan ilgarigi I ming yillikning boshlari bilan davrlashtirildi. V.M. Massonning ilk temir davrini davrlashtirish bo‘yicha qilgan ishlari yaqin paytlargacha o‘z kuchini yo‘qotmasdan keldi. B.X. Matboboyevning fikricha, Chust madaniyatida to‘liq shakllangan ilk temir davrining qo‘lda sopol idishlarni yasash texnologiyasi Eylaton davri komplekslarida ham davom etdi yoki saqlandi. Faqat idishlarning ostini dumaloq qilib tayyorlash, yasalgan idishning rangini ko‘proq och jigarrang yoki och sariq bo‘lishi, uning ustidan qizil rangda uchburchak romba shaklidagi va geometrik naqshlarni berilishi bu komplekslar So‘g‘d bilan nihoyatda yaqin ekanligini ko‘rsatadi¹.

Chust madaniyatiga oid sopol idishlar bir xilligi bilan ajralib turadi. Sopol idishlarning asosiy qismi qo‘lda yasalgan. Lekin Chust va Dalvarzintepadan kulolchilik charxida yasalgan sopol buyumlar ham topilgan. Topilgan sopol idishlarning 73% qizil rangda, 18% jigarrang, 1,2% naqshli idishlardir. Bitta piyolada odam gavdasi qora rangga bo‘yalgan. Sopol idishlardan ko‘zalar ham mavjud. Ayrim idishlarga tutqichlar ham qilingan. Chust madaniyatning xo‘jaligi dehqonchilik-chorvachilikni tashkil etgan. Dehqonchilik Farg‘ona vodiysida Chust madaniyatidan oldingi davrda paydo bo‘lgan. Chust madaniyati davrida vodiyy keng o‘zlashtirilgan edi. Yirik makonlarning mavjudligi madaniy qatlamning qalinligi, moddiy madaniyatning yuqori darajasi

¹ Матбабаев Б.Х. Классификация керамики Чустского поселения. // ОНУ. – Т., 1984. № 7. – С. 34.

dehqonchilik ancha rivojlanganligini ko'rsatadi. Ayrim faktlar sun'iy sug'orish ham bo'lganligini ko'rsatadi. Qadimgi dehqonlar bug'doy, arpa, tariq ekkanlar. Chustdan topilgan tariq urug'lari dehqonchilikda tariq ko'p ekkilgfnini ko'rsatdi. Don va boshqa qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash uchun o'ralar qazilib, ularda 200 kg dan 1 tonnagacha, katta o'ralarda 2 tonna va undan ko'proq ham don saqlanishi mumkin bo'lgan. Donni bunday saqlash usuli faqat Farg'onaga xos bo'lib, bu usul ushbu davrda Turkmaniston va Xorazmda mavjud bo'lmagan.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, qadimgi madaniyatimiz tarixini o'rganar ekanmiz, Farg'onaning Chust madaniyati misolida qadimgi an'analarni qanchalik xalq xotirasida uzoq saqlanib qolishi mumkin ekanligiga guvoh bo'lamiz. Bugungi kunda Chust madaniyati va u bilan bog'liq bo'lgan topilmalarni har tomonlama tadqiq etish dolzarb masalalardan biriligicha qolmoqda. Ayniqsa, tarixshunoslik nuqtai nazaridan bir qancha arxeolog-tarixchilarning ilmiy ishlari hamda arxeologik tadqiqot natijalari o'zaro qiyosiy tahlil qilingan holda, ba'zi muammoviy masalalar yechimini topishi mumkin. Yuqoridagilardan kelib chiqib aytishimiz mumkinki, Chust madaniyatining o'rganilishida Yu. Zadneprovskiy, M.E.Voronets, V.I.Sprishevskiy, V.Masson, G.P.Ivanov, B.A.Latinin, B.X. Matboboyev, A.Asqarov va boshqa bir qator arxeologlarning o'rni beqiyosdir. Ularning arxeologik tadqiqotlari kelajakda ushbu madaniyatni yanada mukammalroq o'rganishda asosiy omil bo'lib hizmat qiladi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Aloxunov A., Farmonova K. Qadimgi Farg'ona madaniyatini davrlashtirish masalasiga doir – F., 2018.
2. Воронец М.Э. Археологическая рекогносцировка по Наманганской области // ИАВУзССР, – Т., 1951. № 5. – С. 93-97.
3. Грязнов М.П. Чустская культура в Фергане. // История Киргизии. – Фрунзе, 1963. Т.1, – С. 61-65.
4. Заднепровский Ю.А. Городище Эйлатан (К вопросу о датировке памятника). // СА. – М., 1960. № 3. – С. 29-45.
5. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. //МИА. № 118. – М.-Л.: Наука, 1962.
6. Матбабаев Б.Х. Классификация керамики Чустского поселения. // ОНУ. – Т., 1984. № 7.
7. Спришевский В.И. Чустская стоянка эпохи бронзы (раскопки 1953 г.) // СЭ. 1954. № 3. – С. 69-76.
8. Спришевский В.И. Раскопки Чустского поселения в 1954 г. // ТАНТаджССР. т. 37. – С.118-119.
9. Спришевский В.И. Чустское поселение эпохи бронзы (раскопки 1954 г.) // КСИИМК. Вып. 69. 1957. – С. 40-49.

10. Спришевский В.И. Раскопки Чустского поселения в 1955 г. // ИАНУзССР. Сер.обществ.наук, Вып. I. – С. 65-72.

11. Спришевский В.И. Чустское поселение эпохи бронзы (раскопки 1955 г.). // КСИИМК. 1958. Вып. 71, – С. 86-98.

12. Спришевский В.И. Раскопки Чустского поселения эпохи бронзы в 1956 г. // СА. 1958. № 3. – С.185-189.

13. Спришевский В.И. Раскопки Чустского поселения в 1957 г. // ИАНУзССР. Сер.обществ.наук, № 6. – С. 69-71.

14. Спришевский В.И. Раскопки Чустского поселения. //ОНУз, – Ташкент, 1961. № I, – С. 70-71.

15. Спришевский В.И. Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы). Автореф.канд.дис. – Ташкент, 1963. 17 с.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИМПЕРСКОГО ОПЫТА И ЗНАНИЙ «БЫВШИХ» В УПРАВЛЕНИИ ТАССР – УЗБЕКСКОЙ ССР (ОПЫТ СОВЕТСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ)

Оксана ПУГОВКИНА

Институт истории АН РУ, с.н.с., к.и.н

Аннотация. В данной статье дается оценка советской историографии о событиях, связанных с привлечением бывших привилегированных слоев общества Туркестана – чиновников, юристов, учителей, врачей, интеллигенции на службу в советские учреждения.

Ключевые слова: Октябрьский переворот 1917 г, советская власть, «бывшие», интеллигенция, советские учреждения, саботаж, историческая литература, советская историография, советские историки

После Октябрьского переворота 1917 года советской властью было заявлено о начале коренных изменений, в частности, «о ломке и разрушении прежней системы управления краем». Но при реальном осуществлении этого процесса новая власть столкнулась с рядом трудностей, а именно – это нехватка квалифицированных кадров, хорошо знающих не только своё дело, но и специфику Туркестана.

В Туркестане были такие люди, однако их «политическое лицо» и «политическая благонадежность» не вполне устраивали советскую власть. В Туркестане после октябрьских событий остался значительный слой *бывших* чиновников, юристов, педагогов, инженеров, полицмейстеров, военных, врачей, владельцев предприятий, интеллигенции, банковских служащих, которые служили при Российской империи в Туркестане, выполняя свои профессиональные обязанности. Советской властью эта категория людей стала называться общим понятием

«бывшие». В сложившейся ситуации нехватки кадров, когда своя, «политически грамотная и лояльная новая власти» генерация специалистов еще не была воспитана, большевики вынуждены были использовать знания и опыт «бывших».

С другой стороны, необходимо отметить тот факт, что значительная часть бывшего туркестанского общества не считала для себя возможным первоначально сотрудничать с советской властью и не рассматривала большевиков как законную власть, поэтому решила ее саботировать. Саботаж («контрреволюционный саботаж») охватил всю территорию бывшей Российской империи, в том числе и Туркестанский край и был прекращен, когда советская власть пошла на более радикальные шаги, как увольнение с работы, угрозы ареста, предание революционному суду.

Проведенный анализ советской исторической литературы позволяет сделать выводы о том, что вопрос привлечения «бывших» к созданию нового административного аппарата и использованию их опыта в советском Туркестане-Узбекистане нашел свое, хоть и незначительное освещение. Из всего многообразия исторических трудов по истории установления советской власти в Туркестане (Таджикистане, Киргизии, Туркменистане), можно отметить лишь несколько работ советских историков – М.Т. Каримова и Х.Ш. Иноятова [2, 3], которые уделили этому вопросу непосредственное внимание, в частности, выделив отдельные параграфы, назвав их почти одинаково – «Слом (Ликвидация) старого колониального аппарата и создание нового советского государственного аппарата».

Рассматривая данный вопрос на примере территорий Таджикистана, М.Т. Каримов отмечал, что основная задача советской власти при сломе старого аппарата управления заключалась в привлечении местного «трудового элемента» в коммунистическую партию, посредством чего можно было бы воспитать новое поколение управленцев, а прежнюю систему – «разбить, сломать» [3, 168]. Автором констатировался факт процесса отстранения от должностей «бывших администраторов», «бывших полицейских» и замена их на новых представителей, но без привлечения фактологического материала. Стоит отметить, что все свои выводы автор строил исключительно на отрывочных статьях из «Нашей газеты», «Свободный Самарканд», «Голос Самарканда», а также на активном цитировании высказываний В.И. Ленина по существу данного вопроса.

Трактовка аналогичного процесса на территории Узбекистана, представлена в работе Х.Ш. Иноятова, но ее отличала более широко представленная база архивных источников, что, несомненно, полнее раскрывало картину. Автор писал, что на первом этапе ломки старого аппарата управления, политика советской власти заключалась «в

отстранении от должностей областных комиссаров Турккомитета Временного правительства с переложением их функций на Советы и Совнарком, роспуск городских дум; институт уездных комиссаров и переселенческие организации были ликвидированы в начале 1918 г., во второй половине 1918 г – смещена «туземная администрация – волостные управители, аульные и кишлачные старшины»» [2, 154].

М.Т. Каримов также отмечал, что «старую машину, ее бюрократическое чиновничество, ее полицию необходимо поставить на место, следовало добить буржуазную армию, буржуазно-чиновничий аппарат и полицию» [2, 168]. Оба автора писали об уничтожении прежнего аппарата управления, но упуская, при этом вопрос о том, кто же пришел ему на замену.

В качестве историографических источников по теме сотрудничества «бывших» с советской властью в Туркестане можно рассматривать сборники воспоминаний, опубликованные в конце 50-х – 60-е годы XX века [4], приуроченные к юбилейным датам Октябрьской революции в Средней Азии.

Часть материала по указанным проблемам отложилась в сборниках документальных материалов или Хрониках [5], где, в большинстве своем, материал располагался хронологически: от февраля к октябрю 1917 года.

Как уже отмечалось выше, вместе с вопросом о привлечении «бывших» на службу в советские учреждения, в советской историографии определенное внимание уделялось и теме «саботажа» со стороны бывших привилегированных слоев населения Туркестана. Советской историографией этот факт трактовался как «активное сопротивление новой власти со стороны различных социальных групп», которых рассматривали как будущих «организаторов и руководителей грядущих антисоветских выступлений». Была даже сформулирована социальная категория – «контрреволюционные саботажники», куда вошли чиновники старых государственных учреждений, буржуазная интеллигенция, предприниматели, служащие различных государственных учреждений и др. По мнению советских историков на саботаж «бывших» «мобилизовали» – «эсеры и меньшевики». Но на наш взгляд, саботаж был адекватной реакцией законопослушных граждан бывшей Российской империи на незаконный захват власти, при наличии законной. Именно на такие архивные документы ссылался советский историк К.Е. Житов: «13 ноября Союз служащих правительственных и общественных учреждений г. Коканда и его уезда, обсуждая положение в крае, создавшееся в результате победы вооруженного восстания в Петрограде и Ташкенте, единогласно постановили: выразить свой

протест против перехода власти к Советам и всемерно поддерживать все организации, стоящие на стороне бывшего Временного правительства» [1, 139]. К слову отметим, что цитата эта им приводилась с целью показать контрреволюционной настрой туркестанского общества.

По данным Х.Ш. Иноятова в саботаже против советской власти в Туркестане принимали участие служащие Ташкентской казенной палаты и Податной инспекции, Почтово-телеграфной службы, чиновники финансовых и судебных учреждений, Продовольственной управы, частных коммерческих банков Коканда, а также служащие трамвайного депо.

Сведения, приводимые К.Е. Житовым, дополняют картину и позволяют говорить о том, что на саботирование новой власти пошли не только все слои общества Туркестана, но и целые города, как Коканд и его уезды. Им же отмечалось, что к саботажу присоединились и ведущие газеты Туркестана – «Туркестанский курьер» и «Туркестанское слово», которые уже 11 ноября по постановлению Исполкома Ташсовета были вынуждены приостановить свою деятельность с мотивацией: «в виду их контрреволюционного направления», а также «Туркестанский вестник», «Свободный Самарканд», «Новый Туркестан», «Изох», которые позднее также были закрыты, а их типографии конфискованы [1, 166].

Работы советских историков, вкуче с архивными источниками позволяют судить о всеобщем саботаже советской власти в Туркестане, но в советской историографии закрепился лишь факт саботажа исключительно со стороны «чиновников, капиталистов и контрреволюционеров».

Таким образом, даже такой, несколько обзорный анализ советской историографии по вопросу использования опыта и знаний «бывших» и их взаимоотношения с советской властью позволяет прийти к определенным выводам. Для советской историографии характерна общая трактовка этого процесса фразой, что *«большевистские организации с помощью трудящихся смело разрушали буржуазно-колониаторский аппарат угнетенных и организовывали новые органы советской власти, подрывали экономическую мощь буржуазии».*

Советские историки в раках советской действительности были не в состоянии давать иную оценку этим событиям, даже, несмотря на значительное количество архивных источников, поэтому и предпочитали не углубляться в ее изучение.

Несмотря на явно негативное отношение советской власти к «бывшим», при декларируемой политике о ликвидации всего старого и отжившего, в Туркестане активно использовался опыт и знания «бывших» при строительстве нового советского общества.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.

1. Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. Т., 1957.

2. Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Узбекистане. Т.: Узбекистан, 1967.

3. Каримов М.Т. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Северном Таджикистане. Сталинабад, 1957.

4. Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. Т., 1957; За советский Туркестан (Сборник воспоминаний). Под ред. д-ра ист. наук А.И. Зевелева. Т., 1963; За советский Туркменистан (1917-1920). Воспоминания участников революции и гражданской войны. Ашхабад, 1963 и др.

5. Подготовка и проведение Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. Т., 1947; Победа Октябрьской революции в Туркестане. Т., 1947; Додонов К.Е. Победа Октябрьской революции в Туркестане. Т., 1958; Хроника событий Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. Февраль-ноябрь 1917. Т.: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1962; Великая Октябрьская революция. Хроника событий. М.: Изд-во АН СССР, 195-1961; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т.1. Т.: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1963 и т.д.

ХІХ–ХХ АСР БОШЛАРИДА ЕВРОПАДА МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ОИД МАНБАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Дурдона РАСУЛОВА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Шарқ мамлакатлари халқлари дунё тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган бўлиб, уларнинг тарихи, маданияти, тили ва этнографиясини ўрганиш европаликлар учун алоҳида азалий эҳтиёж бўлиб келган. Европа олимлари ва тадқиқотчилари Шарқ мамлакатлари, айниқса Марказий Осиё минтақаси халқларининг ҳаётидаги ўзига хос экзотик хусусиятларни, қизиқарли географиясини, эътиборга молик бўлган юқори даражадаги маданиятини, бетакрор табиатини, бой ўтмиши ҳамда қадимий савдо-алоқа йўллариини ўрганишга қизиққанлар. Модомики, француз, инглиз, немис ва бошқа халқларнинг ҳар бири Марказий Осиё минтақасини ўрганишга катта қизиқиш билан интилар экан, демак улар ўзига хос муайян эҳтиёжлардан келиб чиқиб ёндашган (дипломатик, маданий алоқалар, миссионерлик, коалиция тузиш учун ҳамкорлик ва

бошқа масалалар). Бундай алоқаларнинг мақсади ҳам, кўлами ҳам даврлар оша ўзгариб борган. Масалан, XI–XII асрларда мўғулларга қарши кураш учун иттифокчи қидирган бўлсалар, XIV–XV асрларда Усмонли турклар хавфига қарши кураш учун ҳамкорликка даъват қилинган.

XVIII–XIX асрларда бутун дунёда кузатилгани каби, Францияда ҳам географик билимлар ривожлана борди. Ўрта асрларда асосан шарқ тилларни ўрганишга нисбатан шаклланган катта қизиқиш ўрнини эндиликда бошқа мақсад эгаллай бошлади, яъни эгалланган билимлар эвазига Шарқ манбаларини ўрганиш, таржима ва табдил қилиш, қайта нашр этиш (манбанинг асл нашр ҳолатидаги тилида) асосида минтақа ҳақида янги маълумотлар йиғиш назарда тутилган эди. Демак, лингвистик тадқиқотлар ўрнини – географик фанлар эгаллай бошлади. Буни Европадаги колонияларнинг ортиб бориши ҳамда тадқиқотларда асосан саёҳатчилик йўналишининг устуворлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Французлар дунё географияси ҳақидаги билимларини кенгайтириш мақсадида араб, форс, турк ва бошқа шарқ тилларидаги географияга оид манбаларни тадқиқ эта бошладилар. Француз шарқшунослари дастлаб географик билимлар асосчиси бўлган Ибн Хордадбех (820–912), Ибн Ҳавқал (... – 922), Идрисий (1100–1175), Абулфеда (1273–1331), каби географларнинг фундаментал асарларини француз таржима қилишган бўлса, кейинчалик эса рус, инглиз, немис, венгер сайёҳларининг асарлари ҳам ўрганилиб, илмий муомалага киритилган.

1836–1840 йилларда Парижда “Идрисий Географияси”¹, Абулфеданинг “География”² асари 1848–1883 йилларда Парижда француз тилида нашр этилган. Абулфеданинг география асаридан Бартеlemi д’Эрбело XVII асрдаёқ ўзининг “Шарқ кутубхонаси” номли асарини ёзишда манба сифатида фойдаланган. Бу даврда ушбу манба китобхонларга француз тилида етказиб берилган эди.

Г.Вамберининг “Марказий Осиёда сохта дарвишнинг саёҳати” деб номланган асари 1882 йил Парижда француз тилида чоп этилди. “Ибн Баттутанинг саёҳати”³ номли асар Дефримери томонидан француз тилига таржима қилинди. 1835 йил Парижда Александр Бернснинг “Ҳинд дарёсининг қуйи оқими, Лахор, Қобул, Балх ва Бухорога саёҳат”⁴

1 Edrisi. Géographi d’Edrisi. Traduite par Pierre Jaubert. T.1-2. – Paris, 1836-1840.

2 Aboulféda. Géographie. Traduite de l’arabe par M.M. Reinaud et Stanislav Guyard, et accompagnée de notes et d’éclaircissements. – Paris, Imprimerie Nationale, 1848-1883, 2 tomes en 3 vol. – 1091 p.

3 Ibn Battuta. Voyages Ibn Battuta. –Paris, 1854.

4 Burnes A. Voyages de l’embouchure de l’Indus à Laxor, Caboul, Balkh et à Boukhara. T. 1-3. – Paris, 1835.

номли асари француз тилига таржима қилинди. 1904 йил Парижда венгриялик сайёҳ С.Хединнинг “Нотаниш Осиё. Осиё қумлари ичида”¹ деб номланган асари таржимон Шарль Работ (*Charles Rabot*) томонидан француз тилига ўгирилган ҳолда чоп этилди.

Демак, ушбу давр француз манбашунослигида табиат, иқлим, тоғ тизмалари, геология соҳаларини ўрганишга эътибор кучли эди. Йирик колонияларга эга бўлиш учун ижтимоий йўналишдан кўра табиий соҳаларни ўрганиш эҳтиёжи ошиб, бойликларнинг табиий қиймати ҳам таҳлил қилинган. Демак, бадий асарлар билан бир қаторда географик, этнографик ва илмий асарларни ўрганиш зарурияти ҳам пайдо бўлган.

Парижда араб ва европалик сайёҳлар асарларидан ташқари рус олимлари ҳамда тадқиқотчиларининг ҳам асарлари катта қизиқиш билан ўрганилган. Масалан, Николай Муравьевнинг “1819–1820 йилларда Туркманлар ва Хивага саёҳати”² номли асари 1823 йилда Парижда француз тилида чоп этилган (Лекоант, Эдрие ва Клапрот).

Таниқли рус геологи Ж.Мушкетов минтақа вулканик ҳолатини³, геологисини чуқур ўрганган. Унинг олиб борилган тадқиқотлари натижалари акс этган “Туркистон ўлкасининг бой минераллари”⁴ асари 1878 йилда Парижда француз тилида нашр этилган. Мазкур манба жами 32 саҳифадан иборат бўлиб, унда Туркистон ўлкасининг геологик харитаси ҳам илова қилинган. “Туркистон ўлкасининг бой минераллари” номли асарда минтақадаги олтин, кумуш, кўрғошин, мис, темир, марганец, мышьяк, фируза, графит, тошкўмир, нефть, туз, гил – каби табиий жинслар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Минтақада мавжуд бўлган йўлларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун А.Хорошхин⁵ ва Радлоф⁶ материалларининг француз тилидаги таржималаридан фойдаланилган. Шунингдек, алоҳида худудлар ва

¹ Hedin S. L’Asie inconnu. Dans la sables de l’Asie. Traduit du suédois, par Charles Rabot. – Paris, F.Juven. 1904, – Iv, 393 p.

² Mouraviev, N.M. Voyages en Turcomanie et à Khiva, fait en 1819 et 1820. Traduite du russe par M.G.Lecoq de Laveau, revu M.M. J.B.Eyriès et J. Klaproth. – Paris, L.Tenré, 1823. – VI, 398 p.

³ Mouchkétov J. Les volcans de l’Asie Centrale. – St. Petersburg, Academie de scientifique. 1876, 49-61 p. [Mélanges phys. et chim. Tires du Bull. de sciences se St. Petersburg. Tom X].

⁴ Mouchkétov J. Les richesses minerales du Turkestan Russe. – Paris, Imprimerie Arnous de Riviere, 1878. – 32 p.

⁵ Khorochkine A.P. Itinéraires de l’Asie Centrale. [Dans le livre: Reçuel d’itinéraires et de voyages dans l’Asie Centrale et l’Extrême Orient]. – Paris, 1878, pp. 165-243.

⁶ Radloff. Itinéraire de la vallée moyen Zerafchan. [Dans le livre: Reçuel d’itinéraires et de voyages dans l’Asie Centrale et l’Extrême Orient]. – Paris, 1878, pp. 261-356.

хонликлар тарихи ҳам ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан тадқиқ этилгані.

Рус олими А.Войековнинг “Туркистон”² номли асари минтақа иқлими, табиати, геологияси ва минералогияси жуда бой материалларга эга бўлган. Унинг алоҳида боблари тарих, география ва этнография масалаларига бағишланган эди. Шунини инобатга олган ҳолда, ушбу манба француз тилида нашр этилган.

Россия ва Франция ўртасидаги илиқ дипломатик муносабат ҳамда дўстлик алоқалари Россияда ҳам француз тилидаги нашрлар пайдо бўлишига олиб келди. Шу даврда рус жамиятининг вакиллари ичида француз тилини ўрганиш, бу тилда гаплашиш ўзига хос аристократик мавқега эга эди. Шу каби масалалар билан боғлиқ ҳолда Россияда ҳам француз тилида чоп этилган асарлар сони кўпайиб борган.

Бу даврда яратилган муҳим манбалардан бири “Туркистон каталоги”³ эди. Мазкур каталог 1873 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган, унда топографик қайдлар ҳам берилган.

“Catalogue de la section du Turkestan” номли рисоланинг нашр этилиши ҳақида ўша давр матбуотида қуйидаги маълумотлар учрайди: *“Камтарона ном билан каталог деб номланган мазкур нашр Вена Молия вазирлиги томонидан Бутунжаҳон кўрғазма намоиши учун чоп этилди. Унда Туркистон ўлкасининг географик тавсифи тўлиқ келтирилиб, хариталар ҳам илова қилинган. Кўрғазманинг Туркистон бўлимида ўлка маданиятига оид намоиши этилган турли хилдаги предметларни тавсифлаш мақсадида тузилиб, унинг учун асосан Маев ва Буняковскийларнинг материалларидан кенг фойдаланилган. Афсуски, китобда руслар истилосининг тарихий очерклари ўз аксини топмаган”*⁴.

Демак, ушбу каталог Туркистон ўлкаси предметларининг кўрғазмада тақдим этилиши учун тузилган махсус лойиҳа бўлган. Унда ҳудудлар кесимида тўлиқ тафсилот келтирилган. Масалан, унинг тавсифида қуйидаги қисмлар мавжуд: Туркистон топографияси ҳақидаги қайдлар, Еттисув провинцияси, Сирдарё провинцияси, Орол денгизи.

“Туркистон топографияси ҳақидаги қайдлар” – деб номланган қисм каталог учун кириш вазифасини бажариб, унда Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши, ва унинг таркиби ҳақидаги

1 Nalivkine V.P. Histoire du Khanat Khokand. Traduit par Dozon Aug. – Paris, 1889.

2 Woeikof A.I. Le Turkestan russe. – Paris, A.Colin. 1914. – XII, 360 p.

3 Catalogue de la section du Turkestan. Précède d’une notice topographique. Publié par la commission Impériale Russe. – St-Pétersbourg. Imprimerie Trenké & Fusnot (Journal de St-Pétersbourg) Maximilianovsky pér., 15. 1873, 48 p. Exposition universelle de Vienne en 1873.

4 По поводу брошюры: “Catalogue de la section du Turkestan”. Санкт-Петербургские ведомости, 1873, №245.

маълумотлар берилади. Масалан, “Туркистон генерал-губернаторлиги 1867 йилда ташкил топган ва иккита провинцияга бўлинади: Еттисув ва Сирдарё. Курогота дарёси икки провинцияга ҳам қарайди. Сирдарё провинцияси 7 та округга бўлинади: Казалинск, Перовск, Чимкент, Кураминск (Тошкент билан бирга), Авлиё-Ота, Хўжанд ва Жиззах.

Еттисув провинцияси эса бир неча округларга бўлинади: Тўкмоқ, Иссиқ-Кўл, Верний, Копал ва Сергиопол. Зарафшон округи эса Самарқанд, Каттақўрғон ва Нагорний каби уездларга бўлинади ¹.

Бундан ташқари, худуди ва аҳолиси ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Россия империяси билан чегарадош худудлари 15 000 кв. км, аҳолиси эса қарийб 1, 565,000 ўтроқ ва кўчманчи аҳолини ташкил этади. Улар ичида Зарафшон округида аҳоли жуда зич жойлашганлиги таъкидланган. Марказий Осиёнинг суғориш тизимига тўхталиб, Амударё (I’Oxus) ва Сирдарё (I’Iaxarte) каби икки йирик дарё таърифланган. Бу дарёлар бўйида қадимий цивилизациялар пайдо бўлган. Сирдарё ҳавзасида – Кўкон, Наманган, Андижон, Хўжанд, Тошкент, Чимкент, Перовск, Казалинск ва бошқа қадимий антик шаҳарлар жойлашган. Амударё бўйи ва унинг ҳавзаларида – Хива, Бухоро, Қарши, Китоб, Самарқанд, Ҳисор Балх, Бадахшон ва хонликларнинг бошқа худудлари жойлашган.

*“Орол ҳавзаси ҳақида гап кетганда унинг худуди шимолдан жанубга қараб узунлиги 400 верст, кенлиги эса 200- 270 верстни ташкил этади, умумий худуди 1100 минг географик. Баландлиги океандан 48 қадам баландликда жойлашган”*².

Рисоланинг охирида Туркистон аҳолисига алоҳида урғу берилиб, “Туркистонда умумий аҳоли 1,565, 000 ни ташкил этиши, шундан, Еттисувда 550 000 аҳоли, Сирдарёда 850 000 аҳоли, Зарафшон худудида 165 000” аҳоли истиқомат қилиши қайд этилган.

Бундан ташқари маҳаллий аҳолининг таркибий қисми таҳлил қилиниб, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида маҳаллий аҳолидан ташқари татарлар, форслар, исроилликлар (яхудийлар), ҳиндлар ва афғонлар ҳам кўплиги изоҳланади.

Туркистон ўлкасининг тарихи, маданияти ва иқлимига оид француз тилида нашр этилган шундай адабиётлар кўп сонли бўлиб ³, Борис

¹ Catalogue de la section du Turkestan. Précède d’une notice topographique. Publié par la commission Impériale Russe. – St-Pétersbourg. Imprimerie Trenké & Fusnot (Journal de St-Pétersbourg) Maximilianovsky pér., 15. 1873, – 1 p.

² Catalogue de la section du Turkestan. Précède d’une notice topographique. Publié par la commission Impériale Russe. – St-Pétersbourg. Imprimerie Trenké & Fusnot (Journal de St-Pétersbourg) Maximilianovsky pér., 15. 1873, – 42 p.

³ Charmoy, F.B. Sur l’utilité des langues orientales pour l’étude de l’Histoire de Russie. – St. Petersburg, 1834. – 43 p.; Simakoff N.E. L’art de l’Asie Centrale. Recueil de l’art decorative de l’Asie Centrale. – St. Petersburg, Société d’encouragement beaux arts. –

Пазухин¹ ва Барб Духовскийларнинг² Туркистондаги саёҳати ва ташриф тафсилотлари ҳам шулар жумласидандир.

Демак, француз тадқиқотчилари Марказий Осиё ҳудудларига келиб тадқиқот ўтказишдан олдин, минтақа ҳақида ёзилган барча асарлар ва манбаларни чуқур ўрганишган. Минтақанинг маршрутлари, тоғ ва рельеф йўналишлари анча таниш бўлгандан кейин, XIX асрнинг 70–80 йилларида минтақага ташриф буюриб, тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, Э. Ужвальви каби илмий экспедиция (1878–1880) раҳбарлари Туркистонда тадқиқотлар олиб боришдан олдин ўлкамизнинг табиати, иқлими, тарихи ҳақида ўзининг она тилида (француз тилида) нашр этилган араб, форс, турк, рус, венгер, инглиз ва немис сайёҳларининг манбалари билан танишиб чиққан ва улар Парижда катта қизиқиш билан ўрганилган. Бу минтақамизда хорижий олимлар тадқиқотларини амалий жиҳатдан тўғри шакллантириш учун катта ёрдам берган. Шунинг эҳтиёжлар асосида Марказий Осиё тарихи, маданияти, географияси ва этнографиясига оид манбалар француз тилига таржима қилиниб, минтақа хусусидаги билимларни оширишга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатган.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақаси жаҳон манбашунослигида XIX–XX аср бошларида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ўрганилган бўлиб, ушбу даврда яратилган ва таржима қилинган асарлар умумжаҳон моддий ва маънавий меросига айланган. Бундай манбалар бугунги кунда ҳам “Марказий Осиё” минтақаси нодир гавҳардек тадқиқ қилинмоқда ва янги-янги маълумотлар билан бойиб бормоқда.

ЎРТА ОСИЁНИНГ ЎРТА АСР ТАРИХНАВИСЛИГИДА ОЎЗАКИ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

З.А.ИЛҲОМОВ

*тарих фанлари номзоди, доцент
Низомий номидаги ТДПУ*

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихи, давлатчилиги, иқтисоди, этник ва маданий-маънавий соҳалардаги жараёнларини ёритиб берувчи тарих асарлари ва уларнинг яратилиши, тарихнавислик хусусиятлари ўзига хос мактабларнинг шаклланишини таъминлаб берди. XX аср бошларига қадар ривожланишда давом этган Қўқон тарихнавислик

1883. – 950 p.; Woeikof A. La variabilité interdiurne de la pression atmosphérique principalement en Asie. – St. Petersburg, 1906. – 40 p.

¹ Tcharikow N. Un voyage dans l'Ouzbekistan en 1671 /Entrepris par Boris Pazoukhine. – St. Petersburg, 1880.

² Doukhovskoy B. Mon séjour au Turkestan. – St. Petersburg, 1912. – 55p. [Société M.O. Wolff]

мактаби, Тошкент тарихнавислик мактаби, Бухоро хонлиги ва амирлиги даврида яратилган тарихий асарлар, Хоразм тарихнавислиги шулар жумласидандир. Бу даврлар муаллифлари томонидан тарих асарларининг яратилишида ҳар бир муаллиф томонидан ўзи келтириб ўтаётган маълумотларнинг ёзма манбаларга ва далилларга қатъий равишда асосланишига жуда катта эътибор қаратилганлиги асарнинг яратилишидаги устувор омил ҳисоблансада, кўп ҳолларда манбаларнинг ёки улардаги ахборотнинг етишмаслиги бу жараёнда оғзаки тарих тадқиқотларидан ҳам кенг равишда фойдаланилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Замонавий тарих фани тушунчалари билан қарайдиган бўлсак, тадқиқот жараёнида келтирилган воқеалар ва уларнинг тафсилотлари манбалар асосида, далиллар билан мустаҳкамланган ҳолда илгари сурилиши, асослаб берилиши талаб этилади, акс ҳолда келтирилган маълумотлар ёки хулосалар илмий аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Бунда албатта барча даврларда бўлгани каби, манбалар ва уларда келтирилган маълумотлар, уларнинг ишончлигиги муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, оғзаки тарих тарих фанининг нисбатан янги илмий йўналиши бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадаллик билан ривожлана бошлади. Замонавий тарих фанида оғзаки тарихга бир қатор таърифлар берилади, хусусан, оғзаки тарих илмий фан саналиб, унинг ёрдамида (ёки тадқиқот доирасида) оғзаки ахборот олиш орқали алоҳида шахсларнинг ўтмиш ҳақидаги субъектив қарашлари қайд этилади. Яна бошқа тушунчага кўра, оғзаки тарих воқеалар ва жараёнларнинг иштирокчилари ёки гувоҳларининг оғзаки ахборотларининг мутахассислар томонидан илмий жиҳатдан умумлаштирилишидир. Учинчи бир таърифга кўра, оғзаки тарих бу - бўлиб ўтган воқеалар иштирокчиларининг шахсий хотиралари ва тажрибаларини ўтмиш ҳақидаги маълумотларни қайд этиш ва сақлаб қўйиш мақсадида ташкилий методик жиҳатдан амалга ошириладиган илмий фаолиятдир¹. Шуларни инобатга оладиган бўлсак, Бобурнинг ўз асарини ёзишида оғзаки тарих масалалари устувор ёндашув бўлганлигини кўриш мумкин.

XVI асрда яшаб ижод қилган ва тарихнавислик соҳасида бирмунча мукамал натижаларга эриша олган тарихчилардан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар бўлиб, унинг бугунги кунларгача иккита йирик асари етиб келган. Муҳаммад Ҳайдар машҳур «Тарихи Рашидий» тарихий асарининг ва «Жаҳоннома» номли географияга оид туркий шеърӣ рисола муаллифи. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрда Марказий Осиёда ва Яқин Шарқда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни адолат мезонлари асосида ёритгани, муаллифнинг ўзи тасвирлаган воқеалар юзасидан теран фикр-

¹ Устная история. // studfilts.net

мушоҳадаларини ифодалагани айни ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам биз энг аввало тарихнавис, саркарда ҳамда ўз замонининг йирик давлат арбоби сифатида таниймиз¹.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари 1541-1546 йилларда ёзилган. Ҳайдар Мирзо ўз китобига “Тарихи Рашидий” деб ном қўйган. Китоб Султон Саидхоннинг ўғли Абдурашидхон номига битилган².

Рус шарқшуносларидан бири В. В. Вельяминов-Зернов бу асар ҳақида шундай деган эди: -“Тарихи Рашидий” асари, айниқса, унинг иккинчи қисми ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бу асар сўнгги Чигатой ҳукмдорлари тарихини ёритиб берувчи ягона манба ҳисобланади. Муаллифнинг барча кўрган кечирганлари юзасидан тавсифлаган воқеаларида очиқлик, аниқлик ва холислик етакчи ўринда туради. Бундай ҳолатни муаллифдан кутиш мумкин эди, чунки, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳақиқий ҳолатида тавсифлаш учун унга имкон берган эди”³.

Абулғозининг бу борадаги ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Абулғози ўзининг тарихий асарларини яратишда, тарихий жараёнларни ёритиш ва тавсиф этишда алоҳида ёндашувга, яъни замонавий тарихшунослик иборалари билан айтганда тарихийлик ва объективлик тамойилларига тўла амал қилди. Унинг ўзи таъкидлашича, “Эмди кўнглингизга келмасунким фақир тараф тутуб ёлғон айтқон бўлғайман ва ё ўзимни ғалат таъриф этқон бўлғайман”⁴. Шарқ тарихнавислигида нафақат адабиёт, шеърят ва бошқа китобатчилик соҳаларида, балки тарих ва тарихнавислик соҳаларида ҳам тил омилига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, тарихий асарлар муаллифи Абулғози ўз асарларини она тилида ёзаётганлигини таъкидлаб: - “... бу тарихни яхши ва ёмон барчалари билсин, деб турк тили билан айтдим. Бир калима чигатой, туркийдан, форсийдан ва арабийдан қўшмайман, равшан бўлсин деб, туркийни ҳам андоқ айтибманки беш яшар ўғлон тушунар”, - деб ёзади⁵. Хоразм тарихнавислик мактаби доирасида кейинги асрларда ҳам бир қатор йирик тарихчилар томонидан ноёб манбалар яратилди.

Моваруннаҳрда ва Хуросонда ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулолалари тарихи ҳақида Хоразмда ўзига хос тарихшунослик шаклланди. Тарихчи Ш.Воҳидовнинг кўрсатишича, “Ўрта Осиёда ҳукм сурган Шайбонийлар, уларнинг тарихи ва даврига атаб ёзилган тарихий асарлар Темур ва темурийлар даврига нисбатан анча кам етиб келган.

1 Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Жаҳонома. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б. 4.

2 Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Жаҳонома. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б. 5.

3 Рукописи произведений Рузбихана и Муҳаммад Ҳайдар Дулати // studbooks.net

4 Абулғозий. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1992. – ББ. 11-12.

5 Alimova D., Ilhomov Z. Tarix fani metodologiyasi. – Т.: “Navro‘z”, 2019. – Б. 53-54.

Хоразмлик муаллиф томонидан туркий тилда Хивада яратилган Шайбонийлар даврига оид илк асарлардан бири “Чингизнома” дир¹. XVI аср ўртасида Ўтамиш Ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстий томонидан биографик йилнома асар яратилдики, бу асар “Тарихи Дўст султон” ёки “Чингизнома” номлари билан машҳур бўлган². “Ўтамиш Ҳожи тарихи” китобида Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қилган Жўжи авлодлари – Ботухон, Шайбон, Ўзбекхон, Ўрусхон, Тўхтамиш ва бошқалар ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Асар Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий томонидан шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига кўра ёзилган³. Ўтамиш Ҳожи бу даврда маълум бўлган тарихчилар орасида ўзининг ўтмиш тарихий жараёнларнинг билимдони сифатида кўрсата олган, қаердаки ўтмиш ҳақида бирор-бир баҳс ёки мунозарага сабаб бўладиган ҳолатларда албатта уни чақириб, маслаҳати ёки фикри сўралган. Шу сабабли шайбонийлар хонадонига мансуб бўлган Эш Султон ўзини ва аждодларини Жўжихонга бориб тақалишини, Жўжи ва унинг авлодларининг Дашти Қипчоқдаги ҳукмронлигидан бошлаб ўзи яшаб турган кунларгача бўлган тарихини энг билимдон тарихчилардан бири сифатида Ўтамиш Ҳожига топширади. Мазкур асарнинг ўзбек тилидаги нашрини амалга оширган тадқиқотчи Ғ.Каримнинг таъкидлашича, Ўтамиш Ҳожи “асарни ёзишга киришганида Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг “Дафтари”ни истисно этганда, Ўтамиш Ҳожи қўл остида ёзма тарихий манбалар деярли бўлмаган. Шунинг учун у ўз асарини асосан ўзи йиғган оғзаки ривоятлар асосида ёзган”⁴. Ўтамиш Ҳожининг ўз асарини яратишда оғзаки ривоятлардан фойдаланганлигини академик Б.Аҳмедов ҳам таъкидлаб ўтган эди, асарнинг Олтин Ўрда ва Жўжи авлодлари ҳақидаги маълумотлари афсонавий ривоятларга асосланган бўлиб, Тўхтамишхон (1380-1395 йй) ҳақидаги воқеалар баёнида узилиб қолган⁵.

Бевосита Ўтамиш Ҳожининг сўзларига эътибор қиладиган бўлсак, муаллифнинг ўзида шу мазмундаги таъкидлар учрашини кўриш мумкин.

¹ Воҳидов Ш. Мунис ва Огахий. “Фирдавс ул-икбол”. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б. 3.

² Мустакимов И.А. Арабографикные нарративные источники по истории тюрко-татарских государств XV–XVIII вв. // Средневековые тюрко-татарские государства. Сборник статей. Выпуск 5: Вопросы источниковедения и историография истории средневековых тюрко-татарских государств. – Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, 2013. – СС.48-53.

³ Аҳмедов Б. Ўтамиш ҳожи ва унинг «Чингизнома» асари ҳақида // e-tarix.uz

⁴ Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 3.

⁵ Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари: (Био-библиографик маълумотнома). – Т.: “Чўлпон”, 2003. –ББ. 76-77.

Бу ҳақда муаллиф шундай ёзади, - “ ... тилар эдимки, Чингизхон ўғлонларидан ул Дашт вилоятинда хон бўлгондин сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не ватга тегру на тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлук уруш ва не турлук можаролар кечти - буларнинг барчасини камоҳақ билсам”¹. Ўтамиш Ҳожининг бу сўзларидан кўриш мумкинки, муаллиф Дашти Қипчоқда мўғуллар хукмронлигининг ўрнатилишидан бошлаб то ўзи яшаб турган вақтгача бўлган даврларда кимлар хонлик тахтида ўтирганлиги, уларнинг давлат бошқаруви, давлатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаёти ва уларга боғлиқ жараёнлар, Жўжи авлодларининг ўзаро муносабатлари ва улар ўртасида кечган сиёсий курашлар тарихининг асл мазмуни ва моҳияти билан, ҳақиқатда қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича билишга ва тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Бироқ бунда етарли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, ахборотнинг етишмаслиги ва манбаларнинг йўқлиги ҳақида таъкидлаб ўтади. -“Таворихларки кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлгонлари мазкур эрмас эрди”².

Шундай бир вазиятда муаррих ўз олдига қўйган мақсадга эришиш ва айни вақтда хон топшириғини бажариш учун имконият излайди ва энг аввало юқорида айтилган масалалар бўйича тарихий жараёнларнинг билимдонлари бўлган ровийларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. – “Чун манга доия ул эрдиким, буларнинг аҳволидин камоҳақ билсам, бу жиҳатдин ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусиға мувозана қилиб, маъқулини хотиримда гизлаб, номаъқулни бартараф қилур эрдим”³. Муаллифнинг бу таъкидларидан кўриш мумкинки, у қўлга киритган ахборотларни синчиклаб ўрганган, мавжуд ахборот ва маълумотлар билан таҳлилий равишда таққослаб, маълумотларнинг тўғрилигига аниқлик киритган ва энг ишончли, энг сара деб ҳисоблаган маълумотларни асардаги воқеалар ва тарихий жараёнлар тафсилотларига киритган⁴. Муаллифнинг юқорида келтирилган “таворихларки кўрдим...” жумласига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг ихтиёрида маълум

¹ Камоҳақ – ҳақиқатда қандай бўлган бўлса. Қаранг: Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 6.

² Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 6.

³ Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 7.

⁴ Илхомов З. Хоразм тарихнавислик мактаби ва Ўтамиш Ҳожининг оғзаки тарих тадқиқотлари (Ilkhomov Ziyovutdin.The khorezm scientific sholl of history and oral historikal researches of Otamish Hodja). Ўтмишга назар. 2020 йил 2-сон. – ББ. 36-47.

даражада ёзма тарихий манбалар ҳам мавжуд бўлган, бироқ уларда келтирилган маълумотлар ва уларнинг тафсилотлари муаллифнинг таъкидлашича, қониқарли даражада бўлмаган бўлиши мумкин. Ўтамиш Ҳожининг ўз асарига маълумотларнинг аксарият қисмини оғзика тарих асосида тўплаганлигини тарихчи Б.Аҳмедов ҳам таъкидлаб ўтган эди: - “Ўтамиш хожи ўтган замонлар ҳақида билимдон одамлардан сўраб-суриштириб кўп ривоятлар тўплаган ва тез фурсат ичида ўзи ҳам ривоятларни яхши билувчи киши сифатида танилган. Хулласи калом, Ўтамиш хожи ўзига керак бўлган ривоятларни кунт билан битта-битталаб йиғиб, Дашти қипчоқ ва Қозоғистон тарихидан катта фактик материал тўплади. Лекин улардан фойдаланганда танқидий услубга амал қилди, ривоятларни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, сўнг китобига киритди”¹. Тадқиқотчи И.А.Мустақимовнинг кўрсатишича, Ўтамиш Ҳожи асарни ёзишда Олтин ўрда тарихига оид ёзма манбалардан ҳам фойдаланган, фақатгина тахмин қилинишича, бу ёзма манбалар оғзаки ахборот ёки достонлар, афсоналар ва ривоятлар бўлган бўлиши мумкин².

Айни вақтда муаллиф томонидан амалга оширилаётган тадқиқот объектининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тахмин қилиш мумкинки, оғзаки маълумотлар ёзма манбалардаги маълумотларни тўлдириш ва уларга аниқлик киритиш эҳтиёжи мавжуд бўлганлиги учун тўпланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, шундай бўлсада, муаллиф ўзи тўплаган маълумотларнинг ишончли эканлигига даъво қилмайди, балки асосан оғзаки тарих, оғзаки маълумотларга асосланган асарининг хатолардан ҳоли эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади ва китобхонлардан бу ҳолатни инобатга олишларини сўрайди. -“Ғараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нусхани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азилардин ва улўғ-кичикдин, ёронлардан илтимос улдурким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нусхада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасини эшитмак бирла битиб турурмен”³.

Ўтамиш Ҳожи ҳам ўз асарини қандай вазиятда ёзилганлигини, ундаги маълумотларга қанчалик ишонч билдирилиши ёки билдирилмаслигини, асарда келтирилган маълумотларни ўқиш ёки улардан фойдаланиш чоғида уларга танқидий ёндашиш лозимлигини қуйидаги сўзлар билан таъкидлаб ўтади: -“ Машхур турурким, қулоқ эшитган

¹ Аҳмедов Б. Ўтамиш хожи ва унинг «Чингизнома» асари ҳақида // e-tarix.uz

² Мустақимов И.А. Арабографичные нарративные источники по истории тюрко-татарских государств XV–XVIII вв. // Средневековые тюрко-татарские государства. Сборник статей. Выпуск 5: Вопросы источниковедения и историография истории средневековых тюрко-татарских государств. – Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, 2013. – С. 48-53.

³ Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 7.

сўзнинг кўпраги ёлғон дерлар. Ногоҳ, агар хатоси ё ғалати воқеъ бўлмиш бўлса, ғалатни чиқариб хатосини рост қилсалар”¹. Шу тариқа Ўтамиш Ҳожи ўз асарининг ёзилиши жараёнлари, асар учун маълумотларнинг тўпланиши ва уларнинг танқидий таҳлилининг амалга оширилиши ва асарга киритилиши, шунга қарамай аксарият маълумотларнинг оғзаки манбалардан олинганлигини сабаб, уларда ҳақиқатга нисбатан ривоятга мойиллик кучлилиги кабилар ҳақида таъкидлаб, асарини ўқиш ва ундан фойдаланиш жараёнида албатта танқидий ёндашув зарурлигини таъкидлаб ўтади. Ўтамиш Ҳожи ўзи ёзган китобнинг аксарият маълумотлари, воқеалар тафсилотлари, тарихий жараёнларнинг талқини асосан оғзаки тарихга асосан яратилганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади.

Шу ўринда тарих фанининг назарий масалалари борасида фанда бир қатор қарашларни илгари сурган таниқли тарихчи олим И.Ковальченконинг фикрларини келтириб ўтишни ўринли деб ҳисобладик, унинг таъкидлашича, манбанинг юзага келиши жараёнининг ўзи ахборотлашиш ва ахборотлаштириш жараёнидир. Манбанинг яратувчиси ёки тарихнавис манбани ёзиш жараёнида аниқ мақсадни кўяди ва бир қатор вазифаларни амалга оширади. Манба муаллифининг ўзи воқеликнинг бир қисмидир. Яхши ёки ёмон манбалар бўлмайди, булар тадқиқотчининг таҳлилга ёндашуви ва қўллаётган тадқиқот методларининг самарадорлигига боғлиқдир².

Хулоса сифатида айтиб ўтиш ўринлики, Марказий Осиё халқлари дунё халқлари орасида ўзининг бой ва қадимий тарихига эга халқлардан саналиши билан бир қаторда бу халқларнинг тарихи ва унда содир бўлган барча жараёнлар шу халқларнинг вакиллари томонидан ёзиб қолдирилган турли мазмундаги минглаб манбаларда акс эттирилган. Ўрта Осиёнинг ўрта асрларда яшаб ижод қилган тарихчи муаллифларининг тарихнавислик фаолияти ўзида ўрта аср Шарқ тарихнавислиги анъаналарини тўла акс эттира олиши билан бирга айни вақтда Ўрта Осиёда ўзига хос тарихнавислик мактабларининг шаклланиши ва тараққий этиши, қолаверса жаҳон тарих илмининг ривож топишида катта ўрин тутган.

¹ Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 8.

² Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. – М., «Наука». 1987.

ҚЎҚОН ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБИ ВА ТАРИХИЙ-ИЛМІЙ ФИКРЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ ҚАРАШЛАР

З.ИЛҲОМОВ, т.ф.н., доцент
Д.НАЗАРОВА, магистрант
З.АДҲАМОВА, 4-курс талабаси
Низомий номидаги ТДПУ

Тарихнинг фан сифатида шаклланиши ва қарор топишининг тарихий жараёнига назар ташлар эканмиз, антик даврлардан бошлаб энг янги давргача унинг билиш объекти ва предметиға бўлган муносабатлар, қарашлар ва фикрлардаги турли-туман ёндашувларни кузатиш мумкин-ки, бу ёндашувлар узоқ вақтгача асосий баҳс ва мунозалар мавзуси бўлиб келди, даврлар давомида у ёки бу даражада такомиллашиб, мукаммаллашиб борди. Айниқса Европа ва Америкалик тарихчиларнинг бу борада билдирган ва ўз вақтида қизғин баҳс ва мунозараларға сабаб бўлган турли фикрларини кўриш мумкин. Шарқ тарихнавислиги, хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида яшаб ижод қилган бир қатор тарихчилар, шоирлар ва адиблар ҳам кейинги ўн аср вақт давомида ўзларининг тарихий-маънавий ижодларида ўз фикрларини, қарашларини ёзиб қолдирганлар.

Бугунги кунда замонавий тарих фани ва унинг предмети сифатида аниқ (конкрет) жамият ва унинг шакллангандан бошлаб таназзулигача замон ва макондаги тараққиёти бир бутун ҳолатда ва айни вақтда унинг ички таркибий тузилишлари, шунингдек бошқа аниқ (конкрет) жамиятлар билан алоқадорлиги ва муносабатлари тушуниладиган бўлса, бу борада буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг фикрлари ҳам эътиборға моликдир, унинг таъкидлашича, “... қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир”, яъни, Беруний тарихнинг бошланишини кишилиқ жамиятининг шаклланиши билан боғлиқлигини кўрсатиб беради¹.

Ўрта Осиё тарихчиларининг тарихни ёритишдаги, тавсифлаш ва талқин қилишдаги объективлик ва холислиқ анъаналари кейинги асрларда ҳам давом эттирилди. XIX аср ўрталари – XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида Қўқон, Тошкент, Бухоро, Хоразм тарихнавислик мактаблари шаклланди, булар орасида айниқса Қўқон тарихнавислик мактабини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Қўқон тарихнавислик мактабида нафақат хонлик тарихини акс эттирувчи, балки

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т. Фан? 1968. – 50; Қаранг: Алимова Д, Илҳомов З. Тарих фани методологияси. – Тошкент, «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2018. – Б. 85.

жаҳон тарих фанида ноёб манбалар сифатида эътироф этилган бир неча ўнлаб асарлар яратилди, асарлар муаллифларининг тарихни ўрганиш ва унга бўлган ёндашишлар тўғрисидаги бир қатор фикрлари ёритиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тарих фанининг барча соҳалари қаторида давлатчилик тарихи масалаларига, хусусан, Қўқон хонлиги тарихини ўрганишга бўлган имкониятлар ҳам ниҳоятда кенгайиб борди, хонлик тарихининг турли соҳаларини ёритиб берган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Гарчи Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш деярли икки аср мобайнида давом этиб келаётган бўлсада, сўнгги чорак аср давомида амалга оширилган илмий тадқиқотлар хонлик тарихини ўрганишда катта натижаларга эриша олганлигини эътироф этиш лозим.

Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихида Қўқон хонлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган давлат саналган. Хонлик тарихига назар ташланса, унда хонликнинг ташкил топишидан бошлаб, сўнгги кунларигача мураккаб сиёсий жараёнлар, кескин ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар ҳукм сурганлигини кўриш мумкин.

Деярли икки аср давомида амалга оширилган мазкур тадқиқотларда турли илмий-назарий ёндашувлар ва ғоявий муносабатларни кўриш мумкин, айрим ҳолатларда эса тарихий жараёнлар ва воқеликни объектив баҳоламаслик жиҳатлари ҳам кўзга ташланади. Хонлик тарихини ёритишдаги бундай ҳолатлар шундан далолат берадики, аввало, бу муаммонинг долзарблик жиҳатлари бугунги кунларгача ҳам нафақат Ўзбекистон, Россия ва Марказий Осиё давлатлари тарихчилари томонидан, балки дунёнинг бошқа мамлакатлари мутахассислари томонидан кенг кўламда ўрганилаётган бўлса, айтиш мумкинки, бу борада амалга оширилган ишларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда масаланинг тарихшунослик нуқта-назаридан чуқур таҳлил қилинишини ҳам талаб этади. Бу эса энг аввало Қўқон хонлиги тарихининг барча жабҳаларини ёритиб берувчи манбаларнинг ўрганилишига ва улардаги тарихий тавсиф ва талқиндаги ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб беришни долзарб илмий муаммо сифатида тадқиқотчилар олдида турга муҳим вазифага айлантириши шубҳасиздир.

¹ Воҳидов Ш.Х. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари докт. илм. дараж. олиш учун ёзилган диссертация. 1998 й; Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари). – Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002й.

Қўқон тарихнавислик мактаби намояндалари томонидан 40 га яқин асарлар ёритилган бўлса ҳам¹, ҳозиргача улардан фақат баъзилари махсус тадқиқ этилган. Жумладан, Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб у-таворих” асари², Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жахоннамои” асариз³, Абу Убайдуллох Тошкандийнинг “Хулосат ул-ахвол” китоби⁴, Муҳаммад Юнус Тоибнинг “Тарихи Алиқули Амирлашкар”⁵, Умидийнинг “Мактубча-йи хон” рисоласи⁶ ва Муҳаммад Ниёзнинг “Тарихи Шохрухий” асари⁷ ўрганилган. Бу даврда яшаган ва ижод қилган олимлар ва тарихчиларнинг тарих ва тарих фани, тарих илми ҳақида келтириб ўтган фикрларидан ҳам англаш мумкинки, Шарқ, хусусан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан тарих фани соҳаларига эътибор кучли бўлган ва айни вақтда тарихнавислар фақатгина тарихий жараёнларни тавсифлаш ёки манбаларни таҳлил этиш кабилар билан чекланиб қолмасдан, балки тарих ва тарих фани ҳақида, уни қандай ёзиш ёки таҳлил қилиш кераклиги каби масалалар юзасидан ҳам ўзларининг илмий-назарий ва фалсафий фикрлари ва қарашларинини кўрсатиб ўтганлар⁸.

Бу даврда яратилган асарлар орасида Шарқ тарихнавислик анъаналари асосида “дунёнинг яралишидан бошлаб” то XIX аср ўрталаригача бўлган давр тарихини ўз ичига олган асарлардан бири сифатида Муҳаммад Ҳакимхон ибн Маъсумхон тўранинг «Мунтахаб ат-

1 Воҳидов Ш.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри... дисс. – Т.: 1998. - 302 б.

2 Хуршут Э “Мунтахаб ат-таворих” как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII-XIX вв. // Общественные науки в Узбекистане - 1984, №7.- С. 76-42

3 Воҳидов Ш. Аваз Муҳаммад Аттор Хукандий и его сочинение “Тарих-и джаханнамаи” (исследование перевод и примечания). Автореф.дис.канд.ист.наук. – Тошкент, 1990.

4 Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства. // Известия АН УзССР. - 1957. №3 -С.33-38.

5 З.Илҳомов. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни. Тарих фан.ном....дисс. – Т., 2004; З.Илҳомов. Амирлашкар тарихи. – Т. 2013.

6 Воҳидов Ш. Сочинение Муҳаммад Умара Умиди “Мактубча-йи хон”// Адабий мсрос, 1990. - №2 (52). - С 60-63.

7 Бейсембиев Т.К. “Тарихи Шахрухи” - как исторический источник. - Алма- Ата: Наука, 1987. -200 с.

8 Илҳомов З. Ўрта аср шарқ тарихнавислиги ва тарих фанининг ривожланиши. “Педагогик кадрлар тайёрлаш: тарихийлик, замонавийлик, истикбол” республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Т., 2015. – 60-62-бб.

таворих» (Сайланган тарихлар китоби) китобини кўрсатиб ўтиш мумкин.

«Мунтахаб ат-таворих»нинг манбалари жуда ҳам кўп бўлган. Қўқон тарихчиларининг асарлари форс-исломий тарихнавислиги асосида шаклланган бўлиб, уларда умумжаҳон ва локал (махаллий) тарихга бағишлаб ёзилган асарлар учрайди. «Мунтахаб ат-таворих» асари умумжаҳон тарихига бағишлангани боис муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён қилган. Шунинг учун тақдим этилаётган маълумотларнинг дастлабки қисми бошқа кўплаб тарихий ва адабий манбалар асосида битилган. Шу сабабли улар оригиналлик касб этмай, асарнинг қолган қисми учта мавзуга, яъни Бухоро манғитлари тарихи, Қўқонда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифнинг чет элларга саёхати баёни бўйича тақсимланар экан, бу маълумотларнинг барчаси Муҳаммад Ҳакимхоннинг ўз қаламига мансуб қимматли манба ҳисобланади²

Мулло Аваз Муҳаммад ибн Мулло Рўзи Муҳаммад Сўфи - Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамои» асари муаллифнинг таъкидлаб ўтишича, - “Одам Алайҳиссалом тарихидан бошланиб, то шу вақт, Сайид Муҳаммад Худоёрхон зуҳуригача баён қилинади...”³.

Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий асарида ҳам Шарқ тарихнавислиги хусусиятларини яққол кузатиш мумкин, хусусан, асарнинг асосий воқеалар баёнигача қадар бўлган қисмида диний-илоҳий тарих баён қилинган бўлса, асарнинг асосий қисмидаги воқеалар тафсилотлари хронологик изчилликда ёритиб берилган. Кўпгина тарихчилар қатори Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий ҳам ўз асарини ёзишда Қўқон хонлиги тарихига оид кўплаб манбаларни ўрганиб чиққанлиги, аввалги китобларда учраган ихтилофларни аниқлаб, ўз асарида уларга тузатишлар киритиб борганлигини таъкидлаб ўтади:

- “... “Мунтахаб ут-таворих” номли кичкина китобча қўлимизга тушиб қолди. Ундан яна бир нусха кўчиришни ният қилиб, унинг ҳар бобида келтирилган ривоятларнинг ихтилофларига кўзимиз тушди. Шунинг учун биз дўст-биродарларимиздан ҳар турли тарих китобларини сўраб олдик. ... улардан фойдаланиб бир китоб битдикким, уни ўқиган ҳар бир мухлис таҳсин ва офарин айлар”⁴.

1 Хуршут Э. “Мунтахаб ат – таварих” и его источники. Общественные науки в Узбекистане. 1986 г. №12. – С. 39-44.

2 Хуршут Э. “Мунтахаб ат – таварих” и его источники. Общественные науки в Узбекистане. 1986 г. №12. – С. 39-44. Қаранг: Мунтахаб ат-таворих. // tavorix.uz

3 Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамои // Шарқ юлдузи. - 1998, №6. – Б.120

4 Ўша жойда.

Бу билан муаллиф ўз даврида тарих асарлари ёзишнинг ёки бошқача айтганда, тарихий тадқиқотларнинг мавжуд анъаналарига тўла риоя қилганлигини кўриш мумкин. Айтиш вақтида айрим воқеалар тафсилотларини ёритишда маълумотларни бадиийлаштириш, муболаға қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, 1864 йилнинг июль ойида Россия империяси қўшинларининг Чимкентга қилган ҳарбий юришларида мағлубиятга учраши ва сулҳ сўраб Қўқон саркардаси Алиқули Амирлашкар ва Қўқон хони Султон Саййидхон ҳузурига вакил юборганлиги воқеаси ҳақида қўйидаги тавсиф келтирилган: - "... фирўзлик хусрави бўлмиш қуёш ўзининг жаҳонтоб ва зарнигор байроғини осмон қалаъсидан кўтариб, зарфишон ўқлари билан ҳабаш сипоҳи – қора тун қўшинини паришон қилган пайт... кўп ўрус кофирлар бошланг, кулоҳларини қўлга олиб, қўрқиб узр сўраш учун Алимқул¹ сардор ҳузурига келдилар"².

Таъкидлаб ўтиш керакки, муаллиф хонлик сиёсий тарихига оид маълумотлар, Минг сулоласининг давлат тепасига келиши ва унинг кейинги даврлардаги тарихи жараёнларини ўзидан аввал яшаган ва ўз асарларида ёзиб қолдирган муаллифлар асарлари асосида ўрганиб, катта эҳтимоллий аниқлик билан ўз асарида ёритиб берган бўлса, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб хонликнинг Россия империяси билан муносабатлари тарихига алоҳида эътибор қаратади. Бунда воқеалар баёни уларда иштирок этган гувоҳлар маълумотлари ва шахсан ўзи гувоҳ бўлган ҳолатлар ва жараёнларни ёритилиши билан янада муҳим аҳамият касб этади.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод қилган фарғоналик тарихчи Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибрат Тўрақўрғоний инсонларни ўз ўтмиши ва аждодлари, яшаб турган ватани ва унинг ўтмишини билиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади ва тарихни ўрганишга даъват этади: - "...инсон анча-мунча бақадри илми башарият таворихдан билмак лабудда ўлмоқи маълумдир. Лоақал киши ўз муваттин ерини билмак заруриётдандур. Билмаса, тафосир ва

¹ Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғли - (1832/33 йил Бужунбиткон, – Андижон - 1865 й 9 май, Тошкент) Қўқон саркардаси, 1858-1865 йилларда Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган, Маллахон даврида (1858-1862 йй) юқори лавозимларга эришган, Султон Саййидхон даврида (1863-1865 йй) “амир ул-умаро”, амирлашкар унвонига эга бўлиб, хонликнинг сиёсий ҳаётига катта таъсир ўтказган. Батафсил қаранг: З.Илҳомов. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни. Тарих фан.ном....дисс. – Т., 2004; З.Илҳомов. Амирлашкар тарихи. – Т., 2013.

² Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамои // Шарқ юлдузи. - 1998, №6. – Б.122

аходисларда ва таворихларда мубаййиндурки, кўрмак ва билмак илмдандур”¹.

Ибратнинг илмий-тарихий асарлари («Тарихи Фарғона», 1916 й; «Тарихи маданият», 1925 й; «Мезон уз-замон», 1926 й) Кўкон хонлигининг вужудга келишидан то XX асрнинг 30 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олган. Ибрат ўзининг “Тарихи Фарғона” асарида кўпгина тарихий жараёнларни ва уларнинг тавсифини, шахслар фаолияти ва уларнинг тарихий жараёнлардаги иштироки ва бошқа шу каби бир қатор ҳолатларни баён этиб берган бўлсада, инсон жамият тараққиёти ва унинг тарихидан хабардор бўлиши, ҳеч бўлмаганда ўзи яшаб турган ватани, туғилиб ўсган замини тарихини билиши лозимлигини, бу ҳатто тафсир ва ҳадисларда ҳам шарт этиб қўйилганлиги ва бу ҳам илм эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тарихчи Мулло Олим Маҳдумхожа эса “Тарихи Туркистон” асарида тарихга шундай таъриф беради: - «...Илми таворих [тарих илми] нинг фойдамандлиғига тамоми фирқа муттафиқ ур-ройдурлар. Аксар тавойифи умам, балки, тамоми аҳли олам бу илмни амалга қўюб, гумоштагонлариндин ривоят ва ҳикоятлар қилиб, онинг ўзлариға далил қиладурлар”².

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудларида тарих фани, тарих илми ва тарихнавислик борасидаги илмий қарашлар ҳақида сўз юритганда юқорида номлари келтирилган олимлар ва тарихчиларнинг тарих ва тарих фани, тарих илмий ҳақида келтириб ўтган фикрларидан ҳам англаш мумкинки, Шарқ, хусусан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан тарих фани соҳаларига эътибор кучли бўлган ва айни вақтда тарихнавислар фақатгина тарихий жараёнларни тавсифлаш, манбаларни таҳлил этиш кабилар билан чекланиб қолмасдан тарих ва тарих фани ҳақида, уни қандай ёзиш ёки таҳлил қилиш кераклиги каби масалалар юзасидан ҳам ёки замонавий тарих фани нуқтаи-назаридан олганда фаннинг методологик масалалари борасида ҳам ўзларининг илмий ва назарий фикрларини кўрсатиб ўтганлар.

¹ Ибрат. Тарихи Фарғона. – Т., Мерос. 1991.

² Мулло Олим Маҳдумхожа. Тарихи Туркистон. - Т., Янги аср авлоди, 2010.

**XVI-XVII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА
ТАРИХНАВИСЛИКНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ
(“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарлари мисолида)**

*З.ИЛҲОМОВ, т.ф.н., доцент
Н.ХОЛМОНОВА, магистрант
Низомий номидаги ТДПУ*

Тарих ва у билан боғлиқ тушунчалар барча даврларда ва барча халқларда илмий мунозараларнинг диққат марказида турган бўлиб, булар албатта тарихнинг фан сифатида қарор топиши ва тараққий этиб боришида муҳим роль ўйнаган. Бу борада албатта Шарқ тарихнависи, хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида яшаб ижод қилган бир қатор тарихчилар, шоирлар ва адиблар ҳам кейинги ўн аср вақт давомида ўзларининг тарихий-маънавий ижодларида ўз фикрларини, қарашларини ёзиб қолдирганлар. Аслида тарих ва фанга оид дастлабки тушунчалар ва қарашлар Геродот ва Фукидид асарларидаги тадқиқотлардан бошланган. Улар асосан инсоният тараққиётида тарихни ҳаракатлантирувчи куч сифатида тавсифлаган бўлсалар, Августин динга эътиқод қилувчилар қарашларини акс эттирган ҳолда илоҳий давлат тарихи фалсафасини яратди. Гегель дунёвий ақл-заковат, умуминсоний тафаккур, инсоният ҳатти-ҳаракати ва ақл-идроқи уйғунлиги асосида юзага келган, онг ва тафаккур ҳукмрон бўлган яхлит борлиқни тарих деб тушунтиради. Ф.Бекон тарихий ҳақиқатни аниқлашда энг аввало тадқиқот объекти ўрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг айнан ўзи эмас, балки, унинг моҳияти ва уни юзага чиқарувчи оддий табиий омиллар бўлиши шартлигини таъкидласа, Э.Кондильяк билишни энг оддий – ҳис этиш ва фикрлаш орқали амалга ошириш керак деган фикрни илгари суради. Аксарият назарийчилар ўзлари таклиф қилган ва назарий жиҳатдан асослаб берган услублари ҳақиқатни англаш ва бу борада ҳар қандай хатоликлардан ҳоли бўлишда асосий эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Энг асосийси бу ғоялар ва ёндашувлар аксарият ҳолларда бири иккинчисини тўлдириб, мукаммаллаштириб келса, бошқа ҳолатларда тарихий ҳақиқатни англашда энг мақбул йўл ва услубни танлаб олиш имкониятини таъминлайди.

Тарихни англаш ва уни билиш назариясининг шаклланиши борасида маълум маънодаги жиддий қарашларни илгари сурган назариячилардан бири немис файласуфи ва “абсолют идеализм” тизимининг асосчиси Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770 йил 27 август, Штутгарт —1831

¹ Илҳомов З.А. Ўрта аср шарқ тарихнависи ва тарих фанининг ривожланиши. “Педагогик кадрлар тайёрлаш: тарихийлик, замонавийлик, истиқбол” республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 60-62.

йил 14 ноябрь, Берлин) эди. Гегель дунёвий ақл-заковат, умуминсоний тафаккур, инсоният ҳатти-ҳаракати ва ақл–идроки уйғунлиги асосида юзага келган, онг ва тафаккур ҳукмрон бўлган яхлит борликни тарих деб тушунтиради.

Бугунги кунда замонавий тарих фани ва унинг предмети сифатида аниқ (конкрет) жамият ва унинг шакллангандан бошлаб таназзулигача замон ва макондаги тараққиёти бир бутун ҳолатда ва айни вақтда унинг ички таркибий тузилишлари, шунингдек бошқа аниқ (конкрет) жамиятлар билан алоқадорлиги ва муносабатлари тушуниладиган бўлса, бу борада буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг фикрлари ҳам эътиборга моликдир, унинг таъкидлашича, “... қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир”, яъни, Беруний тарихнинг бошланишини кишилик жамиятининг шаклланиши билан боғлиқлигини кўрсатиб беради.² Бу сўзларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, тарих фанининг предмети инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқликда акс этса, Беруний бу фикрларни Гегелдан бир неча асрлар аввалроқ илгари сурган эди.

Бундай назариялар ва тарихни ўрганишга бўлган турли ёндашувлар ва услублар кўпчиликни ташкил қилиб, улар турли даврларда шаклланган ва хатто бугунги кунда ҳам янги-янги ёндашувлар шаклланимоқда. Шарқда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ижод қилган фозил кишилар томонидан яратилган тарих, шунингдек география ва фалсафага оид асарларнинг аксариятида тарихий жараёнлар ва воқеаларни ёритиб беришга катта ўрин берилган. Қизиғи шундаки, XV асргача бўлган даврдаги бу асарлар муаллифлари орасидан (Наршахий, Жувайний кабиларни ҳисобга олмаган ҳолда) биронтасини айнан тарихчи деб кўрсатиш мушкул ёки улар саноклигина, сабаби шарқ тарихнавислигининг, асосан ислом олами тарихнависларининг кўпчилиги тарихдан бошқа соҳаларда ҳам етук олимлар ва фозил кишилар ҳисобланган. Бу эса уларга тарих соҳасидаги билимларни фақатгина рўйи-рост воқеаларни тавсифлаш орқали эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабаблари, мазмуни ва натижалари ҳамда оқибатларини ҳам таҳлил қилган ҳолда, уларнинг алоҳида шахс ёки инсонга ва айни вақтда мамлакатга, жамиятга таъсирини фалсафий мушоҳадалар орқали ёритиб

1 Alimova D.A., Ilhomov Z .A. Tarix fani metodologiyasi. – Toshkent, “Navro‘z”, 2019l. – B. 194.

2 Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968.– Б. 50.

3 Ilhomov Z., N.Xolmonova. O‘rta Osiyoning o‘rta asrlar davri tarixini o‘rganishda “Tarixi Rashidiy” asarining ahamiyati Respublika ilmiy amaliy konferentsiyasi ilmiy tўplami. – Toshkent. TДПУ, 2018. – Б. 11-14.

беришларига имкон берган. Тарихни ёритишга бўлган бундай ёндашувни Абу Наср Фаробий, Низомулмулк, Абу Райҳон Беруний каби олимларнинг турли вақтларда ёзилган асарларида кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, шарқда тарихга қизиқиш, инсоният тарихий тараққиёти босқичларини ўрганиш кенг тараққий этган. Бу борада юқорида айтиб ўтилганидек нафақат тарихий мазмундаги, балки бир асарнинг ўзида бир неча соҳалар ҳақидаги, яъни тарихий, фалсафий, тарихий-фалсафий ва тарихий-бадий мазмундаги кўплаб фикрларни ўз ичига олган, уларнинг таҳлили, тавсифи ва шарҳлари бериб ўтилган кўплаб нодир асарлар яратилган. Тарихчилар томонидан яратилган юзлаб тарихий, географик, этнографик, маданият ва санъат, адабиёт ва меъморчилик, иқтисодий ҳаёт ва мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ҳамда дипломатик муносабатлар ҳақидаги қимматли ва турли-туман мазмундаги маълумотларни ўзида жамлаган асарлардан ҳам кўриш мумкинки, улардаги манбалар муаллифлари томонидан тарихий воқеалар ва жараёнларнинг ёритилиши, тавсифи, таҳлили ва айрим ҳоллардаги танқидий хулосалари ва мулоҳазалари кабилар тарих фани ҳақидаги кейинги асрларда (асосан XVIII асрдан бошлаб) Европада юзага келган фалсафий ёндашувларнинг ҳам асосий элементларини кузатиш мумкин. Шарқ тарихчилари, хусусан ўзбек халқининг фарзандлари саналган Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар ан Наршахий, Абулғозий Баҳодурхон, Ибрат, Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий каби бир қатор тарихнавислар ҳам ўз асарларини яратиш жараёнида тарих илми ҳақида қатор қимматли фикрлар ва фалсафий ёндашувларини баён этганлар. Юқорида номлари келтирилган олимлар ва тарихчиларнинг тарих ва тарих фани, тарих илми ҳақида келтириб ўтган фикрларидан ҳам англаш мумкинки, Шарқ, хусусан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан тарих фани соҳаларига эътибор кучли бўлган ва айни вақтда тарихнавислар фақатгина тарихий жараёнларни тавсифлаш, манбаларни таҳлил этиш кабилар билан чекланиб қолмасдан тарих ва тарих фани ҳақида, уни қандай ёзиш ёки таҳлил қилиш кераклиги каби масалалар юзасидан ҳам ўзларининг фалсафий фикрларини кўрсатиб ўтганлар. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Шарқ тарихнавислигида ҳам тарихни ёритишда ўзига хос тарзда шаклланган назарий ёндашувлар ёки услублар мавжуд бўлган. Шарқ тарих тарихнавислиги ва тарихнависликнинг назарий масалалари юқоридаги хусусиятлар атрофида юзага келган ва шаклланиб борган. Бироқ улар шарқ тарихнавислиги ва унинг назарий масалалари моҳиятини ва мазмунини муфассал очиб бера олмайдики, бу борада ҳали

¹ Илҳомов З.А. Ўрта аср шарқ тарихнавислиги ва тарих фанининг ривожланиши. – Б. 60-62.

яна кўплаб чуқур илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши бугунги тарих фани тадқиқотларининг долзарблигини яна бир карра оширади. Ўрта Осиёда тарихнависликнинг энг тараққий этган даврларидан бири сифатида XV-XVII асрлар оралиғини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, бу даврда яратилган тарих асарларида тарихий жараёнларнинг ёритилиши ва бунда тарихнависларнинг ёндашувларида ўзига хос жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, тарих асарларида тарихий баён ва тарихий жараёнларнинг кўлами ва даврийлиги масалаларига алоҳида урғу берилган. Тарихий баён ва воқеаларнинг тафсилотлари, жараёнларнинг тавсифида нисбатан конкретлик жиҳатларининг мукаммаллашиб борганлигини кузатиш мумкин. Бу давр тарихи ва тарихий географияси ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлган ноёб асарлардан бири шубҳасиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” номи билан машҳур бўлган “Вақоеъ” асаридир¹. Асарнинг асли номи “Бобурия” бўлсада, уни “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеоти Бобурий” деб атадилар, кейинчалик асар “Бобурнома” деган ном билан машҳур бўлиб кетди².

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо адабий, илмий-назарий асарлари қатори «Бобурнома»нинг ҳам ўрганилмаган тарафлари, қирралари шунчалар кўпки, уларни бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги қадриятларимизни тиклаш, ундан баҳраманд бўлиш, ёшларда юксак ватанпарварлик руҳиятини тарбиялаш каби долзарб масалаларда алоҳида ўрин тутадиз. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш хорижий Шарқ мамлакатлари – Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Туркияда ҳам анча жонланди. Асарлари, хусусан, “Бобурнома” турк ва урду тилларига таржима қилинди, унинг маънавий мероси ҳақида турли мақола ва рисоалар ёзилди⁴.

Бобур ўз асарини ёзишда тарихий воқеаларни қатъий изчилликка асосланган ҳолда, ҳар бир йилда содир бўлган воқеаларни батафсил тавсифлаб беришга ҳаракат қилади. Бобурнинг тарихий жараёнларни тавсифлаб бериш услубига назар ташлар эканмиз, унда тарихий воқеалар ва ҳодисаларнинг содир бўлган вақти ва жойи ҳақидаги маълумотларнинг батафсил келтирилиши билан бир вақтда бу маълумотларнинг бирор-бир манбага асосланган ҳолда эмас, балки бевосита ўзи гувоҳ бўлган ва иштирок этган жараёнларни ва айни вақтда ахборот тарзида

1 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Т.: “Юлдузча”. 1989. - 368 б.

2 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 3.

3 Қудратуллаев Х. Бобурнинг разведка маҳорати. <http://www.e-tarix.uz>

4 Бобожонова Ш.Ш. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижтимоий – ахлоқий қарашлари. Фалсафа фан.номз. дисс. Тошкент, 2002. – Б. 5.

йиғилган маълумотлар асосида ёзганлигини ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, замонавий тарих фани тушунчалари билан қарайдиган бўлсак, тадқиқот жараёнида келтирилган воқеалар ва уларнинг тафсилотлари манбалар асосида, далиллар билан мустаҳкамланган ҳолда илгари сурилиши, асослаб берилиши талаб этилади, акс ҳолда келтирилган маълумотлар ёки хулосалар илмий аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Бунда албатта барча даврларда бўлгани каби, манбалар ва уларда келтирилган маълумотлар, уларнинг ишончлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, оғзаки тарих тарих фанининг нисбатан янги илмий йўналиши бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадаллик билан ривожлана бошлади. Замонавий тарих фанида оғзаки тарихга бир қатор таърифлар берилади, хусусан, ғзаки тарих илмий фан саналиб, унинг ёрдамида (ёки тадқиқот доирасида) оғзаки ахборот олиш орқали алоҳида шахсларнинг ўтмиш ҳақидаги субъектив қарашлари қайд этилади. Яна бошқа тушунчага кўра, оғзаки тарих воқеалар ва жараёнларнинг иштирокчилари ёки гувоҳларининг оғзаки ахборотларининг мутахассислар томонидан илмий жиҳатдан умумлаштирилишидир. Учинчи бир таърифга кўра, оғзаки тарих бу - бўлиб ўтган воқеалар иштирокчиларининг шахсий хотиралари ва тажрибаларини ўтмиш ҳақидаги маълумотларни қайд этиш ва сақлаб қўйиш мақсадида ташкилий методик жиҳатдан амалга ошириладиган илмий фаолиятдир¹. Шуларни инобатга оладиган бўлсак, Бобурнинг ўз асарини ёзишида оғзаки тарих масалалари устувор ёндашув бўлганлигини кўриш мумкин.

XVI асрда яшаб ижод қилган ва тарихнавислик соҳасида бирмунча мукамал натижаларга эриша олган тарихчилардан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар бўлиб, унинг бугунги кунларгача иккита йирик асари етиб келган. Муҳаммад Ҳайдар машҳур «Тарихи Рашидий» тарихий асарининг ва «Жаҳоннома» номли географияга оид туркий шеърӣ рисола муаллифи. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрда Марказий Осиёда ва Яқин Шарқда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни адолат мезонлари асосида ёритгани, муаллифнинг ўзи тасвирлаган воқеалар юзасидан теран фикр-мушоҳадаларини ифодалагани айни ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам биз энг аввал тарихнавис, саркарда ҳамда ўз замонининг йирик давлат арбоби сифатида таниймиз².

Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари 1541-1546 йилларда ёзилган. Ҳайдар Мирзо ўз китобига “Тарихи Рашидий” деб ном

¹ Устная история. // studfilts.net

² Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Жаҳоннома. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б. 4.

қўйган. Китоб Султон Саидхоннинг ўғли Абдурашидхон номига битилган.

Рус шарқшуносларидан бири В. В. Вельяминов-Зернов бу асар ҳақида шундай деган эди: -“Тарихи Рашидий” асари, айниқса, унинг иккинчи қисми ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бу асар сўнгги Чигатой ҳукмдорлари тарихини ёритиб берувчи ягона манба ҳисобланади. Муаллифнинг барча кўрган кечирганлари юзасидан тавсифлаган воқеаларида очиклик, аниқлик ва холислик етакчи ўринда туради. Бундай ҳолатни муаллифдан кутиш мумкин эди, чунки, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳақиқий ҳолатида тавсифлаш учун унга имкон берган эди”².

Таниқли олим Н.Жўраев тарих фани тадқиқотлари борасида сўз юритиб, бунда манбаларнинг ўрни, айниқса, манбаларда ҳар қандай воқеа-ҳодисалар, тарихий далиллар чуқур илмий таҳлил этилиши, назарий хулосалар илгари сурилиши, тадқиқот объекти қилиб олинган давр ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўрганилиши ва ўша давр воқеалари моҳиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этилиб, тадқиқот объекти бўлган даврнинг илмий-назарий моҳияти очиб берилиши жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиб, бундай манбалар қаторида Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотчилар асарнинг бир қатор хусусиятларига асосланган ҳолда «Тарихи Рашидий» асарига ҳақли равишда Шарқ мемуарчилик санъатида «Бобурнома»дан кейинги иккинчи ўринда эканлигини эътироф этадилар⁴.

Юқоридаги фикрларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, бу даврда яшаган ва ижод қилган олимлар ва тарихчиларнинг тарих ва тарих фани, тарих илми ҳақида келтириб ўтган фикрларидан ҳам англаш мумкинки, Шарқ, хусусан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан тарих фани соҳаларига эътибор кучли бўлган ва айни вақтда тарихнавислар фақатгина тарихий жараёнларни тавсифлаш ёки манбаларни таҳлил этиш каби билан чекланиб қолмасдан, балки тарих ва тарих фани ҳақида, уни қандай ёзиш ёки таҳлил қилиш кераклиги каби масалалар юзасидан ҳам ўзларининг илмий-назарий ва фалсафий фикрлари ва қарашларинини кўрсатиб ўтганлар.

1 Ilhomov Z., N.Xolmonova. O'rta Osiyoning o'rta asrlar davri tarixini o'rganishda "Tarixi Rashidiy" asarining ahamiyati Республика илмий амалий конференцияси илмий тўплами. – Тошкент. ТДПУ, 2018. – Б. 11-14.

2 Рукописи произведений Рузбихана и Мухаммад Хайдар Дулати // studbooks.net

3 Жўраев Н. Тарих — инсон, замон ва макон фалсафаси. Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал №3/2017. – ББ. 227-241.

4 Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Бобур подшоҳ («Тарихи Рашидий»дан) // Ziyouz.uz

ИНТЕРЕС АХМЕТ ЗАКИ ВАЛИДИ ТОГАНА К ИСТОРИИ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аскарый МАДРАИМОВ

*PhD кафедры "История народов
Центральной Азии и Источниковедения", ТГУВ*

Ахмад Заки Валиди Тогана (1890, аул Кузьян, Стерлитамак, Уфимская губерния, Башкордостан - 1970, Турция) выдающийся востоковед, автор свыше четырехсот статей и монографических исследований², в которых особо место занимает история народов Центральной Азии.

Данная статья посвящена ответу на вопрос, какое место занимала история народов Центральной Азии в богатом научном наследии А. З. Валиди Тогана. Как известно о творчестве ученого созданы многочисленные статьи и книги, среди которых мы хотели бы отметить «Материалы к библиографии Ахмет-Заки Валиди Тогана» составленный Р.М.Булгаковым, «Заки Валиди Тоган» Тунджера Байкары и «Научная деятельность Ахмет Заки Валиди Тоган в Туркестане» М.Абдурахманова.

Надо отметить, что в огромном научном наследии А. З. Валиди Тогана значительное место занимает история и культура Туркестана исламского периода, потому что с ранней научной деятельностью его творчество и политическая жизнь была связана с этим краем.

Что интересно с самого начала своей научной деятельности А. З. Валиди Тоган приступил к изучению многовековой истории тюрко-мусульманских народов, имея собственную, независимую национальную позицию. С 1917 по 1923 г. он принимал активное участие в политической борьбе за независимость тюрко-мусульманских народов.

¹ А.З.Валидов согласно законам Турецкой Республики получил фамилию Тоган, однако большинство опубликованных его статей и трудов на русском языке были подписаны Валидов, Валиди. При обращении и цитировании различных источников, его фамилия и имя оставлены так, как в оригинале.

² Подробно о произведениях ученого см: Материалы к библиографии Ахмет-Заки Валиди Тогана / Составитель Р.М.Булгаков.-Уфа: 1996; Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоган / Составление, перевод на русский язык, дополнения, указатель Р.М.Булгакова, А.М.Юлдашбаева. – Уфа: Китеп, 1998; Абдурахманов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане.-Ташкент: Фан, 2004 и др.

³ Материалы к библиографии Ахмет-Заки Валиди Тогана / Составитель Р.М.Булгаков.-Уфа: 1996; Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоган / Составление, перевод на русский язык, дополнения, указатель Р.М.Булгакова, А.М.Юлдашбаева. – Уфа: Китеп, 1998; Абдурахманов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане.-Ташкент: Фан, 2004 и др.

По утверждению Нихал Атсыза¹, «отличительной особенностью процесса становления великого историка являлась способность вникать в суть исторических процессов, подробно анализировать письменные источники, выделяя истину и ошибочные стороны, правильно интерпретировать взаимосвязь современных событий с событиями прошлого, умение находить историческую истину в эпосах и преданиях. А. З. Валиди Тоган в полной мере обладал именно этими качествами»².

Как писал впоследствии А. З. Валидов, «период моей жизни в возрасте от 18 до 26 лет прошел в больших трудностях, в учебе, преподавании, научных изысканиях, сначала на моей родине в Башкирии и Казани, потом в путешествиях и исследованиях в Фергане, Петербурге и Бухаре: это дало мне возможность обрести довольно широкую научную среду»³.

Книга А. З. Валиди Тогана «История тюрков и татар» была написана на базе использования большого объема публикаций. Наиболее значимые из них ученый указал в отдельном списке. В их числе произведения историка и правителя Абулгази Бахадур-хана (XVII в.), французского историка Леона Каена, турецкого историка Наджиба Асима, российских ученых Ш. Марджани, М. Пинегина, М. Рыбушкина, П. Рычкова, М. Рамзи, Н. Березина, А. Васильева, В. Вельяминова-Зернова и др. В тексте книги встречаются ссылки на труды вышеуказанных авторов⁴. Изданная в 1911 г. книга «История тюрков и татар» («Турк ва татар тарихи») принесла автору широкую известность⁵, поскольку эта работа имела большое значение как для тюркологии в целом, так и для историографии тюркских народов в частности, в том числе для изучения истории Туркестана. За эту работу его избрали членом Общества археологии, истории и этнографии при Казанском университете. Это общество направило молодого ученого в археографическую экспедицию в Ферганскую область. Экспедиция оказалась довольно результативной. Поэтому в 1914 году Российская Академия наук и Русский комитет для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях, направили на вторую

¹ Атсыз Нихал (1905–1978) – широко известный в Турции ученый, журналист, писатель и политический деятель, автор популярных романов «Смерть Бозкуртов (Серых волков)», «Бозкурты (Серые волки) оживают», «Храбрые волки».

² Юлдашбаев А. М. Известный и неизвестный Заки Валиди. – Уфа, 2000. – С. 51.

³ Togan Zeki Velidi. Hatıralar. Turkestan ve diger musulman dogu turklerin milli varlik ve kultur mucadeleri. - Istanbul, 1969; "Воспоминания", 1997. – С. 44.

⁴ Там же. – С. 21; Салихов Г. А. Научная деятельность А. Валидова в России. – Уфа: «Гилем», 2001. – С. 63.

⁵ Как писал Т. Байкара, книга опубликована в конце 1911 г., на титульном листе указан 1912 г. См.: Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоган. – С. 17.

археографическую экспедицию в Бухарское ханство. Сообщения о результатах обеих экспедиции были опубликованы в журналах Русского Археологического общества в Петербурге, Общества археологии, истории и этнографии в Казани и «Протоколах» Туркестанского кружка любителей археологии.¹

По мнению Исанбике Тоган, дочери ученого, "Эта книга («Турк ва татар тарихи» - А.М.), написанная как труд, призванный охватить историю всех тюрков, для науки того времени обладала новаторским качеством. Вместе с тем этот труд носит в себе также влияние некоторых местных особенностей.

Всего А.З. Валиди Тогана за все время своего научной деятельности опубликовал более 447 трудов. Надо констатировать тот факт, что кроме опубликованных статей и произведений, ученый оставил богатое наследие в виде рукописей и подготовленных материалов к печати. В книге Тунджар Байкары приложена статья Н.Тоган, И.Арыджанлы, Т.Байкара «Бумаги, отложившиеся в результате деятельности А.З. Валиди Тогана и размещенные по папкам»².

Судя приведенным данным этой статьи в общей сложности, в архиве ученого имеются 160 пронумерованных и еще 40 не пронумерованных папок рукописей и документов.

Изучение научного наследия, статей и книг Ахмат Заки Валиди Тоган, которые опубликованы и не опубликованы, дает право прийти к выводу, что любовь и интерес к истории и культуре Туркестана, в том числе к истории Центральной Азии, где еще в пору молодости и начале своего творчества провел несколько лет ученый, оставили глубокий след. В результате чего появились очень важные статьи и книги, которые являются важным вкладом в изучение культурного наследия нашего народа, внесшего огромный вклад в сокровищнице мировой цивилизации.

Упомянутые статьи и книги написаны и опубликованы А. З. Валиди Тоганым на турецком, английском, урду и других языках. Долг наших ученых, изучить это богатое наследие и достойно оценить вклад историка в изучение истории народов Центральной Азии.

¹ Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества.-Петербург: 1915. Т.22, стр.303-320; Его же. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества.-Петербург: 1916. Т.23, стр. 245-262; Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоган. Стр. 17; Абдурахманов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане. Стр. 73-108.

² Там же, стр.293-308.

ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ТАРИХИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

Рустам ШУКУРОВ

Низомий номидаги ТДПУ,

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунё сиёсий харитасидаги ўзгаришлар тарих фани тадқиқотларида ҳам маълум даражада ўзининг таъсирини кўрсатди. Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Айниқса, турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари ва фикрлари, хулосаларнинг турличалиги, уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ҳамда холисликка асосланган энг тўғри хулосаларни чиқариш бугунги кун тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Ўзбек хонликлари тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда ва ҳозирги кунгача хонликлар тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта. Ўтган бир ярим аср мобайнида хонликлар тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар бу тадқиқотларга бўлган эътиборни янада кучайтиради. Кейинги чорак аср давомида ўзаро муштарак тарихга эга бўлган Марказий Осиё давлатлари тарихчилари томонидан турли даврларда Ўрта Осиёда ҳукм сурган давлатлар ва халқларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти жараёнлари, манавий ва маданий ҳаёти тарихи, этнографияси ва бошқа масалаларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди, кўплаб монографиялар ва илмий мақолалар эълон қилинди. Бу тадқиқотлар орасида XVI-XX аср бошлари - хонликлар даври тарихига бағишланган тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қилади. Хонликлар тарихига оид тадқиқотлар доирасида Х.Зияев, Ш.Воҳидов, Г.Агзамова, З.Илҳомов, А.Дониёров, Қ.Ражабов, О.Масалиева ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ва чоп этилган асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

¹ Қаранг: Зиёев Х. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. (XVII- XX аср бошлари). Т.: Шарқ, 1998; Агзамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. - Т., Ўзбекистон, 2000; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент: Фан, 1996; Воҳидов Ш.Х. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари докт. илм.

Ўзбекистон тарихчилари, Тожикистон тарихчилари, Россия тарихчилари томонидан Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид бир неча ўнлаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва илмий асарлар яратилди. Гарчи бу тадқиқотлар замонавий тарих фани тадқиқотларининг энг сўнгги талаблари асосида амалга оширилаётган бўлсада, баъзи масалаларда айрим ихтилофларни кузатиш мумкин, бу эса албатта амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлилининг долзарблигини ва илмий муаммонинг муҳимлигини янада оширади. Айниқса, амалга оширилган илмий тадқиқотларда Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи масалалари, сиёсий тарихининг ички ва ташқи муносабатлар билан боғлиқ масалалари, ҳарбий ва дипломатик алоқаларининг таҳлили ва бошқа масалалар алоҳида тадқиқ этилган бўлсада, уларнинг тарихшунослик нуқтаи-назаридан қиёсий таҳлилини амалга ошириш ҳар икки давлатлар тарихи ҳақида янада тўлиқроқ ва мукамал маълумотларнинг умумлаштирилишига имкон беради. Шу жиҳатлари билан Марказий Осиё ва Россия тарихчилари томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг умумий илмий-тарихий таҳлили замонавий тарихшунослик тадқиқотлари доирасида хонликлар тарихининг ўрганилишида янада муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда ўзбек хонликлари тарихининг ўрганилишига бўлган эътиборнинг янада кучайиб бориши бу борада амалга оширилаётган тадқиқотлар мавзуларининг ва уларда кўтарилаётган муаммолар илмий ечимига қаратилган масалаларнинг янада конкретлашиб, аниқ илмий муаммоларнинг илмий ечимига эга бўлиб бораётганлиги билан аҳамиятлидир. Юқорида кўрсатиб ўтилган тарихчилар билан бир қаторда Марказий Осиё давлатларининг бир қатор тарихчилари ҳам ўз илмий тадқиқотларида ўзбек хонликлари тарихининг у ёки бу масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар билан биргаликда бошқа мавзулардаги илмий ишларнинг айрим қисмларида хонликлар тарихига оид маълумотларни ҳам келтириб ўтмоқдаларки, уларда хонликлар тарихига оид айрим маълумотлар долзарб аҳамият касб этади.

Масалан Қирғизистонлик тарихчи Е.Г.Гарбузарова ўзининг илмий тадқиқот ишида XIX аср дунёнинг энг йирик империялари – Россия ва Буюк Британиянинг Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий рақобатчилик

дараж. олиш учун ёзилган диссертация. 1998 й; Илҳомов З, ва бошқ. Ўзбек хонликлари тарихшунослиги. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2011й; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Масалиева О. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиги тарихини XX аср Англия ва Америка тарихшунослигида ўрганилиши. Тарих фан...номзоди дисс... – Т., 1998.

масалалари ва бу сиёсий жараёнларда ўзбек хонликларининг ўрнини кўрсатиб берувчи бир қатор маълумотларни келтириб ўтган¹.

Диссертация ишида Россия империяси ва Буюк Британиянинг XIX аср иккинчи ярмида Марказий Осиёдаги геополитик, ташқи сиёсий ва ҳарбий-сиёсий масалалардаги муносабатлари тарихининг илмий тадқиқи амалга оширилган бўлиб, унинг тадқиқот доирасига нафақат Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги, балки Хива хонлиги, Шарқий Эрон, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Помир ва туркманлар худудларига нисбатан ҳар икки империянинг ҳарбий-сиёсий дипломатик муносабатлари тарихи илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Тадқиқотчининг кўрсатиб ўтишича, Марказий Осиё масаласи Англия ва Россия империялари ўртасидаги ҳарбий-сиёсий рақобатчиликнинг энг юқори нуқтаси бўлган, хаттоки бу икки давлат ўртасидаги ҳарбий – сиёсий кескинликнинг юзага келиши Қрим урушидан (1853-1856 йй) кейин эмас, балки айнан Марказий Осиё масаласида юзага келган².

Хонликлар тарихининг айрим масалаларида эса айрим ихтилофлар ва тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Масалан Қозоғистонлик тарихчи Баҳадыр Айтай ўзининг «Әлімқұл Хасанбиұлы Әмірлашкер» («Алимул Хасанбий ўғли – Амирлашкар») номли мақоласида Алиқули Амирлашкарнинг шахси, унинг фаолияти, келиб чиқиши ва амалга оширган ишлари юзасидан ўзининг бир қатор хулосаларини кўрсатиб ўтади. Жумладан, у Алиқулининг келиб чиқиши борасида сўз юритганда бир қатор илмий адабиётларда ва манбаларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда Алиқули Амирлашкарнинг миллати борасида сўз юритиб, уни қирғизларнинг қипчоқ уруғидан эканлигини кўрсатиб ўтади. Айрим фикрларида эса ноаниқликка йўл қўяди, хусусан 1858-1862 йилларда Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хон Маллабекнинг ўғли Муҳаммад Сайидхон номидан оталиқ сифатида фаолият кўрсатганлиги ҳақида хато маълумотни қайд этади, аслида бу жараён 1863-1865 йилларда амалга оширилган, шунингдек унинг исмини ҳам «Алимул» тарзида нотўғри кўрсатади³.

Қирғизистонлик тарихчи Т.Кененсариев томонидан ёзилган ва Қўқон хонлигининг XIX аср 60-йилларидаги тарихий жараёнларида муҳим ўрин тутган ҳарбий саркардаси Алиқули Амирлашкар

1 Гарбузарова Е.Г. Геополитический аспект противостояния Российской и Британской империй в Центральной Азии в XIX веке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2010. Стр.10.

2 Гарбузарова Е.Г. Геополитический аспект противостояния Российской и Британской империй в Центральной Азии в XIX веке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2010. Стр.14.

3 Баҳадыр Айтай. «Әлімқұл Хасанбиұлы Әмірлашкер». // okmpi.kz.

тўғрисидаги ёзилган “Еще раз об Алымкуле Лашкер башы...” номли мақоласида “Ўзбек тарихчиси З.Илҳомов ўзининг диссертациясида Алимкул Амирлашкарнинг қирғизларнинг қипчоқ қабиласидан эканлигини кўрсатмайди”, - деб хато маълумотлар беради.

Биринчидан бу муаллиф Алиқулининг исми борасида хатоликка йўл қўйган бўлса, иккинчидан З.Илҳомовнинг “Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни” номли диссертациясидаги маълумотлар билан тўлиқ танишмаганлигини кўриш мумкин. З.Илҳомовнинг диссертациясида биринчидан Алиқулининг исмига ойдинлик киритилган бўлса, иккинчидан диссертацияда Алиқулининг тўлиқ таржимаи ҳоли ва қайси уруғдан эканлиги манбалар асосида аниқ кўрсатиб қўйилган².

Мамасалы Акматовнинг мақоласида Алиқули Амирлашкар ва унинг ҳаёти, фаолияти борасида бир қатор маълумотларни Муҳаммад Юнус Тоиб ва Мулло Ҳолбек асарлари асосида кўрсатиб берилган. Бироқ бунда келтирилган айрим маълумотлар манбаларда келтирилган маълумотлардан фарқланади. Масалан, Алиқулининг Тошкент мудофаасида жанг қилаётган вақтида унинг хоинлик йўлига ўтган удайчиси томонидан отиб ўлдирилганлиги барча манбаларда ҳам ўз аксини топмаган³. Бу борада Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадиди Тошканд” асари бошқаларга нисбатан ишончли манба саналади, сабаби, Алиқули умрининг сўнгги соатлари айнан Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳамроҳлигида кечган ва ҳаттоки Алиқули айнан унинг уйида вафот этиб, шу ердан Шайхонтохур қабристонига чиқарилиб, дафн этилган. Бу фикрларни “Тарихи жаҳоннамои” асарининг муаллифи Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий ҳам ўз маълумотларида таъкидлаб ўтади⁴.

Қирғизистонлик тарихчи В.П.Яншиннинг илмий тадқиқоти Россия империясининг XIX асрнинг 50-70-йилларида Марказий Осиёда амалга оширган ҳарбий юришлари тарихига бағишланган бўлиб, унда Россия империясининг ўзбек хонликлари ҳудудларига ҳарбий йўл билан кириб келиши масалари ёритиб берилган. Бу жараённинг юз бериши ва амалга оширилишига сабаб бўлган бир қатор омиллар, хусусан, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий омиллар ҳақида илмий-таҳлилий фикрлар

1 Ташманбет Кененсариев. “Еще раз об Алымкуле Лашкер башы...” <http://kghistory.akipress.org>

2 Илҳомов З.А. “Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни”. Тарих фанлари номзоди дисс. Т.2004. 61-б.

3 Акматов М. Алымкул Аталык. http://aimak.kg/taryhyi_okuyalar

4 Қаранг: Илҳомов З. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан ном дисс. Т. 2004. 141-147-бб;

билдирилган¹. Диссертациянинг иккинчи боби тўлиғича Россия-Қўқон муносабатлари тарихига бағишланган бўлиб, унда ҳар икки давлат ўртасида XIX асрнинг 30-70 йиллари давомида амалга оширилган сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тарихига кенг тўхталиб ўтилган, шу билан бирга Россия империяси томонидан Қўқон хонлигига нисбатан амалга оширилган ҳарбий юришлар ва уларнинг оқибатлари кўрсатиб берилган. Шунингдек тадқиқотда Марказий Осиёнинг Бухоро амирлиги, Тянь-Шань ва бошқа ҳудудларига нисбатан амалга оширилган ҳарбий юришлар ва босиб олинган ҳудудларда чегараларнинг белгиланишга оид маълумотлар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Тожикистонда амалга оширилган илмий тадқиқотлардан яна бири Мехди Жафарзодага тааллуқли бўлиб, бу тадқиқотчи ўз илмий изланишларида Марказий Осиё давлатларининг Эрон билан савдо ва дипломатик муносабатлари тарихини тадқиқ қилган².

Тадқиқотда Марказий Осиё давлатлари – Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва Хива хонлигининг савдо ва иқтисодий алоқалари тарихини кўрсатиб бериш билан бирга, Россия, Англия, Эрон, Афғонистон ва Синцзяндан Марказий Осиё давлатлари бозорларига олиб келтирилган моллар ва уларнинг турлари, ҳажми ва бошқалари ҳақида кенг таҳлилий маълумотларни келтириб ўтади. Шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива ва Қўқон хонликларининг Астрахан, Оренбург, Урал ва Жанубий сибир ҳудудларидаги савдо-иқтисодий алоқаларини ҳам таҳлил қилишган ҳаракат қилган, тадқиқот давомида хонликларнинг ташқи савдо-иқтисодий муносабатлари тарихининг бир қатор жиҳатларини манбавий маълумотларга асосланган ҳолда ёритиб берган.

Хулоса сифатида айтиб ўтиш керакки, ўзбек хонликлари тарихи ва бу борада амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар нафақат Ўзбекистонда, балки, Марказий Осиё давлатлари тарихчиларининг ҳам доимий диққат марказида бўлган ва ўзининг долзарблигини сақлаб қолган, шу жиҳатдан қараганда бу борада Марказий Осиё тарихшунослигида хонликлар даври тарихига бағишланган тадқиқотлар кўпчиликини ташкил қилади. Гарчи уларнинг айримларида турли ихтилофлар ва тафовутлар кўзга ташлансада, айтиш мумкин уларда хонликларнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи масалалари, ташқи муносабатлар билан боғлиқ масалалари, ҳарбий ва дипломатик алоқаларининг таҳлили ва

¹ Яншин В.П. Продвижение России в Центральную Азию и присоединение Тянь-Шаня и Алая :XIX век. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2006. Стр.6.

² Мехди Джафаризаде. Дипломатические и торгово-экономические взаимоотношения Средней Азии и Ирана в XIX в. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе. 2012. Стр. 5-9.

бошқаларга оид бўлган кўплаб қиматли маълумотларни кўриш мумкин. Уларнинг тарихшунослик нуқтаи-назаридан қиёсий таҳлилини амалга ошириш эса Марказий Осиё тарихини янада тўлиқроқ ва мукаммал ўрганиш имконини беради, шу жиҳатдан Марказий Осиё тарихшунослигида мавзуга оид амалга оширилган ҳар бир тадқиқот катта аҳамият этиши шубҳасиздир.

ЭНЕОЛИТ ВА БРОНЗА ДАВРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Р.М. ҚОДИРОВА

*Фарғона давлат университети
жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси*

Зарафшон водийси Марказий Осиёнинг “юраги” ҳисобланиб, бу ерда энг қадимги даврлардан бошлаб деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун қулай табиий географик шароитга эга бўлган. Айниқса бу ердан Зарафшон дарёсини оқиб ўтганлиги, бутун Самарқанд, Навоий ва Бухоро воҳаларига ҳаёт бағишлаб, қадимда Амударё бўйларигача бўлган ерларни ҳаёт билан таъминлаган. Тожикистоннинг Ўзбекистон Республикаси билан чегара қисмида жойлашган Саразм қишлоғининг остида ва унинг жануби-шарқий томонларидаги 100 га дан ортиқ майдонни эгаллаган ёдгорлик айнан шу дарё ёқасида пайдо бўлиб шаклланган.

Бу ёдгорлик Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган бўлишига қарамай, унинг сувини энг қадимги деҳқончиликни пайдо бўлиши учун, ёки деҳқончиликни ривожлантириш учун ишлата олишмаган. Яъни энеолит даври деҳқон жамоалари Зарафшон дарёсининг сувини жиловлаб ерларга тақсимлаш имконини ҳали энеолит даврида, ҳатто бронза даврида ҳам бажара олмас эдилар. Шунинг учун Саразм турар-жой макони деҳқон жамоаларининг жойлашган ерига эътибор берилса, фақат жануб томондаги Зарафшон тоғларидан оқиб тушадиган Отчопарсой, Чумалисой ва Шўрновасой этакларини эгаллаб, уларнинг сувларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар.

Саразмликлар Отчопарсойнинг этак қисмида, “Ойимкўл” яқинидаги макон, кичик сойнинг сувини охирига ўрнашган эдилар. Унинг теварак атрофларида ҳам деҳқончилик қилиш учун яхши унумдор ерлар кўп бўлган ва деҳқончилик маданиятининг илк бошланғич даврларида айнан ана шундай жойларда бободеҳқонларнинг қишлоқлари қад кўтарган.

Ҳаммада ҳам савол туғилиши табиий бу ердаги “Саразм маданияти” қаердан ва қачон пайдо бўлди? Бу маданият келгинди маданиятми, ёки шу ернинг ўзида пайдо бўлган маданиятми?

Бу маданиятнинг маҳаллий илдизларини қидиришнинг фойдаси йўқ дейишади, маҳаллий мезолит ва неолит даври маданиятларини ўрганган олимлар. Чунки, Зарафшон дарёси ҳавзасида Саразмдан олдинги маданиятлар неолит даврининг калтаминор ва сазағон маданиятлари овчи қабилаларига тегишли бўлиб, улар негизидан Саразм деҳқонларининг аجدодларини қидиришга асос йўқ. Чунки саразм маданиятларининг илдизлари юқорида таъкидлаганимиздай, бевосита ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисмлари ва Эроннинг шимолий қисмларидаги Кўксур (Геоксур) воҳасининг қадимги деҳқончилик маданияти қабилаларига бориб тақалади. Шу билан бирга саразм маданиятининг келиб чиқишида маҳаллий хисор, сазағон маданиятларининг таъсири ҳам бўлганликлари ва бу жараёни ўрганишда стратиграфик қазилмалардан олинган кулолчилик маҳсулотларининг ўрнининг аҳамияти катта эканлигини М.Х.Исомиддинов ишларида кузатиш мумкин. Шунинг учун у “Зарафшон дарёсининг юқори оқимида пайдо бўлган илк деҳқончилик маданияти, маҳаллий неолит даври жамоаларининг ривожланиши ва бу жараёнда албатта Геоксур маданияти жамоаларининг қатнашиши асосида вужудга келди”, деган.

Саразда археологик тадқиқот ишлари билан бевосита шуғулланган А.Исаковнинг хабар беришига қараганда, бу жойда ҳаёт узлуксиз 1,5 минг йил (энеолит ва бронза даврларида) давом этган². Ёдгорликнинг умумий майдони 100 гектарга яқин. У катта-кичик ва ҳар хил баландликдаги 10 та тепаликлардан иборат. Ёдгорликнинг анча қисми ўтган асрларда аҳолининг ҳовли-жой қурилиши ва унинг устидан ўтказилган суғориш иншоотлари туфайли бузилиб кетган. Тепаларнинг қолган учдан бир қисмигина сақланиб қолган. Олиб борилган қазилма ишлари натижасида бу ердаги турар жой манзилгоҳининг тўртта маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланди.

Саразм I даврида бу жойда янги этник гуруҳ қишлоғи пайдо бўлди ва қурилган уй-жой комплексларининг (қазилма II) шимол, шимоли-ғарбий ва ғарбий томондан ярим айлана мудофаа девори билан ўраб олинади. Қадимги Саразмнинг марказий қисмида (қазилма IV) Саразм I даврига тегишли уруғ жамоасининг хилхонаси пайдо бўлади. Қадимги

1 Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Самарканд.: 2002 г, с.178

2 Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). – Душанбе.: Дониш, 1991.с.5

Саразмда ўрганилган бу хилхона жанубий Сибирнинг Афанасьева маданияти хилхоналари сингари доира шаклидаги тош ғов (диаметри 15 м) билан ўраб олинган, унинг ичига 5 та қабр жойлаштирилган. Тош ғовнинг марказий қисмидаги қабрга уч киши (эркак, аёл ва ўспирин) кўмилган. Аёлга тегишли қабр ашёвий далилларга қараганда, у ўз жамоасида катта ижтимоий нуфузга эга бўлган. У ўша давр урф-одатларига кўра, байрамона кийим-бошлари билан кўмилган.

Унинг кийимларига феруза, лаъл, сердолик, новшадил каби қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар қадалган. Бош кийими ҳам бой тақинчоқлар билан безатилган. Майдалаб ўрилган соч толаларига 49 та олтин мунчоқлардан иборат шодалар осиб қўйилган. Кўлларига денгиз чиганоғидан ишланган билакузуклар тақилган. Аёл жасади ёнидан дастали жез ойна, суякдан ишланган бигиз, 5 та урчуқтош ва иккита терракота аёл мабудаси топилган. Хилхонанинг бошқа қабрларида мархум ва мархумаларга аталган ашёвий далиллар учратилмаган.

Саразм I даври уй-жой комплекслари ва хилхонани қазиш вақтида сиртига монохром рангли нақш солинган сопол парчалари ҳамда нақшсиз, сиртига тиниқ қора сир берилган кулранг сопол парчалари топилган. Стратиграфик шурфнинг Саразм I даврига тегишли қатламидан мис ханжар, I қазишмада очилган хоналардан Номозгоҳ II даврига тегишли полихром рангли мураккаб нақш (ковровый орнамент) солинган сопол парчалари ҳам учратилган. Саразм I материалларининг комплекси тадқиқот муаллифининг фикрига кўра, Жанубий Туркменистоннинг Номозгоҳ II даври қадимги деҳқончилик маданиятини эслатади.

Саразм II – Саразм маданиятининг шаклланиш даври. Бу даврда қишлоқ ҳудуди анчагина кенгайди, алоҳида қурилган кўп хонали ҳовлилар, улар таркибида доира шаклидаги алтарли хонаки ибодатхоналар пайдо бўлади. Кенг ва тор кўча ва ҳовлилари билан йирик уй-жой массивларининг шаклланиши юз берди (2-4 қазишмалар). Марказида думалоқ меҳроблари билан алоҳида қад кўтарган қизил рангли монументал ибодатхоналар пайдо бўлади. Турар-жой хоналари тегишли ички уй жиҳози билан катталашади, яъни тўқимачилик дастгоҳларини жойлаштиришга мослаштирилади.

Меморий комплекслар бурчакларини Номозгоҳ IV (илк бронза) даври учун характерли тўрт қиррали устунлар (пилястрлар) билан безаш бошланади. Сопол идишлар сиртини турли-туман рангли бир хил рангда (монохром) безаш ва тиниқ сирли кулранг идишлар яшаш сопол буюмлар ишлаб чиқариш ҳунармандчилигида етакчи ўринга кўтарилади. Бу давр

¹ Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). – Душанбе.: Дониш, 1991.с.5

сопол идишлари орасида баъзида Калтаминор маданиятига тегишли сопол парчалари учрайди. Демак, бу эса, Саразм маданиятининг шаклланишида маҳаллий аҳолининг иштироки борлигидан далолат беради ¹.

Саразмликларнинг ташқи алоқалари кенгайди (Белуджистон, Кветта, Сеистан-Шаҳри Сохта). Металлургия ҳунармандчилиги изга тушади: мадан конларини қидириш, кондан руда қазиб олиш, уларни Саразмга келтириш, руда эритиш, ундан турли хил меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясаш кескин ошган. Ҳар хил тоғ жинсларидан меҳнат ва жанговар ҳарбий қуроллар ясаш (қадоктош, тумортош, лангарча, келитош, эшик ўқи ости тоши, тош коса, тош стаканчик, қабила сардори чуқморининг тоши (булава), урчуқтош ва бошқалар) юксак даражада ривожланган.

Саразм III даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ўзининг юксак чўққисига кўтарилади. Манзилгоҳнинг барча территорияси уй-жой қурилиши ва ҳунармандчилик маҳаллалари билан қопланган. Турар-жой массивлари ва ҳунармандчилик маҳаллалари орасида ижтимоий ва диний характердаги монументал бинолар пайдо бўлган (3-4 қазишмалар). Кўпхонали турар-жойларнинг ҳовлилари тобора катталашиб борган ва улар ҳудудий доирасида кулолчилик хумдонлари ва металлни қайта ишлаш устахоналари (2-4 қазишмалар) пайдо бўлган. Ҳунармандчилик соҳасида ихтисослашув юз беради. Кулолчилик соҳасида ичи ва сиртига қорамтир қизғиш сир билан пардозланган қора ва кулранг сополлар кескин камаяди, уларнинг ўрнини тиник, қизғиш ва қизил сир берилган сополлар эгаллайди. Бу хилдаги сополлар илк Номозгоҳ VI даври сополига характерли бўлиб, бу хилдаги сополларни пардозлаш Саразм маданияти бадий кулолчилик мактабининг услубий ананасига айланади. Бундай услубда сопол ишлаб чиқариш Сополлитепа кулолчилиги учун ҳам характерли эди.

Саразмда ўрганилган ҳовли-жойлар таҳлилига келсак, III қазишма майдонида уч қурилиш босқичларидан иборат уй-жой комплекслари очилган. Биринчи уй-жой мажмуаси материк устида қад кўтарган, ундан фақат айрим хоналарнинг баъзи бир деворлари сақланган. Иккинчи қурилиш босқичи ҳовли жойлари 225 кв м майдонни эгаллаган 70 см баландликдаги платформа устига қурилган. Учинчи қурилиш босқичи уй-жойлари қалин маданий қатламлар устида пайдо бўлган. Улар иккинчи қурилиш босқичи уйларида ғарбга томон жойлашган бўлиб, булар бир ярусли икки камерали хумдон ва бир неча хоналардан иборат.

Ўрганилаётган объект ичида иккинчи қурилиш босқичи уй-жой қолдиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай уй-жой

¹ Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). – Душанбе.: Дониш, 1991, с.21

комплексларидан бири маҳобатли платформа устига аниқ режа асосида қурилган 12 та хоналарни ўз ичига олган яхлит квадрат шаклидаги монументал бино бўлиб, улардан тўрттаси квадратнинг узунаси бўйича коридор шаклида қад кўтарган, бинонинг марказий қисмини қолган 8 та хоналар эгаллаган. Улар бир-бирларига параллел қилиб қурилган тўрттадан хоналарни ташкил этади. Қурилиш режасида геометрик симметрияга қатъий амал қилинган, яъни уларнинг тўрттаси квадрат (3x3), қолган тўрттаси эса, тўғри тўртбурчак (3x3,75 м) шаклида. Улардан баъзиларида (3-4 хоналар) девор ичига ўчоқлар жойлаштирилган, биттасининг марказида айлана шаклида алтар (меҳроб) топилган. Бу бино оташпарастларнинг ибодатхонаси бўлганлигига шубҳа йўқ. Саразм ёдгорлиги бронза даври маданий турмушининг турли, жумладан, хунармандчилик, бинокорлик, деҳқончилик каби соҳалар тараққиётини ифодаловчи бой археологик комплекс манбалар берди.

Милoddан илгариги II минг йилликнинг бошларига келганда, балким ундан сал илгарироқ саразм маданиятининг номаълум сабабларга кўра ҳалокатга учраганини кўрамиз. Орадан жуда кам вақт ўтгандан кейин Зарафшон дарёсининг юқори қисмида, яъни қадимги саразм маданиятининг ўрнида Бактрия худудида пайдо бўлган ва ривожланган сополли маданиятининг акс садоси пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Бронза даврига келиб металга бўлган эҳтиёж, уни хўжаликнинг турли соҳаларига ишлатиш имкониятининг кўплиги, ҳаётда металнинг ўрнини жуда катта эканлигини кўрсатди. Археологик манбалардан маълумки, металл конлари ва уларни ишлаб-чиқариш билан боғлиқ хунармандчилик дастлаб Кичик Осиё, Яқин Шарқ ва Эрон худудларида пайдо бўлди ва ўша жойларда ривожланди. Кейинги йилларда ЎзФА Археология институтида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида илк металлургия Ўрта Осиё худудларида бошланган пайтда бронза қуйиш билан боғлиқ конлар кўпроқ Эрон худудида бўлганлиги аниқланди. Бронза буюмларини анализи билан шуғулланган олим В.Рузановнинг фикрига кўра, биздан топилган жуда кўплаб бронзадан ясалган археологик буюмларнинг таркиби Эрондаги конларни металл таркибига яқин бўлган. Бу дегани Ўрта Осиё худудларидаги бронза қуйиш ва ундан турли қурол аслаҳа ва буюмларни яшаш хунармандчилиги бутунлай бўлмаган деган фикрни бермоқчи эмасмиз. Ҳамма гап шундаки, бронзадан турли қуроллар яшаш хунармандчилиги бошланган даврда айнан ҳозирги Туркия ва Эрон худудларидаги конлар ўз даври учун жуда катта иш берган бўлиши керак. Шу билан бирга Ўрта Осиё худудларидаги конлардан ҳам фойдаланиш бошлангандан кейин бу ердаги маҳаллий конлар ҳам кенг миқёсда ўзлаштирилган.

Бу масалани ўрганишда Саразм ёдгорлигидан 13 км шарқда, Панжикент шаҳри яқинидан топилган Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига тегишли мазорни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу ёлғиз қабр 1986 йилда Зардча Халифа деб аталган жойдан чиқинди сувлар қувурини ўрнатиш пайтида топилган. Тадқиқотчи С.Бобомуллаевнинг ёзишича, чиқинди сув қувурини ётқизишда гигант экскаватор чўмичи, қабрда ётган скелетга тегиб, унинг устки қисмини бузиб кетган. Скелет ер сатҳидан 3,5 м чуқурликда, шағал қатлами устида ётган оддий ёрма гўр бўлган¹. Мазор сополли маданиятига қарашли қабрлар тузилишидан фарқ қилмайди, яъни у айвонли лаҳад шаклида бўлган. Лаҳад ғарбдан шарққа томон овал шаклида қазилган, унинг узунлиги 3,10 м. Скелетнинг оёқ-қўллари букланган, ўнг ёни билан лаҳадга қўйилган. Скелетнинг боши шимоли-ғарбий томонга қаратилган. Унинг яқинида бурама шохли архар скелети чап ёни билан қўйилган².

Мазорга қўйилган буюмларнинг жойлашиши эътиборга лойиқ. Одам бош чаноғининг қулоқ бўшлиғидан иккита олтин исирға топилган. Қолган буюмлар асосан қабрнинг жануби-шарқий қисмида тўп-тўп ҳолда учратилган. Умуман, қабрдан ҳаммаси бўлиб 30 та буюм топилган. Бу комплекс тўлиқ сополли маданиятининг жарқўтон босқичига тегишли археологик материаллардандир.

Топилмалар бронзадан ишланган тарнов чумакли коса, бўртма корпусли цилиндр идиш, юпқа бронза листдан ишланган тугма ва илгаклар, бронзадан ишланган иккита сувлик, ёлдор от бошлиқ тўғнағич, пичоқ ва ханжар, олтиндан ишланган сирға, олтин бисер-мунчоклар, олтин занжир, суякдан ишланган найча, 4 та суяк псалий, қумтошдан ишланган ҳованча сопи, феруза тошидан ясалган бисер-мунчоклардан иборат. Бироқ биз бу ёдгорликни ўтроқ деҳқон жамоаларидан қолган мазорлар деб ўйламаймиз. Яқин атрофда у даврга оид қадимги бободехқонларнинг моддий маданият излари учрамаганлиги бу археологик изланишларини етарли даражада ўтказилмаганлигидан дарак беради деб ўйлаймиз. Айнан шу типдаги бошқа бир қабрни жом археологик комплексидан топилиши фикримизни янада тасдиқлайди. Сополли маданиятининг тўлиқ ашёлари билан кўмилган бошқа маданият қолдиқлари, айниқса чорвадорларга оид мазорлар ҳақиқатдан ҳам бошқа ердан топилмаган³.

¹ Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. *Stratum*. – Спб.: 1999. №2, с. 307-313

² Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. *Stratum*. – Спб.: 1999. №2, с.313

³ Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Яркулов А.О. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла. Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. – Самарканд-Бишкек, 2005.с.37

БИР ЭКСПЕДИЦИЯ ТАРИХИДАН

А.Х. БОЛТАЕВ

*Бухоро давлат университети,
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси*

Бухоро ўлкашунослик музейи томонидан XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб ашё йиғиш мақсадида вилоятдаги туманларга илмий экспедициялар ташкил этилди. Бу ишларни дастлаб П.Е.Корнилов бошлаб берди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида Ғиждувон, Вобкент, Вардонзе ва Ғаждумак туманларида илмий-тадқиқот экспедициялари амалга оширилди¹. Кейинчалик бу каби экспедициялар кўшни вилоятларга ҳам амалга оширилди². Бухоро ўлкашунослик музейида бу каби илмий тадқиқот ишлари доимий давом этган бўлиб, XX асрнинг 80 йилларидан илмий экспедицияларга эътибор янада кучайди.

Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси томонидан 1988 йил апрель ойида қадимий, ўрта асрлар ва совет даврига оид тарихий ашёларини йиғиш мақсадида Шофиркон туманидаги Ленинобод колхозига саккиз кишидан иборат махсус илмий экспедиция ташкил этилди. Унинг аъзоларига экспедиция мақсад ва вазифалар тушунтирилиб, ҳар бир қатнашчига вазифалар бўлиб берилган. Тадқиқотнинг асосий объекти қилиб Искогарез қишлоғи танлаб олинади.

Аъзоларнинг ҳар бири учун алоҳида режа ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир қатнашчи ўзига берилган соҳа бўйича маълумот тўплаган.

Шофиркон туманидаги Ленинобод колхозини таркибида тўққизта қишлоқ⁴ бўлиб, унда 11811 киши истиқомат қиларди. Аҳолининг ярмини тожиклар ташкил қилган. Шунингдек, колхозда Рудакий номли тожик мактаби жойлашган бўлиб, унда мўъжазгина мактаб-музейи мавжуд эди⁵.

¹ Ўз МА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 843- йиғма жилд, 16-варақ.; Корнилов П.Е. Государственный Бухарский музей //Советский музей. – Москва, 1931. –№4. – С.92-96.

²Музей илмий ходимлари томонидан 1937 йил Нурота ва Кармана туманларига илмий экспедициялар ташкил этилган бўлса, 1938 йил Термиз музейи билан ҳамкорликда Шеробод туманига илмий экспедиция уюштирилди. Қаранг: Бухоро вилоят давлат архиви, 1175 – фонд, 1-рўйхат. 11- йиғма жилд, 10-12-варақлар.

³Искогаренинг маъноси ёғочдан ясалган панжшаха бўлиб, қадимда буғдай, арпа ва донли экинлар янчилгандан кейин бу панжшаха билан сомон буғдойдан ажратилган. Искогаре номи шундан олинган.

⁴ Вардонзе, Ғулумтепа, Жўйинав, Талисафед, Қийичукур, Юқоричукур, Шўристон, Маҳаллашери, Искогаре.

⁵Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 32-варақ.

Экспедиция жараёнида тўққизта қишлоқнинг учтаси ўзининг худудида археологик тепаликларни сақлаганлиги аниқланди. Бу тепаликлар археолог Ю.Хамроева томонидан текширилади. Улар ичида энг машҳури Вардонзе бўлиб, тепалик Шофиркон марказидан 25-30 км шимоли-ғарбда жойлашган ва тепалик ўрмон хўжалиги таркибига кирган. Наршахий маълумотларида Вардонзе Варахша, Пойкент, Дабу-сия ва Тавоис шаҳарлари каби қадимий бўлиб, уни Вардонхудот бошқарган деб қайд қилинади¹. Ю.Хамроева тепалик майдонини 1 гектар ва баландлигини 10-15 метр деб қайд қилади. Тепаликдан сопол бўлаклари, шаҳар қисмидан эса шиша парчалари топилади. Тадқиқот вақтида тепаликдан эпиграфик ёзувларни ўзида акс эттирган қабртошлар борлиги аниқланди².

XX аср бошларига оид ёғочдан ясалган эшиклар ва унга солинган нақшлар экспедиция аъзоларини ҳайратга солади, бунинг сирини билиш учун тадқиқотчилар экспедициянинг биринчи куни ёғоч ўймакорлиги устаси Ражаб Абдурахмонов билан учрашишади. Унинг отаси Абдурахим уста ҳам шу соҳа билан шуғулланганлигини ва арқда жойлашган Жоме масжиди эшикларига нақш солишда иштирок этганлигини таъкидлайди. Уста ёғочга ишлов бериш техникаси, унинг қонун қоидалари ва сақлаш тартиблари ҳақида экспедиция аъзоларига маълумот беради. Шунингдек, уста Бухоро хонлигида қоғоз пуллар ва қоғоз пул учун зарур бўлган қоғознинг тайёрланиш техникаси ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Чунки уста Ражаб Абдурахмонов бу жараёнга бевосита иштирок этган эди³.

Нумизматика ва эпиграфика бўлими катта илмий ходими С.Тишаева томонидан Искогаре қишлоғидаги ёши катта аҳоли билан олиб борилган суҳбат натижасида “Чимилдиқ кашон” номли маросим тўғрисида маълумотлар ёзиб олинади. Бу маросим тўйдан 20 кун кейин ўтказилган. Шунингдек, экспедиция аъзоларини кўпроқ қишлоқ аҳолисининг миллий кийимлари қизиқтирган ва улар кўпроқ шу ҳақида маълумот тўплашган⁴.

Худуд бўйича топонимик маълумотларни тўплаш ишлари тарих бўлими катта илмий ходими Ҳ.Тўраевга топширилади. Тадқиқотчи Гуломтепа ва Талисафед каби тепаликларнинг номларини манбалар ва аҳолидан олинган маълумотлар асосида тадқиқ қилган.

Экспедиция жараёнида ҳунармандчилик ускуналари ва усталарнинг номлари, косибларнинг махсулотлари, маҳаллий аҳолининг ижод

¹Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи. –Тошкент, Шарқ баёзи. 1993. 108 б.

²Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 33-варақ.

³Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 33-варақ.

⁴Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 34-варақ.

намуналари санъатшунос мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилди. Бундай жиддий вазифа амалий санъат бўлими раҳбари Қ.Жумаевга топширилган эди.

Совет даври бўйича маълумот йиғиш ишлари К.Рустамовга топширилади. У “Ленинобод” колхозининг биринчи раҳбарларидан Х.Ибрагимов ҳақида маълумот тўплайди ва колхоз раиси С.Шокировнинг колхоз правлениеси йиғилишида қилган нутқи ҳамда амалга оширилиши керак бўлган ишлар тўғрисидаги ахборотларидан намуналар жамлади.

Ю.Кузнецовага музей учун йиғилган санъат ва эпиграфика ашёларининг ҳолатини аниқлаш вазифаси топширилади. Экспедиция жараёнлари фотолавҳаларга муҳрланиб борилган ва бу иш билан фотограф Т.Шарипов шуғулланган.

Экспедицияси давомида тарихий-этнографик ашёлар, жумладан, Амир Аҳадхон тангалари, XIX ва XX аср бошларига оид каштачилик намуналари, санъат асарлари йиғилди ². Барча ашёлар низомда кўрсатилган тартибда расмийлаштирилиб, доимий сақлаш учун уларга инвентар рақамлари берилди.

Ҳисоботда қайд этилишича, экспедиция ўз олдига қўйган барча вазифаларни бажарган. Экспедиция раҳбари Ғ.Қурбоновнинг фикрига кўра, ҳар бир илмий ходим экспедицияга чиқишдан олдин ўлка тарихига доир китобларни синчиклаб ўқиб чиқиши, этнографик ашёлар йиғиш методикасини ўзлаштириши ҳамда экспедицияга чиқишдан олдин унинг мақсад ва вазифаларини ўрганиши лозим.³

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 30-80-йилларида Бухоро музейи илмий ходимлари томонидан вилоят туманларига уюштирилган илмий экспедициялар ўз ижобий натижасини берди. Унда ўлка тарихини ўрганиш, аҳолини ўз ўлкаси тарихини билишга қизиқтириш ва аҳоли қўлидаги нодир ашёларни музейга қабул қилиш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда музей томонидан бу каби илмий экспедицияларни ташкил этиш деярли тўхтаб қолган. Назаримизда, музей фаолиятининг таркибий ва муҳим қисми ҳисобланган бу каби илмий экспедицияларни қайта жонлантириш моддий-маданият ёдгорликларини асраб қолиш ва келажак авлодларга етказишнинг энг мақбул усулларидан биридир.

¹Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 35-варақ.

²Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 35-варақ.

³Бухоро вилоят давлат архиви. 1175-фонд, 1-рўйхат, 252- йиғма жилд, 35-варақ.

АЛЕКСАНДР БЕКОВИЧ-ЧЕРКАССКИЙНИНГ ХИВАГА ЮРИШИ: ЗАМОНАВИЙ РОССИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИГА ДОИР

Ж.Х. АДИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси Тарих институти докторанти

Маълумки, совет даврининг сўнгги йилларида бўлиб ўтган ғоявий ўзгаришлар тарих фанига ҳам таъсир қилди. 1991 йилдан сўнг Россияда яратилган Ўрта Осиё тарихига оид тадқиқотларда мустамлака ва совет даврига нисбатан туб ўзгаришлар кузатилади. Қолаверса, Россия замонавий тарихшунослигида янги методологияларга асосланган тенденцияларни вужудга келиши Ўрта Осиё хонликлари тарихини тадқиқ этишда янгича ёндашувларни вужудга келишига олиб келди. Россия тарихшунослигидаги бундай ўзгаришлар айниқса сўнгги 20 йил ичида жадаллашди.

Бу ҳолатни Александр Бекович-Черкасскийнинг Хива юриши мисолида кузатадиган бўлсак, ушбу мавзу тадқиқотчилари эндиликда юриш тарихини аввалги даврларда бўлганидек, бир ёқлама ўрганиш тенденциясидан воз кечиши жараёни кузатилмоқда.

1991 йилдан кечин яратилган тадқиқотларнинг ўзига хос жиҳати, юриш тарихини фанлараро ёндашув орқали тадқиқ этилишидadir. Хусусан, мавзу географик (Ю.М. Баженов, В. Ярхо, В.П. Чичагов)¹ ва геосиёсий (А.В. Белоглазов, А.А. Михайлов, М. Леонтьев, В.В. Дубовицкий, М. Ниязатов ва бошқалар)² тадқиқотлар доирасида ўрганилмоқда. Шунингдек, ушбу ишларда (П.Л. Карабущенко, А.А. Андреев, Ф.А.

¹ Баженов Ю. М. Поиск золота как стимул географических открытий: с древнейших времен до начала XIX в. // Дис. на соиск. уч. степ. канд. геогр. Наук. – М., 2009. 234 б.; Ярхо В. Из варяг в Индию. – М.: Ломоносов, 2013. 208 б.; Ўша муаллиф. Пропал как Бекович... // История. 2005. № 16(784). – 4-22; Ўша муаллиф. Пропал как Бекович. М: «Восток-Запад», 2002.; Чичагов В.П. Знания о природе Устюрта к началу XIX века и организация экспедиции Ф.Ф. Берга// Астраханский вестник экологического образования. №2 (40) 2017. – ББ.4-10.

² Леонтьев М. Большая игра. М.: АСТ; СПб.: Астрель-СПб, 2008. 319 б.; Ниязатов М. Поиски консенсуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – начале XX в. СПб.: Петербургское Востоковедение, 2011. 496 б.; Бисенбаев А. Другая Центральная Азия. – Алматы. 2003. Белоглазов А.В. Формирование Каспийского направления Российской геополитики// Ученые записки Казанского государственного Университета. Том 147, кн. 1. Гуманитарные науки. 2005. – Б.123-143; Дубовицкий В.В. Россия в среднеазиатском регионе: Три века в зеркале геополитики// История и современность, № 1, март 2009. – Б. 190–222; Михайлов А.А. Первый бросок на юг. – М.: ООО Изд. АСТ; СПб.: Северо-Запад Пресс, 2003. – 429 б.

Озова, Д.В. Васильев, Р.Ю. Почекаев, А.В. Кочнев ва бошқалар)¹ мавзуга оид манбаларга танқидий нигоҳ билан қараш ва уларни қайта ўрганиб, илмий муомалага киритиш кузатилмоқда. Мавзу тарихи алоҳида тадқиқотлар ҳамда Россиянинг Ўрта Осиё давлатлари билан муносабатларини ёритувчи тадқиқотлар (О.В. Шкляева, Е. Гусарова, И.Н. Байназаров, П.Л. Карабущенко, В.О. Кулаков) доирасида ҳам ўрганилмоқда.

Замонавий тадқиқотчиларнинг бир қисми ўзларигача бўлган тадқиқотларнинг манбавий асосига танқидий ёндашув ва уларни қайта текшириш, таржима қилиш, ўзгача талқин қилиш ва янги манбаларни илмий муомалага киритиш билан муаммога янги қарашларни шакллантирмоқдалар. Хусусан, аввалги даврларда юриш иштирокчиларини ҳалок бўлишида фақатгина Хива хони Шерғозихон ва хонлик амалдорлари айбдор сифатида кўрсатилган. Эндиликда россиялик тадқиқотчилар бу жараёнда масалани ҳар икки тарафнинг манфаатлари

¹ Карабущенко П.Л. Астраханская губерния и ее губернаторы в свете культурно-исторических традиций XVIII–XIX столетий. Астрахань: Астраханский университет, 2011. 361 б.; Андреев А.А. К вопросу о раннем периоде биографии Александра Бековича-Черкасского // Археология и этнология Северного Кавказа. Сборник научных трудов к 75-летию Исмаила Магомедовича Чеченова. – Нальчик: Издательский отдел КБИГИ, 2013. – Выпуск 2. – Б. 132-138.; Ўша муаллиф. Хивинское подданство в начале XVIII в. // Русь, Россия: Средневековье и Новое время. Вып. 4. Четвертые чтения памяти академика РАН Л.В. Милова. Материалы к Международ. науч. конф. Москва, 26 октября – 1 ноября 2015 г. М., 2015. – Б. 209-215; Ўша муаллиф. Российско-хивинские отношения в конце XVII – начале XVIII в. Декларативная «шерть» или реальное подданство? // Петербургский исторический журнал. 2015. № 2(06). – Б. 16–30; Васильев Д.В. Страница азиатской политики Петра I: К истории похода Бековича-Черкасского в Хиву // Извест. Самарск. науч. центра РАН. 2015. Т. 17. № 3. – Б. 24–29; Ўша муаллиф. Ўша муаллиф. Организация административного управления в Казахской степи: государственная политика и региональные практики (XVIII – первая половина XIX в.): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 2017. 655 б.; Озова Ф.А. Миссия князя Александра Черкасского (1697-1717) // Клио. - 2015. - № 1. – Б. 86-91; Грамота Хивинского хана Шир-гази царю Петру I. Предисловие, публикация, примечания М.А. Козинцева Письменные памятники Востока, 2018, том 15, № 2 (вып. 33). – Б. 5-24.

² Шкляева О.В. Торговые связи Средней Азии с Россией во второй половине XVII – первой четверти XVIII века // Дисс. на соиск. уч. степ. канд. ист. наук. Владимир, 2003. 204 б. // <http://www.dissercat.com/Shklayeva>; Гусарова Е. Как пропал Бекович. Хивинская экспедиция петровских времен // Родина, 2004. №7, – Б. 9-11; Байназаров И.Н. А.И. Тевкелев и его роль в осуществлении юго-восточной политики России в 30 – 50-х гг. XVIII века // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Уфа, 2005. 24 б. // <http://www.dissercat.com/Baynazarov>; Кулаков В.О. Астрахань в персидской политике России в первой половине XVIII в. Астрахань: Астраханский университет, 2012. 120 б.

нуқтаи назаридан ўрганиш орқали юришнинг ҳалокати сабаблари кўплаб мураккаб омилларга боғлиқлигини илгари суришмоқда.

Мисол учун тадқиқотчи О.В. Шкляева ўзининг номзодлик диссертациясида юриш тарихини Ўрта Осиё ва Россия садо муносабатлари контекстида таҳлил қилади. Тадқиқотчи бунда юриш тарихи тарихшунослигига катта эътибор қаратади ва юришни “*Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан фаол разведка қилиши*”¹ воситаси деб талқин қилади. Уни таъкидлашича Россия ҳукумати Бухоро ва Хивани мустақиллигига таҳдид этмаган. Балки фақатгина шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларни кенгайтишига ҳаркат қилган².

Бошқа бир тадқиқотчи П.Л. Карабущенко ўз монографиясида юриш тарихини батафсил ёритади ва “*Петр “Фарбга сакраши”ни Хива тилласи билан таъминламоқчи эди. Ҳазнада ҳар доим пул етишмаган. Петрнинг амбициялари унинг молиявий имкониятларидан юқори эди. Шунинг учун четдан пул топиш зарур эди. Тез ва арзон гаровга*”³. Муаллиф шунингдек, А. Бекович-Черкасскийнинг шахсига⁴, уни қўл остида фаолият кўрсатган А.И. Кожин билан ўзаро бўлган муносабти ҳамда улар ўртасидаги “*эпистоляр дуэлга*” алоҳида эътибор қаратади. Тадқиқотчи сўнг юришнинг ҳалокати сабабларни таҳлил қилади. Тадқиқотнинг энг эътиборга молик тарафи – юриш тарихининг муқобил талқинини ҳам илгари сурилган⁵. Хусусан, муаллифнинг таъкидлашича А. Бекович-Черкасский ўз манфаатлари йўлида рус қўшинини аввалдан ҳалокатга маҳкум этишни режалаштирган. Уни фикрича, “*князь (А. Бекович-Черкасский – Ж.А.) хон билан аввалдан келишув асосида рус қўшинига хиёнат қилган, қолган умрини эса хотиржамликда унинг саройида отказган ва хатто ўз юрти Кабардага ҳам қайтишига эришган*”⁶. Юриш тарихининг бундай талқини муаллифдан аввал Россия империяси даврида фаолият кўрсатган М.А. Терентьев тадқиқотидагина кузатилади. У ўз тадқиқотида А. Бекович-Черкасскийни рус қўшинига хиёнат

¹ Шкляева О.В. Торговые связи Средней Азии с Россией во второй половине XVII – первой четверти XVIII века // Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Владимир., 2003. // <http://www.dissercat.com>

² Ўша жойда. <http://www.dissercat.com>

³ Карабущенко П.Л. Астраханская губерния и ее губернаторы в свете культурно-исторических традиций XVIII–XIX столетий. Астрахань: Астраханский университет, 2011. – Б. 34.

⁴ Ўша асар. – Б. 34-36.

⁵ Карабущенко П.Л. Астраханская губерния и ее губернаторы в свете культурно-исторических традиций XVIII–XIX столетий... – Б.50-56.

⁶ Карабущенко П.Л. Астраханская губерния и ее губернаторы в свете культурно-исторических традиций XVIII–XIX столетий... – Б. 55.

қилганликда ва атайин уларни майда гуруҳларга бўлиб ташлаганликда айблайди¹. Аммо бу фаразлар манбаларда ўз тасдиғини топмаган.

Аммо баъзи россиялик тадқиқотчилар ушбу юришни босқинчилик мақсадида амалга оширилмаганлигини эътироф этишади. Балки бу юриш ўлкани ўрганиш ва Хива ҳамда Бухоро билан дўстона муносабатларни ўрнатишга қаратилган дипломатик мақсадларни кўзда тутган экспедиция бўлганлигини таъкидлашади. Бунда, улар ҳатто Петр I нинг ўзи ҳам А. Черкасскийни элчи сифатида жўнатилганлигини таъкидлаб ўтганлигини рўқач қилишади².

Тадқиқотчи В.О. Кулаковни таъкидлашча, XVIII аср бошида Россия давлати томонидан бир қатор муҳим ташқи сиёсий тадбирлар амалга оширилган бўлиб, булар ўз навбатида Петр I га Россия учун бу даврда йирик ҳарбий-дипломатик компанияни – Форс юришини амалга ошириш имконини беради. Тадқиқотчи А. Бековича-Черкасский юришини ҳам Форс юришига тайёргарлик доирасидаги тадбирлардан бири сирасига киритади³.

Россия ва Хива муносабатларига бағишланган М. Ниязатовнинг тадқиқотида⁴ ушбу муаммо геосиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Муаллиф ўринли равишда деярли уч юз йил юриш тарихи тадқиқотчиларнинг эътиборида бўлиб, турли фикр ва қарашларни келтириб чиқарганлигини қайд этади. Муаллиф юришни босқичма-босқич амалга оширилганлигини ва уни Россия учун ўша даврда ноодатий бўлган шарқий сиёсатни ишлаб чиқилишига сабаб бўлганлигини, Россияни нафақат шарқда балки дунёдаги сиёсий ўрнига таъсир этганлигини қайд этади⁵. Юриш давомида амалга оширилган фортификацион ишларга баҳо берар экан М. Ниязатов уларни Хива хонлиги суверенитетини бузилиши деб баҳолайди⁶. Ишнинг эътиборли томони унда тадқиқотчи томонидан Хива хони Шерғозининг фаолиятига ижобий баҳо берилганлигидадир. Яъни Хива ҳудудига кўп сонли, яхши қуролланган “элчилик”ни жўнатилиши ва бунда лозим бўлган дипломатик қоидаларга

1 Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии: в 3-т. – СПб.: Типо-литография Комарова, 1906- 1908. Т. 1.– Б. 9.

2 Кулаков В.О. Астрахань в персидской политике России в первой половине в. Астрахань: Астраханский университет, 2012. – Б. 13.

3 Ўша асар. – Б. 105.

4 Ниязатов М. Поиски консенсуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – начале XX в. СПб.: Петербургское Востоковедение, 2011. 496 б.

5 Ниязатов М. Поиски консенсуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – начале XX в. СПб.: Петербургское Востоковедение, 2011. – Б. 40.

6 Ўша асар. – Б. 4.

амал қилинмаганлиги хонлик томонидан муносиб жавобни олганлиги таъкидланади¹.

XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида Қозоқ даштларида Россия империяси томонидан маъмурий бошқарув тизимини ўрнатилиши тарихига оид докторлик диссертациясини ҳимоя қилган Д.В. Васильев, ўз тадқиқотида мавзу доирасида Россиянинг Марказий Осиёда юритган сиёсати тарихини ҳам ёритади. Хусусан у Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан юритган давлат сиёсати стратегиясида айнан Петр I давридан бошлаб ўзгаришлар бўлганлигини ва бу ўзгаришлар очик имериячилик дискурсида шаклланганлиги таъкидлайди². Шу ўринда, Д.В. Васильев ўз тадқиқотида А. Бекович-Черкасский юришини ёритиш мақсадида унинг дастлабки даврида қатнашган А.И. Тевкелевнинг ҳозирда Россия Миллий кутубхонаси Кўлөзмалар бўлимида сақланувчи юриш хотираларидан фойдаланган³. Тадқиқотчи юриш тарихидаги турли жиҳатларни архив манбалари асосида атрофлича ёритган бўлиб, юришни Петр I нинг ташқи сиёсатидаги жанубий-шарқий йўналиши дастлаб Хивага қаратилганлигига эътибор қаратади⁴. Шунингдек, Д.В. Васильев юриш тарихига оид мақоласида унинг молиялаштирилиши, кўшин сони ва қатнашчилари ҳақида маълумот беради. Хусусан, юришда казак отлиқлари ва швед армиясида хизмат қилиб, Шимолий уришда асирликка тушган германиялик аскарлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади⁵. Ушбу мақола ва диссертация ишида муаллиф юриш халокатига доир эътиборга молик хулоса беради. Яъни Д.В. Васильевнинг таъкидлашича, юриш мағлубиятининг сабаби унинг элчилик миссияси бўла туриб ҳарбий кўринишга киритилганида ва хиваликлар томонидан ҳарбий ҳаракат сифатида қабул қилинганлигида бўлган⁶. Шунингдек, муаллиф масалга бетарафлик

¹ Ўша асар. – Б. 36, 44.

² Васильев Д.В. Организация административного управления в Казахской степи: государственная политика и региональные практики (XVIII – первая половина XIX в.): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 2017. – Б. 151.

³ Записка о бывшей князя Александра Бековича в Великую Татарию экспедиции. Учинена в Оренбурге с словесного объявления его превосходительства господина генерал-майора Тевкелева // Отдел рукописей Российской национальной библиотеки. Ф. 595. и. 99. в. 1-7.

⁴ Васильев Д.В. Организация административного управления в Казахской степи: государственная политика и региональные практики (XVIII – первая половина XIX в.): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 2017. 151 б.

⁵ Васильев Д.В. Страница азиатской политики Петра I: К истории похода Бековича-Черкасского в Хиву // Извест. Самарск. науч. центра РАН. 2015. Т. 17. № 3. – Б. 24–29.

⁶ Васильев Д.В. Организация административного управления в Казахской степи: государственная политика и региональные практики (XVIII – первая половина XIX в.): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 2017. – Б. 162-163..

позитциясидан қуйидагича баҳо беради: “*Ёки хиваликлар юришини тинчликпарвар моҳиятини тушунишмаган, ёки моҳият тинчликпарвар бўлмаган*”.

Шунингдек, Д.В. Васильев ўз диссертациясида Россия империяси Ташқи ишлари архивида сақланувчи Ташқи ишлар Коллегиясининг қозоқ халқлари ҳақида тузилган фикрларини жамлаган ҳужжатдан юриш тўғрисидаги билдирилган фикрлар асосида А. Бекович-Черкасский юришини асл мақсади Россияга яқин дашт ҳудудларни бўйсиндиришга ва улардаги қазилма бойликларни қўлга киритиш бўлганлигини таъкидлайди².

Яна бир тадқиқотчи, юридик фанлар номзоди Роман Юлианович Почекаев сўнгги йилларда ҳам мавзуга оид бир қанча илмий изланишларни олиб бормоқда³. Хусусан у Россия-Хива муносабатларида ўзига хос буфер ҳудудларни тарихига бағишланган мақоласида мавзуга оид бир қанча қизиқ маълумот ва фаразларни келтиради⁴. Тадқиқотчининг қайт этишича Орол (Кўнғирод) мулки (Жанубий Оролбўйи – Ж.А.) Хива хонларига нисбатан муҳолифат кучларининг маркази бўлиб, айнан Петр I даврида Россия ҳукмати бу ҳудуд билан қизиқа бошлайди. Петр I томонидан 1718 йилда Бухорога элчи тариқасида жўнатилган Флорио Беневени 1722 йили ёзилган ўз реляцияларида оролликлар арабшоҳийларнинг вакили Шох Темурхонни Хива тахтига бўлган давосини қўллаб-қуватлаганликлари ва хонликнинг бир қанча ҳудудларни босиб олишганликларини таъкидлаб, улар билан ҳарбий иттифоқда “*хиваликлар устидан реваншини*” амалга ошириш имкони бор эканлиги ҳақида таклиф билдирганлигини қайд этади⁵. Бевосита юришнинг Россия-Хива муносабатларни кейинги тақдирига бағишланган мақоласида Р.Ю. Почекаев, 1717 йилги юришнинг халокати Петр I ва

1 Васильев Д.В. Страница азиатской политики Петра I: К истории похода Бековича-Черкасского в Хиву // Извест. Самарск. науч. центра РАН. 2015. Т. 17. № 3. – Б. 24–29.

2 Васильев Д.В. Организация административного управления в Казахской степи: государственная политика и региональные практики (XVIII – первая половина XIX в.): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 2017. 325-б.

3 Почекаев Р.Ю. К истории «буферных государств» на границах России: Аральское владение и его роль в русско-хивинских отношениях XVIII–XIX вв. // Восточный архив. 2015. № 1 (31), – Б. 12-18; Ўша муаллиф. Память об экспедиции А. Бековича-Черкасского в русско-хивинских отношениях XVIII–XIX вв. Новое прошлое. 2016. №1. 132-147-б. Ўша муаллиф. Российский фактор правового развития Средней Азии: 1717–1917. Юридические аспекты фронтальной модернизации. – М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2020. 326 б.

4 Почекаев Р.Ю. К истории «буферных государств» на границах России: Аральское владение и его роль в русско-хивинских отношениях XVIII–XIX вв. // Восточный архив. 2015. № 1 (31), – Б. 12-18.

5 Ўша жойда.

Россия хукматида катта таъсурот уйғотгани ва амалда Россияни Марказий Осиё сиёсий майдонида кучли ўйинчи бўлиш учун қилган биринчи уринишни халокати эди¹ деб эътироф этади. А.Бекович-Черкасский юришига кўплаб тадқиқотлар бағишланган бўлиб, буни сабаби юриш олдига нақадар муҳим ва нақадар хилма-хил вазифаларни (дипломатик, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва ҳаттоки илмий-тадқиқот) қўйилганлиги билан изоҳлайди. Шунингдек, ҳозиргача аниқлик киритилмаган юриш халокати сабаларни турли важдлар билан изоҳланиши ҳам кўплаб тадқиқотчиларни ўзига қаратади дейди, Р.Ю. Почекаев². Тадқиқот давомида муаллиф ушбу юришнинг кейинги даврларда Россия ва Хива муносабатларида қандай ўрин эгаллагани ва аҳамияти ҳақида фикр юритиб ўз мулоҳазаларини Ф. Беневини, Г.И. Данилевский, Д. Гладышев, И. Муравин, Ф.С. Ефремов, Е.Б. Килевейе, Н.Н. Муравьев, М.А. Терентьев, Е. Саранчов, Я.А. Мак-Гахан ва бошқадарнинг сафарнома, кундалик ва тадқиқотлари асосида илгари суради. Шунингдек, Р.Ю. Почекаев империя ёки совет даври тадқиқотчиларидан фарқли ўлароқ муаммони фақат рус муаллифлари нуқтаи назаридан эмас балки, Хива расмий тарихнавислик вакилиларини ҳам қарашларини келтирадиз. Хусусан, А. Бекович-Черкасский юриши ҳақида Шермухаммад Мироб Мунис ва Муҳаммад Ризо Мироб Огаҳийларнинг “Фирдавс ул-иқбол” асаридаги юриш ҳақидаги маълумотларга мурожат қилган⁵.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавий Россия тарихшунослигида бу масала нафақат тарихчилар балки турли соҳа

1 Почекаев Р.Ю. Память об экспедиции А. Бековича-Черкасского в русско-хивинских отношениях XVIII–XIX вв. // Новое прошлое. 2016. №1. – Б. 132-147.

2 Почекаев Р.Ю. Память об экспедиции А. Бековича-Черкасского в русско-хивинских отношениях XVIII–XIX вв. // Новое прошлое. 2016. №1. – Б. 132-147.

3 Ўша жойда.

4 *Қаранг:* Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. T. J. Brill. - Leiden-New York-Kobenhavn-Koln, 1988; Firdavs al-iqbal: history of Khorezm / by Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi; Transl. from Chaghatay and annotated by Yuri Bregel. - Leiden; Boston; Koln: Brill, 1999. lxxvii-718 p., maps and genealogical tables; Собрание восточных Рукописей АН Республики Узбекистан. История. / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Т.: Фан, 1988. – Б. 191-192, 198-199; Мунироқ Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент, Фан. 1960. – Б. 172; Шу муаллиф. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент, 2002. – Б. 35-40.

5 Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 99-б. (Почекаев Р.Ю. ўз мақоласида “Фирдавс ул-иқбол”нинг 1999 йилдаги Ю. Брегел томонидан инглиз тилига ўгирилган нашридан иқтибос келтиради. *Қаранг:* Firdavs al-iqbal: history of Khorezm / by Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi; Transl. from Chaghatay and annotated by Yuri Bregel. - Leiden; Boston; Koln: Brill, 1999. – P. 57-58.

вакиллари томонидан тадқиқ этилаётганлиги ҳамда аввалги даврлардаги тадқиқотлардан фарқли ўлароқ эндиликда масалани кўп тарафлама ўрганиш, янги манбаларни муомилага киритиш ва аввалги манбаларни қайта таҳлил этиш каби ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу тенденциялар келажакда муаммони объектив ўрганилиш учун ўз хисасини кўшиши шубҳасиздир.

В.П.НАЛИВКИННИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Низора КАРИЕВА

*ЎзР ФА Тарих институти
таянч докторанти*

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия империясининг ҳукумати томонидан ўлкани ўрганиш учун янги имкониятлар яратилди. Ўрта Осиёни Россия империяси томонидан забт этилиши ўлканинг янада чуқур ўрганиш имкониятини яратди. Айни даврда рус сайёҳлари, элчилари, ҳарбийлари ва табиатшунослари томонидан Кўқон, Андижон, Марғилон, Ош ва Наманганнинг ҳудудлари, табиий шароитлари, асосий савдо йўллари, чегаралари, тупроғининг хусусиялари, тоғли ҳудудлари ва сув хавзалари бўйича бой маълумотлар акс этган илмий тадқиқотлар юзага келди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Россия империяси кўшинлари Оқмачит ва Еттисувгача бўлган Сирдарё водийсининг ҳудудини эгаллаган эди. 1863-1865 йилларда Авлиё ота, Чимкент, Туркистон ва Тошкентни забт этди, 1884 йилгача эса Ўрта Осиёни қўшиб олиш бўйича ўз ҳаракатини давом эттирди. Эслатиб ўтиш жоизки, 1822-1842 йилларда Мадалихон ҳукмронлиги даврида Кўқон хонлигининг ҳудуди янада кенгайиб, унинг ҳудудига қирғизларнинг баъзи туманлари хонликка қўшиб олинади ҳамда Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ каби вилоятлар Муҳаммадалихон ҳукмронлигини тан олган. XIX асрда хонликнинг чегара ҳудудларини бир неча қалъа ва истехкомлар муҳофаза қилган. Улар жумласига Оқмасжид, Авлиёота, Пишпак, Тўқмоқ, Қуртка, Ниёзбек, Маҳрам кабиларни киритиш мумкин. Чу водийси бўйлаб бунёд этилган истехкомлар эса нафақат чегара муҳофазаси учун, балки уларнинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни итоатда ушлаб туриш учун ҳам хизмат қилган эди.

XIX асрнинг 60-йилларида Россияда илғорлик билан тараққий этган капиталистик ишлаб чиқаришга асосланган муносабатлар бевосита унинг ташқи сиёсатига ҳам ўз таъсирини кўрасатди. Россиядаги йирик

мулкдорлар, саноатчилар, янги катлам вакилларининг хом-ашё манбалари ва ўз маҳсулотлари учун янги “бозор майдонлари”га бўлган эҳтиёжи Россия ҳукуматининг Ўрта Осиёга бўлган эътиборини янада кучайтирди. Айниқса бу ҳолат Россияда тезлик билан кенгайиб бораётган тўқимачилик саноати учун пахтачиликка асосланган хома-ашё базасига бўлган муҳтожликда сезилди. Бундан ташқари, Россияда ушбу даврда шаклланиб бўлган бозор муносабатлари ва қишлоқларнинг қоқоқлиги ўртасида қарамақаршилиқ вужудга келди¹. Россиянинг ушбу даврга келиб қоят сони кўпайиб кетган ортиқча аҳолиси янги ҳудудлар керак бўлган. Россия империясининг капитали учун фойда келтирадиган янги қамров соҳаси муҳим эди. Мамлакатда вужудга келган ички муаммоларни давлат ҳудудини кенгайтирилиши ҳисобига ҳал этиш мумкин эди. Бундан ташқари бу даврга келиб Буюк Британиянинг минтақага нисбатан бўлган манфаатлари аниқ бўлди, бу ҳолат Россиянинг минтақа учун олиб борилган “Катта ўйинда”² иштирок этишига сабаб бўлди. Россия империясининг ушбу геосиёсий манфаатлари унинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёни забт эта бошлашига туртки бўлди. Мазкур даврда Сирдарё водийси, Тошкент, Авлиёота, Чимкент, Бишкек, Туркистон ҳудудлари рус қўшинлари томонидан эгалланди, Қўқон хонлигининг ҳудуди эса аста-секинлик билан қисқариб борди. Натижада 1867 йилда забт этилган ҳудудда Россия империяси томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди, 1876 йил 19 февралда эса 150 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган Қўқон хонлиги тугатилди.

XIX аср 60 йилларининг охирида Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудларини кўшиб олиниши билан Тошкент шаҳри Туркистон ўлкасининг нафақат маъмурий-сиёсий маркази, балки рус маданияти, фани ва турли экспедициялар ташкил этиш марказига айланган. Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнатилган даврнинг бошлариданоқ бу ерга Россиядан янги ва ҳали тўлиқ кашф этилмаган минтақани ўрганиш мақсадида турли тадқиқотчилар, фан арбоблари кела бошлади. Ўрта Осиёнинг Россияга кўшиб олиниши ўлканинг улкан ҳудуди, табиий шароитлари, иқтисодий ва сиёсий истиқболларини ўрганиш учун кенг имкониятларни яратди. Ўлкада ўрнатилган янги ҳукумат рус тадқиқотчиларини имкон қадар ҳам маънавий ҳам моддий жиҳатдан қўллаб қувватлади. Бу борада машҳур географ П.П.Семёнов Тяньшанский: “1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши билан Осиёнинг тоғли ҳудудларига улкан рус маданий марказ кўчирилди.

¹ Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии. Т. 1958. 6-б.

² Почекаев Р.Ю. Государство и право в Центральной Азии глазами русских путешественников XVIII – начала XX вв. М.2019. 8-б.

Маърифатли генерал-губернатор К.П. фон Кауфманнинг ушбу лавозимга кўйилиши эса Ўрта Осиёда географик тадқиқотлар олиб бориш йўлида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди...”¹ – деб қайд этган эди. Бу ҳолат 1882 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг вафотидан сўнг бироз ўзгарди, Туркистоннинг генерал-губернаторларининг фаолияти давомида бундай фаоллик деярли кузатилмайди. Россия императорлиги география жамияти, Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ҳарбий вазирлик минтақадаги фаолитияни тўхтмаган. Илмий изланишлар XIX асрнинг охирига қадар, 1897 йилда Туркистонда Россия география жамиятининг ташкил этилишига қадар давом этаверган. Қайд этиш лозимки, 1882 йилда К.П.фон Кауфманнинг вафотидан сўнг М.Г.Черняев Туркистон генерал-губернатори лавозимини эгаллаган. Шу пайтнинг ўзида ўлкада рус амалдорлари орасида ротация ва ўзгаришлар рўй берган ². Рус амалдори, шарқшунос В.П.Наливкиннинг ўлкадаги илмий фаолияти айни даврга тўғри келади.

Маълумки, В.П.Наливкин 1852 йилда Россиянинг Калуга шаҳрида ҳарбийлар оиласида таваллуд топган. Ҳарбийлар оиласи муҳитида тарбия олган В.П.Наливкин келажакда шу соҳани танлаши шубҳасиз эди. Петербургдаги Биринчи ҳарбий гимназияда таҳсил олгач, Россияда ўша даврда мавқели ҳисобланган Павлов ҳарбий ўқув юртида аъло баҳо билан битирган ³. 1872 йилда у ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган Туркистонга юборилган, 1873 йилда Оренбург казаклар ҳарбий кўшинида хизмат қилган ҳолда, Хива юришида, 1874-1876 йилларда М.Д. Скобелев бошчилигидаги Қўқон юришида иштирок этган. 1878 йил 29 майда 26 ёшли В.П.Наливкин ҳарбий губернатор А.К.Абрамовнинг буйруғига биноан саломатлиги сабабли нафақага чиқарилган. Шу йилнинг ўзида у ўз оиласи билан Наманган вилоятининг тоғли Радвон қишлоғига кўчиб келган, бироз кейинроқ эса Нанай қишлоғидан уй сотиб олган ва бир неча йиллар давомида яшаган⁴.

¹ Семёнов П.П.История полувековой деятельности Императорского русского географического общества. 1845-1895. Т 1. СПб.1896. С-295

²Абашин С. В.П.Наливкин. Будет то, что неизбежно должно быть; и то, что неизбежнодолжно быть, уже не может быть. // Полвека в Туркестане.В.П.Наливкин: Биография, документы, труды. М: Издательский дом Марджани, 2015. 7-Б.

³Лунин Б.В. Владимир Петрович Наливкин//Историография общественных наук в Узбекистане. Т:-Фан. 1974. 247-258-Б; Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч 4. 1881-1886. Т.:-Фан 19, 24-Б

⁴Абашин С. В.П.Наливкин. Будет то, что неизбежно должно быть; и то, что неизбежнодолжно быть, уже не может быть. // Полвека в Туркестане.В.П.Наливкин: Биография, документы, труды. М: Издательский дом Марджани, 2015. 7-Б.

В.П.Наливкин ўз хотираларида илк бор 1878 йилда Нанай билан “танишгани” ҳақида ёзган, Нанай қишлоғининг географик жойлашуви, хўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик, ўрмончилик), қишлоқнинг вужудга келиши, тарихи, аҳолисининг таркиби (123 оила) ҳақидаги батафсил маълумотларни берган эди. Нанай қишлоғи аёлларининг турмуш тарзи, машғулотлари, одатлари, диний тасаввурларини ўрганиш билан бевосита В.П.Наливкиннинг турмуш ўртоғи М.В.Наливкина ҳам шуғулланган. Шарқшунос В.П. Веселовский бу борада М.В.Наливкина маҳаллий тилни яхши ўзлаштирган ҳолда аҳоли орасига кира олган ва суҳбатлар олиб борганлигини қайд этган эди¹. Натижада 9 йиллик кузатувлар натижасида “Очерки быта туземной женщины в Фергане (Фарғона маҳаллий аёллари хўжалиги ҳақида очерк)” деб номланган илмий тўпламнинг катта қисмини ёритишга муваффақ бўлган.

Бир неча йил ўтгач, В.П.Наливкин оиласи билан Фарғона шаҳрига кўчиб келган, Фарғона қумларининг бартараф этиш бўйича махсус комиссия таркибида ўз фаолиятини давом эттирган.

1884 йилда 32 ёшли В.П.Наливкин Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Н.А.Иванов ҳузурида махсус топшириқлар бўйича кичик амалдор лавозимига ўтган. Бу даврга келиб у маҳаллий тиллар ва анъаналарни яхши биладиган мутахассис сифатида машҳур бўлиб улгирган эди. Шу йилнинг ўзида у янги Туркистон генерал-губернатори Н.О. фон Розенбах буйруғига биноан Тошкент шаҳрига кўчирилган, халқ таълими вазирлигида иш бошлаган ва шу пайтнинг ўзидан бошлаб олий амалдорлар учун маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, диний масалалар, хўжалик ҳаёти борасида маърузалар қила бошлаган эди. Хаваскор-тадқиқотчи сифатида у кўплаб шарқшунослар билан доимий мулоқотда бўлган.

1884 йилда у рафиқаси билан биргаликда “Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов, с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда” рус-ўзбек ва ўзбек-рус луғатини яратган. Бир неча йил ўтгач улар “История Кокандского ханства” ва “Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы” рисоаларини нашр қилган. Ушбу нашрларни яратишда В.П.Наливкиннинг рафиқаси Мария Владимировна (қизлик фамилияси Сарторий)² турмуш ўртоғини илмий фаолиятига катта хисса қўшганини ҳам эътироф этмоқ лозим. Зеро, XIX асрнинг охирида

¹ Ферганские пески и их укрепление. Известия Русского географического общества. Т-18. 1882.

² Абашинов С. В.П.Наливкин. Будет то, что неизбежно должно быть; и то, что неизбежно должно быть, уже не может быть. // Полвека в Туркестане. В.П.Наливкин: Биография, документы, труды. М: Издательский дом Марджани, 2015. 6-Б

Фарғона водийсида аёлларга нисбатан бўлган мунособатни ҳисобга олган ҳолда уларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳолатини тадқиқ этишда бевосита фақатгина аёл киши шуғуллана олиши мумкин бўлган. Маҳаллий тилни ўзлаштирган М.В.Наливкина Наманган аёлларининг ишончига кира олгани, улар билан доимий мулоқотда бўлгани ва бу борада бир неча йил давомида маълумотларни йиғиб турмуш ўртоғига тақдим этганлиги шубҳасиз.

В.П.Наливкиннинг илмий фаолияти Туркистон ўлкасининг тарихи¹, табиий шароитлари², деҳқончилик ишлари³, этнографик ҳолати, диний ҳаёти, таълими⁴ ва аҳолисининг таркиби⁵ ни ўрганишга қаратилган. Фарғона водийсининг этнографиясига оид унинг мақолалари ўша даврнинг энг оммабоп даврий матбуоти бўлган “Туркестанские ведомости” саҳифаларида кенг жой эгаллаган. В.П.Наливкин Россия императорлиги география жамиятининг доимий аъзоси бўлмаган, бироқ 1886 йилда машҳур шарқшунос Н.И.Веселовскийнинг тавсиясига кўра, у жамият Кенгаши томонидан алоҳида эътирофга эга бўлган, шу боис Туркистон ўлкасида илм-фан равнақи йўлида ҳизматлари учун Рус географик жамиятининг олтин медали билан тақдирланган эди.

XX АСР ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА “КАТТА ЎЙИН” ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНИГА МУНОСАБАТ ВА ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

О.А. РАДЖАБОВ

*ЎзМУ “Жаҳон тарихи” кафедраси
таянч докторанти*

“Катта ўйин” (русча. Большая игра; “Уруш ракси”, ингл. Great (Grand) game,) – XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаги Буюк Британия ва Россия империяларининг Жанубий ва Марказий Осиёда ҳукмронликни ўрнатиш учун геосиёсий рақобатчилигига нисбатан ишлатиладиган илмий атамадир.

XX асрнинг иккинчи ярми “Катта ўйин” тарихига бағишланган Британия тарихшунослиги учун муҳим босқичга айланди. Бу асосан

¹Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886.

²Заметки по вопросы о лесном хозяйстве в Фергане. Туркестанские ведомости. 1883. № 16-20

³Очерки земледелия в Наманганском уезде. Туркестанские ведомости. 1880. №11,13,15,18-21,24,25, 27-29

⁴Школа у туземцев Средней Азии. Ташкент. 1889

⁵Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1890 гг. Вып.-1. 1890

жаҳон сиёсий майдонидаги кучлар мувозанатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Урушдан кейинги биринчи ўн йилликда жаҳон сахнасида инглизларнинг мустамлака империяси кулади. Жаҳон сиёсатида Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи ҳал қилувчи рол ўйнай бошлади. XX асрнинг деярли бутун иккинчи ярмидаги халқаро алоқаларда “совуқ уруш” жаҳон ҳамжамияти алоқаларини қамраб олган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳамма нарса ўзгариб борди. Ғарб тарихшунослигининг умумий нуқтаи назари илм-фан тараққиёти ғояси билан боғлиқ бўла бошлади. Икки жаҳон уруши, тоталитар режимлар, миллатчиликнинг кучайиши ва ядровий можаро таҳдидининг пайдо бўлиши натижасида инсоният хавф-хатар остида қолди. Буларнинг барчаси цивилизацияга бўлган ишончни сусайтиришга ёрдам берди. Социалистлар ва тарихчилар тарихий тараққиёт ҳақида гапиришдан кўра "ижтимоий ўзгариш" ҳақида бонг уришни афзал кўрадиган бўлишди. Жамиятнинг "айланма" ёки "даврий" цивилизация тўғрисидаги ғояларидан илғор ривожланиш ҳақидаги тушунчалар таркиб топди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Британия тарихшунослиги катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Буюк Британиянинг урушдан кейинги даврдаги мавқеи тушиб кетди. Европа қитъасидаги лидерлик ролидан маҳрум бўлиб, оддий “орол давлат” мақомига тушиб қолди. Мамлакатнинг тарих фани бўйича асосий ғоялари ва йўналишлари шу давр Европа ва Америка мамлакатларнинг ижтимоий- гуманитар билим тенденциялари билан келиша бошлади. Мутлоқ ҳукмронлик ғояларидан объективлик томон қадам ташланиши кузатила борди. Бу давр британ тарихшунослиги ўзида барқарорлик ҳамда ноёблик хусусиятларини акс эттирди.

XX асрнинг иккинчи ярми Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобатига бағишланган Британия тарихшунослигини ўрганишдаги муҳим ва долзарб вазифалардан бири жаҳон миқёсидаги геосиёсий жараёнлар стереотипларининг мантиқий асосларини таҳлил қилишдан иборат. Бу даврда инглиз тарихчилари биринчи навбатда “Катта ўйин” иштирокчиларининг мақсад ва сабабларини, “Катта ўйин” нинг келиб чиқишини тушунтиришга ҳаракат қилишди. Инглиз-рус қарама-қаршилигининг асосий сабабларидан бири-икки кучнинг ўзаро ишончсизлиги ва шубҳаси деган тезис муаллифи Буюк Британиянинг Афғонистондаги собиқ элчиси В.К. Фразер-Титлер эди¹. Барча муаллифлар “Катта ўйин” нинг вужудга келишида инглиз жамиятида чуқур илдиз отган русофобия таъсирини асосий омил сифатида баҳолайдилар².

¹ Fraser-Tytler W.K. Afghanistan. A study of political developments in Central Asia. – L., 1950. 330 p.

² Gleason J.H. The Genesis of Russophobia in Great Britain: A Study of the Interaction of Policy and Opinion. Harvard, 1950. 314 p. ; Resis A. Russophobia and “Testament” of Peter the Great. 1818–1980 // Slavic review. 1985. Vol. 44, № 4. P. 681–693.

Британия империясининг энг заиф нуқтаси – Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисми бўлиб, “Катта ўйин” нинг ўчоғи шу ерда ётар эди. Инглиз стратеглари Туркия, Эрон ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмларини “Ҳиндистоннинг калити” деб ҳисоблашарди ва айнан бу ҳудудда инглизлар доимо хавф остида эди. Инглиз тарихчиси Ж.Моррис айнан мана шу минтақа инглиз-рус рақобатининг ўзаги эди, деб баҳолайди¹.

Британиянинг кўпчилик тарихчилари бу пайтда Россиянинг Ҳиндистонга қилинадиган босқинчилик хавфининг имконсизлигини таъкидлашарди. Инглизлар Россиянинг Марказий Осиёдаги ҳукмронлиги ҳам узоққа чўзилмаслигига ишонишишган. Ўз навбатида Россия Англиянинг Афғонистон орқали Марказий Осиёга туғдирадиган хавфидан чўчиб турарди. “Россия ҳеч қачон Ҳиндистонни истило қилишга қодир эмас ва ҳеч қачон бундай ҳарбий имкониятга эга бўлмаган, ўз навбатида Британия Ҳиндистонининг Марказий Осиёга таҳдид солиши асоссиздир².

Худди шу нуқтаи назардан яна бир инглиз тарихчиси Д. Гиллард томонидан билдирилган фикрга кўра “Николай I га Осиёдаги ҳудудларини кенгайтириш ва Ҳиндистонга таҳдид қилиш истаги бегона бўлган³”.

Ушбу давр муаллифлари XIX асрнинг биринчи ярмида Россиянинг Лондонга қаратилган агрессив режалари борлиги ва ушбу хавф туғдирадиган ташвишларни асоссиз деб ҳисоблашган. Лекин расмий Лондон бу фикрларга қарши чиқиб, руслар учун озгина вақт керак, холос. Муайян муддат ўтгач руслар албатта Ҳиндистонга юриш қилишади деб тахмин қилишган. Бу иғволарнинг замирида сиёсий мақсад мавжуд эди. Буюк Британия шундай тарғиботлар орқали шимолий-ғарбий Ҳиндистонда “профилактика ишлари” ни ташкил қилиб, бу ердаги ҳокимиятини янада кучайтиради⁴.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги кўплаб инглиз муаллифлари 1907-йилги шартноманинг имзоланишини инглиз-рус рақобатига чек қўяди. Барча мунозара ва тортишувлар ўз якунини топиб, ҳар икки империя Биринчи жаҳон урушида иттифоқчи ҳамда ҳамкор давлатга айланади, деб фараз қилишган эди⁵. Лекин вақт ўтиб шу нарса аён бўлдики, 1907-

1 Morris J. Heaven's Command. An Imperial Progress. – L., 1973. P. 90.

2 Morgan G. Anglo-Russian Rivalry in Central Asia: 1810–1895. –иL., 1981. P.185.

3 Gillard D. Struggle for Asia, 1828–1914. A Study in British and Russian Imperialism. –иL., 1977. P.64.

4 Gillard D. Struggle for Asia, 1828–1914. A Study in British and Russian Imperialism. –иL., 1977. P.121-123,144-145.

5 Klein I. The Anglo-Russian Convention and the Problem of Central Asia, 1907–1914 // The Journal of British Studies. 1971. Vol. XI, № 1. P. 126-147.

йилги конвенция Буюк Британия ва Россия ўртасида Марказий Осиёда мавжуд бўлган таъсир доираларига аниқлик киритди, лекин муаммога ечим бўла олмади¹.

Сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиёдаги инглиз-рус қарама-қаршилиги 1907-йилдан кейин то иккинчи жаҳон уруши арафасигача давом қилди². XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб инглиз тарихшунослигида асосий эътибор Марказий Осиёда Россия ва Буюк Британия империя рақобат муаммоларидан Осиёда замонавий давлатларнинг шаклланишида Буюк Британиянинг роли ва таъсирлари масалаларига кўчиб ўтди. Жумладан инглиз тадқиқотчиси М.Япп биринчи Англия-Афғон уруши Афғонистонда ҳокимиятни марказлаштиришга ёрдам берганини таъкидлайди. Уруш натижасида қабилалар ҳокимиятига сўнгги зарба берилди ва Дўстмуҳаммад ягона қодир кучга айланди³.

Шу билан бирга Марказий Осиёдаги Британия сиёсатининг анъанавий “ҳимоя” концепцияси ҳали ҳам инглизлар ичида кучли мавқега эга эди. Марказий Осиёдаги қарама-қаршиликларнинг асосий сабаби Россиянинг Марказий Осиёдаги истилолари, рус кўшинлари томонидан Ҳиротнинг қамал қилиниши каби ҳаракатлар, 1839 йилдаги Хива хонлигига қарши юришлар талқин қилинди⁴.

Буюк Британиялик тарихчиларда "Катта ўйин" сиёсатида қизиқиш Совет кўшинлари Афғонистонда иш бошлаган 1979 йилдан айниқса кучайди. Ж.Морган, П.Ҳопкирклар томонидан чоп этилган бир қанча китобларда инглиз-рус ва инглиз-совет зиддиятларининг турли хил янги қирралари ҳақида маълумотлар олиш мумкин⁵.

Шунингдек, Л.Моррис, Р.Греавес, Б.Манз, М.Яппларнинг асарларида Россия империяси ҳар доим фаол томон бўлиб келган ва Англия фақат жавоб қайтарган деган фикрлар илгари сурилади⁶.

1 Siegel J. Endgame. Britain, Russia and the Final Struggle for Central Asia. – L. ; N.Y., 2002. P.175-196.

2 Meyer K. E., Brysac S.B. Tournament of Shadows: The Great Game and the Race for Empire in Central Asia. – Washington, 1999. 646 p.

3 Yapp M.E. The revolution of 1841–1842 in Afghanistan // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. 1964. Vol. 27, № 2. P. 381

4 Norris J.A. The First Afghan War. 1838–1842. Cambridge, 1967. P.132.

5 Hopkirk P. Foreign Devils on the Silk Road. – L., 1980. 252 p.; Hopkirk P. Trespassers on the Roof of the World. – L., 1982. 284 p.

6 Morris L.P. British Secret Service Activity in Khorassan, 1887–1908 // The Historical Journal. 1984. Vol. 27, № 3. P. 657–675. ; Greaves R.L. Sistan in British Indian Frontier Policy // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. 1986. Vol. 49, №. 1. P. 90–102. ; Manz B.F. Central Asian Uprisings in the Nineteenth Century: Ferghana under the Russians // Russian Review. 1987. Vol. 46, №. 3. July. P.

XX аср иккинчи ярмидаги инглиз тарихшунослигида машхур Англия тарихчиси Ж.Морганнинг “Марказий Осиёда Англия-Россия рақобати. 1810-1895 йиллар” асари алоҳида ўрин эгаллайди¹. Ж.Морган “Катта ўйин”нинг хронологик кўламини 1810-1895 йиллар оралигида чеклайди. 1907 йилги инглиз-рус битимини у Марказий Осиёдан кўра, Европа билан кўпроқ боғлиқ эканига ишонади ва уни тадқиқ доирасидан ташқарига чиқаради.

Кенг қамровли маълумотлар базасига (Британия Ташқи ишлар вазирлиги архиви, Осиё Қироллик Жамияти, Қироллик география жамияти манбалари) таяниб ёзилган бу асар инглиз тарихшуносларининг кенг доираларида катта қизиқиш уйғотди. Ж.Морган рус ва инглиз ҳарбийлари томонидан XIX аср давомида Марказий Осиёга уюштирилган экспедицияларни изоҳлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, китобда муаллиф биринчи ва иккинчи инглиз-афғон урушининг келиб чиқиш сабабларни таҳлил қилади. Инглиз кўшинининг енгилиши, мағлубиятнинг Британия сиёсий ҳаётига кўрсатадиган таъсирларини таҳлил қилади². Китобнинг алоҳида қисмида Ж.Морган икки қарама-қаршилиқ мактабининг рақобати қоидаларини, “тажовузкор сиёсат”, “моҳирона ҳаракатсизлик” кабиларни таъкидлаб ўтади. Ж.Морган Марказий Осиё хонликларининг Россия империясига бирлаштирилиши ҳолатларини, Россия империяси ва Британия Ҳиндистони ўртасида буфер давлат сифатида Афғонистон давлатчилигининг шаклланишига диққат қаратади³.

XX асрнинг 80 йиллардаги инглиз ёзувчиларининг асарларини таҳлил қилиш орқали шу нарса аёнлашадики, уларнинг катта қисмида Россия тажовузкор давлат сифатида таърифланади, у ҳар доим кўшилари ҳисобига ўз ҳудудларини кенгайтириб боришга ҳаракат қилувчи экспансион сиёсат олиб боровчи давлат сифатида гавдалантирилади. Ҳатто бундай руҳдаги асарлар Совет давлати қулашидан кейин ҳам нашр қилишда давом этмоқда. Ҳали ҳануз ғарбда русофобия кайфиятини авж олишига сабаб бўлмоқда⁴.

XX аср иккинчи ярмидаги “Катта ўйин” тарихини ўрганишда энг қизиқарли ва қимматли маълумотлар тадқиқотчи П. Хопкиркнинг

267–281. ;Yapp M.A. British Perceptions of the Russian Threat to India. // *Modern Asian Studies*. 1987. Vol. 21, №. 4. P. 647–665.

1 Morgan G. *Anglo-Russian Rivalry in Central Asia: 1810–1895*. – L., 1981. P.185.

2 Morgan G. *Anglo-Russian Rivalry in Central Asia: 1810–1895*. – L., 1981. P.200.

3 Yuqoridagi asar .B.199-200.

4 Hopkirk P. *The Great Game: the Struggle for Empire in Central Asia*. – L., 1990. 565 p. ; Hopkirk P. *On Secret Service East of Constantinople*. L., 1994. 320 p. ; Hopkirk P. *Hidden Fire: The Plot to Bring Down the British Empire*. N.Y., 1995. 448 p.; Hopkirk P. *Quest for Kim: in Search of Kipling’s Great Game*. – L., 1996. 273 p.

туркум асарларида баён қилинади. П.Ҳопкирк публицистик руҳда ёзилган бўлсада, манбаларни жиддий ўрганиш натижасида тайёрланган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан шу нарса аён бўлади, П.Ҳопкирк асарлари жиддий манбашунослик базасига таянилган, рус, инглиз, америкалик муаллифларнинг тарихшунослик материаллари билан танишган. Юқорида таъкидланганидек, П.Ҳопкирк тадқиқотлари оммабоп кўриниш касб этиб, қизиқарли тарзда ёзилган, қисқа хулосалар билан яқунланган. Питер Ҳопкирк асарларининг нисбатан кеч рус тилига таржима қилинганлиги сабаби, асарлар маневрлик руҳида ёзилганлигидир. П.Ҳопкирк ҳам бошқа инглиз муаллифлари каби манфаатлар доирасида қолиб кетади. Тарихий холисликнинг нисбатан етишмаслиги Питер Ҳопкирк асарларининг камчилиги сифатида баҳоланиши мумкин.

Замонавий инглиз тарихшунослиги 1907 йилги Конвенсияни “Катта ўйин” га яқун ясаган деб ҳисоблашмайди. Бу битим фақат халқаро зиддиятларни бартараф этишда оралик босқич бўлган холос, деб таъкидламоқда. П.Ҳопкирк ўз асарларида “Катта ўйин” да Германия омилига алоҳида эътибор қаратади. Муаллифнинг таъкидлашича, Германия халқаро майдондаги мустамлакалар учун олиб борилган империалистик урушга кечикиб кирди. Шунинг учун Германия ҳукмрон доиралари Усмонли турклар давлатига ўз диққатини қаратади. Германия империяси учун Усмонли турклар империясининг Кичик Осиё, Месопотамия, Сурия, Фаластин ҳудудлари мустамлакачиликнинг муҳим объекти сифатида қаралиб, “Германия Ҳиндистони” деб аталади.

П.Ҳопкирк 1877-1878 йиллардаги “Россия-Турк уруши” Усмонли империясининг заифлаштириб, Буюк Британия унинг эндиликда ишончли иттифоқчиси ва ҳимоячиси бўлмаслигини намоён қилди. Сувайш каналининг 1875 йилда Британия назоратига ўтиши, 1882 йилда Мисрнинг инглизлар томонидан эгаллаб олинishi инглиз-турк муносабатларини янада оғирлаштирди. Айнан шу пайтда инглизлар ўрнига Германия кириб келди. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, немислар Усмонийлар империясининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига фаол аралаша бошладиз.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири инглизлар ташқи сиёсатида . Германия омили катта таъсир ўткази бошлади. Эртами ёки кеч Англия билан Германия ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бериши муқаррар бўлиб қолди. Россия ҳам ўз навбатида нафақат Берлиннинг Константинополдаги таъсири ошаётганидан, балки, Қора денгизга чиқиш назорати қўлдан чиқиб кетишидан хавфсирашни бошлашди. Шунингдек, Германия императори Вилгелм Кавказ ҳудудларининг бой табиий

1 Хопкирк П. Большая игра против России: азиатский синдром. – М., 2004. 640 с

2 Hopkirk P. On Secret Service East of Constantinople. – L., 1994. 320 p.

3 Hopkirk P. On Secret Service East of Constantinople. – L., 1994. P.30.

ресурсларига эгаллик қилиш тўғрисида режалари борлиги ҳақидаги мишмишлар рус ҳукмрон доиралари ўртасида ҳам тарқала бошлади. П. Хопкирк 1907 йилги инглиз-рус битимининг имзоланишига айнан мана шу воқеалар сабаб бўлганлигини таъкидлайди.

П.Хопкирк шунингдек, “Катта ўйин” нинг 1907 йилда ниҳоясига етмаганлигини, 1917 йил Россиядаги инқилобдан кейин ҳам инглиз-совет зиддиятлари давом қилганлиги масалаларига бағишлаб алоҳида асар яратди². Мустаҳкам манбашунослик базасига таянилган ушбу асарда Питер Хопкирк инглиз-совет қарама-қаршилиги Иккинчи жаҳон урушигача кузатилиб, эндиликда қарама-қаршилик нуқталари “Катта ўйин”нинг мумтоз ҳудудлари (Эрон, Афғонистон,Тибет) дан Хитой ва Мўғулистоннинг ғарбий ҳудудларига қараб йўналтирилди.

“Катта ўйин” сиёсатини ўрганувчи XX аср инглиз тарихшунослиги тарихшунослик борасидаги тадқиқотларга ўзининг улкан ҳиссасини қўша олди. Бу дунё ҳамжамиятидаги кучлар нисбатининг ўзгариши, жаҳон сиёсий майдонида Буюк Британия ҳукмронлигининг тугаб, икки йирик куч – АҚШ ва СССРнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ эди. Бу давр Британия тарихшунослигида геосиёсий концепциядан модернизациялашган ҳақиқий фанга айланиш жараёнидаги сўнгги босқич бўлди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, XX аср инглиз тарихшунослари таъкидлаганларидек, “Катта ўйин” 1907-йилги инглиз-рус конвенсияси билан тугаб қолмади, бу жараён мафкуравий қарама-қаршилик кўринишида Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам давом қилди.

XX аср иккинчи ярмидаги инглиз тарихшунослигини тадқиқ қилиш натижасида биз унинг қуйидаги ютуқли жиҳатларини санаб ўтишни лозим деб топдик. Биринчидан, 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида тадқиқотчиларнинг бир неча авлодлари томонидан тўпланган кучли манба базасига маҳорат билан ёндашилди. Иккинчидан, бу даврдаги инглиз тарихшунослиги XIX асрнинг охири XX аср бошларида вужудга келган тарих мактабларининг ноёб маълумотларига таяниди. Шу билан биргаликда, инглиз тарихшунослигининг камчиликларидан бири Россия империясининг минтақадаги ҳаракатларини бўрттириб кўрсатишлиги, обектив баҳоламасликлари бўлди.

1 Hopkirk P. Hidden Fire: The Plot to Bring Down the British Empire. N.Y., 1995. P.32-33.

2 Hopkirk P. Setting the East ablaze: On Secret Service in Bolshevik Asia. – L., 1984. 272 p.

3 Hopkirk P. Foreign Devils on the Silk Road. – L., 1980. 252 p

ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДАГИ ТОШКЕНТЛИК АЛЛОМАЛАР ФАОЛИЯТИ ҲУСУСИДА

Ж.А. ПЕРЕМКУЛОВ

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими

Тарихни ёритишда моддий ашёлар, архив манбалари, даврий матбуот билан бир қаторда, ўрганилаётган даврда яшаб ижод қилган мутафаккирлар асарларида келтирилган маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур алломалар илмий меросини таҳлил қилиш жараёнида бевосита уларнинг шахси ва ижтимоий мавқеи аниқлик киритиш тарихий адолатни тиклашда асосий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Туркистоннинг ХІХ аср охири – ХХ аср бошлари даврини ўрганиш вазифасидан келиб чиқиб ушбу даврнинг етук маҳаллий зиёлиларини аниқлаш, уларнинг илмий меросини ўрганиш орқали Ўзбекистон тарихини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда айниқса, ўлка маркази вазифасини бажарган Тошкент худудида фаолият олиб борган маҳаллий зиёлиларнинг илмий меросини ўрганиш зарур. Барчага маълумки, мазкур давр Туркистонда миллий зиёлиларнинг уйғониши сифатида эътироф этилади. Бунда бевосита жаҳид намоёндаларининг фаолияти диққатга сазовор.

Хусусан, Туркистонда жаҳидчилик таълимоти тараққиётига катта хисса қўшган маърифатпарварлар қаторида тошкентлик Мунавварқори Абдурашидхонов илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этган [4, Б.161-162]. Унинг илм-фан соҳаларига қўшган хиссаси қаторида усули жаҳид мактаблари учун яратган дарсликлари эътирофга молик. Айниқса, муаллиф “Адаби аввал”, “Адаби соний” каби алифбо-хрестоматиялар билан бир қаторда “Тажвид ал-Қуръон” номли Қуръон китобини ўқиш бўйича қўлланма, табиий фанлар йўналишида “Жуғрофия” фани дарсликлари орқали жамиятга танилган.

Турли илмий адабиётларда олимнинг изланишлари билан бир қаторда илм-фанни ривожлантириш учун қўшган хиссаси хусусида ҳам тўхталиб ўтилган. Хусусан, 1901 йилда Тошкентда маҳаллий ёшлар томонидан ташкил этилган “Жаҳидлар тўдаси” таркибида М.Абдурашидхонов ҳам бўлганлиги, унинг ташаббуси билан 1909 йилда ўлкадаги аҳолини маърифатга йўналтириш мақсадида “Жамияти хайрия” ташкил этганлиги манбаларда қайд этилган. Шунингдек, М.Абдурашидхонов ташаббуси ва бевосита хизматлари билан туркистонлик ёшларнинг хорижда тахсил олиш имкони пайдо бўлганлигига алоҳида урғу берилган.

Жадид маърифатпарварлари қаторида шунингдек, Абдулла Авлоний илмий фоллят ёритган бўлиб [4, Б.245-247], унинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи маллим”, “Тарих”, “Адабиёт” “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” сингари замонавий дарсликларга муаллиф эканлиги қайд этган [3, Б.365]. Шунингдек, яна бир бошқа адабиётда А.Авлоний, М.Абдурашидхонов, М. Подшоҳўжаев, Тавалло, Р.Юсуфбеков, Н. Хўжаев, Ш. Раҳимий каби тараққийпарварлар билан бирлашиб “Мактаб”, “Нашриёт” каби ширкатлар тузиш билан бир қаторда “Тараққий”, “Шухрат”, “Осиё”, “Турон” каби газеталар фаолиятини йўлга қўйганликлари ҳақида тўхталиб ўтилган [1, Б.5].

Шунингдек, адабиёт намоёндаларидан Абдулла Қодирий шахси ҳам эътибор марказида бўланлигини эътироф этиш лозим. Унинг “Садои Туркистон”, “Самарқанд”, “Ойна” каби газета ва журналларда чоп этган ижтимоий-иқтисодий масалаларга бағишланган мақолалари чуқур тахлил қилинган. Хусусан, муаллифнинг 1914-1915 йилларда нашр қилинган “Тўй”, “Фикр айлагил”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга” каби шеърларида, “Бахтсиз куёв”, “Хеч ким билмасин” каби сахна асарларида, “Жувонбоз”, “Улоқда” сингари ҳикояларида халқнинг саводи, билими ва маърифати каби масалалар кескин танқид қилинган.

Бундан ташқари, ўлкани Россия империяси босқини даврига оид муҳим тарихий воқеъликлар акс этган “Тарихи жадидаи Тошкент” асари муаллифи Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шахси билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилган бўлиб, хусусан уларда муаллифнинг ижтимоий келиб чиқишидан тортиб, асар ёзилиши билан боғлиқ жараёнлар ҳусусида тўхталиб ўтилган [5, 119-120]. Шунингдек, муаллифнинг воқеа ходисалар гувоҳи эканлиги билан асарнинг бугунги кундаги аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари, асарда Тошкент шаҳри билан боғлиқ қимматли маълумотлар ҳам келтириб ўтилганлиги алоҳида эътиро этилган. Хусусан, унда Тошкент шаҳри топонимикаси, шаардаги ижтимоий, иқтисодий вазият ҳусусида батафсил маълумотлар акс этганлиги таъкидланган.

Шунингдек, адабиётларда Марказий Осиёда ислом дини билан боғлиқ тарихий жараёнлар билан бир қаторда ислом дини маърифати ривожига хисса қўшган илм-маърифат соҳасида қалам тебратган мутафаккирлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Хусусан, XIX асрда яшаб ижод қилган маърифатпарварлар қаторида Акмал Тошкандий ҳақидаги маълумотлар [4, Б.220-223] қимматли бўлиб, унда маърифатпарварнинг илму-заковати билан бир қаторда сиёсий фаолияти ҳам тахлил қилинган. Хусусан, унинг мадраса таълимидан сўнг, Қашғар ҳокими Ёқуббекни ўз илмий мушоҳадаси билан лол қодиргач, унга куёв бўлганлиги, бир муддат Қашғарда Ёқуббек хизматида қози раис

лавозимида ишлаганлиги, 1877 йилда хитойликлар томонидан Шарқий Туркистон қўлга олингач, Тошкентга қайтиб келганлиги аммо, маҳаллий зиёлилар билан келиша олмай, Бухоро хони Амир Музаффар қўл остида ишлашга мажбур бўлганлиги, кўп вақт ўтмай сарой фитналари туфайли Тошкентга қайтиб келганлиги ва тез орада хасталаниб вафот этганлиги ҳақида маълумотлар акс этган [2, Б.204-210]. Бундан ташқари, ушбу шахс илмий мероси ҳақида тўхтаб ўтиб, мантик, хикмат, калом ва бошқа илмларда ўз даврида ном чиқарган инсон бўлганлиги, араб ва форс тилларида она тилисидек мулоқот қила олганлиги, араб тилидаги ҳеч ким тушуна олмаган китобларга ҳошиялар ва шарҳлар ёзганлиги, форс тилидаги энг қийин ҳисобланмиш Мирзо Бедил асарларига муҳаммаслар ёзганлиги эътироф этилган.

Бундан ташқари, Акмал Тошкандийнинг илмий меросига бағишланган асарда [6, Б. 231-233], олимнинг илмий изланишлари тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотда муаллиф томонидан А.Тошкандийнинг “Тажвид Умму-л-Қуръон” манзумаси таҳлил қилинган бўлиб, ислом динида асосий ўринни эгаллаган Қуръон китобини ўқишга оид тавсиялар берилганлиги таъкидланган. Бундан ташқари, мақолада А. Тошкандий ҳақида қайд этилган бошқа тазкиралар ҳусусида ҳам маълумотлар берилган. Жумладан, муаллифнинг қайд этишича, А. Тошкандий ҳаёти ва ижоди ҳусусида Муродхўжа Солиххўжа (ваф. 1953) Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи Жадидаи Тошканд” асарига ёзган тақризида, Абдуллоҳ хўжа Абдий қаламига мансуб “Тазкират уш-шуаро” асарида (1904) батафсил тўхталиб ўтган.

Бундан ташқари, XIX – XX аср бошларида фаолият олиб борган яна бир тошкентлик маърифатпарвар олим – Қори Файзуллоҳ Миржалол ўғли Алмай илмий мероси ҳам ўлкадаги маҳаллий аҳоли орасидаги илмий муҳитни аслича кўрсатишга хизмат қилади [4, Б.224-225]. Жумладан, унинг қаламига мансуб араб тили грамматикаси бўйича “Авзон ул-Жумъу” (Кўплик вазнлари) асари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шунингдек, олим томонидан машҳур ҳинд достони “Калина ва Димна” ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, ушбу таржима 1898, 1901, 1913 йилларда тошбосмада нашр қилинганлиги кўплаб манбаларда эътироф этилган.

Бундан ташқари, XIX – XX аср бошларида яшаб ижод қилган хаттотлардан Мирий, Муҳаммад Юнус Тоиб, Муҳаммад Зариф, Муҳаммад Шоҳмурод котиб, Нажмуддинхўжа, Муҳаммад Усмон котиб Тошкандий, Азимжон Сиддиқжон ўғли каби ўнлаб хаттотларнинг илмий фаолияти тадқиқи орқали ўлкадани илмий муҳит ҳақида аниқ тасаввур хлис қилиш имконини беради [4, Б.307-323].

XIX – XX аср бошларида даврида ижод қилган маҳаллий мутафак-кирлар қаторида Салоҳиддин Тошкандий асарлари тарихийлик нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этган. Унинг қаламига мансуб “Темурнома” асари 1908 йилда чоп этилган бўлиб, 1991 йилга келиб ушбу асар қайта нашр қилинди. Асар Амир Темур шахси ҳақида бўлиб, саркарданинг таввалудидан то вафотига қадар тарихий жараёнлар бадиий услубда талқин қилинган. Шунингдек, ушбу муаллиф қаламига мансуб “Луғати салос” “Уч тилли луғат” асари ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда тилшунослар томонидан илмий муомалага киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ижод қилган тошкентлик алломалар асарларида тарихий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар билан бир қаторда илмий аҳамиятга эга асарлар ҳам ўрин олган бўлиб, уларни илмий муомалага киритиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Д. Алимова. Жади́дчи́лик мустақиллик даври тарихчиси талқинида. // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. (Жади́длар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар) давра суҳбати материаллари. Тошкент, 1998.

2. Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. 1 жилд [Нашрга тайёрловчи: Азиз Қайюмов.] – Тошкент, 1998.

3. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) [Масъул муҳаррир: М.М. Ҳайруллаев]. – Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.

4. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Тошкент: “Шарқ”, 2005.

5. Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

6. Исматуллаев А.Т. Акмалхон тўра Тошкандий ва унинг “Тажвид Умму-л-Китоб” манзумаси. // “Молодой ученый”. № 10. Март 2020 г.

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ОИД ДАСТЛАБКИ БИЛИМЛАРНИНГ БУЮК БРИТАНИЯДА ПАЙДО БЎЛИШИ

В. ХОЛОВ

Муайян бир ҳудуд ва халқнинг тарихини ўрганишда нафақат ўша ернинг муаррихлари, балки хорижликлар томонидан ёзилган манбаларни тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади. Марказий Осиё тарихи, маданияти ва бошқа масалаларга оид европаликлар томонидан ёзилган асарлар хронологиясининг тадқиқи асосида антик даврда Ҳеродот, Квинт

Курций Руф, Страбон, Арриан ва бошқа олимларнинг асарларини, ўрта асрларда эса Марко Поло, Руи де Гонсалес Клавихо, Жонас Ҳанвейларнинг кам сонли асарларини, Антони Женкинсон, Ф. Беневени миссиялари хотира қайдларини кўриш мумкин бўлади. Аммо, тарихий тадқиқотлар таҳлили XIX – XX аср бошларида бу борада кескин ўзгаришлар бўлганлигини акс этади. Жумладан, бу даврда европаликлар томонидан Марказий Осиёнинг турли масалаларига оид юзлаб асарлар ва минглаб мақолалар чоп этилди. Профессор Д. Ҳ. Зияева таъкидлашича, бу даврга қадар ҳеч қачон европаликлар томонидан бу даврдагидек кўп тадқиқотлар яратилмаган. ¹ Д. Расулова мазкур воқеъликни шу даврда юзага келган геосиёсий ўйинлар билан боғлайди.²

Бу даврда битилган асарларнинг ишончли манба даражасига кўтарилишига бир неча омиллар хизмат қилган: *биринчидан*, профессор Д. Ҳ. Зияева таъкидлаганидек, хорижликларнинг Марказий Осиё бўйлаб сафари давомида уларга минтақани яхши биладиган маҳаллий фуқаролар ҳамроҳ бўлган ва йўлбошчилик қилган,³ чунончи, А. Женкинсон ва унинг жамоасига туркий тилмоч, Жорж Томпсон ҳамда Рейнолд Ҳогга маҳаллий савдогарлар, Муркрофтга Мир Иззатуллоҳ, А. Бёрнсга Муҳаммад Али, Мохун Лал ва Фулом Ҳусн, Р. Шекспирга Мулло Муҳаммад Ҳасан, унинг ўғли Муҳаммад Довуд, Худойбердихон, Фозилхон ва аскарлар, Ж. Абботга афғон Пирмуҳаммадхон, А. Вамберига Ҳожи Солиҳ ва ҳожи Билол, О. Олуфсенга Мирзо Абдулқодир, яна бир қанча туркий аҳоли вакиллари Ю. Скайлер, Ҳ. Ланделлга ҳамроҳлик қилган; *иккинчидан*, буларнинг аксарияти ўз асар ва илмий ишланмаларини тайёрлашда маҳаллий манбаларга таянган; *учинчидан*, улар минтақа бўйлаб сафар давомида керак бўладиган тиллардан (туркий, форс, араб, рус) бирини ёки бир нечасини олдиндан ўзлаштирган, масалан, А. Бёрнс, Р. Шекспир, Ж. Аббот, Ж. Волффлар форс, А. Вамбери турк ва форс, Ю. Скайлер, Ҳ. Ланделлар рус тилида эркин мулоқот қила олганликларини ўз асарларида қайд этган.

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инглизларнинг Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё илмий меросига қизиқиши ва у билан танишишнинг бошланиши 12 асрларга тўғри келади. Фредерик Старрнинг қайд этишича, бу даврда беслик Аделард ислом оламидаги

¹ Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX – XX аср бошлари) // Масъул муҳ, т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева. Тошкент. Адабиёт учқунлари. 2017. 13-бет.

² Расулова Д.Б. XVII – XX АСР бошидаги французабон тадқиқотларда Ўзбекистон тарихи масалалари // Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс., 2019. 148-бет.

³ Ziyaeva D.Kh. The Sources on the History of Intellectual Heritage in Uzbekistan // Halaqa, Islamic Educational Journal 2(1), June 2018. 117-123-бетлар.

илмий ютуқлар билан танишиш учун келади ва қайтишда шарқ мутафаккирларининг асарларидан нусхаларини ўзи билан олиб қайтади ва бу асарлар дастлаб лотин тилига таржима қилиниб, Европа бўйлаб тарқатилади. Кейинроқ честерлик Роберт ҳам ислом диёрига сафар қилиб, ўзи билан мусулмон олимлари асарларининг қўлёзма нусхаларини олиб қайтади.

Бугунги кунга қадар аниқланган тадқиқотларга кўра, Антони Женкинсон бевосита Марказий Осиёга, хусусан Ўзбекистон ҳудудига келган биринчи англиялик сифатида кўрсатилади. А. Женкинсон 1557-1572 йилларда икки вазифада – киролича Елизаветанинг элчиси ва Мусковий савдо компаниясининг агенти сифатида фаолият олиб боради.¹ Унинг 1558 йил 23 апрелда Москвадан бошланган мазкур саёҳатида ака-ука Ричард ва Роберт Жонсонлар ҳамда бир туркий тилмоч ҳамроҳлик қилади². Улар шу йилнинг 16 октябрида Урганчга етиб келади ва у ерда 26 ноябргача қолади. У маҳаллий аҳолини ҳам отда, ҳам яёв ҳолда камондан ўқ узишда жуда моҳир эканликларини ёзиб қолдиради. У 23 декабрда Бухоро шаҳрига келади ва икки ярим ой давомида шаҳарда қолади. А. Женкинсон ва унинг ҳамроҳи Ричард Жонсон ўз қайдларида Бухоронинг бошқаруви, Бухоро шаҳри, хонликнинг аҳолиси, савдо алоқалари ва даромадларига оид маълумотларни ёзиб қолдиради.³ Шу даврда А. Женкинсон бухороликларни Москвага тез-тез бориб туришларини қайд этиб, улар мушк, анбар, зираворлар, хом ипак ва бошқа шу каби маҳсулотларни олиб бориб сотганликларини келтиради.⁴

Жон Баптиста Таверниернинг 1670 йилда тугалланган ва 1678 йилда инглиз тилига таржима қилинган асарида номи келтирилмаган инглиз томонидан 1620 йилларда Хивада хонлигида содир бўлган сиёсий воқеалар хусусан тахт учун олиб борилган низолар келтирилган.⁵ Англиялик савдогар Ж. Ҳанвей асарларида 1740 йилда Хива ва Бухорога келган инглиз савдогарлари Жорж Томпсон ҳамда Рейнолд Ҳогтнинг хотиралари, минтақа аҳолиси ва уларнинг машғулоти, Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг Бухоро ва Хива билан олиб борган жанглари

¹ George N. Curzon. *Russia in Central Asia* // London. Longmans, Greens and Co. 1889. 164-бет.

² *Early Voyages Travels to Russia and Persia by Anthony Jenkinson and other Englishmen with some Account of the First Intercourse of the English with Russia and Central Asia by the way of the Caspian Sea* // Ҳеклют Жамияти буюртмасига асосан унинг аъзоси В. Морган ва Британия музейи ходими С.Ҳ. Кут томонидан нашрга тайёрланган. Burt Franklin, Publisher New York. 1-жилд. 41-бет.

³ Ўша жойда. 80-100 бетлар.

⁴ Ўша жойда. 136-бет.

⁵ *A General History of the Turks, Moguls, and Tatars vulgarly called Tartars together with a Description of the Countries they Inhabit* // London.MDCCXXX. XVI бет.

тасвирланган. Рейнолд Ҳогг сафарини Хивада тўхтатади, Ж. Томпсон эса сафарини Бухорога қадар давом эттиради.¹ Ю. Скайлер асарида полковник Гарбер номи ҳам келтирилиб, унинг 1732 йилда Ўрта Осиёга келгани кўрсатилган.² XIX асрга келиб, Марказий Осиёга, хусусан бизнинг заминга саёҳат амалга оширган ғарбликлар сони ва улар томонидан чоп этилган ашлар сони кескин ошди ва улар орасида инглизлар ҳамда инглиз тилида чоп этилган асарлар салмоқли қисми ташкил этади.

Марказий Осиё олимлари томонидан ёзилган асарларнинг инглиз тилига таржима қилинганлиги, Маркази Осиёга оид мутахассис тайёрлашда, асарлар ёзишда мазкур таржима қилинган асарларга алоҳида эътибор қаратилганлиги асарларнинг муваффақиятли бўлишига ва Марказий Осиёга оид маълумотларнинг инглиз ўқувчилари орасида янада кенг тарқалишига сабаб бўлди. Чунончи, Абулғози Баҳодирхон асарлари 1726 йилда француз тилига таржима қилинган ва шу таржима асосида 1729 йилда асар бир неча қўшимча ва тўлдиришлар билан инглиз тилига таржима қилинди ва 1730 йилда чоп этилди.³

Мазкур таржиманинг сўз бошижа таржимон бир неча қизиқарли далил ва гипотезаларни келтириб ўтган. Жумладан, Марказий Осиёда Ўрта асрларда илмга талаб ва чанқоқликнинг юқори бўлганлигини қайд этиб, бунда Тусий томонидан тузилган астрономик жадвал, Рашидиддин Фазлуллоҳ томонидан туркий ва мўғул халқлари тарихи, Амир Темур даврида илм тараққиёти давом этиб, Улуғбек томонидан астрономик жадвалнинг тузилиши ҳамда расадхонанинг барпо этилиши, шарқда ҳукмдорларнинг китоблар муаллифи сифатида учрашининг янгилик эмаслиги ва таржима қилинган асарнинг ҳам ҳукмдор томонидан ёзилганлиги ўқувчига айтиб ўтилган.⁴

Шунингдек, “Темур тузуклари”, “Бобурнома” ва бошқа асарлар ҳам таржима қилинди. Бундан ташқари, Марказий осийёга юборилган Сиди Али Раис, Мир Иззатуллоҳ каби мусулмон вакиллари ҳамда француз ва немис тадқиқотчиларининг асарларининг мунтазам инглиз тилига таржимаси йўлга қўйилди. Ҳенри Скриннинг қайд этишича Улуғбекнинг

¹ Jonas Hanway. An Historical Account of the British Trade Over the Caspian Sea: With a Journal of Travels from London Through Russia Into Persia; and Back Through Russia, Germany and Holland. To which are Added, the Revolutions of Persia During the Present Century, with the Particular History of the Great Usurper Nadir Kouli. Лондон. 1753. 1-жилд. 345-357 бетлар.

² Eugene Schuyler. Turkestan, Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara, and Kuldja // New York. Scribner and Armstrong and Co. 1876. 1-жилд. 360-бет.

³ A General History of the Turks, Moguls, and Tatars vulgarly called Tartars together with a Description of the Countries they Inhabit // London.MDCCXXX.

⁴ Ўша ерда. I-II бетлар.

юлдузлар жойлашуви жадвали ғарбга шарқдан борган жадваллар орасида энг аниқ ва мукаммали саналади. Унда вақт ўлчови, сайёралар ва юлдузлар жойлашуви ўз ифодасини топган. Унинг латин тилидаги энг яхши босма нашрлари 1642-1648 йилларда Оксфорд профессори Гривес томонидан тайёрланган бўлиб, 1767 йилда қайта нашр қилинган.¹ 1723 йилда Жон Дарби франциялик шарқшунос Пети де ла Круанинг 1722 йилдаги таржимаси асосида Шарафиддий Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини инглиз тилига таржима қилади. АҚШлик журналист В.Э. Кёртис “Темур тузуклари” 1780 йилда Оксфорд университети профессори Жозеф Вайт Лодиан томонидан дастлаб инглиз тилига таржима қилинган, деб қайд этган.² Чарлз Стюартнинг қайд этишича, 1783 йилда Оксфорд профессори Ж. Вайт бу асарнинг форсча транслитерациясини ва унинг Виллиам Дейви томонидан таржима қилинган инглизча таржимасини чоп эттирган. Чарлз Стюартнинг Абу Толиб Хусайнийнинг форс тилидаги таржимаси асосида бу асарни инглиз таржима қилиб, 1830 йилда уни “Mulfuzat Temuri” номи билан нашр эттирган.³ 1800 йилда Вилиам Оуслий томонидан таржима қилинган Ибн Ҳавқал асари⁴, 1826 йилда Вилиам Ўрскин томонидан таржима қилинган “Бобурнома”, 1829 йилда С. Ли таржима қилган Ибн Батутанинг асари⁵ инглиз тилида чоп этилди. ⁶ Раверти Ҳенри Жорж Минхожи Сирож Жузжонийнинг “Табоқоти Носирий” асарини таржима қилиб, 1881 йилда нашр қилди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлатнинг “Тарихи Рошидий” асари Денисон Росс томонидан таржима қилиниб, 1895 йилда Лондонда нашр қилинган.

1832 йилда Бухорога сафар қилган А. Бёрнс (уни кейинчалик “Бухоро” деб номлашган) ўз асарида Бухоро бозорларида 1832 йил 20 июлда 5 та қўлёзма сотиб олганлигини, кейин уларни “Шарқ қўлёзмалари жамғармаси”га топширганини қайд этган.⁷ Булар Мовароуннахр султонлари ҳақида қисқача маълумот берувчи муаллифи ва номи кўрсатилмаган қўлёзма, “Тарихнома”, Наршахийнинг “Таворихи Наршахий (тарихи Наршахий)”, “Тазкира-и Муқимхони”, “Ажойиб ул-табоқот”

¹ Ҳенри Скрин. 176

² Кёртис. 212

³ The Mufuzat Temury (translated by Charles Stewart // London. John Murray, Albemarle Street; Parbury, Allen and Co. Leadenhall Street; 1830. i бет.

⁴ Ibn Haukal. The Oriental Geography of I. H., an Arabian traveller of the 10th century. Translated by Sir William Ouseley, Kt. London: 1800.

⁵ Ibn Batutah. The Travels of Ibi Batutah (1324-5). Translated by S. Lee. London : 1829.

⁶ Ўша жойда, v-vi бетлар.

⁷ Alexander Burns. Travels into Bukhara // London. John Murray, Albemarle Street. MDCCCXXXIV. 2-жилд. 355-бет.

асарларидир”.¹ Тахминан 1834 йилда А. Бёрнс истаги билан Шарқ таржималари жамияти томонидан Жорж Якобга “Ажойиб ул-табоқот” асарини таржима қилиш юклатилди. А. Бёрнс бу асарни Бухорода сотиб олиб, ўзи билан Ҳиндистонга олиб кетган. Гарчи асар инглиз тилига таржима қилинса-да, нашр этирилмайди ва бунинг сабаби ҳалигача номаълум. Аммо, таржима жамият кутубхонасига топширилган.² Ҳозирда Қироллик Осиё жамияти кутубхонасида Бёрнс томондан топширилган Муҳаммад Тоҳир ибн Абул Қосимнинг “Ажойиб ал-табоқот” (инглиз тилига А. Пёрвис томонидан таржима қилинган), Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, Муҳаммад Юсуф ибн Хўжа Бақонинг “Тазкира-и Муқимхони”, Мир Саййид Шариф Раҳимнинг “Тарихи Раҳими”, Аҳмад ибн Маҳмуднинг “Тарихи Муллазода дар зикри мазороти Бухоро”, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Шарафнома-и шоҳи”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ушшуаро” асарлари ва яна кўплаб бошқа қўлёзма асарлар сақланмоқда.

Инглиз тилида чоп этилган асарлар тадқиқи шуни кўрсатадики, маҳаллий манбаларга асосланиб ёзилган асарлар европалик мутахассис ва китобхонлар томонидан юқори баҳоланган. Жумладан, Вамбери ўзининг “Бухоро тарихи” з асарини тайёрлашда Тарихи Наршахий”, “Тарихи Саидраҳим”, “Тарихи Муқимхоний”, “Тарихи Табарий”, “Тарихи Байҳақий”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Алоуддин Ота Малик Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонкушойи”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Шайх Камолиддин Абдураззоқнинг “Матлаа ас-Саадеин”, “Бобурнома”, “Шайбонийнома”, “Шажара-и турк”, Мирза Муҳаммад Маҳдихоннинг “Тарихи Нодиршоҳ”, “Мунши Содик Мирзонинг “Даҳма-и шоҳон” асарларидан фойдаланган.⁴

1882 йилда Марказий Осиёга келган инглиз тадқиқотчиси Ҳ. Лансделл ҳам асарининг библиографиясида Вамбери келтирган асарлардан ташқари А. Навоий, Фазлуллоҳхоннинг Мир Абдулкарим Бухорий, Абу Толибхон каби муаллифларнинг асарларини келтирган. Шунингдек, асарида маҳаллий манбалардан ҳам муваффақиятли фойдаланган Жорж Натаниэл Керзон ҳам ўз тадқиқотида маҳаллий манбаларга мурожаат қилган.

¹ William H. Morley. A Descriptive Catalogue of the Historical Manuscripts in the Arabic and Persian Languages Preserved in the Library of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland // London. John W. Parker & Son, West Strand. MDCCCLIV. 160 бет.

² Rawlinson H. C. Royal Asiatic Society. Proceedings of the Fifty-Eighth Anniversary Meeting of the Society, Held on the 30th of May, The Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland, 1881 Б. 5.

³ Arminius Vambery. History of Bokhara from the earliest period down the present // London. Henry S. King Co. 1873.

⁴ Ўша жойда. Ix-xvi бетлар.

Хусусан, Ибн Ҳавқал асарида Марв¹ мевалари, Бухоро² ва Самарқанд³ манзаралари ва шаҳарларига берилган тавсифни келтириб ўтган.

Франсис Ҳенри Скрин ва Э.Д. Росс ўз асарларини тайёрлашда ўша давр замонавий тадқиқотларидан ташқари араб истилоси, минтақага исломнинг кириб келиши ва ёйилишини ёритишда Табарий ва Наршахий манбаларига, Тоҳирийлар ҳукмронлиги даврини ёзишда Табарий, Наршахий ва Мирхонд манбаларига, Сомонийлар даврини ёритишда Наршахий, Мирхонд, Хондамир, ас Соолибий асарлари билан бирга Давлатшоҳнинг “Сомонлардан 9 киши Хуросон ҳокимиятида машҳур эди, Исмоил, бир Аҳмад, бир Наср, икки Нух, икки Абдулмалик, икки Мансур” мазмунидаги шеърига, Қорахонийлар даврини ёритишда Наршахий, Рашидиддин Фазлуллоҳ, Минҳож Сирож Жузжонийнинг “Табоқоти Носирий”, Мирхонд асарларидан, Ғавнавийлар ва салжуқийлар даври тарихини ёритишда Ҳамидуллоҳ Муставфийнинг “Тарихи Гузида”, Мирхонд, Ҳофиз Абру, ибн ал-Асирнинг “Тарихи Комил”, Хоразмшоҳлар тарихини ёзишда Минҳож Сирож Жузжоний, Хондамир, Жувайний асарларидан, мўғуллар даврини ёритишда Минҳож Сирож Жузжоний, Рашидиддин Фазлуллоҳ, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Юсуф ибн Хўжа Бақо, Мирзо Ҳайдар, Темурийлар даврини ёритишда Шарофиддин Али Яздий, Мирзо Ҳайдар асарларидан, Бухоро хонлиги даврини ёритишда Мирзо Ҳайдар, “Тарихи Абулхайр”, “Бобурнома”, Мирзо Искандарнинг “Тарихи олам орой”, Ҳофиз Танишнинг “Абдулланом”, Муҳаммад Юсуф Мунши, Абдулкарим Бухорий, манғитлар даврини ёритишда Абдулкарим Бухорий каби маҳаллий муаллифларнинг асарларидан фойдаланган.⁴

Хулоса қилиб айтганда, хорижликлар томонидан амалга оширилган сафар ва экспедицияларнинг самарали фаолият олиб боришида уларнинг олдиндан пухта тайёрланганлигидан ташқари, маҳаллий аҳолининг зиёли қатлами вакиллари ва ҳамда ҳукумат томонидан тайинланган расмийларнинг йўлбошчилик қилиши, уларнинг фаолият олиб боришида маҳаллий давлат раҳбарлари томонидан рухсат берилиши, уларга қўлёзма асарлар инъом қилинганлиги, чет элликларнинг ўзлари билан қўлёзмаларни олиб кетишларига рухсат берилиши, қўлёзма асарларнинг хорижий тилларга таржима қилиниб, улардан тадқиқотларда кенг фойдаланиш амалга оширилган тадқиқотларнинг ишончли бўлишини таъминлаб берди.

¹ George N. Curzon. *Russia in Central Asia* // London. Longmans, Greens and Co. 1889. 113-бет.

² Ўша жойда. 153-бет.

³ Ўша жойда. 212-бет.

⁴ Francis Henry Skrine, Edward Denison Ross. *The heart of Asia* // London. Methuen and Co. 1899. 34-221-бетлар.

O‘ZBEKISTONDA TURKIY TILLARDA YOZILGAN TIBBIYOTGA OID MANBASHUNOSLIK ISHLARI TARIXSHUNOSLIGI

Akobir TOIROV

TDSHU II bosqich magistranti

Annotatsiya. Ushbu maqola O‘zbekistonda turkiy tillarda yozilgan tibbiyotga oid manbalar bo‘yicha qilingan ishlarning tarixshunoslik masalari yoritiladi. Unda, turkiy tilli tibbiyotga oid manbalarning ilmiy asarlarda, katalog va kichik ilmiy ishlarda berilgan ma‘lumotlari tavsifi keltiriladi.

Kalit so‘zlar. Tibbiyot, turkiy til, manba, katalog, sharqshunoslik instituti.

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasi sharqshunoslik instituti fondlarida saqlanuvchi turkiy tillarda yozilgan asarlar u qadar ko‘p emas. Ular haqida ma‘lumotlar asosan to‘plamlarda, kataloglarda va ilmiy adabiyotlarda qisqacha tavsifi keltirilgan. Unda asosan manbashunoslik nuqtai-nazaridan asarlarning tashqi va ichki xususiyatlari bilan asar mazmuni haqida qisqacha tarif keltiriladi. O‘zbekistonda tibbiyot tarixi va tibbiyot manbashunosligi bilan shug‘ullangan olimlardan H.Hikmatullayev, S.Karimova va M.Hasaniylarning ilmiy ishlarida turkiy tillarda yozilgan yoki ko‘chirilgan manbalar to‘g‘risida ma‘lumotlar keltirilgan.

Tabobat ilmiga oid manbalar bo‘yicha sharqshunos H.Hikmatullayevning 1994-yil nashr etilgan “Sharq tabobati” kitobida Muhammad alayhissalomning sog‘liqni saqlashga oid hadislar, IX-XX asrlar musulmon Sharqida, xususan O‘rta Osiyo va Xurosonda yashab ijod etgan 60 dan ortiq tabib, dorishunoslar hayoti va ijodi haqida ma‘lumotlar hamda Abu Bakr Roziy va Abu Ali Ibn Sinoning tibbiy risolalari o‘rin olgan. Bu risolalar kasalliklarni aniqlash va davolashda bugun ham katta ahamiyatga egadir. Ushbu kitob tuzulishi to‘rt qismdan iborat. Shuningdek, sharq tabobati, xususan o‘zbek tabobati tarixi haqida so‘z yuritiladi. Uning 1-qismida Muhammad alayhissalomning tabobatga oid hadislar, 2-qismda arab yozuvida asarlari bizgacha yetib kelgan IX-XX asrlarda yashagan 60 dan ziyod Sharq tabiblarining hayoti va ijodi, 3-qismda ilmiy tadqiqotlar, 4- qismda tibbiy asarlar tarjimai o‘rin olgan.

Asarning II qismida turkiy tilda asarlar yozgan tabib va dorishunoslar hayoti ijodi keltirilgan. Mazkur qismda olimlar u yoki bu tilda asar yozganligi alohida keltirilmagan. U musulmon dunyosida tibbiyot bilan shug‘ullangan olimlarning (IX asrdan to XX asr boshlarigacha) xronologik nuqtai-nazardan ma‘lumotlari keltirilgan. Asarda O‘rta Osiyolik tabiblardan Jafarxo‘ja Ibn Nasruddunxo‘ja Xozarasp[1], Mulla Nur Muhammad[2], Homidxon Ibn Zohidxon Ibn Muhammad Sodiqxon Shoshiy[3] va Bositxon Ibn Zohidxon Ibn Muhammad Sodiqxon Shoshiylarning[4] turk tilida yozilgan asarlari ma‘lumoti keltirilgan.

Taniqli manbashunos va shoir Mamud Hasaniy tomonidan 1990-yil Toshkentda nashr ettirilgan “Tabobat durdonalari” asari 1982-yilda yozilgan “Hakimlar hikoyati” va 1987 yil nashr ettirilgan “Tabobat durdonalari xazinasidan” kitobining qayta nashri hisoblanadi. Kitobda Sharqning hoziq tabiblari hamda shoir-tabiblarining tibbiy asarlaridan na’munalar berilgan. Fors-tojik hamda o‘zbek shoirlarining (turkiy til) nasriy va nazmiy asarlaridan terib olingan salomatlikka oid hikoyat va hikmatlar ham kitobdan o‘rin olgan. Mazkur asarda yana tarjimonning o‘z qalamiga mansub “Hikmatlar guldastasi” bilan tanishish mumkin. Yuqorida ta’kidlaganimizdek asar asosan nazmda yozilgan qismi salmoqli. Lekin shu bilan bir qatorda asarda tabobatda va kundalik iste’moldagi maxsulotlarning u yoki bu kasallik foyda keltirilishi haqida tarixdagi mashhur tabiblarning asarlaridan namunalar hisoblanadi. Kitobda turkiy tilda yozilgan Hakim Qooniyning “Parishon kitobidan” asari haqida ma’lumot keltirilgan bo‘lib, muallif kitobga inson salomatligining ruhiy jihatlari to‘g‘risida ekanligini ta’kidlagan.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi sharqshunoslik instituti fondida saqlanayotgan qo‘lyozmalar to‘g‘risida umumiy tavsif beruvchi “Sharq qo‘lyozmalari to‘plami” 1952 yildan buyon nashr etiladi. Fondida mavjud manbalar turli sohalarga oidligi sababli asarlar sohaga qarab alohida to‘plamlarda nashr ettirilgan. Mazkur fondida saqlanayotgan tabobatga oid qo‘lyozmalar haqida ma’lumot beruvchi “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Sharq qo‘lyozmalari to‘plami. Tibbiyot” katalogi tuzuvchilar H. Hikmatullayev va S. Karimova tomonidan 2000 yil Toshkentda nashr ettirilgan. Katalogda 379 ta asar (ba’zi asarlarni bir nechta nusxasi yoki tarjima nusxasi ham alohida asar sifatida keltirilgan), 43 risola va tabobat ro‘yxatlari (dorilar, malhamlar yoki kasalliklar ro‘yxati) ning[6] manbashunoslikga oid umumiy belgilari haqida ma’lumot va asarning qisqacha tavsifi o‘rin olgan.

Katalogda 40 dan ortiq turkiy tillarda (turk, eski o‘zbek tillarida) yozilgan yozilgan asar, risola va ro‘yxatlar o‘rin olgan. Mazkur asarlar tabobatning umumiy, farmakologiya va veterinariya sohalariga oid bo‘lib, ularning aksari arab yoki tillarda yozilgan asarlarning tarjimasi hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish kerakki, Fanlar Akademiyasi sharqshunoslik instituti va dunyodagi boshqa fondlarda tibga oid asarlar kamchilikni tashkil etadi. Yuqorida sanab o‘tilgan asarlar tibga oid turkiy tildagi asarlarning umumiy tabobat, tabobat nazariyasi va amaliyotiga oid asarlardan ma’lum bir qismi hisoblanadi. Shuningdek turkiy tildagi sohaga oid farmakologiya va veterinariyaga oid oz bo‘lsa ham qimmatli asarlar bugungi kunda o‘rganilishi kerak bo‘lgan sohalardan hisoblanadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Собрание восточных рукописей АН РУ. –Т: “Абдулла Кадири”. 2000. Составители: К.ф.н. Х. Хикматуллаев. К.х.н. С.У. Каримоваю
2. Махсумов М. Д. Развитие медицины на территории Узбекистана в период последних узбекских ханов (XVIII — XIX вв.) // Молодой ученый. — 2016. — №12.
3. Ilworth, Edward A. and Shukurov, Rustam. 2004. The Personal History of a Bukharan Intellectual: The Diary of Muḥammad-Sharīf-i Ṣadr-i Ziyā, – Leiden: Brill.
4. Hasaniy, Mahmud. 1993. Tababat durdanalari, –Tashkent: Ibn Sina namidagi nashriyat-matbaa birlashmasi.
5. Hasaniy. M. ed. 2003. Basitkhan ibn Zahidkhan Shashii, Qanuni Basitiy. 2 vols. –Tashkent: Fan.
6. Hikmatullaev. H. 1994. Sharq tababati, –Tashkent: Abdulla Qadiriyo namidagi Xalq Merosi Nashriyati.
7. Sh. T. Iskandarova. “Tibbiyot tarixi”. –Т.: ТПИ. 2012.
8. Д. Г. Вороновский, *Канон медицинских знаний Ибн Сина*,— “Материалы научной сессии АН УзССР, посвященной 1000-летию юбилею Ибн Сина”, –Ташкент, 1953, –С. 58 (далее — сб. “Ибн Сина”).

АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ – АҚОИД ИЛМИНИНГ ЕТУК НАМОЁНДАСИ

Элдор ЖУМАНИЁЗОВ

ЎЗМУ Ижтимоий фанлар факультети 2-босқич магистранти

Аннотация- ушбу мақолада заминимизда яшаб, ижод қилган, буюк бобокалонларимиздан бири ҳисобланган Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва у кишини ёзиб қолдирган ижод намуналари тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар- ал-Мотуридий, мотуридия, калом илми(ақида), илоҳиёт, “Китоб ат-тавҳид”, ҳанафийлик.

Мовароуннаҳрда Абу Мансур Мотуридий асос солган калом илми замонлар ўтиб бутун ислом оламига тарқалиб, суннийликдаги икки йирик мактабнинг бирига айланади. Мотуридия таълимоти XI асрдан бошлаб ислом оламида шуҳрат қозонади ва шу даврдан алломанинг шахсига қизиқиш кучаяди. Ушбу таълимотнинг мазмун-моҳиятини, тарихини ўрганишдан аввал Мотуридийнинг ҳаёти ва жамиятда тутган мавқеини чуқур тадқиқ қилиш лозимдир.

Тўлиқ исми шарифлари — Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий. Мотурид — Самарқанд яқинидаги

қишлоқлардан бирининг номи. У ҳозирда бузилган шаклда Матрит дея аталади. Аслида эса, манбаларда айтилишича, қишлоқнинг номи арабча «Ма турид?» сўзидан олинган. Маъноси «Нима демоқчисан?»дир. Айтишларича, Шайх Абу Мансур калом илмига ружу қилган пайтларида шогирдлари кўпайиб кетган ва улар ўзаро баҳс қилганларида бир-бирларига араб тилида кўпинча «Ма турид?» деб мурожаат қилганлар. Шу сўз кўпчилик қулоғига тез-тез чалинавергач, Шайх шогирдларини мотуридийлар, қишлоқ номини эса Мотурид деб атай бошлаганлар (Зарнужий. «Таълим ал-мутаъаллим» шарҳи). Насаблари Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келганларида ўз уйидан жой берган машҳур саҳобий - Абу Айюб Холид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Ансорий ҳазратларига бориб етади, деб нақл қиладилар. Бу нисбатни баъзи муаррихлар рад этганлар.¹

Туғилган йиллари ҳақида тарихий манбаларда қатъий маълумот йўқ, лекин тақрибий ёки тахминий саналар берилган. Масалан, унинг аббосий халифалардан Мутаваккил (232-247 ҳижрий) даврида яшаганлари аниқ. Яна, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (вафоти 248-ҳижрий) ва Насир ибн Яҳё ал-Балхий (вафоти 268-ҳижрий) каби устозларидан сабоқ олганликларини назарда тутилса, Шайхнинг туғилган йилини 238-ҳижрий деб тахмин қилиш мумкин. Лекин бошқа манбада, аниқроғи «Ислом» қомусида туғилган йиллари 870-милодий йил деб кўрсатилган. Шунга асосан 2000-йилда таваллудларининг 1130 йиллиги нишонланди. Бу ҳисобга кўра, Шайх таваллудлари 257-ҳижрий йилга тўғри келади.

Мотуридий ёшлигидан илмига чанқоқ бўлган. У кўплаб машҳур мударрислардан илм олган, хусусан, Абу Бакр Жузжонийдан ҳанафий фикҳини, анъанавий ислом мезонлари ва уни атрофлича қамраб олиш, изчил таҳлил қилиш, ақлан фикр юритиб, илоҳиёт борасида мунозаралар олиб боришни эса Абу Наср Иёдийдан ўрганган.

Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти Самарқандда илоҳиёт илми ривожининг кейинги даврига тўғри келади. Бу пайтда шаҳарда бир неча эътиборли мутакаллимлар гуруҳи фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар орасида донишмандлар (хукамо) гуруҳига мансуб Абулқосим Ҳаким Самарқандий ижодига қизиқиш катта эди. Иккинчи гуруҳда Абу Бакр Жузжоний мактаби намояндалари – Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Жузжоний, Абу Мансур Мотуридий, Абулҳасан Рустуфағний, Абу Салама Самарқандийлар бор эди. Учинчи гуруҳни эса иёдийлар сулоласи вакиллари – Абу Наср Иёдий, унинг фарзандлари Абу Аҳмад ва Абу Бакр Иёдийлар ташкил этарди. Бу гуруҳлар ўртасидаги баҳслар турли

¹ Исломий Ҳ. Султон ул-Муъиззуддин Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий.Т.: Фафур Фулом. 2000. 6 б.

кўринишларда намоён бўлди ва бу калом илми ривожига ижобий таъсир этди.¹

XI-XII асрлар ҳанафий мутакаллимлари Мотуридия таълимотини қайта тиклаш жараёнида унинг ижтимоий қарашларини акс эттирувчи фикрларини эътибордан четда қолдиришади. Кейинчалик Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, ҳанафий мазҳаби олимларидан дарс олиб, ўз билимини юксалтиради. Бу жараёнда кўплаб машҳур фақиҳ ва муҳаддислар билан мулоқот ва мунозарада бўлади, шу соҳага оид асарлар ёзади.

Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавийнинг “Катоиб ул-аълум ал-ахёр фи табоқот фуқаҳо ва машойих мазаҳаб ан-Нуъмон” (“Нуъмон мазҳабига мансуб бўлган таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоб”) номли асарида Абу Мансур Мотуридийнинг қаерда ва қачон вафот этгани ҳамда унинг асарлари ҳақида маълумот беради. Муаллиф имом Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” (“Аллоҳнинг яккаю ягоналиги борасидаги китоб”), “Китоб ал-мақомат”, “Китоб рад авомил лил адила лил каъбий” (“Каъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб”), “Китоб баён ва ҳум ул-муътазила” (“Муътазила ғавғолари ва ундан кўрқмаслик ҳақидаги китоб баёни”), “Таъвилот аҳл ас-сунна” (“Қуръон таъвили”) каби асарларини санаб ўтади.²

Абу Мансур Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам хориждаги кутубхона ва кўлёзма фондларида сақланади. Ислом оламида машҳур бўлган “Китоб ат-тавҳид” асари 1970-йилда Фатҳуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда, кейинчалик эса Туркияда бир неча бор нашр этилади. Сўнггиси Бекир Туплу ўғли ва Муҳаммад Аручи каби олимлар томонидан 2003-йил Анқарада чоп этилган.

Мутакаллим ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиб, ўзи ҳам араб тилида тафсир ва эътиқодга оид “Таъвилот аҳл ас-сунна”ни ёзади. Бундан кўзланган асосий мақсад “Аҳл ас-сунна ва ал-жамоа” таълимотига зид қарашларни рад қилишдир. Бу асардан эътиқодий масалалар ҳамда фикҳда кенг фойдаланилади. Абу Мансур Мотуридий бу асарини ёзишда асосан Абу Ҳанифанинг қарашларига суянади. Ушбу китобнинг нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. “Китоб таъвилот” асарининг биринчи жилди 1971-йилда Сайид ва Иброҳим Авадайнлар томонидан нашр этилди. Худди мана шу китоб бангладешлик олим А.А.Раҳмон томонидан 1981-йил янги

¹ Имом ал-Мотуридий. Китаб ат-Тавҳид. –Кохира. Дор ал-жамият ал-мисрия. 1980. 4 б

² Улрих Р. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси. 2002. 148 б

қўшимчалар билан қайта нашр қилинди. Асарнинг чоп қилиниши Мотуридий каломига оид бир қатор мақолаларнинг ёзилишига сабаб бўлди. Ф.Сезгин ўзининг “Араб қўлёзмалари тарихи” китобида “Китоб таъвилот” асарининг дунё фондидаги нусхалари ҳақида қимматли маълумот беради. Сўнгги йилларга келиб унинг тўлиқ нашрлари ҳам амалга оширилди. 2004-йил Фотима Юсуф Хайми томонидан 1-5 жилдлари Байрутда нашр этилди. Яна бири Муждий Баслум томонидан тайёрланган бўлиб, 2005-йил Қохирада “Мактабат ул карамат” нашриётида чоп этилган. Энг сўнгги 2008-2009-йиллардаги илмий нашри Туркиядаги “Дарул мезон” нашриётида етти жилдда чоп этилди.

Хўш, калом ўзи нима ва у қандай илм? Калом илми ўрта асрларда фалсафий-диний фикрлар ва диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига эътиқод этиш ҳақидаги билимларни ифодалаган. Бирон-бир динга мансуб шахс учун мажбурий ҳисобланган, ҳар қандай шароитда муҳокама қилмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар мажмуига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида у махсус билимлар тизими сифатида вужудга келди. Калом – “илмул калом” атамаси кенг маънода ўрта асрлар мусулмон адабиётида диний-фалсафий мавзуларда (жумладан, насронийлик ва яҳудийликда ҳам) эркин фикр юритишга нисбатан қўлланган, тор маънода эса ақидапарастлик, яъни динда обрў-эътиборли ҳисобланган шахслар – пайғамбар, саҳобаларга тақлид йўли билан эмас, балки Қуръон ва сунний таълимотни ақл-идроққа мос талқин этиш, тафаккурга суяниб иш юритишга нисбатан ишлатилган. Ҳадис илми пайғамбаримиз (с.а.в.) томонидан ривоят қилинган гап ва ишларни, фикҳ илми шариат қонунчилигини, калом илми эса ислом динида эътиқод қандай бўлишини ўргатади.

Мотуридия ақидаси Қуръон, ҳадис ва ақл-идроқ, мантик ва ҳақиқатга яқин экани билан бошқа таълимотлардан ажралиб туради. Абу Мансур Мотуридий ўз таълимоти билан боғлиқ аксарият фикрларини “Китоб ат тавҳид” асарида баён этган. Хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: “Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир”¹.

Бу таълимот муътазиллийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки нақлдан ҳам қўшиб фойдаланишни зарур деб билади. Ақида борасида қўшган яна бир ҳиссаси шуки, ўша даврларда жуда кўплаб фирқалар эътиқод борасида ўз фикрлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлаган. Мотуридий шунга чек қўяди ва бу ўлкада ягона ақида

¹ Имом ал-Мотуридий. Китаб ат-Тавҳид. –Қохира. Дор ал-жамият ал-мисрия, 1980. 10 б

тизимини (яъни ханафия мазҳаб асосида) ўрнатади. У барча ақидалар орасидаги баҳсли мавзуларни ҳар бир фирқага далиллар асосида исботлаб беради. Натижада турли хилдаги майда оқимлар кўпайишининг олди олинади.

Мутакаллим ислом илоҳиётидаги қазо ва қадар (яъни инсон тақдири) ҳақида ҳам мулоҳазаларини баён этган. У инсонда танлаш эркинлиги бор деган иборани қўллаган. Яъни инсон қандай ишни лозим топса, ўшани бажариши керак. Аллома инсон қандай йўлни танлаши ўз ихтиёрида эканига алоҳида урғу беради. Бу эса ҳозирги демократиянинг асосини ташкил этади.

Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, ханафия таълимотининг Ўрта Осиё халқлари урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ эканини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди.

Вафот этган саналари тўғрисидаги маълумотларнинг энг ишончлиси 333-ҳижрий йил ҳисобланади. Бу милодий сана бўйича 944-йилга тўғри келади. Мотуридия уламоларининг энг машҳурларидан Абу Муин ан-Насафий ўзларининг «Табсират ул-адилла» китобида шундай ёзадилар: «Абу Мансур Мотуридий вафот этганларида яқин шогирдларидан бири Абул-Қосим ал-Ҳаким унинг қабр тошига қуйидаги битикни ёздирган экан:

Яъни: «Бу қабр нафаслари миқдорисидаги илмларни ўзида жам этган, бор кучини у илмларни тарқатиш ва ўргатиш билан тугатган, бас, шунинг учун диний асарлари мактовга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил медаларни олишга эришган зотнинг қабридир».¹

Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг қабри Самарқанд шаҳрининг Чокардиза қабристонидан эканлиги ишончли манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида ўз тасдиғини топди. Шунга биноан 2000-йилнинг май ойида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан бу хусусда махсус фатво чиқарилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Абу Мансур Мотуридий асос солган диний таълимот – мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат топишига сабаб шуки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динининг моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийлик деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

Адабиётлар рўйхати

[1]Имом ал-Мотуридий, Китаб ат-Тавҳид, Коҳира, Дор ал-жамият ал-мисрия, 1980

[2]Абул Муъин ан-Насафий, Табсиратул адилла, Байрут, Дарул-кутубил илмийя, 1982

¹ Абул Муъин ан-Насафий. Табсиратул адилла. Байрут: Дарул-кутубил илмийя. 1982. 222 б

[3] Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннахр маданиятида тутган ўрни, Маърузалар тўплами / Масъул муҳаррир: М.Хайруллаев, Тошкент, 1999

[4] Ҳамидхон Исломий, Султон ул-Муъиззуддин Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Тошкент, 2000

[5] Рудолф Улрих, Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, Тошкент, 2002

[6] Сайидмухтор Оқилов, Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти, Муҳаррир, Тошкент, 2008

ҚАДИМИЙ ХАЖМЛИК ЁДГОРЛИКЛАР САНЪАТИНИНГ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АРХЕОЛОГИК АМАЛИЁТДА ИШТИРОК ЭТГАН ТАРХЧИ ОЛИМЛАР ЁЗГАН МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Обиджон ҒУЛОМОВ

ТДШУ, I босқич магистранти

“Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ – абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариши жамиятимизни ривожлантириши ва тараққий эттиришининг кучли омили бўлиб хизмат қилади”¹

И.А.Каримов

Ўзбекистон мустақилликка эришгач тарихий даврда маънавий-меросни қайта тиклаш, миллий маданиятни англаш жараёнлари ижодкорлар эътиборини яқин ва узоқ ўтмишдаги Ватан тарихи, унитилаётган қадриятлар қатламига эътибор қаратишга жазм этди. Зардуштийлик ва Буддизм динлари даври меъморлигида қадимий хажмлик ва рангтасир ёдгорликларининг тарихий манбашуносликдаги таҳлиллар ёрдамида ёритиш ва кенг тараққий топган санъат турлари, уларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, анъаналарнинг сақланиши масалаларини тадқиқ қилиши билан долзарблик касб этади.

Марказий Осиёда Зардуштийлик ва Буддизм даври меъморчилигида қадимий хажмий ва рангтасвир ёдгорликлар тарихий манбашунослик нуқтаи назардан таҳлилий асосда деярли ўрганилмаган. Сурхондарёдаги Айритом ва Кушон империяси даври буддизм дини билан боғлиқ холда яратилган археологик қазилар вақтида топилган хайкаллар ва бўртма тасвирлар, Бухоро яқинидаги Тожикистон худудида қадимда қад

¹И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т.: Маънавият, 2008. 35 б.

кўтарган Варахша саройи деворий хажмли ва ранг тасвирлари ва Хоразмдаги Тупроқала қадимий саройидан топилган деворий ранг тасвир суратлари ўша давр меъморчилигида безак ва нақшлар уйғунлигида, мутаносиблик меъёрларини белгилашдаги ўзига хослик, тарихий мабашунослар ёзиб қолдирган манбалар безаклар ва меъморий композиция ўртасидаги гармонияга эришиш, тизимнинг ички қонуниятлари, анъанавий қўлланиш амалиётига хос тамойиллар алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Шунингдек, ўша қадимги давр усталарнинг ижодий фаолиятини ўрганиш, устоз-шогирд анъанавий муносабатларини тадқиқ қилиш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Шўролар даврида тарихий обида ва амалий санъат мазмунан бузиб талқин этилганлиги мазкур жабҳанинг тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, Марказий Осиё тасвирий ва амалий безак санъатида ҳам узилишларга сабаб бўлди, хатто айрим турларнинг буткул йўқолиб, баъзиларини эса мазмунан ўзгариб кетишига олиб келди. Ҳозирда янги илмий методологиянинг кириб келганлиги Марказий Осиёдаги қадимги давлатлар бўлмиш Кушон империяси, Сўғдиёна давлати ва Хоразм давлатлари худудларида ишланган хажмили рангтасвир асарлари ва амалий безак санъатининг туб моҳияти, бадий хусусиятлари, шаклланган анъаналаридаги ички қонуниятларни қайтадан тарихий жиҳатдан кўриб чиқиб, татаракқий эттирилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларини аниқлашни тақозо этади. Бу эса Марказий Осиёда қадимда амал қилган хажмли ҳайкаллар ва рангтасвирлар зардуштийлик ва буддизм даври тарихий манбашуносликда ёритиш меъморлиги тасвирий ва амалий санъатнинг келиб чиқиш босқичларини тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб муаммоларидан биридир.

Марказий Осиёнинг жанубий ва шимолий худудларидаги тасвирий ва амалий санъати тарихини илмий ўрганиш XIX асрнинг II ярмидан бошланган. Танланган тадқиқот қамрови жиҳатдан кенг ва катта даврни ўз ичига олса-да, тарихшунослик, манбашунослик ва санъатшунослик юзасидан махсус илмий тадқиқот ишлари аниқ тарихий манбашунослик асосида, ҳаққоний таҳлилар амалга оширилмаган. Марказий Осиёдаги қадимги Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм меъморлиги билан боғлиқ хажмли-ранг тасвир ёдгорликлари ва амалий-безак санъати ҳақида ёзилган кўпдан-кўп китобларда Сурхондарё ва Хоразм меъморий, тасвирий ва амалий санъати ҳақида жуда кам маълумотлар берилган, кўп ҳолларда умумий маълумотлар бериш билан чекланилган. Бу ҳол тарихчи ва манбашунос муаллифларни Хоразм амалий санъати бўйича чуқур, алоҳида тадқиқот ўтказмаганликларини, энг муҳими Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд тарихий музейлари ва Хоразм амалий санъатининг ноёб хазинаси “Хива “Ичон қалъа” Давлат музей кўриқхонаси”

(ХДМК) фондидан фойдаланмаганликларини кўрсатади ва бу китобларда юзаки бир хилликни ҳам вужудга келтирган. Марказий Осиёнинг қадимий жанубий худудлари, Кушон давлати Сурхондарёда, Бухоро яқинидаги Варахша саройидаги ҳажмли ҳайкаллар, рангтасвир ёдгорликлари ва Хоразм даги Тупроққала саройидан топилган деворий рангтасвирлар ва амалий-безак санъати, тарихий манбашунослик мутахасислари томонидан илмий, махсус фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Амалга оширилган айрим тадқиқотлар ҳам мавзунини тўлақонли очиб бера олмайди.

Марказий Осиёнинг қадимий ҳажмили ва рангтасвир ёдгорликларини меъморлиги билан боғлиқ тасвирий ва амалий санъати тарихини ўрганилишини икки босқичга бўлиш мумкин: 1917-1991 йиллар ва Муस्ताқиллик даври.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин турли мақсадларда Ўрта Осиё тарихи, маданияти, табиий имкониятлари ўрганила бошланди. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин турли мақсадларда Ўрта Осиё тарихи, маданияти, табиий имкониятлари ўрганила бошланди. 1920-1950 йилларда В.В.Бартольд /3.28/, С.П.Толстов /3.130, 3.131/, Веймарн /3.40, 3.41, 3.42/, Б.П.Денике /3.50/, Я.Ғуломов /3.47, 3.164/лар Марказий Осиёнинг Сурхондарё, Бухоро, Самарқанддаги Афрасиёб ва Хоразм тарихи, археологияси, этнографияси ва архитектурасини тадқиқ қилганлар. Бу даврда айна зардуштийлик ва буддизм меъморлиги мавзуси чуқур ўрганилмаган, лекин мазкур олимларнинг асарларида мавзунини ёритувчи муҳим маълумотлар мавжуд. Шу ўринда С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археология ва этнография экспедициясини хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Экспедиция материаллари /3.38/ ва С.П.Толстовнинг асарларида /3.130, 3.131/ Хоразм амалий санъатининг қадимги, илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон қадимшунослари санъатшунослари, тарихчилари йирик тадқиқотларни амалга оширдилар. Г.Пугаченкова /3.102, 3.103, 3.104, 3.105, 3.106/, Л.Ремпель /3.104, 3.105, 3.106, 3.111, 3.112/, Л.Маньковская /3.75, 3.76/, И.Ноткин /3.93, 3.94, 3.95, 3.96, 3.36/, В.Булатова /3.35, 3.36/, Б.Сергеев /3.116/, Т.Абдуллаев /3.5, 3.6, 3.7, 3.8, 3.9/, А.Морозова /3.84, 6.6./, И.Жабборов /3.51, 3.52, 3.56, 3.57/, А.Болтаев /6.2, 6.3, 6.4, 6.5/, М.Сазонова /3.122, 3.123, 3.124/, Д.Фахреддинова /3.149, 3.150, 3.151/ларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. Л.Ремпель, Г.Пугаченкова, Л.Маньковская, И.Ноткин, В.Булатовалар Хоразм архитектурасини тадқиқ қилиш жараёнида меъморчиликда қўлланилган амалий санъат безакларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. И.Жабборов, М.Сазонова, А.Абдурасулов

этнография билан боғлиқ ҳолда хунармандчилик турлари ва уларнинг ривожланишини ўрганганлар. А.Болтаев (наққошлик), Б.Сергеев (мискарлик), Т.Абдуллаев (кандакорлик), Д.Фахреддинова (асосан заргарлик, умумий), Н.Содиқова (кийим-кечак), С.Булатов (умумий), М.Раҳимов (кулолчилик)лар бевосита амалий санъат турларини тадқиқ қилганлар. Муаллифлар Марказий Осиё қадимий хажмли ва ранг тасвир ёдгорлиги санъатини тарихий манбашунослик асосида ёритиш жараёнида Хоразм амалий-безак санъатига ҳам қисман тўхталиб ўтганлар.

MARKAZIY OSIYODA QADIMIY HAJIMLIK VA RANG-TASVIR YODGORLIKLAR TARIXIY TAHLILI

O.G' G'ULAMOV

TDSHU, I bosqich magistranti

O'zbekiston mustaqillikka erishgach tarixiy davrda ma'naviy-merosni qayta tiklash, milliy madaniyatni anglash jarayonlari ijodkorlarimiz e'tiborini yaqin va uzoq o'tmishdagi Vatan tarixi, unitilayotgan qadriyatlar qatlamiga e'tibor qarata boshladi.

Zardushtiylik va Buddizm dinlari davri me'morchiligida qadimiy hajmlik va rangtasir yodgorliklarining tarixiy manbashunoslikdagi tahlillar yordamida yoritish va keng taraqqiy topgan san'at turlari, ularning umumiy va o'ziga xos xususiyatlari, an'analarning saqlanishi masalalarini tadqiq qilishi bilan dolzarblik kasb etdi.

Markaziy Osiyoda Zardushtiylik va Buddizm davri me'morchiligida qadimiy hajmlik va rangtasvir yodgorliklar tarixiy manbashunoslik nuqtai nazardan tahlilliy asosda deyarli o'rganilmagan.

Surxondaryodagi Ayritom va Kushon imperiyasi davri buddaviylik dini bilan bog'liq holda yaratilgan arxeologik qazishmalar vaqtida topilgan haykallar va bo'rtma tasvirlar, Buxoro yaqinidagi Tojikiston hududida qadimda qad ko'targan. Varaxsha saroyi devoriy hajmli va rangtasvirlari va Xorazmdagi Tuproqqal'a qadimiy saroyidan topilgan devoriy rangtasvir suratlari o'sha davr me'morchiligida bezak va naqshlar uyg'unligida, mutanosiblik me'yorlarini belgilashdagi o'ziga xoslik, tarixiy manbashunoslar yozib qoldirgan manbalar bezaklar va me'moriy kompozitsiya o'rtasidagi garmoniyaga erishish, tizimning ichki qonuniyatlari, an'anaviy qo'llanish amaliyotiga xos tamoyillar alohida tadqiqotlarni talab etadi.

Shuningdek, qadimgi davr ustalarning ijodiy faoliyatini o'rganish, ustozshogird an'anaviy munosabatlarini tadqiq qilish ham dolzarb vazifalardan biri hisoblangan. Sho'rolar davrida tarixiy obidalar va amaliy san'at asarlari mazmunan buzib talqin etilganligi mazkur jabhaning taraqqiyotiga ham o'z ta'sirini ko'rsatib, Markaziy Osiyo tasviriy va amaliy bezak san'atida ham

uzilishlarga sabab bo'ldi, hatto ayrim turlarning butkul yo'qolib, ba'zilarini esa mazmunan o'zgarib ketishiga olib kelgan. Hozirda yangi ilmiy metodologiyaning kirib kelganligi Markaziy Osiyodagi qadimgi davlatlar bo'lmish Kushon imperiyasi, So'g'diyona davlati va Xorazm davlatlari hududlarida ishlangan hajmli rangtasvir asarlari va amaliy bezak san'atining tub mohiyati, badiiy xususiyatlari, shakllangan an'analaridagi ichki qonuniyatlarni qaytadan tarixiy jihatdan ko'rib chiqishni, tataraqqiy ettirilishi lozim bo'lgan muhim jihatlarini aniqlashni taqozo etadi. Bu esa Markaziy Osiyoda qadimda amal qilgan hajmlik haykallar va rangtasvir devoriy suratlari zardushtiylik va buddizm davri tarixiy manbashunosligida yoritilish me'morchiligi tasviriy va amaliy san'atning kelib chiqish bosqichlarini tarixiy jihatdan tahlil qilish dolzarb muaammolaridan biri bo'lib qoldi.

Markaziy Osiyoning janubiy va shimoliy hududlaridagi tasviriy va amaliy san'ati tarixini ilmiy o'rganish XIX asrning II yarmidan boshlangan. Tanlangan tadqiqot qamrovi jihatdan keng va katta davrni o'z ichiga olsa-da, tarixshunoslik, manbashunoslik va san'atshunoslik yuzasidan maxsus ilmiy tadqiqot ishlari aniq tarixiy manbashunoslik asosida, haqqoniy tahlilarda amalga oshirilmagan.

Markaziy Osiyodagi qadimgi Buxoro, Surxondaryo, Samarqand va Xorazm me'morchiligi bilan bog'liq hajmlik va rangtasvir yodgorliklari haqida yozilgan ko'pdan-ko'p kitoblarda Surxondaryo va Xorazm me'moriy, tasviriy va amaliy san'ati haqida juda kam ma'lumotlar berilgan, ko'p hollarda umumiy ma'lumotlar berish bilan cheklanilgan. Bu hol tarixchi va manbashunos mualliflarni Xorazm amaliy san'ati bo'yicha chuqur, alohida tadqiqot o'tkazmaganliklarini, eng muhimi Buxoro, Surxondaryo, Samarqand tarixiy muzeylari va Xorazm amaliy san'atining noyob xazinasini "Xiva "Ichan qal'a" Davlat muzey qo'riqxonasi" fondidan foydalanmaganliklarini ko'rsatadi va bu kitoblarda yuzaki bir xillikni ham vujudga keltirgan.

Markaziy Osiyoning qadimiy janubiy hududlari, Kushon davlati Surxondaryo, Buxoro yaqinidagi Varaxsha saroyidan hajmlik haykallar, rangtasvir yodgorliklari va Xorazmdagi Tuproqqal'a saroyidan topilgan devoriy rangtasvirlar tarixiy manbashunoslik mutaxassislar tomonidan ilmiy, maxsus fundamental tadqiqot sifatida o'rganilmagan.

Amalga oshirilgan ayrim tadqiqotlar ham mavzuni to'laqonli ochib bera olmaydi. Chor Rossiyasi O'rta Osiyoni bosib olgandan keyin turli maqsadlarda O'rta Osiyo tarixi, madaniyati, tabiiy imkoniyatlari o'rganila boshlandi. Bu davrda ayni zardushtiylik va buddizm me'morchiligi mavzusi chuqur

¹Abdurasulov A. Xiva (tarixiy-etnografik ocherklar). – Toshkent: O'zbekiston, 1996. – 144 b.

Abdullaev T. XIX –XX asrlarda o'zbek kandakorligi. – Toshkent: Fan, 1974. – 128 b.
Abdullayeva N.D. San'at tarixi. – Toshkent, 2006.

o'rganilmagan, lekin mazkur olimlarning asarlarida mavzuni yorituvchi muhim ma'lumotlar mavjud. Shu o'rinda S.P.Tolstov boshchiligidagi Xorazm arxeologiya va etnografiya ekspeditsiyasini xizmatlarini alohida ta'kidlash zarur. Ekspeditsiya materiallari va S.P.Tolstovning asarlarida Xorazm amaliy san'atining qadimgi, ilk va rivojlangan o'rta asrlar davri to'g'risida qimmatli ma'lumotlar berilgan.

Ikkinchi jahon urushidan keyin O'zbekiston qadimshunoslari san'atshunoslari, tarixchilari yirik tadqiqotlarni amalga oshirdilar. Xususan, G.Pugachenkova V.Bulatova A.Morozova I.Jabborov, A.Boltaev M.Sazonova, D.Faxreddinovalarning tadqiqotlari muhim ahamiyat kasb etdi. L.Rempel, G.Pugachenkova, L.Маньковская, I.Notkin, V.Bulatovalar Xorazm arxitekturasini tadqiq qilish jarayonida me'morchilikda qo'llanilgan amaliy san'at bezaklariga ham alohida e'tibor qaratganlar. I.Jabborov, M.Sazonova, A.Abdurasulov etnografiya bilan bog'liq holda hunarmandchilik turlari va ularning rivojlanishini o'rganganlar. A.Boltaev (naqqoshlik), B.Sergeev (miskarlik), T.Abdullaev (kandakorlik), D.Faxreddinova (asosan zargarlik, umumiy), N.Sodiqova (kiyim-kechak), S.Bulatov (umumiy), M.Rahimov (kulolchilik)lar bevosita amaliy san'at turlarini tadqiq qilganlar. Mualliflar Markaziy Osiyo qadimiy xajmlik va rangtasvir yodgorligi san'atini tarixiy manbashunoslik asosida yoritish jarayonida Xorazm amaliy-bezak san'atiga ham qisman to'xtalib o'tganlar. ¹

¹ Abduqodirov A. Koshin jilvasi. – Toshkent, 1970. – 22 b.

Abulg'ozi Shajarai turk. – Toshkent: Cho'lpon, 1992.

Azizova N.K. Yuvelirnye izdeliya Uzbekistana. – Tashkent: Fan, 1974. – 142 s.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	
<i>Юсупова Д.</i> «Матлабат-талибин» Абу-л-Аббас Мухаммад Талиба Сиддики – важный источник по истории Средней Азии XVI – первой половины XVII в.	4
<i>Исҳоқов М., Уразова Р.</i> - Авестада Чиста ким ва нималарга кодир?	10
<i>Зияева Д.</i> Хоразм тарихини ўрганишда Огаҳий асарларининг тутган ўрни	22
<i>Мадраимов А.</i> Ғиёсиддин Али Яздийнинг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асаридаги энг муҳим маълумотлар	26
<i>Тўраев Ҳ.</i> Мирзо Абдулазим Сомийнинг тарихий асарлари	30
<i>Doniyorov A., Dedamirzayev J.</i> - Xitoy manbalarida tojik xalqining etnik tarixiga doir ma'lumotlar	35
<i>Алимова Р.</i> XIX асрнинг иккинчи ярмида Марғилон шаҳрининг Фарғона вилояти ташқи савдосидаги ўрни (архив материаллари асосида)	40
<i>Файзиев Х.</i> Шоҳрух Мирзо фаолиятига доир баъзи маълумотлар	47
<i>Лутфуллаев Х.</i> Тасаввуфга оид айрим муътабар манбалар (Темурийлар даври мисолида)	55
<i>Арслонзода Р.</i> Колониальный период истории Узбекистана в изобразительных и мемуарных произведениях русских и европейских авторов (вторая половина XIX – начало XX в.)	58
<i>Қодиров З.</i> Салжукийлар даври тарихини ўрганишга доир хитой, византия, арман ва сурёний манбалар	65
<i>Турсунмаматов А.</i> Репрезентация некоторых практик имперской власти на примере радпных архивных документов Амударынского отдела и Ферганского областного правления	72
<i>Klichev O.</i> Amirzodaning Nikolayev kadet korpusidagi bir kuni	77
<i>Темиров Ф.</i> Садриддин Айнийнинг асарлари– Шарқ алломалари илмий меросини ўрганишда муҳим манба	81
<i>Дармонова М.</i> Ҳамид Зиёевнинг асарлари иккинчи жаҳон урушини ёритишда муҳим манба сифатида	87
<i>Раҳимджанова Н.</i> Туркистон матбуотида ўлка шифохоналари фаолиятининг ёритилиши (Туркистон вилоятининг газети мисолида)	92

Ҳамаев Н. Аҳмад Закий Валидий “Хотиралар”и совет режимига қарши қуролли кураш тарихига оид манба сифатида	97
Худойназаров И. “Мустаъриблар йилномаси” ва мустаъриблар (مستعرب) тарихига доир баъзи мулоҳазалар	104
Тўраев Л. Маҳмуд Замахшарий “Рабиъ ул-аброр” асарининг мухтасар нусхалари	109
Қодирова А. Ал Ҳаким ат-Термизийнинг тафаккурида ақл ва идрок масаласи баёни	112
Қаюмова К. Ibn al-Asirning “Al-Komil fi-t-tarix” asari tarixshunosligi va manbaviy asoslari	115
Тошев С. Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилик даври тарихини ўрганишда турк тилидаги манбаларнинг аҳамияти.....	121
Купайсинов И. Элчилик эсдаликлари-Ўрта Осиё тарихини ўрганишда муҳим манба	127
Мавлонов А. О’рта Осиёнинг қадимги даври тарихининг қадимги шарқ манбаларида акс этиши.....	131
Мирзаев А. Пахтачилик плантациялари тарихини архив ҳужжатларида ёритилиши	134
Абдувахабова М. Ёзма манбаларда Вобкент.....	139
Ғаромарзи Ф. Нofizi Аbru ва унинг илmiy меросига доир айрим мулоҳазалар.....	145
Охунжонова Ш. Тошкент бозорлари фаолиятини архив ҳужжатлари асосида ўрганилиши (1991-2018 йиллар)	152
Ширинова Н. Тарихий манбаларда соғлиқни сақлашга оид масалалар.....	158
Пирматов Д. О некоторых историчес-ких источниках о периоде Туркестанского генерал-губернатора К.П. фон Кауфмана.....	162
Назаров А. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги фонди ҳужжатлари таснифи	169
Назаров Х. Шимолий Бақтрия маданияти тарихининг ёзма манбаларда ёритилиши	174
Усманов Ф. Болалар қаровсизлиги мавзусини ўрганишда архивнинг ўрни ва роли	180
Ахмедов Т. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг ташқи хусусиятлари.....	186
Юлдашев С. Тарихий манбаларда Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар жамиятидаги аёллар мавқеининг акс этиши.....	192
Ҳакимова С. А.Миддендорфнинг “Фарғона водийси очерклари” асарида гидрографик маълумотлар	198

<i>Мирзалиева Д.</i> Қуръонда зикр этилган “Сайл ал-арим” воқеасининг ислом манбаларида ўрганилиши	202
<i>Тухтаева М.</i> Эпистолярные источники как аспекты изучения жизни и творчества искусствоведов Узбекистана	208
<i>Jaloldinova Y.</i> Ibn Asokirning “Tarixi Dimashqiy” asari xususida	214
<i>Sultonov A.</i> XVIII asr Fransiya xaritashunosligida yaratilgan tarixiy xaritalarda O`rta Osiyo xalqlari joylashuvi	218
<i>Усмонова Х.</i> XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё маданий алаоқалари ривожининг ўзига хос хусусиятлари	226
<i>Зокиров Б.</i> XVII-XVIII асрлар рус сайёҳлари асарларида Тошкент ва Туркистон шаҳарларининг тарихий топонимиясига оид айрим мулоҳазалар	229
<i>Ahmedova X.</i> Бухоро qushbegi arxivida amirlikning ma`muriy tizimi topografiyasi.....	235
<i>Qodirova Z.</i> Abu Rayhon Beruniyning ilmiy merosining qomusiy xususiyati	239
<i>Sangirov J.</i> Qo‘qon xoni Abdurahimbiy vafotiga doir voqealar yoritilgan asarlar germenevtikasi	244
<i>Xo‘janazarov O.</i> Abu Rayhon Beruniy asarlarida ijtimoiy qarashlar	249
<i>Usmonov A.</i> A.P.Xoroshxinning maqolalarida Qo‘qon xonligining ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy tarixiga oid ma’lumotlar	254
<i>Хамраев С.</i> П.И. Демезон қайдлари Бухоро-Россия дипломатик муносабатларини ўрганишда манба сифатида	258
<i>Адилова М.</i> Личный фонд С.М. Граменицкого – как источник по истории образования в Туркестанском крае (на основе фонда и-1010 на Уз).....	263
ТАРИХШУНОСЛИК ВА ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ	
<i>Исакова М.</i> Қўқон хонлиги маҳаллий қўлёзма асарлари тарихидан.....	269
<i>Ерметов А.</i> Совет даврида Ўзбекистонда фаолият юритган ички ишлар органлари тарихининг ўрганилишига доир	277
<i>Alimova R., Turdixo‘jayeva M.</i> Chust madaniyati va uning o‘rganilish tarixiga doir	286
<i>Пуговкина О.</i> Использование имперского опыта и знаний «бывших» в управлении ТАССР – Узбекской ССР (опыт советской историографии).....	292
<i>Расулова Д.</i> XIX–XX аср бошларида Европада Марказий Осиёга оид манбаларнинг ўрганилиши.....	296

<i>Илҳомов З.</i> Ўрта Осиёнинг ўрта аср тарихнавислигида оғзаки тарих тадқиқотлари масалалари.....	301
<i>Илҳомов З., Назарова Д., Адхамова З.</i> Қўқон тарихнавислик мактаби ва тарихий-илмий фикрлар хусусида айрим қарашлар.....	308
<i>Илҳомов З., Холмонова Н.</i> XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёда тарихнависликнинг баъзи жиҳатлари	314
<i>Мадраимов А.</i> Интерес Ахмет Заки Валиди Тогана к истории народов Центральной Азии	320
<i>Шукуров Р.</i> Ўзбек хонликлари тарихи Марказий Осиёнинг замонавий тарих тадқиқотларида	323
<i>Қодирова Р.</i> Энеолит ва Бронза даврида Зарафшон воҳасининг ўрганилиши масалалари.....	328
<i>Болтаев А.</i> Бир экспедиция тарихидан	334
<i>Адилов Ж.</i> Александр Бекович-Черкасскийнинг Хивага юриши: замонавий Россия тарихшунослигининг баъзи жиҳатларига доир	337
<i>Кариева Н.</i> В.П.Наливкиннинг Фарғона водийси худудида олиб борган илмий фаолиятининг айрим масалалари.....	344
<i>Раджабов О.</i> XX аср инглиз тарихшунослигида “катта ўйин” геосиёсий жараёнига муносабат ва ёндашувларнинг тарихий таҳлили	348
<i>Перемкулов Ж.</i> XIX аср охири – XX аср бошларидаги тошкентлик алломалар фаолияти хусусида.....	355
<i>Холов В.</i> Марказий Осиёга оид дастлабки билимларнинг Буюк Британияда пайдо бўлиши	358
<i>Toirov A.</i> O‘zbekistonda turkiy tillarda yozilgan tibbiyotga oid manbashunoslik ishlari tarixshunosligi	365
<i>Жуманиёзов Э.</i> Абу Мансур ал-Мотуридий - ақоид илмининг етук намоёндаси.....	367
<i>Ғуломов О.</i> Қадимий хажмлик ёдгорликлар санъатининг йўналиши бўйича археологик амалиётда иштирок этган тарихчи олимлар ёзган манбалар таҳлили	372
<i>G‘ulamov O.</i> Markaziy Osiyoda qadimiy hajmlik va rang-tasvir yodgorliklar tahlili	375

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор М.М.Исҳоқов

Тақризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Ҳ.Исмоилова

Тар.ф.н., доц. Р.Р.Алимова

Таҳрир гуруҳи:

**Ҳайдаров И.М., Одилов Б.А., Мадраимов А.А.,
Худойназаров И.Б., Абиров В.Э., Дедамирзаев Ж., Алимов З.**

Саҳифаловчи: Зокиров Б.И.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2020 йил
18 апрель куни бўлиб ўтган 2-сонли навбатдан ташқари
Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

Босишга рухсат этилди: 24.04.2020
Бичими 60x84 1/16 Шартли 24 б.т.
100 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент давлат шарқшунослик
университетининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.